

Мирзакалон

ИСМОИЛИЙ

Фаргона

ТОНГ

ОТГУНЧА



ИККИНЧИ КИТОБ

Мирзакалон
ИСМОИЛИЙ

Рағона
ТОНГ
ОТГУНЧА



ИККИНЧИ КИТОБ


ЯНГИ АСР АВЛОҚИ
ТОШКЕНТ
2019

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)

И – 81

Исмоилий, Мирзакалон

Фарғона тонг отгунча: Сўнгги кеча. Иккинчи китоб /
М.Исмоилий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 496 б.

ISBN 978-9943-20-661-8

«Фарғона тонг отгунча»нинг ушбу иккинчи китоби аввалгисидан қарийб ўн йил кейинги воқеаларни ўз ичига олади. Бунда Дилшод билан Тўтиқиз бошидаги ғавғолар, севги-муҳаббат; Тешабой, Ашурмирзо, Фосих афанди, Ҳожи хола кирдикорлари; Фуломжон, Қудрат, Ольга Петровна, Замон, Жамолиддин ва бошқаларнинг қора кучларга қарши курашлари тасвирланади.

«Сўнгги кеча» номи бу китобнинг ҳам тили аввалгисидек раво ва жозибали.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)

ISBN 978-9943-20-661-8

© Мирзакалон Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча». Фафур
Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968 йил.

© Мирзакалон Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча». «Янги
аср авлоди», 2019 йил.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТУРНАЛАР ҚАЙТГАНДА

Биринчи боб

Гул ғунчаллигида хазон бўлди

Табиат оқ ёпинчиғини ташлар-ташламас, куртаклар кўз уқалай бошлади. Баҳор майин еллари, чақчақ урган гуллари билан кириб келди. У қиши билан қайдадир димиқиб, юраги сиқилиб ётгану, мана энди, ўз майлига қўйилганидан хурсанддек, кенг далаларда яйрайди, боғ-роғларда қувнайди, гоҳ қизларнинг дурраларини тортқичлаб ўйнайди, гоҳ юзларини мулойим сийпайди.

Тўтиқиз ана шундай баҳорлардан ўн еттисини қўрди. Бу баҳорлар уни кўклам чечаги каби очиб, ўн беш кунлик ойдайд тўлдириб борди. Сўнгги йилларда ҳар янги баҳор унга янги безакда, янги жозибада кўриниб, юрагини ниманингдир толпинтирувчи ширин интизорлиги билан ёндиради. Шундай пайтларда у ўзини уй ичига сиғдиролмайдиган худди нафаси сиқаётгандек, ташқарига отилади. Баҳор бутун топган-тутганини, бутун безак ва бисотини ёйиб юборган нурафшон боғига чиқиб, қушлар чуғурига, шабада шивирига қулоқ солади.

Бугун жума. Ҳамма хушроқлик ва жозибаликларни тирикчилик вами билан қувлайган кун. Жамилахон ҳам қизи билан қўн бўлиб ўтириб тикан тагдўзи дўппиларини

№ 54632



онасини бозорга жўнатиб, уйни йиғиштирди, ҳовли саҳнини ёғ тушса ялагудай қилиб супурди, кейин юз-қўлини ювиб айвонга чиқди. У ерга анчагина эскирган қирғиз кигизи солиниб, устига кўрпача тўшалган эди. Тўтиқиз токчадан дўппи хомини олиб, кўрпачага келиб ўтирди. Кўнглида дўппи гулларини тикишдан ўзга ҳавас йўқдай, дарров ишга тушиб кетди. Нозик, эпчил бармоқлар орасида беозоргина ушланган ингичка игна дўппи юзида нафис излар қолдириб борди.

Кавуш нағалининг дукури Тўтиқизни чапдаст ўрнидан турғизди.

– Ассалому алайкум. Келинг, хола!

Ҳамидахон узоқдан хомуш келарди. У қўлидаги ишини қўйишга улгурмай истиқболга югурган суюкли жиянини аликдан сўнг бир қўли билан бағрига тортиб пешонасидан ўпди.

– Тинчликми, хола? – деди Тўтиқиз, Ҳамидахоннинг аллақандайлигини сезиб.

Ҳамидахон дарров жавоб қилмади. У жиянини ғалати аҳволда қолдириб, тўғри айвонга чиқиб ўтирди. Тўтиқизнинг ташвишли нигоҳи холасининг хомуш чехрасида довдир-жовдир кезгандан кейин хиёл чимирилган қошлар тагидаги ўйчан кўзларда тўхтади. Тўтиқиз юраги бирдан ўйнаб, кўнглига ёмон ўйлар келди.

– Нима бўлди, холажон? Ё оппоқ дадам...

– Хавотир қилманг, Тўтим. Оппоқ дадангиз дуо деб юборди, бугун Қорабулоқдан Тешабойнинг қароли келди. Ҳа, оппоқ дадангиз соғ эмиш.

Ҳамидахон жиянини ташвишдан чиқариш учун ясама бўлса ҳам жилмайишга тиришди. Лекин нотинч юзида жилмайиш эмас, тириш пайдо бўлди. Бу ғам тириши эди. Тўтиқиз энди чинакамига хавотирлана бошлади. Балки Дилшод акасига бир нима бўлгандир?



Ҳамидаҳон мўлтираган, ғусса тўлган нигоҳи билан жиянига бир зумгина тикилиб турди. Шу оний тикилишда жиянининг ҳаяжонли қалбига ваҳм илони кирди. Буни Ҳамидаҳон сездю, апил-тапил:

– Йўқ, Тўтим, Дилшод акангизга ҳам, бувингизга ҳам ҳеч нима бўлгани йўқ, кўрқманг, – деди.

Тўтиқиз юрагидаги дукур энди бир оз пасайди. Кечаси гул япроқчаларига қўнган оппоқ қиров қуёш чиққанда аста-секин кўтарилгани сингари, унинг чехрасидаги ваҳм бўзлиги ҳам тарқалиб борди.

Ҳамидаҳон Тўтиқиз учун ҳавас олиҳаси. У хола-сидай доно, ақлли бўлишни истайди.

Хола-си кўнглига келган гапни айтолмай чайналиб ўтирганда, хаёли Тўтиқизнинг дугонасида – муштумдеклигидан минг балога гирифторм бўлган бахтиқаро Тўфада эди. Бу дардли хаёл уни узоқ ўтмишга элтиб ташлади.

У кунларда Тўфаҳон энди-энди ўн бешларга қадам қўйган, она сути ҳали оғзидан кетмаган ёш ниҳол эди. Ана шу ёш ниҳолнинг шўх куйлари, дуторининг жарангдор наволари Марғилон тўраларидан бирининг қулоғига етиб борди. Етмишга кирган бу бетавфиқ тўра чеварасидай Тўфани хотинликка сўради. Бу шум хабар ҳали мурғак Тўфани нечоғлиқ ларзага келтирган бўлса, уни она меҳри билан севгувчи отинбувисини ҳам шу чоғлиқ ўтга солади. Ҳамидаҳон тўра совчилари орқали у бетавфиқни диёнатга, инсофга чақирди. Тўфанинг ўтқир зеҳнини, айниқса, санъатдаги нодир истеъдодини айтиб, хушоҳанг қўшиқларини азага, болалик кулгиларини йиғига айлантормаслигини хокисорлик билан ёлбориб сўради. Тўра эса: «У лаънати отун бизнинг кори хайримизга аралашмасун, билъакс дуойи бад қилурмиз», деб айттирди. Лекин Ҳамидаҳон кўрқмади. Тўфаҳон-

нинг ямоқчилик билан зўрға кун ўтказиб келаётган камбағал отасини маҳкам туришга, тўранинг дўку пўписаларидан ҳайиқмасликка чақирди. «Ҳамма ихтиёр сизда. Бермайман десангиз, бермайсиз. Жон Турғун ака, етимчангизга раҳмингиз келсин!» деди. Ҳамидахоннинг бу сўзлари Турғун аканинг кўнглидаги исёнга қанот бўлди. У «Тўрага берадиган қизим йўқ» деб туриб олди. Лекин тўра ниятидан қайтмади. Орадан бир неча ой ўтказиб туриб, у яна одам орқасидан одам юбора бошлади. Турғун ака бўш келавермагандан кейин тўра уни ўз даргоҳига чақиртирди. Калавасини йўқотиб қўйган художўй отани энди тўранинг мухлислари ўртага олишди, уни дўзах азоби билан қўрқитиб: «Бу фоний дунёдаки йўқсуллик азобини шунча тортяпсан, энди боқий дунё роҳатидан маҳрум бўлма. У дунё-бу дунёлигингни ҳаром қилма. Кофир қавлида кетмай, дўзах ўтида ёнмай десанг, тўрамнинг сазаларини қайтарма», дейишди.

Турғун ака ҳар неки бу гапларни алдов деб ўйламаса, буларга заррача шак келтирмаса ҳам, яна қарорида маҳкам турди.

Лекин тўра даргоҳида ҳар қандай мушкул аҳволдан қутулиш макри топилар эди.

– Қизингни тўрамга назира қил. Бунинг савоби андоғ улуғдирким, етти пуштинг гуноҳлардан форуғ бўлиб, тўғри жаннатга киргай, – дейишди.

Турғун ака бу макрга ҳам учмади. Орадан яна бир қанча вақт ўтди. Тўра жаллобларининг оёқлари тийилмади. Турғун ака у деса бу дейишди, бу деса у дейишди – ахири авом отанинг бошини айлантириб, Тўфани назира қилиб олиб кетишди.

Тўқ мушук сичқон тутса, уни дарров еб қўймайди. Аввал роса ўйнайди. Гоҳ у панжаси билан, гоҳ бу панжаси билан аста-секин уриб эркалайди. Бунни ўз иштаҳасини очиш учун қилади. Сичқон



жон ҳалпида толпинади, қутулиш йўлини қидириб ўзини ҳар ён уради, лекин мушук заррача парво қилмайди, чунки у панжасининг кучини, сичқонга нажот йўли йўқлигини биледи. У анча ўйнаб, кўнгли яйраб олгандан кейин, олижаноблигини бир ёққа йиғиштириб, бояқиш сичқонни бир ямлаб ютади-қўяди.

Тўра ҳам Тўфани роса бир ярим йил қўйиб берди. Аввалига уни болам-бўтам деб ийтиб олишга ҳаракат қилди. Кейин Тўфани хужрасига чақириб дутор чалдириш, ашула айттириш пайига тушди. Тўфа ўламан олло унамади. Тўранинг катта хотинига арз қилиб, ундан паноҳ тилади. Уйлантирилган ўфилларидан, куёвга берган қизларидан қатор-қатор неваралар, чеваралар кўрган бу тақводор кампир эрининг тамом тескариси эди. У Тўфани анча вақтларгача қанотида сақлаб, ўзидан бир қарич жидирмай юрди. Лекин кампир, худди биров заҳар ичириб қўйгандек, бирдан ўлиб қолди. Ана шундан кейин...

– Ноинсоф тўра Тўфа бечорани ўзига никоҳ қилдириб олибди! – деди Ҳамидаҳон, узоқ чайналиб ўтиргандан сўнг.

Тўтиқиз «вой» деганича ерга қараб олди.

Холаси ғам ичида ёниб сўзлар эди:

– Бу дунёнинг шўру ғавғоларидан кимга дод этсак? Кимга, Тўтим, кимга?! Наҳотки биз ғарибу бенаволарни мол ўрнида соттирмақ, нафс балосига қурбон эттирмақ учунгина яратган экан Худо-йим?!

Тўтиқизни хаёли ёшлик чоғларига бошлаб кетган эди. Кичкина қизчалигида Тўфа қиз билан тўптош ўйнаганлари, Дилшод акасидан ўрганган ҳарфларни Тўфага ўргатгани, Дилшод оғриб қолганда уни чақириб чиқиб ашула айттиргани, кейинча, ёшлари ўн учлардан ортганда, Тўфа

Дилшодга муқом солиб ўйинга тушса юраги гаш бўлгани, ниҳоят, тўраникига назира қилиб олиб кетишаётганида Тўфа уни қучоқлаб йиғлагани, бир отасига талпиниб: «Мени бериб юборманг, жон ота!» деб Худонинг зорини қилгани, бир Ҳамида холасининг бағрига отилиб: «Қутқазинг! Қутқазиб қолинг мени, жон отинбуви!» деб фарёд ургани – ҳаммаси, ҳаммаси кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Кейин бу кичкина, нозиккина, янги ниҳол каби мўртгина Тўфа ҳилвираб қолган чол қўйнида тўлғанаётган, сунбул сочлари тўзриб, ўзини ҳар ёнга ураётган ҳолатида кўринди Тўтиқизнинг кўзларига. Кўринди-ю, юрагидаги алам тугёнини кўзларидан ёш қилиб оқизди.

– Энди нима қилдик, холажон, нима қилдик?

– Нима қила олардик, Тўтим, гул ғунчалигида хазон бўлди...

Тўтиқиз ўзини холасининг бағрига отди. Энди пиқиллаб эмас, ҳўнграб йиғлар эди. Ҳамидахон уни юпатмади. Юпатишга сўз топмади. Фақат ғам тиришлари сўлиштирган қалтироқ лабларидан шу сатрлар узилди:

*Бу каби гумроҳлар, нафси балолар дастидан
Биз ғарибу бенаволар афғон билан ўтмоқдамиз...*

Хола-жиян умид кулбаси йиқилган икки ғариб сингари бир-бирига суяниб узоқ ўтирди. Орада чурқ этган овоз бўлмади. Тўтиқиз лола юзини ювиб тушаётган ўтлаи ёшлари билан холасининг кўксини ивитиб дугонасини ўйласа, холаси ўз кўксида паноҳ топгандек бағрига кириб олган жиянини ўйлар эди.

Ҳамидахоннинг ўйлари уни ваҳм лаҳмида судрай-судрай толиқтиргандан сўнг, йилтираган ёруғга олиб чиқди.



– Худойимга минг қатла шукурки, сизни бувак-лигингизда Дилшод акангизга этакйиртиш қилиб қўйганмиз. Дадангиз тезроқ кела қолса-ю, тўйларингизни қилиб, Тўфа бечора бошига тушган шўру андуҳлардан сизни қутқазиб қолсак, – деди Ҳамидахон, мулойим жилмайиб.

Тўтиқиз Дилшодга бешиккертти қилиб қўйилганини яхши билса, бунга кўникиб кетган бўлса ҳам яна қизлик ибоси қўймади, у холасининг иссиқ бағридан бирдан юлиниб, уй ичига қочиб кириб кетди. Ҳамидахон жиянининг орқасидан бир неча зум кулимсираб қараб турди. Кейин ўзи ҳам ўрнидан қўзғалиб, уй дарчасига келди.

– Шўрлик Тўфадан хабар олиб келмасам бўлмайди. Бечора қон йиғлаб ўтиргандир.

Тўтиқиз уйдан отилиб чиқиб, холасининг яна қайғу чўккан ғамгин юзига ташвиш билан тикилди.

– Вой холажон-эй, бир ўзингиз қандоқ борасиз? Ахир Марғилон яқинми?

– Хавотир қилманг, Тўтим. Турғун ака бирга боради. Оташ аравада борармишмиз.

– Оташ аравада...

Тўтиқиз ерлик халқ оташ арава деб атаган поездни кўрмаган бўлса ҳам, таърифини эшитган эди. Шу учун ўзининг ҳам холасига ҳамроҳ бўлиб боргиси, дугонасига шу оғир кунларда ҳамдард бўлгиси келди. Бунга Ҳамидахон жиянининг истак учкунлари чақнаб турган кўзларидан кўрди.

– Сизни ҳам бирга олиб борсам бўларди, лекин эртага кизлар ўқишсиз қолишади-да, – деди у, узр айтаётгандай қилиб. – Қизларга ўзингиз отиналик қиласиз, жон Тўтим.



Иккинчи боб Баҳор нашидаси

Юрак паллалари каби бир-бирига туташ икки ҳовлида Тўтиқиз ёлғиз қолди. Бу ёлғизлик аввалгиларига ҳеч ўхшамасди. Назарида ҳовли уни худди ютиб юборадигандек бўлаверди. Уйга кирса – уйда, ташқарига чиқса – ташқарида ваҳм босди. Кошки эди онаси бозорини қилиб, тезроқ қайта қолса! Дилшод-чи? О, Дилшод, ҳар куни қош қорайганда келади.

Тўтиқиз юрагидаги ваҳмни босиш учун бирон нарса билан машғул бўлиш ниятида яна қўлига дўппи хомини олди. Уни тиззасига қўйиб, секин игна санчди. Аммо игна санчилганича қолди. Холасининг: «Тўфа бошига тушган шўру андуҳлардан сизни қутқазиб қолсак», деган сўзлари эсига тушди-ю, бирдан юраги орқасига тортиб, кўз ўнги хираланди. Холасининг боя оддий дилдорликдай ўтиб кетган гапи энди бутунлай бошқа маъно олди. Энди унинг замирида қорасовуқ нафаси бор эди. Борди-ю, Тўтининг бошида ҳам шу савдолар бўлса-чи? Йўқ, йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас! Ахир неча йилдан бери остонасидан совчи оёғи узилмайди. Катталардан чиқса ҳам, кичиклардан чиқса ҳам «Дилшодга унашиб қўйилган» деб совчиларни ҳар доим қайтариб юборишади-ку!

Бу ўйлар уни тинчителиши, куз япроғидек титраб турган бежо юрагига далда бериши керак эди. Лекин ундай бўлмади. Уни биров худди зўрлик билан олиб кетаётгандек, ёшлиқ қалбининг маъбудидан жудо қилаётгандек бўлаверди. Юраги потираб, кўча эшигига келди. Уни ичкаридан қия очиб, худди бировга ташнадек, кўчага мўралади. Ташнаси кўринмадими ё кўнглига ҳеч нарса сифмадими, яна эшикни хаёлчан ёпди. Зулфинни илди. Кейин ёш



бола қучоғига аранг сифадиган мирзатераклар тагида чулдираб оқаётган ариқча лабига келиб тўхтади. Не мақсадда тўхтаганини ўзи ҳам билмасди. На қўлларини ювди, на рангини хиёл йўқотган паришон юзига сув сепди. Бир оз хаёл суриб тургандан кейин яна айвон томон юрди. Айвонга келиб ҳам ўтирмади, ҳали тиззасидан итариб ташлаган ишини ҳам қўлига олмади. Бир неча дам паришон турди, сўнг у ёқ-бу ёққа бир жаланглаб боққач, секин-секин юриб орқа ҳовлига ўтиб кетди.

Теварақтаги пахса деворлари анчагина нураб қолган кенг ҳовли турли-туман мева дарахтлари, уларнинг хилма-хил гуллари ичида чакан кўйлакка ўхшар эди. У тўғри келиб бир шафтоли дарахти тагида тўхтади. Гули тўқ пушти бўлгани учун бошқа шафтолилардан ажралиб турган бу дарахтни Тўтиқиз ўзга бир ишқибозлик билан севарди. Қаранг: мунча ҳам гул япроқчалари чиройли, йирик, нафис, тиниқ! Қизиқ, бошқа шафтолилардан бир ҳафта илгари гуллайди-ю, яна ҳаммасидан кейин, мезон ўрталарига бориб пишади. Меваси-чи? О, меваси тилни ёради, бирам лаззатли! Нечун бундай экан?

Баҳор чамани Тўтиқиз баҳрини очиб, кўнглидаги гашликни анча тарқатди. Энди у теварагидаги гўзалликни фарқ қила, унга ҳаваслана бошлади. Бу ҳавас уни ҳовли тўрига, каттакон қирмизак олма тагига етаклади. Олманинг ёнга ўсиб кетган бақалоқ шохига арғимчоқ осилган эди. Тўтиқиз танаффус вақтларида, баъзан дарсдан кейин мактаб қизчаларини шу хушманзара ерда ўйнатар, шу ерда бирга-бирга ашулалар айтиб, бирга-бирга арғимчоқ учишарди. Қани энди ўша хушчақчақ дамлар ҳозир бўлса!

Тўтиқиз учиб кўрмоқчи бўлди. Лекин арғимчоқ тахтасига бир оёғини қўйиб энди кўтарилган

эди, кўча эшиги бирдан тақиллаб қолди. У оёғини арғимчоқдан тушириб, шоша-пиша кўчага югурди.

– Кимсиз?

– Мен. Менман, оч эшикни!

Тўтиқиз овоз эгасини таниб, ўзини дарҳол дарвозахонага урди. Юзига ёқимли жилмайиш, баданига ёндирувчи бир ўт югурди. Қўлини узатди-ю, зулфинга етмай орқаси билан эшик ёнидаги деворга суяниб қолди. Бу – қиз шўхлигимиди ё шодлиги, буни кўчада турган киши кўрмас, сезмасди. Тўтиқиз кўзларини юмиб, жилмайганича туриб қолди.

– Оч, ё мени танимаяпсанми?

Тўтиқиз жавоб бермади. Ниманингдир ҳузурини қилаётган кишидай ҳамон кўзларини сузиб, жилмайиб турар эди.

Энди эшик итарилди.

– Оч, ахир мен Дилшодман!

Тўтиқиз зулфинни секин туширди, оёқ учида юриб, дарвозахонадан аста чиқди. Кейин физиллаганича ҳовлига ўтиб кетди.

Дилшод зулфини туширилганини сезмай, яна бир оз кутди. Хаёлига Тўтиқизнинг шўхликлари келиб, юзида ёш бола макрини пайқаб турган киши жилмайиши пайдо бўлди. У кўзларини ғалати қилиб сузди. Бу сузилишда: «Шошмай тур, ўзингни доғда қолдирмасамми!» деган макр ўйини бор эди. Шу ўйин амри биланми, у эшикни қаттиқ итарди. Эшик тарақлаб очилди. Дарвозахонада Тўтиқизни кўрмади, ажабланиб бир оз анграйиб турди. Кейин, эшикни ёпиб, саҳнга ўтди. Тўтиқиз у ерда ҳам кўринмади.

– Тўти, қаердасан? Сенга армуғон келтирдим, – деди у, интизор кишининг ҳаяжонли товуши билан.

Тўтиқиздан жавоб бўлмади.

– Сенга бир аломат нарса олиб келдимки, кўрсанг ҳайрон қоласан! Қўй бекинмачоғингни! Буни



қара, атайин сенга кўрсатгани олиб келдим-а! Майли, кўргинг келмаса, қайтариб олиб кетавераман!

Дишод кўз-кўзлаётган нарса тошбосмада босилган баёз эди. У Тўтиқизнинг ҳар қандай китобга, айниқса, янги чиққан баёзга ўч эканини, шу китоб қўлига тушса, емак-ичмакни, уйқу, ҳаловатни унутиб, варақлар ичига кириб кетишини билар эди. У китобни очиб, баланд овоз билан ўқиди:

*Маризи ишқа дармон йўқ висоли ёрдин бошқа,
Кангул истарми, ҳайҳот, ишқ аро дилдордин
бошқа.*

Дишод бу сатрларнинг кучига ишонар, Тўтини ҳар ерда бўлса ҳам ёнимга келтиради, деб ўйларди. Лекин Тўтиқиздан яна жавоб бўлмади.

Дишод китобни ёпди, илдам одимлар билан ҳовли томон кетди. Дарчага яқинлашганда, Тўтиқизнинг ерда ётган бир пой кавушини кўриб, завқ билан кулди. Лекин кўнглига келган бошқа бир фикр бу кулгини юзидан дарҳол сидирди. Илгари куни савалаб ёққан ёмғирдан кейин ер нами ҳали кўтарилмаган эди. «Ер зах-ку!» деди-ю у кўнглида кавушни олиб дарров ҳовлига югурди, Тўтиқизни узоқдан кўрди. Тўтиқиз, ҳеч нарсадан хабари йўқдай, ҳадеб арғимчоқ учарди. Дишод бир қўлида китоб, иккинчи қўлида кавуш билан етиб келди. Арғимчоқ тагида ётган иккинчи пойни кўриб, Дишод қўлидаги кавушни дарҳол орқасига яширди. Буни Тўтиқизнинг зийрак кўзлари аллақачон сезган эди. У парво қилмай арғимчоғини учаверди.

Дишод жаҳли чиққан одамдай:

– Ҳой, лўли қиз, бу нима қилганинг?! – деди.

Тўтиқиз қув кулимсиради.

– Аввало, ассалому алайкум, Дишод ака! Сизни кўриб, дилимиз шод бўлди. Энди бизга кийгиз-



ган янги либосингизга келайлик. Йўқ, йўқ, буниси кейин. Аввал, орқангизда яшириб турган кавушни шеригидан жудо бўлган ғариб ёнига қўйсангиз. Ҳа, бир-бирига сарғайишмасин...

Дилшод кавушни келтириб шеригининг ёнига қўйди.

– Ҳа, баракалла, бу олижаноблигингиз учун биз бир мадҳия қарздормиз, – деди Тўтиқиз, кўзларида фусун ўти чақнатиб.

Дилшод сеҳрланган кишидай қотиб қолди. Тўтиқиз уни шу аҳволда қолдириб, яна бояги гапига қайтди. Ҳам кўзлари, ҳам лаблари билан ширингина қилиб кулди.

– Ҳа, энди бизга кийгизган янги либосингизга навбат. Хўш, гуноҳкорингиз нима қилибдики, лўли қиз, дейсиз?

Дилшод оху кўзлардаги шўх ўтни, тароват бурқиб турган нафис лаблардаги фусункор табассумни кўриб, беҳуд турар эди. У бу ерга нечун келганини, Тўтиқизга нима деганини унутди. У Тўтиқизни ҳеч қачон бу жозибادا, бу латофат, бу жилвада кўрмаган эди. У қимирлашни ҳам, бир нима дейишни ҳам билмай Тўтиқизга ром бўлиб турарди. Тўтиқиз унинг кўзларидаги беҳудликни кўриб, аввал кўрқди, кейин ноздан, фусундан мусаффо, тоза бир кулги билан шарақлаб кулди.

– Вой ўлай, мунча тикиласиз? Ё мени танима-япсизми?

Нимжон, паришон товуш деди:

– Ҳа, танимаяпман. Сизни энди кўряпман.

Уни ёндирган ўт «сиз» сўзи билан Тўтиқиз вужудига ўтди. Ахир Дилшод уни ҳеч қачон сизламас, ёшлигида сингил, каттароқ бўлишганда ўртоқ деб билгани учун хаёлига бу хил иборалар келмас эди. Вой ўлай, кўзларини қаранг! Юрагида шу он алланарса уйғонгану, шу нарса жарчиси эмасми бу кўзлар?



Тўтиқиз юрагига дукур тушди. У худди арғимчоқдан йиқилиб кетадигандек, арғамчини маҳкам ушлаб олди. Дилшод худ-бехуд яқинлашиб борар эди. Тўтиқиз энди қўрқиб кетди. Юраги ҳам қаттиқ ура бошлади. У бир қўлини арғимчоқдан бўшатиб, «келманг» ишорасини қилди. Дилшод тўхтади. Қалбини ёндирган ўт унинг лабларини қуриштирган эди. У бир яланиб олиб: «Тўтихон...» деди-ю, айтолмаган сўзларини жовдир кўзларига ҳавола қилди. Тўтиқиз яхши тушунди. Тушунган ҳамано миясидан тортиб оёқларигача элитувчи бир қон югурди. Кўзлари беихтиёр юмилди. Лекин инсон ҳаётида бир марта, фақат бир мартагина бўладиган бу бахт бехудлиги бир зумдан ортмади. У сесканиб кўзларини очди. Назарида...

– Йўқ, йўқ, орқангизни ўгириб туриг, ҳайинчақдан тушиб олай, – деди Тўтиқиз, ёлборувчи бир товуш билан.

Назарида, Дилшод уни арғимчоқдан қучоқлаб оладигандек туюлган эди.

Энди Дилшод илтижо қилди:

– Ижозат берсангиз, ўзим тушириб қўйсам...

Тўтиқиз миясига қон урди, кўз ўнгини қалин парда олди. У бир неча зум ҳеч нимани кўрмай, нест турди. Агар шу он ерда бўлса, шу қудратли сўзни тик туриб эшитган бўлса, гандираклаб йиқилар эди.

Дилшод уни бу ҳолатидан рози деб ўйлади. Бир қадам илгари босди. Энди уч қадамдан ортиқ масофа қолмаган эди. Тўтиқиз оёқ шарпасидан хушига келди. Оҳу кўзлари бирдан очилди, оҳу чаққонлиги билан бир сакраб арғимчоқ тахтасига чиқиб олди. Энди бу ҳолатда кўтариб олиш қийин эди. Тўтиқиз яна бир қўлини қалқон қилди:

– Тўхтанг! Аввал битта гапим бор, кейин.



Дилшод яна тўхтади. У битта гап эмас, мингта гап бўлса ҳам эшитишга тайёр эди.

– Етти қадам нарироққа бориб, орқангизни қилиб турасиз. Мен... мен... бир оз... кейин чақираман, – деди у, ўзини ҳам, сўзини ҳам йўқотиб қўйган кишига ўхшаб.

Дилшод қув кўзларидаги ўтга маъно бермади. У ҳозир бирон нарсага маъно бериш ҳолатида эмас эди. Худди жоду қилинган кишидек, етти қадам орқасига қайтиб, тесқари ўтирилиб турди. Тўтиқиз тулки шарпасизлиги билан арғимчоқдан жадал тушди, кавушларини кийиб, хилватга беркинди.

Дилшод эса унинг чақирини итоат билан кутиб турарди. Аммо Тўтиқиз чақирмас, ўртада бирон шарпа эшитилмас эди. Дилшод ичи пишиб орқасига қаради.

«Тавба, яна ғойиб бўлди! Ё Тўти қиёфасида кўринган паримикан бу?» Шу ўй асири бўлиб, у бир оз турди. Кейин бу бир хаёл дасисаси эканини англаб, ўзидан кула бошлади.

Дилшод ҳамон қўлида ушлаб турган баёзни очиб, боя ўқиган шеърни топди. Кейин баланд овоз билан деди:

– Хайр, майли, беркинган жойингизда ўтиринг. Фақат битта илтимос: бир байт ўқийман, шуни яхшилаб эшитинг. Агар шу байт ҳам сизга кор қилмаса, яъни сизни иссиқ инингиздан чиқармаса, унда мен адашибман.

*Маризи ишқа дармон йўқ висоли ёрдин бошқа,
Кангул истарми, ҳайҳот, ишқ аро дилдордин
бошқа.*

Тўтиқиз девор тагидаги гулнора орқасидан бирдан югуриб чиқди. Ёноқлари қизил, кўзлари жовдирар эди.



– Сиз қаердан олдингиз буни? – деди у, Дилшод ёнига ҳаллослаб келиб.

Дилшод китобни орқасига яширди.

– А, танидингизми бу шеърни? Сабр қилинг, буни кўриш учун аввал кўрмана бериш керак.

У Тўтиқизнинг ҳаяжон олайтирган бежо кўзларига тикилди.

Тўтиқиз ерга қараб олди.

– Бунақа китобларни ҳар доим ўзингиз келтириб берардингиз-ку, энди нимага кўрмана сўрайсиз? – деди у, жажжи қиз ўксишига ўхшаш бир адо билан.

У ҳозир лабларини буриб йиғлаб юборадиган қизчага ўхшаб кетди. Дилшод завқланиб унга бир оз қараб турди. Кейин, кичкина болани гапга солишдан ҳузур қилган кишидай:

– Хўп, бўлмаса айтинг: бу сатрлар нечун сизни инингиздан қувиб чиқарди? Танидингизми?

– Келинг, кўрсата қолинг...

Энди қийнаш навбати, қийнашдан ҳузур қилиш навбати Дилшодга келди. У китобни Тўтиқиздан қочиброқ кўз-кўзлади.

– Мана, кўриб олинг.


Тўтиқиз муқовадаги ёзувни ўқиди:

«Ашъори нусвон». Вой, мен буни кўрмаганман! – деди у, китобга чанг солиб.

Лекин қўли етмади. Дилшод уни дарров орқасига яшириб олди. Тўтиқиз хафа бўлди, калласини ерга эгиб, дўқиллаганича олма орқасига ўтиб кетди. Унинг бу беозор қилиғи Дилшодда ҳамма вақт завқ уйғотар эди. Ҳозир ҳам унга завқланиб қараб турди. У энди кечагина гоҳ бурнини оқизиб, гоҳ мана шундай аразлаб юрган кичкина Тўтига ўхшаб кетди.

Дилшод инсофга келди.

– Хўп, кўрсатаман, майли, қўлингизга ҳам бераман. Аммо иккита шартим бор. Биринчи – дарахтнинг





у ёғидан бу ёғига, мен томонимга ўтасиз. Иккинчиси – шу сатрларнинг давомини ёддан айтиб берасиз. Бўлдимми?

Ҳалиги сатрлар қизни мароқ ўтида ёндирарди. У индамай бу томонга ўтди. Кўзлари ҳамон ерда эди. Шу ҳолатда бир оз тургандан кейин Дилшодга ер остидан қараб:

– Кулмасангиз айтаман, – деди.

Дилшод дарров ваъда берди.

Тўтиқизнинг кўзлари боғдан бир нима қидираётгандек, бир зум жавдиради. Кейин ўзи севган шафтоли дарахтининг тўқ пушти гулларига келиб тўхтади. Шунда Тўтиқиз чеҳрасига дил чироғининг нури тушди. У севгисини шу гулларга изҳор қилаётгандек, майин, ҳазин товуш билан ўқий кетди:

*Қачонким ишқ домина гирифтор ўлди қуш
канглум,
Фигону нола сизмас ўлди сийнам алёрдин
бошқа.
Умиди васл ила шому сабоқ андоққи толибман,
Табиб олдиға бормас мутлақо бемордин бошқа.
Шарафдир ишқ элиға ёр тупроғинда жон
бермак,
Нечукким ҳамдами йўқ гулларинг бир хордин
бошқа...*

– Офарин! Минг офарин, Тўтим! – деди Дилшод, китобни попиллатиб ёпиб. – Мана, кўринг! Ёзғувчиси Тўтиқиз, сиз, сиз!..

Тўтиқиз китобни қўлига олганини, қандай қилиб Дилшод ёнига келиб қолганини сезмади. У ҳозир қалб созининг оҳангларига айланиб фазоларда учарди. Китоб ҳам варақларини қанот каби қоқиб учар, теварагидаги мева гуллари чапак чалиб олқишлар, дарахтларда шохдан-шоҳга учиб



ўйнашган қушлар севинч рақсига тушар, асалари-лар гув-гуви севги таронаси бўлиб эшитиларди. У фазолардан яна ерга учиб тушар, ҳар гулга салом бериб, уни ҳарорат билан ўпар, қучар...

Наҳотки шеъри бир баёзга киритилгани учун шунчалар қувонса? Қани энди қарорини йўқотиб, қафасдан учиб чиққан каптардай кенг ҳавога толпинган қалбига кириш, ундаги беқарорлик сирини билиш мумкин бўлса! Балки Дилшод сўз орасида «Тўтим?» деб юборгани, неча вақтлардан бери ташна қилган ва чўчитган бу иборани биринчи марта эшитгани учун шунчалар шод, шунчалар кўнгли ободдир? Энди ундан бахтли одам йўқ. Бу бахтни вужудига сирдиrolмай, боғ чаманида яйрагиси, югургиси, ирғишлагиси, куйлагиси келди. Шундай қилди ҳам. Пиладираганича гулдан-гулга югурди. Ўзи куйламас эди, дили куйларди, қалбининг қаҳқаҳалари, ҳаётбахш кулгилари лабларида акс садо бериб янграр эди.

Дилшод ҳам ўзини тутиб туrolмади. Худди Тўтиқиз кўлидан ушлаб етаклаётгандек, орқасидан югурди. Энди қиз бир дарахтдан бошқа дарахтга, бир бутадан бошқа бутага қочар, улар орқасига ўтиб яширинар, тутқич бермай кулар, ўйнар, ҳансираб, ҳаллослаб югурар эди. Шу югуришлардан бирида у беҳосдан Дилшоднинг бағрига келиб урилди...

Бир неча дақиқадан кейин Тўтиқиз кўлидаги китоб ерга тушиб кетди.

Учинчи боб

Мактуб

Жамилахон бозордан ҳар сафаргидек чарчаб келди. Ҳавонинг исиб кетгани, кўлидаги юкининг оғирлиги ҳолини қуритган эди. Дарвозахонада юкини ерга қўйиб, қизини чақирди. Лекин ичка-



ридан на овоз, на оёқ шарпаси келди. У томирлари зирқираб оғриётган жонсиз қўлига яна юкини олиб саҳнга ўтди. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Ул-буллари-ни даҳлизга киритиб қўйиб, ариқча ёнига келди, ювинди. Кейин бир оз нафасини ўнглаб олгач, қизини орқа ҳовлида деб ўйлаб, ўша ёққа юрди. Дарчадан ўтди-ю, ҳеч чарчамаган кишидек, бирдан жонланиб кетди. Юзига ёқимли жимайиш югурди. Узоқда, қирмизак олма атрофида Дилшод иккаласи қувишиб, чақчақлашиб ўйнашаётган эди. Жамилахон: «Ҳали ҳам ёш болаликлари қолмапти» деб кулди. Бир оз завқланиб қараб тургандан кейин қайтиб кетди.

Жамилахон тўғри даҳлизга кириб, келтирган нарсаларини жой-жойига қўйди. Қайнатма шўрва қилиш учун ўчоққа қозон осди. Энди ўт ёқаман деб турганда, кўча эшиги бирдан тақиллаб қолди. Ҳуши жойида эмасмиди, ўчоқ бошидан қимирламай:

– Тўтихон, қаранг-чи, ким экан? – деди. Кейин қизининг шарпаси эшитилмагач, у ҳовлида экани эсига тушиб, ўзи борди.

– Кимсиз? – деб сўради у, дарвоза муъолишида тўхтаб.

Кўчадан эркак киши овози келди:

– Ашурмирзонинг эшиги шуми?

Эрининг номини эшитиб, Жамилахоннинг юраги аллақандай бўлиб кетди. Бир сесканди, ичидан юзига ўт сочилди. Бу номни эшитмаганига анча вақтлар, ном эгасини кўрмаганига кўп йиллар бўлган эди. Юраги увушиб, кўзлари ўз-ўзидан юмилди.

Жавоб бўлавермагандан кейин кўчадаги киши саволини яна такрорлади:

– Ашурмирзонинг эшиги шуми?

– Шу, – деди Жамилахон, жонсиз тандан чиққандек бир садо билан.

«Мен Ашурмирзодан мактуб келтирган эдим.



Мактуб? Ё Оллоҳ, ширингина қизим бор эди, ёш қолган қайлиғим бор эди, деб ўн йилдан бери йўқламаган, бир энлик хат билан ёдламаган вафосиздан мактуб? Йўқ, йўқ, бу хато! У бошқа Ашурмирзо! Боласини севган, ёрига вафодор бўлган бошқа Ашурмирзо! Ахир дунёда Ашурмирзолар камми? Кўп, жуда кўп! Бу Жамиланинг Мирзоси эмас, бошқа бир бахтли жувон Мирзоси! Севганидан энди очилган гуллигида жудо бўлмаган, одамлардан яширишиб хилватда қон-қон йиғламаган, тунларни кунларга улаштириб ўй сурмаган, доғу ҳасратда сочлари оқармаган бошқа бир бахтли хотин Мирзоси! Ҳа, бу Жамиланинг Мирзоси эмас! Йўқ, йўқ, йўқ!..»

Бу аламли ўйлар Жамилани шафқатсиз қўлларда кўтариб ерга урди. Дилида қаттиқ оғриқ турди. Бу оғриққа чидолмай додлагиси, фарёд уриб йиғлагиси келди. Бу оғриқ аламли хўрликка айланиб бўғзига тикилди. Ҳиқиллаб йиғлаб юборди, лекин додламади, оғзини маҳкам тўсиб олди. Шу аҳволда бир дақиқа, узоқ борса бир дақиқа турди. Кейин минг азоб билан ўзини йиғди. Йўқ, йиғишга ҳаракат қилди. Ҳамон ҳиқиллаб, биғиллаб туриб дарвозахонага кирди. Ўзи таниёлмаган бир товуш билан: «Ҳозир» деди-ю, Дилшодни чақиргани югурди. Йўл бўйи ёшини артиб борди. У орқа ҳовлига ўтганда, Тўтиқиз арғимчоқ учар, Дилшод эса унга маҳлиё бўлиб ёнгинасида турарди. Жамилаҳон уни узоқдан чақирди.

– Дилшод, Дилшодбек, чопинг!

Дилшод холасининг ёнига тез етиб келди. Унинг юзидаги саросималикни, кўзларида ошкор сезилиб турган йиғи нишонасини кўриб шошиб қолди.

– Нима гап, тинчликми, хола? – деди дарров, юрагига гулгула тушиб.

Холасининг бутун вужудини ҳаяжон қамраб олган, бу ҳаяжон уни потирлатиб қўйган эди.



– Поччангиздан биров хат келтирибди. Кўчада турибди. Тез ичкарига олиб киринг!

Дилшод «хўп» деди-ю, шошиб ташқарига югурди. Улар дарчага яқинлашганларида орқаларидан Тўтиқиз етиб келди. Учовлашиб ичкарига киришди. Жамила эс-ҳушини йўқотган Тўтиқиз ўт бўлиб ёна бошлаган, Дилшод эса шошиб қолган эди.

Жамила нима қилишини. билмас эди.

– Қаерга, қаерга ўтқазамиз?

Тўтиқиз супургига қараб югурди.

– Айвонга, ўзимизнинг айвонимизга!

Она-бола айвонга жой солгани, Дилшод эса бахт кушидай учиб келган азиз меҳмонни кутгани кетди. У жадал эшикни очди. Кўчада ёши қирқларга етиб қолган, истараси иссиқ, хушбичим бир қора соқол киши турар эди. Дилшод дарров қўлларини қовуштириб салом берди. Меҳмонни ичкарига таклиф қилди.

Меҳмон шарқ одати ва одобига мос бир таъзим билан остонадан майингина ўтиб, дарвозахонада тўхтади.

– Аввало, танишиб қўяйлик, – деди у, ўзига ярашиб тушган бир мулозамат билан. Кейин ясамадан кўра табиийга ўхшаган бир чақчақ билан илова қилди: – Мезбон кимга туз бераётганини, меҳмон эса кимнинг тузини еяётганини билиб қўйса, чакки бўлмас, дейман. Зеро, Ҳазрати Сайқалий ҳам буни таъкид қиладилар:

*Тузингни тузга бер, туз айлағай кор,
Бузар берсанг бузуққа, берма зинҳор!*

Дилшод мамнун кулди.

*Абузар бирла қилма аҳду паймон.
Бу зар охир бузар ёки узар жон!*



Дилшоднинг ҳозиржавоблиги меҳмонни ҳайрон қолдирди.

– Офарин, офарин! – деди у, астойдил хурсанд бўлиб. – Энди баҳузур танишсак бўлади. Камина бандалари Қоҳирада таҳсил кўрган маърифат қуларидан Жамолиддин Сидқий. Ўзлари?

Унинг очиқ чеҳралиги, қалби губордан пок киши таассуротини қолдирганлиги Дилшодни ўзига жазб қилган эди. Шунинг учун бўлса керак, дарров отини айтди.

Жамолиддин тоза кўнгилдангина чиқа оладиган тоза бир кулги билан дарвозахонани тўлдирди.

– Э-э, Ашурмирзонинг жияни! Ассалому алайкум, кўришиб қўяйлик!

Дилшод ҳарорат билан меҳмон кўлларини қисди.

– Жанобларини мана бундай деб таъриф қилган эдилар, – деди Жамолиддин, чап кўли билан бели баравар бир баландликни кўрсатиб. – Мана энди чўгдай ёниб, савлат тўкиб турган навқирон йигит, сабза мўйлов...

– Инсон яқин кишисидан ё танишидан айрилганда, уни ҳар вақт сўнгги марта кўрган қиёфасида хотирлар эмиш, – деди Дилшод, мийиғида кулимсираб.

– Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа.

Жамолиддин тилида фақат маъқуллади-ю, дилида унга таъзим қилди. Турмуш тажрибасидан беҳабар, ғўр кўринган бир ёш йигит оғзидан ҳаёт фалсафасининг чиқиши уни мафтун этган эди. Бу фалсафа Дилшодни Жамолиддин назарида жуда баланд кўтариб юборди.

Дилшод ўзини четга олиб меҳмонга йўл берди. Кейин ярим қадам олдинга ўтиб, ёнаки юриш билан уни айвонга бошлади.

Қалин тўшалган янги кўрпачага ўтиргандан кейин меҳмон қисқагина фотиҳа қилди:



– Омин, тўйлар бўлсин.

Дилшод дарров ўрнидан туриб таъзим қилди.

– Хуш келибдилар.

– Қуллуқ.

Дилшод қўлга сув бериб, дастурхон ёзди. Жамоллидин дастурхондан бир бурда нон олди. Лекин уни дарҳол оғзига солмади. Қўлидаги бир мўъжиза-ю, уни энди кўраётгандек, у ёқ-бу ёғини айлан-тириб қаради. Сўнг бошини сезилар-сезилмас сараклаб нонни кўзларига суртди.

– О жонивор-эй, сенга ҳам етар кун бор экан-а!

Бу нарса Дилшодни ўйлатиб қўйди.

Жамоллидин у нима тўғрисида ўйланиб кетганини фаҳмлади:

– Мени нонга энди етинган кишига ўхшатиб, ҳайрон бўляпсиз шекилли. Йўқ, Қоҳирада ҳам, бошқа юртларда ҳам нонсиз қолмадик. Аммо, лекин ўз юртингда пишган нонга нима етсин! Таъми ҳам, татими ҳам бошқа. Иннайкейин, шу нондан муҳтарам волидамнинг ҳиди қелади. Ҳайрон бўлманг, Дилшодбек, рост гап. Ахир седана сепилган, сўқиллаб турган бундақанги нонни ҳеч қаердан тополмайсиз!

Аввалида жумбоқ бўлиб кўринган бу салласиз киши энди Дилшод қалбидан жўрадек ўрин ола бошлади. Бу ўртага чақчақ, ҳангама сочи. Энди бу йилги баҳорнинг яхши келганидан, мевалар яхши тукканидан, хуллас, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Орада пиёла беш-олти марта айланиб, чойнакдаги чой тугашга яқинлашганда, гап муддаога кўчди.

– Бўлангиз Тўтибону ҳам катта қиз бўлиб қолгандир? – деди Жамоллидин.

Дилшод аввал ўнғайсизланиб бир оз ерга қараб турди. Кейин дастурхон попугини эзғилади:

– Шукур.



Жамолиддин ҳамсухбатининг ўнғайсиз аҳволга тушганини сезса ҳам, яна гапни бошқа ёққа бурмади.

– Поччангиз қизларини жуда соғинибди, ўзларини ҳам.

Дишод мийиғида кулди.

– Соғинган бўлсалар келавермапти-да?

– Мен тоза судрадим. Йўқ, пича ишим бор, дейди.

– У кишини қаерда кўрдилар?

– Истанбулда.

– Ҳажга кетган эди-ку?

– Йўқ, у ерда дўкон қилиб қолибди. Баззозлик дўкони.

Дишод: «Бола-чақасини ғариб қилиб, ёт элларда бахт қидиргунча ўз юртига қайта қолса бўлмас эканми? Ахир бу ерда ҳам каттакон бойнинг гунашгаси эди, катта ошаб, катта яшар эди», демоқчи бўлди-ю, овзи бормади. Кейин кинояли қилиб:

– Ўн йил баззозлик қилган бўлса, жуда бойиб кетгандир? – деди.

Жамолиддин ҳиҳилаб кулди.

– Бойиб қаерга борар эди? Бошқалар юртида шоҳ бўлгунингча, ўз юртингда гадо бўлганинг яхши экан. Ўзимдан қиёс, Қоҳирага катта уламо бўламан деб борган эдим. Бордим, Қоҳирани ҳам кўрдим, уламоларни ҳам кўрдим. Нима десам бўлади? Шу ўзимизнинг уламоларимиз, домлаларимиз. Камина бандалари ҳам қозондай саламо кафандай жома баҳридан ўтиб, «ҳайт» деб келаверди. Дарвоқе, Ашурмирзони бойиб кетгандир, деб сўрадингиз. Йўқ, аҳволи унақага ўхшамади. Чамамда, анча толиққан кўринди.

– Йўғ-э!

– Ҳа!..

– Ундай бўлса, қайтиш фикрига тушиб қолганининг боиси ҳам толиққани учундир?

– Невлай, бу ёғини билолмадим. Тўғриси, мен сўрамадим, у киши айтмади.

Ўртага сукут тушди. Уни охири Дилшод бузди.

– Тақсирим, поччамиз билан эскидан танишми-лар?

Жамолиддин юзида яхши хотиранинг хушнуд учқуни кўринди.

– Бир вақтлар Коппон ёнидаги мадрасада бир оз таҳсил кўришган эдик. Яна қорабулоқлик икки-та муллавачча ҳам эсимда. Ҳофизам хато қилмаса, бирининг оти мулла Фулом. Кўп яхши йигит эди. Иккинчиси – Асад қори бўлса керак.

Дилшод бирдан чақнаб кетди.

– Ҳа, Фуломжон ака! Демак, тақсирим, у киши-ни танийдилар?

Жамолиддин кўзларида алланима йилтилади.

– Албатта! Биз у киши билан... – деди у чарақлаб, кейин негадир сукут қилиб қолди. Қўлидаги жий-дагул пиёлага, унинг ичидаги каҳрабо чойга бир лаҳза тикилиб тургач, – биз у киши билан кўз яқин эдик, – деди.

Дилшод кўнглидаги чироқ яна ҳам баландроқ ёна бошлади. Битта Фулом акаси иккита бўлаётган-га ўхшаганидан танасига сирмай қувонарди. Боя Жамолиддин она юрт нонининг азизлиги тўғриси-да гапирганда, Дилшод назарида аллакимга ўхшаб кетган эди у. Мана энди ўхшамаганини топди. У Фуломжон акаси эди. Не бахтки, Дилшод яна бир яхши киши билан яқинлашиб олди!

– Мулла Фулом ҳозир қаерда?

Дилшод бўшашиб меҳмонга қаради.

– Фуломжон акамнинг бошларидан кўп савдо-лар ўтди. Ҳозир шаҳарга келиб қолган. Темир йўл устахонасида ишлайди. Мастеровой.

– Тавба, – деди Жамолиддин, ёқасига қўлини келтириб.



Кўлида хати бўла туриб мастеровой бўлгани, «бошидан кўп савдолар ўтди» дегани учун у «тавба» дедими – буни Дилшод тушунмади. Энди сўрайман деб турганда, у Асад қорини сўраб қолди.

– У ҳозир Қорабулоқ қозиси, – деди Дилшод, заҳарханда қилиб.

Жамолиддин сесканганга ўхшаб қимирлади.

– Ў-ҳў, жуда баланд кетибди-ку! Дарвоқе, ўзи шундайроқ эди. Хўп энди, Дилшодбек, кўп ўтирдик, кўп сўзлашдик. Ҳозирча шунчаси бас. Бизга жавоб. Лекин битта илтимос: бундан кейин ҳам суҳбатларидан бандаларини баҳраманд қилиб турдилар. Хўпми? Омин!

Жамолиддин ўрнидан енгил турди. Дилшод ошсув қилайлик деганига ҳам қарамай, кавушини кия бошлади. Кейин Дилшоднинг олазарак кўзларидаги маънони тушундим, камзул чопонининг кўкрак чўнтагига қўл солиб буклоғлик пушти конверт чиқарди.

– Қаранг, эсдан чиқишига оз қолибди. Хаёл-да, хаёл, – деди, хиҳилаб.

Дилшод конвертни тўшакка қўйиб, Жамолиддинни кузатгани кетди. Дарвозахонага етганларида, Жамолиддин уни тирсагидан ушлаб секин тўхтатди. Тийрак кўзларида қайноқ иштиёқнинг ёрқин ўти бор эди.

– Бизни мулла Фулом билан учраштирамангиз. Эски таниш, эски ишларни эслашар эдик. Аммо битта шарт билан: мулоқотларимизда ўзлари ҳам бўладилар.

– Жоним билан, Жамолиддин ака, – деди у, биринчи марта унга номи билан мурожаат этиб. – Бу келганингиз ҳисоб эмас, бошқа келасиз. Ўзим чақириб келаман, Фуломжон акам ҳам бўладилар.

– Кўп аъло, бизни эски шаҳардаги газета дўконидан сўрайсиз.



Дилшод меҳмонни кузатиб кирганда, холаси билан Тўтиқиз конвертни очаётган эди. Жамила-хоннинг юзлари бўзарган, Тўтиқизнинг юзи эса худди қон ургандек қизарган, қўллари қалтирарди. У хатни бир амаллаб конвертдан чиқарди, шошиб-пишиб кўзларига келтирди. Бир қаради-ю, ўқимай онасига узатди.

– Манг, манг, сиз ўқинг, буви.

– Онаси ҳозир хат ўқийдиган аҳволда эмас эди.

– Манг, Дилшодбек, сиз ўқинг, – деди, хатни жиянига узатиб.

Дилшод ҳам улардан кам ҳаяжонда эмасди. Не-не ташналик билан кутган бахтини бирон нарса очадиган бўлса, худди шу мактуб очишини биларди. У хатни олиб, апил-тапил кўзларига тутди. Аввалига ҳеч нарсани кўрмади. Кейин, бир неча лаҳзадан кейин – сарғиш қовоз бетиде рикъа билан ёзилган хат пайдо бўлди:

«Дуойи салом.

Андоғ етиб маълум ва равшан бўлсинким, камина ғарибингиз бунда соғу саломатдир. Ушбу ваядан ўн саккиз минг оламни яратган қодир Оллоҳга шукур қилмоқликни ўзимизга ҳам фарз, ҳам қарз билурмиз. Камина совға-саломлар билан йўл тараддудиндадир. Оллоҳу таоло насиб қилса (иншооллоҳ насиб қилгай, омин!), тез фурсатда дийдор кўришурмиз ва азиз ожизамизнинг Дилшодбек билан бўлгувси никоҳ тўйларинда, иншооллоҳ, бош бўлурмиз. Ангача таҳаммул қилгайсизлар.

*Аддойи Ашурмирзо,
Истанбул, ражаб, милодий
1916».*

Дилшод мактубни ўқиб бўлиб секин холасига қаради. У севинганини ҳам, эзилганини ҳам билиб



бўлмайдиган бир авзода елкаси билан устунга суйниб нест турарди. Дилшод кўзларини ер остидан аста Тўтиқизга кўчирди. У онасининг бўш елкасига бошини қўйиб, Дилшодга тикилиб турган эди. Кўзлар учрашди. Бу учрашувда худди чақилган гугуртдек, кўзларида ўт ёнди. Бу ташна қалблар васлининг бахт машъали эди. Тўтиқиз узоқ қараб туролмади. У секин кўзларини ерга олди-ю, онаси пинжидан силлиқ чиқиб, шўх, дилдор юриш билан уйга кириб кетди. Унинг қалбини ҳозир икки қайноқ ҳис, икки маст қилувчи бахт қамраб олган эди. Ҳозир ўйнаса, кулса, яйраса, яшнаса ярашарди. Ахир отаси келади! Отаси келганда тўйлари бўлади! Ҳа, отаси келади! Отасига қанчалар ташна бўлади-я у! Оталик болалар ўйнаб-кулганларида, бу кўнгли яримта қиз қанчалар хўрланди!

«Қандай бахтки, ота-онанг бошингда, севган ёринг қошингда!»

Дилшод мактубни холасига бериб кўчага чиқиб кетди. Негадир мактуб анча тўмтоқ, қуруқ кўринди унга. Шу учун бўлса керак, хатни ўқиб бўлиб қоғоз орқасига қаради. У ёқда ҳеч нима йўқ эди. Аслида, у поччасидан номма-ном дуо, холасига лоақал икки оғиз кўнгилхонлик кутган эди. Лекин хатда соғинган кишининг на сарғайиши, ташна кўнгилнинг на интилиши бор эди. «Ҳа-да, дунёда ҳамма одам бир хил эмас. Бири кўнглидаги гапни ширин қилиб айтса, бири буни эзмалик деб билиб муддаосини тарс-турс айтади-қўяди. Мен қайдан билай, поччам ҳам, балки, шу хилидандир. Ахир у кетганда, мен ёш бола эдим, на табиатини билардим, на фазилатини», деб ўйланди Дилшод. Бу ўй дилидаги ғашлякни тарқатиб, кўз ўнгига яқин бахтни, тўй тантаналарини келтирди. Энди у ёр гўшангасига юрак парвози билан учиб кираётган бахтли куёв ҳис қила бошлади ўзини.



Оҳ, қандай ширин ҳис бу!..

Жамилахон хатни тахлаб камзулининг чўнтаги-га солди. Сўнг, бир оз у-бу қилган бўлди-ю, қизини ишга солиб қўйиб, орқа ҳовлига ўтди. У ерда, хилват бир жойда чўнтагидан хатни олди, қалтироқ қўллар билан лабларига келтирди, ўпди, кўзларига суртди, бағрига босди. Кейин бирдан пиқиллаб юборди. Бу хўрлик йиғисимиди ё шодлик – билиш қийин эди. Дам-бадам ичидан «Оҳ! Оҳ!» деган нола чиқар, бу нола юзларида қайноқ ёш бўлиб оқарди...

Тўртинчи боб

Маслаҳат

Ҳамидахон Марғилондан толиқиб, Тўфа ўтида ёниб келган эди. Ашурмирзонинг мактубини ўқиди-ю, назарида, Тўфа аламига Тўти алами қўшилгандек бўлди. Хат уни ўйлатиб қўйди. Ёмон бир нарсанинг ҳиди бордек туюлди. Буни синглиси Жамилахонга айтган эди, у «бирам ваҳимачисизки, опа!» деб кулди. Тўғри, хат тўмтоқ, лекин тўмтоқлик ваҳима туғдириши керакми?

Ҳамидахон икки кун боши қотиб юрди. Синглиси билан маслаҳатлашиб, учинчи кун акасини қишлоқдан айттириб келди. Кўнгли сезиб турган бўлса ҳам, ақли ишонмаган нарсаларни акасидан сўраш, ундан маслаҳат олиш эҳтиёжи туғилган эди. Акаси хат хабарини эшитгач, далада қайнаб ётган ишларини ҳам ташлаб, дарров етиб келди. Жуда қаттиқ севинган эди. Хатни шошиб-пишиб ўқиди-ю, пастки лабини тишлаб, ўйланиб қолди. Жамилахон худди мулзам бўлган кишидек ерга қараб олди. Ҳамидахон ҳам сукутни бузмади.

Акаси анча ўй суриб ўтиргандан сўнг, аламини ичига ютиб юрган кишиникига ўхшатиб заҳарханда қилди:



– Тирик экан-а, баччагар!

Опа-сингил ялт этиб бир-бирига қарашди. Улар акаларидан бундай заҳархандани кутмаган эдилар.

Жамила юраги чиққан болага ўшаб мингиллади:

– Тўйга келаман депти...

– Ўқидим. Кўр эмасман! – деди акаси, гапни шартта кесиб. Кейин қовогини баттар осилтириб дўнғиллади: – Яна ўша ноинсофнинг тарафини оласан-а!

Жамила энди касал мушукнинг миёвлашига ўхшаган нимжон товуш билан:

– Омади гапни гапирдим-да, ака, – деди.

Акасининг жаҳли чиқиб кетди.

– Омади гап! Омади гап! Ундан кўра ўзингни бир ойнакка солиб қара. Ёш туриб сочинг оқариб кетди! Ажинларингни кўр. Э, ўша!.. Опанг икковингни кўрган одам Ҳамида отинни эмас, сени опаси дейди. Сени шу аҳволга солиб қўйса-ю, яна сен уни пахтага ўраб пўпалайсан! Қўй-э!

Ер ёрилмади-ю, Жамила ерга кириб кетмади. Бўшашиб, ўшшайиб ўтириб қолди. Акаси вазабидан тушмай гапирар эди:

– У ноинсофнинг яхшилигини сен кўрган бўлсанг, ёмонлигини биз кўрдик. «Куёвинг отамнинг пулларини еб кетди», – деб бу муттаҳам Тешабой мени кўчага чиқолмайдиган қилиб қўйди-ку! Сатта: «Куёвингни топиб бер, бўлмаса ҳаммангни хонавайрон қиламан!» деб кун бермайди менга. Хўш, отаси Болта кўпас ҳажга қанча пул, қанча дунё билан кетганини Тешабой билмасмиди? Биларди. Отаси ҳажга етмай йўлда ўлганда, бу пул, бу дунё кимнинг қўлида қолганини билмасмиди? Биларди. Мана энди ўзинг ўйлаб қара: ўша ноинсоф эринг қилвири бўлмаса бировнинг ҳақини эгасига келтириб бермасмиди? Берарди. Эринг берди-ми? Бермади. Еб кетди. Ўзининг ҳаром нафсини

деб, сенларни ғариб қилди, рангларингни саргай-тирди. Яхшиямки, қўлингда хунаринг бор. Дўппи тикасан, чорси тикасан, бўламаса-чи, очликдан ўлмаганингда ҳам ҳасратдан ё жинни бўлардинг ё... – деди-ю, хунук сўзни тилга олгиси келмай, сукут қилиб қолди.

Опа-сингил бош ликиллашиб, маъқуллаб ўтирарди. Акасининг сўнгги сўзлари, айниқса, «ё жинни бўлардинг» дегани Жамилани сескантириб юборди. Мияси озғин гарангсиди. Бир он телба ҳолатида турди, кейин синиқ, хаста товуш билан:

– Эсон-омон қайтиб келса, Худо пошшо Эгам, қарзларидан узилиб олар, – деди.

Акаси заҳар аралаш ҳоҳолаб қулди.

– Ҳа, баракалла! Ҳамма гап шунда. Шу сабил қолгур қарз бошимизга бало бўлмасайди. Мен шунисидан кўрқаман. Хат охиридаги таъкидга эътибор қилдингми? Йўқ, эътибор қилмагансан. «Ангача таҳаммул қилғайсизлар» дебди. Бу нима дегани? Мен боргунимча тўй қилманглар, деганими?

Жамила ўлимтик товуш билан:

– Ҳа, – деди.

– Ана кўрдингми! Борди-ю, бошқа бирон чўти бўлди дейлик, а? Ҳа. Агар қизини усиз эрга бериб юборсак, шу сабил чўти бузилишидан кўрққани эмасмикан бу? Ўйлаб қаранглар-а!

– Ўлибдимиз? – деди Жамила опасидан мадад кутгандек, унга жаланглаб.

Акаси буни сезиб, ўзи ҳам унга юзланди.

– Қани, сиз нима дейсиз, Ҳамида отин?

Ҳамидахон елкаларини қисди. Омонатгина кулимсираб:

– Ҳайронман, – деди.

– Нимага ҳайрон бўласиз? Менинг ваҳимгами ё кўёвингизнинг маккорлигигами?

Ҳамидахон ўсал бўлган кишидай хиёл қизарди.



– Йўқ, нима дейишга ҳайронман.

Акаси қикирлаб кулди. Назарида, у фикрини айтишдан тортинаётгандек туюлган эди.

– Қўйинг, ўзингизни мунчалик тўпори қилиб кўрсатманг, – деди акаси, ўпка аралаш қилиб, – Сиз хотин кишисизу, лекигин ўнта эркакнинг ақли бор сизда. Бир нима денг. Кенгашиб тикилган кийим тор келмайди, ҳа!

Ҳамидахон мактубни ўқиганда, у ҳам ёмон ҳид сезгандай бўлган эди. Кўнглига келган ҳамма гапларини, шубҳа-гумонларини синглисига батафсил айтди. Лекин Жамила эрининг тарафини олди. Дарҳақиқат, у янги тушганидан бошлаб то айрилгунича Ашурмирзодан ёмонлик кўрмаган эди. Йўқламаган, ёдламаган йилларида ҳам ўша таассурот, ўша сарин муҳаббат билан яшади, булар толиққан юрагига таянч бўлди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас ҳамма ёқдан совчилар ёғила бошлаганда: «Бутун келмаса эрим, эртага келар!» деб йиғлар, совчиларни остонадан қадам бостирмай ҳайдар эди. Эри вафосизлик қилган бўлса, ўзи вафосизлик қилишни хотинлик шаънига иснод деб биларди, шу учун этини еб, ҳасрат чекиб бўлса ҳам қаноат қилди. У то мактуб келган чароғон кунгача ҳам эридан юз ўгирмади, қўлларини ювиб қўлтиққа урмади. Шунча интизорлик, шунча ташналик билан кутган, кўз очиб кўрган маҳбубидан энди қандай юз ўгирсин? Эрининг эса юраги пок, Жамиланинг ўз юрагидай пок. Агар «андак таҳаммул қилгайсиз» деган бўлса, не ажаб? Қизининг тўйида яйрагиси, қизининг тўйида яйрайдиган қайлиғи билан бирга яйрагиси келгани учун сабр қилишимизни илтимос этгандир балки.

Ҳамидахон синглисининг ёниб, ҳаяжонланиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ биғлаб келтирган далилларига ишонмай қололмади. У ҳам хотин киши эди. Хотин киши



қалбини, ҳасрат-дорини хотин кишидан яхшироқ тушунадиган, бу доғу ҳарсатга хотин кишидан ортиқроқ қуядиган одам бўлмайди. Шу учун эрини ҳимоя қилишда сингисини ҳақли деб топди.

– Ори рост, – деди Ҳамидахон, акасига тиниқ кўз билан қараб. Ўзингиз ҳам ўйлаб қаранг, ака, шунча йил ташлаб кетгани етмай, наҳотки яна пасткашлик қилса? Ахир у ҳам одам, сизу бизга ўхшаш онадан туғилган одам-ку! Йўғ-э, ўлибдими!..

Жамилахонга жон кирди. Акаси бўлса, тўғри фикри рад қилинган кишидек, хафагезак ўтирарди.

Ҳеч ким индамагандан кейин Жамилахон гап-ра бошлади:

– Майли, кутайлик. Мабодо келса, шунда ҳам ёмон ният билан келса, қараб турмасмиз ахир. Сиз борсиз, ака, поччам бор, бу ёқда мана опам, мен, у ёқда жиянингизнинг амакиси, аммалари бор. Амакисини биласиз, жуда яхши одам. Худо урибдимики, ҳаммамизнинг бетимизга оёқ босса! Тўғри, яхши қилмади: ўн йил бизни ташлаб, адашиб юрди. Энди келса тавбасига таяниб келар ахир.

Акаси бирдан ҳоҳолаб кулиб юборди.

– Бир қизиқ воқеани эсимга туширдим. Яйловда битта қирғиз оғайним бор. Опанг танийди. Хў Зулфиқор-чи?

– Ҳа, ҳа.

– Мен ҳам танийман. Ойсулуннинг отаси-да, – деди Жамилахон, энди очилиб кулиб.

– Ҳа, баракалла. Бир кун Зулфиқор иккалаамиз айланиб юриб қўрага келсак, ўғли итини ҳадеб гингшитиб уряпти. «Вой-вуй, нимага урасан, болам?» девди, ўғли: «Уч кундан бери йўқолиб кетиб, бугун келди. Таъзирини бериб қўйяпман», деди. Отаси кулиб: «Ўзи келдими ё тутиб келдингми?» деб сўровди, ўғли: «Ўзи келди», деди. «Ундай бўлса,



қўй, урма. Биз қирғизларда бир матал бор: «Ўзики уйини топиб келибди, адашгани айб эмас», дейди. Ҳа, урма, ўғлим», деди отаси кулиб. Шунга ўхшаш, уйини ўзи топиб келди, деб биз ҳам куёвингнинг гуноҳини кечар эканмиз-да? Ҳо-ҳо-ҳо!

– Кечамиз, ака, кечамиз. Гуноҳни ҳамма қилади, аммо кечиб ҳамманинг қўлидан келмайди. Бу оғир нарса. Биз шу оғирини қилайлик, – деди Ҳамидахон, мактаб қизлари бир-бирлари билан юлишганда айтадиган гапини такрорлаб.

– Хўп, – деди акаси, бошини сал эгиб, – ишқилиб мен адашган бўлайину, сизлар тўғри қилган бўлинглар.

Жамилахон мушқули осон бўлган кишидек чуқур тин олди, кейин акасига термудди.

– Илоҳим айтганингиз келсин, ака.

– Демак, Ашурмирзони кутамиз, шунақа-да? – деди акаси Жамилахонга қараб.

– Ҳа, кутамиз.

Акаси кинояли қилиб сўради:

– Қачонгача кутамиз?

Жамилахон кинояни фаҳмламадими ё акам ҳазил қияпти деб ўйладими, қиқирлаб кулди.

– Дадаси келгунча-да.

Энди акаси жиддий қилиб гапирди:

– Борди-ю, дадаси яна ўн йилдан кейин келди, бутунлай келмади? Унда қизингни қаритиб ўтирасанми? Иккита ёш заволига қоласанми? Менинг гапим шу: кузгача келса келди, келмаса иккаласининг бошини қўшиб қўяверамиз.

Жамиланинг гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлиб турган қарорсиз қалби шу гапдан кейин яна ёришиб кетди.



Бешинчи боб Тешабой ҳарам

Дилшод Ҳамидахоннинг илтимоси билан йўлга чиққанда, хўрозлар ҳали тонг мадҳини бошламаган эди. У тилак манзилига шошаётган кишидек, қинғир-қийшиқ кўчаларда шипиллаб борар, гўё севинч қанотларида учарди. Теварак қора, осмон ҳам қора, фақат унинг қоронғи тубида қозон тагидаги майда учқунларга ўхшаган бири ёруғ, бири хира юлдузлар миалтилайди. Дилшод гоҳ шу юлдузларга қараб ўзи ҳам юлдуз бўлиб чақнайди, гоҳ ерга қараб шип-шип қадам ташлайди. Агар уни беҳуш қилган севинч бўлмаса, бу севинчни тезроқ отасига етказгани шошмаса, хилват йўлда, қоронғи кечада мунчалик шитоб юрмас эди. Вужудида олма тагида ҳушини олган оғуш сархушлиги. У ҳамон бағрига сингиб кетган нозик тана ҳароратини сезади. Назарида, у ҳали ҳам бағридан узилмагандек, кучсиз, ҳушсиз қўллар билан Дилшодни ҳамон-ҳамон аста, жуда аста итараётгандек туюлади. Ўшанда унинг лола янглиғ қизарган ёноқларига ўтли ёноғини босиб шивирлагани, «Тўтим, энди ака-укалик тамом. Бугундан ёримсиз! О, севгим гунчасини неча йиллар бағримда ардоқлаб келдим. Ниҳоят, очилди. Севгим гули очилди!» дегани ҳали-ҳали кулоқларида янграйди. Лекин бир нарсани эслаёлмайди. Ўшанда, иккаласининг ҳуши бошларидан учган ўша бахтли дамда, Тўти ёноғига лаблари тегдими? Билолмайди. Бўлмаса нечун лаблари куйгандек, ўтли! Бир нарсага теккандек бўлди? Нечун у Дилшод елкасига бошини қўйиб, ўзидан кетиб қолди?

Дилшод ширин ўйлар билан бўлиб шаҳардан алақачон чиққанини, Чекдан ўтиб, адирга ҳам етганини билмай қолди. Икки пасқамлик ўртаси-



да туя ўрқачидай кўтарилган тепаликка чиқди-ю, тонг ёришганини, теварак-атрофда хўрозлар бир-бирларига навбат бермай чақирившаётганини пайқади. У қир ўрқачида тўхтаб, ширин уйғонган кишидек, маза қилиб керишди. Кўзлари беихтиёр юмилди, томирларида йигитлик қони югурди. Муздай сувда чўмилиб чиққан киши сингари ўзини қушдай сизди. Субҳидам пардасидан мўралай бошлаган мева гулларига бир неча дам суқланиб турди. Шу туришида ўзини ҳам қалбида севги ғунчаси очилган баҳор гули каби ҳис этди. Энди шу гулни, қалб гулини кимгадир тутишга ошиқаётгандек, илдам, бардам одимлар билан шипиллаб юриб кетди.

Дилшод Қорабулоқ гузарига кун кўтарила бошлаганда кириб келди. Ёз паллалари чойхўрлар гавжум бўладиган самовар сўрилари полоссиз, одамсиз эди. У тез юриб Тешабой саройига йўл олди. Сарой Қорабулоқ тўполонида ўт қўйилгандан кейин янги қурилган. Дилшод янги саройни илгари ҳам бир неча марта кўрган эди. Шунинг учун унинг дабдабасига, деворлари қалъага ўхшатиб харсанг тошлардан урилганига, олд болохонали, пасти қатор кетган катта-кичик дўконли қўшқават шақшақадор биносига, ҳамиша қулфлоғлик турадиган баланд темир дарвозасига энсаси қотмади. Дарвоза дарчасини аста очиб ичкари кирди-ю, меҳмонхона айвонидан тушиб келаётган пакана, чувак одамни кўриб тўхтади. У нимжон гавдасида ориятдай кўринган каттакон калласини зўрға кўтариб келаётганидан Мамарайим афанди эканини таниди.

– Ҳўш, хизмат? – деди у, Дилшодга яқин келиб. Дилшод салом берди. Бу салом эмас, калтак эканини уқмай, Мамарайим афанди саволини яна қайтарди:

– Хизмат?

Дилшод истеҳзоли қилиб кулди. Мамарайим афандининг ҳам қуришган, ажин босган бир бурда юзида, ичига чўкиб кетган хира кўзида илжайганга ўхшаган бир нарса кўринди. У Дилшодни илгари бир неча бор кўрган, ҳатто суҳбатида ҳам бўлган эди. Лекин ҳар кунги одатини қилиб каллаи саҳардан бир коса кўкнор ичиб олдимиди ё Тешабой дағдағаси эсига тушиб юраги ёрилдими, Дилшодни танимади. Мамарайим афанди уни Тешабой айтган одам деб ўйлади. Нега ўйламасин? Ахир Тешабой «Кўкноринг жонимга тегди. Уззукун гаранг юрасан. Ҳамма ишни чалкаштириб юбординг. Бўлди! Бошқа одам топаман!» демабмиди? Балки топган одами шудир? Шу новча, хипча, юз-кўзидан нур ёғиб турган мана шу навқирон йигитдир?

– Мени танимадингиз-а? – деди Дилшод, чинакам кўкнор ичиб олганини пайқаб.

Таниш овоз Мамарайим афандининг ваҳмини тарқатди. Хўмрайиб, ғазабланиб турган юзда кулги кўриниши қанча маҳол бўлса, Мамарайим афандининг кўкнор тусига кириб кетган кўкимтир, қуруқ башарасида ҳам шундай бегона кулги кўринди. У севиниб кетган эди.

– Э-э, уста Баҳромнинг ўғлиман демайсизми? Қаранг, танимабман-а! Ҳе-ҳе-ҳ!

Кейин Тешабойнинг дағдағаси эсига тушиб, яна кайфи қочди. Борди-ю, Тешабой шу йигитни мирзоликка олиб келган бўлса-чи? А? Йўғ-э! Сўраш керак.

– Нима хизмат билан келдилар, Дилшод афандим? – деди у, оёқ тагидан ярми узилиб чиққан чувалчангдай тўлғаниб.

– Дадамни айтиб келувдим.

Мана энди Мамарайим афанди чинакамига севиниб кетди. Кўкнори ҳиди анқиб турган қўланса оғзидан туплук сочиб кулди.



– Э-э, мундоғ демайсизми? Қани, қани, юринг, Ҳа, юринг, юринг.

Мамарайим афанди Дилшодни енгидан ушлаб тортди. Ташқарининг узун саҳнидан то меҳмонхона айвонига чиққунча севинганидан ҳиринглаб, ҳе-ҳелаб борди. Дилшод: мени меҳмонхонага ўтқазиб, дадамни чақириб келади шекилли, деб ўйлаган эди. Лекин айвонга чиқишганда, Мамарайим афанди уни эшик оғзида тўхтатди.

– Сизки холис ният билан келибсиз, ҳа, юринг, сизни бир томоша қилдирай, – деди.

Мамарайим афанди шундай деди-ю, яна фикридан қайтган кишидай ўйланиб қолди. Узоқ ўйланмади. Лип этиб Дилшод олдига ўтди, кичкина қаддини яна ҳам кичкина қилиб букди, пастдан юқорига, Дилшоднинг ҳайрат тўлган кўзларига тикилди, шаҳодат бармоғи билан башараси ёнида, ҳавода доирачалар чизиб:

– Балки дадангизни чақириб берганим маъқулдир? – деди.

Дилшод сесканиб кетди. Олдида Мамарайим афанди эмас, шайтон тургандек бўлди. Ҳатто думи кўзига чалинганга ўхшади. У ичида муз пайдо бўлгану, шу муздан ёйила бошлаган совуқда бир неча зум жунжикиб тургандан сўнг Мамарайим афандини суюги туртиб чиққан елкасидан ушлаб бир ёнга айлантирди. Орқасида дум кўринмади. Дилшод аҳмоқона ўйларга берилгани учун ўзидан шарақлаб кулди. Мамарайим афанди у нимага кулганини билмасди, шундай бўлса ҳам қўшилишиб кулди.

Дилшод кулиб бўлиб:

– Йўқ, ўзим бораман. Мен бу ерда ўтириб отамни чақиртирсам уят бўлади, – деди.

Мамарайим афанди башарасини куйдирган калладек тиржайтирди.

– Шундоғ денг! Хўп.




У чўнтагидан бир даста калит чиқариб, Дилшодга кўз-кўзлаётгандек шиқирлатди. Кейин тумшугига яқин келтириб, худди сичқонга чанг солган мушукдай, калитлардан биттасини зип этиб ушлади-да, «қойилмисиз» деган бир турқ билан Дилшодга кўзини қисди. Дилшод аста кулиб қўйди. Мамарайим афанди даҳлизга зипиллаб кирди. У нима қиломоқчилигига тушунмай Дилшод анграйиб турган эди, Мамарайим афанди хумкаласини у томонга ёнаки ўгириб, шаҳодат бармоғи билан имлади. Дилшод даҳлизга кирди.

– Аввал бу ёнга, – деди Мамарайим афанди, ўнг томондаги ўймакор қўштавақа эшикни очиб. – Кавушни ечиб, қўлингизга олинг.

Дилшод ҳайрон бўлиб қолди. Кавуш, одатда, айвонга, агар у ерга палос тўшалмаган бўлса даҳлизга ечилар эди. Нега кавушни қўлга олиш керак?

Мамарайим афанди уни шу хил ўйларга ботқизиб қўйиб ўз кавушини қўлига олди-ю, шилт этиб ичкари кирди, ўнг томондаги деразаларнинг пардаларини шириқлатиб тортди. Дилшод бирдан ярақлаб кетган хона ҳашамати олдида донг қошиб қолди. Табаррук ерга қадам босганда юраги шиғирлаган одамдай, остонадан авайлаб ҳатлади. Энди кўзлари шифт нақшларида, жуфт вассалар бўёқларида, қуббаларга, тўсинларга берилган зарларда, деворларнинг шифтдан тортиб то қип-қизил гиламлар тўшалган ергача етказиб осилган бахмал пардаларида югура бошлади. Тўрда нақшбанд арк. Унинг икки биқинида парда тутилмаган бир хил иккита ёнғоқ жавон. Арк ичида эса кенг ётоқ, устида кашмирий ёпик, иккита шишқин пар ёстиқ. Ерда чўрдай ёниб турган эрон гиламлари устида деворларга тақаб тўшалган атлас, бахмал кўрпачалар, юмалоқ болишлар. Ўртада яшил араб дастурхони ёпилган паст, узун хонтахта, шифт



кунгурасига тушириб осилган каттакон газ чироқ. Ҳар қандай кўрган кўз ҳам бунча зебу зийнатни бир қарашда қамраб ололмасди. Шу учун Дилшод кўзлари хона ичида гир айланарди. Мамарайим афанди эса Дилшод саросимасидан завқланиб бир четда ҳиҳилаб турар, у шу авзоида одам боласини товада қовуриб ейиш учун хазинага алдаб кирган жодугар кампирга ўхшарди.

Дилшод бошидан ҳуши учган кишидай ўзини йўқотиб қўйди. Қўлидаги кавушларидан бир пойи тушиб кетганини ҳам билмади. Мамарайим афанди бай-байлаб келиб кавушни дарров олди, гиламни пуфлаб, кафти билан авайлаб силади. Кейин Дилшодга яна ёнаки қараб:

– Энди бу ёнга, – деди.

Дилшод қаёққалигини билмай Мамарайим афандига қаради. У тўрга – аркнинг чап томонига йўрғаларди. Дилшод орқадан етиб келди. Уй ҳашами, зийнати шу қадар салобатли эдики, Дилшод оёқ босишга қўрқарди, Мамарайим афанди бояги калитларни чўнтагидан чиқариб, Дилшод кўзлари олдида яна боягидай шиқирлатди. Кейин биттасини яна зип этиб босди-ю, ўшаниси билан жавонни жаранглатиб очди. Дилшод ҳанг-манг бўлиб қолди. У жавон эмас, шинам даҳлиз эшиги эди. Мамарайим афанди унинг ҳайрон бўлганини кўриб: «Ҳа, дунёда шундай мўъжизотлар бор. Уларнинг калитлари бизда, каминаларида», дегандай қилиб кўзларини қисди.

Дилшод ҳали хона ичида эди. Худди чиққиси келмаётгандай қимирламай турарди.

– Қани, даҳлизчага, – деди Мамарайим афанди, ўзи шилт ўтиб.

Дилшод аста даҳлизга чикди. У нариги хонадан тушиб турган хира ёруғда кўзга равшан ташланмасди. Дилшод уни дурустроқ кўришга улгурмади.



Мамарайим афанди чап девордаги қалин, вазмин эшикни очиб юборди. Энди Дилшод кўзлари олдида гулдаста тутиб турган ёр каби гўзал чаман очилди. Нимқоронғи даҳлизчада тургани учунми ё чаман қамаштирдими, Дилшод кўзлари аста сузилади.

– Дадангизни ҳо анови ердан топасиз, – деди Мамарайим афанди, ўн қадамча наридаги мўъжазгина шийпонга ишора қилиб.

Дилшод чиқавермади. Мамарайим афандининг энгидан секин ушлаб:

– Шошманг, афандим, бу ер нима? – деб сўради.

Мамарайим афанди ўзини тушунмаганга солиб ҳеҳелади.

– Қаер?

– Мана шу, биз турган хона.

– Билмадингизми?

– Билмадим.

У яна ҳиҳилади.

– Кейин билиб қоларсиз.

Дилшод ялингандай қилиб сўради:

– Кейин биладиган нарсамизни ҳозир билсак зиён қиладими?

Мамарайим афанди ҳовучини оғзига карнай қилиб пичирлади:

– Бой бувамизнинг ҳарами!

Дилшод эшитган қулоқларига ишонмади:

– Ҳарами?!

Мамарайим афанди ҳеҳелаб кулди. Дилшодни бу сўз маъносига тушунмади, деб ўйлади. Шунинг учун соддароқ сўз топди:

– Хилватхоналари.

Дилшод ҳаяжонда эди. Ўзини тутолмай яна такрорлади.

– Хилватхоналари?!

– Ҳа, болангдан айланай, жамики ишрат шу ерда бўлади.



Дишод устидан бир челақ совуқ сув қуйилган-дек, жунжикиб кетди. Мамарайим афанди уни секин орқасидан итариб остонадан ўтказди-ю, энди ҳо нариёқдаги дарчадан чиқасиз, деб эшикни ичкаридан қулфлади.

Дишод боя кўзларига ёр жилвасидай ширин кўринган боғчага хомуш чиқди. Бу ҳашаматли хона, оҳоридан тушмаган қимматбаҳо пардалар, зебу зийнатлар – ҳаммаси, ҳаммаси кўзига булганч, бадбўй кўринди. У, худди ёмон нарсдан жирканаётган кишидай, бурнини жийриб олди. Билибми билмайми, елкаларини, олдини, барларини қўли билан қоқди. Пастда, кичкина ариқчада чулдираб оқаётган сувга келиб дарров қўлларини ювди. У ўзини сассиқ бир нарсани билмай босиб олган кишидай ҳис этарди. Кўнгли шундай ағдарилиб, боши шундай айлана бошладики, отаси яқингинасида мих қоқаётганини ҳам фарқ этмасди. Агар уста Баҳром ариқча бўйида беҳуш ўтирган ўғлини беҳосдан кўриб қолмаса, бу хунук таасуротдан у қачон қутулишини билиш қийин эди.

Уста Баҳром оғизни қулоққа етказадиган бир олам шодлик билан қучоқ очиб келди, ўғлини бағрига босиб елкасига қоқди, кейин яна икки қўлаб кўришди.

– Хўб келибсиз-да, хўб келибсиз-да! – деярдди у, севинганидан ўзини йиғиштириб ололмай.

Ота-бола гурунглашиб ўтириб чой ичишди. Чойнак ярим бўлди ҳамки, Дишод келиш сабабини айтолмади. Гап айланиб, тўйга тақалишини билгани учун отасидан уялди. Фақат у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Бир маҳал отасининг ўзи, худди юраги сезгандек, Ашурмирзодан хабар борми-йўқлигини сўраб қолди.

Дишод елкасидан оғир юк тушган кишидай бўлди, хат келганини айтди.



Уста Баҳром суюниб кетди.

– Хатни олиб келдингизми?

– Олиб келдим.

– Хўб қилибсиз-да. Қани ўқинг-чи.

Уста Баҳром замонасининг камёб санъатқорларидан бўлса ҳам, хат-саводи йўқ эди. Шунинг учун мактубни Дилшод ўқиб берди. Аммо тўй тўғрисидаги гапларни уялиб ташлаб кетди.

Уста Баҳром шунисига ҳам хурсанд эди.

– Э хайрият-эй, келар экан-а! – деди у, чуқур хўрсиниб.

Дилшод бу севинч хўрсинишини тушуниб, уялиб секин ерга қаради.

Отаси буни сезиб гапни буриб юборди.

– Тешабойнинг Боғи Эрами шу, – деди, боғчанинг хилма-хил дарахтларига, бири биридан аломат гулларига ишора қилиб. – Бу дарахтларни Ҳиндистондан, Афғонистондан, яна аллақаерлардан олдириб келибди. Мана шу тепамиздаги дарахт портахол эмиш. Хўб ажойиб дарахтда. Анови нокка ўхшаган япон хурмоси экан. Ана буниси зайтун, буниси жаннат гули.

Дилшод кулиб юборди.

– Дўзахга тушишини билиб, ўзига жаннат қуриб олибди-да бой!

Уста Баҳром ҳам ўғлига ўхшатиб кулди.

– Шунақа бўлиб чиқади-да. Э-э, буларни ёзда кўрсангиз. Чинакамига жаннат дейсиз, жаннат. Сиз ҳали ҳовузни кўрганингиз йўқ. Юринг, бир кўринг, оғзингиз очилади. Мен шу ёшга кириб, бунақасини кўриш қаёқда дейсиз, эшитган эмасман. Ҳа!

Ота-бола шийпонга кирди. У саккиз қирра қилиб солинган эди.

– Аввал шийпонни кўринг, – деди отаси. – Шу ерда ярим йил ишладим. Ана, гумбаздаги мунчоқлардан терилган суратларни қаранг.



Дилшод гумбазга қараб ҳанг-манг бўлиб қолди. Парилар, фаришталар, оху, кийик ва бошқа хосиятли жониворлар сурати турли рангдаги нозик, тиниқ мунчоқлардан жуда ажойиб қилиб терилаган эди. Ҳақиқатан ҳам Дилшоднинг оғзи очилиб қолди.

– Энди буни кўринг, ўғлим, – деди уста Баҳром, хиёл титраб кетган ҳаяжонли товуш билан. Кейин шийпон ўртасидаги қора ёпиқни силтаб тортди.

– Вой-буй! – деб юборди Дилшод, бир қарашидаёқ.

У ерда тўрт тарафига қалин, баланд ойна ўрна-тилган каттакон ҳовуз бор эди. Дилшод кўзлари ўйнаб кетди, ҳовуз ичида тиниқ сув, сувда турли-туман рангларини товлатиб сузишган ҳар хил балиқлар.

– Сувга эътибор қилдингизми, ўғлим? Қаранг, ойнак тиниқ кўрсатсин, балиқлар аниқ кўринсин, деб қишлоқнинг нариги этагидан атайин булоқ суви келтирди.

Дилшод ҳовузга узоқ тикилди, у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб роса текширди. Кейин ҳайрон бўлиб отасидан сўради:

– Суви қаердан кириб, қаердан чиқади? Тўрт тарафи зич ойнак-ку?

Уста Баҳром қойил қолган киши таҳсини билан жилмайди.

– Э-э, дунёда кўли гул фаранглар кўп экан, қилибди-да! Мана шу ариқчадаги ҳали сиз кўлингизни ювган сув ҳовузчадан чиқади.

Дилшод ҳовузчага ҳар қанча синчиклаб қараса ҳам, сув кириб чиқадиган жойни тополмади.

Уста Баҳром ўғлини ҳайратта солишдан кўра ўз ҳайратини нўхталаб ололмаган кишидай гапирарди.

– Ҳали мана шу гулзор орасидан янги ариқча очиб, жаннатдагидақа сут оқизаман, дейди. Оқи-зади ҳам! Пул бўлса чангалда шўрва! Бу ғаламис

ҳозир отаси Болта кўпасдан ўн чандон ортиқ бо-
йиб кетган. Ҳа! Кўрдингизми, гузарнинг у бетига
пахта тозалайдиган завод солдирыпти?

Дилшод кўрмаганини айтди. Отаси яна бир
нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, нима учун-
дир айтмай, белидан тешасини олди.

– Хўб. Хоҳласангиз боғчани томоша қилиб ту-
ринг ё чиқиб заводни кўринг, мен ишнинг чаласи-
ни қилиб қўяй, – деди.

Дилшод заводни кўргани кетди.

Олтинчи боб

Гўдак қонда ювлаган қўл

У боғчадан бевосита саройга, бой хонадонининг
ташқарисига чиқадиган дарчадан ўтди-ю, бир
малла болага дуч келди. Ўн-ўн бир ёшлар чама-
сидаги бу бола бошида қашқарча қилиб тикилган
кундуз телпак, эгнида чийбахмал тўн, белида ку-
муш камарга осилган кумуш қабза қилич бор эди.
Дилшод унинг кимлигини, кимнинг боласи экан-
лигини пайқаган бўлса ҳам, «бу яна қанақа қуш
бўлди?» дегандай қилиб болага тикилди. Бола бир
чеккада унга ўқрайиб турарди.

– Хўш, салом қани? – деди Дилшод, унга анча
тикилиб тургандан кейин.

Бола керик, менсимаган товуш билан дўриллади.

– Мен ҳеч кимга салом бермайман. Менга салом
беришади.

Дилшоднинг энсаси қотди.

– О, сенга салом беришадими? Шунақа катта
одамман дегин?

– Ҳа-а, – деди бола, Дилшод сўзидаги кинояни
пайқамай.

Дилшод бунинг Тешабой арзандаси эканига
шубҳа қилмаса ҳам, яна сўради:



– Кимнинг ўғлисан?

Бола кўзларида кибр ўти чақнади.

– Тешабойнинг ўғлиман. Ҳа, билдингми?

– Бунисини-ку билдим-а, – деди Дилшод, захар аралаш қилиб, – лекин нимага сариқдигингни билолмаяпман. Сочларинг, қошларинг, киприкларинг, ҳатто баданинг ҳам сариқ. Отанг ҳам сендақа сариқми?

Бола болалик қилиб, саволдаги санчиқни тушунмади.

– Йўқ, отам сендақа, буғдойранг.

Дилшод кўнглида бир гумон бору, шу гумонни бир ёқлик қилиш пайига тушган одамдай яна сўради:

– Бўлмаса сен нимага малласан?

Бола ўзи билан гаплашадиган одам топилаганига суюндими, бирдан ёйилиб кетди.

– Ҳалигичи, мен-чи, тўполон қилсам-чи, одамлар: «Ҳой, эшон тупуриги!» деб бақририб беришади.

Дилшод кулимсиради.

– Нимага бунақа дейишади?

Бола бир оёғида ҳаккалаб, икки-уч айланди. Кейин, худди Мамарайим афандига ўхшаш ҳовучини оғзига карнай қилди-да, биров эшитиб қолишидан кўрқаётгандек шивирлади:

– Мен йўғимда-чи, бувим эшондан бир бола тилаб борган экан, оғзига тупурса, мен туғилибман. Ана.

У яна бир оёғида ҳаккалай бошлади. Дилшод бу воқеани эшитмаган эди. Кўнгли хижил бўлди.

– Нимага гапирмайсан? – деди бола, ёнига ҳаккалаб келиб.

Дилшодда гапириш иштиёқи қолмаган эди. Шунинг учун индамай кўча томон юрди. Лекин бола орқасидан югуриб келиб йўлини тўсди.

– Қаёққа кетяпсан? Кетма, ўйнаймиз?

Дилшод тўхтади. Раҳми келаётгандек, болага бир оз тикилиб турди. Кейин уни елкаларидан аста ушлаб:

– Майли, хафа бўлма, сенда айб йўқ, – деди

Болага у ёқиб қолди шекилли, бўйнига осилиб, отини сўради.

– Дилшод. Сеники-чи?

Бола қийқириб кулиб юборди.

– Э-э, отимни билмас экан, билмас экан!.. Мана, буни қара, – деди у, чап бетигади каттакон қора холини қўли билан туртиб.

Дилшод сарик матога тушган қора ямоққа ўхшаш бу лахтак холни алақачон кўрган, лекин бола номи шу хунук хол билан атаганини ақлига келтирмаган эди. Шунинг учун:

– Қара-я, мен сени Маллавоё деб юрсам, Холвоё экансан-ку, билмапман-а! – деди қиқирлаб.

Бола ўзини эркалатилаётган сезиб суюнди.

– Ҳа, отим Холбой! Холбойвачча!

Бола яна ҳақкалай бошлаганини кўриб, Дилшод кўча томон юрган эди, у югуриб келиб тагин осилиб олди.

– Кетма, ўйнаймиз.

Дилшод кўнмади.

– Йўқ, болалар билан ўйна. Мен шошиб турибман.

Холбой онасига инжиқлик қилаётгандай ингилади:

– И-и, болалар мен билан ўйнашмайди...

– Нимага ўйнашмайди?

– Қиличимдан кўрқишади.

– Қиличингдан кўрқишса ечиб қўй.

– О-о, тутиб олиб уришсинми!

– Нимага бекордан-бекорга уришади? Ўзинг осиларсан, болаларни тўғотмассан, шундайми?

Холбой бирдан ҳиринглаб кулди.



– Тунов кун-чи, битта бола мен билан ўйнамайман девди, орқасидан қилчимни яланғочлаб бир қувдим, бошига қилч билан бир солди-им, биласанми нима бўлди? Миясининг қатиғи чиқиб кетди. Ана!

Дилшоднинг юраги дукурлади.

– Бола нима бўлди, бола? – деди у, ваҳми ортиб.

Холбой Дилшоднинг ваҳмига парво қилмай яна ҳаққалашга турди. Дилшоднинг жаҳли чиқди. Энди яна ҳам кучли бир ҳаяжон билан саволини такрорлади:

– Ҳой, сендан сўраяпман: бола нима бўлди?

Холбой Дилшод ёнига иржайиб келди.

– Бола-чи, касал ётиб-ётиб, ахири ўли-иб қолди.

Ана!

Дилшод юраги бўғзига тикилди. Холбойни, худди кўтариб ерга урадигандек, ёқасидан ушлаб силкиди. Нафратланиб:

– Минг лаънат! Муштдай туриб ҳаром қўлингни гўдақ қонида ювибсан! – деди-ю, чўрт ўгирилиб саройдан чиқиб кетди.

Еттинчи боб

Завод

Гузарда нос сотиб ўтирган битта чолу, яна икки-учта бекорчидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Дилшод уларга салом бериб, завод томон юрди. У ҳамон ҳаяжонда, қалби алам чангалида эди. Бу қандай гап: кичиклигида қон тўкишга ўрганган бола катталигида қон ичса бунга ажабланиб бўладими? Муттаҳам бой, ўғлингни тий, ўғлингни тий, бу кетишида жаллод бўлади!..

Дилшод қалб исёнининг ҳайқириқлари билан банд бўлиб, завод дарвозаси ёнида қора лаклари ярақлаб турган яп-янги извошни пайқамай ичка-

ри кириб кетди. Кўз ўнгидан малла боланинг ҳақ-калагани, миясидан «ўли-иб қолди» дегани кетмас эди. У завод саҳнида девалаб ташланган тахта-лар, палапартиш ётган ёғочлар, қурилиш ахлат-лари, гишт синиқлари, темир-терсаклар, цемент, шағал, харсангтошлар орасида адашиб қолиш-дан кўрққандек, бир чеккада антрайиб турди. У бўйинини чўзиб нарига қаради. У ерда, ўн йил ав-вал Қорабулоқ камбағаллари минг азобу уқубат билан тоғдан ўнгур қазиб чиқарган сув пайрови лапанглаб оқаётган катта анҳор бўйида машина корпусининг баланд қадди кўринди. Ҳамма ерда: корпус томида, ичида, анҳор бўйида, завод саҳ-нида иш билан қайнашган одамлар. Ўнг томонда узунлиги бир чақирим келадиган, пештоқи кун-чиқарга қаратиб кўтарилаган бостирма. Бу ерда ҳам чувалашиб-увалашиб ишлаётган одамлар. Кўз илғамайдиган бу кенг қурилиш майдонида меҳнат шовқини шу қадар баландки, одамлар бир-бир-лари билан қичқиритиб гаплашади. Бир неча дақиқа ичида Дишоднинг кулоқлари ҳам қоматга келди. Боши гангиб орқасига бурилди. Лекин дар-воза ёнидаги конторага етганда, у ердан Тешабой европача кийинган, оқ-сарик киши билан чиқиб қолди. Дишод индамай ўтиб кетаётган эди, Теша-бой уни таниб:

– Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсан? – деди.

Дишод отасини кўргани келганини айтди. Тешабой уни менсимаётгани аниқ билиниб турган керик товуш билан:

– Ҳа, кўрдингми? – деб сўради.

Дишодни унинг кериклиги эмас, қарийб тани-маган бир кишини менсимай сенлагани нафрат-лантирди. Боя ўғли ҳам шундай сенлаган эди. У тилида «кўрдим» деса ҳам, дилида: «О, қанчалар ўхшашади-я бир-бирига бу ота-бола!» деб ўйланди.



У ёнида одоб сақлаб жим турган истараси ис-
сиқ, ўрта бўй кишига имо қилади.

– Менинг муҳандисим, танишиб қўй.

Муҳандис юзлари, кўзлари билан кулимсираб
Дилшодга қўл чўзди.

– Воҳид Оқчурин.

Дилшод ҳам отини айтиб кўришди. Тешабой
Воҳиднинг елкасига қоқиб хохолади.

– Ўзи татару, қисталоқ, ўзбекчани шунақаям
қийворадики, гапини эшитсанг, «тавба, ўзбеклар
ичидаям шунақа сариғи бўлар эканми» деб ҳайрон
қоласан.

Оқчурин қиқирлаб кулди. Дилшод юзига эса ис-
теҳзо югурди.

– Ҳамма ҳайрон бўлса ҳам, жаноблари ҳайрон бўл-
масалар керак. Ўзларининг ўғилчалари сариқдиқда
бу кишини ярим йўлда қолдириб кетади. Шундай
эмасми? – деди Дилшод, санчиб олгандай қилиб.

Тешабой юзида жаҳл илони тўлғонди. У:

– Тилинг ништар-ку, отангнинг ўзисан. Отанг
ҳам шунақа тарс-турс гапирадиганидан экан. У
ёқдаги иш битгандан кейин бу ёққа қараш де-
сам, яланг ўзини бозорга солади, – деди. Шу он
Тешабой бирдан кўзлари олайиб, бостирма томон-
га қичқирди: – Ҳой, хотинталоқ, гиштни шунақа
ташлайдими?! Ҳаммаси синиб кетади-ку! Ахир бу-
нинг биттаси фалон пулга келяпти-я, энафар!

Тешабой уни урмоқчи бўлгандек ўша томон-
га хезланди, лекин Оқчурин югуриб кетганини
кўриб, шаштидан қайтди. Кўзлари ҳамон ўша
мардикорда эди. Оқчурин бориб унга бир нималар
деди. Мардикор, тавба қилаётгандек, калласини
бир ёнга эгиб ликилатди. Ана шундан кейингина
Тешабой ўзига келди.

– Менга қара, отинг нимади? – деди у, Дил-
шодга ўгирилиб.



– Дилшод.

– Дилшод, сенинг фойдангга битта маслаҳат бор. Нима дейсан?

Дилшод кулимсиради.

– Маслаҳат бегараз бўлса, ҳақ талаб қилмас, – деди, Тешабойнинг айёр юзига тикилиб.

Тешабойнинг кўзларида энди таҳсин учқуни кўринди.

– Ақлинг жойида!

Дилшод индамади. Тешабой гапни айлантириб ўтирмай мақсадга ўтди.

– Саводингни тузук деб эшитдим. Ўрисча ҳам билармишсан. Менга мирза бўлиб келмайсанми?

Дилшоднинг кўзига бирдан Мамарайим афанди кўриниб кетди. У яна олдида худди калитларни шиқирлатиб тургандай бўлди. Мамарайим афанди Тешабойга ўн йилдан бери мирзалик қилар, меҳмонхоналар, омборлар, қазноқлар калитини қўйнида тумордай сақлаб, бу дову дастгоҳларни кечалари кўриқчи итдай пойлаб ётар эди. Дилшод ҳам ўшандай бўлсинми? Йўқ!

У ошкор истехзо билан:

– Қулауқ, – деди.

Тешабой уни отасига ўхшаш ўзини бозорга солганга деб ўйлади. У балиқчи бўлмаса ҳам, лекин балиқчига дарс берадиган қув одам эди. Энди қармоққа ширин нарсалар илди.

– Тагингда извош бўларди, хоҳлаган пайтингда шаҳарга тушиб-чиқаверардинг, мўмай ойлик олардинг...

– Қулауқ.

Тешабой, қармоғи илмагандан кейин, энди даллол чопонини кийди. Дилшод нархига яна жиндай қўшди.

– Завод битса, машиналарда албатта ўрислар ишлашади. Тилмочлик ҳам қилардинг, бунга ҳам ҳақ берардим...



Дилшод: «Қайнатангизни олиб кела қолинг, шаҳарда кимсан – катта тилмоч» демоқчи бўлди-ю, оғзи бормади.

– Афсуски, бунақа ишларга йўқман, – деди у, шу билан гап тамом дегандай қилиб.

Тешабой: «Ёшсан, ғўрсан, шошмай тур, ҳали ўзинг ялиниб келасан» деб ўйлаб, калласини ликилатди. Кейин кўча томон уч қадамча юргандан кейин яна тўхтади. У нима қилиб бўлса ҳам Дилшодни кўндириш пайида эди:

– Бугун қайтасанми? Извош бор, олиб кетаман, – деди.

Дилшод бу илтифотни ҳам рад қилди.

– Қуллуқ.

Тешабой кетгандан кейин Дилшод кўчага чиқиш фикридан қайтиб, завод тўғрисидаги анҳор томонга кетди. Йўл-йўлакай машина корпусига кирди. Ҳали у ерда чиғириқ машина, пахта тойлайдиган, дамига тортадиган пневматик агрегат, жин торози ва шуларга ўхшаш бошқа ускуналар ҳали ўрнатилмаган бўлса ҳам, ўринлари бетон қуйилиб тахт қилиб қўйилган эди. Бир неча одам ғалтакларда ахлат таширди. Дилшод қўли қўлига тегмай ишлаётган одамларга бир неча дақиқа қараб тургандан сўнг анҳор лабига ўтди. У ерда ҳам иш қайнар эди. Каналга ўхшатиб узунасига қазилган кенг, чуқур зовур бўйида тўхтади у. Пастда кимлар замбилларда, кимлар ғалтакларда тупроқ чиқарар, кимлар кетмон, кимлар чўқмор билан ер бўшатарди. Дилшод бу ишларнинг катталигига, шитоблигига ҳайрон бўлиб турган эди, пастдан биров:

– Э, келинг, Дилшодбек! – деб қичқириб қолди.

Дилшод овоз эгасини танимади. У терга пишиб, қорайиб ишлаётган бир кетмончи эди.

– Замонман, Замон акангизман! – деди у.

Дилшод тепадан қичқирди:



– Э, ҳорманг, Замон ака, ҳорманг! Бу нима ўзи, мунча чуқур қазияпсизлар?

Замон ҳоҳолаб кулди. У ёқ бу ёққа бир жаланглаб олгандан кейин бир шапалогини оғзи ёнига тутди.

– Бойга гўр қазияпмиз.

Дилшод яна бояги саволини такрорлади:

– Намунча? Гўрни ҳам шунақа чуқур қазийдимми?

Замон яна кулди.

– Қизталоқнинг гўрини чуқурроқ қазимасак, Азройилани сотиб олиб чиқиб кетиб қолади!

Пастда гулдурос кулги кўтарилди. Дилшод ҳам ҳоҳолаб юборди. Замон одамларни кулдириб кўйиб, ўзи шипилаб тепага чиқди. Дилшод билан аввал кучоқлашиб кўришмоқчи бўлди-ю, усти-бошининг кирлигидан, ҳамма ёри чанг-тўзалигидан тортиниб қўл узатди. Лекин Дилшод кучоқ очди.

– Келинг, қандай шамол учирди? – деди Замон.

– Сизларнинг шамолингиз-да, Замон ака. Хўш, мардикорлик қутлуғ бўлсин?

Замон чеҳрасидаги бояги чақчақлик йўқолди. Истеҳзо билан қўлларини ёйди.

– Қорабулоқда деҳқоннинг куни битган, Дилшодбек... Бой сув бермаса. Яхши ерларни жойи келса ҳийла, жойи келса зўрлик билан тортиб олса... Биласиз, менда ер тугул, бошпана ҳам йўқ. Сибирдан қайтганимдан бери аҳвол шу. Ҳайриятамки, билакда яна анча-мунча куч қолган экан...

Дилшод Қорабулоқдагина эмас, бошқа ерларда ҳам аҳвол шунақалигини билгани учунми ё ўйламай берган саволи билан Замон ярасини шилганидан пуншаймон бўлдими, гапни дарров бошқа ёққа бурди.

– Замон ака, бу зовурда ростдан нима бўлади?

Замон бояги ҳаяжонидан тушиш, ўзини босиш учун мошкичири соқолини ўнг қўли билан бир оз силаб турди. Кейин, қуруқ, бегона товуш билан:



– Бу ердами? Сув билан юрадиган электрстанция курдиряпти. Завод машиналари электр бўлма-са юрмас эмиш-ку.

Дилшод бир зовурга, бир заводга қараб ўйланиб кетди.

– Наҳотки шунча ишга кучи етса? Шунча куч, шунча маблағни қаердан оляпти-я бу Тешабой?

– Оқ пошшо бераётган эмиш-ку, – деди Замон, хабарингиз йўқми, дегандай қилиб.

– Йўғ-э!

– Ҳа. Бу ерда битта нўғай йигит ишлайди. Инженер. Кўп яхши, дилкаш йигит. Қайси куни қулоғимга шундай деб шипшиди-ку, ёлғон айтмаса керак.

Дилшод яна ўйланиб қолди. Кейин худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай сўзланди:

– Дарвоқе, шундай бўлиши ҳам мумкин. Уруш Николайнинг мадорини ёмон қурипти. Аҳвол жуда танг. Герман босиб келяпти. Аскарлар орасида норозилик зўр. Улар баъзи жойларда қуроладини ташлаб, қишлоқларига кетиб қолишаётган эмиш. Ўқ-дори етишмайди, дейишади. Демак, пахта керак. Пахта ҳам урушда ўқ-дори сингари зарур нарса.

Замон суюниб сўради:

– А, мадори қурипти, денг?

– Қурипти! Ҳозир Николай эски Николай эмас.

– Эҳ, қудратингдан ўргилай Худо, шу оқ пошшойингдан қутқазсанг, биз ҳам ўзимизнинг пошшоваччаларимиздан қутулиб олармидик, – деди Замон, хўрсиниб.

– Ниятингиз тўғри, Замон ака, лекин Худога илтижо қилиш билан подшодан қутулиб бўлмайди, – деди Дилшод. – Ундан ўзимиз қутулишимиз, қутулиш учун курашишимиз керак. Хабарингиз бўлса керак. Россияда рус ишчилари, рус инқилобчила-



ри жонларини жабборга бериб подшога қарши курашиб ётишибди. Бу кураш бекор кетмайди.

Змман уни тирсагидан ушлади.

– Бугун кетмайсиз, хизматда бўламиз, хўпми? Энди Фуломжондан гапиринг. Қалай, тинчми, саломат юрибдими? Анчадан бери дараги йўқ?

Дилшод Фуломжон акасининг номини эшитиб очилиб кетди.

– Шукр, саломат юрибди. Уларда ҳам ишлар қисталанг. Бу ёққа келишимни билиб, кеча учровдим. Ҳаммаларингизга соғиниб-соғиниб дуо деди.

– Саломат бўлсин. Мулла Дилшод, шу одамни кўрмасам соғинаман, кўрсам ачинаман. Менга қаранг, Дилшодбек, сиз Фуломжон билан анча яқинсиз, балки сирдош ҳамдирсиз. Ростини айтинг: уйланай дейдими? Агар-чи, Дилшодбек, уйланаман деса, қизимни берардим! Ёлғон гапирсам, тепамда Худо турибди, ўлиб кетай агар, берардим!

Дилшод юзига ғам пардасини тортди.

– Биладим. Ўзи ёримайди, сўрашга одам истиҳола қилади.

Замон калласини сезилар-сезилмас ликилллатиб бир оз тургандан сўнг:

– Хўп бўлмаса, мен тушай, саркор кўриб қолса яна хўжайинига чақиб юрмасин, кўп баттарин одам, – деди,

Дилшод саркор кимлигини билмас эди.

– Ким экан, шу ерликми у?

Замон заҳарханда қилди.

– Соли совуқ-да, танимайсизми? Мингбошининг қопоғон ити. Тешабой унга жиян куёв бўлади. Дўзахи Бегойимнинг акаси.



Саккизинчи боб
Ҳасрат кўнгла доғни ювармиш

Дилшод заводдан гузарга қайтиб чиқди. Отаси ёнига бормоқчи бўлиб бир-икки қадам юрди ҳам. Лекин бирдан Фуломжон акаси тайинлаган гап эсига тушди. У икки ҳафтадан бери Қорабулоққа кела олмаётганини, Салтонбунинг бетоблигидан хавотирда эканини айтиб, хабар олиб келишни илтимос қилган эди. Салтонбу Фуломжонларникида туради, шунинг учун у тўғри ўша ёққа қараб юрди. Таниш эшик остонасига келиб, зулфинни шиқирлатди, ичкаридан жавоб кутиб бир оз турди. Ҳеч ким овоз бермагандан кейин эшикни секин очиб ташқарига кирди. Кирди-ю, чап томонга қараб юраги ачишди. У ерда бир вақтлар Фуломжон қанча умид, қанча севинч билан қишлоқ болаларини йиғиб ўқитган меҳмонхона хувилаб, деворлари нураб ётарди. Дилшод уч йил бундан бурун ўзи битириб чиққан рус-тузем мактабининг пастки синфларида ўқитувчилик қилар, шу учун Фуломжон қалбидаги жароҳат оғриғини ўз қалбининг оғриғидай сезарди.

Дилшод даҳлизда кавушларини ечиб эшикни очди. Салтонбу ситилиб кетган эски кўрпага ўралиб, дарча ёнида ётган эди. Дилшод салом бериши билан дарров бошини кўтарди, алик олди.

Дилшод токча ёнидаги тўшакка ўтирди. Фотиҳадан кейин Салтонбунинг сўлишган, заъфарон юзига тикилди.

– Бахайр?

Салтонбу ўзини зўрлаб жилмайди.

– Бир ойдан бери мазам йўқ, айланай. Худога нима ёмонлик қилган эканман, гоҳ гам билан эзди, гоҳ дард билан. Гўрингда тўнғиз қопгур золим мингбоши иккита қиличдай боламни мардикор-

га жунатди-ю, икки қанотим қайрилиб, шундай дардманд бўлиб қолдим. Нимасини айтасиз, Дилшодбек, вой менинг тортган азобим! Золим Мадумарга қанчалар ялиндим. «Жон мингбоши бува, раҳм қилинг, бошимда эркагим йўқ, битта боламни одингиз, бунисини қўйинг», деб у Худонинг зорини қиладим, оёғига йиқилдим, бўлмади – кичигимни ҳам олиб кетди.

— Дилшод бу хотин дардига малҳам тополмай ерга қараб ўтирар эди. Ахийри бошини хиёл кўтариб:

— Ҳа, бу мардикор ҳам халқ бошига янги бало бўлди, — деди.

— Бу гап Салтонбунинг ярасига туз сепди.

— Ух, бу балолар қачон адо бўлади, айланай? Эсимни танибманки, бошимиз балодан чиқмайди? Бир ёқдан йўқлик, бир ёқдан хўрлик. Жўжабирдай болаларимиз очдан ўлмасин, деб раҳматли эрим билан ўзимизни қўшга қўшган вақтларимиз ҳам бўлди, айланай! Айтган билан адо қилиб бўладими, бу кўргиликларни, Дилшодбек! Оч бўлсак ҳам, яланғоч бўлсак ҳам ўша кунлар тузук экан, бошимда эрим бор эди, қошимда болаларим, деб ўйлайман гоҳи маҳаллар. Мана энди эримдан, етти боламдан айрилиб, Ёдгоржон билан сўппайиб қолдим. Худойим энди шу биттаю битта боламни ҳам кўп кўрмасин... — деб Салтонбу енги билан кўзларини тўсиб пиқ-пиқ йиғлар, йиғлаб туриб сўзлар эди. — Дунёда менчалик эзилган хотин бормикан, Дилшодбек? Вой бу шўрлик бошим! Қорабулоқ тўполонининг эртасига мингбоши билан Тешабой бош бўлиб қишлоққа аскар торттириб келди. Уни ўша ёқдан тутиб қамади, буни бу ёқдан тутиб қамади, қўйингчи, қишлоқ эркакларининг ярмидан кўпроғини турмага олиб бориб тикди. Шўрлик эримни бўлса, ҳали сенми менинг уйимга ўт қўядиган, деб Тешабой чунон қамчилади, чунон теп-



ди, одамларига калтаклатиб, кўз олдимда ўлдирди. Вой ўшанда йиғлаганим, Тешабойга ялинганим!.. – Саалтонбу гапиролмай тўхтаб қолди. Дилшод вужудида турган қалтироқни босолмай титрарди. Саалтонбу ўксик, кесик товуш билан яна сўзлай бошлади. – Кейин қизим Лобархонни сил олиб кетди, суториқ болам ҳам кўп турмай оламдан ўтди, Қорагайтда малайлик қилиб юрган Турғунжонимни бойнинг оти тепиб ўлдирди. Вой, вой! Сиз сўраманг, мен айтмай, айланай Дилшодбек!

Ўртага сукунат тушди. Саалтонбу гапира олмай қолди. Дилшодни эса муштипар хотин ҳасратининг оғир тоши босди. У Саалтонбу бошидаги шўру равғоларга ўзи айбдордек, бу мазлум хотинни у шўрлардан, у ҳақорат ва хўрликлардан қутқазишга ҳаракат қилмаганидан ё бунга кучи етмаганидан хижолатдек ерга қараб ўтирарди. Бемор кўтарилиб, болишни орқасига қўйди, белида ёмон санчиқ тургандек, юзини буриштириб болишга сунди. Кейин ҳароратдан қуришган жонсиз лабларини ялаб, яна қуйиб-ёниб гапира кетди:

– Қишлоқда менга ўхшаб ўлмай қолган жони қаттиқ оналарни бир ерга йиғсангизу: «Гапир, нима ҳасратинг бор?» деб сўрасангиз вой. Вой, ҳасрат нималигини, она шўри нималигини ана ўшанда билардингиз, Дилшодбек! Камбағал Матқовул поччангизни ўлдиришгандан бери ўн йил ўтди. Бу ўн йил бошимизга ўн минг йил азобини солди. Тешабой, эринг саройимга ўт қўйган, деб бизни ҳалигача эзади. Болаларимни қанча урди, ўзимни урди, каталакдай эшигимизни тортиб олди. Худога шукурки, умрингдан барака топкур Фуломжон бор экан, мени шўрлик болаларим билан эшигига олиб кириб қўйди. У вақт Фуломжон кўзидан, саломатлигидан ажраб қаттиқ ётган пайтлар эди. Сиз уни қай аҳволда уйига келтириб ташлашганини эшитганмисиз?



Дилшод эшитган эди. Шундай бўлса ҳам:

– Сал-пал эшитувдим, – деди.

– Ҳа, золим мингбоши дўзахи Фиёс калланинг хукми билан дарра урдира-урдира ўлакса қилиб замбилда келтириб ташлашганда, раҳматли Хадича хола сочларини юлиб додлаганини, бетларини тимдалаб йиғлаганини кўрсангиз эди. Вой, вой, вой! Ҳозир эсимда йўқ, мен ўша кунни Хадича холаникига бир нарса сўраб кирган эдим. Фуломжоннинг аҳволини кўриб, мен ҳам додлаб юбордим. Ҳеч таниб бўлмайди! О, эрим иккаламиз қўшга қўшилиб ер ҳайдаётганимизда бизга раҳми келиб отини берган суқсурдай Фуломжон қаёқда-ю, ерда бетлари шишиб, кўзларидан, оғзидан қон оқиб ётган бечора қайда! Мадумар мингбошининг эски чўриси Кароматхон ҳам ўғли билан ўша вақт Фуломжонларникида турарди. Уч аёл нима қилишимизни билмай, Фуломжон бошида шу йиғладик, шу йиғладик. Бизнинг фарёдимишни эшитиб кўни-кўшнилар югуриб чиқишди. Эшик бир зумда одамга тўлиб кетди. Фуломжон қимирламай ётгани учун Хадича хола ўғлини ўлик деб ўйлаб, ҳушидан кетиб қолди. Кимга қарашимизни билмаймиз. Мен у ёқда потирлаб югураман, Кароматхон бу ёқда. Шошганимиздан, ёнгинамизда суви билан турган кўрани тополмаймиз-да. Йўқ, Эрбўта шу ерда экан, мана-мана, деб кўлимизга тутқазди. Шошиб Хадича холанинг бетига сув сепдик. Йўқ, раҳматлик шу беҳушлигича қайтиб ҳушига келмади...

Салтонбу киртайган кўзларидаги ёшларни енги билан артиб, яна жим бўлиб қолди. Дилшод эса хаёли билан ҳозир ўша фожиа ичида эди. Бир нима деёлмай, бошини ердан кўтаролмай, эзгин ўтирарди. Салтонбу чуқур хўрсинди. Кейин сочлари оқариб кетган бошини тебратиб, яна ҳасрат дафтари-ни варақлашга тушди.



– Дўзахи Мастон кампир хўжалигини пеш қилиб, Фуломжон бошига шунча кулфат солмаса, ўрталарига чағиртиканак бўлиб тушмаса, бечора Ҳаётхон ўзини осмасмиди, Ҳаётхоннинг шўрлик онаси қизи доғида йиғлай-йиғлай ўлмасмиди, раҳматли Хадича хола келин кўрмай, дунёдан кўзи очиқ кетмасмиди дейман. Битта ўзи шунча одамнинг бошини еди-я, вой хўжа бўлмай дўзах ўтида куйгур-эй! Ўзи ўлди, ўғли ўлди, келини, невараси ўлди, мана уйида битта ҳам тирик жон қолмади. Бирор кун йўқки, у ерда у ўлмасин, бу ерда бу. Тавба! Худонинг топиб олгани шу битта Қорабулоқмикан ё бошқа ерларда ҳам шунақамикан? Мундоқ ўйласам, қишлоқнинг ярми қирилиб кетибдир. Бири очликдан, бири хорликдан, бири дард, бири зулмдан. «Ё ҳу!» деб дунёдан бошингни олиб кетгинг келади, айланай!

Салтонбу ўпкаси тешик кишига ўхшаш ёмон йўталди. Нафасини ололмай, ҳарсиллаб қолди. Дилшод ачиниб, намиққан кўзларини ундан узолмай турди. Салтонбу ўзини босиб, бироз текис нафас ола бошлагандан кейин, Дилшод ошкор қайғу билан:

– Фуломжон акам бу икки жудолик зарбидан ҳали ҳам ўзига келолмайди, – деди.

Салтонбу ёниб кетди.

– Фуломжоннинг доғини бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Ҳаётхонидан айрилганига мана ўн йил бўпти, шу ўн йилдан бери ҳар пайшанба келиб мозорини зиёрат қилади.

– Йўғ-е!

– Ҳа, айланай.

– Мен билмас эканман.

– Шунақа. Ота-онасининг қабрини, Ҳаётхон қабрини зиёрат қилади. Ҳаётхон билан Хадича хола ёнма-ён қўйилган. Барака топгур Замон билан



рахматли Борот полвон бош бўлиб, қабрларини ён-ма-ён қаздиришди. Тирикларида қайнана-келин бўлишмади, энди шундай бўлиб ётишсин дейишди.

Дилшод чўнтагидан дастрўмолини олиб, Салтонбудан яшириқча кўзларини артди.

Салтонбу ўзини ўнглаб олиб, яна ҳикоясига тушди.

– Ҳа, қош қораяр-қораймас мозорига кетиб, тонг ёришганда қайтади. Қовоқлари шишиб, кўзлари қизариб бир аҳволда келади. Мен олдин сараб-соб солмаган эканман. Кейин қарасам – шунақа... Хайр, энди у ёғини эшитинг. Эсимдан чиқмаган бўлса, икки йил бўлди шекилли, бир кун у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, бошингизни иккита қилиб қўйсак ёмон бўлмасмиди, демайманми! Фуломжон худди чаён чақиб олгандай сакраб тушди. «Жон опа, мени хафа қилгингиз келмаса, мени уйига иккиламчи қулмасин демасангиз, қўйинг, бошимни иккита қилишдан гап очманг, Худо хайрингизни берсин, деди. – Мени деб азиз жонидан кечган бир кишини гўрида ҳам тинч қўймайми, Бу ахир ноинсофлик, вафосизлик бўлмайдими? Йўқ, мени бу хил гумроҳликка тортманг», – деди. Шу-шу, бу тўғрида оғиз очолмайман. Фақат ҳасратдан куйиб, кундан-кунга қуриб бораётганини кўраману, ичимдан эзиламан, йиғлайман.

Дилшод «бас, бас, ортиқ чидолмайман!» дегандек мўлтираб, қалтираб Салтонбуга қаради. У энги билан кўзларини артиб ўтирарди. Юзидан ёғиб турган қайғу ғазабга айланди.

– Асли сув боши лой, айланай! – деди Салтонбу, калласи билан осмонга ишора қилиб. – Худо бировларни чувалчангга ўхшатиб хокисор, бировларни уйинг куйгур Тешабой билан балохўр мингбошига ўхшаш гердайган қилиб яратмаса, биз ҳам одамга ўхшаб яшармидик. Тавба, Худойим биз хотинларни ойдинда оёғи билан яратган эканми, шундай



хор, шундай бенавомизки, биз ҳам одам бўлиб, ел камиз офтоб кўрмаса-я... Энди анави Мадумар по-рахўрни қаранг! Уззукун, юртнинг отасиман, деб оғзини кўпиртиради-ю, арз билан борсангиз кўлингизга қарайди. Юрт вами парвойига келса-чи! Йўқ, топиб олгани хўроз уриштириш, кўчқор уриштириш, самоварда ўтириб олиб «хо-хо-хо!»

Дилшод Салтонбунинг қизиқ қилиб гапирганига кулиб юборди. Бу кулги қайғу тошини елкасидан кўчирди. Чехраси бир оз очилиб, бошини кўтарди. Салтонбу юзида эса бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб қўйиб кейин изза бўлган кишиникига ўхшади жиламайиш пайдо бўлди.

– Менинг эзмалигимга куляпсиз-да, Дилшодбек? Нима қилай гапирмасам, юрагим сиқилса, гапирманда, айланай. Ҳасрат кўнгил доғини ювармиш!

– Йўғ-е, холажон, самоварда ўтириб олиб: «хо-хо-хо!» деганингизга кулдим. Жуда қизиқ қилиб айтдингиз.

– Ҳа-а.

Дилшод кўзгалди.

– Хўп, холажон, энди менга жавоб. Фуломжон акам сизга кўпдан-кўп дуо деди. Эрта-индин ўзи ҳам келиб қолар.

– Саломат бўлсин. Айтинг, келсин. Салтон холангиз соғинибди, денг.

Тўққизинчи боб

Кичкина деманг бизни...

Уста Баҳромнинг иши кеча битмай қолди. Бугун эрталаб чойдан кейин ўғлини бир-икки соат томоша қилиб келинг деб бозорга жўнатди-ю, ўзи иш чаласини битиришга урнади.

Бугун чоршанба – Қорабулоқ бозори. Бу ернинг бозори жуда катта бўлади. Атрофдаги йигирмалаб



қишлоқдан ҳожатмандлар, шаҳардан чорбозорчилар, савдогарлар йиғилади. Бамисоли ҳайит кунларидек одам тиқилиб кетади. Дилшод вофурушлар, баззозлар қаторидан ўтиб, қўй бозорига кирди. Қирғизлар, маҳаллий турклар шунча кўп қўй келтиришган эдики, Жонибек қози Олайдаги ҳамма қўйини ҳайдаб келибдимми, деб ўйлади у. Қўй кўпу, олувчи йўқ, бўлса ҳам жуда кам. Дилшодни униси чақиради: мана жақси қўй деб, буниси чақиради: мана бўрдоқини олсанг-чи, деб. Дилшод ҳам кўнгил учун боради, кейин қимматсираб кетади. У ерда кўп айланмай коппонга ўтди. Араваларда, ерларда қоп-қоп дон: буғдой, гуруч, оқ жўхори, маккажўхори, арпа, сули, қопларда буғдой ун, зогора ун... Бири унини мақтаб қичқирса, яна бири гуручини мақтайди: «Олиб қол, армонда кетма! Ўзган гуручи, қизил уруғ-а!» дейди. Дилшод бозордаги ғаллани кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Назарида, у ердаги ғалла битта Қорабулоқни эмас, каттакон шаҳарни камида бир йил боқишга етар эди. «Тавба, бозорда Ғалла тиқилиб ётибди-ю, очликдан ўлаётганларнинг ҳисоби йўқ!» Новча, қорача, истараси иссиқ бир қари чол Дилшодни қўлидан ушлаб гуруч томон тортди.

– Ўғлим, мана бу гуручни олинг. Гуруч деса киройи гуруч шу. Арпа гуруч-да. Чаксаси икки чаксанинг ошини бераверади, – деди.

Дилшод ҳаваси келиб, гуручдан бир сиқим олиб қаради. Ҳақиқатан ҳам доналари бўлиқ, тўлиқ эди. Яна худди қўлда тергандай бир хил. Сотувчи тагин ялинишга тушди:

– Шуни олинг, ўғлим, арзон қилиб бераман. Чамамда, тўйга оладиганга ўхшайсиз, а? Шуни олинг, аммо роса тўйбоп-да.

Дилшоднинг юраги бир шиғиллади. Тўтиқиз билан олма тагида қувишгани, кейин, кейин у қиза-



риб, ер остидан қарагани кўзига кўриниб кетди. Дилшод юзига ёқимли жилмайиш югурди. Аммо гуручфуруш бунини бошқа нарсага йўйди – гуручнини ёқтирмади, деб ўйлаб:

– Адашяпсиз, ўғлим, бундан яхши гуруч йўқ бозорда. Гуручнинг олди шу, – деди.

Дилшод бу ерга гуруч олгани келмаган эди, шу учун ўзини гуручга урмай иккиланган кишидай турарди. Чол энди ёнида нақд пули йўқ шекилли, деб ўйлади.

– Майли, насиёга бўлса ҳам олиб кетинг. Кўп эмас, беш қоп холос, тўйингизга баҳузур етади.

Дилшод чолнинг нур ёғилиб турган очиқ юзига шукроналик билан қаради. Кейин ҳазил аралаш қилиб сўради:

– Танимаган бир одамингизга беш қоп гуручингизни бериб юборсангиз қандай бўлади?

Гуручфуруш ҳазилни тушуниб кулди.

– Сизга ўхшаган яхши йигит бермай кетса нима ҳам деярдик, майли, ош бўлсин, деймиз қўямиз-да.

Чолга қўшилиб Дилшод ҳам кулди. Кейин шаҳарлик эканини, бозорда шунчаки томоша қилиб юрганини айтиб, узр сўраб кетди.

Гуручфуруш Дилшоднинг орқасидан қараб қолди.

У коппондан чиқиб, бир чойнак аччиққина кўк чой ичиш учун самовар томонга юрди. Шоҳона тузилган мўъжазгина чорпояда амрикон маҳси-кавушли семиз бир киши гердайиб ўтирарди. Қорабулоқ мингбошисини кўрмаган бўлса ҳам, чорпоя ёнида каттакон сариқ даканг боғлоқлиқ турганидан, у йўғон одамнинг эғнида оҳори тушмаган беқасам тўн, пўстдумбага ўхшатиб тоза қирилган бошида яп-янги тус дўппи борлигидан, бағбақалари осилиб, ола кўзлари қутурган бўриникидай ўт сочиб турганидан Мадумар мингбоши шу бўлса



керак, деб ўйлади у. Бу ўй Салтонбунинг кечаги гапани эсига туширди. Мингбоши ўзи чорпояда бир замбил бўлиб ўтирса ҳам, олайган кўзи бозорчиларнинг қўлларида, қўлтиқларида изғир эди.

Мингбошининг бирдан кўзлари чақнаб, башараси ярқираб кетди. Ўрнидан турмай, қўлини чўзди.

– Ҳой бола, бу ёққа кел!

Тўққиз-ўн ёшлар чамали ориқ, қорамағиз бир бола жўжага ўхшаган бир нарсани кўкрагида авайлаб кўтариб кетаётган эди. Бола мингбошини танирди. Қанақа мингбошилигини ҳам биларди. Товуғимни олиб кўяди, деб кўрқиб, уни иккала қўли билан тўсиб олди. Мингбошининг аввал кўзлари хунук олайди, кейин инсофга келдими ё бола кўрқмасин дедими, ҳиҳилаб кулди.

– Нимага серрайиб турибсан? Бу ёққа кел, чурвақа! Нима у: макёми, хўрозми? Кел дейман бу ёққа, э энағар!

Бола худди орқасидан биров итараётганга ўхшаб зўрға икки-уч қадам юрди. Кейин ўзидан нарига эшитилмайдиган бир товуш билан:

– Хўроз, – деди.

Мингбошининг қизил кўзи чўққа айланди.

– Қанақа хўроз, кичкина-ку?

– Беданахўроз.

– Қани, қани, кўрсат-чи!

Бу орада бекорчилар йиғилиб, каттагина давра ҳосил бўлди. Дилшод ҳам, нима бўлар экан, деб бир чеккада қараб турарди. Бола ҳар қанча қамчи боссанг ҳам жойидан қимирламаган асов отдай, жойидан жилмай турарди. Мингбошининг ичи пишди. Энди жаҳли чиқиб ўшқирди:

– Э, опкелсанг-чи, энаталоқ, хўрозингни биров еб кўядими!

Бола яқин келди. Мадумар болани илитадиган қилиб сўради:



– Сотгани олиб келдингми ё уриштиргани?

Бола ҳамон кўрқиб:

– Сотгани, – деди.

Мингбоши йўғон қўлини чўзди:

– Қани, менга бер-чи?

Бола сал узатди-ю, яна тортиб олди. Даврадаги одамлардан бири ўртага тушди.

– Э, қизиқ бола экансан-ку, беравер. Нима, мингбоши ўзимга ўхшаган очу, хўрозимни еб қўяди, деб кўрқасанми? Қўрқма, додхонинг минглаб қўйлари яйловларда думбаларини кўтаролмай ётибди. Сенинг хўрозингга зор қолгани йўқ. Нима, пашшадай хўрозинг бир ботмон гўшт қилармидики, додхо тишининг қавагига жой бўлсин!

Одамлар шарақлаб кулиб юборишди. Бола ҳам кулди. Пичингга тушунмади-ю, лекин одамлар кулгани учун кулди. Мингбошининг эса турқи бузилади. У овоз келган томонга хўмрайиб қаради. У ерда ёғи чиқиб кетган эски тус дўппини ўсиқ сочлари устидан бостириб кийган, етмиш ямоқ қора чопонини белидан чилвир билан маҳкам боғлаб олган мошгуруч соқол бир киши безрайиб турарди. Мингбоши унинг оёқларидаги хароб чорикдан то бошидаги моғор дўпписигача қараб чиқди-да, тиланчи дарвеш бўлса керак, деб ўйлади.

Бола хўрозчасини мингбошига узатди.

– Манг.

Мадумар қўлига хўрозчани олиб, худди бир тоғора олтин олгандай суюнди. Уни у ёғидан кўрди, бу ёғидан кўрди, қанотларини очиб кўрди, бедананинг калласидан хиёл катта бошини, кичкина чиройли тожини кўрди. Кейин болани калака қилиш учунми, ё от йўғида эшак ҳам от деганларидек, дурустроқ хўроз йўғида бу кичкина хўрозчани ҳам хўроз деб ўйладими, ҳиҳилаб:



– Уришқоққа ўхшайди, а? – деди.

Бола тасдиқлади. Мингбоши кўзларидаги қизил чўғ ўт олди.

– Бўпти, уриштирамиз!

Бола ялт этиб дакангга қаради. Оёқлари ўзининг билагидай, бўйи, гавдаси кичкина танадай кўринди. Қўлини дарров хўрозчасига чўзди.

– Йўқ, бу ёққа беринг. Беданахўроз-ку бу! Даканг билан қандай уришади? Бир тепса ўлиб қолади.

Мингбоши бир қўли билан хўрозчани олиб қочиб, иккинчи қўлини болага чўзди.

– Бўлди. Қўлингни бер, агар даканг хўрозингни тепиб ё чўқиб ўлдирса, чақасини икки баравар қилиб бераман. Мабодо хўрозинг дакангни қочирса-чи, хўп, даканг сеники! Бўптими?

Бола мингбошининг гапигагина эмас, хўрози дакангни қочиришига ишонмай калласини ликилатди.

Мадумар энди болани пул билан қизиқтирмоқчи бўлди.

– Гапимга ишонмаяпсан-а? Хўп, ярим сўлковой бераман. Бўлдими?

Бола ярим сўлковойнинг нималигини билмаса ҳам, катта пул деб ўйлади.

– О, алдайсиз, – деди у, тисарилиб.

Мингбоши самоварчига қичқирди:

– Қоровой, ярим сўлковой опке! – Қоровой физилаб олиб келиб берди. – Мана шу ерда туради, – деди у, сўлковойни тўшак четига қўйиб. – Ютсанг ҳам, ютқизсанг ҳам шу пул сеники.

Бояги дарвишқиефа одам яна ўртага тушди.

– Қўрқма, азамат, сол хўрозингни! Мингбоши шунча халойиқ олдида сени алдаса номард бўлади. Ҳа, қўрқма! Хўрозинг қочса, мана биз бор. Ўша кекирдагини чўзиб турган дакангга ўзим тушаман.



Одамлар яна кулишди. Унинг чиндан ҳам дарвишлигига мингбошида гумон қолмади.

– Бўлди, сўзидан қайтган номард! – деди мингбоши, шуларнинг ҳаммаси гувоҳ дегандек, халойиққа қараб.

Бола рози бўлди. Мадумар кўлидаги беданахўрозни давра ўртасига ташлади. Хўрозча кичкина қанотларини бир қоқиб, ингичка, лекин қилчдайд ўткир товуш билан, қани, мард бўлса майдонга тушсин, дегандай қичқирди. Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Бола ҳам хурсанд бўлиб кетди.

Мадумар оғзи қулоғига етиб қичқирди:

– Жумон, дакангни еч!

Мирқосим йиртиқдан кейин миршаблик шопи Жумон писмиқ белига кўчган эди. У шопини орқасига суриб қўйиб, даканг ипини ечди. Хўроз чиндан ҳам кичкина танадай келарди. Уни қучоғига зўрга сиздириб, мингбоши олдига олиб келди.

– Мана, тақсир.

– Ташла.

Жумон дакангни давра ўртасига келтириб ташлади. Даканг ерга оғир юкдай попилаб тушди. Беданахўроз шарпани эшитиб ҳушёр қаради. Даканг важоҳатини кўриб эсхонаси чиқдимиди, кўзларини пирпиратиб, калласини секин ичига тортди. Бола узокдан қараб турган эди, хўрозчанинг юраги чиққанини кўриб, дарров яқинига ўтди. Бошини, елкаларини силаб кўзларига кулиб боқди, алланималар деб эркалатди. Хўроз ўзининг ёлғиз эмаслигини, орқасида эгасидай каттакон ҳомий борлигини сизди шекилли, бирдан жонланиб, урушга тайёрланди. «Қани, полвон бўлсанг келиб боқчи!» деётгандай қув-қувлаб ер чўқиди, ўмганидаги майда патларини ҳурпайтирди. Даканг бўлса, пинакка кетган бангидай, боягидай, бояги жойи-

да карахт турарди. У ё кичкина хўрозчани писанд қилмасди, ё қари кўнглига ҳеч нарса сиғмасди.

– Қимирлат, ўлиб қолганми? – деб мингбоши миршабига пўнғиллади.

Одамлар ҳоҳолаб кулиб юборишди. Жумон писмиқ югуриб келиб дакангни орқасидан беданахўроз томонга итарди. У икки-уч қадам лўкиллаб борди-ю, рўпарасида хурпайиб турган кичкина хўрозга «бу яна қанақаси бўлди?» дегандай тикилиб қолди. Беданахўроз дам ер чўқиб, дам калласини кўтариб яқинлашиб келаверди. Даканг ҳамон пинакда эди. Шу маҳал беданахўроз эгасининг «Ҳа, бўш келма, азамат, бўш келма!» деганини эшитди-ми, бирдан сагчиб келиб даканг тумшуғига қарсиллатиб тепди. Яна одамлар кулишди. Даканг бўлса, бу ногаҳон тепкидан эсанкираб, калласини кўтарди. Кейин бир ўтирилиб, беданахўрозга хўмрайиб қаради. Энди унинг ҳам ўмганидаги сийрак патлари хурпая бошлади. Даканг эгасидай қариган, туклари тушиб, сағри билан бўйни қип-қизил гўшт бўлиб қолган эди. У лўкиллаб хўрозчага ҳужум қилди. Лекин хўрозча чап бериб, тумшуғининг тагидан ўтиб кетди. Даканг уни қувиди. Хўрозча уни аввал роса толиқтирмоқчи бўлди шекилли, тумшуқма-тумшуқ келишдан қочиб, чап бераверди. Даканг даврани айлантириб тўрт марта қувиди. Кейин ҳаллослаб тўхтади. Ўзини ғолиб билиб бир қичқирмоқчи бўлган эди, овози чикмай ғийиқ деганча қолди. Ҳамма кулиб юборди. Айниқса бола қотиб-қотиб кулди. Хўрозча пайт пойлаб турган экан, душманининг кўзини шамғалат қилиб ўқдай отилиб келди-ю, дакангнинг чап биқинига тепиб, яна қочиб кетди. Тағин кулги кўтарилади. Мингбоши бўлса қовоғидан қор ёғдириб ўтирарди. Дилшод ўзини тутолмай кулади. Ёнида ким борлигини, орқасида ўзига биров гапираётганини ҳам сезмайди.



– Дилшодбек, Дилшодбек!

Дилшод беданахўрознинг чаққонлигига, дам у биқинидан, дам бу биқинидан келиб дакангни тепганига қойил қолиб, ичаги узилгудай бўлиб куларди.

Орқадаги одам уни секин ўзига тортди. Дилшод малол келгандай ўтирилди-ю, бирдан хурсанд бўлиб кетди. У ерда кулимсираб Замон турарди. Дилшод уни олдинга таклиф қилди.

– Ўтинг, Замон ака, бу ёқдан яхши кўринади.

– Йўқ, йўқ, мен орқадан томоша қиламан. Лаънати мингбоши кўриб қолса, қувиб юборади.

Дилшод ҳайрон бўлди.

– Нимага?

– Муттаҳамнинг уйига мен ўт қўйганман-да. Ҳали ҳам алаmidан чиқмайди, қисталоқ!

Ўртада яна гулдурос кулги кўтарилди. Хўрозчасининг муғомбирлигидан хурсанд бўлиб кулаётган болага Замон ишора қилиб, Дилшоддан сўради:

– Танияпсизми?

– Боланими? Йўқ.

– Раҳматли Матҳовулнинг кенжаси Ёдгоржон-да. Салтонбунинг ўғли-чи, кўрмаганмисиз?

– Э-э, шуми? – деди Дилшод, хурсанд бўлиб. Яхши бола экан.

Одамлар чапак чалиб қийқириб юборишгани учун Дилшод яна олдинга қараб олди. Энди у ҳам қорнини ушлаб кула бошлади. Беданахўроз даканг ўмганига чиқиб олиб, нуқул унинг кўзини, кўзини олиб қочса, яралари қатқалоқ бўлиб кетган тожини чўқир эди. Чап кўзини хўрозча чўқиб кўр қилди-ми ё тожидан оқиб тушаётган қон босдими, даканг калласини чотига қисиб олди. Кейин уни устидан тушириш учун лўкиллаб югурди бўлмади, йўғон гавдасини бир-икки селпиди – яна бўлмади. Хўрозча ўткир тирноқларини унинг яланғоч елкасига ботириб, маҳкам тураверди. Ҳеч иложини қилолма-

гандан кейин даканг яна давра бўйлаб лўкиллашга тушди. Одамлар қотиб-қотиб кулишар, ҳатто баъзилар кулги зўридан юмаланиб қолаёзарди.

Мингбоши шунча хўроз уриштириб, бунақа шармандаликни кўрмаган эди. Хўрозча даканг елкасига эмас, ўзининг елкасига чиқиб олгандек, бир-икки марта кифтини ҳам қоқди. Жаҳли чиқиб кўзлари ола-була бўлиб кетди, Даканг яқинидан ўтиб кетаётганда эса:

– Жумон, туширивор анови даканг елкасига рўда-подек ёпишиб олган зинғарчани! – деб ўкирди.

Томоша қилиб турганлар чувиллашиб беришди:

– Нимага туширар экан! Туширмайди!

– Дакангингиз ўзи тушириб олсин!

– Нотўғри!

– Фирромлик бу!

Мингбоши шундай бақриб бердики, одамлар жим бўлиб қолишди. Миршаб, даканг устида худди туя ўркачидаги одам сингари лапанглаб келаётган хўрозчани жаҳд билан бир туртди. Бечора хўрозча пирт учиб кетди. Одамлар шовқин кўтаришди. Ёдгор бўлса йиғлаб юбораёзди. Хўрозчаси тушган ерида бир-икки юмалади-ю, хайрият, тагин туриб кетди. У даканг ўркачида нафасини анча ўнглаб олган эди. Даканг лўканглаб келиб қувишга турди. Кичкина яна паңд бериб қочди. Кейин ёндан келиб ҳужум қилмоқчи бўлган эди, даканг қалтис ўгирилиб шунақаям зарб билан тепдики, беданахўроз уч қулочлик кенг давранинг бу четидан у четига пақиллаб бориб тушди. Одамлар «ух!» деб юборишди. Лекин ҳеч ким қулмади. Фақат мингбоши билан Жумон писмиқ ҳоҳолаб юборди.

Ёдгорнинг кўзига ёш чиқиб кетди. У хўрозчасини ўлиб қолди деб ўйлаб, дарров ёнига югуриб борди. Лекин мингбоши яқин йўлатмади.

– Тегма!

Ёдгорнинг жаҳли чиқди.

– Нимага тегмас эканман? Ўзингиз тегсангиз майли-ю, менга йўқми? – деди у йиғламосираб.

Мингбоши пўнгиллаб берди.

– Бор, тошингни тер, хўрозинг қочди!

Одамлар яна чувиллай бошлашди.

– Ўзингиз ҳам миршабингизга буюриб, дакангингиз устидан буни тушириб юбордингиз-ку! – деди кимдир.

Бояги дарвишқиефа киши ўртага чиқди.

– Йўқ, мингбоши, биз ҳам хўроз уриштирганмиз, таомилени биламиз, ҳа! Енгилган хўроз бунақа ётмайди, даврадан қочиб чиқиб кетади.

Мингбошининг зардаси қайнади. Энди у кишига ўдағайланди.

– Кимсан ўзинг, менга ақд ўргатасан?! – деди у, ўрнидан туриб.

Дарвиш қиефали киши кўлларини ёзди.

– Кўриб турибсиз, битта ялангоёқ.

Замон унга тикилиб қолди. Овози ҳам, соқол босган ияги, ўйнаб турган кўзлари ҳам танишга ўхшарди. Соғинган бир кишисини кўргандек, юраги потиради. Кўзи кўзига тушди-ю, бирдан таниб, ичида «Қудрат ака!» деб юборди. Қудрат уни боя кўриб таниган, кўришишга пайт пойлаб турган эди. Ҳали пайт келмаган эканми, Замоннинг ҳаяжонини фаҳмлаб, секин бир кўзини қисиб қўйди. Замон калласини хиёл туширди – имога тушунган эди.

Бу орада беданахўроз тепки зарбидан ўнгланиб, даст туриб кетди. Одамлар суюнишиб, чапак чалишди, Ёдгорнинг дув-дув ёш қуйилиб турган кўзлари ҳам кулиб юборди. Даканг хўроз бўлса тумшугини ерга қадаб турар, чап кўзидан, тождан қан оқиб тушарди.

– Ҳали шунақами?! – деди мингбоши, ҳап сеними, дегандай соқолини ўнг қўли билан тутамлаб.

– Хўп, даврадан қочса ҳисоб, а? Хўп!



Қудрат яна қўлларини ёзди.

– Таомилда нима бўлса, шу-да, – деди у, кинояли кулиб.

Мингбоши яна Жумон писмиққа ўшқирди:

– Ҳой гўл, итариб юборсанг-чи анови нас босгани! Ҳали замон ухлаб қолади бу даюс!

Жумон чошиб келиб дакангни итарди. У лўкиллаб ўртага борди. Беданахўроз, энди уни қаеридан олсам экан, деб ҳужумга шайланиб турарди. Қараса, чап кўзидан қон оқяпти. Демак, шу ёқдан уриш керак. Хўрозча шундай қилди. Жони жаҳди билан учиб келиб чап биқинига чунонам тепдики, даканг салмоғини йўқотиб, нарёққа ағдарилиб тушди. Катта-кичик – ҳамма қийқириб юборди. Яна чапак чалинди. Даканг шу ётганича ётиб қолди.

Ўртага яна Қудрат чиқди. Кўзларини қув кулдириб:

– Нима қилайлик, турғизиб қўяйликми, мингбоши? – деди.

Мадумар эшитмади ё ўзини эшитмаганга солди. Қудрат секин келиб дакангни турғизди. Мингбоши кўриб турса ҳам индамади. Қудрат даврадан чиқар-чиқмас, беданахўроз чошиб келиб дакангни бояги ерига яна ўхшатиб тепди. Даканг бу сафар ағдарилмади-ю, лўканглаганича даврадан чиқиб, чорпоя томонга қочди. Хўрозча янги зарбага шайланиб турган экан, яна учиб келиб думининг тагига бир тепган эди, у мингбошининг оёқлари орасига шўнғиб кетди. Ана энди қарсак, «ҳой-қўй, яша, кам бўлма, қойил, бопадинг!» каби олқишлар кўтарилди. Шу олағовур ичида беданахўроз қанотларини бир қоқиб, узук, чиройли товуш билан даканг томонга қараб қичқирди. Бу волиб ҳанноси эди. Ҳамма чапак чалди, яна қийқириқ кўтарилди, яна хўрозча шаънига мақтовлар айтилди.



Ёдгор югуриб хўрозчасини қўлига олди, бағрига босди, кўзларидан, қонаган тождан ўпди. Қудрат уни елкасидан аста итариб:

– Бор, энди даканг ҳам сеники бўлди, ол, – деди.

Мингбошининг кўзларига қон тўлди.

– Нимани олади? Дакангними?

У чорпоя тагида муккасидан кетиб ётган дакангни думидан тортиб чиқарди. Ҳамма уни болага беради деб ўйларди. Лекин Мадумар дакангнинг узун бўйинини бир оёқ билан босди, иккала қўли билан калласини тортиб узди, танасини итга бер деб миршабга, калласини эса Ёдгорга ирғитди.

– Ол, сенга теккани шу!

Ҳозиргина суюнчлари ичларига сифмай ғувурлашган одамлар бирдан жимишди. Ҳамма тўнғиллар, мингбошини номард деб сўкарди.

Қудрат кулимсираб Ёдгорга даканг калласини ишора қилди.

– Ол, мингбоши калласини беради-ю, олмайсанми? – деди.

Одамлар яна қийқириб кулиб юборишди. Ёдгор қочириққа тушунмади. Қудрат Ёдгорнинг бошидан дўпписини олиб:

– Майли, хафа бўлма. Мингбоши номардлик қилган бўлса, халқ бор. Халқ сени хафа қилмайди, – деди. Кейин ҳалойиққа мурожаат қилди: – Қани, оғайнилар, шу болакай хўрозчаси билан бизларни хурсанд қилди, келинлар, биз ҳам буни хурсанд қилайлик. Бир пуами, икки пуами, ишқилиб, кўнгиладан чиқарганинглари дўппига ташлайверинглар. Ўзига дандон, хўрозчасига дон олсин.

Курашга тушган хўрозчаси эмас, Ёдгорнинг ўзидай Қудрат уни елкасидан ушлаб давра айлантирди. Ҳаводор ташламаганлар жуда кам бўлди. Дилшод чўнтагидан ярим сўлқовой чиқариб ташлади.



Ёдгорни кучоқлаб, пешонасидан ўпиб ҳам қўйди. Қудрат даврани айлангириб чиқиб дўппидаги пулларни Ёдгорнинг ҳовучига тўкди-да, бирдан кўзларини галати пирпиратиб:

– Шошма, шошма, эшитяпсанми? – деди болага, баланд товуш билан.

Ёдгор елкаларини қисди.

– Нимани?

– Хўрозчангнинг овозини.

– Йўқ...

Қудрат кулди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қараб турарди.

– Мен эшитдим. Ҳа, оғзини қулоғимга тут, – Ёдгор хўрозчасининг бошини Қудратнинг қулоғига тутди, – мана, гапиряпти. Мингбоши, сиз ҳам эшитяпсизми? «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни!» деяпти.

Одамлар гув этиб кулиб юборишди. Жаҳли чиққанидан, мингбошининг бетлари уча бошлади. Ўрнидан даст туриб, Қудратга ўдағайланди:

– Йўқол кўзимдан, исқирт! – Кейин халойиққа бақирди: – Тарқал!

Қудрат даврадан шилт чиқиб, орқага ўтиб кетди. Бир зумдан кейин ҳаяжонли қичқириқ эшитилди:

– Ҳоким келяпти!!!

Мингбоши, худди орқасига биров бигиз санчиб олгандай, сакраб тушди. Ўтакаси ўттиз еридан ёрилиб бақирди:

Сув! Сув сепдир, Жумон!!

Жумон питирлаб ҳуштагини чуриллатди. Мингбоши кавушини кийиб аллақасёққа югурди.

Қудрат қилар ишни қилиб қўйиб, бир чеккада Замон билан кулиб турарди.



Ўнинчи боб Оббо, азамат!

Ёдгор даврадан хурсанд бўлиб чиқиб кетди. У ҳар қанча хурсанд бўлса арзирди. Пул кўрмаган чўнтаги майда чақалар билан тўлди, хўрозчаси мингбошининг ўзига ўхшаган хўкиз дакангини қочирди! Шундай бўлгандан кейин Ёдгор хурсанд бўлмай ким хурсанд бўлсин?

У севинчини ичига сиғдиrolмай дон бозорига кирди. Дўпписини тўлғазиб хўрозчасига маккажўхори, ўзига дандон, онасига ёқимли ҳиди димоққа уриб турган бўрсилдоқ нон олди. Ҳозир Ёдгорнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. У атрофида одамлар, от-аравалар тиқилиб ётганини ҳам фарқ қилмай шипиллаганича уйига қараб юриб қолди. У шошар эди. Тезроқ уйига боргиси, ўзини шунча хурсанд қилган хўрозчаси билан гаплашгиси, бодроқ қилиб онаси иккаласи ейиши мумкин бўлган тансиқ маккажўхори билан полвонини сийлагиси келар эди. Шунча юрса ҳам уйига ҳеч етмайди. Нега бундай? Уйи мунчалик узоқ эмасди-ку?

Ёдгорнинг ичи пишди, у кўча бўйидаги катта-кон садақайрағоч тагига бурилди. Шу ерда ҳам хўрозчаси билан гаплашса бўлади.

Ёдгор хўрозчасини авайлаб ерга қўйди, катта миннатдорчилик билан олдига бир сиқим маккажўхори сепди. Олдида баъзилари олтин, баъзилари қаҳрабо мунчоқ сингари йилтираб ётган донни кўриб хўрозчанинг кўзлари ўйнаб кетди. У катта курашдан очиқиб чиққан эканми, бундай донни умрида энди кўраётган эканми, туқ-туқ-туқ қилиб бир зумда бари донни териб қўйди. Ёдгор хўрозчасига шукроналик билан тикилиб турарди. Олдига яна дон сепди. Энди хўрозчаси бояги шош-

қалоқлик билан эмас, салобат билан битта-битта теришга турди.

Ёдгор кулимсиради.

– Тўйдингми? Дарров-а? Йўқ, ол, дўппидаги маккажўхорининг бариси сеники. Ё менга илин-япсанми? Бодроқни яхши кўради, бодроқ қилиб есин, деяпсан шекилли-да. Бодроқни яхши кўраман. Нимага десанг, қорин тўйғазади, кейин сув ичиб юраверасан. Йўқ, бу сеники, ўзинг е. Сен ахир дакангдан тепки еб, юмаланиб, ҳушингдан кетиб юриб топдинг-а! Шунинг кўриб туриб, яна сенинг жўхорингни ейманми? Йўқ, бировнинг ҳақини еса гуноҳ бўлади. Тунов кун бувим нима деди? Эшитганинг йўқ, а? Сенга эмас, менга айтди: «Оч қолсанг ҳам бировнинг нарчасига тегма, болам. Меҳнатингдан топганингни е», деди. Тўғрими? Тўғри, ол, донингни ол, бўш келма, азамат.

Ёдгор у ер-бу ерда сочилиб ётган донларни хўрозчаси олдига тўплади. Хўрозчанинг жиғилдо-ни муштдай шишиб чиқди. Энди олдидоги донга қарамай, юпқа, кичкина қовоқчаларини ёлиб, мудрай бошлади. Шундай бўлса ҳам Ёдгор уни донга таклиф қиларди:

– Олавер, жиғилдонинг шишиб кетганига қарама. Бунақа тансиқ овқатга ҳамма вақт жой топилади.

Хўрозча ухлаб қолди шекилли, қимирламади. Ёдгор бирдан нашъа қилиб кулиб юборди.

– Аммо мингбошини роса бопладингми! Мени шундай хурсанд қиладингки, бошим осмонга етди. У золим бизни қанча қақшатди, биласанми? Билмайсан. Сен кўрганинг йўқ-да. Олдин Мамажон акамни мардикорга олиб кетди. Бувим бечора шунча ялинди, шунча ялинди, битта меҳнатга ярайдиганим шу, буни олиб кетсангиз мен нима қиламан? Касалванд бўлсам, ишга ярамасам, деса ҳам қулоқ солмади. «Амонжонинг бор, ўша қараб



туради», деди. Ҳа, шунақа деди. Мен ҳам бувим билан бирга йиғлаб борганман. Ўзим эшитдим. – Ёдгор хўрозчасининг бошини силади. – Ҳа, қўй бу гапларни. Дондан ол. Ҳа, кейин ҳар қанча гап бўлса гаплашаверамиз.

Хўрозча унинг гапига тушунгандай яна донлай бошлади, Ёдгор хурсанд бўлиб қараб турди. Ҳозиргина «қўй бу гапларни» деган бўлса ҳам, кичкина юрагида катта дард бор эканми, у тагин гапни ўшандан очди.

– Кейин нималар бўлди, буни ҳам билмайсан. Нимага десанг, сен у вақт тухумдан чиқмаган эдинг-да. Ҳа, шундай қилиб, орадан уч ой ўтдимиз ўтмадимиз, буниси ҳозир эсимда йўқ, яна мардикор олиш бошланди. Бу сафар қишлоғимиздаги камбағалларни ёшу қарисига қарамай териб кетишди. Кичик акамни ҳам олишди. Бувим бечора шунақа додлаб йиғлади, шунақа сочларини юлиб йиғлади, мингбошининг оёғига ўзини ташлаб ёлворди, барибир, ҳеч ким қулоқ солмади. «Ёдгоринг бор, шунинг ўзи етади. Йўқол кўзимдан!» деб мингбоши бувимни ҳайдаб юборди. Э-э, ўшанда бувимга раҳмим келиб йиғлаганимни кўрсанг эди! Бошқа хотинларга ҳам раҳмим келди. Ҳаммаси шунақа йиғлади. Бутун қишлоқ йиғлади. Бугун бозорда кўрдинг-ку ўзинг, йигитлар, ўрта ёшли амакилар йўқ. Бариси қари ё менга ўхшаган майда бола. Разм солдингми? Солмадингми? Ҳа, майли, хафа бўлма. Аммо мингбошини бопладинг, шунга қойилман. Аламимни чиқазиб бердинг, азамат! Биласанми, сен унинг дакангини эмас, мингбошининг ўзини тепдинг, ҳа! Одамлар хурсанд бўлганини кўрдингми? Кўрдинг, дўппимни тўлазиб ҳаводор беришди-я? Менга беришгани йўқ, сенга беришди, ҳа! Ол, дондан ол. Ҳали сенинг азаматлигингни айтиб бувимни бирам хурсанд қилайки,



бувим ҳам манови чиройли тожингдан, тошдай бўғур бошингдан ўпиб бирам суюнсинки!

Ёдгор чўнтагидан чақаларини чиқариб хўрозчасига кўрсатди.

– Буни қара, қанча пул йиғиб бердинг! Бу чақалар билан биз ҳам пишиқчиликка етиб оламиз. Сен ҳам оч қолмайсан. И-я, мана буниси қанақа пул бўлди? – деб юборди у, бирдан ярим сўлковойликни кўриб. – Кумушми? Бунақасини ҳеч кўрмодим-ку? Катта пулмикан? Сен билмайсанми? Йўқ, сен ҳам билмайсан. Ол, тожингдан ўргилай, дондан ол, ҳа, ол! Нима, хафамисан! Ё мени пулга мазахўрак бўлиб яна уриштиради, деб ўйлаяпсанми? Йўқ, энди уриштирмайман. Сенинг қийналганингни кўргунча кўзим тешилсин! Мени уриштиради, деб кўрқма, ҳеч кўрқма. Сотиб юборади, деб ҳам кўрқма. Йўқ, йўқ, ҳеч сотмайман! Шунақа азамат экансану, билмаганимни қара-я! Ол, кўнглим учун ҳеч бўлмаса бир-иккита ол. Оббо, азамат!

Хўрозча қимирламай турар, Ёдгор эса ичида йиғилиб қолган ҳасратини худди дўстига айтаётгандек сўзларди. Хўрозча биратўла кўзларини юмиб олгандан кейин Ёдгор ердаги жўхориларни йиғиб дўшписига солди, хўрозчасини аста ердан олди, уни баҳор қуёшидай чарақлаб турган иссиқ бетига суйиб босди, бир қўлтиғида нон, иккинчисида хўрозча билан онасини суюнтиргани чошиб кетди.

Ўн биринчи боб **Катта байрам**

Қудрат поезддан туша солиб тўғри самоварга борди. У ерда шаҳарлик ё қорабулоқлик танишлар учраб қолармикан, деган умидда эди. Сўрининг энг кўзга кўринадиган жойига чиқиб чой-нон чақирди. Самоварчини Қудрат танимади. Бир



чойнак чой ичди, икки чойнак ичди ҳамки, биронта таниш йўлиқмади. Кейин тўғри Ольга Петровнаникига борди. Кўча эшиги берк эди. Тақиллатди. Лекин у эшикдан эмас, ёндаги эшикдан бир кампир чиқиб, «Олияхон мактабда, кечқурун келади», деди. Қудратга шунинг ўзи кифоя қилди. Хурсанд бўлиб, чуқур тин олди.

– Хайрият, саломат экан. «Қудрат деган бир киши йўқлаб келди», деб қўясиз-да, холажон.

– Хўп, айланай, хўп.

Қудрат шаҳар айланмай, тўғри Қорабулоққа жўнади. Ольга Петровнанинг саломатлиги, бунинг устига яна мактабда муаллималик қилаётганлиги Қудратни қувонтирибгина қолмади, буни у яхши хосият нишонаси деб ҳам суюнди. Шунинг учун шаҳардан чиққунча ҳам ичида «хайрият, хайрият» деб борди. Ўзи эсон-омон қайтиб келгани важҳидан юрагида туғилган шодлик эски қадрдони, маслакдоши, дўсти, устози Ольга Петровнанинг саломатлигини билгандан сўнг, қалбида уйғонган шодлик олдида ҳеч нима бўлмай қолди. Ёши қирқлардан ошиб, эски куч-қувватидан анча қолган, бунинг устига яна йўлда чақилиб келган бўлса ҳам, кўп меҳнат, офир заҳмат билан адир устига чиқиб, энди манзил сари толпинган киши сингари, шахдам юриб борди. Чекдан ўтиб, Қорабулоқ тупроғига етганда, акс садо ошиғи тоғдан қичқиргандай, йўғон, бақувват овоз билан:

– Ҳо-ҳо-ҳо! – деб ҳайқирди.

Лекин бу шодлик ҳайқириғи акс садо бермай, тол, тераклар, мева дарахтлар шохларида шокилалардай осилиб турган зумрад япроқлар орасига югуриб кириб кетди. Қудрат яна ҳайқирди. Яна шундай бўлди. Кейин у она кучоғининг иссиқ тафтини бериб турган юмшоқ бўрсилдоқ ерга чўккалади, ундан бир чимдим тупроқ олиб кўзларига суртди.

Қудрат ўрнидан туриб энгил-бошини қокди, те-
варагига тўйиб-тўйиб боқди. Ҳамма ёқ боягидай:
лойгарликда аравалар тикилиб қоладиган ўша йўл,
ўша дарахтлар, ўша қамишзор, ўша ботқоқ... Фақат
дарахтлар ўсган, йўл устини соябондек тўсган...

Қудрат ана шу таниш, қадрдон йўлга тушди,
дарахтдан-дарахтга, даладан-далага қараб, яйраб
борди, қадрдон дўстларига тезроқ етиш, дийдор-
ларини тез кўриш иштиёқи билан ёнар эди. Ярим
соат ўтмади. Қувонч қанот бўлиб, уни бозорга,
одамлар ҳоҳолаб кулишаётган даврага келтириб
ташлади. Қудрат секин орага кирди-ю, гумбаздай
бўлиб ўтирган Мадумарни таниди. «Оббо, лаъна-
ти-ей, ҳали ҳам хўроз уриштиряпти!» деб ўйла-
ди. Кейин кўзлари давра айланди, яна айланди.
Шаҳарча кийинган ёш, хушбичим, чиройли йи-
гит орқасидан бир таниш чеҳрани топди. Юраги
бирдан дукурлаб кетди. «Хайрият, Замон қайтиб-
ди!» деб қувонди. Матқовул камбағал билан Барот
полвон тақдирини шаҳар турмасида эшитган эди.
Шундай бўлса ҳам, улар худди шу даврада туриши
керакдай, яна кўз югуртирди. Улар эмас, бошқа
икки-уч таниш кўринди. Лекин ҳеч кимга сир бер-
мади. «Ҳоким келди!» деб мингбошини тирлатиб
қўйгунча ўзини дарвишга солиб турди.

Ана шунда, мингбоши оёғи куйган товукдай по-
тирлаб қолганда, Замон кучоқ очиб келди.

– Э, бормисиз, Қудрат ака! Саломатмисиз? Ҳор-
манг! Ҳорманг!

Қудрат аввал Замон билан, кейин кетма-кет
кучоқ очиб келаётган бошқа танишлар билан ку-
чоқлашиб кўришди. Энди у дарвиш эмас, ҳамма
билган, ҳамма севган Қудрат эди. У одамлар дав-
расида секин-секин юриб борди.

Замон қизиқ нарса эсига тушиб нашъа қилган
кишидай кулиб юборди.

– Қудрат ака дейман, эски ҳазилингиз ҳали ҳам
қолмапти-да? Шўринг қургур мингбошининг ўта-
касини ёриб юбордингиз!

Қудрат очилиб кетди.

– Сафардан қайтган одам яқин-узювига бир нар-
са кўтариб келади. У кишига кўтариб келганимиз
шу-да, Замонбой, – деди қиқирлаб. Кейин юраги-
да бир нарсанинг ваҳми бордек, Замонга мўлти-
раб қаради. – Фуломжон...

– Фуломжон, Худога шукур, саломат, – деди За-
мон, гапини оғзидан олиб.

Қудрат суюнганидан Замонни кучоқлаб олди.

– Хайрият! Хайрият!

Замон Дилшод ёнида эканлигини эсидан чиқар-
ган эди. Ҳозир бирдан кўзи унга тушди-ю:

– Қудрат ака, бу йигит билан танишиб қўясиз,
Ольга Петровнаникида ўзингиз кўриб юрган ҳо
ўша кичкина бола, уста Баҳромнинг ўғли, Дил-
шодбек, – деди.

Қудрат, кўриб турган кўзларига ишонмагандек,
аввал «йўғ-э!» деди, кейин:

– Ана холос, биз ўрмонларда қарағайлар билан
гаплашиб юраверибмизу, бу ерда шунақа йигит-
лар етилиб қопти, – деди. – Қани, кўришиб юбо-
райлик. Ҳа, баракалла.

Дилшод ҳарорат билан кучоқлашди. Унда ҳозир
шундай бир ҳис туғилдики, бу ҳис узоқ айрилиқ-
дан кейин отаси билан кўришганда туғиладиган
ҳиснинг айни ўзи эди.

Қудратнинг хаёли ҳамон Фуломжонда эди.

– Хўш, Фуломжон қаерда?.. Шу ердами? Масте-
ровой? Қойилман-э! Анча бўлдими депога кирга-
нига!

Замон билмас эди. Дилшод жавоб қилди:

– Чамамда, етти-саккиз йил бўлди шекилли.

Қудрат анча ергача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб борди. Кейин Замондан:

– Бизнинг болалар қалай? – деб сўради.

Замон шу саволдан кўрқиб турган эди, пастки лабини тишлаб, ерга қараб олди. Қудрат дарров сизди.

– Айтаверинг, айтаверинг, сиз айтмасангиз бошқа айтади.

Замон ердан бошини кўтарди.

– Аҳлиянгиз, бир йилча бўлди, қазо қилиб кетди.

Қудратнинг бароқ қошлари бир-бирига тортилади.

– Аттанг, кечикибмиз-да. Хўш, болалар-чи, ўғиллар?

– Кичигингиз сиздан кейинла сачраган экан, қизамиқдан. Онаси қазо қилгандан кейин каттангизни тоғаси олиб кетди. Мен билан қол, деб шунча Худонинг зорини қилдим, унамади, тоғаси қўймадими, кетиб қолди. Яқинда тоғасини кўрувдим, тузук эмиш. Жойингизни бўлса, Тешабой бузиб, мана, завод солдирапти.

Қудрат дили оғриб, анча ергача ўйланиб борди. Бир-икки бор чуқур хўрсинди. Кейин, ҳар қанча яширса ҳам овозидан билиниб турган бир қайғу билан:

– Қанақа завод? – деб сўради.

– Пахта тозалайдиган завод.

– О, Тешабой шунақа жир битиб кетган денг! Майли, солдираверсин. Машинасини ўзи юргизмайди-ку – Мастеровойлар келади. Улар келишса, сиз билан бизга ёмон бўлмайди.

Гузарда бир тўда одам кутиб турган экан, бирин-кетин келиб Қудратни зиёрат қила бошлади. Ҳамма хурсанд. Бири қучоқлашиб, бири қўл сиқиб кўришади. Самоварчи ҳам югуриб чиқди.

– Қани, қани, Қудратвой, сўрига чиқинг, сўрига.

Лекин Қудрат сўрига чиқолмади. Устма-уст одамлар келиб кўришаверди. У ҳол сўрайди, бу ҳол сўрайди – ўралиб қолди. Йўқ, Замон бир амаллаб туриб уни сўрига чиқазди. Қарилардан бири дарҳол фотиҳага қўл кўтарди.

– Омин, халқни қақшатганни Худо қақшатсин, оллоху акбар!

Самовардагиларнинг бири ёрдамга югуриб дастурхон солди, бири патнис келтирди, бири нон ушатди, самоварчи чойнак-пиёла кўтариб югурди. Гузар бир зумда байрамга айланди. Ҳамма кулар, қувонар, самовар устидан узиламай ғув-ғув турарди. Энди болалар югуришиб келишди. Улар кичкина бўйинларини чўзиб қарашади, у ерда ўзларига ўхшаган одам эмас, тўрт кўз, тўрт қулоқ бир махлақ ўтиргандай, ана-ана деб бир-бирларига кўрсатишади, кейин ўртоқларига ё ота-оналарига суюнчилагани чопишади.

Дилшод бир оз ўтиргандан кейин Замонни бир чеккага тортиб қулоғига пичирлади:

– Дадамнинг олдига кирсам, кетмоқчи эдик, кутиб қолди. Қудрат акам билан хайрлашмай кетсам айб бўлмасмикан?

– Йўқ, йўқ, Қудрат акамга айтиб қўяман. Ҳа, айт-чи, қайтишда шу ердан ўтасизлар-ку, ўшанда хайрлашарсан.

Дилшод, Қудратни севинчлари ичига сиғмаган дўстлар гурунгида қолдириб, ўзи Тешабой саройига қараб кетди. У ҳам ҳозир Замондан, Замон сингари суюнганларидан оғизлари қулоқларига етган қишлоқилардан кам қувончда эмас эди. Дилшод илгари Қудратнинг фикрий дунёси билан танишмаган бўлса ҳам, лекин у тўғрисида кўп яхши гаплар, яхши таърифлар эшитган, булар ўз қалбида чуқур ҳурмат уйғотган эди. У ҳозир хушхабарни Фуломжон акаси эшитса, қанча қувониши, Ольга



Петровна қанчалар севинишини ўйлаб борди. Тешабой дарвозасидан киргунча ҳам бу ширин ўй уни тарк этмади. Отаси Тешабой билан айвонда гаплашиб турганини кўриб, четроқда тўхтади. Худди ўзи бирга олиб киргандек, гузардаги шодлик ғувури бу ерда ҳам эшитилиб турарди.

Тешабой Дилшоднинг саломини эшитиб унга қаради-ю, алик ўрнига:

– Кўчада нима шовқин? – деб сўради.

Дилшод Қудратни кўргандан бери юрагидан кетма-кет шодлик ҳаяжони билан:

– Қудрат акам келди! – деди.

Қудрат номини эшитиб, Тешабойнинг ранги ўчди. Устидан бир челақ сув сочиб юборилгандай бўлди. Қовоғи бирдан тушди.

– Қанақа Қудрат?

Дилшод қувончини яширмай кулди.

– Қудрат тақачи.

– Қудрат тақачи?! Сибирдаги Қудрат? Бачаталоқ ўлмабдими? – Тешабой бўғилиб қичқирди. Кейин бир чеккада қўл қовуштириб турган Мамарайим афандига ўшқирди: «Аммамнинг бузоғидай лалайиб турмай чиқиб қарасанг ўласанми! Бу бола адашяпти. Нечта жони бор экан Сибирдан қайтиб келсин?!»

Мамарайим афанди «хўп бўлади, тақсир», деди-ю, пилдираганича кўчага қараб югурди. Лекин дарвозага етмай чалишиб йиқилди. Дилшод пиқирлаб кулди. Тешабой бўлса, қоқинган отининг бошига қамчи урган бераҳм суворидай, Мамарайим афанди орқасидан ҳақорат тошини отди.

– Хе, ивирсимай ўл, банги!

Мамарайим афанди оқсоқланиб чиқиб кетгандан кейин Тешабой уста Баҳромдан сўради:

– Олган бўнақларинг эсингдами?

Уста Баҳром Тешабой сенлаганидан нафси оғриб:



– Эсимда, – деди.

– Яна қанча ҳақинг қолди?

Уста Баҳром ижирғанди.

– Ўзингиз билсангиз керак?

Тешабой қўлида ушлаб турган қоғоз пулларни узатди.

– Ўзим билсам, мана, санаб ол.

Уста Баҳром аввал санамоқчи бўлмади, лекин Тешабой қилвирлиги ошкор бўлишдан ҳадиксираган фирибгар сингари олазарақ бўлиб қолганини кўриб санади.

– Тўғрими? – деди Тешабой, уста бир нима демаганидан юракланиб.

Уста истехзоли қулди.

– Сиз тўғри десангиз тўғри-да, бой.

Шу гап устига бир қарол кўчадан иккита от етаклаб кириб қолди. Тешабой айвондан туриб қичқирди:

– Даврон қани?!

Қарол тўхтаб, дарров салом берди. Тешабой жаҳди чиқиб яна баттар қичқирди. Бу сафар томоғи йиртилиб кетаёзди.

– Энағар, сендан салом сўраётганим йўқ! Даврон қани деб сўраяпман! Қани Даврон?!

Қарол қўл қовуштирди.

– Ҳозир киради, тақсир. Қудрат акам билан кўришиб қолди.

Тешабойнинг чап мўйлови устма-уст учди. Жаҳли қаттиқ чиққанда ҳамиша шундай бўларди. Бунинг устига Мамарайим афанди пилдираб келиб:

– Ўша, тақсир. Ўша Қудрат тақачи, сиз Сибирь қилдирган, – деди мотамсаро товуш билан.

Тешабой энди «Алининг аламини Валидан олди».

– Ҳой, энағар! Қачонгача жағиллатасан мени?! Кўкнори ичмай заҳар ичкур! Аҳволингни қара,

тўғри йўлда юролмай юмаланасан-а! Ё калланг офирлик қиялптими? Йўқол кўзимдан.

Эгасидан тепки еган ит думини қисиб қочгандай, Мамарайим афанди ҳам катта калласини ингичка бўйнига қилиб, айвон орқасига ўтди. Лекин хўжайинининг даҳшатли овози у ердан ёқалаб чиқди.

– Чақир Давронни!

Мамарайим афанди яна кўчага қараб пилдиради. Аммо беш қадам босмай, Даврон ўзи чароқлаб кириб келди. Тешабой энди унга заҳар сочди.

– Келасану, мен бу ерда кутиб ўтирганимни парвойинга келтирмай, бир ялангоёқ исқирт билан офиз-бурун ўпишиб ўтирасан!

Даврон юзидаги қуёшни булут босди.

– Йўқ, хўжайин, унақа деманг, исқирт эмас, тупша-тузук одам. Одам бўлганда ҳам унча-мунча кекиртак чўзиб юрганлардан ўлса ўлиги ортиқ одам! – деди у, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб.

Бу тушунилиши қийин қочириқ эмас, очиқ таъна эди. Тешабой жуда аниқ тушунди. Чап мўйлови яна уча бошлади. Ичида иблис уйғонди. «Ол қамчини, сол бошига!» дер эди у.

Даврон Тешабой авзойини пайқади. Йўғон, бақувват оёқларини гурс-гурс босиб келаверди. Тешабойга у ҳам қалтис кўринди. Назарида, тутиб олиб урадиган авзода эди Даврон. Тешабой юраги шифиллаб, дарров гапни бошқа ёққа буриб юборди:

– Қалай, яхши бориб келдингларми? – деди, илжаймаса ҳам хўмраймасдан.

Даврон ҳали жаҳлидан тушмаган эди. Шунинг учун «ҳа» деди, қўйди. Тешабой овозини яна бир парда туширди.

– Йилқилар ҳам, қўйлар ҳам – ҳаммаси соғми?

– Соғ.



– Ҳаммасини ўзинг бош туриб санадингми? Қўй қанча бўпти?

– Ўз қўлим билан санадим. Бултур кузда ўн уч минг ўн саккиз туёқ эди, девдингиз. Шундоқми?

Тешабой бир нарсадан ҳадиксирагандай кўзлари олайиб:

– Шундоғ, – деди.

– Бу йил кўкламда кўзилари билан йигирма бир минг уч юз ўн етти туёқ бўпти.

Тешабойнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Нимага оз? «Қочган» совлиқларнинг ўзи ўн икки мингта эди-ку? Биттадан кўзилаганда ҳам нари-бериси билан йигирма беш минг туёқ бўлиши керак эди. Даврон, ё ҳисобдан адашгансан ё сени алдашган у муттаҳам чўпонлар. Тўғрисини айт: санадингми ё мунча деса хўп деб келавердингми?

Ёлғончи қилинганига Давроннинг нафси оғриди. Бўғилиб:

– Ишонмасангиз, ана, Турдиматдан сўранг, бирга санашдик, – деди.

Турдимат отхонадан берироқда қўл қовуштириб турган эди. Чарчаганиданми ё хўжайин дағдағасидан юраги чиққаниданми, ўлимтик товуш билан минғиллади:

– Тўғри, хўжайин, бирга санашдик. Қўраларга қамаб, битта-биттадан чиқариб санадик.

Тешабой ўнг қўлининг бошмаалдоғини тишлаб ўйлалиб қолди. Кейин кўзларида бирдан хунук ўт ёнди.

– Менга қара, Даврон, дўзахи Жонибек қозининг қўйлари ҳам ўша ерда эканми?

Даврон калласини лиқиллатди.

– Йўқ, Қирғиз олай этагида. Сизники узоқ, Толдиқўрғон тарафда.

Бу гап ҳам Тешабой юрагини шубҳа васвасасидан қутқазмади. У қовоқларини осилтириб яна дўнғиллади:



– Қози салласини қўққайтириб юрган ўғри у! Ҳа, беш мингта қўйни Жонибек муттаҳам ҳайдатиб кетган. Ҳа, сен қараб тур, ит қози, менинг қўйларимни ўтказган жигилдонинг шуми деб, ҳали кекиртагингни узиб олмасам, мен ҳам дунёда Тешабой бўлиб юрган эканман! Ҳап сеними! – у бирдан авзойини ўзгартириб Давронга ўқрайди. – Менга қара, устани ўғли билан шаҳарга ташлаб чиқ. Қайтишингда сиймон юклаб келасан. Биласан-а қаердан олишингни?

– Биладан, ўша армани дўконидан-да.

– Ҳа, бор.

Даврон боя дарвозадан кирганда, Дилшод отаси билан бир чеккада асбобларини қопга жойлашаётганларини кўрган эди. Ҳозир бойдан бўшадими-ю, суюниб Дилшод ёнига борди.

– Келинг, Дилшодбек, келинг, – деди, қўлини маҳкам қисиб.

Давроннинг яна чарақлаб кетган чехраси Дилшоднинг юрагига чироқ ёқди.

– Келдик, Давронбой, мана, кетяпмиз ҳам. Лекин сизни овора қилишимиз яхши бўлмади. Чарчаб келган эдингиз...

Даврон гулдураб кудди. Кейин уни бир қўли билан кенг бағрига тортди.

– Э, чарчашни биз чарчатамиз, Дилшодбек! Ҳозир шундай пайтимизки, ҳо анови Аравон тоғини кўчириб кел, десангиз икки қўлим билан шундай чанг соламанки, томир-помири билан юлиб, мана, Дилшодбек, деб олдингизга келтириб қўяман. Ҳа!

Учаласи гурунглашиб кўчага чиқишди. Дилшод Қудратни кўрганидан Даврон беҳабар эди. Шунинг учун:

– Дилшодбек, бугун қишлоғимизда катта байрам, биласизми? – деди.

Дилшоднинг кўзларида шукуҳ ўти барқ урди.



- Биламан, Қудрат акам келдилар.
- Кўрдингизми?
- Кўрдим, танишдим, гаплашдим.
- Қалай?
- Ажойиб одам, Сибирдаги қаддини буктирмабди, пўлат одам.

Даврон ўз отасини мақтаётгандай қувонди.

- Шундай қилсак, Дилшодбек, сиз дадангиз билан Қудрат акам ёнида пича ўтириб турсангиз, мен гиз этиб бувим билан кўришиб чиқсам.

Ота-бола самоварга, Даврон уйига қараб кетди. Самовар олди, атрофи гавжум эди. Қандай боришни билмай, ота-бола бир четда туриб қолди. Лекин узоқ туришмади. Одамлар йўл очишди. Уста асбоб солинган қопини ерга қўйди-да, икки қўлини кўришишга чоғлаб тезлаб борди. Қудрат уни танир эканми ё ёнида ўтирган Замон шипшиб қўйдими, дарров ўрнидан туриб сўридан тушди. Иккаласи эски қадрдонлардай қучоқлашди. Устанинг шод кўзлари қишлоққа байрам келтирган бу ажойиб кишининг нуроний чехрасида сузарди. Қудрат уни сўрига таклиф қилди.

Даврон уни узоқ куттирмади. Уста Баҳром Қудрат билан икки-уч пиёла чой ичар-ичмас, у дарров этиб келди-да, девсифат қоматини хиёл букиб:

- Қудрат амаки, уста тоғамни шаҳарга ташлаб чиқай, тагин мени қаёққа кетиб қолди деб юрманг, - деди.

Қудрат меҳри қайнаб кулди. Даврон арава қўшгани кетгандан кейин:

- Раҳматли отасининг ўзи-я! Қадди-қомати, одамгарчилиги, - деди ич-ичидан қувониб.

Энди Дилшод узр сўради:

- Бизга жавоб берсангиз, Қудрат ака. Шаҳарга тезроқ бориб, Фуломжон акамни хурсанд қилсак.

Фуломжон номини эшитиб, Қудратнинг кўзлари кулиб юборди.

– Хўп, хўп, Фуломжонга, Ольга Петровнага биздан дуо денг.

– Хўп бўлади. Фуломжон акам эшитса, эртагаёқ етиб келади.

– Шундай бўлсин. Эртага келолмаса, индинга, жума куни ўзим тушаман. Айтиб қўясиз.

Ота-бола дўстлар билан хайрлашиб аравага чиқишди. Даврон отига аста қамчи босди.

Ўн иккинчи боб Йўлда

Арава юрди, анча ерга борди ҳамки, Қудрат учаласининг оғзидан тушмади. Тешасидан бошқа ҳеч нарса билан иши бўлмайдигай уста Баҳром ҳам Қудратнинг бақувват гапларини мақтарди. Даврон от устида суюниб, ўзича кулимсираб борди. Дилшод эса, Қудрат хабарини эшитиб, Тешабой хушидан кетиб қолаёзганини кўз олдидан кетказолмади. У ҳадеб кулар, калласини ликиллатар эди. Ниҳоят, дала йўлига чиқишди-ю, Дилшод икки қулоқ-тўрт қулоқ бўлиб қолган гўзаларни кўриб ўзига келди. Кеча саҳар ўтганда кўрмаган эканми ё севиниб бораётгани учун пайқаманми, далаларнинг кенг, яхлит бўлиб қолганига ажабланди. Ахир илгарилари тутлар, эгатлар билан ажратилган каталак ерлар эди-ку. Мана энди йўлнинг у юзи ҳам, бу юзи ҳам яхлит майдон. Ҳамма ёқда барра гўзалар селкиллаб турибди.

– Даврон, одамлар ерларини бирлаштириб олишганми? Эски каталаклар йўқ, – деди Дилшод хайрон бўлиб.

Даврон уни мазах қилаётганга ўхшатиб кулди.



– Ҳа, бириктириб олишган. Лекин ризқи-рўзини шу каталаклардан териб келган камбағаллар эмас, балохўр Тешабой бириктириб олди.

– Нечук? Бировларнинг ерларини? Нима ҳақи бор?

Даврон анча ергача индамай борди. Кейин калласини ликиллашиб:

– Дишодбек, – деди Даврон, – бешала бармоқни офизга суққанингдан кейин бировнинг ноними, жоними, қараб турмас экансан. Тешабой ҳам уни ундай деб алдади, буни бундай деб кўрқитди, кўйингчи, яхши ерларнинг барисини ўзига қаратиб олди-да. Мен сизга айтсам, Қорабулоқдаги ерларнинг тўртдан учи ҳозир Тешабой тасарруфида. Ҳа!

Уста Баҳром ғалати қилиб кулди.

– Бу лаънатининг отини отаси бекорга Теша деб кўймаган.

Дишод отасига ҳайрон бўлиб тикилди.

– Нима, маъноси борми?

– Бор-да. Теша асбоблар ичида энг очкўзи. Йўнганини ўзидан нари итармай, олдига тортади. Бу ҳам шунақа. Кўзи тушган, кўли текканки нарса бор, барисини ўзига тортади. Сиз бунинг ҳамма ери битта Қорабулоқда деб ўйлайсизми, ўғлим? Йўқ. Мана, Давронбой билади, атрофдаги қишлоқларда ҳам ери кўп.

Даврон қизиқ нарса эсига тушгандай аввал кулди, кейин эгардан қийшайиб орқасига қаради.

– Қари билганини пари билмайди, дейишади-ю, лекин бу қисталоқнинг билганини қари ҳам билмайди. Узоқ йили бир иш қилди. Нима қилди, денг? Ерларининг бир қисмини чоракорга берди. Биласизлар, чоракор экканда ер-сув, уруғ, улов – бойдан, меҳнат чоракордан. Ҳосилнинг тўртдан учи – бойники, бири – чоракорники. Чоракор оладигани кўп кўринди шекилли, қолган ерларни ко-



ранда ёллаб эктирди. Биласизлар, қишлоқда ким кўп – ишга зор бўлиб юрган бекорчилар кўп. Шунақалардан баҳорда ёллаб чигит эктирди, чопиқда ёллаб чоптирди, бир-иккитасини суғоришга қўйди. Теримга эса хотин-халажлар, болалар чиқди. Кузда ҳосилни кўтариб қараса, эҳ-ҳа, фойданинг тагида қолибди-да! Ҳозир ҳамма ерини корандага эктиради. Шунақа пишиқ бу лаънати!

Уста Баҳром жаҳли чиқиб ғудранди.

– Тийин устида юмаланадики сўм бўлсин деб. Бугун мендан ҳам уч сўм қайириб қолди. Кам берганини билиб туриб, яна «Тўғрими?» дейди. Мен у паст билан тенг бўлиб ҳақ талашар эканман, лаънати!

Даврон бу пастликни худди ўзи қилгандай қизарди. У олдинга ўтирилиб, от елкасига аста қамчи урди. От хиёл тезлади. Даврон ҳам, аравадагилар ҳам узоқ жим қолди. Анча юриб, Чекка яқинлашганларида, Даврон шукуҳ қилган кишидай ҳи-ҳилади.

– Аммо бу йил ҳисобдан адашди. Одам етишмай роса қийналди.

Дилшод ҳайрон бўлиб сўради.

– Нимага одам етишмайди? Қишлоқда бекорчи кўп дедингиз-ку?

– Узоқ йиллари, бултур шунақа эди. Бу йил йигит-ялангларнинг барисини мардикорга олиб кетишди, иннайкейин, заводга ишчи керак бўлди.

Мардикор воқеасини Дилшод билар, шунинг учун кўп ерларда қонлар тўкилишига, қанча-қанча одамларнинг бошлари кетишига сабаб бўлган бу даҳшатли офат чангалидан Даврон қандай қутулиб қолганига таажжубланар эди. У шуни сўради.

Даврон ёнаки қараб кулимсиради.

– Ўзим ҳам ҳайронман. Бахтим бор эканми ё Тешабойга қаролигим асқатдими, олишмади. Бахтимдан кўра, шу қаролигим қутқазиб қолдими, дейман. Нимага десангиз, мен тенги бошқа қарол-



ларни ҳам олишгани йўқ. Боя мен билан келган Турдиматни кўрдингиз-ку, у ҳам юрибди, – деди. Кейин бирдан юзи ўзгарди, – Тенгқурларимни олиб кетишаётганда, ўзим ҳам бўларимча бўладим, ёмон эзилдим. Назаримда, бойнинг ювиндихўри деб бетимга туфлашаётгандай бўлди. Аммо Матқовул аканинг кичик ўглини олишганда чидаб туrolмадим. Жуссаси кичкина, ёши ўн олтига тўлган ё тўлмаган бола, бола! Салтон холанинг фарёди ёмон эзиб ташлади мени. Алаамимга чидолмай, мингбошига рўпара бўлдим. Бу ҳали сағир, орзидан она сути кетгани йўқ, мени олинглар, ўрнига мен бораман, дедим. Ҳатто, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бувимни ҳам кўндириб қўйган эдим. Йўқ, олишмади. Мингбоши «ихтиёринг менда эмас, бойингда» деб қайтарди. Амонжонларни ҳали олиб кетишмаган эди, чошиб Тешабойнинг олдига бордим. Шунақа, шунақа дедим. У сўкиб берди. «Менинг эшигим торлик қилаётган бўлса, кенгроқ жойга тикиб қўяйми?!» деди. Кенгроқ жойи турма-да лаънатининг. Шунда ҳам бўш келмадим. Ўша вақт турма кўзимга кўринибдими дейсиз. У деса бу дедим, бу деса у дедим. Этагимни қоқдим, кўчага қараб югурдим. Гузарга чиқсам, бечора мардикор болаларни миршаблар, қозоқ ўрислар қиличларини яланғочлаб, ўртада ҳайдаб кетишяпти. Хотинлар йиғлаяпти, болалар йиғлаяпти, мардикорлар йиғлаяпти, қўйинг-чи девор-тошлар, дов-дарахтлар, бутун қишлоқ ув тортиб йиғлаяпти-да! Бир маҳал халойиқ фарёд кўтариб миршабларга ёпишиб қолмайдими! Ҳамма ёқни қий-чув, додвой босиб кетди. Шу тўполонда шиа т этиб Амонжон ўрнига туриб олдим. Уни қочирмоқчи бўлиб, оломон ичига итардим. Бўлмади. Жумон писмиқ кўриб қолди. Амонжонни гираклаб, мени қатордан чиқариб юборди...

Даврон яна сукут қилади. Бу сукут жуда оғир бўлди, Дилшод Қорабулоқ даҳшатини худди ҳозир кўриб тургандек жунжикиб кетди. «Нақадар бир-бирига ўхшайди бу фожиалар! Бошқа қишлоқларда, шаҳар даҳаларида, ҳамма ерда, бағрига шу қора ништар санчилди...»

Уста Баҳром ўғанининг миясида қайнаган бу аламли ўйлари кўриб тургандек:

– Ҳа, халққа ёмон жавр бўлди, – деди. Кейин Давронга қараб кулимсиради. – Шундай қилсам Амонжон қутулиб қолади, деб ўйлагансиз-да? Йўқ, барибир, қутулмас эди. Бўлак ёққа бошини олиб кетса, билмадим. Қишлоқда бир кун ҳам турғизмай тутиб беришарди. Уларки олишга қасд қилишибди, тамом деяверинг, Давронбой.

Даврон ўйланиб қолади. Устанинг гапида жон бордай кўринди. Анча ергача индамай борди. Кейин бошини орқасига буриб устага қаради.

– Тўғри айтасиз, уста тоға. Ростдан ҳам шу нақалигини кейин фаҳмладим. Чамамда, у болани Тешабой ёздирган. Ҳа, нимага десангиз, отасини ўлдириб ҳам кўнгли тўлмай, яна болаларидан ўч олапти. Ҳа, худди шундай. Бўлмаса мен Тешабойнинг ўғлиманми ё жигари, мен кетдим нимаю, у кетди нима, барибир эмасми?

– Бир ёқдан, ҳа, иккинчи ёқдан, барибир эмас, – деди уста, калласини тебратиб.

Даврон ҳайрон бўлиб сўради:

– Нима учун?

– Шунинг учунки, Тешабойга ерини ҳайдаб берадиган ҳўкиз қанчалик керак бўлса, Турдимат ҳам, сиз ҳам шунчалик кераксиз. Сизларга ўхшаган арзон-гаров мардикорлар бўлмаса иши битадими? Йўқ.

Даврон «шунақами?» дегандай калласини тебратиб ҳи-ҳилади. Дилшод ҳам бир нима демоққа

чоғланди-ю, газета дўконига яқинлашиб қолганлари учун отасидан шу ерда тушиб қолишга ижозат сўради. Кейин Давронга юзланди.

– Даврон, анови газет дўконига озгина иш бор эди, хафа булмасангиз, шу ерда тушиб қолсам.

– Бемалол, бемалол, Дилшодбек. Фуломжон акамни кўрсангиз биздан Дуо дейсиз-да.

Дилшод аравадан тушди, Даврон устани уйига олиб кетди.

Ўн учинчи боб Ғарибхонада

Аравадан тушгунча Дилшод ихтиёри икки ўй курашида бўлди. У Тўтиқизни икки кундан бери кўрмаган. эди. Илгарилари туман пардасида буркалган дудмал ҳис энди дил қуёшининг чарогон нурларида равшан шака олиб, Дилшоднинг тинчига қасд қиларди. У ўйламаса ҳам, тўғриси, ўйламаяпман деса ҳам, олма таги, олма тагидаги бахтли дами кўз ўнгидан кетмас, уни ёндиришини қўймас эди. Қишлоқдан уни жўнашга шоштирган ҳислар шумиди ё Фуломжонга хушхабар етказиш иштиёқи – буни аниқ билиш қийин эди. Ҳар ҳолда, у шаҳарга Тўтиқизнинг қизариб ерга қараб турган ибосини ўйлаб: «Уйга, аввал уйга! Узоқдан бўлса ҳам, ер остидан бўлса ҳам Тўтим дийдорини бир кўрай», деб борди. Лекин Чархпалакка етганда, кўнглида бошқа бир ўй овози эшитилди: «Фуломжон ишдан чиқадиган вақт яқин қолди. У тўғри уйига борадими ё бирон таниш-билишиникига кетадими – қаердан биласан? Йўқ, хушхабарни бугун, ҳозир етказмасанг уят бўлади!»

Дилшод шу овоз амри билан аравадан тушиб, тўғри газет дўконига қараб юрди. Дўкон эгаси Наби қорини узоқдан кўриб жилмайди. Икковла-



ри иссиқ кўришди. Қаноп дорга тўрт буклаб қис-тирилган газеталарга имо қилиб:

– Мана, Дилшодбек, қачондан бери кутиб юрган газеталарингизнинг янги сонлари келиб қолди, – деди Наби қори.

Газеталарни кўриб Дилшод кўзлари ўйнаб кетди. Йигирма чоғли турли номдаги газеталар ичидан «Вақт», «Турмуш», «Ал-Ислоҳ», «Юлдуз», «Қуёш», «Иқбол», «Таржимон», «Садойи Фарғона», «Туркистон вилоятининг газети», яна бошқа газеталарнинг янги сонларини битта-битта олиб, Наби қорининг қулоғига бир нима шивирлади. У бошини хиёл эгиб, кўзларини аста қисиб қўйди.

Дилшод ҳисоб-китобни қилгандан кейин ошқора товуш билан:

– Мен яқинда Жамолиддин Сидқий деган бир киши билан танишган эдим. Шу кишини кўриш орзум бор. У ўзини газета дўконидан сўрайсиз, деб эди, – деди.

Жамолиддин номини эшитиш билан Наби қорининг кўзлари чақнаб кетди. У Дилшод сўзларининг охирини кутмай қув бир жиламайиш билан бошини тебратди.

– Жамолиддин Сидқий, а? Яқинда Мисрдан келган, шундайми? – деди Наби қори, у киши ҳақида гапиришдан ҳузур қиладигандай. – Хўп. Дўкон орқасида кичкина ғарибхонамиз бор. Сиз кўрмагансиз. Шу ёққа марҳамат қилсинлар. Ҳа, мана бу ердан ўта қолинг.

Наби қори уни дўкон ичидан нимқоронғи хужрага олиб ўтди. Хужра дўкондан ола-қоронғи кўринган бўлса ҳам, ичи ёруғ эди. Наби қори «мана сўроқлаган одамингиз» деганча бўлмай, Дилшод ихчам, шинам хужра тўғрисида, пастак хонтахта ёнида аллақандай газетани ўқиб ўтирган Жамолиддинни кўрибоқ:



– Ассалому алайкум, Жамолиддин ака! – деди.

Хаёли газета хабари билан қаттиқ банд экан шекилли, Жамолиддин сесканиб қаради-ю, пойгакда кулиб турган Дилшодни кўриб, даст туриб кетди. Қучоғини кенг очиб Дилшод томон юрди.

– Э, келинг, келинг, Дилшодбек! – деди у суюнганидан бутун ҳужрани тўлдириб кулиб.

Дилшод пешвоз бориб, худди эски қадрдонидай, қучоқлашди. Меҳмонлар ўтириб, фотиҳага қўл кўтарилгандан кейин, Наби қори ўрнидан турди.

– Узр, мен ҳозир келаман.

– Мен сизни қори акамнинг дўконидан топишимни билсам ҳар кун келардим, – деди Дилшод, Наби қори чиқиб кетгандан кейин.

Жамолиддин начора дегандай қўлларини ёзди.

– Шу ердаман. Бошқа тушадиган жой бўлмади. Эшигимиз вайрон бўлиб кетибди. Бориб танимадим.

– Қариндош-уруғлар-чи?

– Волидаи мукаррамам ўзим боримда қазо қилган эди. Отам раҳматли бўлса ёшлигимда ўлиб кетган. Укаларим тумтарақай бўлиб кетишибди. Биттасидан дарак топдим – Яйпанда эмиш. Ҳали борганимча йўқ.

Дилшод гапнинг қайғу кўчасига бурилишидан хафа бўлди. Бир оз ерга қараб ўтирди. Кейин Жамолиддиннинг кўнглини кўтариш учун:

– Яхшиямки қори акамни танир экансиз, – деди. Жамолиддин хийла очилди.

– Ҳа, бу киши билан бир маҳаллар шу шаҳар мадрасасининг тупроғини бирга ялашганмиз. Ҳофизам хато килмаса, мендан андак ёш. У вақтлар Набижон деярдик. Энди ҳамма қори ака дейдиган бўлибди. Биз ҳам қори ака деб ғарибхонасида сизиниб ётибмиз.



Дилшод суҳбатдошининг ҳазил-мутойиба гапидан нашъа қилиб кулди. Кейин, хонтахта устида ётган «Ал-Ҳилол» газетасига кўзи тушиб, ҳазиллашди:

– Жамолиддин ака дейман, Мисрдан кеча келиб, бугун дарров соғиниб қолибсиз-да уни? – деди, Миср газетасига ишора қилиб.

Жамолиддин мулойим кулди.

– Миср газетасинигина эмас, Порисда чоп этилган мана бу журнални ҳам тишимиз ўтганича титалаб турибмиз.

Жамолиддин газета тагида ётган журнални олиб Дилшодга узатди.

Дилшод араб ҳарфлари билан ёзилган сарлавҳани ўқиди – «Социализм».

– Ҳа, биламан. Парижда чиқади. Туркча журнал. Лекин шаҳримизнинг тараққиёт ташналари кўпинча мана булардан озик олишади. Назаримда, тўғри ҳам қилишади. Мана, кўринг.

Дилшод ёнида тахлоғлиқ ётган газеталар ичидан биттасини чиқариб унга узатди. Жамолиддин олди, лекин тиши ўтмади.

– Қанақа газета? Ия, ўрисча-ку!

– Ҳа, русча.

Жамолиддин афсусланиб бош тебратди.

– Қани энди тишимиз ўтса! Ўтмайди-да. Ўрисчани билмаймиз.

Дилшод ширингина кулди.

– Русларда мақолга ўхшаган битта гап бор, Жамолиддин ака.

– Хўш, хўш?

– При желании всё возможно, дейишади.

– Яъни?

– Яъни, хоҳиш бўлса ҳамма нарсанинг иложи топилади, дегани.

– О, кўп чиройли гап. Хўш, бу газеталар Туркистонда чоп қилинадими, Дилшодбек?



– Йўқ, Россияда, – деди у. Лекин қандай газета-лигини, қайси шаҳарда чиқишлигини, нима учундир, айтмади.

Шу гап устига Наби қори бир қўлида чойнак, иккинчи қўлида седана сепилган тўртта иссиқ нон билан салом бериб кирди-да, хонтахтага қуроқ дастурхон солиб, нонларни ушатди. Дилшод ўрнидан туриб, қўл ювиш ҳаракатига тушди.

– Бай-бай-бай, қўлга сув бериш эсдан чиққанини қаранг! – деди Наби қори қизариб. Кейин дарров кичкина кўрада сув тутди.

Аммо Дилшод ўзидан катта кишига сув қуйдиришга унамади.

– Йўқ, йўқ, қори ака, уят бўлади, ўзим, ўзим. – У кўрани қори қўлидан олди.

Наби қори Жамолиддинга чой узатиб, чойнакни Дилшод ёнига сурди. Мадраса кўрган муллаваччаларга хос бир мулозимат билан жилмайиб:

– Сизлар бахузур гурунглашиб ўтираверасизлар, мен дўконга чиқай, – деди.

Наби қори кирганда узилиб қолган гап, у чиқиб кетгандан кейин яна уланди.

– Рус тилини билишга қизиққан одамлар ҳозир анчагина кўпайиб қолди, Жамолиддин ака, – деди Дилшод. – «Туркистон вилоятининг газети»да босилган расмий хабарга қараганда, Тошкентдаги баъзи мадрасаларда рус тили расман ўқитиляпти.

Мусулмон мадрасаларининг қандайлигини билган киши учун бу нарса ҳайратдан кўра даҳшат бўлиб қолиши табиий эди. Жамолиддин ҳам эшитган қулоқларига ишонмай:

– Йўғ-э! – деб юборди.

– Ҳа, ҳатто ким ўқитаётганини ҳам айтиб беришим мумкин. Канашкин деган бир рус муаллими.

Жамолиддин ҳамон ҳайратдан ёқасини қутқазолмаган эди.



– Мадрасада рус тили? Тавба. Ажабо, мутаассиб домлалар индашмабдими? Ахир...

Дилшод тагдор қилиб кулди.

– Индашиб қаерга боришади, Жамолиддин ака? Тўғри, дуойибад қилганлар, рус тилини ўрганиш гуноҳ деб фатво берганлар ҳам бўлди. Ҳатто баъзи жоҳил оталар ўғилларини мадрасадан чиқариб ҳам олишди. Лекин турмуш анҳори бунақа дағдағалардан кўрқиб орқасига оқмас экан. Ўзанида келяпти.

Жамолиддин ўйланиб қолди. Кейин, худди ўзи билан гаплашаётган кишидай, хаёлчан товуш билан:

– Нафсиламрга, ўрис тилини ё бошқа бирон ғайри дин тилини билиш на шариатда рад этилган ва на тарикатда. Мисрда ҳам араблар инглиз тилини ўқишади. Биров бир нима деганини эшитмадим ҳам, кўрмадим ҳам.

Дилшод бир нарса эсига тушгандай жонланди.

– Буни қаранг энди, Жамолиддин ака, бир маҳаллар Фуломжон акамни русча китоб ўқидинг деб мадрасада нари олиб бориб, бери олиб келишган эди. Оқибат нима бўлди? Орадан ўн йил ўтди ё ўтмади, Фуломжон ака – ҳақ, мутаассиб домлалар – ноҳақ бўлиб чиқишди. Фуломжон акам рус тилини шундай билиб олганки, мусулмонлигини юзидан билмасангиз, сўзидан билмайсиз. Мен-ку рус-тузем мактабини битирганман, шундай бўлса ҳам, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, рус тилини Фуломжон акамчалик билмайман. У кишининг истеъдоди ҳам таъбига ўхшаш кўп баланд.

Жамолиддин Фуломжоннинг истеъдодига қойил қолиб, гоҳ «тасанно» деяр, гоҳ «офарин» деб ўтирарди.

Дилшод кулимсиради.

– Шунақа, Жамолиддин ака, бугун насиб қилса Фуломжон акамни ўзингизга ҳам кўрсатаман.

Жамолиддин қиқирлади.

– Қулуқ. Биз кўришдик, гаплашдик ҳам.



– Қачон? Қаерда? Уни қаранг, сизни кўриштириб, у кишини хурсанд қиламан девдим-а! Кечикибманда?

– Шунақа бўди, – деди Жамолиддин, ҳамон қиқирлаб. – Кеча қори ака билан дўконда гаплашиб ўтириб эдик, эғнида мой босган пахта нимча, қора шим, бошида кир шапка, кўзида оқ кўзойнак бир киши келиб қори ака билан иссиқ кўришди. Овозини эшитиб, юрагим жигиллаб кетди. Юзи ҳам танишдай кўринди. Кўнглим бўлса: «Шу, шу Фуломжон!» дейди-да. Қарайману ҳеч ўхшатолмаман. Илгари кўзойнак тақмасди, бунақа кийинмасди-да. Иннайкейин, бетининг икки-уч жойи тиртиқ. Хайрон бўлдим. Йўқ, қори аканинг юзидан фаҳмлаб қолдим. Набижон менга қараб: «Жамолиддин, бу кишини танияпсизми?» деб сўради. Мен бир нарса дейишга улгурмай, Фуломжоннинг ўзи таниб қолди-ю! Жамолиддин! Ия, ия, буни қаранг! Ҳорманг, ҳорманг, дўстим!» деб кучоқ очиб югурди. Кўришдик, пича у ёқ-буёқдан гаплашдик. Ҳозир турасиз, уйга олиб кетаман, дейди-да. Йўқ, бир ерга ваъдам бор, десам ҳам унамайди. Қори ака дўконини ёпгунча ҳам жилмай ўтирди. У десам бу дейди, бу десам у дейди. Йўқ, хайрият, қори ака ўртага тушди-ю, борадиган жойим нозик эканлигини айтиб, мени бир хижолатдан сақлаб қолди.

Жамолиддин шукуҳ қилиб сукунатга кетди. Унинг юрагини ширин илитган ҳис Дилшоднинг юрагида ҳам гивирлар эди.

– Дилшодбек, Фуломжон акангиз билан кўп гаплашолмадик, иннайкейин, дабдурустдан ҳар қандай гапни сўрашга одамнинг оғзи бормайди. Кўзойнак тақиб олибди, бетида тиртиқ, нима гап?

Дилшод ҳароратли ҳикоя шавқи билан жилмайиб ўтирган эди. Саволдан кейин ингичка, қоп-қора қошлари аста чимирилади. Гапириш оғирдай



хонтахта устидаги ушатиғлиқ нонга бир неча лаҳза қараб турди. Кейин, Фуломжон бошидан ўтган савдони билганича гапириб бориб, охирида кўзойнак билан тиртиқ устида тўхтади.

– Ўша мингбошиникидан чала ўлик қилиб келтириб ташлашгандан кейин уйида бир ойча кўзини очолмай ётди. Ольга Петровна шаҳардан уч марта доктор олиб бориб қаратди. Ўзига сал-пал келди-ю, лекин кўзи очилмади. Иннайкейин, ўзингиз биласиз, қишлоқда доктор йўқ. Онаси ўлиб кетган. Битта Каромат опа. Жуда қийин бўлди. Ольга Петровна ўзи қарай деса, бу ерда иши бор, боласи бор. Ахири шаҳар касалхонасига келтириб, яна икки ойча қаратди. Операциядан кейин сал-пал кўрадиган бўлди. Ҳозир ҳам кўзи жуда ожиз. Узоқдаги нарсани ҳеч кўрмайди. Ўша Ҳаётхон опам билан қочиб кетишаётганда тутиб олиб ёмон уришган экан. Қаранг-а, лаънатилар нуқул кўзига уришибди! Бетлари тилим-тилим ёрилиб кетган экан, тиртиқ ўшаники.

Жамолиддин юраги аламга тўлиб, ранги қочиб ўтириб эшитди. Дилшод Ҳаётхоннинг ўзини осиб қўйганини айтганда, кўзларидан дув ёш чиқиб кетди.

Дилшод ҳикоясини тутатгандан кейин ҳамон нам қуримаган қайғули кўзларини унга тикди.

– Наҳотки бир-бирини севгани, бир-бирига интилгани учун шунча зулм, Дилшодбек?!

Дилшод бошини аста тебратди.

– Йўқ, Жамолиддин ака, уларнинг қочгани Фиёс қози билан Мадумар мингбоши учун баҳона бўлди, холос. Асл мақсадлари Фуломжон акамни йўқ қилиш эди. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман.

– Нечук?

– Чунки Фуломжон акам, аввало, Фиёс қози йўлидан боришга унамади. Қолаверса, қишлоқда



янги усул мактаб очди, халқ ичига ўзи билганича янги фикр ташиди, уйғониш олиб кирди. Мингбошини эса, қизининг бузуқлигини эл олдида очиб ташлаб, шарманда қилди. Э-э, у мутгаҳамларга тил тегизиб бўлармиди, Жамолиддин ака! Ўзингиз биласиз-ку...

– Ҳа, ҳа.

– Ўйнашмагин арбоб билан,

Арбоб урар ҳар боб билан.

– Тўғри айтасиз, Дилшодбек.

Қори янги чойнакда чой кўтариб кирди.

– Зерикиб қолмадингларми? Бўлади, дўконни ҳам ёпдик ҳисоб. – У этакка ўтириб, яна нон ушатди. – Қани, нонга қаранглар. Жамолиддин, ё ошга урнаб юборайми, а?

Дилшод дарров Наби қорининг тирсагидан ушлади. – Йўқ, йўқ, қори ака, ҳеч овора бўлманг, бизникига кетамиз.

Шу гап устига ташқи дарчадан Фуломжон салом бериб кирди. Ҳамма ўрнидан чапдаст турди. Олдин Дилшод бориб кучоқлашди. У Жамолиддин тасвир қилган кийимда эди.

– Ҳай-ҳай, ёғ юқади, – деди Фуломжон ҳазиллашиб.

Дилшод кулди. Бир нима дейишга оғиз жуфтлади-ю, бўлмади. Ўтиришди, фотиҳага қўл кўтаришгандан кейин Фуломжон жилмайиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Кўзлари Жамолиддинда тўхтади. Кейин Дилшодга қараб:

– Мана Дилшодбек, бизни шунча йиллар соғинтирган дўстимиз келиб, қанотимиз бут бўлиб қолди, – деди Фуломжон хурсанд бўлиб.

Жамолиддин қуллауқ қилди. Дилшод бир нимадан хижолатдай қизарди.

– Қаранг, Фуломжон ака, – деди у, узр сўраётгандай қилиб. – Ўша уни Жамолиддин акам қайтга-



нини айтиб, атайин сизни хурсанд қилгани борган эдим, мени нима жин урди, қишлоққа кетаётганимни айтибману, энг зарурини эсдан чиқарибман.

Фулом кулимсиради.

– Хафа бўлманг, Дилшодбек. Бу ҳақда ривоят ҳам бор. – Ҳамма унинг оғзига қаради. – Бир замонлар иккита қадрдон дўст бўлган экан. Шунчалик қадрдон дўст бўлган эканки, битта майиз топишса ҳам бўлиб ейишар экан. Фалакнинг гардиши билан дўстлардан бири саёҳат важҳиданми, тижорат важҳиданми, хуллас, узоқ эларга кетиб қолибди-да. Буниси дўстини ёмон соғинибди, томоғидан овқат ҳам ўтмай қолибди. Орадан бир йил ўтибдими, икки йил – бунисини билмайман, ахири дўсти келибди. Унинг ҳолига ачиниб юрган қўшниларидан бири дўстининг келаётганини қўрибди-ю, бечорани бир хурсанд қилай деб бориб айтса, шўрлик суюнганидан юраги ёрилиб ўлган экан. Ким билади, бизнинг зўрға тикирлаб турган юрагимиз ҳам суюнганимиздан ёрилармиди...

Ҳамма, айниқса Жамолиддин шукроналик билан кулди. Фуломжон бўшаган пиёласини Наби қорига узатиб, Жамолиддинга қаради.

– Қалай, зерикмаяпсизми, дўстим?

Жамолиддин хурсанд жилмайди.

– Йўқ, тақсир, зерикишга қўл тегмаяпти. Эрта-лаб шаҳарни, танишларни зиёрат қиламиз, бўш вақтларда газетхонлик. Мана, дўстлар билан суҳбат. Назаримда, одамлар бошқача бўлиб қолишган ё мен унча қовушмай турибман.

Фуломжон бошини мулойим тебратди.

– Йўқ, қовушиб кетасиз, дўстим. Ҳали гап кўп. одамлар орасига сингиб кетганингизни кейин ўзингиз ҳам билмай қоласиз, ҳа. – Фуломжон дарчадан ташқарига бир қараб олиб бўшаган пиёласининг устига панжасини ёпди. – Хўп, вақт алла-



маҳал бўлиб қолди. Наби ака, йиғиштирилсангизу, секин бизникига қараб юрсак.

Дилшод яхши нарсасини суюнчилашга ошиққан боладек, юраги потирлаб ўтирган эди. Ниҳоят ўзини босолмади.

– Фуломжон ака, бир гап бор эди-да, айтаверайми? Фуломжон ярқ этиб қаради.

– Айтинг, айтинг эшитайлик. Яхши гапми?

– Суюнчисини берсангиз айтаман.

Фуломжон очилиб кулди.

– О, бўлмаса ё мингбошини даканги ё Тешабойни байтали тепиб ўлдирибди-да?

Ҳамма қаҳқаҳа уриб кулди. Дилшод ўзини кулгидан тўхтатомай:

– Йўқ, йўқ, ундан ҳам яхши! – деди.

Фуломжон кўларини ёзди. Дилшоднинг болаларча ўйнашгани унга жуда ёқиб тушди.

– Ундан яхшисини биз тополмадик. Бўлмаса, шаҳар берар эканмиз-да.

Дилшод кўзларини катта очди. Бу чиройли кўзларда бахт ўти чақнади. У энтиккан бир товуш билан:

– Қудрат акам келди! – деди.

– А? – Фуломжон ўрнидан туриб кетди. – Йўғ-э!

– Ҳа, ўзим кўрдим. Сизга салом айтди.

Фуломжон Дилшодни қучоқлади. Кейин елкаларидан ушлаб силкитди, кўзларига тикилиб сўради:

– Саломатми? Тетикми? Руҳи қалай?

Дилшод ҳам худди шу қабилада жавоб қилди:

– Саломат, тетик, руҳи жуда баланд. Кела солиб биринчи қилган иши мингбошининг ўтакасини ёриш бўлди.

Фуломжоннинг кўзларидаги шодлик ўти ловулади.

– Қандай? Қандай қилиб?



Даканги қочгандан кейин мингбоши одамларга дағдаға қилаётган эди, Қудрат акам: «Ҳоким келди!» деб мингбошининг эсхонасини чиқарди. Шунақа қизиқ бўлдики, мингбоши шошиб, миршабига: «Ҳой, Жумон, кўчаларга сув септир!» деб бақариб юборди.

Тўртовлари, айниқса Фуломжон қотиб-қотиб кулди. Наби қори чувак гавдасини камалакдай букиб шундай кулдики, юмаланиб қолаёзди. Жамолиддин ўтирган ерида хонтахта устига ётиб олди. Кулги бир оз сийралиб, одамлар ўзларига кела бошлаганларидан кейин Фуломжон дўстига мурожаат қилди:

– Жамолиддин, йўқ демасангиз, эртага Қорабулоққа бирга борсак. Қудрат акамизни сиз ҳам зиёрат қилиб қайтсангиз ёмон бўлмас эди. Кўп яхши одам!

Жамолиддин қўлларини кўксига қўйди.

– Жанобларига ҳамроҳ бўлмоқдин зиёд бахт йўқ бандаларига...

Ўн тўртинчи боб **Ари уясига чўп суқилди**

Уста Баҳромлар чиқиб кетишгандан кейин Тешабой айвон устунига суйниб узоқ турди. Қудрат хабари жон томирини суғуриб олган эди. Бир маҳаллар ҳоким кабинетига ўзига ҳамла қилгани, ҳоким адъютантини уриб юмалатгани – ҳаммаси, ҳаммаси ўшандаги даҳшати билан яна кўзига игна бўлиб санчилди. Ҳозир эски вақт эмас, уруш. Бир ёқдан, Герман босиб келяпти, яна бир ёқдан ишчилар феъли бузуқ – ҳамма ерда иш ташлаш, ҳамма ерда норозилик. Ишчи тоифаси шундайки, дард десанг, бало дейди. Подшо ҳам илгариги тахтада маҳкам ўтирган подшо эмас, тагидан дарз



кетгандай, аввалги дабдабаси йўқ. Қудрат мана шундай ёмон пайтда келди. Бурнига сув кириб келган бўлса-ку – хайр, бордию, тагин эски қайсарлигини қилиб, одамларни йўлдан урди – унда нима бўлади? Ўзи бошлаб юборган шунча катта иши нима бўлади? А? Завод, электростанция... Йўқ, хушёр бўлиш керак, эҳтиёт шарт деган гап бор-а ахир дунёда!

– Мамарайим! Қаёққа гумдон бўлдинг?! – деб қичқирди у, худди орқасидан Қудрат келиб бўғаетгандай, ваҳимали товуш билан.

Мамарайим афанди мардикорларга пиширилдиган овқат масаллиғини бераётган эди, тарозини ташлаб омбордан югуриб чиқди.

– Лаббай, тақсир.

Тешабой унинг қўрққанидан пилпилай бошлаган ўлик кўзларига хунук қараб сўради:

– Нима қиялсан?

– Овқатлик бераётувдим, тақсир.

– Ким бор?

– Ошпаз, тақсир.

– Берадиганингни бериб, дарров кел.

– Хўп бўлади, тақсир.

Мамарайим афанди энди қайрилиб ҳам эдики, хўжайин чақириб қолди.

– Менга қара.

– Лаббай, тақсир.

Тешабой уни еб юборадигандай дўнғилади:

– Кеча мардикорларнинг овқатидан татиб кўрдим. Отам ҳам мени бунақа овқат билан боққан эмас! Косанинг бети бир энлик ё! Нима, улар энангнинг эрларими ё менга сўқимга боқялсанми?!

Мамарайим афанди калласини чикалдек бўйнига тортди. Кейин илонникига ўхшаган совуқ кўзларини пилпилатди.



– Йўқ, тақсир. Ўзлари ёнларидан гўшт-ёғ олиб қўшишяпти, бойнинг ардобини ичавериб кўтарам бўлиб қолдик, деб. Иннайкейин, тақсир, ўзлари биладилар, овқат харажатини оладиган ҳақларидан мўмайгина қилиб ушлаб қоляпмиз.

Гапнинг бу мароми Тешабойга ёқмади. Ўшқириб берди:

– Бор, кўп вағилама! Ишингни битириб, дарров кел. – Мамарайим афанди энди бурилмоқчи бўлган эди Тешабой яна тўхтатди. – Менга қара, ошпазга тайинла, Соли совуқни айтиб юборсин. Бор, тез бўл!

Мамарайим афанди, осон қутулгани учун суюниб пилдираганича омборга югурди.

Қайтиб келмайдиган бўлиб кетаётган одам уйнинг ҳар бир майда-чуйдасига, дов-дарахтига, эшик-деразасига юраги ачишиб қарайди. Тешабой ҳам саройидан, данғилама меҳмонхонасидан, отхона, омборхоналаридан айрилаётгандек, ҳаммасига бир-бир суқланиб қараб чиқди. Нима учундир юраги ачишар, ҳамма нарса омонатдек кўринарди. Отхонада эндигина ўтга қўйилган отларига қараб ўйланиб кетди. Бу отлар яйловдаги неча минглаб қўй-қўзиларни, йилқиларни кўз олдига келтирди. Энди қўйларига ачина бошлади. Хаёлида уларга оч бўрилар ҳужум қилар, қўйлари маърашиб, потирлашиб қочар эди. Яна юраги эзилди. Кейин отхона томига қаради. У ерда бултур босилган бедалардан қолгани сочилиб ётарди. Бирдан кўзига Қорабулоқ кўзғолонидаги ёнғин кўринди. Назарида, шу бедалар ловуллаб ёнарди...

– Келдим, тақсир.

Тешабой чўчиб орқасига қаради. У ерда Мамарайим афанди қўл қовуштириб, ҳиринглаб турган эди. Тешабойнинг жаҳди чиқди.



– Йўталиброқ келсанг ўлармидинг! Одамни... – деди-ю, у ёғини айтмади. – Бу ёққа юр.

У Мамарайим афандини айвонга бошлади. Айвонда ҳам тўхтамай меҳмонхонага кирди. Аммо ўтирмади. Мамарайим афанди бошига тушадиган муштдан қўрққан кишидай олдида шумшайиб турарди.

– Менга қара, – деди Тешабой, гарчи у ўзига қараб турган бўлса ҳам. – Қудрат билан кўришдингми?

– Йўқ, тақсир, узоқдан кўрдим холос, – деди у, яна калласини ичига тортиб.

Иккаласининг бўйи баравар бўлса ҳам, Тешабой юқоридан қараётгандай қилиб гапирди:

– Ҳозир чиқ-да, кўриш. Опоқ-чапоқ бўлиб кўриш. Софинганингни, сарфайганингни айт. Пича кўз ёши қилсанг яна яхши. Кейин ёнида ўтириб, офзини пойла. Бил-чи, нима деяр экан? Ўзинг ҳам гаплашиб ўтир. Жойи келса мени сўк. Ишқилиб, қулоққа маҳкам бўл. Уқдингми?

– Уқдим, тақсир. Бунақасига қулваччангиз ипак, эшилиб кетади, – деди Мамарайим афанди хиринглаб.

– Бор, э қилпилламай ўл!

У бурилиб, эшилиб чиқиб кетди. Тешабой: «Ху ҳезалакка ўхшамай ўл-а!» деб орқасидан сўкиб қолди. Чиндан ҳам, кейинги вақтда Мамарайим афандини жини севмай қолган эди. Бўлар-бўлмасга сўкаверарди. Шунинг учун меҳмонхонадан феъли баттар бузилиб чиқди. Ичимдаги гашлик тарқалармикан, деб ҳарамининг эшигини очди. Лекин унинг ҳашамати, лаззатли тарихи ҳам кўнглига йилт этган нур киритмади. Ҳафсаласи пир бўлиб турган эди, ташқаридан оёқ дупурини эшитиб, айвонга чиқди. Соли совуқ келаётган эди. Салом ҳам кутмай тикка гап бошлади:



– Поччангиз билан Асад қорига одам юборинг. Биров билмасин. Самовардаги ялангоёқлар тарқалгандан кейин қоронғи тушириб келишсин. Уқдингизми? – Соли совуқ калласини бир тушириб кўтарди. – Боринг. – У энди жилган эди, Тешабой орқасидан шипилаб келиб. яқинида шивирлади: – Мамарайимга тайинлаш эсимдан чиқибди. Қудрат гузардан қаёққа кетади, кимлар билан кетади – кўз бўлиб туриш керак. Одам қўйинг.

Соли совуқ калласини яна бир тушириб кўтарди. Кейин маҳси-кавушли оёқларини тулкчасига босиб, шарпасиз чиқиб кетди.

Тешабой айвонга қайтиб келди. Қуруқ дарахт шохида қўнқайган зоғдай, айвон чорчўпида бошини ушлаб ўтирди. Хаёли уни яна ёниб турган саройига олиб кетди. У ўтирган ерида мудраб қолдимми, худди туш қўраётган одамдай, ўзича гапирарди: «Тавба! Уйимга ўт қўйишганига шунча йиллар бўлса-ю, ҳали ҳам ўчмаса-я бу ўт! Ё тагин ўт қўйишдимикан?» У бирдан олазарак бўлиб теварагига қаради. Ҳамма нарса жойида эди. «Менга бир бало бўлди, – деди у, ўзича гудраниб. – Қудратдан қўрқдимми ё? Сибирдан узилиб келган қидай жонидан-а? Йўқ, ўлгиси келса менга осилсин! Ҳа, ҳали битта Қудрат экану, ўнта бўлганда ҳам мўйловимнинг бир имоси билан ўнталасини йўқ қиламан!»

Тешабой юрагидаги ғашлик моғорини шу пўписи билан ювди. Кейин, тўқмоқланган кишидай ўрнидан эзилиб турди-да, ҳали ҳам қалтироғи кетмаган ингичка оёқларини тап-тап босиб, ичкарига кириб кетди.

Тўраҳон ошни дамлаб қўйиб, турп тўғраётган эди. У энди хотинига дўнғиллади:

– Мен сенга неча марта тайинладимки, лаънати турпни барвақт тўғраб сувга солиб қўй, деб! Қара, энангинг бетига ўхшаб сўлжайиб ётибди!



Тўраҳон ўн йил аввалги тароватини йўқотмаган эди. У кўрни ҳам отдан қулатадиган шўх бир жилва билан қашқари балдоқларини шиқирлатиб хандон урди.

– Вой, мунча? Сиз аччиғингиздан тушгунингизча, бу ҳам диринглаб қолар!

Тўраҳоннинг нозик қилиб териалган қайрилма қошлари, ўнг лабида жонга қасд қилиб турган кичкина қора холи, оқ, тоза чехрасида бир жуфт юлдуздай порлаган шахло кўзлари ҳам Тешабойни мафтун қилмади. У дўқанглаганича уйга кириб кетди. Орқасидан яна бояги шўх жилва билан Тўраҳон қўлга сув кўтариб кирди. Эри қўлини артиб, сочиқни ирғитди.

– Ҳа, арпангизни хом ўрдикми, мунча қовоғингиз осилмаса! – деди Тўраҳон, истиғно билан лабини буриб.

Эри индамади. «Сен хотин кишининг ақли нимага етарди?» дегандай қилиб ҳи-ҳилади. Тўраҳон қозикдан дастурхон олиб солди.

– Малланг қани?

Энди Тўраҳоннинг жаҳли чиқди. Бошини, яна истиғно билан ёнига жиндак энгаштириб, бир силтади.

– Вой, анови кишини! Нимага малла дейсиз? Холдор бойвачча денг! Ҳеч бўлмаса Холдор денг! Ўзининг оти туриб...

Тешабой хунук қилиб кулди.

– Малла тукқанингдан кейин малла дейман-да. Афтини қара, бунақаси на сенинг уруғингда бор, на меникида. Астарафирулло!

– Худонинг бергани шу! Ёқмаса ўзингиздан кўринг! – деди-ю Тўраҳон дастшўйни кўтариб зарда билан чиқиб кетди.

Тешабойнинг қорни очган эди. Ташқарида сузилаётган паловнинг ёқимли ҳиди димоғига кириб, оғзини сўлакайга тўлғазди.



– Опке тезроқ!

Тўраҳон бўлис мингбошисининг қизи, катта бойнинг сўйгили хотини бўлса ҳам, суyoқликда Жўраҳон опасидан қолишмасди. Ўртада совуқ гап ўтмагандек, бир қўлида ош, иккинчи қўлида чойнак билан чарақлаб кирди. Тўвоқни эрига яқин қўйиб:

– Олаверинг, бойбува, мен турпни олиб кирай, – деди жўрттагами ё одатиданми, қошини чиройли учириб.

Ош ярим бўлиб, кичкина қадди сал тикланганда, Тешабой яна ўғлини сўради.

Тўраҳон кўзлари хумор сузилди:

– Катта бувисиникида, бугун келмайди.

Эри тўйди шекилли, чойга қўл узатди. Тўраҳон аччиқ кўк чойдан икки-уч пиёла бостириб берди. Тешабой чарчаган эди, кўзлари юмилиб борди.

Тўраҳон ловуллаб турган бетини эрининг совуқ бетига босиб:

– Жой солайми? – деди.

Тешабой ўзи ўтирган тўшакка чўзилди.

– Йўқ, шу ерда ётиб турай. Ҳали ташқарида иш бор.

Тўраҳон дастурхонни йиғиштириб олиб чиқиб кетди. Ташқаридан ҳаялламай дарров кирди-да, хипча, нозик белини йигит кучоғидай маҳкам қисиб олган баҳмал камзулини ечиб дорга осди. Бугун оқшом учун махсус кийилган ҳарир обиравон қўйлагининг ёқасидаги тугмаларни чиқарди, қўйлагининг ёқасини икки томонга қайириб, оппоқ, чиройли бўйнини то кўксини дўртайтириб турган жойигача очди, токчадан атир шишасини олиб, ундан ўнг кафтига тўқди, бўйнига, кўксига, сузилиб бораётган хумор кўзлар тагида бир жуфт нақш олмадай қизарган бетларига кафти билан суртди, кейин токчадаги суяма тошойнакка ўзини солди, бетартиб ётган зулфларини тузатди, у ердан ўзига



жилмайиб турган жононга бир неча зум ҳуши кетиб қараб тургандан сўнг майин одим, майин табассум билан келиб эри ёнига ўтирди.

Тешабой мудраб кетган кўзларини сесканиб очди.

– Уқалаб қўяйми? – деди Тўраҳон, бир кўзини қисиб.

Тешабой яна кўзларини юмди. Тўраҳон эрини елкасидан бошлаб секин-секин белини, кейин оёқларини уқалашга тушди. Уқалаган сари ўзи керишиб, кўзлари сузилиб борди. Эри қимирламай ётарди. Ахири:

– Одам ғалати бўлиб кетяпти-ю. Мундоғ қарамайсиз ҳам, – деди у эрига суйканиб.

Тешабой ухлар эди. Тўраҳон уни елкасидан туртди.

– Мунча бало, уйқудан қолганмисиз? Қарасангиз-чи!

Эри дўнғиллаб берди:

– Оббо, тек қўй!

Тўраҳон эри ёнида бир неча дақиқа ёниб ўтирди. Кейин хўрлиги келиб йиғламсиради.

– Шаҳардаги ўша алвасти сатангизникида ҳафталаб ётасизу, менга ҳеч раҳмингиз келмайди. Ҳали ёшман, ўттизга ҳам кирганим йўқ. Айни ўйнаб-қуладиган вақтим. Ҳай, дадаси, эшитяпсизми?

Тўраҳон эрини елкасидан ушлаб силтаган эди, у нари ёнига ағдарилиб олди. Тўраҳон жонидан тўйиб, ўзини дарёга ташлайдиган киши шашти билан даст ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Эшикни тарақлатиб ёлгани ҳам Тешабой қулоғига кирмади.

Ярим соатлардан кейин уни Соли совуқ келиб уйғотди. Тешабой чала, қуён уйқусидан кўзлари ачишиб, меҳмонхонага кирганда, у ерда Мадумар мингбоши, Асад қори, яна уч киши Қудратдан

гаплашиб ўтиришган эди. Куёвини кўриб, Мадумар ўтирган ерида хиёл кўзгалиб қўйди. Бошқалар гур ўринларидан туриб салом беришди.

– Ўтиринглар, ўтиринглар, – деди Тешабой, ўзи тўрга ўтиб. Кейин гапни айлантириб ўтирмасдан тўғри муддаога кўчди. – Эшитгандирсизлар, балки баъзиларингиз кўргандирсизлар ҳам – Қудрат тақачи қайтиб келибди! Мингбоши бозордаги шармандалигини эслаб, осилиб тушган бетларини яна баттар сўлжайтирди. Асад қори қўлини дарров таъзимга кўтарди:

– Ҳо, тақсир, хуфтон намозидан сўғин кўзимиз тушди. Аҳли сиёҳлар бирлан самоварда гурунг кўриб ўлтирган экан, – деди у.

Бошқалар ҳам кўрганларини айтишди. Тешабой бир Мадумарга, бир Асад қорига қараб:

– Шу тўғрида фикрларингизни билмоқчи эдим. Нима дейсизлар? – деди. – Қани, сиз айтинг аввал, қози домла.

Асад қори мурофаа олиб бораётган вақтидагидек кеккайиб эмас, жавоб бераётган айбдордек букилиб:

– Ул муфаттин хусусинда бир нима демоқликдан камина ҳали-ҳозир андак ожизлик сезадур. Биздин зиёд пуртадбир додҳойи оламдин эшитсак, – деди, мингбошига таъзим қилиб.

Мадумар нафасини ўнглай олмай ҳарсиллаб ўтирган эди. Куёвига ишора қилди.

– Сиз нима десангиз шу. Қама десангиз – қамай-миз, юраверсин десангиз – яна ихтиёр ўзингизда.

Тешабойнинг қовоғи тушиб кетди. Бир оз хўмрайиб ўтиргандан кейин Мамарайим афандини чақирди. У даҳлизда турган эканми, дарров қўл қовуштириб кирди.

– Лаббай, тақсир?

– Ўтир.



Мамарайим афанди дарров этакка чўккалади.

– Нима гап топиб келдинг?

Мамарайим афанди ўрнидан туриб гапиришга чоғланган эди, бой қўлини силтади.

– Ўтир!

У яна дарров чўккалади. Кейин чироқ ёруғида ҳам нур кўринмаган хунук кўзларини пилпиллатиб:

– Урушдан гапирди, тақсир. Петербургда мастеровойлар бош кўтарганидан гапирди, тақсир, подшонинг тагига ўт кетганидан гапирди, тақсир, – деди.

Тешабой жеркиб ташлади.

– Ҳе, тақсирламай ўл! Ўзимизнинг қишлоқ тўғрисида ҳеч нима дедими? Мана, мен тўғримда, додхоҳ тўғрисида?

– Гапирди, тақсир, гапирди. Қишлоғимизга завод тушаётгани яхши бўпти, деди. Додхоҳни бўлса, «Қисталоқ, ҳали ҳам ўлмапти-я!» деди.

Ҳамма ҳиҳилаб юборди. Мадумарнинг ўзи ҳам кулди.

Тешабой кулиб туриб:

– Бошқа ҳеч гап бўлгани йўқми? – деб сўради.

– Бошқами? Ҳа, «Тешабой эшигимни бузиб юборибди, эвазига меҳмонхонасини берармиқан?» деди, тақсир.

Энди Мадумар гуриллаб кулди. Асад қори ҳиҳилади.

– Баччагарнинг иштаҳасини қаранг!

– Бўлгани шуми?

– Шу, тақсир.

– Боравер. – Мамарайим афанди лип этиб чиқиб кетди. Бой энди Соли совуқдан сўради: – Сиз нима эшитдингиз?

У елкасини қисди.

– Менга етган гаплар ҳам шуларнинг ўзи.

Тешабой маслаҳатгўйларига қаради.

– Ҳозирча аҳвол шу. Қўйиб берганимиз маъқулми ё...

Гапни маҳмадона қори илиб кетди:

– Авваламбор, бақадри мақдур эҳтиёт лозим. Илло қишлоққа бугун келибки, меҳмонхонангизга кўз олайтирибди, андин яхшилиқ кутиб бўлмай-дур. Ул бир ноқисул ақлким, уйларимизга якбор ўт қўймоқликдин чекинмағай.

Тешабой заҳарли қилиб ҳиҳилади.

– Сиз қамаш керак, дейсиз. Шундай-да?

– Ҳо, тақсир.

– Сиз-чи, додхоҳ?

Мингбоши бояги гапдан кейин зил кетиб ўтирган эди.

– Қамаймиз! – деди у, гулдираб.

– Соли махсум, сиз-чи?

– «Қулоғим тинч бўлсин», десангиз, қамаб ўтирмай, йўқотиб юборган яхши, – деди у, «бу ёғини бизга қўйиб бераверинг», дегандай қилиб.

Тешабой бошқалардан ҳам сўради. Ҳамманинг фикри бир эди. У яна ўйланиб кетди. Бошқалар ҳам сукут этди. Ҳамманинг кўзи Тешабой оғзида эди. У аста бошини кўтариб, ликиллади.

– Йўқ, қамаш қочмайди. Агар «қишлоғимизга завод тушаётгани яхши бўпти», дегани рост бўлса, яъни чин кўнглидан айтган бўлса, демак, бурнига сув кирган. Нима дейсизлар?

Асад қори энди бошқача ҳиҳилади.

– Ҳо-да, тақсир.

– Ҳозир уни қаматиб ё йўқотиб юбориш ҳеч гап эмас, – деди Тешабой андишасини давом эттириб. – Лекин мени қалтис ҳаракатдан қўлимни тутиб турган бошқа вазҳ бор. Буниси ҳаммасидан ваҳимали, мен учун албатта.



Мадумар бўзарди.

– Ҳа, сизнинг жонингиз бошқами? – деди у, ола кўзларини куёвига санчиб. Асли у «сизнинг жонингиз бизникидан ширинми?» демоқчи эди, лекин куёвининг жирракилигини ўйлаб айтмади.

Тешабойга шунинг ўзи ҳам етиб ортди. Чап мўйлови учди.

– Албатта, ҳамманинг жони ўзига! Лекин мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Қудратга бир нарсаси бўлса, заводда ишлаётган ялангоёқлар тўполон чиқаришмасмикан? Уйимга ўт қўйишмаганда ҳам, завод кузгача битмай қолса нима бўлади? Яна шунча пахтани арзон-гаровга сотаманми? Мана мен шу томонларни ўйлайман. Эски вақт бўлса, бошқа гап эди. Қишлоқда ким кўп – бекорчи кўп эди. Ҳозир ундай эмас. Мардикор балосидан кейин битта ишчи анқонинг тухуми бўлиб қолди. Хайрият, бахтимизга қашқарликлар бор экан, шулар чиқиб коримизга асқатиб туришибди.

Тешабойнинг андишаси тўғри эди. Буни ҳаммадан аввал Асад қори тасдиқлади.

– Ҳо-да, тақсир.

Тешабой қайнатасига бир қараб олиб:

– Ҳа, оқ пошшо қил устида турибди, дегани тўғри. Шундай миш-мишлар бор, – деди. – Аҳвол шундай бўлгандан кейин додхоҳнинг дакангига ўхшаб беданахўроздан тепки ейиш кимга зарур келибди?

Тешабой ўзи гапириб ўзи кулди. Мадумар юзидаги охирги ранг ҳам ўчди. «Лаънати, шуни ҳам эшитибди-я! Ер тагида илон қимирласа билади бу жиртиллаган бой! деб гезарди.

– Сизларни чақиритдан мақсадим маслаҳатларингизни олишгина эмас, сизларни огоҳлантириб қўйиш ҳам эди, – деди Тешабой, жиддий қилиб.

– Шошилмайлик, гашига тегмайлик. Иложи бўлса, яхши гапирайлик.

Асад қори яна ўртага суқулди.

– Ҳо-да, тақсир. Яхши гап бирлан илон инидин чиқур, ёмон гап бирлан пичоқ қинидин чиқур. Ҳа, ассабру муфтохул фарах, тақсир.

Тешабой энди Соли совуққа қаради.

– Сиз бундай қилсангиз, махсум: ҳозирми ё фурсат топиб эрта биланми, Қудратни йўқдасангиз. Қўйнига яхшилаб қўл солиб кўринг. Одамлар орасига иғво соладими ё яхшилиқ билан ишлайдими? Жойи тўғрисида нима дейди? Шуларни яхшилаб билинг. Жой тўғрисида ташвиш қилмаса ҳам бўлади. Қишлоқда нима кўп, вайрон бўлиб ётган эгасиз уйлар кўп. Бундан ташқари, Фулом қорининг меҳмонхонаси ҳам бўш. Оғайниси, хоҳдаса ўша ерда турсин. Ишлайман деса, заводга кирсин, ишқилиб, ямаб-чалпаб гапирасиз.

Мадумарнинг юзига энди сал ранг югурди.

– Заводга кириб ишласа-ю, жилови қўлингизда бўларди-я! – деди ҳарсиллаб у.

Тешабой чақнаб кетди.

– Ҳа, кам бўлманг! Унда бир нима десак – ҳаддимиз.

Мадумар юзига эндигина югурган ранг яна қочди.

– Бугун бозорда мени ёмон ўсал қилди бу лаънат! Адабини бериб қўймоқчи эдим, бу ёғи қандай бўлди?

Гапнинг хонаси келганда, Тешабой ҳеч кимни аямас эди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Айтадиган гапнинг нашъаси уни кулдириб юборди.

– Йўқ, додхоҳ, адабини берманг, ўзингиз амалини қилиб юборарсиз, турсин, – деди.

Тушунганлар ҳоҳолаб кулиб юборди.



Ўн бешинчи боб Дўстлар гурунги

Фулом барвақт туриб депога кетди. У ерда дўстлари билан гаплашиб, соат ўн иккиларда Жамоллидинни Наби ака дўконидан топди-да, бозорга бирга кириб, Салтонбуга совға-салом олди.

Вақт соат иккилардан ортган, қуёш баҳорчасига қизитиб турган эди. Офтоб куйдирганига, йўл юриш қийинлигига қарамай, икки дўст шаҳардан чиқиб борди. Йўл бўйи Қудрат Фуломжон оғзидан тушмади. Нуқул мақтар, «Ажойиб одам! Ажойиб одам!» деярди. Соат тўртларда Чекка етиб келишди. Фуломжон чарчадими ё шеригини уринтиргиси келмадими, самоварга яқинлашганда:

– Жамоллидин, бир чойнак чой ичайлик, – деди.

У ҳам шу эҳтиёжда эди. Самоварга кириб, кўк чой чақирди. Фуломжон ёнида одам борлигини эсдан чиқаргандай, жанубга чўзилган арава йўлининг ғарбидаги адирга ҳуши кетиб қолди.

Жамоллидин ҳам ўз ўйлари билан банд эди. У Фуломжонни кўргандан бери, айниқса кеча Дилшод Қудрат хабарини келтиргандан бери бир нарсага ҳайрон бўларди. «Ашурмирзонинг саломатлигини, яқинда қайтишини айтганимда: «Ҳа, саломат эканми?» деб қўя қолди. Қандай юрганлигини, нима қилиб юрганлигини сўрамади. Қудрат акага эса шунчалик қувондики, худди отаси тирилиб келгандай! Ҳолбуки, Ашурмирзо ёшлик хотираларининг тирик гувоҳи, мадрасада бирга ўқишган яқин дўсти-ку. Уни кўпроқ эслаши, унинг саломатлигидан кўпроқ қувониши керак эди. Ё ўрталарида гап қочгану, оралари бузилганмикан?» Жамоллидин шуни ўйлар, шунга ҳайрон бўларди. Кейин Фуломжон ўзи билан кўришганда, ўзини йўқотиб қўйгудек қувонганини эслади. «Ҳатто улуғ Руда-

кийнинг неча юз йиллар, неча замонлар бўронида тобини йўқотмай, ҳануз жилоси билан ярқираб турган шу байтини айтиб мени бағрига босди:

*Ҳеч шоду нест андар ин жаҳон
Партар аз дийдори рӯй дӯстон¹...*

Ғуломжон адирдан кўзларини оғир узиб Жамолиддинга қаради. У сукутда эди.

– Ҳиланиб қолдингиз, ё чарчадингизми? – деб сўради у.

– Йўқ, йўқ, хаёлга бир нима келди, шунинг андишаси.

Ғуломжон сўрамади. Жамолиддин эса ўзи айтишга эп кўрмади. Кейин яна йўлга тушишди. Бу ёқ адирли эди. Жамолиддинга ҳамроҳи одимини тезлатгандай, қаёққадир шошаётгандай туюлди. Ҳақиқатан ҳам, шундай эди. Ғуломжон Чекка етгунча дўстини зериктирмай гаплашиб келган бўлса, энди гапириш малолдай индамай борарди. Бунини Жамолиддин сезиб, ҳайрон бўлди. Ярим соатча жим боришгандан кейин Ғуломжон тўхтаб, тугунни Жамолиддинга берди. Юзида ўчиқлик, кўзида мунг бор эди.

– Сиз шу ерда андак туриб турсангиз, мен ҳозир келаман, – деди-ю у, йўлдан анча наридаги каттакон чуқур томонга қараб кетди.

Жамолиддин, уни эҳтиёж билан кетди деб ўйлаб, орқасини ўгириб турди. Орадан ўн дақиқача ўтди ҳамки у келавермади. Жамолиддин аста ўгирилиб қаради. Ғуломжон чуқур ёнидаги каттакон тошда бошини қўлига суяб ўтирарди. У ҳайрон бўлди. «Бирон азиз одамнинг қабри бўлса, Қуръон ўқияптимики?» деб ўйлади. Ғуломжон бахти

¹ Жаҳонда дўстлар дийдорини кўришдан ҳам улуғроқ шодлик йўқ.



шу ерда дафн бўлганини, Ҳаёти билан бир неча бахтли дамни – ҳа, фақат бир неча дамни! – шу ерда дафн қилганларини билмас эди у. Шунинг учун тушунолмаб қараб турарди. Қуръон ўқиган киши охирида қўл кўтариб дуо қиларди. Лекин Фуломжон қўлини чўнтагига солиб рўмолча чиқарди, кейин орқасини Жамолиддинга ўгириб, кўзларини артди. Ана шундагина Дишоднинг ҳикояси эсига тушди. Тушди-ю: «Шу экан-да бирини тирик, бирини ўлик ўлдирган машъум адир!» деб юраги эзилади. Томоғига аччиқ бир нарса тикилганини сезиб, яна орқасини ўгириб олди.

Бир неча дақиқадан сўнг Фуломжон келди.

Адирдан ошгунларича, ҳар ким ўз ўйи билан эзилиб борди. Жамолиддин бир нарса дейиш, кўнгилохонлик қилиш эҳтиёжини сезса ҳам, оғзини очса йиғлаб юборишдан қўрқаётгандек, индамасди. Охири Фуломжон ўзи гап очди.

– Бизнинг Қорабулоқда бўлмагансиз, а, Жамолиддин, – деди у, энди анча тозарган, лекин синиқлиги ҳали ҳам билиниб турган товуш билан. Жамолиддин бу ёқларга йўли тушмаганини айтди. Фуломжон яна қишлоғини мақташга тушди. – Ҳамма ўзи туғилган жойни мақтайди-ю, лекин Қорабулоқни дунёда битта деса бўлади. Жуда чиройли, жуда сўлим, жаннатсаро жой. Одамларини айтмайсизми! Шундай меҳмондўст, кўнгли кенг, олижанобки, қўяверасиз. Фақат рўшнолик кўрмай ўтиб кетяпти бечора халқ! Шуниси ёмон алам қилади. Лекин ёруғликка чиқадиган кунимиз яқин қолдими дейман, Жамолиддин. Ҳа, шабадаси келиб қолди. «Оби ҳаво» ҳозир шуни кўрсатиб турибди. Қудрат акамнинг қайтишида хосият катта. У орқасидан халқни эргаштира оладиган одам. Халқни эргаштира оладиган одам – асл одам. Агар у кечадан бери оғзимдан тушма-



ётган бўлса, таажжубланманг, бунинг боиси шу, Жамолиддин дўстим.

Жамолиддин учун кўнгил чигалини ечиш пайти келган эди. У шундан гап очди.

– Дуруст, Қудрат ака тўғрисидаги бу ҳароратли гапларингиз ҳаммаси ўринли. Мен буларга бажонидил қўшиламан. Лекин мадрасада бирга таҳсил кўришган дўстимиз Ашурмирзодан келган хабар юрагингизда ўт тугул, ўт учқуни ҳам кўрсатмади. Мени шу нарса ўйлантиради.

Фуломжон анча ергача индамай борди. Кейин мийиғида кулиб дўстига қаради.

– Ашурмирзонинг келиши яхши гап. Нимага десаңгиз, ҳар ким бахтли бўлса ҳам, бахтсиз бўлса ҳам юртида бўлгани яхши. Ўзингиз биласиз, ўн йил – ўн кун эмас. Бу шундай катта фурсатки, ёшликда қилган хатоларингни тузатишингга, энг муҳими, ундай хатоларни такрорлашга йўл қўймайдиган ақл топишингга баҳузур етиб беради. Биласиз, халқимизда: «Турнанинг кетишига эмас, келишига қара», деган гап бор. Ёмон кетувди, балки яхши келар. Ўлмасак кўрармиз.

Фуломжон гапни тугатиб ҳамроҳига қаради. Унинг юзида хижолат ранги бор эди. У дарров қўлини Жамолиддиннинг елкасига ташлади.

– Ашурмирзо ҳақидаги мулоҳазаларимнинг сизга тегадиган жойи йўқ, дўстим, – деди. – Сиз Мисрга илм қидириб бордингиз. Набижонга хат ёзиб, ҳол-аҳвол сўраб турдингиз. Набижон ҳам, мен ҳам қайтиб келишингизни билардик. Хайрият, эсон-омон келдингиз. Лекин бу ёғи қандай бўлади – буни сизга боғлиқ.

Жамолиддин тангирқаб қаради.

– Яъни?

– Дўстлигимиз эскича қоладими ё узиладими? Шуни айтмоқчиман.



– Тақсир, бизни хафа қилдингиз, – деди Жамолиддин, нафси оғриб.

– Йўқ, йўқ, хафа бўлманг. Омади гапни айтдим. Ип учини узунроқ ташлаб ўйлаб қаралганда, дўстлик самоварда ё хужрада улфатчилик қилишдан иборат эмас. Бунинг ўзига яраша шарти, оғир юки бор. Одамларни бир-бирларига яқин қиладиган, дўст қиладиган бир куч борки, унинг оти маслакдошлик! Дўсти учун заҳар ичирадиган нарса ҳам шу – маслакдошлик!

Жамолиддин бир нима дейишга журъат этмади, тўғриси, улгурмади. Фуломжон ўзининг қадрдон эшиги олдида тўхтаб:

– Келдик, Жамолиддин, – деди.

Ёдгор ичкарида кутиб турган эканми, икки кишининг қорасини кўрар-кўрмас:

– Буви, Фуломжон амаким келди! – деб қичқирди. Кейин югуриб келиб Фуломжон бўйнига осилди.

– Баракалла, Ёдгор, баракалла, ўғлим. Катта йигит бўлиб юрибсанми? Бувинг тузукми? – деди Фуломжон, унинг пешонасидан ўпиб. Сўнг ёнида кулиб турган Жамолиддинни ишора қилди. – Мана, сенга яна битта амаки олиб келдим. Кўриш, ўғлим.

Ёдгор энди Жамолиддинни кучоқлади. Булар кўришиб бўлмай, Салтонбу айвонга инқилаб чиқди.

– Вой, келинг, айланай Фуломжон! Бор экансиз, Худога шукур. Қани, уйга кира қолинглар. Ҳай, Ёдгор, қўлга сув бер, жон болам.

Фуломжон тутунни Ёдгорга тутқазиб, ўзи Салтонбу ёнига борди. Соғиниб сўрашди. У ёқ-бу ёқдан гаплашди. Кейин қўл ювиб, Жамолиддинни хужрасига таклиф қилди. Салтонбу ҳам кириб чўккалади. Фотиҳадан кейин Фуломжон Салтонбудан яна ҳол сўради:

– Энди тузукмисиз, опа?

– Тузукман, ўргилай, тузукман. Лекин анчадан бери дарагингиз бўлмаганига ҳар хил нарсаларни ўйлаб юрагим ёрилиб ўлаёздим, айланай.

Фуломжон узр сўради.

– Хафа бўлманг, опа, ишлар кўпайиб келолмадим.

Салтонбу чой қўйгани чиқиб кетди. Фуломжон икки овиз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргандан кейин:

– Дўстим, сиз бемалол ўтириб турасиз, мен бир ёққа фикр этиб бориб келаман, – деди-да Жамолиддинга, ташқарига чиқиб, Ёдгорга тайинлади. – Сен Замон амакингникига бориб, мени келди де. Хўпми?

– Хўп, амаки.

– Чоп, ўғлим.

Жамолиддин ҳужрада ёлғиз эди. Салтонбу инқиллаб юриб дастурхон солди, Фуломжон келтирган нозу неъматлардан қўйди.

– Олиб ўтиринг, ўргилай, мен ҳозир чой дамлаб кираман.

Жамолиддин ушатишга нондан жиндак синдириб овзига солди-да, бошини кўтариб, ҳужрага кўз югуртирди. Тўрдаги тахмонда беш-олтита кўрпа, тўртта ёстиқ, токчада кичкина қути, яна битта-сида синиқ ойнак, қозикда торлари бўшатишга садафбанд дутор, бурчакдаги рафда тиккалаб терилган бир қанча китоб, ерда шاپалоқ гулли каттакон қирғиз кигизи – хуллас, Жамолиддин кўрмаган умидли кунларда нимаики бўлса, ҳаммаси жой-жойида эди. У ҳужра тарихини билмагани учун бу нарсаларга маъно бермади. Кўп ўтмай Ёдгор етиб келди. У меҳмонга салом бериб кириб, бир чеккага чўккалади-ю, Жамолиддин сўрама-са ҳам, хўрозчасини мақтаб кетди. Боланинг дам ҳовриқиб, дам кулиб айтаётган ҳикояси Жамолиддинни бир нафасда ром қилди. У ҳам энди Ёдгорга қўшилиб кулар, қизиқ жойи келганда «О, боғлабди-ю!» деярдди. Хуллас, Фуломжон қанча йўқ бўлиб



кетганини сезмади. Ярим соат ўтдими ё ортиқ, ниҳоят, Фуломжон келди. У Ёдгорнинг қизариб, қиқирлаб гапираётганини бир оз томоша қилиб турди. Бола ҳикоясига шунча берилиб кетган эдики, Фуломжон амакиси кирганини ҳам сезмади.

– Ўғлим, Алиф Лайло маҳобатларидан айтиб беряпсанми? – деди у, Ёдгорнинг бошини силаб.

Ёдгор ўрнига Жамолиддин жавоб қилди.

– Беданахўрози мингбошининг эшакдек дакангини уришиб қочирган экан, шуни айтиб беряпти.

Фуломжон бу кулгили воқеани эшитмаган эди. Жамолиддин қисқача айтиб берди. У ҳам қотиб-қотиб қулди. Шу он айвондан Замон билан Қудрат шарпаси келди. Фуломжон ташқарига югурди.

– Ассалому алайкум, Қудрат ака! Ҳорманг! Ҳорманг! Бормисиз? Эсон-омон келдингизми? – Фуломжон тез келиб қучоқлашди.

– Саломат бўлинг, Фуломжон! Хайрият, ўзингиз соғ экансиз!

Ёдгор қўлга сув бергандан кейин гурунглашиб хужрага киришди. Жамолиддин уларни ўридан туриб қарши олди. Қудрат ҳамон ўша хароб кийимда эди. Шундай бўлса ҳам сиқилмади. Фақат Фуломжон ўйланиб қолди. У Дилшоддан эшитиб, баъзи нарсалар олиб келган эди. Шуларни ҳозир кийгизсамми ё ўнғайсиз бўларми, деб ўйланарди. Қудрат эса чақчақ уриб гапирар, дам Замонни, дам Жамолиддинни қизиқ гаплари билан хохолатиб қулдирарди. Фуломжон кулги орасида секин чиқиб тугунчани олиб кирди. Уни бир чеккада очди, ичидан байтили чопон, алак яхтак-лозим, қийиқ, дўппи олди. Кейин қизариб, буларни Қудрат ёнига кўтариб келди.

– Қудрат ака, йўлингизга карнай-сурнай чиқариш, оёғингизга қўй эмас, от сўйиш керак эди. Буларнинг биттасини ҳам қилолмадик. Уятлимиз.

Лекин бизни бу хижолатдан яна халқимизнинг шу ибораси қутқазади: топган назру ниёз, топмаган бир боғ пиёз! Қани, туринг Қудрат ака.

– Сизнинг пиёзингиз бош-оёқ сарпо бўладиган бўлса, Рофқон пиёзи бетига рўмол ёпиб олса бўлар экан, – деди Қудрат, ҳоҳолаб кулиб.

Ғуломжон чопонни кийгизиб қийиқни борлагандан кейин дўппини тахидан очиб керди-да:

– Шунча бало-қазолардан саломат чиққан бошингиз омон бўлсин! – деб, дўппини кийгизди.

«Омон бўлсин!» деган сўзларни айтаётганда, Ғуломжоннинг овози қалтираб кетди. Таассурот зўридан Жамолиддин кўзига нам югурди. Замон йиғлаб юборишдан кўрқиб, кўзларини пилпиллатди. Қудрат ичида ҳам кўнгилни йиғлатадиган бир нарса ривирлади. Лекин у ўзини тутди. Ҳар вақт-дагидай бардам товуш билан:

– Биздан қайтмаса, болаларимиздан қайтсин, – деб, Ғуломжоннинг елкасига қоқди.

Улар ўтиришгандан кейин Замон Қудратга тикилиб:

– Мана, очилиб кетдингиз, Қудрат ака, – деди ҳазил мутойиба.

Қудрат ҳоҳолаб кулди.

– Билмайсизми, чопонни очадиган жияги билан адипи, дейишади. Сиз мени эмас, чопонни кўряпсиз.

Яна нашъали кулги кўтарилди. Шундан кейин, нима учундир, ўртадаги гап унча қовушавермади. Қудрат меҳмонни яхши билмагани учун очик-сочик гапиришдан тортинаётгандек кўринарди. Ҳар ҳолда Ғуломжонга шундай кўринди. У ўртадаги таранглик сабабини шу деб ўйлаб, иштибоҳни кўтаришга уринди.

– Қудрат ака, дўстим Жамолиддин Мисрдан қайтди. Қайтишга нима мажбур қилганлигини ҳо-



зирча билмасак ҳам, аминманки, дўстим биздан юз ўтирмайди, – деди.

Жамолиддин гап бунчалик қалтис бурилганидан қизариб кетди. Назарида, ўзидан шубҳа қилишаётгандай бўлди. Жуда ёмон ўнғайсизланди. Бир нима дейишдан ожиз қолди. Қудрат буни сездими, кулимсираб гап бошлади:

– Жамолиддин сизнинг дўстингиз бўлса, демак, бизнинг ҳам дўстимиз экан. Шундайми, Жамолиддин?

Жамолиддин елкасидан босиб турган ўнғайсизлик тоши қулади. У очилиб:

– Албатта, албатта, Қудрат ака! – деди.

Замон Оқчуриинни таклиф қилмаганига боятдан бери пушаймон бўлиб ўтирган эди. Шуни Қудратга айтди. У бир оз ўйланиб турганидан кейин:

– Ким экан у? – деб сўради.

Фуломжон танир эди.

– Тешабой заводида инженер. Сиз унинг отасини билсангиз керак, Қудрат ака. Шаҳарда нўғой домла деб ном чиқарган машҳур муаллим. Янги усул мактабдори. Абдулҳамид Оқчуриин-да, биласиз.

– Ҳа-ҳа, эсимга тушди. Бу ердаги йигит шунинг ўғлими?

– Ҳа. Отаси қозонлигу, ўғли шу ерда туғилган. Бу жуда катта мутахассис. Пахта тозалайдиган завод қуради.

Қудрат ўйланиб кетди. Кейин бошини аста кўтариб:

– Тешабойда ишласа, уни кўпам орага тортавермаган маъқул, – деди у, – Биз уларга отнинг қашқасидай маълум одамлармиз. Бизнинг суҳбатимизда бўлса, у ҳам гумонда қолади. Яхши йигит деяпсиз, эҳтиёт қилиш керак. Ҳозир тўрт девор ўртасида, кичкина хужрада ўтирганимиз билан бизни ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким гапимизни эшитмайди,



деб айтолмаймиз-ку. Керак бўлса, гаплашадиган жойни топамиз. Мен ҳам икки-уч кундан кейин заводда ишлайман.

– А? – Фуломжон бирдан ҳаяжонланиб сўради.

– Ҳа, – деди кулиб Қудрат, – нимага ажабланасиз?

Фуломжон ҳаяжони таажжуб ўрнида қабул қилинганидан ўнғайсизланиб, хиёл қизарди.

– Йўқ, мен...

Қудрат сўзни бўлди.

– Сиз депода ишласангиз майли-ю, мен заводда ишласам ажабми? – деди у, ҳазил-мутойиба кулиб, – йўқ, дўстим.

– Мен шу ашаддий душманимиз қўлида ишлаганга рози бўлганингиз учун ҳаяжонландим.

Қудрат қикирлаб кулди.

– Аввало, қишлоғимизда завод бўлаверсин, Фуломжон. Бунинг зараридан фойдаси кўп. Авваламбор, ўзини қаёққа уришни билмай саргардон бўлиб юрган бечора камбағаллар ишлаганга, очликдан қирилиб кетгандан кўра, бир кунини ўтказиб туришади-ку. Иннайкейин, ишчилар кўпайса иш бошқача бўлади. Ўзингиз биласиз Фуломжон, ишчи онги қишлоқда эзилиб ётган камбағал деҳқон онгидан тезроқ ўсади.

– Буниси тўғри, Қудрат ака, мен бунга шубҳа қилмайман.

– Баракалла. Энди «ашаддий душманга хизмат қилиш тўғрисига келайлик. Тешабой ашаддий душману, сиз хизматини қилаётган депо хўжайини дўстми? Халқ дўстими? Иккаласи ҳам бир қаро гўр. Лекин қўлларида ишласак ҳам, уларнинг гўрковлари – сиз билан бизмиз! Шундайми, Фуломжон?

– Шундай, Қудрат ака.



Жамолиддин Қудратга ер остидан қараб: «Чиндан ҳам ажойиб одам!» деб ўйлаиб ўтирарди. Замон эса кўзларини Қудрат оғзидан узоламасди.

Қудрат бирдан қиқирлаб кулиб юборди.

– Бутун эрталаб қизиқ иш бўлди. Замон ишига кетгандан кейин Соли совуқ кирди, оғзидан бол томиб сўрашди. «Эсон-омон келдингизми? Йўлингизга қарайвериб кўзимиз тўрт бўлди. Хайрият, соғ экансиз!» дейди. «Хўш, энди нима қилмоқчисиз?» девди, ичимда шайтон қаҳқаҳа уриб юборди. «Аввал поччангизни, кейин бойингизни сўяман» дедим. Эсонаси чиқиб кетди. Қарасам, хайр-маъзурни насия қилиб қочворадиган. «Йўқ, ўтиринг, ҳазиллашдим, дедим. Бойингиздан хурсандман. Қишлоққа завод қурдирыпти экан. Бу ҳазлакам халқпарварлик эмас», дедим. Косасидан чиқиб кетган совуқ кўзи ана шундан кейингина жойига тушди. Совуқ ҳиринглаб: «Шаҳарга кетасизми ё шу ерда қоласизми?» деди. Мен: «Қишлоғим туриб, шаҳарда нима қиламан», дедим. «Яна тақачилик қиласизми?» деб сўради. «Йўқ, бирон иш топилиб қолар», девдим, ирғишлаб кетаёзди. «Бўлмасам Тешабойга айтай, заводга олсин», деди. Маккорлигини сезиб турганимни ўзи билмайди. Аслида, қўйнимга қўл солгани киргану, тагин менга ҳомийлик қилади. Мен ҳам кулиб: «Хўп, бир яхшилик қилинг. Каттароқ ойлик олиб беринг» дедим. У менга катта ойлик ваъда қилиб чиқиб кетди. Шунақа, оғайнилар...

Қудрат гапини, тугатолмади. Ташқаридан Ёдорнинг қувониб қичқиргани эшитилди:

*Турна келди – ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди.
Ға-ғалашиб учганин
Кўрганим кўп соз бўлди!*



Қудрат ўрнидан туриб кетди.

– Турналарни кўрмаганимга анча бўлди. Бир томоша қилай, – деди-ю, ташқарига қараб юрди.

Орқасидан бошқалар ҳам чиқди. Осмонда, сундай ой ёруғида турналар га-ғалашиб учиб борарди. Оқ қанотлари равшан кўринмаса ҳам, камалак тортиб кетишаётгани катталар қалбида болалик чоғларининг шодлигини уйғотди.

Фуломжон турналарга ўхшатиб га-ғалаётган Ёдгорни аста елкасидан ушлаб, унга тақлид қилди:

*Турна келди – соз бўлди,
Кўнгиллар парвоз бўлди.
Суюнгандан Ёдгор ҳам
Га-га қилиб гоз бўлди!*

– Ия, мен бунақасини билмайману, – деди Ёдгор кичкина елкасини қисиб.

Фуломжон Ёдгорникига ўхшатиб кулди.

– Менинг турналаримни-я? Мана менинг турналарим! – деди-да, бир қўли билан Қудратни, иккинчи қўли билан ёнидаги дўстларини кучоқлади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ҚОРА ОТЛИҚ

Биринчи боб **Тўй таралдуи**

Ёз оғзидан бол томизиб, дунёни шарбатга тўлдирди. Кечагина чумак ура бошлаган чиллаки узумлар дастурхондан ариб, ўрнини қаҳрабо ҳусайниларга бўшатиб берди. Луччак шафтолилар ёқимли бўйлари, нодир таъмлари билан ўз мадҳини ўқитиб ўтди. Лекин Тўтиқизнинг кеч кузда пишадиган шафтолиси ҳануз пайт пойлаб ётибди. У ҳали ҳам қавак бўлгани йўқ.

Тўтиқиз эрталаб қўлга олган дўпписининг гулини тикиб бўлиб, мана боғчасида, севгили шафтолиси тагида юрибди. «Минг қараганинг, минг интизор бўлганинг билан вақти келмагунча пишмас экан. Тавба, ҳали ҳам сув кирмабди», деди у кўнгилида. Кейин кунгай томони жуда нозик, заиф қизил югурган нашватиларни тамоша қилди. У ердан ўтиб, беҳиларни кўрди. О, ҳали қалин тукка ўралиб, кўм-кўк бўлиб ётибди! Ҳиди ҳам йўқдир балки.

Тўтиқиз сўнгги вақтларда тинчини тамом йўқотиб қўйди. Уйга кирса – уйда, ҳовлига чиқса – ҳовлида бетоқат бўлади. Назарида, кунлар олдинга эмас, орқага кетаётгандек, босган изи манзилга яқинлаштирамай узоқлаштираётгандек туюлади. У илгарилари ҳеч қачон бу қадар бетоқатлик сезмасди. Ҳамманинг оғзида, ҳаракатида тўй. Наҳотки тўй қиз бола учун шу қадар ларзали бўлса! Юраги



гоҳ ивишиб ширин ғивирлайди, гоҳ ваҳимага тушиб хунук висирлайди. Қайси бирига қулоқ солсин? Нега энди ваҳм? Уйда тўй тараддуди, юракда ғув-ғуви. Отаси келяпти. Хўш, яна нечук бетоқатлик? Балки Тўтиқиз ошиқаётгандир? Балки юрагидаги ваҳм эмасу, ваҳм бўлиб кўринган шодлик ҳаяжонидир?

Тўтиқиз айланиб келиб олма тагида тўхтади. Унинг меваси баҳорда пишиб, ёзнинг дастлабки кунларидаёқ, тугаб кетган. Шундай бўлса ҳам Тўтиқиз ҳар кун бир ё бир неча бор шу дарахт тагига келади-да, ҳо бир маҳаллар Дилшод билан қувишганини, кейин билмай қолиб унинг кучоғига кириб кетганини, Дилшод нафаси ёноғига урилиб, бетлари бирдан ўт олганини эслайди. Эслади-ю, юзлари яна худди ўша маҳалдагидек лола бўлиб қизаради. Бу қизиллик юрагига ғалати ҳарорат беради.

Тўтиқиз қулоғига Дилшод овози эшитилгандай бўлиб, юраги бир жиғиллади. Энди боғ шинами хаёлидан сидирилди. У шахдам одимлар билан ичкарига юрди. Юраги талпинарди. Ҳовли дарчасидан ўтди-ю, юраги шув этиб кетди. Дилшод онаси билан гаплашиб турган эди. Қиз бечора қаёққа боришини билмай дарча ёнида туриб қолди. Бир маҳал бувисининг ҳам кулгиси эшитилди. Улар Дилшодлар айвонида кўрпа қавишиб ўтиришарди. У ёққа боришга Тўтиқизнинг юраги бетламади. Борди-ю, гап тўйдан кетаётган бўлса-чи? Тўтиқиз секин ўзларининг айвонига қараб бурилди. Дилшод онаси-ю холаси билан гаплашиб турган бўлса ҳам, лекин жовдир кўзлари севгисини қидириш билан банд эди. Ўзларининг айвони олдида, сахнда турарди. Тўтиқиз кўрди. Орқаси билан битта сумбул кокилларини, бошида баҳор чамани сингари ранг-баранг гулли тагдўзи дўпписини кўрди. Бу



кокиллар уни боғлаб тортгандай, чамандагул дўппи уни ўз бўйи билан маст қилгандай бўлди.

– Дилшодбек, айланай болам, битта мардикор олиб кела қолмайсизми? Пойдеворни бир ўзингиз қазилмайсиз, қийналасиз, – деди онаси.

Гап Дилшод билан Тўтиқизга солинадиган янги уй пойдевори устида эди. Дилшод кўзларини севгиси томондан оғир ўгириб онасига қаради. Юзида сезилар-сезилмас паришонлик бор эди. Онасига бир оз хаёлчан қараб тургандан кейин хиёл жилмайди. Энди у ўзига келган эди.

– Тўртта девор тагини ярим газ қазилга қийналасам, йигит эмас, гўдак эканман-да, буви! Э, кўйинг, одамни бунақа уялтирманг.

Дилшод иш кийимини кийгани кетгандан кейин опа-сингил ўртадаги шопалоқ гулли сатин кўрпани яна қавушга тушди. Ҳамидахон сингисини ора-сира гапга солса ҳам, Жамила оғир ўйга толган кишидай индамас эди. Таажжуб, эридан хат келиб, тўй тараддуди бошлагандан бери Жамила ғалати бўлиб қолди. Юрагида шодлик борлигини ҳам, ваҳм борлигини ҳам билиш қийин эди.

Бироқ бир нарса сўрамаса, ўзи ёрилиб гапирмайди. Илгарилари унча сезилмаган бу ҳолат Ҳамидахонни ташвишга сола бошлади. Синамоқчи бўлгандай, сингисини жўрттага гапга солади. Жамила эса ҳуши ўзида йўқ кишидай овсар кўзлар билан опасига қарайди-да, калласини сал қимирлатиб қўяди ё «нима дедингиз» дегандай анграйиб қолади. Дилшод ҳозир кўчадан топиб келган қизиқ гап Жамилани ҳам кулдирганидан опаси хурсанд бўлиб:

– Бирам чиройли кулдингизки, Жамилахон, – деди кўзойнаги устидан сингисига тикилиб.

Жамила опасига савол назари билан қаради. Уни гапга солиш учун опаси сўзини яна такрорлади:



– Диалшодбекнинг гапига бирам кулдингизки...

Жамила опасига қарамасдан сўради:

– Қачон?

– Ҳозир.

– Кулдимми?

Ҳамидахон кўрқиб кетди. Наҳотки ҳозиргина кулганини билмаса? Тавба, нима бўлди бунга? Нимага бундай қилади? Ё... йўғ-э, Худо сақласин! Чарчаган, жуда қатиқ чарчаган, тонг ёришгандан ишга ўтиради, бошини кўтармайди. Хайриятки, фонарь ёғи қиммат, бўлмаса кечалари ҳам чирок ёқиб ишларди. Кўй десанг унамаса.

– Жамилахон, – деди опаси, ўртадаги кўрпани ўзига тортиб, – сиз пича дам олинг, айланай, чарчадингиз. Озгина қолди, мен ўзим қавиб қўяман. Шундай қилайлик, жонимни қоқай.

Жамила ҳушига келган кишидай теварагига аланг-жалаң қаради. Лекин ҳеч нима демади. Опаси кўрпани юмалоқлаб бир четга сурди.

– Бас, чарчадик, дам оламиз, – деди у, ҳамон ички бир ваҳм билан сингисига ачиниб.

Жамила чой қўйгани кетди. Юришида ҳам аллақандай ғайри табиийлик бордек кўринарди. Чиндан ҳам, кейинги вақтлар Жамила ҳадеб ўй сулар, ўтирган ерида инднмай ўтираверарди.

Буни Диалшод ҳам сезган эди. У ҳозир иш кийими билан келиб онаси ёнига ўтирди-да:

– Боя холам кулганига кўнглим анча равшан бўлди, – деди.

Ҳамидахон боласига ялт этиб қаради. Жамила аҳволини ўғли ҳам сезганлиги ваҳмини яна орттирди. У боласидан кўра ўзини босиш, ўзига тасалли бериш учун:

– Нима, ҳеч кулмаганмиди, кулади-да. Мен ҳам кулдим-ку, – деди.



– Йўқ, сиз ҳамма вақт куласиз, ҳамма билан бамайхотир гапласиз. Холам ғалати бўлиб қолди. Ё бирон нарсадан хафаю, бизга ёрилишдан истиҳола қилиб юрибдимикан, а, буви?

Ҳамидахон масаланинг бу томонини ўйламаган эканми, хаёлга тушиб қолди.

– Бир сўранг, буви. Менинг ҳам бошим қотиб қолди. Бир ёқдан хурсандман, бир ёқдан холамининг аҳволини кўриб хафаман. ё тўйимизга раъйи йўқмикан?

Ҳамидахоннинг кўзлари ола-була бўлиб кетди.

– Ҳай-ҳай, ундоғ деманг, айланай! Холангнинг раъйи бўлмайдими? Йўқ, йўқ, жон болам! Қизини бизга бермай кимга беради, айланай? Бу муштипарнинг бирдан-бир орзуси шу-ку.

– Бўлмаса, нимага бунақа? Илгариги очилиб-сочилиб юришлари, кулишлари йўқ. Гапирсангиз, хушига келса жавоб беради, бўлмаса йўқ.

– Чарчаган, болам, чарчаган. Уззукун тиккани кашта, тиккани дўппи. Майда иш. Ўзинг биласан, одам хуноб бўлиб кетади. Энди уч-тўрт кун ишламасин, сен ҳам айт. Дадангга ҳам айттираамиз.

Дилшод пойдеворни қазигани кетди. Ҳамидахон кўнгли бежо бўлиб сингласиникига ўтди. Жамила ўчоққа човгун кўйиб, энди қизи ёнига келиб турган эди, Тўтиқиз холасини кўрди-ю, тикиб ўтирган дўпписини кўлидан кўймай, дарров ўрнидан турди.

– Келинг, хола, тўшакка ўтиринг, – деди у, айвонда солиғлиқ кўрпачага ишора қилиб.

Ҳамидахон ўтирмади. Сингласи ёнига келиб тўхтади. Жамила, худди ўз уйига кириб тузалиб қолгандай, ҳушёр эди. Опаси кўриб қувонди. У, Жамиланинг ҳушёр тортганлигини бояги маслаҳатининг оқибати деб ўйлаб, гапни яна шундан бошлади.



– Тўтихон, айланай, қизим, дўпиларни уч-тўрт кун ўзингиз тикинг, ёшсиз, кучингиз бор, кўзингиз ўткир. Бувингиз бир оз дам олсин, бечора жуда қийналиб кетди.

Тўтининг кўзлари севинчдан чақнади.

– Шундай қилайлик, жон хола. Сиз ҳам бувимга айтинг, дам олсин. Мен айтсам, ҳеч қулоқ солмайди. Қараб, раҳмим келади. Эзилиб кетди.

Тўтиқиз бошини онасининг бағрига босди.

Жамила худди эски вақтлардагидек шўх эътироз қилди:

– Ҳаҳ, шунча йил чарчамаган, энди чарчармидим. Қизиқсизлар. Яна иккита кўрпа қилмасам ўлар. Шу тўртта кўрпа билан қиз чиқараманми? Йўқ, опа, қўйинг, уят бўлади. Ҳали палак ҳам тикишим керак. Тўтихон дўппи билан, сиз кўрпалар билан бўлинг, мен палакка ўтирай.

Жамиланинг ёқимли жиламайиши ҳам, ширин сўзи ҳам Ҳамидахонни эритолмади. У сўзида қаттиқ турди.

– Палак тикиб нима қиласиз? Сизга ҳам, менга ҳам бувим раҳматли берган палак тахи бузиламай ётибди. Битта эмас, иккита-я! Яна зардевор бор. Бўлди-да шунчаси! Қўйинг, мени хафа қилгингиз келмаса, ўзингизни ўтга урманг, жон синглим!

Тўтиқиз айвонга чой дамлаб келди. Ҳамидахоннинг қорни очган эканми ё жиянини эркалагиси келганми:

– Айланақолай чаққон қизимдан, бирам ширин чой дамлайдики! – деди. Кейин Тўтиқизни бағрига босиб, пешонасидан ўпди, – Дилшод акангизни чақиринг, у ҳам чой ичиб олсин.

Тўтиқиз Дилшод номини эшитиб ерга қаради. Юзига нафис қизил югурди. Ҳамидахон чақчақ уриб кулди.



– Ана холос! Хайр, майли, ўзим чақира қолай.
Дилшодбек, келинг, айланай, чой ичиб олинг.

Дилшод битта қовун кўтариб келди:

– Аммо роса печак экан-да, ҳидини қаранг,
оламни тутади-я!

Ҳақиқатан ҳам, қовун дастурхонга келар-кел-
мас ҳамма ёқни ҳиди тутиб кетди. Тўтиқиз дарров
уйдан тарелка, товоқ билан пичоқ олиб чиқди.

Девор тагидаги мирзатеракларда эртаю кеч
чирқ-чириғи аримаган чумчуқлар гапни гапга
қовуштирмас эди. Ҳали оқшом бўлмай шундай
чирқиллашадик, улар дастидан айвонда ўтириб
бўлмайди.

– Шу чумчуқлар ҳам юрагимни қон қилиб юбо-
ришди! – деди Ҳамидахон, қулоғи қоматга келиб.

Жамилахон қовундан бир карч олди-ю, оғзига
келтиришга улгурмай, бирдан чирқираб юборди.

– О-о-о!..

Жамиланинг қўлидан қовун тушди, кўзлари
олайди, ўрнидан сапчиб туриб кетди.

Опаси югуриб келиб Жамилани ушлади.

– Нима бўлди? Нима, нима? Айтсангиз-чи, ним
бўлди?

– Илон!

Ҳамидахон қўрқиб кетди.

– Вой ўлмасам, қани?

Ҳамма ўрнидан турди.

– Қани? Қани?

Жамила оғзидан кўпик чиқариб додларди.

– Теракда! Теракда!

Теракда бир қора илон чумчуқ уясига боши-
ни суқиб турар, атрофида чумчуқлар дод-фарёд
кўтариб чирқиллашар эди. Дилшод дарахтга қа-
раб югурди. Аёллар ҳам уввос билан дарахт тагига
келишди.



– Боласини, боласини еб қўйди! – деб Жамила чинқирар, кўзлари телба кўзлар сингари косасидан чиқиб борарди. Ҳамидахон бир ёқдан, Тўтиқиз иккинчи ёқдан уни ушлаб орқага торта бошлашди.

– Ҳай-ҳай, оғир бўлинг, айланай, оғир бўлинг.

– Жон буви, додламанг, додламанг, ҳеч нарса бўлмайди.

Жамила улар қўлидан чиқиб Дилшодга ёпишди.

– Чикманг, сизни еб қўяди! Чикманг, сизни еб қўяди!

– Хўп-хўп, холажон, чиқмайман. Чиқмайман, ўзингизни босинг. Жон хола, ўзингизни босинг.

Илон баландда эди. Ҳар қандай узун хода ҳам етмасди. Нима қилишларини билмай югуриб қолишди. Бир зумда ҳамма ёқни болалар босди. Ҳаммаси чувиллар, чумчуқ боласига ачиниб илонга тош отар эди.

– Болалар, сизлар тош териб келинглар, мен отаман, – деди-да Дилшод, кетма-кет мўлжалаб илонга бир неча тош отди. Лекин биронтаси тегмас ё тегса ҳам илон парво қилмасди. Болалардан биттаси резинка камалак кўтариб келди.

– Мана бу билан отинг, Дилшод ака. Мана камалак.

Дилшод бола бўлиб резинка камалак отмаган эди. Қўлига олди-ю, таваккал қилиб, бир-икки отди. Тегмади.

– Нима қиламиз энди? – деди Дилшод, бир аёлларга, бир болаларга қараб.

– Отинг, отаверинг, Дилшод ака! Ахир биттаси тегар.

Тўтиқиз кўзларидаги илтижо Дилшодни ғайратга киргизди. Энди мўлжални яна ҳам аниқроқ олиб ота бошлади. Бешинчи тош илоннинг қоқ белига тегди. У тўлғаниб думини кўтарди. Кейин, бели кесилгандек, икки букланиб қулади. Лекин



ерга тушмади. Пастдаги шохлардан бирига илашиб қолди. Энди-энди теша қанот бўла бошлаган чумчуқча илон оғзида беҳуш ётарди. Болалар яна чуғурлай бошлашди.

Жамила тўзгин сочларини чангаллаб қичқирди:

– Боласи! Боласи! Бечора боласи!

У дағ-дағ титрар, ранги ўчиб, туси бузилиб борарди. Ҳамидахон унинг бошини бағрига босиб, кўзини тўсди. Бу орада болалардан биттаси узун хода топиб келди. Илон ўзини ростлаб, энди дарахт ўзагига ёпишди. Чумчуқ ҳамон оғзида эди. У олдин бир юқорига толпинди, кейин пастга қараб ўрмалай бошлади. Болалар қўрқиб, тумтарақай қошишди. Аёллар ҳам айвонга чиқиб олишди. Жамиладаги бояги телбалик босилган бўлса ҳам, у ҳамон дағ-дағ титрар, ўзича алланималар деб қақшарди. Майдонда фақат Дилшод қолди. У қўлида хода билан пайт пойлаб турди. Илон ерга тушар-тушмас, хода учи билан уни белидан маҳкам босди. Илон жон ҳалпида шундай қаттиқ тўлғандики, оғзидан чумчуқ чиқиб кетди. Дилшод илонни хода тагидан чиқармади. Маҳкам босиб тураверди.

– Болалар, бошига гувала билан уринглар! Уринглар тезроқ! – деб қичқирди Дилшод.

Уч-тўрт бола янги қуйилган қаттиқ гуваладан кўтариб келиб илон бошига кетма-кет гупиллатиб урди. Илон думи тўлғонишдан тўхтаб, ерга чўзилди. Дилшод ходани кўтарди.

Иккинчи боб

Мана, тўтиқуш қандай бўлар экан

Шўх, жилавадор баҳор ёзни қўлидан тортқичлаб келди. Ёз нозу неъмат дастурхонини ёзиб юборди. Унинг оғзидан томган бол билан одамлар танаси яйрар эди. Танаси яйрабгина қолмай, орзу-ҳава-



си шу ёзда ушаларди. Дилшодлар ҳам ҳовлидаги мирзатеракларни кесишиб, бир айвону мўъжазгина хонадан иборат уйча қуришди. Тўйга ҳамма нарса тахт бўлди. Агар Ашурмирзо бутун келса, бугун тўй қилиб юбориш мумкин эди. Аммо унинг йўлга чиққани тўғрисида пойма-пой хабарлар келиб турса ҳам, негадир, ўзи келмасди. Буни ҳар ким ҳар хил изоҳ қиларди. Бир хиллар «Болқон уруши йўлни тўсиб қўйди» деса, бир хиллар «Одессанинг ишғол қилиниши халақит берди», дейди. Ҳар иккала тахминда ҳам, шубҳасиз, жон бор эди. Россия мусулмонлари ҳажга қатнайдиган бирдан бир яқим йўл, ҳақиқатан ҳам, Одесса эди. Ҳажга кетувчилар шу ерда пароходга ўтиришар, қайтувчилар ҳам шу ерда пароходдан тушишарди. Ҳар хил савдо пароходлари ҳануз қатнаб туради. Лекин булар савдо молларидан кўра ҳарбий анжомлар, аскарлар ташишдан бўшамаганди. Бир амаллаб Одессага келиб олган ҳожилар эса Туркистонга ўтиш йўлини тополмай саргардон бўлиб юришадди. Ашурмирзо ҳам худди шундай бўлди. Одессада пароходдан тушди-ю, марказий Россия билан темир йўл алоқаси узилгани учун, ўша ерда ўралашиб қолди. Бир ойча сарсон бўлгандан кейин яна пароходга тушиб Сочига ўтди. У ердан Грузия орқали Бокуга зўрға етиб келди. Бутун бору бурди совуриди. Тишининг қавагида яшириб келаётган нарсаларидан ҳам айриди. Бокудан пароходга тушиб Красноводскка ўтишни, кейин поездда бир ҳафтача юриб шаҳрига етиб келиши керак эди.

Ашурмирзонинг ўзи ҳам шошар, тезроқ йўлга чиқиш учун бошини тўғри келган тошга урарди.

Ашурмирзо бирон ҳамшаҳар учраб қолармикан деб, эртадан кечгача кўчаларда, бозорларда сарғайиб юрди. Истанбулдай олис шаҳарда ватандошлар учрайди-ю, бу яқин шаҳарда учрамагани-



га ҳайрон бўлади. Шу тахлит яна бир ой саргардончилик билан ўтди. У қизи учун неча йиллардан бери кўз қорачигидай сақлаб келган тўтисини сотиши, шу пул билан анча ерга етиб олиши мумкин эди. Аммо юрагида нима умид, нима тилак бор эди – уни сотмас, сотиш ҳаёлини ҳам қилмасди. Пиёда жўнашнинг яна иложи йўқ – ўртада Хазар денгизи. Кейин Хоразм саҳроси, Бухоро амирлиги, ниҳоят, Туркистон. Бу ёқда чегаралар очиқ, лекин яёв боса оладиган озмунча йўлми бу!

Ашурмирзо ашқол-дашқолини бир қўлига, кичкина қафасдаги тўтисини иккинчи қўлига олиб лимонга¹ келди. Аввал пароход эгаси билан гаплашмоқчи, агар у ён босмаса, тўтисини гаровга қўйиб бўлса ҳам денгиздан ўтиб олмақчи эди. Пароход эгасини лимондаги конторасидан топди. Ашурмирзо кабинетга кирди-ю, у ерда хўжайин билан бузуқ турк тилида гаплашиб ўтирган қора кўзойнакли бир кишини кўриб юраги ғалати бўлди. У киши танишга ўхшади. Лекин Ашурмирзо уни қаерда, қачон кўрганлигини эслаёлмади, тўғриси, эслашга фурсати бўлмади. Хўжайин у томонга ўтирилиб:

– Буюринг! – деди.

Ашурмирзо, қайси тилда жавоб қилишни билмаётгандек, бир оз чайналиб турди. Кейин туркча жавоб қилди.

– Бендениз эве гетмек истейўрди, онжоқ, билирмисиниз, эфендим, поре ўғрунден...

– Лоп пора йўқ, эйлами? – деди хўжайин, сўзини бўлиб.

Ашурмирзояинг гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб турган хижил юзи бирдан ёришди. У суюнганидан жиламайиб:

– Эвет, эфандим! – деди, шоша-пиша.

¹ Пароходлар тўхтайдиган жой, сув бўйи бекати.



– Эвин ҳорада?

Ашурмирзо уйи қаердалигини айтди. Хўжайин ёнида аллақандай ҳужжат қогозларни кўздан кечириб ўтирган бояги қора кўзойнакли киши ялт этиб Ашурмирзога қаради.

– Ие, ҳамшаҳар эканмиз-ку, – деди у, ўтирган еридан кўзгалмай. Кейин бир неча зум тикилиб турди. – Бир қараиғ, кўзимга иссиқ кўриняпсиз, яна таниш чиқиб қолмайлик? Исми шарифингиз...

– Ашурмирзо, тақсир, Ашурмирзо...

– Ашурмирзо! Дўстим! Бормисиз? – У чақчақ уриб Ашурмирзони қучоқлай кетди. – Мени танидингизми?

Ашурмирзо суюнчидан ўзини босолмай куларди.

– Йўқ, тақсир, лекин кўзимга жуда иссиқ қуринасиз. Овозингиз ҳам танишдай...

Кўзойнакли киши номини айтиб, Ашурмирзони яна қучоқлади. Иккаласи чиндан ҳам дўст, ҳатто маслакдош эди, Ашурмирзо катта бой кабинетида эканини унутиб дўстини қучоқлар, нуқул:

– О, Фосиҳ афанди! Фосиҳ афанди! Бор экансиз-а! – деяр, кулар, уни қучовидан чиқармай бағрига босиб турар эди.

Улар кабинетдан чиқиб пароход томонга юришди. Ашурмирзо суюнганидан жағи жағига тегмай сайраб борди.

– Қаранг, дўстим, сизни менга Худо етказди! Хайрият, хайрият!.. Валиюлнеъматимиз Тешабой-вачча қалай? Саломат юрибдиларми?..

Улар лимон ёнидаги мусулмон ошхонасига киришгандан кейин ҳам мавзу ўзгармади. Фосиҳ афанди дўстининг саргардонлик сўлдирган заъфарон юзига раҳми келаётгандай тикилди:

– Хўш, дўстим, ўзингиз қалайсиз?

Ашурмирзо бундай севинчни умрида энди кўраётган кишидай шошиб қолган эди.



– Отдайман, дўстим! Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, отдайман! Э, Худога шукур, сизни топиб олдим. Энди ошиғим олчи! Хўш, ўларидан сўрасақ? Бокуда нима қилиб юрибдилар? Нима хизмат билан келдилар? Қаранг-а, хўп сизни топиб олдим-да!

Фосиҳ афанди улфатини бемалол сайраб олсин деб қўйиб бердими ё ўзи тузўк билмаган турк тилида муносиб сўзлар қидириш билан банд бўлдими, ҳайтовур, анчагача жим турди. Кейин турк лисони билан нархини, оширишга қарор ҳилди.

– Бан бура Тешабей афандимнинг тижорат вакили ўлароқ галмишам, – деди.

Ашурмирзо мийиғида кулиб қўйди. Фосиҳ афанди анатоли туркисида гапирдим деб ҳаволанган бўлса ҳам, аслида ўзбекча аралаштириб озарча сўзлаган эди. Шунинг учун:

– Тилингиз озарига кетиб қолганидан маълумки, сиз бу ерга савдо ишлари билан тез-тез келиб турасиз. Яхши, яхши, жуда яхши, – деди Ашурмирзо. Кейин гапни яна бурди. – Хўш, Тешабойваччанинг аҳволи қалай?! Синиб-нетиб қолгани йўқми?

Фосиҳ афанди у ҳозир Тешабойвачча эмас, Тешабой бўлиб қолганини, давлати отасиникидан ўн чандон ортиб кетганини айтди. Ашурмирзо боя дўстини топиб қанча қувонган бўлса, Тешабойваччанинг давлати ортганини эшитиб яна ҳам қувонди. Буни Фосиҳ афанди ҳам сизди, лекин бетига солмади. Фақат: «Чучварани хом санайсан! Ҳали Тешабойга рўпара бўл, жонингни суғуриб олганда биласан қанақа бойлигини!» деб ўйлади.

Ашурмирзо дўсти нима тўғрисида ўйланиб кетганини сездими, гапни худди шундан очди.

– Мени қачон келаркин деб Тешабойвачча тишини қайраб ўтиргандир? Ҳа, нима қилса ҳаққи, уятлимиз.

Фосих афанди унинг ўтига ўт қаламади, сув ҳам сепмади.

– Ҳа, бораверинг-чи, бир гап бўлар, – деб кўя қолди.

Фосих афандининг парво қилманг дегандай қилиб айтган бу гапи Ашурмирзога қанот берди. Оғзидаги овқатни чала-чулпа ютиб:

– Ҳа-да, бораверайлик-чи, етса – мол, етмаса – жон, деган гап бор ахир, – деди.

«Етмаса жон» ибораси Фосих афанди ичидаги шайтон қуйимичини чўқилади. У бирдан иблис қиёфасига кирди. Лекин ўзини босди. Энди ялмоғиз макри билан гап бошлади.

– Афандим, қанча юрдилар Истанбулда?

– Ўн йилча.

– Қаранг, ўн йил! Бу орада кичкина қизчалар бўйларига етди, болалар йигит бўлди. – У ёқасини ушлади. – Тавба! Тавба! Дарвоқе, жанобларининг ожизалари ҳам ўн еттига кирди деб эшитдик? Наҳотки?

Ашурмирзо анойилардан эмасди. Унинг саволидаги маънони яхши тушунди. Шунинг учун муносиб жавоб қидиришга қийналмади.

– Ҳа, ноппа-нозик келинчак бўладиган бўлиб қолди.

Фосих афанди мақсад томон яна бир одим ташлади.

– Хатингизда тўй бошида бўлиш орзусини қилибсиз деб эшитдим. Ростми? Рост бўлса, кўп яхши қилибсиз.

Ашурмирзо гап даврасига тушунмади. Шунинг учун:

– Ҳа, рост, – деди-да, Фосих афандининг оғзини пойлади.

Фосих афанди узоқ пойлатмади. Юзидаги ялмоғиз ниқобини олиб ташлаб, муддаога ўтди.



– Мен бир нарасага ҳайронман, дўстим Ашурмирзо. Ўрис мактабида ўқиб, ўристабиат бўлиб қолган бир бетайинга мусулмон қизини бериш – асло ақлимга сифмайди. Ё ожизангизнинг бирон айби бору, сиз уни чирмаб бериб юбормоқчимисиз?

Ашурмирзонинг кўзлари ола-була бўлиб кетди. Оғзидаги лўкма томоғида қолди.

– Худо асрасин! Зинҳор бундай тахминларга ўрин берманг, дўстим! – деди у, ютиниб. – Ўртада бир андиша бор, у ҳам бўлса – ёшликларида этак-йиртиш қилиб қўйганимиз холос.

Фосиҳ афанди ҳи-ҳилаб кулди.

– Этакйиртиш! Қани энди уйдаги гап кўчага тўғри келса, дўстим. Унда олам гулистон бўларди!

Фосиҳ афанди заҳарли қилиб кулди. Ашурмирзо тили қисик кишидай ерга қараб ўтирар эди. Бошини анчадан кейин кўтарди.

– Хайр, бораверайлик-чи, бир гап бўлар, – деди у, бўшашиб.

Фосиҳ афанди хурсанд бўлиб кетди.

– Ҳа, баракалла, бу бошқа гап! Ақлли одамнинг гапи бу. Ўзингиз биласиз, етти ўлчаб, бир кес, деганлар, Назаримда, бежиз айтилмаган бўлса керак, лаббай?

– Ҳа-да.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Хўп, бу масаланинг бир томони, иккинчи, муҳим томони шуки, сиз уйга қайтганингизда қизингизни эрга бергани эмас, Тешабой билан муносабатингизни яхшилагани шошилсангиз маъқул бўлар. Ҳар ҳолда, Тешабой – даъвогар, сиз – жавобгар. У ҳали нима дейди, нима қўяди – шунга қараб оёқ босмасликнинг иложи бўлмас, афандим. Яна ўзингиз биласиз. Мен бир маслаҳатимни айтдим-қўйдим.

Бу гаплар Ашурмирзо учун кутилмаган янгилик эмасди. Шунинг учун ваҳимага тушмади. Сувдан



тоймаган ялангоёқ сингари, Фосих афандига безрайиб қараб ўтираверди. Фосих афанди муддаосини имо-ишора билан тушунтирган бўлса ҳам, очиқ айтишга шошилмади. У ҳали йўл олислигини, ҳар қанча гап бўлса махфий қолмаслигини ўйлаб:

– Қолқин, афандим, гедарик, – деди.

.....

Ашурмирзонинг уйига кириб келиши бу оилада чинакам байрамга айланди. Тўтиқиз: «Айланай дада, жон дада, ўзимнинг дадам! Дадажоним!» деб бир ёқдан осилса, «Сизни ҳам кўрар кун бор экан-а! Худога шукур!» деб Жамила потирлаб югурди. У ёқдан Ҳамидаҳон, Дилшод, уста Баҳром чопиб чиқишди. Эркаклар кучоқлашиб кетди. Тўтиқиз қафасдаги тўтиқушга қараб югурди. Отаси уни дарвозахона муюлишида қолдириб кирган эди. Тўтиқиз қафасни ердан олиб, қушга тикилиб қолди. Суюнчи ичига сиғмасди.

– Вой, тўти шунақа бўладими, дада? Ранглари мунча ҳар хил: қизил, яшил, сариқ, оқ. Вой ўлмасам! Шунақа чиройли қуш эканми тўти? Дада, менга олиб келдингизми?

– Ҳа, қизим, сенга олиб келдим. Қизчалигингда қанақа бўлади, деб сўрардингу, мана, шунақа бўлади.

– Гапирадими?

– Гапиреди. Сув бер, чанқади.

Тўтиқиз сувдонни ариқда ювиб, сув келтириб қўйди. Опа-сингил бирзумда айвонга жой қилди. Ашурмирзо ариқчада юз-қўлини ювиб, ҳовли саҳнига кўз югуртирди. Майда дарахтлар ўсган, ариқ бўйидаги мирзатераклар кесилган, Ҳамидаҳонлар томонга чиройли қилиб янги уй солинган энди. Ашурмирзо, бу уй нима учун, ким учун солинганини пайқаса ҳам, ўзини кўрмаганга солди. Уста Баҳром у бир нарса деярдан деб кўзига қараб турди-ю



лекин ҳеч нима демади. Шундан кейин Ашурмирзони айвонга таклиф қилди.

Ҳамидахон гоҳ сингисига, гоҳ Тўтиқизга қараб қувонади. Улар оёқлари ерга тегмай югуришади, бутун топган-тутган нозу неъматларини, меҳру муҳаббатларини Ашуурмирзо олдига келтириб тўкишади.

Жимилахон худди ўн йил аввалги келинчак сингари қақчақлайди. Заъфарон юзига қизил югуриб, бирдан жонланиб кетган шодон кўзларида бахт чақнайди. Тўтиқиз бахт тўла кўзларини отасидан узмайди. У ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам отасига тикилади.

Дилшод нимадандир уялаётгандек, кўзларини ердан кўтармайди.

Уста Баҳром дам-бадам калласини тебратиб: «Хўп келдингиз-да, божа!» деб қўяди.

Ҳамма Ашурмирзодан гап кутади, ҳамма унинг оғзини пойлайди. Ашурмирзо эса бир маҳаллар қизини яхши кўрган, қайлиғини севган меҳрибон Ашурмирзога ўхшамас эди. Бегоналар ичига кириб қолган кишидай ётсираб ўтирарди. Ундаги бу ҳолат Ҳамидахонга ўринсиз сиполик бўлиб туюлади. У ўртада гап қовушавермаганига ҳам шу сиполикни сабаб деб билади.

Жамила кўзларини эридан узолмайди. Бошқаларга сездирмай ер остидан қараб-қараб қўяди. Назарида, эри чарчаган кўринади.

– Тўтихон, уйдан парёстик олиб чиқиб дадангизга қўйиб беринг, айланай.

Тўтиқиз бирваракайига тўртта ёстик кўтариб чиқди. Уларни отасининг икки биқинига шишириб қўйди. Кейин ўзини икки қадам орқага тортиб, ёстикларга ҳавасланиб қаради. Тўтиқиз хурсанд, кўнгли равшан пайтларда кичкина қизчалигидан қолган қизикчилигини қиларди. Ҳозир ҳам шу одати қўзғайди-ю, жажжи қиздай эркаланиб:



– Дадажон, хоҳласангиз бу ёққа, хоҳласангиз у ёққа бемалоо суяनावеринг. Қаёққа суянсангиз ҳам мазза қиласиз, – деди.

Холаси билан бувиси пиқирлаб кулишди. Шундан кейин ўртадаги ҳаво анча исиди. Уста Баҳром уни гапга солиш учун:

– Қалай, йўлда қийналмадингизми? – деб сўради!

Ашурмирзо мийиғида кулиб калласини тебратди.

– Қийналиш ҳам гапми! Дўзах азоби бунчалик бўлмас. Бахтимга Бокуда Фосих афанди учраб қолди-ю, шунинг ёрдами билан келиб олдим. Бўлмаса, сизлар билай яқин орада дийдор кўришиш амри маҳол эди, ҳа, амри маҳол эди.

Уста Баҳром Фосих афандининг номини эшитиб бир, ижирғанди. Аммо буни Ашурмирзо сезмади. Қандай етиб келганини йиғлагудай бўлиб айтиб бергандан кейин:

– Ҳозир мен нима-ю, гадой нима. Қўлимда бир мириб бўлса, ҳаром бўлсин, – деди.

Ашурмирзо уст-бошини ютқизиб, ўйиндан шипшийдан бўлиб чиққан қиморбоз сингари бир неча дам ерга қараб ўтирди. Қиёфаси шундай аянч, шундай эзгин эдики, дунёнинг паст-баландидан анча хабардор уста Баҳромнинг ҳам унга раҳми келиб кетди. Жамиланинг кўзларига ёш чиқди. Бошқалар ерга қараб ўйланиб қолишди.

Ашурмирзо ҳикоясининг таъсирини кучайтириш учун ҳасрат дафтарини яна варақлади.

– Мен бу ерга сизларни деб, сизларни соғиниб келдим. Агар йўлда молу дунёмга ҳам қарамай жонимни сақлаб қолган бўлсам, фақат сизлар учун, сизларнинг азиз дийдорларингизни кўриш учун сақлаб қолдим. Ҳа, жоним баравари азиз сақлаган яна бир нарсам бўлди. У ана, – деди, тутда осиглиқ қафасдаги тўтиқушга ишора қилиб. Мен буни қизимга атаган эдим, қизим учун сақладим, ҳа, қизим учун.



Тўтиқиз отасига шукрона қараб, ширингина кулиб қўйди. Ашурмирзо юзини қушга ўгириб, алланима деди. У дарров бошини силкитиб:

– Хуш гелдиниз! Сафо гелдиниз! – деб ғулдирди. Ҳамма ҳоҳолаб кулиб юборди. Қуш, кўзойнаги устидан қараган кампирга ўхшаш, бошини қийшайтириб қаради. Бу қилиғи қам кулдирди.

Тўтиқиз бувисига суйканиб:

– Мана, кўрдингизми, тўтиқуш қанақа бўлар экан! – деди.

Учинчи боб

Балки қўшалоқ бўлар

Ашурмирзо қайтганига ўн кундан ошган бўлса ҳам, тўй тўғрисида чурқ этмайди. Бошқалар гап очса, қўлида йўқлигини айтади-ю, ёрилиб гапирмайди. Эрталаб чиқиб кетган бўйича ё ярим кечадан келади ё бутунлай алақайларда йўқ бўлиб кетади. Уста Баҳром, Ҳамидахон, Жамила уни бир кун ўртага олиб тўй масаласини қўйишди.

– Қўлимда йўқ, деб савоб ишни орқага сурманг, божа, – деди уста Баҳром, тоқати тоқ бўлиб. – Тўй тарадудини кўриб қўйганмиз. Сиз гап еманг. Ашурмирзо келиши билан тўй деб маҳалла-кўйга ҳам маълум қилганмиз. Хатингизда «тўй бошида бўлсам, андак таҳаммул қилиб турсанглар», деган экансиз. Хўп, дедик. Сабр қилдик. Агар шу сазангиз бўлмаса, Худо билади, бу вақтгача неваран ҳам кўриб қолармидик. Бундай қилманг, курсоғингизда бир гап бўлса, айтинг, бизни қийнаманг.

Ҳамидахон эрининг гапини қувватлади:

– Нафсиламрга, яхши бўлмаепти, ўргилай Ашурмирзо. Эл оғзига элак тутиб бўлмаса. Ҳамма ёқда дув-дув гап. У ундай дейди, бу бундай дейди. Отаси хоҳламаётган эмиш, деган гаплар юрибди.



Келинг, айланай, ёшларнинг кўзларини мўлтиратмайлик. Шу тўй сизники, сиз қиласиз. Ҳамма нарса тахт. Сиздан бир мири умидвор эмасмиз. Саломат келдингиз, шунинг ўзи катта давлат. Сизни кўриб, бошимиз осмонга етди, ўрғилай.

Жамила йиғламсираб ялинди:

– Жон дадаси, орага шайтон кирмасин. Қизингизга раҳм қилинг, кўзлари кўзингизда, қулоқлари оғзингизда бечоранинг. Хўп дейишингизга қараб қолдик, холос. Бизни кўп интизор қилманг, жон дадаси.

Ашурмирзонинг раҳми келиш ўрнига жаҳли чиқди.

– Қизиксизлар! Тўйга ҳеч нима қўшмаганингизни ким билиб турибди, демоқчисизлар. Ҳар ҳолда, гапларингизнинг мазмуни шу. Ҳа, мазмуни шу. Хўп, ҳеч ким билмади, деяйлик ҳам. Лекин ўзим биламанми-йўқми? Биламан. Ўзимга ақалли битта бўз кўйлак, куёвимга битта алак чорси қилиб беролмасам, шу анчайин нарсага қурбим етмаса, тўйда қандай бош кўтариб юраман? А, қандай бош кўтариб юраман? Сизларнинг гапингиз, таҳоратни қилдик, намозни сиз ўқинг, деган гапга ўхшайди. Йўқ, мен намозимни ўз таҳоратим билан ўқиб келганман. Ҳа, ўз таҳоратим билан ўқиб келганман. Мени ювиқсиз деманглар. Ҳа! Шунча кутинглар, яна андак кутинглар. Қўлимга бир нарса кирсин, тўй бўлса қочмайди.

Ашурмирзо ҳар бир сўзни худди мих қоққандай қилиб айтди-ю, чапдаст ўрнидан туриб, кўчага чиқиб кетди. Уста Баҳром ерга кириб кетгандай бўлди. Бошқалар туриб кетди ҳам, у ўтирган еридан қимирлаёлмади. Жамила уйга кириб пиқ-пиқ йиғлади. Ашурмирзони тарс-турс гапи, айниқса заҳарханда қилиб «мени ювиқсиз деманглар» дегани Ҳамидахоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. У



бир неча кунгача ўзини ўнглаёлмай юрди. Мотам бўлмаса ҳам, уйга мотам сояси чўккандай бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Қизига ақалли битта бўз кўйлагу, куёвига алак чорси қилиб беришга қурби етмаган Ашурмирзо, Тешабой оёғига қўй сўйиб уйда каттакон меҳмондорчилик ўтказди. Бу оила дастурхонидагина эмас, бошқа туппа-тузук оилалар дастурхонида ҳам ҳеч вақт кўрилмаган нозу неъматлар, турли ичимликлар девалаб ташланди. Бунга, бу тўкин-сочинга уйдагилар аввал ҳайрон бўлишса ҳам, кейин Ашурмирзонинг қўлига бир нарса кирибди, тўйдан олдин Тешабойни рози қилмоқчи, деб қувонишди. Шунинг учун ҳаммаси, ҳатто Дилшод билан Тўтиқизгача астойдил хизмат қилишди Уста Баҳром худди тўй бошланиб кетгандай ичига сиғмай қувонар, қозон бошида туриб жон куйдирар эди.

Косагуликни Фосих афанди олиб борди. Тешабой кичкина гавдасини катта қилиб тўрда ўтирар, бир ёнида Фосих, иккинчи ёнда Мамарайим афандилар энагалик хизматини ўташар эди. Дилшод буларни ёқтирмаса ҳам, лекин одоб юзасидан ўралишиб юрди. Уни бунга мажбур қилган бошқа сабаб ҳам бор эди. У Ашурмирзонинг илтимоси билан Жамолиддин акасини чақириб келган эди. Жамолиддин бўлса, худди қарғалар орасига билмай кириб қолган кабутардай бир чекада мингайиб ўтирар, Дилшод буни сезиб, уни ўз суҳбати билан зериктирмасликка тиришар эди.

Ҳожи хола зиёфат ҳидини қаердан билди – у ҳам етиб келиб, бу ҳовли билан у ҳовли ўртасида мокидай бориб-келиб турди.

Фосих афанди кайфи ошиб, бирдан шеърхонликка тушиб кетди. Дилшод унинг «Садойи Фарғона» газетасида гоҳ-гоҳ босилиб қоладиган шеърларини ўқиб, таъби тирриқ бўлиб юрарди. Фосих афанди худди ўша шеърларидан биттасини ўқиб қолди:



*Оҳ, гулистон ўлди ўлкам,
Ҳар томон боғу чаман.
Яйраюрмен ҳар гўранда
Бу гўзал ўлкамни ман.
Ҳақ риёзи шул эрур
Этман гумон мен заррача.
Яшнасин ҳам гулласин
Биз бирла бу жонон ватан!..*

Фосих афанди шеърини ўқиб бўлиб, мақтанчоқ кўзлар билан жамоатга қаради.

Дилшод ўзини тутолмади:

– Илон тилида заҳар бўлмаса, уни ҳамма севиб қўлга оларди. Афсуски, пўстининг ялтироқлиги ҳеч кимни илтимайди.

Фосих афанди қўлидаги қадаҳини пақ этказиб хонтахтага қўйди. Кўзойнак остида ҳамиша яширин кўзлари қанчалик олайганини билиб бўлмаса ҳам, бурни тагида кичкина кўнғизга ўхшаб қорайиб турган мўйлови уча бошлади.

– Хўш, ўзингча фалсафа деб ўйлаган бу одобсиз сафсатанг билан нима демоқчисан? Мени илон қиялсанми, зинғарча?!

У ўрнидан туриб кетгудай бўлиб қичқирди. Дилшод ўзини хокисорликка солмади, шунингдек, жирракилик ҳам қилмади. Оғир туриб жавоб берди: Сиз гулистон бўлди деб мақтаётган ўлка қани, қаерда? Туркистонми? Туркистон бўладиган бўлса, ярмидан кўпи вайроналар ичида ётибди-ку! Қишлоқларни кўрдингизми! Эгалари хору зорликдан, фақиру ҳақирликдан қирилиб, уйлари йиқилиб ётибди! Сиз бўлсангиз, бу харобаларни оддий чаманга ўхшатиш билан кифояланмай, тагин Ҳақ риёзи, яъни Оллоҳ гулшани деб оғиз кўпиртирасиз. Оллоҳ гулшани шу эканига заррача гумон қилмаган бўлсангиз, сиз тасаввур этган, тўғрироғи, сиз



орзу этган жаннат, ободонлик вайроналик экан-да? Шундайми? Бу масаланинг бир томони. Шеър одамларга маънавий озуққина бериб қолмай, айна замонда, халққа, ватанга хизмат ҳам қилиши керак. Лекин сизнинг бу чизмаларингиз, сиз сажда қилиб юрган одамлар тегирмонига сув қуйишдан нарига ўтмайди.

Фосих афанди энди сенлаб эмас, сизлаб гапира бошлади.

– Ўрис мактабидан таълим олиб чиққан ёшларимиз сизга ўхшаб бетгачопар бўлиб кетишяпти. Биз шунисига ачинамиз. Ҳолбуки, тумшуқ тагига эмас, узоққа қараш керак. Чиндан ҳам бизнинг жаннат-маъво ўлкамиз ўрислар оёғи остида хор бўлиб кетди. Сиз буни кўрмайсиз, кўришдан ожизсиз! Ҳа, кўришдан ожизсиз! – деди, у қўлини силтаб.

Дилшоднинг жаҳли чиқди:

– Рус халқи ҳам шу аҳволда. Сиз билан бизни эзаётган рус халқи эмас, халқ нонини туя қилиб бераётган чор ҳукумати, унинг амалдорлари, ўзимизнинг бойларимиз!

«Бой» сўзини эшитиб, Тешабой сакраб тушди. Кайфдан сузилган кўзлари олайди.

– Э, мен сени тузук бола деб юрсам, бемаъни экансан-ку! Бойга осиласан! Нима, бой арпангни хом ўрдими?! Э, ўша, сени маҳмадона қилиб қўйганлардан ўргидим-ку!

Гап жанжалга айланишидан қўрқиб, Жамолиддин Дилшоднинг этагини сал босиб қўйди. Кейин Фосих афандига ўтирилиб:

– Тақсир, бошқа гапдан гаплашайлик, – деди.

Фосих афанди кўнмади. Тешабойнинг дағдағасидан ҳаволаниб, вижинишга турди.

– Ҳозир уруш, ўрис пошшоси қил устида турибди. Йиқилди – биз озод-да. Биз шу озодликка қараб боришимиз, миллий кучларимизни йиғишимиз, ўз



давлатимизни, мустақил давлатимизни қуришимиз керак.

– Қандай қилиб? Ташқаридан ёрдам олибми ё ўз кучингизга ишонибми?

– Дилшод саволида истехзо бўлса ҳам, лекин хайрихоҳлик бордек туюлди унга. Шунинг учун бир парда тушиб:

– Аввало, ўз кучимизга ишонамиз, қолаверса, Англиядан ёрдам оламиз, – деди.

Бу гап Жамолиддинни хохолатиб кулдириб юборди. Энди ҳамма Жамолиддин оғзига тикилди. У нима дейишини билмай бир оз ўйланиб турди. Кейин калласини бир силкитди-ю, айбдор кишининг узр сўрашига ўхшаган майин товуш билан:

– Камина сиёсатдан узоқ одам, ҳаққул рости, бу борада авоммиз. Бундай нарсаларга чандон фаҳмимиз етмайди. Ва лекин Арабистонда, аниқроғи, Мисрда беш-олти йил истиқомат қилдик. Англия не тариқа ҳомий мамлакат – буни ҳам кўзимиз етганича кўрдик. Шу важдан, Фосих афандининг гапи айиқдан дод деб бориб шерга ем бўлган нодон қилиғига ўхшаб кетди-ю, кулдик, – деди.

Фосих афанди яна жириллади.

– Гапингизга тушунолмадим, Жамолиддин, сиз кимни айиғу кимни шер қиляпсиз? Мени шер даятган бўлсангиз, кечирасиз, шерга ўхшайдиган жойим йўқ. Ташбехда ҳам андак ҳақиқат бўлмоғи керак.

Жамолиддин мулоғим кулди. Бу кулгида ҳам Фосих афандининг юзига тортилган шапати қарси бор эди.

– Англизлар ўрисларни айиғу, ўзларини шер дейишар экан. Байроқларида ҳам шер сурати. Бул гапни Мисрда эшитдик. Нафсилаамрга қараганда, ўрис подшоси золиму, англиз подшоси одилмикан? Магар англиз подшосини одил деб хаёл қилинур-

са, невлай-да, камина Мисрда ешглиз адолатини кўрмади. Кўшнимиз Ҳиндистоннинг аҳолисини уч юз миллион деб эшитамиз. Ҳамин мамлакатда ҳам аҳвол бизникидан ночор бўлса ночордир, лекигин яхши эмас. Ҳиндулар ҳам англизлар оёғи остида қайишиб ётишибди. Хулоса, ёмғирдан қочиб дўлга учрамасак, деймиз-да.

Шу гап устига Ҳожи хола келиб шанғиллади:

- О, мунча бало чуғурлашасизлар-а! Қулоғим қоматга келди. Ҳой, бой, бу, ёққа. келинг!

Тешабойни уй муюлишига имо қилди.

Тешабойнинг кайфи кучли эди. Мамарайим афанди уни кўлтиғидан ушлаб пастга олиб тушди. Ҳожи хола Мамарайим афандини ҳайдаб юбориб, Тешабойни орқа ҳовлига етаклади. У ерда ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Ҳожи хола зуғум бошлади.

- Ҳай, латта бой, кўтарам бўлганмисиз? Мунча ёнингиз ердан узулмайди? Ҳозир нафсу балонгизга ошни урасизу кетасиз. У гап нима бўлди?

Нима гаплиги Тешабойнинг эсида йўқ эди. У талтанглаб туриб сўради:

- Қайси гап?

- Нима, миянгиз айниганми? Кечагина гаплашдик Қизини кўрасизми, ё...

Тешабойнинг кўзлари ёнди.

- Э, -ҳа! Қизини! Кўрамиз. Кўрсатасанми, қари кўшмачи?

Ҳожи хола, бу гапни кўп эшитгани учунми, хафа бўлмади. Дарахтга илашиб чиқиб кетган ошқовок палагини ишора қилди.

- Сиз ановининг орқасига ўтиб турасиз. Мен уни шу ерга олиб чиқаман. Кўринг-чи, ёқармикан?

- Ҳой, менга кара, ростанам чиройликми? - деди Тешабой, тамшаниб.

Ҳожи хола оғзини енги билан ёпиб қикирлади.

— Вой ёкмай ўлсин! Ҳалитдан тамшанади-я! Хўп, ўтинг. Мен ҳозир айтиб чиқаман.

Ҳожи хола қариб, тишлари тўкилиб битган бўлса ҳам, юришда илдам, ҳаракатда чаққон эди. Тешабой палак орқасига тайтанглаб ўтгунча, у нариги дарчадан ичкарига лип этиб кириб кетди. Тешабой пайпаслаб бориб палак панасига чўккалади. Қўлларига, бетларига қовоқ баргининг майда тиканчалари санчилса ҳам парво қилмади. Уни ҳозир Тўтиқиз жамолининг ўти ёндирадди. Орадан икки дақиқа ўтмай, Ҳожи хола Тўтиқизни бошлаб чиқди. Ичкилик кайфи бой кўзига қийшиқ парда тортган эди. Тўтиқизнинг қандайлигини узоқдан билолмай, гоҳ у япроқ, гоҳ бу япроқ орасидан мўралай бошлади.

— Ҳожи хола уни жуда яқинга, ариқ бўйига олиб келди.

— Ҳа, айтмоқчи, дарчага манови ёғочни тираб қўйай, эркаклар ўтиб-нетиб қолишмасин. Ма, рў-молчамни, анави ерга ўтириб ювавер, қизим.

Ҳожи хола дарчага ёғоч тираб, Тўтиқиз ёнига чўнқайди. У Тешабойга Тўтиқизнинг жамолини кўрсатибгина қолмай, овозини ҳам эшиттириш пайида эди. Уни гапга солиш учун:

— Вой, айланай қўлингдан, мунча чиройли ювар экансан, жонгинам! — деди.

Тўтиқиз хиёл жилмайди-ю, бир нима демади. Ҳожи хола унинг оғзини бир оз пойлаб тургандан сўнг бирдан жонлаб кетди.

— Ҳай, Тўтихон, бир нарсани сўрасам майлими? Хафа бўлмайсанми?

Тўтиқиз кулиб қаради.

— Сўрайверинг, холажон. Айтадиган гап бўлса, хафа бўлармидим.

— Ҳай, менга қара, Дилшодбекка ўзинг хоҳлаб тегяпсанми ё ота-онанг раъйига қарабми? А, та-



саддук? – Тўтиқиз ерга қараб олди. – Айтавер, уялма, айланай.

Тўтиқиз эркаланган товуш билан:

– Вой, қўйинг бунақа гапларни, холажон, – деди. Ҳожи хола шарақлаб кулди.

– Овозгинангдан холанг ўргилсин! Қўнғироғ-а, қўнғироқ! Ҳа, майли, айтгинг келмаса, айтма. Сўрадим қўйдим-да. Во-ей, манови лабингдаги холинг мунча чиройли, жонгинам! Вой, вой, эркак бўлсам, шу холингдан ўпиб олардим! Айланай сендай ойрухсоримдан!

Тўтиқизнинг боши ерга тушиб кетди.

– Э, қўйинг, холажон, бунақа деманг...

– Йўқ, йўқ, жон болам, ҳазиллашдим. Шунга ҳам хафа бўласанми? Ювавер, жонимни қоқай, ювавер.

У Тўтиқизни елкасига қоқди. Тўтиқиз индамай кирини ювар эди. Орага қисқа сукунат тушди. Ҳожи хола, уни яна қандай гапга солсам экан, деб ўйланиб ўтирар эди. Тўтиқиз эса Ҳожи холанинг бетамизлигига гаши келиб, туриб кетиш пайида эди. Ҳожи хола бирдан ҳе-ҳелаб кулиб юборди.

– Дилшодбекни кўрсам, ёшлигида қулоғини чўзганим эсимга тушади. Ёмон шўх эди. Пешонамга гилос данаги билан бир пақиллатиб урса борми, ўқ тегди деб жон-поним чиқиб кетибди. Ўзининг ҳам роса таъзирини бердим. Қулоғини узиб олардим, яна раҳмим келди.

Тўтиқиз хандон уриб кулиб юборди. Шундай қотиб кулдики, Ҳожи хола Дилшоднинг қулоғини чўзганимга куляпти, деб ўйлади.

– Ҳа, кўрувдингми қулоғини чўзганимни? – деди қиқирлаб.

Тўтиқиз ўзини кулгидан тўхтатолмади:

– Кўриш ҳам гапми! Сизга данак отган Дилшод акам эмас, мен эдим, – деди.



Тўтиқизнинг очилиб-сочилиб кулиши, овозини бемалол чиқариб гапириши Ҳожи холани қувонтириб юборди. У дарров гапни гапга пайванд қилди.

– Вой, ёмон қиз-ей! Сенмидинг?

– Ҳа, мен эдим. Сизда қасдим бор эди-да.

– Вой-вой-вой! Муштумдай қизда қанақа қасд бўлсин?

Тўтиқиз яна кулди.

– Тўйга бувим билан борувдим, мени қувиб чиқаргансиз. Ўшанда ҳап сизними деб қўювдим.

– Уни қара, ўшанда сени шундай ой қиз бўлишингни билсам қувиб чиқарармидим! Ҳали ҳам хафамисан?

– Йўқ, холажон, ёшлиқда бир бўлиб ўтди-да. Мана кўринг-чи, тоза ювилабдимми? – Тўтиқиз дастрўмолни ёзиб кўрсатди.

Ҳожи хола ёйилиб мақтади.

– Вой, қўлинг дард кўрмасин, бирам чиройли ювгансанки!

Шу пайт қовоқ палаги бирдан шопирлаб кетди. Тўтиқиз шарпа эшитган кийикдай ярқ этиб қаради. Палак ичида Тешабой ишшайиб турарди. Тўтиқиз «вой» деганича дарчага қараб югурди.

Ҳожи хола атайин Тўтиқизга эшиттириб Тешабойни қарғай кетди.

– Ҳай киши бўлмай ўлгур, бу ёқда нима қилиб юрибсан! Номаҳрамлар бордир деб ўйламадингми, уятсиз?

У бир ёқдан шанғиб, бир ёқдан пайпасланиб Тўтиқиз орқасидан югурди.

Тешабой суюнганидан иржайиб айвонга қайтиб келганида, Фосих афанди билан Дилшод ўртасидаги мунозара ҳали ҳам давом этаётган эди.

– Биз мусулмон давлати қурамыз! Мақсадимиз шу. Бизга мустабид подшо ҳам керак эмас, сиз



сажда қилаётган ялангоёқлар ҳукумати ҳам! – дедирди Фосих афанди, оғзидан кўпик сочиб.

– Бас, Фосих, бас! Ҳадеб валақлайверма, бошим оғриб кетди, – деди Тешабой, қадаҳини узатиб.

Фосих афанди бўш қадаҳни тўлдира бошлади. Асаби бузилганиданми, кўли сира тўхтамай қалтирарди. У Тешабой шарафига узундан узоқ қадах нутқи сўзлади, умрига умр, давлатига давлат тилади.

Хожи хола шу атрофда ивирсиб юрган эди, дарров бир чеккага чўнқайиб дуо қилди:

– Омин, Ашурмирзога Худойим яхши куёв берсин, тўйида ўзим хизмат қилай, оллоху акбар!

Тешабой ўрнидан тураётди:

– Аммо ўзингни ишқамаган жойинг йўқ-да, дали. Шу ерда ҳам Ашурмирзодан бир тўн тама қилдинг, – деди.

Хожи хола ҳеҳелаб кулди. Бошқалар ҳам унга шерик бўлишди. Ҳожи хола нима жавоб қилишни биларди. У Тешабойни маътал қилмади.

– Қиз деса кизки, жамоли олдида ой хижолат. Ўттиз туяда сарпо, ўттиз туяда тилла юклаб келиб олса арзийди. Сиз нима деяпсиз, бойвачча, бундай қизни оладиганнинг бели бақувват бўлиши керак. Тўй бошида ўзим тураман, Ашурмирзони бир нимали қилиб қўяман Худо хоҳласа! Ҳа, битта тўн кийгизса нима қилибди?

– Оббо ёсуман, мен сени дали деб юрсам, туппа-тузук даллол ҳам экансан, – деди Тешабой айвондан тушаётди.

Меҳмонлар хайрлашиб кўчага чиқа бошлашганида, Ашурмирзо қафасни тўтиси билан келтириб Тешабойга тутди.

– Тақсир, ажойиб боғ қилибсиз деб эшитдим...

– Боғки, бу дунёнинг жаннати, яъни Боғи Эрам,

– Фосих афанди, унинг гапини бўлиб.



Ҳа-ҳа, Боғи Эрам. Агар қулингизни хафа қилгингиз келмаса, шу жаннат қушини жаннатга обориб қўйсангиз, тақсир.

Тешабой хурсанд бўлиб кетди.

– О, бизни сийлаб юбордингиз, Ашурмирзо. Боғимизда бир қусур бўлса, шу, мана шу тўти эди. Қуллуқ, саломат бўлинг.

Тешабой бир қўлига қафасни олиб, иккинчи қўли билан Ашурмирзонинг елкасига қоқди.

Фосих афанди дарров Тешабой қўлидан қафасни олди. Кейин Ашурмирзога маъноли қараб:

– Афсуски битта. Иккита бўлса ҳам боғ яйрар, ҳам бой яйрарди, – деди, – Хо-хо-хо!..

Ҳожи хола гап пайровини кутиб турган эканми, дарров илиб кетди.

– Ҳе-ҳе, Худо насиб қилса, қўшалоқ ҳам бўлиб қолар!

Тешабой ўз одамлари билан извошга тушиб кетди, Жамолиддин эса Дилшодни кутиб кўчада қолди.

Тўртинчи боб **Юрак жоми синди**

Опа-сингил уйида бир ҳафтадан бери аза. Биров ўлмаган бўлса ҳам, ўлдирилган умид азаси ҳукм суради. Тешабойлар меҳмон бўлиб кетишгандан кейин орадан уч кун ўтар-ўтмас, Ашурмирзо хотинини, қайнагачисини, божасини бақамти қилиб туриб қарорини эълон қилди. Жамила бирдан дод деб ҳушидан кетди. Ҳамидахоннинг эси оғди. Уста Баҳром бошига болға урилгандай гангиди. Ашурмирзо ўзини шундай қилишга мажбур этган сабабларни қизариб-бўзариб айтгандан сўнг:

– Икки ҳафтадан кейин тўй, – деди-ю чиқиб кетди.



Ана шу қора кундан бери булар тирик ўлдирилган икки ёш азасини тутишади. Ашурмирзонинг бу қарори Ҳамидахонни алам қозонида тирик қовурса, Жамилани телбалик чоҳида ўртади. У гоҳ сочларини юлиб фарёд қилади, гоҳ: «Ана илон! Илон боламни еб қўйди!» деб Тўтисини бағрига олади. Ҳаракатлари, сўзлари телба кишиникидан фарқ қилмайди. Ҳамидахон, бир ёқдан, Тўтиси билан Дилшоднинг ҳасратини чекса, яна бир ёқдан, Жамиласида бошланган телбалик аломатларини кўриб қон йиғлайди. Уста Баҳром бўлса, носқовоғини йўқотиб қўйган кашанда сингари, гарангсиб юради, Дилшод бу алам ҳидини меҳмондорчилик кунни сезганмиди, бошқаларчалик куйиб-ёнмади. Тўғриси, куйиб-ёнганини, хўрлик азобининг оғир дардини унча билдирмади. Фақат Фуломжон олдига борди-ю, воқеани айтаётганда, томоғига бир нарса тикилиб қолди.

Бу шўр Дилшод шўри эмас, ўз бошидаги шўрдек, Жамолиддин ҳасрат ичида қолди. Ольга Петровна Ҳамидахондан кам алам чекмади. Ашурмирзонинг келишини Дилшоддан эшитганда, уни кутиб ўтирмай тўйни қилиб юбораверинглар, дегиси келса ҳам демаганини эслаб, пушаймонлик ўтида ёнар эди.

Тўтиқиз ўзини гоҳ онасининг бағрига, гоҳ холасининг қучоғига отиб йиғлайди, сочларини юлади, фарёд уради...

Ашурмирзо, уйида аза бошланишини билиб, уч кун йўқ бўлиб кетди. Бу орада Жамила йиғлай-йиғлай ҳолдан кетди. Ҳамидахон куриб, чўп бўлиб қолди. Тўтиқиз бўлса сомондек сарғайди, оғзига ақалли бир бурда нон олмади. У ҳамон отасидан умидвор бўлиб саҳндан кетмас, дув-дув ёш тўкилиб турган кўзларини кўча эшигидан узмасди. Тўртинчи кунни отаси кириб келди. Тўтиқиз уни узоқдан кўрди-ю, чопиб бориб оёғига йиқилди.

– Дадажон, ўргилай дадажон! Раҳм қилинг, жон дада! Биттаю битта қизингизман, мени бахтсиз қилманг, жон дада! Оёгингизни ўпай, мени бойга берманг! Тирик ўлдирманг мен шўрлигингизни!

Қизи ёнига Жамила келиб қўшилди. У ҳам ерга ястанди.

– Жон дадаси, Худо хайрингизни берсин! Менга раҳм қилмасангиз ҳам, шу бечора қизингизга раҳмингиз келсин! Жон дадаси... Жон дадаси...

Ашурмирзо оёқларини Жамиланинг чирмовикдай ёпишиб олган қўлларидан зўрға бўшатиб, қизини тургизди.

– Бас, йиғламанглар, бўлди. Нима, менга осон дейсизларми? Мен ҳам сизлардан баттар аламдаман. Нима қилай, иложим йўқ.

Ашурмирзо она-боланинг умид жомини синдириб, ўзи айвонга борди. Жамила эрининг оёқларига йиқилган жойдан турмади. Тўтиқиз онаси ёнига чўккалади. Жамила пешонасини ерга босиб пиқ-пиқ йиғлар, вужуди тинмай титрарди. Тўтиқиз бошини онасининг елкасига қўйди. Шу кўйи икки ғариба узоқ йиғлади. Ашурмирзо парво қилмади, ҳатто қайрилиб қараб ҳам қўймади. Буларнинг йиғисини эшитиб, Ҳамидахон югуриб чиқди. Синглиси билан жиянини турғизиб, ўзиникига бошлади. Аммо муюлишга етмай Ашурмирзо чақириб қолди.

– Опа, бу ёққа келинглар.

Ҳамидахон синглисини суяб айвонга келди. Тўтиқиз ариқ бўйига ўтирди. Ҳозир отаси кўзига алланима бало бўлиб кўринса ҳам, яна раҳми келар деб умид қилар, умид уни оғир бўлишга ундарди. Ҳолбуки, у уч кундан бери талай ўйларни ўйлаб чиққан, ҳар бир эҳтимол ҳаракат қарорини тайёрлаб қўйган эди. Агар отаси раҳм қилмаса, «сиздай отам йўқ, бетингиз қурсин!» деб кетиш қарори ҳам бор эди. Ҳозир шу қарор уни ўтдан олиб ўтга сола бошлади.



Опа-сингил айвон чорчўпига омонатгина ўтирди. Ашурмирзо уларнинг юзларига эмас, ерга қараб туриб:

– Сешанба куни тўй келади. Жума никоҳ. Шунга қараб ҳаракат қилсак, – деди.

Жамила ўзини уриб фарёд кўтарди.

– Дод! Золим ота дастидан дод!..

– Э, овозингни ўчир! Одамлар эшитса нима дейди!

Ҳамидахон сингилсининг бошини бағрига босиб олди. Ўзининг ҳам бутун вужуди титрай бошлади. Ҳатто жағи ҳам қалтираб кетди.

– Ашурмирзо, бандадан қўрқмасангиз, Худодан кўрқинг! Бу мусулмоннинг иши эмас, айланай! – деди Ҳамидахон, қалтироқ овоз билан. – Шошилманг, укангиз Хусниддинни чақирайлик, опаларингиз бор, менинг акам бор, бу ёқда божангиз. Ахир буларнинг маслаҳатисиз бир нарса қилсангиз уят бўлар. Биласиз, бу мол савдоси эмас, умр савдоси. Биз ҳам одаммиз, бетимизга оёқ босиб кетаверсангиз яхши бўлмас.

Ҳамидахон ҳар қанча қийин бўлса ҳам ўзини босиб гапирди. Ашурмирзо қилмишидан пушаймон бўлаётган кишидай узоқ ўйланиб қолди.

Жамила бошини опасининг бағридан олди, ёшли кўзларини эрига мўлтиратиб тикди, йиғлаб, ҳиқиллаб туриб ялинди:

– Жон дадаси, болангизга раҳмингиз келсин. Биз гарибларни қақшатманг, дадаси, айланай дадаси!

Тўтиқиз ҳам ариқ ёнидан келиб яна ялинди. Ашурмирзо ерга қараб ўтирарди. Бирдан бошини кўтарди-ю шафқат билан эмас, даҳшат билан дўнғиллади:

– Раҳмингиз келсин! Раҳмингиз келсин! Э ўша раҳмдан ўргидим! Сизларга раҳм қиламан деб ўзимни ўтга ташлайми? А, ўтга ташлайми? Бўлмайди! Тешабойдан ками минг тилла қарзим бор.



Ё қарзимни тўлашим керак, ё қизимни беришим керак. Бошқа илож йўқ.

Тўтиқиз сакраб тушди. Отасига ғазабли кўзларини тикиб, ўзиникига ўхшамаган, ваҳимали товуш билан қичқирди:

– Ҳа-а, мен сизга қарзингизни узгани керак эканманда?! Йўқ, бечора бувим мени бу умидда катта қилган эмас! Бувимни қақшатадиган бўлсангиз, мен ҳам сизни қақшатаман! Йўқолинг, менинг сиздай отам йўқ!

Ашурмирзо ўрнидан сапчиб туриб кетди. У қизини билагидан ушлаб, бетига бир шапати урди. Ўртада қиёмат қий-чув бошланди. Тўтиқиз чирқираб, билагини отасининг қўлидан чиқарди. Ҳамидахон бир ёқдан, Жамила у ёқдан ўртага тушди.

– Ҳай, Ашурмирзо, қиз болани нимага урасиз? Сизда жиндак одамият борми? Уят эмасми? Вой ўлмасам! – деди Ҳамидахон, койиб.

Жамила яна биғиллаб йиғлашга турди. Тўтиқиз югуриб уйдан пичоқ олиб чиқди.

– Манг! – деди у, пичоқни отасига узатиб. – Мени сўйиб ташланг. Бўйнимни ўзим тутиб берман. Дунёда сотилган қиз бўлиб ўлгунча, қонига бўяб ўлдирилган шўрлик бўлганим яхши! Сўйинг!

Ашурмирзо пичоқни қизи қўлидан олиб, узоққа ирғитиб ташлади. Кейин Тўтиқизни қазноққа судраб кириб қамаб қўйди.

– Ўтир шу ерда, баттол! Ҳали қўл-оёғингни бовлаб эрга шундай берайки, бетимга айтган сўзларинг учун минг-минг пушаймонлар бўлгин! Ҳа, пушаймонлар бўлгин!

Ашурмирзо, қулф калитини чўнтагига солиб, кўчага чиқиб кетди.

Ана шундан бери Тўтиқиз қазноқда. Жамила эса остонада қон йиғлаб ўтиради.

Бугун шанба. Қариндошларнинг ҳаммаси тут тагидаги супада. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам шу



ерда. Фақат Дилшод билан Тўтиқиз йўқ. Ашурмирзо мурофаага чақирилган айбдордай ўз ҳаракатини оқлашга тиришади. Бошқалар, худди тил бириктириб олишгандай, уни қоралашади. Айниқса, Жамиланинг акаси Сулаймон ака тутоқмасдан гапиролмайди. Ашурмирзонинг ноўрин далиллари жаҳдини чиқаради.

– Тешабойдан фалон тилла қарзим бор, дейсиз. Шу лаънати тиллалар сизнинг жиғилдонингиздан ўтади-ю, жабрини ана у қазноқда қон йиғлаб ўтирган гуноҳсиз қиз тортадимиз? Астаффирулло, гуноҳни отаси қилсину, жазосини қизи тортсин! Э, ўша! – Сулаймон ака ёмон сўз айтиб юборишдан ўзини зўрға сақлаб қолди. – Йўқ, ундай қилманг, Ашурмирзо, – деди у, анча жим туриб, ўзини босиб олгандан кейин. – Қарзингиз бўлса, хўп, тўланг. Тониб кетинг, демаймиз. Тониш номардлик, номардлик ҳам гапми – муттаҳамлик! Шу эшик сизники, сотинг, тўланг. Етмаса, мен борман. Мана уканингиз Хусниддин бор. Мана, опаларингиз ўтирибди. Кўпмиз, сизни ёлғиз ўтда куйдириб қўямасмиз.

Ашурмирзо тоғ деса боғ дейдиган анқов одамлар орасига кириб қолгандай бўғилди.

– Иложи йўқ ахир, Сулаймон ака, тушунсангизчи. Ё Тўйга розилик бериб қўйганман! Уч кундан кейин тўй келади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қандай қилиб сўзимдан қайтаман? Ахир шармандалик бўлади-ку.

Сулаймон аканинг чинакамига жаҳли чиқиб кетди.

– Йўқ, Ашурмирзо, бизни бунчалик анқов санаманг! Ақдимиз сизникичалик бўлмаса ҳам, ўзимизга етгулиги топилади. Сиз буларни гўдакликларида этак йиртиш қилдириб қўясизу, тўйларида ўзим бош бўлсам деб Истанбулдан хат ёзасизу, энди тўй тараддуди тахт бўлганда лафзингиздан қайтасиз.



Шармандалик шу эмасми? Ўйлаб кўрдингизми, ё Тешабой ваъда қилган олтин сарой ожиз кўзингизни мой бостириб қўйдими? Ўғри бўл, фар бўл, инсоф билан бўл. Ҳа, нима бўлганингизда ҳам инсофни йўқотманг!

Энди Ҳусниддин ялинишга турди.

– Ака, жон ака, инсоф қилинг. Йўлингизга қарайвериб, бу бечораларнинг кўзлари тешилди. Булар сизни шунақа қиласиз деб ўйлашган эмас. Ўйлашганда, алақачон тўй бўлиб кетарди. Йўқ, сизни қизининг тўйини кўрмай армон қилмасин, тўй бошида туриб хурсанд бўлсин, деб ўйлашган. Ҳали ҳам кеч эмас, ака, бойга жавоб беринг.

Ашурмирзонинг катта опаси кўп андишали хотин эди. У ҳам Ҳусниддиннинг ёнини олди.

– Жон ука, умрингиздан барака топинг. Сизни кута-кута кўзларимиз тешилди. Энди етинганимизда юрагимизга ханжар урманг. Қайнагангиз жуда ўринли гапирди. Қарзингиз бўлса, кўплашиб узиб юборармиз, жон ука.

Ўртага юракларни хун қиладиган сукунат тушди. Ашурмирзо ўйланиб қолди. Ҳусниддин акаси-дан умидвор эди. Унинг оғзидан «хўп»дан бошқа сўз чиқиши мумкин эмаслигига ишонар эди. Жамила ҳаёт жоми эрининг қўлида-ю, шуни омон қайтариб берармикан ё уриб чилпарчин қилармикан, деб мўлтираган кўзларини эрига тикиб турарди. Ҳамидахон эса, акаси тўйни қилиб юбораверайлик деганда, сингисининг тарафини олганини эслаб, ич-ичидан эзилиб ўтирарди. Ҳозир ҳамма шундай бир ҳолатда эдики, ташқаридан қараган киши буларнинг гаплашишидан ҳазар қиладиган, бир-бирига терс одамлар, деб ўйлаши аниқ эди. Бири ерга, бири деворга, бири дарахтга, бири Ашурмирзонинг оғзига тикилиб қотиб қолган эди.

Сулаймон аканинг ичи пишиб кетди.



– Галиринг, оғзингизда талқон борми?

Ашурмирзо бошини оғир кўтарди. Ранги бўз эди.

– Нима дейман? Айтар гапимни айтдим. Сизларга ёқмаса, ўзимга тан. Ҳа, ўзимга тан. Қиз меники, кимга бераман – ихтиёр ўзимда. Гап шу.

– Туф-е, номард! – Сулаймон ака даст ўрнидан турди-ю, этагини қоқиб чиқиб кетди.

Бошқалар ҳам ўринларидан туришди. Бу ерда фақат Ашурмирзо жигарлари билан қолди. Жамила қазноқ остонасига бориб чўнқайди. Ашурмирзонинг кичик опаси кўзларини артиб, укаси ёнига келди.

– Менга қаранг, жон ука, – деди у, Ашурмирзони пешонасидан силаб. – Хотинингизнинг аҳволини қаранг. Кўрган киши уни мендан қари дейди. Ҳолбуки, ўртанча қизимдан ёш. Тўтихонни боқаман, ўзини боқаман деб не-не азобларни чекмади, айлана қолай! Ўйланг ахир: сиз эр бўлиб нима қилдингиз бу шўрпешонага? Ёш ташлаб кетдингиз, бир энлик хат ёзмадингиз, бир мири юбормадингиз, шу замонда биров қорнини тўйғазолмайди-ю, хотин жони билан ўзини боқди, сиз ташлаб кетган болангизни боқди, усти бошини қилди. Мана энди, ойдай қилиб қўйганда, оёғида намоз ўқиш ўрнига шундай хорласангиз уят бўлмайдими, жон ука! Қизимни Тешабойга бераман, дейсиз. Хўп, нима билан берасиз? Бечора опа-сингил йиғлаб-сиқтаб тайёрлаган бисот биланми? Ахир қиз мол эмаску бошбоғидан етаклаб чиқариб бергани! Кўрпа-тўшак қилиш керак, кийим кечак қилиш керак. Яна бошқа лозиму омода. Маҳзар қилиш керак, нон, патир, ош, сув... Эҳ-ҳа, шунча нарсани ким қилади? Шу хунук гап чиққандан бери мияси айниб қолган шўрлик Жамилахонми? Ё сиз қизингизни бермаётган бебахт ўғилнинг муштипар онасими? Йўқ, сиз тўй деган нарсангиз аза бўлади, жон



иним. Ҳўлаб иш қилинг. Тўтихон сизга қиз бўлса бизга жигар. Мана, Ҳусниддиндан сўранг. Раҳма: Ҳусниддинга, сиз йўғингизда жиянидан шу хабад олиб турди. Жигар экан, куяр экан. Тўтихон мана опамга ҳам, менга ҳам, Ҳусниддинга қиз барава ри. Тирик етимлик заҳрини торта-торта зўрға во яга етган шу бечорани зор йиғлатиб бойга берсан гиз, бизнинг бетимизга оёқ босасиз, ўргилай ука.

Шунча гапдан кейин ҳам Ашурмирзонинг этг ўлмади. У заҳарханда қилиб ўтираверди. Акаси нинг без бўлиб олиши Ҳусниддинни алағда қилиб ташлади. Боягидек мулойим товуш билан эмас анча дағал бир овозда огоҳлангирди.

– Шайтонга ҳай беринг, ака. Бизни десангиз йўлдан қайтинг. Ҳа-ҳа, қизингизнинг киясига қо ласиз.

Ашурмирзо еб юборадигандай бўлиб укасига хўмрайди.

– Нима қил дейсан? Сен ҳам Тешабой баҳридаг ўт дейсанми?

Ҳусниддин ўзини йўқотмади.

– Ҳа, баҳридан ўтинг, дейман. Лаънат бўлсин ўзига ҳам, бойлигига ҳам! Тўтихоннинг бир қатра ёшида айлансин у ифлос бой! Йўқ, деганим деган айтганим айтган, дейдиган бўлсангиз, начора, Тешабойдан эмас, биздан кечибсиз. Вассалом.

Ашурмирзонинг кўзлари косасидан чиқиб кетди:

– Э, у мени еб қўяди-ку! Иложи йўқ, тушунсаларингчи!

Катта опаси чидаб туrolмади.

– Ҳа-а, жоним ширинлик қилипти, денг? Сизнинг жонингиз жону, бошқаларники жон эмас экан-да бўтам! Хайр, яна ўзингиз биласиз. Бегона шу но маъқулчиликни қилса, бегонага ҳам шу гапимизни айтардик. Сиз бегона бўлиб келганингиздан хабаримиз йўқ экан. Хўп, биз ҳам бегонага айтибмиз.



Опа-сингил Жамиланинг ёнига кетди. Хусниддин берирокда келинойисига ачиниб қараб турди. Юраги тоб бермади шекилли, акасига чўрт ўтирилиб қичқирди:

– Ноинсоф! Буларда нима қасдингиз бор? Сизни соғиниб саргайганлари эвазига қилаётган меҳрибонлигингиз шуми ҳали?! Қаранг, бечора онага қаранг! Эшикнинг бу ёғида бу, у ёғида у йиғлаб ўтирибди. Наҳотки сизда қалб, виждон бўлмаса! Эҳ, Худо-я!

Хусниддин қалбида кўтарилган исён бўғзига бир нарса келтириб тикди. Ўпкаси тўлиб, кўзи намланди. Юзини дарров акасидан ўтириб олди.

Опа-сингил Жамилани турғизишга тиришар, у эса остонани қучоқлаб:

– Тўтим! Шўрим! Тўтим! Шўрим! – деяр, йиғлар, қазноқ ичида Тўтиқиз ҳам йиғлар эди. Катта опаси тоқат қилолмади.

– Ҳай, ноинсоф! Оч эшикни-е! Жигарим бўлсанг ҳам Худо жазангни берсин! Оч!

Бу гапларнинг ҳеч бири Ашурмирзонинг пинагини бузмади. Ҳамма гап бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетди. Эзилиш, ачиниш у ёқда турсин, турган ерида без бўлиб ўтираверди.

Хусниддин ёшини хилват қилиб артди. У ҳамон акасини йўлга солиш умидида эди. Яна ялинди.

– Жон ака, опаларимизга, менга жиндек меҳрингиз бўлса, шу меҳр ҳурмати, калитни беринг. Хўп денг, жон ака.

Ашурмирзо миқ этмади. Кичик опаси келиб ялинди ҳам, парво қилмади.

Шу пайт Жамилани яна ваҳм тутқаноғи тутди. У панжаларини сочлари орасига тикиб додлади:

– Илон! Қора илон! Боламни еб қўйди! Боламни... – Жамиланинг кўзлари косасидан чиқди, оғзи кўпирди, бетлари беўхшов қийшайди, вужудида телбалик қалтироғи турди.



Ичкаридан Тўтиқиз додлади.

– Буви! Жон буви! Мен шу ердман, шу ердман! Войдод!!!

Опа-сингил бир ёқда, Ҳусниддин бир ёқда по-тирлаб қолишди. Ҳамидахон билан уста Баҳром ҳам югуриб чиқди. Ашурмирзо Жамила томонга қараб ҳам қўймади.

Ҳусниддин йиғламади-ю, йиғлагандан баттар бўлиб:

– Айтинг, уста ака, бу қандай ноинсофгарчилик ахир? Эшикни очсин! – деди.

Пичоқ суякка етган эди. Уста Баҳром Ашурмирзо устига ўдағайланиб келди.

– Оч эшикни! Бўлмаса, ҳозир қулфни бузиб башарангга ураман, муттаҳам!

Ашурмирзо ўтирган ерида қотиб қолгандай қи-мирламади. Фақат кўзлари устма-уст пилпиллади.

Уста Баҳром яна қичқирди.

– Оч дейман!

Ашурмирзо кўзларида қутурган йиртқич шафқатсизлиги бор эди. У шу кўзлар билан уста Баҳромга тикилди.

– Очмайман! Қўлингдан келса очиб боқ, бир кўрай, нечта жонинг бор экан!

– Шунақами? Нечта жоним борлигини кўрсатиб қўяйми? Хўп!

Уста Баҳром ўзиникига шитоб билан чиқиб кетди. Аёллар Жамилани юпатишга киришиб, бири бетига сув сепар, бири бағрига босиб йиғлар, ичкарида Тўтиқиз тинмай «буви»лаб додлар эди.

Уста Баҳром каттакон чўқмор кўтариб чиқди. Ҳусниддин унга пешвоз борди:

– Менга беринг, уста ака.

Уста Баҳром чўқморни бермади. Ашурмирзога қарамади. Тўғри қазноқ эшигига борди-ю, хотин-



ларни четлаштириб, қулфга тепадан бир чўқмор урди. Қулф зулфини билан ерга узилиб тушди.

– Чиқ, бағрим, чиқа қол! – деди у Тўтиқизга, эшикни кенг очиб.

Тўтиқиз қафасдан озод қилинган қушдай отилиб чиқди. Юзлари тимдаланган, сочлари тўзғиб, ранги сап-саргайган эди. Уни кўрган киши ойлаб занжирда ётган телба деб ўйларди. У телба доводирлиги билан бориб онасига ёпишди.

– Буви, айланай буви! Мана мен! Мана мен! Илон егани йўқ Тўтингизни, отам еди, жон буви!

Жамила ҳушига келибми-келмайми, қизини маҳкам қучоқлаб олди. Икки муштипар вужуд алам оғушида бир-бирига сингиб кетди. Аёллар кўз ёшларини яширмай йиғлашар, Ҳусниддин билан уста Баҳром яшириқча кўз артар эди. Орада қанча вақт ўтди, бу аламли фожиа қанча давом этди – буни билгувчи бўлмади.

Бир маҳал Тўтиқиз она бағридан узилиб, ўзини аммаларига отди.

– Жон амма, айланай амма, мени қутқазинг! Мени қутқазинглар! Зор йиғлатиб кетманглар! – Кейин Ҳусниддинга ёлборди. – Амакижон, дадам ташлаб кетганда дадалиқ қилган, амакижон! Жон амаки, мени шундай хор қилиб қўйманг! Қутқазинг, олиб кетинг! Итингиз бўлай, итингиз бўлай, амакижон!

Ҳусниддин тоқат қилолмади. Устма-уст бир неча бор «Ё Раббий! Ё Раббий!» деди-ю, йиғлаб юборди.

Ашурмирзо, без бўлиб ўтирган еридан туриб, кўчага чиқиб кетди.



Бешинчи боб / Чораси борми?

Сулаймон ака ўша жаҳди чиқиб кетганича сешанба куни эрталаб келди. У шу куни тўй келишини биларди. Аммо у тўйни кутиб олиш учун эмас, жиянлари билан сингиллари доғу ҳасратда ёнаётганлари кўз ўнгидан кетмагани учун қишлоғида туrolмади.

Сулаймон ака тўғри келиб катта сингисиникига кирди. Кирди-ю, узоқдан уй эгаларини кўриб:
– Тинчликми? – деди.

Ҳамидахон дарров етиб келди. Кўзлари жиққа ёш эди. У акасининг кўксига бошини қўйиб баралла йиғлаб юборди. Уста Баҳром касал кишидек беҳол эди. Ўрнидан зўрға қимирлади. Дилшод кўзларида ёш бормиди ё ғазаб – ерга қараб олди.

Ҳамидахон айвон четида совуқ еган мусича сингари мунғайиб ўтирган Жамилага ишора қилди.

– Ана кўринг, синглингизнинг аҳволини кўринг, жон ака!

Сулаймон аканинг эсхонаси чиқиб кетди.

– Нима бўлди? Нима гап?

Жамилада бир неча вақтлардан бери гоҳ кўришиб, гоҳ босилиб юрган телбалик энди уни хуружига олган эди.

Ҳамидахон юраги тўкилиб:

– Шунақа бўлиб қолди, – деди. – Икки кундан бери ўтириши шу. Бировга гапирмайди, гапирсангиз индамайди. Овқат ҳам емайди. Фақат ё сочининг учини ё енгини мана шунақа уқалаб ўтираверади.

Сулаймон ака миясига қўққисдан сўйил еган одамдай гангиб кетди, кўзлари тинди, юраги дукиллаб Жамила ёнига келди. У сочининг учини уқалаб ўтирарди.



– Жамилахон, оппоғим, мен келдим. Мен, акангиз, – деди у, овози қалтираб.

Жамила қарамади. Тиниб қолган кўзларини уқалаётган сочидан узмади. Сулаймон ака синглисини иягидан ушлаб, боқини аста кўтарди. Жамиланинг ҳушсиз кўзлари ақасининг ғам сели олиб кетган қайғули юзида тўхтади. Шунда ҳам индамади, кўзларини ақалли бир марта пилпиллатмади. Сулаймон ака Жамила ёнига чўккалади. Оғир юк тагида қолгандек, боши пастга тушиб борди. Бир неча дақиқадан кейин бошини зўрға кўтариб, яна Жамиланинг ҳиссиз юзига қаради. У ҳамон тиниб қолган кўзлари билан акасига тикилиб ўтирарди.

– Ёмон бўпти, – деди Сулаймон ака, бир Ҳамидахонга, бир уста Баҳромга мўлтиллаб. – Энди нима қилдик? Тезда табибга кўрсатмасак бўлмас, а?

– Кеча Олияхон кўриб кетди. Бугун доктор олиб келмоқчи эди, билмадим, олиб келармикан.

Дишод онасининг маънос гапидан кейин дарров йўлга отланди.

– Мен Ольга Петровнанинг олдига борай, тоға. Ваъдамиз шунақа эди. Докторни бирга олиб келамиз.

– Ҳа, бор, бор, жияним. Тезроқ бор. Олиянинг ўзи ҳам келадими?

– Келади, тоға.

Дишод чиқиб кетгандан кейин ўртага яна эзгучи сукунат тушди. Айвонда дастурхон солиғлиқ бўлса ҳам, Сулаймон акани таклиф қилиш ҳеч кимнинг эсига тушмади. Наҳор келганига қарамай, ўзи ҳам бир тишлам нон емади. Тўғриси, томоғидан ҳеч нарса ўтмади. Узоқ эзилиб ўтиришгандан кейин Сулаймон ака бошини оғир кўтариб, Тўтиқизни сўради.

Ҳамидахон кўзларига яна ёш югурди.

– Илгари куни аммалари билан амакиси келган эди. Худонинг зорини қилдик: қазноқдан чиқар,



деб. Унамади. Куёвингиз қулфни бузиб чиқарди. Барибир, ўша куни зулфинни тузатиб, яна қамаб кўйди шўрликни. Шу топда ҳам қазноқда.

Сулаймон ака тишларини гижирлатиб гижинди. Кўзларида ғазаб ўти ловиллади. Ўрнидан турмоқчи бўлиб бир кўзғалди. Ичидан ўз овозига ўхшамаган ҳайбатли ўкирик чиқди:

– А?!

Ҳамидахон акасининг авзойини кўриб кўрқиб кетди. Уста Баҳром уни тирсагидан босди.

– Кўйинг, фойдаси йўқ, – деди у, алам сўлдирган кўзларини ерга тушириб.

– Ахир бу ёмон хўрлик-ку! Қандай чидаб бўлади? Айтинг ахир, уста! Қандай чидаб бўлади? Тошни шундай хорласанг, тош ёрилади-я! Эҳ, айб ўзимда! Айб ўзимда! Ўзимдан ўтди, ўзимдан! – У ўзининг пешонасига шапиллатиб урди, – Ўшанда сенларнинг минг-мингнингга қулоқ солмасам бўларди, Ҳамида! Тўйни қилаверайлик, дедим-а! Э, аттанг, аттанг! Энди нима қиламиз? Қандай қиламиз? Гапир?!

Ҳамидахон ерга қараб эзилиб ўтирарди. Акасининг хитоби салचितиб юборди.

– Невлай, ака, невлай! Ўзимнинг ҳам бошим қотиб қолди. Бу фожиада сизникидан кўра менинг айбим кўп, жон ака! Ўшанда ўртага тушмасам, Жамиланинг ёнини олмасам бундай бўлмасмиди. Э Худо, шунча хор қилгандан кўра омонатингни олиб қўя қолсанг нима қилар экан!

Ҳамидахон йиғлашга тушди. Сулаймон ака кўз ёшининг мағлуби эди. У бирдан бўшашиб кетди.

Уста Баҳромнинг эса жаҳли чиқди.

– Ёш болаларникига ўхшайди гапларингиз! Ҳозир айбдорни қидирадиган вақтми? Бўлар иш бўлди. Энди манови муштипарни ўйлаш керак, – деди у, Жамилага ишора қилиб. – У ёқда Тўтихон қафасда! Отаси қақшатиб Тешабойга бериб юбора-



версинми ё бир чорасини кўрамизми? Шунни ўйлаш керак ҳозир! – Кейин ўзини босиб, Сулаймон акадан сўради: – Уларникига кирганингиз йўқми?

– Йўқ.

– Тандир қуришди, энди ўчоқ қилишяпти. Тўполон одам.

Сулаймон аканинг кўзлари косаларидан чиқди.

– Иш қўлдан кетди денг? Наҳотки, а?!

Уста Баҳромнинг юзида истехзо излари кўринди.

– Невлай, кетдими йўқми. Қараб турсак, кетди!

– Йўғ-э! – Сулаймон ака ичидан узилиб қичқирди, – Нима қилайлик дейсиз? Тўйни бузишнинг иложи борми? Шунни айтинг, борми!

Уста энди заҳарли қилиб кулди.

– Мен бир нарса десам, ўғли учун куйяпти дерсиз. Тўғри, ўғлим учун куймай иложим йўқ. Лекин шу томони ҳам борки, ўғлим учун қанча куйсам, Тўғтим учун ҳам шунча, балки кўпроқ куяман. Худо бизга қиз бермади. Тўтихонни қизим қатори яхши кўрардим. Хайр, бу гапларни бир ёққа қўяйлик. Тўтихон ҳам ўша мутгаҳам отаси сингари онадан туғилганмиди ё ердан чиққанми? Ўз пушти камаридан дунёга келган жигаргўшасини шундай хор қилса, мол ўрнида сотиб турса-ю, биз бу ёқда бўйнимизни эгиб тураверсак! Неча кундан бери синглингиз билан шунни ўйлаб эзиламиз. Ахир биз ҳам дунёга бекор кетиш учун келмаган бўлсак керак? Мана қаранг, не-не умид, не-не орзу билан неварга кўраман деб уй солдик, емай-ичмай шу уйни безатдик. Тўй қиламиз, деб қўй боқдик, элга эълон этдик. Энди ўзингиз ўйлаб қаранг, Сулаймон ака, лаънати Ашур қизинигина эмас, бизни ҳам оёқости қилмадими? Ахир мен ҳам ердан юмалаб чиққан бойчечак эмасман! Одамман. Кимсан, фалончи уста. Энди нима деган одам бўлдим. Сиз бўлсангиз, тажанг одамсиз. Ўша куни жаҳлин-



гиз чиқиб кетиб қолдингиз. Кимга жаҳд қиласиз, бизгами? Биз ҳам ўтдамиз-ку! Бизни ўз селимизда қовуртириб қўйманг, оға!

Нариги ҳовлида одамлар шовқини эшитилди. Нима балолар кўтариб киришар, аллаким: «Эҳтиёт қил! Эҳтиёт қил!» деб қичқирар эди. Сулаймон ака ўзига узатилган пиёлани ушлаганича қотиб қолди. Бир неча зум беҳуш ўтиргандан кейин қўлидаги чойни Жамилага тутқазди.

– Ичинг, опповим, ичинг. Мен акангизман, танияпсизми, Жамилахон? – Жамила қалтироқ қўлидаги чойга тикилиб, индамай ўтираверди. Акаси пиёлани сингласининг оғзига келтирди. – Ичинг, жон ука, бир ҳўплаам ичинг.

Иссиқ чой Жамиланинг лабларидан оқиб тушди. Ияги куйиши керак эди, лекин буни ҳам сезмади.

– Икки кундан бери Ҳамидахонингиз бир ёқда, мен бир ёқда нима қилишимизни билмаймиз. Муттаҳам Ашур бу бечорани шу кўйга солиб қўйиб, ўзи тўй оввораси. Тавба!

Сулаймон аканинг асаби томир-томиридан узилди. Кўз олдини қора парда тутди. Вужудида кўрилмаган титроқ турди. Ичидан бир нарса ўпирилиб чиқиб нафасини бўғди. Унда ҳозир қўққисдан қафасга тушиб қолган шер даҳшати пайдо бўлди. Ўрнидан салчиб туриб ёнидан пичоғини суғурди. Яланғоч пичоқ билан нариги эшикка қараб югурди. Уста Баҳром билан Ҳамидахон орқасидан ҳай-ҳайлаб чопди. Дарчага етганда, уста Баҳром уни белидан маҳкам қучоқлаб олди.

Сулаймон ака уни селпиб қичқирди:

– Қўйворинг! Қўйворинг, дейман!

Уста Баҳром унинг қўлидаги пичоққа чанг солди.

– Йўқ, бу иш эмас! Бу ёққа беринг! Мен сизга айтяпман: бу ёққа беринг пичоқни! – Қўймаганига қарамай, уста пичоқни қайириб олди. – Бу қанақа



қилиқ? Агар уни ўлдириш билан иш битса, мен ўлди-
рардим. Ҳа! Бутуғ шўримиз шундаки, бу йўл билан
кутулиб бўлмайди. Мккиламчи бундай қила кўрманг.

– Жон ака, – деди Ҳамидахон ҳам, унинг йўлини
тўсиб, шу муттаҳамни деб бошингизни сиртмоққа
сукманг. Қўйинг, сатқайи...

Сулаймон ака бир силтаб кучоғидан чиқди. У
ҳамон шаштидан тушмаган эди. Лекин шу талаш
устига Дилшод кўчадан Ольга Петровна билан
докторни бошлаб кириб қолди. Сулаймон ака пи-
чогини устадан олиб қинига солди. Ольга Петров-
на Сулаймон аканинг феъли бузуқлигини сезган
бўлса ҳам, сир бермади. Саломлашиб ўтиб кетди.

Жамила ҳамон сочининг учини уқалаб ўтирар
эди. Доктор узоқдан кўрибоқ калласини ликилатди.

Ольга Петровна унинг ҳиссиз кўзларига тикилиб:

– Жамилахон, яхшимисиз? Нима бўлди? – деб
сўради.

Доктор аёл киши эди. Жамиланинг томирини
ушлаб кўрди, қовоқларини қайириб кўзининг ичи-
га тикиади, оғзини очиб тилини кўрди. Кейин Дил-
шодга айтиб битта тунука топтирди-да, уни Жа-
миланинг қулоғига яқин қилиб бехосдан ёғоч уриб
кўрди. Тунуканинг жаранглаши ҳам таъсир этма-
ди. Доктор бошини яна ликилатди. Кейин Ольга
Петровнага русчалаб:

– Руҳий касаллик аломатлари бор, – деди. – Шун-
дай бўлса ҳам текшириб кўриш зиён қилмайди.
Балки бу узоқ йиллар хуноблигининг оқибатидир.
Ҳозир қатъий ҳукм чиқариш қийин. Сўранг, хўп
дейишса, касалхонага ётқизиб текшириб кўрайлик.

Ольга Петровна докторнинг гапини таржима
қилиб берди. Фақат руҳий касаллик ҳақидаги қис-
мини енгиллаштириб айтди. Шундай бўлса ҳам
Ҳамидахон, сингисидан ажраб қоладигандек, уни
бағрига босиб олди. Рангида ранг қолмаган эди.

– Айланай Олияхон, эси оғганлар ичига олиб боришмайдимми? Вой шўрим-эй!

Ольга Петровна гапнинг сирасини айтди:

– Қандай қиласиз, қаерга бўлса ҳам олиб бориш керак-да. Бундай ўтиргани билан тузалиб қолса бошқа гап эди. Кеча кўрганымда мени сал-пал танигандай бўлувди. Бугун, ўзингиз кўрдингиз, ҳеч танимади. Эртага яна баттар бўлса-чи?

Ҳамма ўйланиб қолди. Дилшод «бугунча қолсин, маслаҳатлашайлик» дегиси келса ҳам катталардан ибo қилиб, жим турди. Бошқалар ҳам шу хил фикрда эди.

– Айтинглар, нима қилайлик? – деди Ольга Петровна, ҳеч ким ҳеч нарса деявермагандан кейин.

Уста Баҳром хотинига, у акасига қаради. Сулаймон ака Дилшод кўнглига келган гапни айтди.

Эркаклар Ольга Петровна билан докторни кузатгани чиқишди. Ольга Петровна Тўтиқизнинг аҳволини Дилшоддан эшитгани учун уни яна суриштириб ўтирмади. Фақат извошга тушиш олди-дан «кечқурун меникига келинглар, ўша ерда гап-лашамиз» деди-ю, жўнаб кетди.

Эркаклар ичкарига кириб улгурмасдан кўчанинг бошидан карнай-сурнай – тўй келиб қолди. Дилшод чумчуқ боласини ютаётган илонни кўрганда қандай типирчилаб қолган бўлса, ҳозир ундан бешбаттар потирлаб қолди. Катталар айвон пинжида нест бўлиб туришарди. Дилшод ўзини қаёққа уришини билмади. «Оҳ, Тўтим! Тўтим! Шўрлик Тўтим! Тўй жарини эшитиб, не аҳволга тушди экан, шўрлигим!» деб ўйлади-ю, додлаб юборишдан қўрқиб, югурганича орқа ҳовлига ўтиб кетди.

Тўй эшик олдига келиб тўхтади. Карнай осмонни ағдаришга қасд қилгандай вот-вутларди. Сурнай «Ёр ёр» куйини эзиб чалар, лекин бу ердагиларга у аза ноласидек эшитиларди.



Сулаймон ака туrolмади. Хира пашшани кува-
ётгандек, бошини у ёқ-бу ёқ тўлғади.

– Йўқ, бўлмайди! Бир ёққа бошимни олиб кет-
масам бўлмайди. Ҳозир ёриламан!

Уста Баҳром икки қулоғига икки бармоғини
тиқиб олган эди. Сулаймон аканинг сўзини эшит-
ди ё эшитмади, ўрнидан қўзғалиб:

– Юринг ҳовлига, – деди.

– Э, ҳовлида ҳам эшитилади-да бу лаънати.

– Йўқ, қўшниникидан ўтиб, Олияхонларникига
кетамиз.

Ҳамидахон бир ўзи шўрлик Жамиласини бағри-
га босиб йиғлаб қолди.

.....

Уста Баҳром билан Сулаймон ака Ольга Петров-
наникига гира-ширада кириб келди. Ольга Пет-
ровна улар ёлғиз келганларини кўриб, Дилшодни
сўради:

– Фуломжон акамни айтиб келай, деб кетди, –
деди.

Олга Петровна хурсанд бўлди.

– Яхши бўпти. Тайинлаш эсимдан чиқибди, деб
хуноб бўлиб ўтирувдим. Хўп, Жамилахон тўғриси-
да бирор қарорга келдингларми?

– Ҳали-ку маслаҳатлашганимиз йўқ, лекигин
ётқизмасликнинг иложи бўлмагандан кейин чора-
миз қанча. Нима дейсиз, уста?

Уста Баҳром елкасини қисди. У ўлган устига
чиқиб тепгандай қилиб, Ҳамидахонни синглиси
доғида куйдиргиси келмас эди.

– Шошиладиган нарсамиз ҳозир бу эмас. Бун
бугун ечсак ҳам, эртага ечсак ҳам бўлаверади. Энг
олдин Тўтихон масаласини ҳал қилиш керак. Тўй
келди, карнай-сурнай дунёни бузаяпти. Шўрлик
қиз ёлғиз, ёнида ҳеч ким йўқ. Аламига чидолмай

Ўзини бир нима қилиб қўймадимикан? Ичимни мушукдай тирнаб турган нарса ҳозир шу.

Ольга Петровнанинг боши тушиб кетди. Ҳақиқатан ҳам, ўринли ваҳм эди бу.

– Тўғри айтасиз, жуда тўғри айтасиз, уста ака, – деди у, юраги ёрилиб, – қаранг-а, шу ёғини ўй-ламапмиз.

Эшик бирдан очилиб, остонада Қудрат кўринди. Ҳар келганда кулиб турадиган чехраси бу сафар ташвишли. У киришга ижозат сўраётган киши алфозида тўхтаб, Ольга Петровнанинг кўзларига тикилди.

– Жуда вақтида келдингиз! – деди уй бекаси, елкасидаги оғир юкни кўтаришиб юборган кишига қувониб қарагандай қараб.

Қудрат Сулаймон акани танимаса қам, устани танир эди. Улар нима учун бу ердалигини дарров фаҳмлади. Таклиф қилинган жойга ўтиришдан олдин уста Баҳром ёнига келди.

– Кишлоқдан хунук гап эшитиб келдим. Ростми?

– Агар ўғлим юрагига ўғри киргани бўлса, рост, уста Қудрат.

– Рост бўлса, бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар?

Ольга Петровна жавоб қилди:

– Шунинг маслаҳатини қилайлик, деб чақиртириб келдим буларни. Фуломжоннинг келишини кутиб ўтирган эдик. Ҳа, ана ўзи ҳам келиб қолди.

Фуломжон лавлагидай қизариб, кўзларидан нур ариб кирди. Умумий саломдан кейин Қудрат билан қучоқлашиб кўришди. Шу топда юрагига қил сифмаса ҳам, ўзини бир оз ўнглаб олиш учун, тегишди:

– Тавба, Хизирмисиз, йўқлаганда ҳамиша ҳозир бўласиз.

Қудрат ҳам тегишмоқчи бўлди-ю, лекин Дилшод озор еган боладек бир чеккада мунгайиб турганини кўриб, бошқача гапира кетди.



– Тешабой Асад қори билан қишлоқдан извошда жўнаб кетди. Чамамда, бугун никоҳ ўқитишади. Шунгача бир қарорга келишимиз керак. Сиз нима дейсиз, Фуломжон?

Фуломжон боя тегишгандай бўлса ҳам, томоғидаги тугунни еча олмаган эди. Шунинг учун гапирса йиғлаб юборишдан қўрқаётгандек, «ҳа-ҳа» деб қўя қолди.

Қудрат Сулаймон акага қаради. У боядан бери бир нарсани ўйлаб ўтирган эди. Узоқ куттирмай, тилнинг учида турган гапни айтди:

– Опқочамиз!

Қудрат чарақлаб кетди.

– Баракалла! Мана бу гап! Ольга Петровна, олиб қочсак гуноҳ бўлмайдими?

Ольга Петровна ҳам шу қарорда эканми, ўзига ярашиб тушган бир жилмайиш билан:

– Гуноҳ нима қилиб юрибди, савоб бўлади. Сулаймон ака тўғри айтди, – деди.

Сулаймон ака ўрнидан туриб, ўнг қўлини кўксига қўйди.

– Тўғри бўлса, унда менга жавоб. Физ этиб бориб, қишлоқдан иккита от олиб келай.

– Ўтиринг, ўтиринг. Бешта қиличдай йиғит бешта дулдул билан шай бўлиб турибди, – деди Қудрат.

– Йўғ-э! – деб юборди суюнганидан Фуломжон.

– Ҳа. Замон ҳам шу ерда. Қиз қаерда?

Уста Баҳром суюнганидан ўзини йўқотиб ўтирган эди.

– Қазноқда, – деди у, шошиб.

– Қазноқ хилватроқ жойдами?

– Йўқ, ўзлари турадиган уй биқинида.

– Атрофда одамлар кўп денг?

– Кўп. Иннайкейин, эшик оғзига ҳам, орқа деворга ҳам одам қўйиб қўйган.



Қудрат пастки лабини тишлаб ўйланиб кетди. Умид йўли берклаигидан ҳафсаласи пир бўлган кишилар сингари бошқалар ҳам хаёлга чўмишди. Фақат Дилшодгина умидсизликдан мустасно. У Тўтиси озод қилингандек, юрак потирини босолмайди.

Қудрат анча хаёл суриб тургандан кейин Сулаймон акага қаради.

– Менга қаранг, қочирсак, қаерга боради?

– Меникига.

– Йўқ. Сизникига тўғри келмайди. Сизникини бутун кечаси босишмаса, эртага босишади.

– Тўғри, жуда тўғри тадбир, – деди Фуломжон, хурсанд бўлиб.

Сулаймон аканинг сўзи қинидан суғурилган қиличдай кескир бўлди.

– Бу ёғини менга қўйиб берасизлар. Керак бўлса, етти қирон нарига олиб қочаман!

– Хўп. Уста Баҳром, сиз эшигингизнинг олдида ўтирасиз, жилмайсиз. Сизнинг ўша ерда эканлигингизни кўриб туришсин. Дилшод, сен бўланг билан битта отда, тоғанг битта отда қочасизлар. Биз сизларни кузатиб қўйиб қишлоққа қайтамыз. Сизчи, Фуломжон?

– Мен қизни қочиргунизмизча сизлар билан бўлман.

Қудрат ўрнидан турди.

– Ольга Петровна, хайр энди. Бу масала босилгандан кейин бошқа келаман. Сиз билан гаплашадиган зарур гапларим бор. Қани, кетдик.

Одамлар битта-битта чиқиб кетишди.



Олтинчи боб Биринчи шапалоқ

Никоҳ одатдагидай қиз тушириб кетиладиган тўй оқшомига тайинланган бўлса ҳам, лекин Фосиҳ афандининг қутқуси билан бугун ўтказишга қарор қилинди. Унинг шошилтиришида жон бордек эди. Тешабойга ҳам, Ашурмирзога ҳам шундай туюлди. Фосиҳ афанди шундай ваҳимали тахминлар қилдики, жиккак куёв ҳам, қизфуруш ота ҳам қуймичларига бигиз санчилгандай типирчилаб қолишди.

– Тоғаси ўлгудай сўкур. Жаҳолати кўзгаса, иккалангизни ҳам сўйиб ташлашдан тоймайди, – деди Фосиҳ афанди, куёв билан қайнатани бақамти қилиб туриб. – Хайр, сўймайди ҳам дейлик. Лекин бўйнидан боғлагандай қилиб олиб кетаётганимизни қиз тушунмасмикан? Менга қаранг, Ашурмирзо, қизингиз никоҳга розилик бердими?

Ашурмирзо гуноҳкор кўзларини Тешабойдан олиб қочиб, тўнғиллади:

– Унамаяпти. Ўламан обло йўқ дейди.

Бу гап Фосиҳ афанди тахминини ҳақиқатга айлантирди. У бундан ҳаволаниб чинқириқ товуши билан қичқирди:

– Кўрдингизми?! Ўлса ўлармишу, рози бўлмас эмиш! Биз бу ёқда никоҳни жума куни қиламиз деб ўтирсагу, қиз у ёқда ўзини осиб қўйса, хўш, унда нима бўлади? Бу шармандаликка ким чидайди? Бой афандининг обрўлари нима бўлади? Хўш, ўзлари нима деган одам бўладилар? Йўқ, узокдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Таомил унақайди, таомил бунақайди деб ўтирмай, тўй борган куни кечқурун ичида никоҳни қилиб қўяйлигу, тинчийлик. Ана ундан кейин қизнинг хурпайган патлари ҳам ётиб қолади. Тақдирга тан бермай иложи қанча!



Фосих афандининг: «Ўзини осиб қўйса, нима бўлади?» деган ваҳми Ашурмирзони қазноқ дарчасига миҳлаб қўйди. Унинг кўзи келиб, кетаётган меҳмонларда бўлса ҳам, қулоқлари қазноқ ичида шитир этган овозни пойлар эди. Бирон зарур иш билан у ёқ-бу ёққа жиладиган бўлса, «хушёр бўлиб туринг» деб ўрнига Мамарайим афандини қўйиб кетарди.

Ана шундай кезлардан бирида Мамарайим афанди ёнига бир банги башара одам келди.

– Афандим, сузиб қўйдим, қитдай-қитдай қилиб оламизми? – деди.

У Мамарайимга танишдек кўринди.

«Қитдай-қитдай»ни эшитиб, Мамарайим афандининг кўзлари ўйнаб кетди. Эрталабдан бери кўкнори хумор қилавериб, ўзини қўядиган жой тополмай юрган эди. Пойлаб турган қазноғи эмас, яшаб турган дунёси ҳам бир зумда эсидан чиқди.

– Э, соқолингдан ўргилай, сени менга Худо етказдимми? – деди-ю, қазноқни қолдириб, банги орқасидан дўқанглаганича кетди. Беш-ўн қадам юргандан кейин, назарида, кўп юриб юборгандай туюлдими ё хумор қўймадими, бангини енгидан ушлаб сўради: – Қаерда, болангдан айланай?

Банги ёш банги эканлигини, одамлар кўзида ичишдан истиҳола қилганини айтиб:

– Ҳо анови гулнорани кўрдингизми? Ҳа, баракалла, ерга қулинг ўргилсин деган жой қилиб қўйдим, – деди. Эрталабдан бери ўзим ҳам ютганим йўқ. Томоғим тақирлаб ўляпти. Юринг, бир отамлашайлик, афандим. Ҳа, дарвоқе, нашага қалайлар? Унақасидан ҳам тишимнинг қавагида сақлаб қўйганим бор.

Кўкнори оз шекилли деб Мамарайим афандининг юраги ёрилди.

– Нашадан ҳам бор, деганингиздан кўкнори озми?



Ёш банги қўлларини ёзди.

– Икки коса ё чиқади, ё чиқмайди. Қўйинг, афандим, ғам еманг. Гули жанобларига бўлса, қуйқумини ўзимиз тамадди қилармиз. – Кейин у Мамарайим афандининг қулоғига шивирлади: – Мен сизга айтсам, афандим, нашаданам қитдай отиш керак. Қисталоқнинг тўйида отмасак, азасида отамизми! Лаббай?

Мамарайим афанди қирчанги от кишнашига ўхшатиб ҳиринглади. Ёш банги уни Гулнора бутаси орқасига олиб ўтиб кетди.

Орадан бир соат ўтдими-йўқми, Ашурмирзо қайтиб келди. Мамарайим афанди қазноқ остонасида ўзидан-ўзи тиржайиб, хиргойи қилиб ўтирарди.

Яллама, ёрим, яллола!

Яллолашайлик, яллолашайлик!

Учтами-тўртта бўливолишиб,

Ҳасратлошайлик, ҳасратлошайлик!..

Ашурмирзо пойлоқчисини жойида кўриб хурсанд бўлди.

– Ўтирибсизми?

Мамарайим жавоб ўрнига яна баттар иржайиб, бир кўзини сузиб қўйди. Ашурмирзо унинг қилиғига ҳайрон бўлди. Бироқ устига кўчадан эғнида пиёзи чакмон, бошида ингичка қилиб ўралган ихчам симоби салла, оёқларида янги амиркон кавуш-маҳси билан Тешабой, ёнида чувак жуссасини баланд кўтариб Асад қори, яна икки-уч нотаниш кириб келди. Ашурмирзо кўкрак чўнтагидан соатини чиқариб бир қаради-ю, куёв истиқболига югурди. У шундай бахтиёр эдики, Тешабойга тортиқ қилган биринчи тўтисининг тили билан қарши олди уларни.

– Хўш гелдиниз! Сафо гелдиниз!



Куёв навкарлари билан айвонда тузоғлиқ ҳашаматли дастурхон атрофига ўтирди. Асад қори Тешабой умрига умр, давлатига яна давлат тилангандан кейин:

– Омин, Худо қўшгани билан қўшақаритсин! – деди.

Ой қоронғуси бўлгани учун айвон шифтига қирқинчи фонус осиб қўйилган эди. Ашурмирзо пилдираб келиб чироқ пилигини кўтарди.

Мамарайим афанди қазноқ олдида қўлларини қовуштириб, ҳамон тиржайиб турарди. Тешабой: «Оббо, лаънати, тагин мешкопини тўлғазиб олибди-ку!» деб ичида сўкиб қўйди.

Ашурмирзо куёвларни ош-сув билан банд қилиб қўйиб, ўзи Ҳожи хола ёнига югурди.

– Қиз тайёрми? – деб сўради у, тез бўл, дегандай қилиб.

Ҳожи холанинг энсаси қотди.

– Калит сизда бўлади-ю, қанақасига тайёр бўлади! Очинг тезроқ, ҳеч бўлмаса эгнига оқ қўйлак кийгизайлик.

Ашурмирзо қазноқ қулфини очди. Ҳожи хола оқ қўйлак кўтариб кирди. Кирди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Қазноқнинг орқа девори ўпирилган гўр оғзи сингари очиқ эди. Ҳожи хола додлаб юборишига сал қолди. Дарров оғзини енги билан тўсиб, Ашурмирзони чақирди. Тешиқдан тушиб турган ғира-шира бўлмаса, қазноқ ичи қоронғи эди.

Ашурмирзо эшикни ёпиб кирди. Девордаги тешикни кўрмай:

– Нима дейсиз яна?! – деди зарда қилиб.

– Қизингиз қочибди! Қаранг!

Ашурмирзо тешикни кўриб, гарангсиз қолди. Калласи Ҳожи холанинг елкасига шилқ этиб тушди.

Ҳожи хола уни елкасидан ушлаб силкитди.



– Ҳай, бу нимаси? Каллангизни кўтаринг! Вой шўрим! Вой шўрим! Шарманда бўлдингиз, шарманда! Бой нима дейди? Энди қандай қилдик, а? Вой шўрим! Вой шўрим! Вой мен аралашмай ўлай!

Ҳожи хола бетини юла бошлади. Ашурмирзо калласига тўқмоқ тушган одамдай гандираклаб, Ҳожи холани кучоқлади.

– Жон хола, айтинг, нима қиламиз энди? Нима қиламиз? Айтинг, жон хола, айтинг!

Ҳожи хола қоронғида бир нарсани пайпаслаб топиб устига ўтирди. Чиндан ҳам илги қуриб, оёқлари қалтирай бошлаган эди.

– Билмайман, билмайман, Ашурмирзо, билмайман! Бошим қотиб қолди. Вой ўлай, энди қайси бетингиз билан чиқиб, «қизим қочди» дейсиз-а? Вой шарманда! Энди нима бўлади? Бойдан асли бетингиз шувут эди, энди буниси ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлди. Вой бечора Ашуржон, пешонангизда шўрингиз бор экан!

Ўрганиб олган сўзини ҳамма вақт такрорлаган тўтиқушдай: Ашурмирзо ҳам нуқул «нима қиладим, нима қилдим?» деяар, дод деб чиқишдан ўзини зўрға босиб турарди.

– Гапиринг, нима қиласиз? – деди Ҳожи хола, чиндан ҳам боши қотиб.

Ашурмирзони безгак қалтироғи босди.

– Нимани гапираман, Ҳожи хола? Нимани гапираман?

– Ҳай, мунақа бақирманг! Ташқаридагилар эшитади.

– Нима қилай? Чиқиб айтайми? – деди Ашурмирзо, худди ўлик товуш билан.

Ҳожи хола унинг елкасига бир мушт туширди.

– Жинни-пинни бўлдингизми? Тешабой еб ташлайди! Тириклайин еб ташлайди-я!



– Бўлмаса нима қилай? Бир йўлини топинг! Топинг холажон!

Ҳожи хола заҳархандалиги ошкор билиниб турган хунук бир товуш билан қулоғининг тагига мушт туширгандай қилиб гапирди:

– Йўли шу: қизингизни топасиз-да, яна шу тешикдан жойига олиб кириб қўясиз. Ёқадими?

Ашурмирзо, мазахни маслаҳат деб тушуниб, ўртанди.

– Э Худо! Нимага иложи йўқ нарсаларни гапирасиз-а, хола? Баттол қиз ҳовлидамики, гираклаб олиб кириб қўйсам! Йўқ, холажон, бошқа йўлини топинг. Бошқа йўлини топинг!

Ҳожи хола кўп йўллари билганидек, бу мушкулдан қутулишнинг бошқа йўлини ҳам биларди. Бу йўлини аллақачон айтиши мумкин эди, лекин темир қизимай уриб бўлмайди. Шунинг учун уни аввал қизитиш, яъни болға урилганда букиладиган қилиш керак. Ҳожи хола худди шундай пайтни пойлади.

– Йўли бор. Лекин белингизни қайиштирадиган йўл, – деди у, энди бояги заҳарини бир ёққа йиғиштириб қўйиб.

Ашурмирзо жағи жағига тегмай қалтирарди.

– Етса молим, етмаса жоним, айланай хола, нима десангиз хўп, айтинг, тез айтинг!

– Юз тилла берасиз.

Ашурмирзонинг эхонаси чиқиб кетди.

– Юз тилла?!

– Юз тилла!

– Шу юз тилла билан шармандалиқдан қутуламми?

– Ҳозирча қутуласиз?

– Ҳозир қизингиз ўрнига мен никоҳдан ўтаман. Мени никоҳ қилиб кетишади.

Ашурмирзо гангиб тургани учун тушунмади.

– Сизни?



– Мени.

– А?..

– Ҳа.

– Бу қандай бўлди?..

Ҳожи хола жаҳли чиқиб, уни елкасидан бир туртди,

– Одам деган шунақаям пандавақи бўладими! Булар кетишгандан кейин қизингизни ерданми, кўкданми топиб кўясиз. Жума куни тушириб кетишади. Уқдингизми?

– Уқдим, уқдим. Бордию, тополмадим, унда нима бўлади?

– Уч кун бор. Сиз тополмасангиз мен топаман!

– Хўп, хўп, холажон! Худо умрингизга барака берсин холажон!

– Қани, чўзинг!

Ашурмирзо ё писанда эсидан чиққан эди, ё ўзини овсарликка солди, чўчиб:

– Нимани? – деди.

– Юз тиллани.

– Ҳа, юз тилла! Э, жон хола, ҳозир менда пул нима қилсин? Кейин бераман, Худо урсин, бераман. Ҳозир насияга ўтиб тулинг, холажон.

– Мен насияга савдо қилмайман. Шу ёшим билан бировнинг никоҳига ўтишим осонми? Боринг-боринг, сизни деб дўзахда куйишга тобим йўқ!

Савдо қаттиқ кетди. Ҳожи хола оёғини тираб туриб олди. Ашурмирзо чўнтагидан тилла занжирли олтин соатини чиқарди.

– Шунини олиб тулинг, жон хола. Иш ўнгидан келди дегунча, яна юз тилла бераман.

Ҳожи хола соатни қўлидан юлқиб олди.

– Бу ҳисобга кирмайди, а?

– Кирмайди. Ширинкома.

Ҳожи хола қоронғида соатни кўзига келтириб қаради.



– Кумушга ўхшайдими ё темирми?

– Э, олтин, холажон, олтин. Худо урсин, олтин!

Шу пайт қазноқ эшигини ташқаридан биров итарди.

– Мулла Ашур, қаёқда қолиб кетдингиз?

Ҳожи хола Ашурмирзони орқасидан итарди.

– Чиқинг! Чиқинг!

Ашурмирзо қопга тиқиб тўқмоқланган кишидай лаллайиб чиқди. Рангида ранг қолмаган эди. Тешабойга лаблари, қўллари қалтираётгандай кўринди. Қизи хишлак қияпти шекилли, деб ўйлаб:

– Ҳа, нима гап? – деб сўради у.

Ашурмирзо тиржайишга ҳаракат қилди.

– Ҳеч гап, тақсир, тинчлик. Ҳа, тинчлик.

Асад қори Тешабойга бир қараб олиб, Ашурмирзодан сўради:

– Никоҳни қаерда ўқиймиз, Мирзам?

Ашурмирзо бир зум ўзини йўқотиб турди. Кейин, қазноқ томонни ишора қилди:

– Хов анави ерда.

– Борсак бўлаверадими?

– Албатта.

Асад қори ёнида вакил ота, яна бир гувоҳ билан қазноқ эшиги пинжида тўхтади. Кейин эшикни жиндай қиялатиб қўйиб, никоҳ ўқишни бошлади.

– Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм... Биби Тўти Ашурмирзо қизи, Болтабой ўғли Тешабой афандимга шаръан хотин бўлмоқлик учун никоҳ ҳалолингиз бағишладингизми?

Ичкаридан жавоб чиқмади. Асад қори бир оз кутгандан кейин саволни яна такрорлади:

– Биби Тўти Ашурмирзо қизи, Болтабой ўғли Тешабой афандимга шаръан хотин бўлмоқлик учун нафси ҳалолингизни бағишладингизми?

Ичкаридан Ҳожи холанинг овози эшитилди:



– «Ҳа» де. «Ҳа» де. Бас-да. Ҳадеб сўратаверасанми! «Ҳа» де!

Ашурмирзо саволини беш марта такрорлади. Кейингисида Ҳожи хола овозини баралла қўйиб жанжал қилди.

– Вой, қанақа қизсан? Бас-да шунча ноз қилганинг! Қори поччангни сарғайтирма кўп, айланай. «Ҳа» де, оппоғим! Айта қол, жон болам!

Ичкаридан йиғи аралаш ўлимтик овоз эшитилди.

– Ҳа.

Асад қори, иложи йўқ нарсанинг иложини қилгандай, чарақлаб кетди.

– Эшитдингларми, тақсирлар? – деб сўради у ёнидагилардан.

Улар эшитганларини тасдиқ қилишди. Асад қори Қуръон тушириб, фотиҳага қўл кўтарди. Аммо қўллари соқолига етиб келмади. Тешабой қароларидан бири орқа ҳовлидан уввос кўтариб келиб қолди.

– Хўжайин! Хўжайин! Уйнинг орқасини тешиб, сиз оладиган қизни олиб қочишибди! Турдимат айтди! Ана Турдимат!

Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Ашурмирзо чопиб бориб, ўзини бой оёғига ташлади. Тешабой уни бир тепиб қазноқ эшигига югурди. Эшикни қарсиллатиб тепди. Эшик ланг очилди. Ичкарида Ҳожи холадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Тешабой ерда эмаклаб келаётган Ашурмирзога даҳшатли кўзларидан найза отди.

– Бу қандай масхарабозлик? – У овозини яна кўтарди. – Бу қандай муттаҳамлик?

– Тақсир...

– Тур ўрнингдан ифлос! Тур, дейман!

– Жон тақсир, менда айб йўқ... Қочганидан бе-
хабарман, жон тақсир. Худо урсин, бе-
хабарман.



Куёв қайнотасининг бетига бир шапалоқ урди-ю, навкарлари билан дўқиллаб чиқиб кетди.

Ашурмирзо бетини ушлаганча миршабхонага югурди.

Еттинчи боб

Тергов

Орадан ярим соат ўтмай уста Баҳромни миршабхонага ҳайдаб келишди. Ашурмирзо билан Фосих афанди ҳам шу ерда эди. Пристав ўзбек тилини анча-мунча биларди. Уста Баҳромни кўриб, бирданга ҳам қўлларини ёзди, ҳам елкасини қисди.

– Э, сеники уста! Мен ўйлади бандит. Ўтир. Стулга ўтир.

Уста Баҳром эшик ёнидаги стул четига омонатгина ўтирди. Кела-келгунча юрагини кемирган гашлик Пристав гаридан кейин бир оз тарқалди. У приставникида бир ойча ишлаб, ойнаванд айвон қилиб берган эди. Пристав ҳам уни ҳалол иши, ажойиб санъати учун ҳурмат қиларди. Пристав уста Баҳромга юмшоқ гапирганини кўриб Фосих афанди билан Ашурмирзо карахт бўлиб қолишди.

Пристав гоҳ шопдай мўйловларини, гоҳ ён соқолларини, гоҳ тоза қирилган иягини гижимлаб ўтирарди.

– Сеники ёмон иш қилди, – деди у, уста Баҳромга кўзойнагининг устидан қараб.

Уста Баҳром елкаларини қисди.

– Нима қилибман тақсир?

Фосих афанди ўзини тутолмади.

– Билиб туриб, яна ўзингизни билмаганга соласиз, уста! – деди у, гижиниб.

– Йўқ, сиз билсангиз, айтинг. Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Бир нарса бўптими?

Ашурмирзонинг кўзлари соққа-соққа бўлиб уриб чиқди.



– Қизимни олиб қочишибди! Ўғлингиз олиб қочган! Яхшиликча топсангиз топдингиз, бўлмаса турмада чирийсиз! Ҳа! Турмада чирийсиз!

Уста Баҳром мазахла қилиб кулди.

– Ўзингиз кўрдингиз, эшикдан жилганим йўқ. Кучга чиққанингизда ҳам ўша ерда эдим, кирганингизда ҳам. Аҳлиянгиз қаттиқ бетоб. Бундан хабарингиз ё бор, ё йўқ. Дарвоқе, аҳлиянгизни касалхонага ётқизгани шаҳарга бир бориб келдим. Бундан бошқасини билмайман. Тўй қилаётган сиз. Бизга нима тортқилик? Ким билади, қизимни бераман, деб Тешабойни алдагандирсиз, қизингизни Дилшод билан ўзингиз қочириб юборгандирсиз! Сиз менга эмас, мен сизга даъвогарман. Ўғлимни топиб берасиз!

Пристав боши қотиб, «Да-да» деганича ўйланиб қолди. Фосих афандининг ичида гумон шайтони бош кўтарди. «Бу муттаҳам илон ёғини ялаган. Шайтонга дарс беради. Азбаройи қарзидан қутулиш учун қизини бераман деб алдаган бўлиши мумкин. Хужра олдида пойлоқчи, орқасида пойлоқчи турса, ҳамма ёқ гуж одам бўлса, ҳақиқатан ҳам, қандай қилиб қочиб бўлади? Йўқ. Бунда ўзининг қўли бор. Ўзи қочирмаса, бошқалар олиб қочолмайди. Мумкин бўлмаган гап. Тезда Тешабойга бориб маълум қилиш керак».

Фосих афанди кўнглида шундай деб ўйласа ҳам, яна уста Баҳромга пўписа қилишини қўймади.

– Уста, сиз ўзингизни анқовликка солманг! Қизни ўғлингиз билан қочириш ниятингиз бўлмаса, тўйхонада хизмат қилардингиз. У ерда қорангизни кўрсатмадингиз!

Уста Баҳром ўз қадрига йиғлаган киши алами билан бўғилиб гапирди:

– Санамай саккиз дейиш осон, Фосих! Ўғлимга олиб бераман, деб шунча йиллар мен умид билан



кутган бир қизни ўғлимга бермай, бошқа бировга кўзимни бақрайтириб туриб сотаётган мутгаҳам уйига қайси бетим билан кираман! Менинг ўрнимда сиз бўлсангиз кирармидингиз? Йўқ, ҳатто... сиз ҳам кирмасдингиз. Яна билмадим, ҳалол билан ҳаромни, савоб билан гуноҳни фарқ қилмайдиган баъзи фисқу фужурлар учун бундай шармандагарчилик, хў-ўш, бундай, ҳақорат нафс балоси олдида ҳеч нарса эмасдир. – Уста ҳар бир сўзини Фосиҳ афандининг юзига тавқи лаънат тамғасини босаётгандай қилиб гапирди. Фосиҳ афанди буни пайқамади ё пайқаса ҳам ўзини гўлликка солдими, миқ этмади. Уста ундаги бетаъсирликни кўриб, калласини ликилатди. Кейин яна бояги оҳангда давом этди. – Сиз кирсангиз, элдан олдин мен айб қилардим, Фосиҳ! Тўйда хизматингиз, деб яна менга таъна қиласиз. Шармандаликни ким бетига чапласа чаплаб олаверсин, лекин менинг қўлимдан келмайди. Тўғри, тўйга биз қарши бўлдик. Ҳали ҳам қаршимиз. Аммо-лекин, кўнгил учун бўлса ҳам, бизни тўйга айтиши керакмиди манови? Керак эди. Айтдими? Айтмади. Хайр, бизни айтмаса айтмагандир. Қизга даъвогар бўлганимиз учун кек сақлагандир. Хўш, нимага ўз жигарларини айтмайди? Ё эсидан чиқиб қолдими? Йўқ, бунинг мақсади бошқа эди. Тешабойни эшак қилган, уни суфургани олиб бориб, суфурмай келмоқчи бўлган. Ана энди у ёғини ўзингиз топиб олинг. Биз бундай қилвирнинг тўйига аралашишдан ор қиламиз. Қолаверса, айтилмаган тўйга йўнилмаган таёқ бўлиб бориш нима-ю – ит ялоғидан ювинди ичиш нима!

Фосиҳ афанди «Ҳар ҳолда...» деб гап бошлаган эди, уста Баҳром кесиб қўйди:

– «Ҳар ҳолда»си йўқ! Ўзингиз ўйлаб кўринг: қиз бо-яқишни худди Бухоро амиридай зиндонга солиб қўйибди-ю, пойлоқчиларнинг кўзларини бақрайтириб



туриб қочадими? Йўқ, мана шу одамнинг ўзи бош бўлмаса, у ердан одам тутул, қуш ҳам қочолмайди.

Ашурмирзо қизи қочганидан, бунинг устига ҳамма айб ўз гарданига қўйилаётганидан ҳуши кетиб ўтирарди. Ўзини оқлашга дадил тополмай:

– Қазноқнинг деворини тешиб қочишган, – деди.

Бу гап уста даъвосига исбот бўлиб тушди.

– Ана кўрдингизми, – деди у, жонланиб, – уй орқасини тешиш учун камида ярим соат вақт керак. Ҳолбуки, у ерга қоровул қўйган. Бундан ташқари, у ёққа одамлар ўтиб туришади. Деворни гурсиллатиб тешармиш-да, қоровул ҳам сезмас эмиш, одамлар ҳам кўрмас эмиш! Йўқ, бўлмаган гап!

Фосиҳ афандининг дами ичига тушиб кетди. Ашурмирзо гарангсиб қолди. Пристав ҳамон мўйловларини уқалаб, хаёл суриб ўтирарди. Қизни қандай олиб қочишганидан устанинг хабари йўқмиди, у:

– Нима, орқадаги қоровулни ўлдиришганми? – деб сўради.

Пристав калласини ликиллатди.

– Йўқ, қоровул шунда.

– Қоровул шу ерда бўлса, чақиринг, тақсир, сўранг, адолат қилинг.

Пристав столдан катта пиёлача келадиган қум қўнғироқни олиб жинғирлатди. Бир миршаб кириб честь берди.

– Приведите молодого человека.

– Слушаюсь, ваше благородие!

Миршаб бир зумдан кейин Тешабой қаролини ҳайдаб кирди.

– Сеники от нима? – деб Пристав сўраган эди, у яхши уқмай, гарангсиб қолди.

Саволни Фосиҳ афанди тушунтирди.

– Отинг нима, деяпти.

– Ҳа, отимми? Турдимат, тақсир.



- Сеники шаҳарда туради?
- Йўқ, тақсир, қишлоқда.
- Қайда ишлайди?
- Тешабойнинг қаролиман, тақсир.
- Савол навбатини Фосиҳ афанди илиб кетди.
- Деворни тешганларида сен қаерда эдинг?
- Мен бошқа ерда эдим, қандай тешганларини кўрганим йўқ.
- Сени-ку ўша ерга Ашурмирзо пойлоқчи қилиб кўйган экан, нима учун бошқа ёққа кетиб қолдинг?
- Афандим, Ашурризо деган одамингизни танимайман. Мени у ерга Мамарайим афанди кўйган. Фосиҳ афанди унинг хатосини тузатмоқчи бўлиб:
- Ашурризо эмас, Ашурмирзо, – деди.
- Турдимат қўлини силтади.
- Менга барибир, Ашурризоми, Ашурмирзоми... Фосиҳ афанди ўзини тутолмай кулиб юборди.
- Қишлоқи авомсан-да, тилинг гапга келмайди.
- Хўп, нима учун у ердан кетдинг?
- Мен қайдан билай, ўзлари кеткизишди.
- Фосиҳ афанди бир жикиллаб тушди.
- Ким кетказди?
- Қоронғида танимадим. Ёнимга келиб: «Йигит, ҳо анави ёққа бориб тур. Бу ёққа қарама ҳам, дамнингни чиқарма ҳам. Хўжайиннинг буйруғи шу», деди. Хўжайин буюргандан кейин «йўқ» дейманми? Кетдим. Нимага десангиз, қизни хўжайинга тегишга унамаяптимиш, деб эшитган эдим. Ҳа-а, хўжайин олиб қочар экан-да, деб индамай туравердим.
- Ўша одамнинг юзини кўрдингми?
- Кўрдиму, қоронғи бўлгани учун танимадим.
- Бундай қарагин-чи, шу ерда Пристав жаноблари-ю, сендан бошқа яна уч киши ўтирибмиз. Биронтамизга ўхшайдими?
- Фосиҳ афанди шу саволи билан уста Баҳромни қўлга тушириш қасдида эди. Турдимат учаласига



роса синчиклаб тикилди. Яна ҳар бирига қайта-қайта тикилди. Кўзлари охири Ашурмирзода тўхтади.

– Шу кишига ўхшайди. Соқол-мўйлови шунақа эди.

Фосиҳ афанди Ашурмирзога ярқ этиб қаради. Чап мўйлови бир неча бор устма-уст учди. Кейин Турдиматдан ўқрайиб сўради.

– Сен ўзинг танийсанми бу кишини?

– Йўқ, афандим. Э, э, шошманг, шошманг, эсимга тушди. Кўкрак чўнтагида соати тикирлаб турувди. Занжирига ҳам кўзим тушган. Ҳа, соати бор эди.

Ҳамма бирданига Ашурмирзонинг кўкрак чўнтагига қаради. У ерда соат йўқ эди. Ашурмирзонинг ранги ўчиб кетди.

Фосиҳ афандининг қора кўзойнак устидаги сийрак қошлари бир-бирига мингашди.

– Тақсир, соатингиз қани?

Ашурмирзо тамом бўлди. Қалтироқ товуш билан:

– Соатим йўқ, – деди.

– Аслида йўқмиди ё...

– Аслида йўқ, афандим.

Фосиҳ ўрнидан сапчиб туриб кетди.

– Ҳайронман, ё ҳушингиз жойида эмас, ё ўзингизни овсар қилиб кўрсатяпсиз. Ҳалигина биз Тешабой афанди билан сизникига борганимизда, ана шу кўкрак чўнтагингиздан соатингизни олиб: «О, етти бўпти. Роса кутдик-а!» демабмидингиз? Қани ўша соат?

Ашурмирзо саросима бўлиб қолди.

– Ҳа, дарвоқе, бор эди, бор эди-я! Билмайман қайда қолди.

Баҳром ҳоҳолаб кулиб юборди. Пристав ҳам кулди.

Фосиҳ афанди калласини ликиллашиб хайфсинди:

– Афсус, афсус, афандим, минг афсус! Мен сизни бу қадар тубан кетгансиз деб ўйламаган эдим.



Жиноят ипи сизга уланяпти. Бу ёғи қандай бўлди? Энди Тешабой афандимга нима деб боришимни изн буюрасиз.

Хавфни сезган тошбақадек, Ашурмирзонинг боши бўйнига кириб кетди. Соат можароси қўлоёғини боғлаб берди. Ўзини оқлашга далил қолмаган эди. Ҳақиқатни айтишдан ҳам ожиз эди. Эзилиб, бўзариб ўтириб қолди.

Фосиҳ афанди даст ўрнидан турди.

– Пристав жаноблари, менга жавоб. Масала ойдин. Ҳукмни бойнинг ўзлари чиқаради. – У эшик овзига етди-да, тўхтаб, Турдиматга ишора қилди. – Бу бола мен билан кетаверсинми, ё?..

– Кетаверсин, – деди пристав, зарда билан қўл силтаб.

Уста Баҳром Ашурмирзодан шунча ёмонлик кўрса ҳам, тақдирнинг тескари нағмаси уни шу аҳволга солиб қўйганига ачинди.

Пристав мўйловларини бир-икки бураб қўйиб, Ашурмирзога хўмрайиб қаради.

– Сеники ўтиради, кетмайди. Уста, сеники уйга кет. – Пристав қўнғироқ чалди. Бояги миршаб кириб яна честь берди. – Отводите его первую, – деди у Ашурмирзони кўрсатиб.

Саккизинчи боб **Дард устига чипқон**

Қорабулоқ кузи бу йил ҳам яхши келди. Тешабойнинг омади келишиб ғўзалари шундай бўлдики, заводи пахтага тиқилиб кетди. Аввалги йили пахталарини Миркамолбой билан Симхаев заводларига ташийвериб жуда хуноб бўлган эди. Энди бу ташвишдан қутулди. Мана икки ойдан бери заводи гумбураб ишляпти, далалардан келаётган қанор-қанор пахталарни пайдар-пай тозалаб, той-



лаб ташлаяпти. Узун бостирма пахта тойлари билан тўлиб кетди. Тешабой заводи пахта булоғидай қайнаб тошганига бир қувонса, бу тоғ-тоғ тойлар ётиб қолганидан юраги сиқилар эди. Бир маҳаллар шаҳарда ҳоким бўлиб турган Фишманнинг акаси билан тузилган муоҳидага кўра бу тойлар Германияга кетиши керак эди. Лекин жаҳон уруши ҳамма йўлларни тақа-тақ беркитиб, Тешабой пахталарини ётқизиб қўйди. Буларни Москва яқинидаги Иваново-Вознесенск тўқимачилик корхоналарига сотай деса, уларнинг хўжайинлари Миркамол, Симхоев, Потияховлар билан тузган шартномамиз бошқалардан пахта сотиб олишимизга йўл қўймайди, деб қизиқишмайди. Ана шундан кейин у Петербург корхоналарига ишқаб кўрди. Улар рад қилишмади-ю, лекин нархини Тешабой мўлжалидан паст кўрсатишди. Шу нархга бериб юборса, мўлжаллаган фойдасининг учдан биридан айрилади. Шу сабабли пахталарини тойлаб омборга босиб қўяверди.

Тешабой ишининг бу томони юришмаса ҳам, у заводининг яхши ишлаётганидан қувониб, эртаю кеч заводида айланиб юради.

Бир кун Оқчурин уни пахта ғарамига бошлаб келди.

– Хўжайин, пахталарни нам-қуруқ аралашига девалаяпмиз. Ўт чиқиб кетмаса деб қўрқаман, – деди у, ғарам ичидан олган бир сиқим пахтани ғижимлаб кўрсатиб. – Қаранг, жуда ҳам нам.

Тешабой, менинг пахтам қуядиган хилидан эмас, дегандай қилиб ҳиринглади.

– Аммо ўлгудай восвоссан-да, Воҳид! Инженерсану, кўп нарсага ақлинг етмайди. Ғўрсан-да, ғўр! Бекордан-бекорга қанақасига ўт чиқади?

Оқчуриннинг нафси оғриди. У ҳам бойни бир тишлаб олмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини босиб, аламини ишорага юклади.



– Пахта ҳам гўнгга ўхшаган нарса, хўжайин, – деди «гўнг» сўзини айтаётганда Тешабой юзига калласини бир ирғаб. – Деваланиб, димиқиб ётган гўнг намдан қандай қизиб кетади, биласиз-ку! Тўғри, гўнг ёнмайди, чунки суви кўп, жиққа хўл. Пахта ёнади, чунки атрофи тез туташадиган қуруқ тола. Шунинг учун пахталарни ғарамлашдан олдин ёйиб қуритсак.

– Шунча пахтани-я?! Суф сенга!

Тешабой қайрилиб чиқиб кетди. Уни шаҳарда Тўтиқиз билан бўладиган никоҳ кутар эди. Юракда ёш, гўзал қиз шавқи ўт қалаб турган бир пайтда пахта кўзга кўринадими! У куёвнавкарлар билан шаҳарга жўнаб кетди. Аммо шаҳардан шарманда бўлиб алламаҳалда келди. Шармандалик уни ўтдан олиб ўтга солар, бу ғаламислик бошида Қудрат билан Замон бор деб ўйлар, буларни тез қистовга олиб, қизни топтириш хаёлини қилар эди. Шундай ғазаб билан гузарга кириб келганида Қудрат, Замон, Оқчурин самоварда чой ичишиб ўтирган эди. Тешабой отда ўтиб кетаётиб, Воҳидни чақирди. У суҳбатдошларига узр айтиб, бойи орқасидан югурди. Тешабой уни тўғри меҳмонхонага бошлади. Пайпасланиб юриб фонарни ёқди. Тешабойнинг лаби-лунжи осилиб кетган эди. У апил-тапил куёвлик сарполарини ечди-ю, Воҳиднинг икки елкасидан ушлаб чинқирди:

– Ростини айт: Қудрат жилдими бу ердан?

Воҳид ҳайрон бўлиб сўради:

– Қаердан?

– Қишлоқдан!

– Невлай. Сиз шаҳарга кетганингизда чилангарликда эди. Бориб, бир-икки иш буюрдим. Қилиб қолувди. Заводдан қоронғида чиқиб кетдим. Ўшанда ҳам ишлаётган эди. Ҳа, хўжайин, бир нима бўлдими?

Тешабой жавоб ўрнига савол берди:



– Заводдан қачон чиқиб кетганини билмайсанми?

– Билмайман. Уйда овқат қилиб, самоварга чой ичгани чиқсам, ўша ерда экан. Анчадан бери гаплашиб ўтирибмиз.

Тешабой пастки лабини бошмалдоғи билан шаҳодат бармоғи орасида эзфилаб бир неча зум у ёқ бу ёқ юрди. У ҳозир катта фалокат олдида нима қилишини билмаган ожиз кишига ўхшар эди.

– Қоровулни чақир! – деди у, бирдан тўхтаб. – Завод дарвозасида турадиган чолни!

Оқчурин нима воқеа эканини тушунмасмиди ё тушунса ҳам ўзини билмаганга солдими, елкаларини бир қисиб қўйиб, индамай чиқиб кетди. Тешабой яна юришга турди.

Оқчурин қоровулни бошлаб кирганда ҳам у даҳшатли ўй чанғалида тўлғанмоқда эди. Чол саломига алик бермай ундан ўқрайиб сўради:

– Қудрат заводдан қачон чиқиб кетди?

Қоровул, туйқусдан бўри оғзига тўғри келиб қолган қўзичоқдай, қўрқиб кетди. Кўзларини пилпиллатиб:

– Одамлар хуфтон намозидан чиққанда ҳам ишлаётувди. Чамамда, чиққанига бир ош пишиғи бўлди ё бўлмади.

Тешабойнинг тарвузи қўлтиридан тушди. Бир нарсани чўтлаётгандек, ўйланиб қолди. Кейин, чолни гапидан тутмоқчи бўлдими, қўққисдан:

– Кимнинг чиққанига? – деб сўради.

Чол тўғри айтган бўлса керак, яна боягидай даядил жавоб қилди:

– Уста Қудратнинг чиққанига-да, хўжайин.

Тешабой янги қармоқ ташлади.

– Икки ош пишиғи бўлди, дегин?

– Йўқ, хўжайин, бир ош пишиғи бўлди ё бўлмади.

– Замон-чи? У қачон кетди?

Бу сафар Воҳид жавоб қилди:



– Замон ака мен билан чиқиб кетган. У ҳам шу ерда эди.

Тешабой қоровулга жавоб бериб юборгандан кейин Оқчуринага юзланди.

– Менга қара, Воҳид, бу ерда бирон ноўрин нарса сезганинг йўқми?

Оқчурина ҳайрон бўлди.

– Тушунмадим, хўжайин.

– Қудрат-ку шу ерда экан, шаҳарга яёвми ё отликми одам юборгани йўқми? Сезмадингми?

Оқчуринанинг нафси оғриди.

– Мен заводингизда муҳандисман. Одамлар орқасига қўйилган пойлоқчи ё хуфия эмасман. Мени бунақа ишга аралаштирманг.

Тешабой ундан бу хил дашном кутмаган эди. Жаҳли чиқиб чинқирди:

– Бурнинг кўтарилиб қопти дейман-а! Кўзингни катта оч, бола, сен менинг одамимсан, мендан ойлик оласан! Ҳе сени...

– Ойликни сизга сотаётган меҳнатим учун оламан, бой! Виждонимга даҳл қилманг! У сотилмайди, сотиладиган мато эмас!

Оқчурина чўрт бурилиб чиқа бошлади. Тешабой аввал еган қамчисининг оғриғи босилмай, яна қамчи еган кишидай бир ингради. У Воҳид орқасидан бир хезланди-ю, пўрсилдоқ боғлаган ярнинг ёрилишидан қўрқиб, ўзини босди.

– Менга қара, Воҳид, сирканг сув кўтармайди-да; ҳазилни ҳам тушунмайсан-а, – деди у, мулойим товуш билан. Оқчурина эшик оғзида тўхтаб бойга ўтирилди. Кўзлари лиқ тўла нафрат эди. Тешабой дарров гапни бошқа томонга буриб юборди. – Пахталар қалай, ўт чиққанича йўқми?

Оқчурина қовоғини очмай дўнғиллади:

– Ўт-ку чиққани йўқ, лекин ўт чиққандан баттар. Боя у ёқ-бу ёғини кавлаб кўрдим, тафти баланд – қизиб кетган.



– Майли, бор. Яна бир хабар ол, жуда бўлмаса эртага ёйдирамиз-да.

Тешабой тўлиб-тошган аламини сездириб қўймаслик учун Оқчуринни юмшоқ гап билан чиқариб юборди-ю, кейин шу алам ўтида қоврила бошлади. У энди қишлоқда ҳам шарманда бўлишини ўйлаб гоҳ бошини чангаллар, гоҳ соқолини юлиб меҳмонхона ичида гир айланар эди. «Мени нима нас босди? Мени нима нас босди?» деб ўзига қайта-қайта савол берар, жавоб тополмай кўз ўнгини зулмат босарди. Бир маҳал Фосиҳ афанди эсига тушди. Эсига тушибгина қолмади, уни шармандалиқдан қутқазадиган бирданбир нажоткор бўлиб гавдаланди. Тешабой назарида, у тўрт атрофга миршаблар изғитиб, қочган қизни қувдирар, ҳаял ўтмай туттириб келаётгандек бўларди. Лекин бу нажоткор ҳам Тешабой дардига дармон келтирмади. Фосиҳ афанди Тешабой хаёлига келмаган мудҳиш хабар билан уни тирик ўлдирди. Миршабхонада бўлган гапни оқизмай-томизмай айтиб, бутун айбни Ашурмирзога юклади. Тешабойнинг мушукники сингари кичкина гавдасига шер вазаби тўлди. У ўз гавдасига ярашмайдиган хунук товуш билан ўкирди, белидан зарб еган илондай тўлғанди.

– Ердан бўлса ҳам, кўкдан бўлса ҳам топиб кел муттаҳам Ашурни! Осаман! Шу ўз қўлим билан осаман. Суякларини шу тишим билан ражийман! Эшакка тескари миндириб кел! Жазойи қилиб кел! Ҳамма кўрсин! Юзига қора сурт итваччанинг! Тез бор!

Тўққизинчи боб

Гаврон

Ашурмирзо уста Баҳромни исканжага олдириб, қизини қаерга қочирганини айттириш, агар асовлик қилса, турмага тиқиш нияти билан миршабхо-



нага паноҳ тилаб келган, лекин тақдир қартасининг бу тариқа чийланишини хаёлга келтирмаган эди. Бу хатосини товуқ катагидай кичкина камеранинг зах ери иссиқ кўрпага ўрганиб қолган юмшоқ биқинига ботгандагина англади. Мана энди, ўзи ёлғиз қолганда, кўзи очилди. Мен қочирмаганман деб қасам ичмагани, пристав «олиб чиқ» деганда қаршилиқ қилмагани учун пушаймон бўла бошлади. Камера эшигининг от калласидай каттакон осма қулфи шарақлаб қулфлангандан кейин фурсат бой берилганлигини англаб, у ўзини яйдоқ ерга отиб урди. Ичида тўсиб бўлмайдиган сел оқинидай алам йиғиси кўтарилди. Захдан, ифлосликдан қўланса ҳид анқиб турган цемент ерга бетини босиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Бу йиғи уни гоҳ қилмишлари учун пушаймон едирар, гоҳ ғазабини кўзғатиб қасосга чақирарди. Лекин бу ҳислар тўлқинининг қайси бирига таслим бўлишни билмасди. Турдиматнинг гаплари дард устига чипқон бўлиб қийнар, айниқса, соат масаласини ўйлаб пешонасини шап-шуп урарди. «Шошиб қолдим, саросимага тушиб қолдим. Ўша Ҳожи макрига учмай бор гапни чиқиб айтганимда, бу аҳволга тушмас эдим. Соатни нимага яширдим? Бўлар иш бўлувди-ку, нимага тўғрисиани айтавермадим? Лаънат! Ўзимга лаънат!..»

Биридан бири ваҳимали ўйлар босиб келиб, кечаси билан у мижжа қоқмади. Гоҳ Тешабойнинг олайган кўзлари кўринар, гоҳ шу зиндонда чириб, ириб кетадигандай туюларди. У деворнинг шифтга қадалган жойидаги темир панжарали камбар деразачадан ёруғ туша бошлаганини ҳам сезмади. «Илон тош орқасида кулча бўлиб ётгандай, у ҳам камера бурчагида гужмайиб ётар эди.

Эшик қулфига калит солинди. Унинг шарақлаган овози Ашурмирзони даст турғизиб юборди. Эшикда яна кечаги миршаб кўринди.



– Ҳайда, – деди у, ташқарига ишора қилиб.

Ашурмирзо, ўзини сўйишга олиб кетишаётгандек, орқага тисарилди.

Миршабнинг қовоғи тушди.

– Чиқ!

Ашурмирзо худди орқасидан биров итаргандай бўлиб чиқди.

– Қўл орқа. Так. Ҳайда!

Уни яна пристав кабинетига олиб киришди. У бу ерда Тешабойга йўлиқишдан кўрқиб, оёқлари чалишиб кирди. Лекин у ерда Фосих афанди хўмрайиб ўтирарди. У Ашурмирзога ер остидан қараб қўйди. Ашурмирзо бир кечада ранглари сарғайиб, йиллари зиндонда ўтган мазлум аҳволига тушиб қолган эди. Аммо Фосих афандининг юраги жиғ ҳам этиб қўймади.

Пристав мўйловларини бураб қўйиб, Ашурмирзога хўмрайди.

– Сеники Карабулак кетади. Бу, – деди у, Фосих афандини кўрсатиб, – кафил бўлади. Сеники қочади дор. Биласан, дор?

Ашурмирзо худди сиртмоқ илингандай бўйнини тўлғади.

– Биладан, тақсир, биладан.

Йўлакка чиқишганда, Ашурмирзо ўзини қутқазгани учун Фосих афандига миннатдорчилик билдириш мақсадида уни тирсагидан ушлаган эди, у зарда билан қўлини тортиб олди. Ҳол сўрамагани у ёқда турсин, Ашурмирзонинг қулуғига ҳам жавоб қилмади.

Фосих афандининг тили фақат кўчада чиқди.

– Миндир! – деди у, эшак ёнида турган қишлоқи йигитга.

Ашурмирзо нима гаплигига тушунмай анграйиб қолди. Йигит уни қўлидан ушлаб эшак ёнига олиб келди.



– Мининг, тескари мининг.

Ашурмирзонинг жон-пони чиқиб кетди. Фосих афанди толга боғлоғлиғ отини ечиб турган эди.

– Афандим! – деди Ашурмирзо, ҳимоят сўраётган киши таваллоси билан. – Бу бола жинни бўлганми? Тескари мин, дейди?

Фосих афанди индамай отига минди. Йигит Ашурмирзони қистай бoshлаган эди, у йигит қўлидан чиқиб Фосих афандининг оёғига ёпишди.

– Афандим! Раҳм қилинг! Пиёда борай. Бу ахир шармандачилик-ку!

Фосих афанди, маҳкум бошига болта туширган жаллоддай, гапни шартга кесди.

– Шукур қилинг. Бу ҳали шараф сизга! Аслида бетингизга қора суртиб шаҳар айлантириш керак эди. Бу ёғини бой афандимдан сўраб олдим. Гапни чўзмай мининг!

Ашурмирзо яна ялинди. Атрофда бекорчи томошабинлар кўпайиб борди. Билганлар Ашурмирзони, билмаганлар Фосих афандини айблар эди.

Пристав чиқиб, одамларни қувиб юборди. Кейин Ашурмирзони елкасидан туртиб ўшқирди:

– Мин!

Йигит Ашурмирзони тескари миндириб, қўларини орқасига, оёқларини эшак қорнидан тушириб пастга боғлади. Ашурмирзонинг боши, худди тегирмон тоши босаётгандек, тушиб кетди.

– Хих!

Эшак йигит халачўпидан бир шаталоқ отиб, йўртишга тушди. Атрофда одамлар, болалар томоша қилиб боришди. Баъзилар ҳоҳолаб кулишса, болалар чуғурлашиб хих-хихлашарди: лекин бундай жазойи йилда бир ё бир неча бор бўлиб тургани учун, ажабланувчилар кам эди. Шаҳардан чиқишгунча, одамлар хохоси тўхтамади. Ашурмирзо боши киндигида. Одамлар қаҳқаҳаси, бола-



лар кулгиси, кеча Тешабой бетига урган шапалоқ сингари, кулоқларига келиб уриларди. Қорабулоққа чошшоқ пайтида етиб келишди. Бугун бозор бўлгани учун ҳамма ёқ лиқ одам эди. Фосих афанди подшоҳ хазинасини ўғирлаган довкор ўғрини тутиб келгандек, саманда кеккайиб кириб борди. Гузардаги одамлар эшакни ўраб олишди. Ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмас, эшакда муккасидан кетиб ўтирган жазойини ҳам танимас эди. Тешабой дарвозаси ланг очилиб, эшак ичкарига кирди-ю, Ашурмирзо бошини кўтарди. Энди у, шармадачиликдан қутулдим, деб ўйларди. Лекин бу кўргилаиклари эндигиси олдида ҳолва бўлиб қолди.

Куз кириб, ҳаво анча салқинланганига қарамай, Тешабой ташқарисида яктакчан, сарпойчан юрган эди. Даврон, Мамарайим афанди, яна беш нафар ялангтўш қарол ҳам шу ерда ялангочланган қиличдай туришарди.

Даврон Ашурмирзонинг ҳолини кўриб қувонса ҳам, яна кўнгли тўлмай, уни чайнаб ташлашга қасд қилгандай фикринди.

Фосих афанди отдан жадал тушди-да, жиловни қаролга ушлади, Тешабой олдига югурди.

– Афандим, муфаттинни келтирдим!

Ашурмирзо ҳамон эшакда қўл-оёғи боғлиқ ўтирарди. Қарол эшак бошини дарвоза томонга буриб, Ашурмирзонинг юзини Тешабойга тўғрилади:

Тешабой ўдағайланиб келди.

– Хўш, энди нима дейсан, муттаҳам?! Кўтар бошингни, қанжиқ!

Ашурмирзонинг боши, худди иягидан мушт еган кишиники сингари, юқори силтанди. Кўзларида мунгдан кўра қўрқув кўп эди.

– Тақсир, менда айб йўқ. Тепамда Худо турибди, менда айб йўқ, – деди у, раҳм кўзгатишга мўлжалланган тиниқ товуш билан. – Ўлай агар...

– Оғзингни юм, ит эмган! Менга тавбанг эмас, қонинг керак! Отамни ўз ажали билан ўлди, деб ҳаж йўлида ўлдир, дунёсини тала, бу ерда қизимни бераман деб мени алда! Хўш, сен мени нима деб ўйладинг, муттаҳам? Гапир, ит ўрғочиси!

Тешабой орқасида яшириб турган қамчиси билан кўз аралаш солди. Ашурмирзо қўллари боғлиқ бўлгани учун юзини тўсолмади. Фақат кўзларини юмиб, бошини хиёл туширишга улгурди. Қамчи пешонаси аралаш бошига чилп этиб тушди. Ашурмирзо войлаб юборди.

Тешабой қаролга қичқирди:

– Тушир эшакдан!

Қарол дарров боғини ечиб, Ашурмирзони ерга туширди. Уч соатдан бери боғлиқ турган оёқлари эгасини кўтаришга кўнмади. Ашурмирзо, посангисини йўқотиб, ерга ўтириб қолди.

Тешабой ингичка, салобатсиз товуши билан яна чинқирди:

– Тур, хотинталоқ!

Ашурмирзо ҳар қанча туришга урнаса ҳам бўлмади. Оёқлари керилганча қотиб қолган эди. У ерда сурканиб келиб Тешабой оёғига ёпишди.

– Жон тақсир, менда айб йўқ. Ўлдилинг, беғуноҳ кетаман. Ёлгон айтсам Худо шоҳид. Мен қочирганим йўқ. Ҳа, мен қочирганим йўқ.

Тешабой уни тепиб ташлаб, айвон томон юрди. Ашурмирзо туришга ҳам ҳаракат қилмай бой орқасидан судралиб борди.

Тешабой унга берадиган жазосини тайёрлаб қўйган эди. Айвон тоқчасидан бир боғлам беҳи сурхи олди. Бу сурхлар илон тилидек ингичка, зарби захридек ўткир эди.

Тешабой сурхларни унга кўрсатиб:

– Айбингни яхшиликча бўйнингга олсанг олдинг, олмасанг, мана буни кўрдингми?! Ҳаммаси буткул сингунча урдираман! – деди.



Ашурмирзонинг эсхонаси чиқиб кетди. Бир сўлқиллама сурхларга, бир Тешабойнинг қош-қовоғи тушиб кетган баҳайбат башарасига тикилиб, қизини қочирмаганини яна бир марта хокисорлик билан айтди. Аммо Тешабой ишона олмас эди. Чунки, Фосих афанди пристав кабинетида бўлган гапларни оқизмай-томизмай кўтариб келганда, Тешабой ҳам, бошқалар сингари, фақат Ашурмирзони айблади. Айниқса соат масаласи ўртада ҳеч гумон қолдирмаган кучли далил эди. Ашурмирзо бошидаги фожианинг худди шу томонларини ўйлаб эзилар, тўғриси айтишдан кўрқиб қийналарди.

– Гапир, лаънати! Қизингни нима мақсадда қочирдинг? Шуни гапир!

– Тақсир...

Тешабой ёнида шай турган қаролларига буюрди:

– Ечир кийим-бошини!

Ашурмирзо калтакланишдан кўрқиб, ўзини тешикка урган ит сингари, Тешабойнинг оёқлари орасига суқулди.

– Айтаман, тақсир, айтаман! Тавба қилдим, гуноҳимни кечиринг, жон тақсир!

Тешабой уни тепиб юборди.

– Тур, ит!

Ашурмирзо ерга чўккалаб, қўлларини ёлборишга кўтарди, кўзлари косаларидан чиқиб, оғзидан тупук сачрар эди.

– Жон тақсир, балонгизни олай, тақсир! Қулингиз бўлай, тақсир!

– Ечир!

Ашурмирзо қалтироқ қўллари билан қаролларни итариб, яна ўзини бой оёқлари орасига урди.

– Йўқ, йўқ! Ечирма, ечирма! Жон тақсир, айланай тақсир, итингиз бўлай, тақсир! Ҳозир айтаман, ҳамма гуноҳимни айтаман, тақсир...



У бир нарса айтмоққа чоғланган ёлғончидай ютина бошлади. Лекин бирон янги нарса айтмади. Ҳамон гуноҳсизлигини такрорлаб ялинди.

Тешабой кичкина кўзларидан катта ўт чақна-тиб ўдагайланди.

– Ҳой, муттаҳам, отамни дунёсини олиш учун заҳар бериб ўлдирганингдан ҳам тонасанми? А, тонасанми?!

Ашурмирзо яна Худони шоҳид келтирди. Тешабой бу нарсани ўсмоқчилаб сўраган бўлса ҳам, лекин, назарида, Ашурмирзо ўлдиргандек бўларди. Энди унинг ялиниб-ёлборишларига, ерда сурканиб оёқ ўпишларига қараб турмади. Чиндан ҳам, Тешабой, ўз назарида, ундан кўп ёмонликлар кўрган эди. У ваҳший бир ўкирик билан қаролларига хитоб қилади:

– Ечир деяпман сенларга!

Ашурмирзо йўқ-йўқ деб ерга қапишиб олди, ечирмоқчи бўлган қароллар оёғига ёпишиб ялинди. Беш йигит бир зумда уни иштончанг қилади. Ашурмирзо қаҳратон қишда муздай сувга шўнғишга мажбур қилинган кишидай, икки кўлини яланғоч кўксига босиб дағ-дағ титрар, ёшли кўзлар билан Тешабойга тавалло қилиб шафқат тилар эди. Тешабой кеча шу қадар шарманда бўлган эдики, бутун бошини кўтаролмай юрар, на заводига чиқар, на хотини ёнига кирар, эзилар, ўйлар, бир қарорга келолмай қийналар эди. Эркак киши бошига туша оладиган шармандалик, назарида, бу қадар бўлиши мумкин эмас эди. Ҳолбуки, у шунчаки эркак киши эмас, шаҳарда неча-неча дукон, қишлоқда завод, ўнг минглаб десатина ер эгаси бўлган, соясига ҳамма салом берган каттакон бой ҳам эди. Унинг номи Туркистон бойларининг шуҳратини босиб ўтиб, узоқ Россияга, ҳатто Вильгельм Германиясига ҳам етиб борган. Мўйловининг бир имоси билан тоғни



ағдарыш кўлидан келадиган шундай қудратли бой аллақандай бир товламачи кўлида масхара олати бўлиб ўтирса, бунга чидаб бўладими? Йўқ, ким чидаса чидасин, Тешабой чидаёлмайди!

У кўзларидан ўт чақнатиб чинқирди:

– Ётқиз ит эмганни!

Ашурмирзо бир ёқдан, кўлларини қаролларга ушламай типирчилаб, яна бир ёқдан, хўнграк отиб йиғлаб Тешабойга талпинди.

– Жон тақсир, битта илтимос. Турдиматдан бир сўранг. Адашаётгандир, мен эмас у! Увол кетмай, жон тақсир...

Турдимат ҳам шу ерда эди. Тешабой унга «гапир» дегандай қилиб қаради. Турдимат, ҳар бир қишлоқ боласи сингари, ёмон нималигини билмас эди. Кеча пристав олдида айтган гапларини такрорлаб, шу кичик бир тафсилани қўшиб қўйди.

– Бўйим елкасидан келарди. Шу учунми, соатининг тиқи-тиқи қулоғимга дангал эшитилди. Бошқа гапда хабарим йўқ, хўжайин.

Тешабой Ашурмирзони тик турғиздириб, бўйини Турдиматники билан солиштириб кўрди. У бўйини жўрттага паст қилиш учун қаддини ичига тортар эди. Бу ҳам бой шубҳасини оширди.

– Тўғри тур, итвачча!

Атрофдаги одамлар овозларини чиқармасликка тиришиб қиқирлашди. Ашурмирзо ноилож бўйини андак ростлади. Ҳақиқатан ҳам, Турдимат унинг елкаси билан баравар келди.

– Энди нима дейсан, шайтоннинг урғочиси?

Тешабой зарб билан қамчи кўтарган эди у бошини ичига тортиб олди. Қамчи елкасига чилп этиб тушди. Маст туядек ғўлдиради. Аммо нима деганига ҳеч ким тушунмади. Тешабой гавронларни қаролларига бўлиб берди.



– Кучинг борича, синиб тамом бўлгунча ур баччагарни!

Ашурмирзо ҳар қанча ялинса, ҳар қанча йиғласа, тавба қилса, питирласа, типирчиласа ҳам бўлмади. Бир қарол оёқларидан, яна биттаси бошидан босиб турди. Биринчи гаврон шипиллаб тушди. Ашурмирзо додлаб юборди. Гаврон кўтарилар-кўтарилмас баданидан қизил илон бўртиб чиқди. Бир неча гаврондан кейин Тешабой қўл ишораси билан қаролни тўхтатди. Ашурмирзо тамом бўлган кишидай беҳуш ётар эди. Бой хумордан чиққан киши сингари тиржайди.

– Ҳолинг шу экану, мутгаҳам, яна менга тулкилик қиласан-а! Ашурмирзо ҳамон қимирламай ётар эди. Тешабой қаролига чинқирди:

– Қимирлатиб кўр даюсни, ўлиб қолдими!

Қароллар ағдариб кўришди. Лозими шилт-шилт ҳўл эди. Тешабой бурнини тўсди.

– Отхонага элтиб ташла, ўша ерда сасисин лаянати!

Қароллар уни сон-сон қилиб кўтариб кетишди.

Тешабой уни калтаклаб хумордан чиқишга чиқди-ю, тагин ўзи галати бўлиб қолди. Борди-ю, бу гаплар эл оғзига тушди. Тешабойни кўролмайдиган ичи қоралар, айниқсса жиррақи бойлар камми? Улар нима дейишаркин? «Қизига кучим етмай, отасига осилибди-да!» дейишса-чи?!

Энди уни орият масаласи хун қила бошлади. Орият-ку бир ёқдик бўлиб кетар, лекин тўй харажати учун ўзи берган пуллар, буюмлар, отаси Болта кўпас ўлгандан кейин Ашурмирзо қўлида қолиб кетган дунёлар нима бўлади?

Тешабойнинг миясида чувалашган бу ўйлар юрагига қора ваҳм олиб кирди. Наҳс ўлгур калтакни кўтаролмай ўлиб қолса-я! Йўқ, йўқ, ундай бўлмаслиги керак! Унинг жони ўзидан кўра Тешабойга зарур! Ҳа, ҳа, Тешабойга зарур!



Тешабой отхонага қараб югурди. Ашурмирзо бурчақда уюб қўйилган нишхўрдлар устида беҳуш ётар эди. Тешабой уни елкасидан ушлаб қимирлатди. Ашурмирзо тириклик нишонасини билдирмади. Тешабой қўрқиб кетди.

Ашурмирзо эмас, ўзи ўлаётгандек, у отхонадан қичқирди:

– Ҳой, ким борсан! Сув келтир, сув!

Дам ўтмай Мамарайим афанди обдаста билан ҳалослаб кирди.

– Таҳорат қиладиларми, тақсир?

– Э, молфаҳм! Ҳозир таҳорат вақтими? Оғзига қуй, ичир мановига!

Тешабой уни бошидан кўтарди. Мамарайим афанди Ашурмирзонинг оғзини қўли билан очиб сув қуйди. Сув ташқарига оқиб тушди.

– Э, ивирсимай ўл! Жўмракни оғзига суқ, оғзига!

Ичига сув киргандан кейин Ашурмирзонинг кўзи бир оз очилди. Тешабойга жон кирди. У қароларига айтиб, Ашурмирзони кийинтирди, кейин айвонга келтириб ётқиздирди. Ашурмирзо тирик одамдай нафас олса ҳам, ўлиқдай қимирламай ётар эди. Тешабой ундан кўнгли тинчиб, меҳмонхонасига кирди. Уйқу элтиб боши оғар, чарчаганидан илиги қуриб, оёғи зўрға-зўрға қимирлар эди. Солиқ тўшакка ўзини ташлади-ю, донг қотиб ухаб қолди. Қош қорайди ҳам бошини кўтармади. Бир маҳал, чумчуқлар чирқилай бошлаганда...

– Хўжайин! Туринг, хўжайин!

Тешабой чўчиб уйғонди. Бошида Мамарайим афанди ҳаяжонли турарди. Тешабой уни севинч нишонаси деб билди. Оғзи қулоғига етди:

– Тутилдими? Қиз тутилдими?

– Йўғ-э, заводга ўт кетди, хўжайин...

– Ўт!!!

Тешабой даст ўрнидан туриб ташқарига югурди. Қоронғи тушиб қолганига қарамай, даҳшат-



ли ўтдан ҳамма ёқ ёп-ёруғ эди. Завод гузарнинг у бетида бўлса ҳам, осмонга эшилиб чиқаётган ўт тафти бетига гупилааб урди. Оловнинг гувиллаши, одамларнинг қичқириши, итларнинг ҳуриши оламини тўлдирган эди. У ўтни ўчиришга эмас, ўзини ўтга ташлашга қасд қилган кишидай чопиб кетди. Гузар одамларга, одамлар суронига тўлиб кетган эди. Ҳеч ким ўтга яқин боролмасди. Тешабой ўзини заводга урди. Ўт тафти шу қадар кучли эдики, юзини тўсиб, зўрға-зўрға илгарилаб борди. Қудрат, Воҳид, Замон – ҳамма шу ерда ўт билан курашиб ётарди. Ким челакда сув, ким қўлда курак билан ўт йўлини тўсар, бу курашга Қудрат бошчилик қиларди.

– Заводга ўтказма! Йўлни тўс! – деб одамларга қичқирар, тинмай завод эшигига сув сепдирар, томга чиқазган одамларига пайдар-пай сув узаттирар эди у.

Қудрат жонбозлиги Тешабойни қувонтирди. У ҳам Қудрат ёнига туриб ўт йўлини тўса бошлади. Пахтадан чиққан ўт гарамни бутун қамраб олиб, энди бостирмага, у ердаги той-той пахталарга кўча бошлади. Лекин Қудрат билан Воҳиднинг кўзига машина цехидан бошқа нарса кўринмас, шу цехни сақлаб қолиш учун жонларини аямасди. Тешабой Замонни ёнига олиб бостирмага югурди. Ўт у ерни аллақачон қамраб олган эди. Бостирма, унинг ичидаги той-той пахталар худди гугурт чўпидай чарсиллаб ёнарди. Анҳор узоқ бўлгани учун сув келтириб улгурилмас, келтириб сочилганлари кор қилмасди. Тешабой пахта тойларини қутқаришга ўзини қанча урмасин, биронтасини ҳам олов чангалидан юлиб ололмади. Бир соат ўтмай, заводда бир мисқол пахта қолмади. Қудрат, Воҳид, яна ўнлаб одам жонбозлиги орқасида фақат машина цехи билан электростанция сақлаб қолинди.

Тешабой, оғир дард устига яна чипқон азоби қийнаётган хастадай, култепа ёнида қунишиб турарди.



Ўнинчи боб Тўраҳон

Тешабой бири биридан даҳшатли икки алам ўтида қоврила-қоврила ахири ётиб қолди. Бир ёқдан, чимилдиққа йўлатмай тепилган куёв шармандачилиги, яна бир ёқдан, чангалида ҳовуч-ҳовуч тилла жарангини эшиттириб турган тоғ-тоғ пахтаси бир кечада куйиб кул бўлгани бошини ёстикдан кўтаргизмади. Фосих афанди шаҳардан доктор келтириб қаратди. Лекин эм игнаси билан юборилган дорилар ҳам кўзини очирмади. Асад қори хаста бошидан жилмай Қуръон ўқиб ўтирди. Мадумар мингбоши бўлса, қизи устига Тешабой хотин олаётганидан нафси оғриб кейинги вақтларда борди-келдини йиғиштириб қўйган эди. «Жирттайган бой» етдим деганда йиқилиб бурни қонаганидан кейин у яна оёқ чиқариб қолди.

Ашурмирзо гаврон зарбидан фақат тўртинчи кунигина ўзига келди. Тешабойнинг қаттиқ ётганидан, саройда олаговур ҳукм сурганидан фойдаланиб шаҳарга уриб кетмоқчи бўлди-ю, лекин иложини қилолмади. Фосих афандининг ҳар ерда ҳозир кўзи йўлида ғов бўлиб ётарди.

– Қочиб қаерга борасиз? Етти иқлимда бўлсангиз ҳам, барибир, туттириб келади, – деди Фосих афанди. – Ундан кўра гуноҳингизни ювиш ҳаракатини қилинг.

– Нима гуноҳ қилибман? Менда гуноҳ йўқ.

– Ия, бўлмаса менда экан-да?! Йўқ, одам деган ишини билиб қилади, афандим. Гуноҳингиз йўқ экан, ҳўп, исбот қилинг.

– Йўқ деб айтсам ишонмасанглар. Нима қилай ахир?

– Қуруқ гап қулоққа ёқмас. Иш билан исбот қилинг, афандим! Ердан бўлса ҳам, кўкдан бўлса ҳам



қизингизни топасизу – гуноҳсиз эканлигингизни, демак, Тешабой афандимга садоқатингизни исбот этасиз. Тўрт кундан бери Ҳожи далли, яна бир неча хуфия қизингизни қидириш билан машғул. Умид қиламан, топишади, афандим. Ҳа, мутлақо топишади. Дўстлигимиз хоотири, бутун масъулиятни зиммамга олиб сизга жавоб бераман. Илло битта шарт, битта ишонч билан: ҳозирдан бошлаб қизингизни қидиришга тушасиз, қайси йўл билан бўлса ҳам топасиз, Тешабой қўйнига солиб, уни шармандагарчиликдан қутқазасиз. Англадингизми, афандим?

– Эвет, эфендим! – деб юборди у, суюнганидан туркчалаб.

Ашурмирзо шаҳарга кела солиб уйдан хабар олди. Ҳовлиси, эгалари қирилиб кетгандек, ҳувиллаб турарди. Уй дарчасига каттакон қулф урилган, айвондаги полослар йиғиштирилган. У югуриб орқа ҳовлига ўтди. Қазноқ девори ҳамон гўр оғзидай ўпирилиб ётарди. Ўша ерда бир неча дақиқа хомуш тургандан кейин тўғри Ҳожи холаникига кетди. Ҳожи хола қидирувдан энди келиб турган эди. Ашурмирзонинг қизариб, ҳовлиқиб кирганини кўрди-ю, кўзлари чақнаб ҳиринглади.

– Ҳа, юз тиллани опкелдингизми?

Ашурмирзонинг жаҳли чиқди.

– Э, қўйинг! Эвини қилолмадингиз-ку, яна юз тиладан оғиз очасиз. Соатни чўзинг!

Ҳожи хола хехелади:

– Қанақа соат?

– Ўзингизни гўлликка солманг. Соатимни беринг.

Ҳожи хола энди мазах қилиб кулди.

– Ҳа, тилла соатними? Хўп, лекин бу ерда эмас. Тешабойнинг олдида бераман. – Бой номини эшитиб, Ашурмирзонинг капалаги учди. – Қизини қочирганини кўриб қолувдим, оғзингиздан чиқар-



манг, деб шу соатни берди. Устига яна юз тилла ҳам ваъда қилувди. Энди иш босди-босди бўлиб, соатини қистаяпти, десам нима дейсиз?

Ҳожи хола бу гапини худди Тешабой олдида айтгандек, Ашурмирзонинг эси оғиб қолаёзди. Ранги ўчиб, Ҳожи холанинг оғзини тўсди.

– Ҳай-ҳай, бундай дея кўрманг, ишни расво қиласиз!

Ҳожи хола кўнгли жойига тушиб қиқирлади.

– Бўлмаса, соатни оғзингизга олманг. Ҳали ҳам, тўрт кундан бери қизингизни қидиравериб оёғимда оёқ қолмади. Қишлоқма-қишлоқ, сақиллаганим сақиллаган. Бутун жаҳлим чиқиб келавердим. Менга ҳам жон керак ахир!

Энди Ашурмирзо ялинишга турди.

– Йўқ, Ҳожи хола, ундай қилманг. Қидириш керак, бирга қидирамиз, топсак – битта обиравон кўйлак олиб бераман. Хўпми?

Ҳожи хола шанғиб берди.

– Вой, обиравон кўйлагинг билан очиқ мозорга бор-э! Ўша сабилга жудайла зор қопманми? Бор, бор, жўна, бошимни оғритма! Юзинг ҳам қурсин, қизинг ҳам! Битта обиравон кўйлак олиб берармиш! Вой назаринг паст бўлмай ўл-эй!

Ҳожи хола кафан текин бўлса, ўлиб олувчилардан эди. Лекин у ҳозир кафан қайғусини эмас, бошқа нарсанинг қайғусини – кўпроқ юлиб олиш қайғусини еярди. Шу учун ўзини бозорга сола бошлади.

– Холажон, менга раҳмингиз келмаса, бойга раҳмингиз келсин. Ўлим тўшагида ётибди бечора, – деди Ашурмирзо, Ҳожи холани илтишга тиришиб.

Ҳожи хола яна шанғиб берди:

– Ўлса менга нима! Отамдан нари! Уники жону, меники жон эмасми? Қўй, ҳадеб жавратаверма. Жонимга тегдиларинг!

– Жон хола, тушунсангиз-чи! Баттол қиз топилса бой хурсанд бўлиб туриб кетармикан, дейман-да.



– Топ, хурсанд қил. Сени биров қўлингдан тутиб турибдими?

– Э-э, қўлимдан келса, сизга ялиниб ўтирармидим?!

– Ҳожи хола гапни чўзиб ўтирмай нархини айт

– Бўлмаса, ўша юз тилла – юз тилла. Хўп десанг шу, бўлмаса, ана – катта кўча, жўнаб қол!

Ашурмирзо ҳеч қачон юз тилла топиб беролмаслигига иймони комил эди. Шунинг учун макр йўлига ўтди.

– Хўп! Қўлингизни беринг! Лекин битта шарти билан: қизни уйимга келтириб берганингиз ҳамон биз сизга юз тилла чиқариб берамиз.

– Йўқ, дарагини топиб берсам бўлди. У ёғи ўзингта.

Ашурмирзо, «карнайчидан бир пуф. Асакам кетдим!» деди-ю кўнглаида, бу шартга ҳам рози бўлди.

Ана шу аҳду паймондан бери бир ой ўтди ҳам қиздан дарак бўлмади. Ҳожи хола қишлоқма-қишлоқ, далама-дала хўп изғиди. У ўзини жойи келса тиланчи, жойи келса араваси синиб пиёда қолган эшонойим қилиб кўрсатар, ўтгандан сўрар, кетгандан сўрар, кўрдим ё эшитдим дегувчини тополмай, эртадан кечгача санқиб юарди.

Бу орада Тешабой касалдан туриб, заводини анча эпқага келтириб олди. Завод майдонида яна янги тойлар пайдо бўла бошлади. У эртадан кечгача заводидан чиқмайди, янги пахталарни ёйдириб қуриттиради, тойларни завод саҳнидан ўз саройига ташиттиради. Қудрат устахонасига кириб унга миннатдорчилик билдиради.

– Қаранг, мен сизни билмас эканман, уста Қудрат. Сиз қанақа одамлигингизни ўша ўт кетган уни билдим. Барака топинг, уста. Ўшанда сиз бўлмасангиз-чи, ҳа, машиналар ҳам куйиб кетарди.

Қудрат ғалати қилиб кулди.



– Бир ўзим эмас, Воҳид, Замон, ишчилар ҳаракати билан сақлаб қолдик-да. Айтмоқчи, ўзингиз ҳам сув сочиб турдингиз-ку, хўжайин!

Тешабой юрагида дарди йўқ кишидай ҳоҳолаб кулади, бу кулги вужудига минг бир игна бўлиб санчилаётган алам оғриғини босмайди. Юраги сиқилиб, саройига шипиллаганича кириб кетади.

Шунча кўргиликлар оздек, кеча Олайдан Сарбой кўтариб келган хунук хабар Тешабойнинг зулмат босиб ётган бағрига янги ханжар бўлиб санчилади.

– Хўжайин, одам беревесенгиз бўлвейт. Қўйдарди Жонибек қозининг одамлари айдатиб кетивотат, – деди чўпон Сарбой.

Ўлолмайд тургани устига Сарбой топиб келган бу гап Тешабойнинг жонини бўғзига келтирди.

– Ҳайдатиб кетса, сен оғзингни очиб турдингми, муттаҳам?!

– Овзимди очиб турганим жўқ, қужайин. Олишиб журиб, зўрға қайтариб келдим. Одам оз, қўй кўп. Бир жокда жилқи. Ўнта одам не бўлўт?

– Мендан одам сўрама, туя сўра. Юзта туя десаг топиб бераман. Одамни ўша ёқдан топ.

– Ул жокда одам неқилет? Бари одам мардикордан қошиб, Қашқарга ўтиб кетивотат.

Тешабой чўпонини сўкиб-койиб қайтаришга қайтарди-ю, кейин ўзи пушаймон бўлиб қолди. Минг балога гирифтор бўлиб турган бошига энди ўғирлана бошланган чорвасининг ғами тушди. Кечагина қўл-оёғини чўзиб яйраб юрган кенг дунёси бугун шунчалик торайиб кетдики, аламига чидаёлмайд дод дегиси, Худо билан ёқалашгиси келарди. Аммо бунинг иложи йўқ, иложи йўқ эмас, фойдаси йўқ. Бўлмаса, нима қилсин? Ё биров билан ҳасратлашсинми? Ким билан? Мамарайим афанди биланми? Ҳай-ҳай, у эзма, у бангидан Худо асрасин!



Фосиҳ афанди билан-чи? Начора, у Бокуда, ҳали қайтгани йўқ. Яна ким бор?

Тешабой бирдан Тўраҳонни эслади. Тўтиқизга уйланиш ҳаракатига тушгандан бери уйига кирмас, Тўраҳон ҳам аразлаб уни йўқламас эди. Ким бўлса ҳам ҳасратлашиш эҳтиёжи уни ичкарига бошлади. Эшик оғзига келганда, нимагадир, оёғи тортмай тўхтаб қолди. Бир кўнгли қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо ичида бир нарса «кир, кир» деб қистар эди. Эшикни аста итарди. Эшик тамбали эди. Юраги бирдан дукиллаб кетди.

Кўнглига бир гап келдими, югуриб ҳарамхонасига кирди-да, у ердан «боғи эрам» орқали ичкарига юрди. Ичкари дарчаси ҳам берк эди. Юрак дукури яна кучайди. Деворга осилиб кўрди – баландлик қилди, бўйи тугул, қўли ҳам етмади, эшикни қоқди. Устма-уст уч-тўрт марта қоқди. Тўраҳоннинг чиқишини кутиб, дарча тахталари орасидаги тирқишдан мўралаб турди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Тўраҳон уйдан бир новча кишининг қораси узилди-ю, шипиллаб зулмат ичига шўнғиб кетди. Тешабой миясига қон югурди. У ўзини йўқотиб, дарчани дўмбира қила бошлади. Гоҳ мушталари билан урар, гоҳ оёғи билан тепар эди. Кўни-қўшнилар эшитиб қолишидан истиҳола қилдими, овозини чиқармади. Дарчани жони-жаҳди билан бир итарган эди, зулфини яхши илинмаган эканми, очилиб кетди. Тешабой ҳаллослаганича зулмат ичига югурди. У ерда новча кишининг ўзи тугул, арвоҳи ҳам йўқ эди. Энди ғазаб билан Тўраҳоннинг уйига чопди. Даҳлиз эшиги ҳам, уй эшиги ҳам ланг очик, фақат уй ичи қоп-қоронғи. Токчани тимирскилаб гугуртни топди, чақди, бир лоп этиб ўчиб қолди, яна чақди, яна чақди, яна ёнмади. Шошар, ўпкаси бўғзига тикилиб келар эди. Охири етти-саккиз чўпдан бирини ёндириб, чироқни ёқди. Ёқди-ю унинг нури ошкор



қилган разолатни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Икки кишилиқ қилиб солинган кенг ўринда Тўра-хон яланғоч ётар, хонтахта устидаги пиёлалардан мусаллас ҳиди анқиб турарди. Тешабойнинг боши айланиб, кўзи тинди. У ўнги эканини ҳам, туши эканини ҳам фарқ қилолмас, кўриб турган нарса-ларига ишаноолмас эди. Бу руҳий ларза бир неча сон-иядан ортмади, кўз олдидаги хунук манзара ҳам кетмади. Тўрахон ниманингдир кайфи билан маст ётарди. Эри даҳшат билан келиб уни сони аралаш тепди. Тўрахон бир сапчиб тушди. Эрига бир қара-ди-ю, апил-тапил кўрпани тортиб, устини ёпди. Ле-кин турмади, кийим-бошини ҳам киймади. Эрини танимаётгандек, унга анграйиб қараб ётарди.

Тешабой овзидан кўпик сачратиб қичқирди:

– Ифлос! Фоҳиша!

Эри урмоқчи бўлиб мушт отган эди, Тўрахон уни қўлидан маҳкам ушлаб бир силтади. Тешабой хоти-нининг ёнига ағдарилиб тушди. Фалончи бой деган номи кучли бўлса ҳам, чуваккина жуссасидаги кич-кина жони заиф эди. Тўрахон унинг устига кўрпа-ни ёпди-да, ўзи дарров туриб, кўйлагини кийди.

Тешабой кўрпа остидан типирчилаб чиқди.

– Бу нима қилганинг, қанжиқ?! Фар! Бузуқ! – У яна зуғум бошлади.

Тўрахон жонидан тўйган киши алами билан бостириб келди.

– Чидасанг – шу, чидамасанг, ана – катта кўча! Жавобимни бер-у, этагингни қоқиб чиқиб кета-вер! Жанжал чиқарадиган бўлсанг, гузарга чиқиб ўзингни шарманда қиламан. Ҳажикиз дейман! Ҳа-жиқиз! Сенга хотин эмас, эркак керак, эркак! Сен хотинни хўжақўрсинга оласан! Бошқаларга эркак бўлиб кўриниш учун оласан!

Тешабойнинг тили танглайига ёпишиб қолди. У «ға... ға...»дан бошқа нарса деёлмас, чиқиб кети-шини ҳам, ўтиришини ҳам билмас эди.

Тўраҳон боя юзидан туширган пардани энди бутунлай олиб ташлади.

– Сен ўлик бўлсанг, мен тирикман! Яшашни хоҳлайман. Тирноқ кўришни хоҳлайман! Мана, қорнимда яна уч ойлик болам бор. Эшондан орттирган Холдоримга ўхшатиб, буни ҳам туғиб бераман. Отаси менман деб юрасан. Ёқадими? Ёқ-маса, ана – тўрт тарафинг қибла! Илгари пинҳона қилардим, энди ошкора қиламан.

Тешабойнинг кичкина жуссаси яна баттар кичрайди. У энди Тўраҳонга еб юборадиган кўз билан эмас, шафқат тилаган кўз билан мўлтираб турарди.

Тўраҳон унинг совуқда қумшиган кучукча сингари дағ-дағ титраётганига раҳми келиб, шаштидан тушди.

– Шаҳардаги хотинингизни ялчитдингизми? Мени ялчитдингизми? Гулдай умримни хазон қилдингиз. Энди яна бир бечоранинг ёш умрига завол бўляпсиз. Сиз ҳам эл қатори эркак бўлсангиз, шаҳарда катта хотинингиз, бу ерда мен шу кунга тушармидик!..

Тўраҳон бирдан йиғлаб юборди. Тешабой шу ўтирганича ўтириб қолди.

Ўн биринчи боб Тиш табиби

Куз хирмон бошида туриб олиб ҳаммани шошилтирди. Унинг япроқларни саргайтирувчи қақроқ нафаси ҳали унча сезилмаса-да, худди эртага қор тушадигандек, бой ҳам, бир парча ери бор камбағал ҳам пайкалдан чиқмайди. Хотин-халажлар, ёшу қарилар, ҳатто болалар ҳам далалардан аримайди. Тонг қоронғисидан кеч қоронғисигача ҳамма далада чувиллашиб, увиллашиб пахта теради.



Пахтазорлари нечоғлик кенгайиб кетганини Тешабой энди сезди. Теримчиларни узоқ пайкалларга араваларда, яқинларига пиёда ҳайдайвериб жонида қолмади. Майдон кенг, теримчи етишмайди, эшикма-эшик юриб теримчи қидиради, одамларга ялинади. Далаларда эса пахталар теримчиларни кутиб тўкилиб боради. Тешабой бир ёқдан пахтаси кўплигига хурсанд бўлса, яна бир ёқдан, териб улгура олмаётганига диққат бўлади. Заводнинг саҳни пайдар-пай келтириб тўкилаётган пахталарга тикилиб кетди. Чивриқ машиналар кечаю кундуз тиним билмай ишлайди. Тешабой яна ўт кетишидан қўрқиб, пахта тойларини саройига ташитиб олишга шошади. Ана шу долзарб кунларнинг бирида машина парраги синиб, завод иши тўхтаб қолди. Тешабой, ўзини қўйишга жой тополмай, Қудратдан Оқчуринга, Оқчуриндан яна Қудратга югурарди. Машина тез тузалмаса ё бутунлай тузалмаса, шунча пахтани қандай сақлайди, қаерда сақлайди? Ўзидан ўт чиқмаганда ҳам, биронта си ўчакишиб ўт қўйиб юборса нима бўлади?

Бу ўйлар Тешабой сағрига қамчи босарди. У Қудратга ялина бошлади. Энди бир вақтлардагидек сенлаб эмас, ҳатто «уста» деб ҳам эмас, ўзидан баланд тутиб ялинди.

– Жон ака, бир нима қилинг, тузатинг. Зарур бўлса, шаҳардан мутахассис чақиринг, нимаики керак бўлса олинг. Мана пул, мана извош, шаҳарга тушинг. Бирон корибад бўлмасин, жон ака!

Қудратга худди шу нарса керак эди. У дарров усти-бошини ўзгартирди-ю, Оқчуринни ёнига олиб, шаҳарга жўнади. Қудрат, Чархпалакда извошга жавоб бериб юбориб, ўзи ҳамроҳи билан самоварга кирди. Узоқдаги Набижоннинг дўкони қўриниб турарди. Улар чанқашган-у, бу ерга ата-йин чой ичгани киришганмиди ё бошқа мақсадда,



чойнак бўшагунча Набижон дўконидан кўз узишмади. Гаплари ҳам машинадан, Тешабой шўридан нарига ўтмади.

Бир маҳал Набижон дўконидан Жамолиддин чойнак кўтариб чиқди. Кўзларида анча тузук яширилган табассум бор эди. У Қудратлар ёнидан ўтиб кетаётганда, худди ўзича гудранаётган кишидай:

– Ҳозир, – деди.

Жамолиддин самоварга кирганича қайтиб чиқмади. Қудратлар яна бир чойнакни бўшатишгандан кейин Тўхта охун ошхонасига қараб юришди. Уч қатор узун стол ёнидаги эшакларда одамлар зич эди. Булар киришлари билан ош ташувчи йигит узоқдан қичқирди:

– Касинла, меҳмонла, касинла! Мана бу ёққа ўтирсинла!

Тўхта охун ошхона эшигининг чап биқинидаги сўрида, каттакон ғаладон ёнида ўтирарди. У ҳам буларни ўтирган ерида таъзим билан кутиб олди.

Ошхонада одам кўп бўлса ҳам, фақат битта ош ташувчи хизмат қилар, ҳар ошхўр кирганда ё чиққанда унинг зийрак овози бутун ошхонани тўлдириб жаранглар эди.

– Меҳмандан биж танга осинла!

– Касинла, меҳмон!..

Қудратлар Тўхта охун яқинидан жой олишди. Улар бир косадан лағмон тушириб, энди гўшқуйдига қўл уришганда, Жамолиддин коса кўтариб кирди. У косани ош ташувчига ушлатиб:

– Увра суздириб берсангиз, Шўрва ичай десам, эти бор, тишим офрияпти. Уврани ичаман-у, тиш табибига бораман. Ҳа, шундай қиламиз, – деди у, «шундай қиламиз» деган сўзларини худди бировга таъкидлаётгандек қилиб.

Жамолиддин косани кўтариб чиқиб кетди. Қудратлар овқатни еб гаплашиб ўтиришди. Ташқа-



рида қош қорайиб, одам туси танилмайдиган бўлгандан кейин янги шаҳарга қараб юришди. Тўғри ўшга олиб кетадиган катта кўча билан бориб темир йўл кўприги тагидан ўтишди-ю, ўнг томондаги хилват кўчага бурилишди. Муйилишдан ўтишганда, Қудрат қадамини секинлаштириб, Оқчуринга шивирлади:

– Сиз орқага қарамай кетаверинг. Тинчлик бўлса, юз қадамча ўтиб тўхтайсиз. Мен кираман. Бирон шубҳали нарсани кўрсангиз ё сезсангиз тўхтамай кетаверинг. Унда нариги кўча билан чиқиб, яна темир йўл кўприги олдига боринг. Мени ўша ердан топасиз.

Воҳид юриш тезлигини ўзгартирмасдан бориб, Қудрат тайинлаган жойда тўхтади. Демак, тинчлик, Қудрат тиши оғриётган кишидай, дастрўмолини чап бетига босиб бориб, табиб эшиги олдига тўхтади. Кўча чирови ёниқ эди. Қудрат қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни чўққи соқол, нуроний бир чол очди. Чол уни танидими, калласи билан «киринг» имосини қилди.

Қудрат даҳлизга кириб, эшик ёпилгандан кейин:

– Ассалому алайкум, Сергей Петрович, – деди дастрўмолини чўнтагига солиб.

– Ваалайкум ассалом, Қудрат.

Чол қўлини маҳкам қисди. Кейин уни чап томонидаги хонага бошлади. Бу хона тиш давосига оид асбоблар билан тўлиқ эди. Чол Қудратга жилмайиб:

– Ўтаверинг. Мен шу ерда қоламан, яна битта одам келиши керак, – деди.

Қудрат ким келиши кераклигини сўраб ўтирмасдан тўрдаги оқ парда орқасига ўтиб кетди. У ерда дори-дармон шишалари, милк қолиплари, яна тиш давосига оид нарсалар териб ташланган шкаф бор эди. Қудрат шкаф ёндорининг бир ери-



ни шаҳодат бармоғи билан босган эди, шкаф девор ичига қараб очилди. У лип этиб ичкарига кирди. Қазноқ сингари тор, деразасиз, ола-қоронғи хонада Ольга Петровна, Фуломжон, яна бир неча киши ўтирган эди. Қудрат улар билан саломлашиб улгурмай Оқчурина билан Сергей Петрович ҳам кириб келди. Булар меҳмонлар эмас, шаҳардаги яширин большевик ташкилотининг активларидан бир группаси эди. Шунинг учун Сергей Петрович тўғридан-тўғри муддаога ўтди.

– Кеча уезд ҳокими уруш солиғи йиғиш тўғри-сида буйруқ чиқарибди. Лекин бу ҳақда фармони олий борми-йўқми, ҳозирча бизга маълум эмас. Бу балоҳўр ҳокимнинг навбатдаги қилвирликларидан бирими ё чиндан ҳам шундай фармон борми, ишқилиб, нима бўлганда ҳам, халқ, айниқса, унинг камбағал қисми тағин қақшатиладиганга ўхшайди. Биз шу ҳақда сизлар билан бафуржа гаплашиб олиш, бинобарин, сизларга баъзи топшириқлар бериш учун бугун йиғилишга қарор қилган эдик. Биласизлар, бундай йиғилишлар қанча кам бўлса, хавфдан шунча холи бўламиз. Ҳозир ҳаммамизнинг орқамизда хуфия, олдимизда пойлоқчи. Россиядан келаётган хабарлар подшонинг куни битаётганидан далолат беради. Аммо у тахтини осонликча бўшатиб бермайди. Шунинг учун у ер-бу ерда чиққан кўзғолонларни, завод-фабрикалардаги забастовкаларни шафқатсизлик билан бостириб, ҳар бир шубҳали кишини қамоққа тикяпти. Мен Тешабой заводида чиққан ўтдан қувондим-у, лекин оқибати ёмон бўлмасайди, деб ваҳмда қолдим. Ахир у ерда сиз, Қудрат, Оқчурина, яна қанча одаммиз бор. Нима гап, тинчиб кетдими?

– Оқчурина шундай пишиқ эканки, Сергей Петрович, ёнғинда Тешабойнинг ўзини айбдор қилиб қўйди, – деди Қудрат, хурсанд қулиб.



Сергей Петровичнинг юзига мамнуният табас-
суми урди.

– Хўш, хўш?

– Пахтани ҳўллигича ғарамлатяпсиз, ўт чиқиб
кетди, деб уни роса пишитди. Кейин пайт пойлаб
туриб ўзимиз ўт қўйиб юбордик. Айб ўз бўйнида
қолди.

– Бу ёғи-ку хамирдан қил суғурилгандай силлиқ
чикди, – деди Оқчурин, сўзни Қудрат оғзидан олиб,
– аммо Қудрат акамнинг бир иши Тешабой кўзи-
ни роса мойлади. Машина бўлимини ўтдан сақлаш
учун Қудрат ака шунақаям жонбозлик кўрсатди-
ки, Тешабой: «Ҳаҳ, кўр эканман! Сизни душманим
деб юрсам, дўстим экансиз» деб, Қудрат акамнинг
оёғини ўпгудай бўлди. Ҳозир жуда апоқ-чапоқ бў-
либ кетишган.

Ўтирганлар ҳоҳолаб кулишди.

– Сизлар-ку машина бўлимини ишчилар бекор
қолишмасин деб сақлагансизлар, шундай эмасми?
– деди Ольга Петровна. кулиб.

Оқчурин шукуҳ қилиб жилмайди.

– Албатта-да. У бўлса, бизни заводига ачиниша-
ди, деб ўйлайди. – У қиқирлаб кулди. – Қудрат акам-
нинг яна бир аломат иши эсимга тушиб кетди. Бутун
шаҳарга келишимиз кераклигини билиб, неча кун-
дан бери бошимиз қотиб юрган эди. Мен-ку шаҳар-
га келиб-кетиб тураман. Лекин Қудрат акамнинг
йўриғи бошқа. Бир ёққа бемаҳал жилса, Тешабойда
шубҳа туғилиши мумкин. У ўзини дўст қилиб кўр-
сатса ҳам, лекин қўйнида болтаси бор дўстлардан.
Илгари куни Қудрат акам «бопладим» деб қулоғимга
шипшиб қолди. Ҳайрон бўлиб: «Нимани?» деб сўр-
сам, «заводни» дейди. «Заводни?» – «Ҳа, чигириқ
машинани». «Ия, завод тўхтаб қолади-ку!» – десам,
«Бизга шуниси керак-да», дейди. Кейин билсам, ма-
шинани жўрттага бузиб, керакли нарсалар олиш
баҳонаси билан шаҳарга тушмоқчи экан.



– Офарин! Офарин! – деб юборди Ғуломжон, хурсанд бўлиб.

Кишилар чехрасини кулги ели силаб ўтди. Маҳаллий зиёлилардан бири калласини қойил қолган кишидай тебратиб:

– Ундай бўлса, бойни бўйнидан боғлаб олиб-сиз-да! Баракалла! Хўш, бугун қайтиб, заводни юргизиб юборасизми ё...

– Кўрамиз-да, – деди Қудрат, Сергей Петровичга бир қараб олиб.

Сергей Петрович кўзлари билан кулиб, қойил қолиб ўтирган эди. У дарров жиддий тусга кирди.

– Менингча, юргизмай турганингиз маъқул бўлар. Нимага десангиз, янги солиқ қишлоқларда, шаҳарларда ҳам, жанжал чиқармай қўймас. Ана шунда, заводнинг тўхтаб тургани бой қўлини баъзи қалтис ҳаракатлардан, чунончи, солиқ тўлашга қурби етмаган камбағалларнинг уй-жойларини, кунларига зўрға яраб турган бир парча-ярим парча ерларини сотиб олишдан тутиб турармикан, дейман.

Бу мулоҳаза ҳаммага маъқул тушди.

– Сергей Петрович тўғри айтди, – деди Ғуломжон, – заводни ҳар қачон юргизиш мумкин, юргизиш қочмайди. Тешабойнинг, сизлар туширган мушкул аҳволдан фойдаланишимиз керак. Жафокаш халқимизни янги балодан озми-қўпми сақлаб қолишимизга зора аҳволнинг нафи тегса. Илгаридан ҳаммамизга маълумки, солиқ тушди дегунча, камбағалларнинг уй-жойи борми, ери борми, ишқилиб, нимаикиси бўлса, зўрлик билан сотиб ундиришади. Солиқ йиғадиганларнинг бири Мадумар мингбошими? Бўпти! Дўпписини ол, деса, калласини оладиган золим у! Қорабулоқ бошидаги шўрни мен жуда яхши биламан. Кам деганда аҳолининг юздан тўқсонтаси тишининг кири билан зўрға тирикчилик ўтказиб келаётган бечораҳол



кишилар. Ҳозирги солиқ у ғарибларни тириклайин кўмади, Тешабой, бир ёқдан, ер-сувни орттириш, яна бир ёқдан, ҳокимга яхши кўриниш учун камбағалларнинг бори-будини сотиб олишдан тоймайди. Бошқа қишлоқларда ҳам аҳвол шу. Менимча, бизнинг ҳозирги вазифамиз шу янги фожианинг олдини олишдан иборат бўлиши керак. Шу муносабат билан менда битта таклиф бор.

– Марҳамат.

– Менинг таклифим шундай: тош босмадами ё терма босмадами варақа тайёрлаб, халққа жабр етказиши муқаррар бўлган бойлар, амалдорлар, қозилар, мингбошилар, аминлар ва ҳоказоларга тарқатсак.

Иккинчи зиёли заҳархандага ўхшатиб жилмайди.

– Варақа қоғоз билан чўчитамиз, яъни дўқ қиламиз, шундай-да?

Ҳуломжон мулойим кулимсиради.

– Начора, агар бу тадбирларга бошқа ном тополмасак, дўқ деймиз-да, лекин дўқ ҳар хил бўлади. Қуруғи бўлади, амалга ошириладигани бўлади. Бизники кейингисидан. Балки буни дўқ деганимиздан кўра таъкид ёхуд огоҳлантириш деганимиз маъқул бўлар. Нимага десангиз, менинг назаримда, варақага тахминан шу сўзлар ёзилса керак. – Ҳуломжон қўлида тахлоғлиқ қоғозни очиб ўқиди. – «Бечора халқ мардикор воқеасидан ўзини ўнглаб олишга улгурмай, энди унинг ёқасига уруш солиғи деган янги бало ёпишди. Золим Николайнинг жойлардаги бурни кўпчиган амалдорлари бу талончилик солиғини тўлашга қурби етмаган бечораларнинг жойларини сотиб ундиришга ҳаракат қилишади. Бой! Уй-жойинг, моли мулкинг ўт ичида куйиб кул бўлмасин десанг, камбағаллар мулкини сотиб олма!»

Ҳуломжон қоғозни буклаб, Сергей Петрович билан Ольга Петровнага қаради. Кейин шу сўзларни қўшиб қўйди:



– Тахминан шундай.

Сергей Петрович Фуломжон қўлидаги қоғозни олди.

– Россиядаги деҳқонлар ҳаракатида, баъзан ишчилар ҳаракатида ҳам, бу хил таъкидномалар қўлланилган. Ҳозир ҳам қўлланиб келинади. Шу жиҳатдан, бу нарса янгилик эмас, албатта. Фуломжон таклиф қилган таҳрирни асосга олиб, шу маънода варақа тарқатиш мумкин бўлар. Аммо бизнинг шароитимизда, яъни халқнинг юздан тўқсонни хат-саводдан маҳрум бўлган бир шароитда, ёзма тарғиботдан кўра овзаки тарғиботнинг тарқалиш доираси кенгроқ, таъсир кучи зўрроқ бўлади.

– Нима дейсиз, Ольга Петровна?

Ольга Петровна унинг мулоҳазасини тасдиқлади.

– Тўғри айтасиз, Сергей Петрович. Варақа усталик билан, инқилобий тадбиркорлик билан ҳушёр бўлиб тарқатилмаса, жойлардаги одамларимизнинг фаолияти хавф остида қолади.

– Хавфдан қўрқиб, ўзимизни сичқоннинг инига уришимиз ҳам тўғри келмайди-да, Ольга Петровна! – деди Қудрат, унинг гапидан норози бўлиб.

– Йўқ, мен сичқоннинг инига урайлик демоқчи эмасман, бошқа нарсани айтяпман. Бою боёнлар, мингбошилар эртагаёқ варақаларни кўтариб ҳоким олдига югуриб келишади. Шунисидан қўрқаман, холос.

Маҳаллий зиёлилардан яна бири Ольга Петровнанинг бу ваҳмига ҳам эътироз билдирди.

– Дуруст, агар варақа фақат битта қишлоққа, масалан, Қорабулоққа тарқатилса, у ердаги гумонли кишилар дарҳол қўлга олиниши мумкин. Борди-ю, уездимизнинг ҳамма қишлоқларига, шаҳар даҳаларига тарқатилса-чи, унда кимдан гумон қилади-ю, кимни ушлайди?

– Мен ҳам, варақанинг зараридан кўра фойдалари кўп бўлса керак деб ўйлайман, – деди Оқчурин.



Варақа масаласида ўз фикрини айтмаган киши қолмади. Айниқса Қудрат Фуломжон таҳририни баъзи ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш шарти билан қабул қилиш мумкинлигини таклиф этди. Бу фикр Сергей Петровичга ҳам маъқул бўлди.

– Хўп, бу масала ҳал. Варақа таҳрири, уни қўларингизга етказиб бериш вазифаси бизга ҳавола. Энди навбатдаги масала. Яқинда темир йўлчиларимиз Тошкентдан қурол олиб келишади. Назаримда, анчагина қурол келса керак. Бунча қуролни шаҳарда сақлаш хавфли. Қишлоқлардаги дўстларимизни ҳам қуролсиз қолдириб бўлмайди. Ҳар бир қишлоқ ўз тегишини олиб кетиши, ҳозирча хавфсиз жойга яшириб қўйиши керак. Эртадан бошлаб шу тайёргарликни кўришга шошилишимиз лозим. Қурооланмасак, шошмасак бўлмайди. Ҳозирги сиёсий аҳвол мамлакатнинг инқилоб тўлақинида эканини кўрсатиб турибди. Николай бугун йиқитилмаса, эртага йиқитилади. Демак, инқилоб қуёшининг чиқиши яқин. Аммо меньшевиклар пролетар диктатурасига қарши ўз буржуа ҳокимиятини қуришга тиришиб ётишибди. Биз большевиклар бунга йўл қўймаслигимиз, ҳокимиятни ишчилар синфи қўлида сақлаб қолиш учун курашишимиз керак. Ҳозир шаҳардаги меньшевиклар ерлик бойлар ҳамда реакцион миллатчилар билан оғиз-бурун ўпишиб, буржуа инқилоби ясашга ҳаракат қилишяпти. Бу – камбараллар учун ёмғирдан қочиб дўлга учраш деган сўз. Буни жойларда аҳолига тушунтириш, меньшевиклар билан буржуа миллатчиларининг найрангларини шафқатсиз фош қилиш – ҳозирги долзарб кунларнинг энг зарур вазифаси. Бугунги йиғилишимизда асосий мақсад шу тўғрида сизларни огоҳлантириш, пролетар кураши учун, мазлумлар инқилоби учун ҳар доим тайёр туришга даъват қилиш эди. Қандай фикр бор, марҳамат?



Гапирувчи кўп бўлди. Фақат Гуломжон сўзининг охирида:

– Йўқсиллар пешонаси нимаики билан ярқираши мумкин бўлса, шуни қилишга ҳамиша тайёремиз, Сергей Петрович! – деди.

Бу сўзлар ўтирувчилар қасамёдидек янгради.

Серей Петрович ўрнидан турди.

– Бундан кейинги учрашишимиз қачон бўлади, қаерда бўлади – ўзимиз маълум қиламиз. Қурол келди дегунча, уни тезда олиб кетишга ҳаракат қилинглар. Бунини ҳам ўзимиз хабар қиламиз. Хайр, саломат бўлинглар.

Одамлар тиш табибиникидан битта-битта чиқиб кетишди.

Ўн иккинчи боб Азронлар

Тўтиқизни қидира-қидира Ҳожи холанинг жонида жон қолмади. Ашурмирзодан оладиган юз тилла худди чўнтагида жаранглаб тургандек югурди. Бу қишлоқдан у қишлоққа, унисидан яна бунисига сакилайди, Тешабойдан ҳам оладиган суюнчиси билан маст бўлиб, чарчаганини билмайди. У Тешабойдан юз тилла эмас, икки юз тилла олиш хаёлини қилади. Кейин пулни катта қилиб Ҳажга боришни, бутун гуноҳларидан пок бўлиш учун Арофат тоғига чиқиб Худога нола қилишни ўйлайди. Назарида, эрта-индин ўладиган-у, шунча гуноҳ билан дўзахга тушадигандек кўрқади. Лекин ўзи табаррук деб сифинган даргоҳга ҳалол пул билан эмас, ҳаром пул, ҳаром йўл билан бораётганини ўйламайди. Агар шу юз тилла қўлига кирса, бу тилалар икки маъсум кўз ёшларидан қуйиладиган тилалар бўлишини хаёлига келтирмайди. Шу учун у югуради, изғийди, уйдан ҳайдалган қўтир итдай санқийди.



Тешабой Тўраҳон мулзам қилгандан бери икки хил бўлиб қолди. Агар дунёда орият деган нарса бўлмаса, аллақачон Тўтиқиздан кечар эди. Лекин ўзи сингари керик бойлар, такаббур ошналар офзига тушиб қолгани учун қизни қидиртирарди, битта қизга кучи етмади, деган таънадан қутулиш учун ҳамон Тўтиқизни олиш қароридан қайтмайди. Ҳожи хола қиздан дарак тополмай бўшашиб, мадори қуриб келганда, худди хотинсираб ўлаётган кишидек, уни қистайди.

– Топ, дала! Топсанг – мана тилла, офзингга сиққанини ол. Топмасанг, – аҳмоқ калланг билан хайр-маъзур қилиб қўявер. Энг олдин сени ўлдираман!

Бир кун Ҳожи хола шанғиб берди:

– Ҳо, мени нимага ўлдирар экансиз? Итдай санғайиб, сакиллаб юрсаму, яна кучингиз менга етадими? Алам қилса, кўчага чиқиб дод денг! Тавба арпасини хом ўрган эканманми бунинг!

У шундай дейди-ю, яна тиниб ўлмайди. Уни Тешабойнинг жаранг-жаранг тангалари, тиллалари тинчитмайди.

Тўраҳон ҳам бекор ўтирмайди. Тешабой унга эр ўрнида керак бўлмаса ҳам, обрў ўрнида керак эди. Кимсан фалончининг қизи, кимсан – фалончи бойнинг хотини. Бу кичкина шуҳрату, кичкина бахтми? Тўраҳонга худди шуниси керак. У кўнглини чоғ қилиб юрса ҳам, эртасини ўйлайди. Эрини кўчага чиқиб шарманда қилгани, ҳажикиз деб ғийбат қилгани билан фақат уни абгор қилиб қолмай, ўзини ҳам шарманда қилиб қўйишини яхши билади. Шу сабабли, қозон қоққовини кўтармай, эрини қўлдан бермасликка тиришади. Тўраҳон Малласини кимдан топганлигини, у кимлар билан жонгашталиқ қилиб юрганини Тешабой неча йиллардан бери билади, бунга ўзи айбдор бўлганидан,



шайтон васвасасига қулоқ солмай, у ҳам қозон қопқоғини кўтармай келади. Аммо ўша кечаси хотинини яланғоч кўрди-ю, ялтироқ ҳаётининг ичкарисиси нақадар моғор босиб кетганини биринчи марта бутун даҳшати билан англади. Тўраҳон аламига чидолмай ҳар бир сўзини унинг бетига шапати ураётгандай қилиб айтганда, у хотинининг оёғига йиқилиб тавба қилмоқчи, устига хотин олмасликка қасам ичмоқчи бўлди. Лекин Тўраҳон кейин сизлашга ўтиб, охирда йиғлаб бергани унинг жонига ора кирди. Тўраҳон шу заифлиги билан унинг қайишиб турган белига қайсарлик камарини боғлади. Тешабой ўша эзилиб, ерга кириб ўтирган кезида: «Ҳих, тирақайлашинг сомонхонагача экан-у! Қараб тур, ўша баттолни устингга олмасамми!» деб аҳд қилди. Ана шундан бери уйига кирмайди. Тўраҳоннинг бетига қарамайди. Тўраҳон бўлса, ўртада ҳеч гап ўтмагандек, эрини чақиртиради. Малласини ялинтиради.

Ниҳоят, бугун Тешабой хотинининг ёнига кирди-ю, Тўраҳоннинг юзига қарамай меҳмондек тўрга чиқиб ўтирди. Гапирмади.

Тўраҳон бешарм хотинларникига ўхшаган орсиз бир кулги билан шарақлаб кулди. Кейин кўзларини мастона сузиб эркаланди.

– Вой аразчи-ей! Мунча тумтаясиз? Жиндек кулиб қўйинг, жиндак. Во-ей, бирам галатисиз-ки! Кулинг деяпман! Ҳа, ҳа, ана кулди... – У ҳоҳолаб келиб эрининг қучоғига чалқанча ётди. – Ўша кеча-чи, сизни кирасиз деб атайин икки кишилик ўрин солган эдим, кирмадингиз. Алам қилиб, қазноқдаги мусалласингиздан ичдим. Ўчиб қолибман, сиз бўлсангиз, ёнимга кириш ўрнига мени тепиб юрибсиз. Шунақаям бемеҳр бўласизми, кўзидан? – Тешабой иссиқ кор қилмаган илондай карахт ўтирарди. Тўраҳон баттар сурканди. – Бир қаранг,



бир қаранг. Бетим лабингизга тегай-тегай деб турибди. Тағин ўпиб олманг, жонгинам.

Тешабой ўпиб олиш у ёқда турсин, уни қандай қилиб итариб юбориш хаёлида эди. Унга қарамади ҳам, юраги жиг этмади ҳам.

Тўраҳон эрининг кучоғидан турди. Энди ёнига ўтириб, бошини елкасига қўйди. Тешабой димоғига мўл сепилган атир гуп этиб урди. Тўраҳон яна қийшанглашга тушди.

– Менга қаранг, дадаси, ўтган ишга салавот. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолсин десангиз, мен ҳалол хотинингиз бўлайину, сиз ҳам устимга ўшани олманг. Ёнимга келасизми-йўқми, сиздан бўлакни демайман. Хўпми, жонидан?

Тешабой индамади. У ҳамон ерга қараб ўтирарди, хотинининг муросага чақираётгани унга алдов бўлиб туюлди. Ахир ўша кечаси «сен ўлик бўлсанг, мен тирикман», деган шаллақи шу эмасмиди? Қачондан бери давлат нафсдан устун чиқадиган бўлди? Э Худо, нафсга озиқ берадиган, уни оздирадиган куч давлат, бойлик эди-ку! Бу муғамбир хотин бугун кўз сузиб, қош учираётгани билан эртага яна ўша ифлос кўчани қўмсамаслиги мумкинми? Йўқ, бу фақат найранг, алдов, макр. Ёсуман макри!

Тешабой ўрнидан кўзгалган эди, хотини маҳкам ёпишиб олди.

– Бугун ҳеч ерга чиқармайман – меникисиз! Меникисиз, а? Тушундингизми? – деди у, чап кўзини маъноли қисиб.

Тешабой кўзига ўша машғум кеча кўринди. У хотинини итариб ташлаб, эшик томон юрди.

– Ҳа, яна ўшами! – деди-ю Тўраҳон, чопиб бориб эшикни ичкаридан қулфлаб олди. – Чиқиб кўрингчи, нечта жонингиз бор экан!

Тешабой эшик оғзида серрайиб туриб қолди. Бир оздан кейин қуруқ, дағал товуш билан гўлдиради.



- Оч!
- Очмайман!
- Оч, деяпман сенга!
- Йўқ, бугун меникисиз. Соғиндим ахир, тушунсангиз-чи!

Бу гаплар ёлфонлигини Тешабойгина эмас, Тўрахоннинг ўзи ҳам сезиб турарди. Шундай бўлса ҳам, Тешабой секин орқасига қайтди. Тўрахон уни дарров кўрпачага ўтқазиб, ёнига ёстик қўйди...

Тешабой, одатдагича, саҳар туриб кетди. Наридан-бери чой ичиб ташқарига чиққанда, Қудрат уни айвонда кутиб турган эди. Тешабой у билан иссиқ кўришди.

– Ҳорманг, Қудрат ака. Мен сизни бугун ҳам келмасиз, деб ўйловдим. Қалай, иш тўғри бўлдимми?

Қудрат иши юришмаган киши қиёфасида эди. Калласини тебратди.

– Тўғри бўлмади. Ўша ейилган жойини олиб ташлаб, янгисини қўйиш керак эди. Шаҳардан шунча қидирдим, топилмади. Ўзингда йўқ – оламда йўқ, деб шуни айтади-да.

Тешабойнинг кўзи тепасига тортиб кетди.

– Энди нима бўлади? Завод юрмайдими?

– Юради, ўша қисмни топсак юради. Воҳидни Симга юбордим. Ўша ердан топса топди, топмаса, Қўқонга боради. Начора, иш уч-тўрт кун тўхтаб қолади. Сабр қиламиз. Сабр таги олтин, дейдилар.

Заводнинг уч-тўрт кун тўхтаб қолиши Тешабой дилини сиёҳ қилди.

– Жон ака, ўша жойини ўзингиз тўғрилай олмайсизми, а?

– Тўғрилаш мумкин, лекин заводда қилингандақа бўлмайди. Икки-уч кундан кейин тагин бузилади. Майли десангиз, уриниб кўраман. Лекин айтиб қўяй: ўша бузилган қисми жуда нозик жой. Қат-



тиқроқ ейилиб кетса, бутун машина ишдан чиқади. Унда янги машина сотиб олишга тўғри келади.

Тешабой Қудратни маҳоват қияпти деб ўйлади-ю, узокдаги қуйруқдан яқиндаги ўпкани танлади.

– Жон ака, юргизиб беринг. Икки-уч кунга бўлса ҳам юриб турсин. Завод пахтадан сал енгиллашсин, ҳамма ёқ тиқилиб кетди.

Қудрат норози бўлиб елкасини қисди.

– Машинани пўлатдан деймиз-у, у ҳам вақти-вақти билан дам олмаса бўлмайди. Кейинги кунларда жуда қаттиқ ишладик. Машинага одамнинг раҳми келади. Дурустроқ ўйлаб қаралганда, завод ҳозиргина эмас, кейин ҳам керак. Шунча пахта янаги йилги пахта пишиғига тозалаб улгурадими-йўқми, ҳали бу даргумон. Шунча пахта тангиз устига яна теварак-атрофдан пахта сотиб оляпсиз. Ишқилиб, бирон ишқал чиқмасин-да, шунисидан қўрқаман.

Тешабой ундан миннатдор бўлди. Ўзи ичкарида нонушта қилиб чиққан бўлса ҳам, ийиб кетиб, уни чойга таклиф қиладди... Лекин Қудрат машинанинг бузилган жойини тезроқ тузатиш кераклигини баҳона қилиб чиқиб кетди.

Мамарайим афанди гап навбатини кутиб Тешабой орқасида қўл қовуштириб турган эди. Қудрат чиқиб кетиши билан хўжайин олдига қилпанглаб ўтди.

– Афандим, омбор пахта тойларига тиқилиб кетди-ю, буни сақлаб еймизми? Сотсак қалай бўлар экан?

Тешабой заводда пахталари куйиб кетгандан бери тайёр тойларни пайдар-пай сотиш ниятида эди. Лекин...

– Нархи жуда тушиб кетган. Қилинган харажатни ҳам қопламайди. Дурустроқ харидор бўлса топ, сотайлик.



- Мамарайим афанди қилпиллашдан ўтиб, эшилди.
- Харидор бор, афандим!
- Ким экан?
- Ҳоким.
- Тешабой сакраб тушаёзди.
- Ҳоким?
- Ҳа. Пахталарни сотиб олиб, урушга юбораётган эмиш. Николай буюрибди.
- Николай буюрибди?
- Ҳа. Пахтадан ўқ қилишармиш.
- Тешабойга жон кирди.
- Қаердан эшитдинг?
- Бозор куни шунақа гап бўлди. Симхаевнинг ҳам пахтаси ётиб қолган экан, ҳокимга сотибди.
- Тешабой устидаги тегирмон тоши қулади. Суюнганидан Мамарайим афандининг елкасига қоқиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.
- Миянгни кўкнори морорлаб қўйган-у, лекин бурнинг ҳид биледи. Хўп, мен заводдан хабар олиб, кейин шаҳарга тушаман. Сен извошни тайёрлатиб қўй...
- Тешабой гапини тугатмай, Ҳожидан хола дарвозадан лопилаб кириб келди. Салом йўқ, алик йўқ, Тешабойни қўлидан ушлаб айвонга тортди. Кампир юзи қизариб, пешонасидан тер оқар, юриб эмас, югуриб келган кишидай нафасини ўнглаёлмай ҳарсиллар эди.
- Нима бўлди? Қўлимни қўйвор, – деди Тешабой, нима бўлиши мумкинлигини ўзи пайқаб турган бўлса ҳам.
- Ҳожидан хола қўлини ҳам қўймади, жавоб ҳам қилмади. Фақат айвонга чиқишганда, орқада соя бўлиб келаётган Мамарайим афандига дағдаға қилди.
- Ҳай, ошга чопган оч арвоҳдай нимага кел-япсан? Бор, йўқол!



Мамарайим афанди секин бурилиб кетди. Ҳожи хола Тешабойни меҳмонхонага тортди. Ичкари кибриб эшикни ёпгандан кейингина Тешабойнинг қўлини бўшатди.

– Қани, суюнчини чўзинг!

Тешабой ҳоҳлаб кулди. Бу шодлик кулгиси эмас, масхара кулгиси эканини Ҳожи хола унинг жавобидан англади.

– Суюнчини енгилоеқ қизнинг қилвири отасидан оласан!

Ҳожи хола йўл бўйи тилла санаб келган эди. Тешабойнинг гапидан кейин ичидан зил кетиб, кўзлари тинди. Қулоқлари бирдан ғувиллаб, боши айланди. Гандираклаб туриб токчадаги чойнакка ёпишди, ичида яхна чой бор экан, шиғиллатиб шимирди. Кейин сўлжайиб, қийшайиб кетган қонсиз лабларини кир енги билан артди-да, жойига ўтирмасдан, Тешабой ёнига келди.

– Ҳали шунақами?! – деди унга, «шармандангни чиқариб қўяйми?» дегандай қилиб.

Тешабой ўзининг сиридан у воқиғалигини билмас эди. Шунинг учун ҳазил қилибми ё чинданми:

– Шунақа, – деди.

Ҳожи холанинг жони бўғзига келди.

– Шунақа экан, бўлмаса нимага қидиртирдигиз?! Ўзингиз айтмадингизми: «Ердан бўлса ҳам, кўкдан бўлса ҳам топ. Сийлов мендан» деб?! Энди нимага туямижоз иш қиласиз?

Тешабой аввал қиқирлаб кулди, кейин чўнтагини кавлаб бир нарсачиқарди. Уни кўзига келтириб қаради.

– Ўша айбим учун ма, суюнчи, – деди, қўлидаги нарсани Ҳожи холага ирғитиб.

Ҳожи хола учиб келаётган суюнчини бир қўли билан қилиб олди. Дарров кўзига келтирди. Уни



қали замон чангалида жаранглайдиган бир ҳовуч тилла тангалар элчиси деб ўйлаган эди.

– Вой назарингиз паст бўлмай ўлсин-ей! Тўрт пул-ку! – Чақани бой юзига ирғитди. – Олинг, бошингизга уринг! – Ҳожи хола йиғламосирай бошлади. – Шўрим қурсин. Сизни одам деб шунча саргардон бўламанми... Бунақа қашамишоқлигингизни билсам бошқа тирикчилигимни қилмасмидим!

Ҳожи холанинг йиғиси ҳам, таъна, андуҳи ҳам Тешабойга кор қилмади. У орқасига бурилди.

– Шошиб турибман. Заводга чиқишим керак.

Ҳожи хола ҳаллослаб бориб қўлидан ушлади.

– Тўхта, ҳезалак!

– Бу сўз Тешабой рангини ўчирди. Лаблари қалтираб қичқирди:

– Нима?! Нима дединг?!

– Ҳезалак, дедим! Ҳезалаксан! Тўтидан нима учун қайтаётганингни бошқалар билмаса ҳам мен биламан.

Тешабой ҳид сезган овчи итдай сесканди. Тишлари гижирлаб, чангаллари Ҳожи холанинг ёқасига ёпишди.

– Худо мени сенга Азроил қилиб юборган! Сабиал жонингни мен оламан!

Тешабой уни бўғиб ерга ағдарди. Кўкрагидан босиб жони-жаҳди билаи бўғди. Ҳожи хола жон ҳаллида унинг бетига чанг солди. Оёқларини тирчилатиб, Тешабой тагидан чиқди. Энди иккаласи бир-бирини бўғиб юмалай кетишди. Тешабой унинг сочига ёпишди, у Тешабой соқолига човут солди. Ҳожи хола қариб қолса ҳам, Ёсумандай кучли, макрли эди. Бир неча дақиқа бир-бирини юлишиб, юмалашиб борганларидан кейин Ҳожи хола тепага чиқиб олди.

– Қани, Худо кимни кимга Азроил қилиб юборган экан, билиб қўяйлик! – деди Ҳожи хола, уни маҳкам бўғиб.



Тешабой ингичка бўйнини чайир чангалдан бир амаллаб ажратди-ю, лекин тагидан чиқолмади. Энди ялинишга тушди.

– Эсингни едингми, далли? Ҳазилга ҳам тушунмайсан-а! Тур!

Ҳожи холанинг дуди осмонда эди. У яна бўғди.

– Йўқ, чучварани хом санабсан, бой! Мени ўлдирадиганнинг ўзи қўлимда ўлади!

Тешабойнинг ранги кўкариб, кўзлари косасидан ўйнаб чиқди. У худди жон талашаётгандек қаттиқ типирчилади. Кампир устидан қулаб кетди. У апил-тапил туриб қочмоқчи бўлди, лекин мадори етмади. Кампир ҳам унинг ўлиб қолишидан кўрқдими, энди осилади. Боя ўзидан қолган яхна чойни келтириб Тешабой оғзига тутди. У бир-икки лўқиллатиб ичди. Энди бир оз ўзига келди. Ҳожи хола чойнакни токчага қўйиб:

– Оғзим қулаф, – деди, гапни тагин бояги томонга буриб, – лекин очиб юборишим ҳам мумкин: Билдингми?

Тешабой калласи билан «билдим» ишорасини қилди.

– Билган бўлсанг, шунга қараб иш тут.

– Нима дейсан, суюнчи бер, дейсанми? Хўп, бераман. Мени тинч қўй.

Ҳожи хола энди насиҳатгўйликка ўтди:

– Тинч қўймай уйингга ўт қўяётганим йўқ, қўйингга суқсурдай қиз соляпман, суюнсанг-чи! Еш-ёш қизларни олиб турсанг ўзингга яхши-ку. Эркақсан, бунинг устига яна бойсан. Никоҳида камида тўртта хотини бўлмаган бой ҳам бойми?! Иннанкейин, пайғамбаримиз ўз умматларига тўртта хотин олмақликни ижоб этган. Хотин кўпайтирсанг, бир ёқдан, пайғамбаримиз айтганларини бажо келтирасан, яна бир ёқдан хотин устига хотин олаётган бойлар, савдогарлар, дўзахи муллалар кўзида ҳезалакка ўхшаб юрмайсан. Билдингми?



Тешабой яна калласини ликиллатди.

– Ҳа.

– Ўша куни Тўтихонни кўрдингиз. Ой деса – ой, кун деса – кун. Зора шу қиз билан очилиб кетсангиз.

Бу сўз Тешабойга жуда ёқиб кетди. Ўзи ўлолмай ўтирса ҳам, илжайиб, мўйловини буради. Ҳожи хола қиқир-қиқир кулди.

– Вой чиранмай ўлинг, дарров мўйловингизни бурайсиз-а!

Ўн учинчи боб

Ашурмирзо чиндан ҳам пушаймонми?

Ашурмирзо саҳарлаб йўлга чиқди. Қизи Чекободдан нарида, Аравон тоғининг ғарбий этагидаги бир қирғиз ўтовиди эди. У ўтовга етиб келгунча топанманми-йўқми деб минг хаёлга тушди. Ўтов Сулаймон аканинги ошнаси Зулфиқорники эди. Ашурмирзо Аравон бозоридан совға-салом олиб, ўтовга намоз асрда етиб келди. Ҳаво анча салқинлигига қарамай, қирғиз болалар, йигит-қизлар очиқ ҳавода Дилшодни ўртага олиб ўтиришарди. Узоқда бегона одам келаётганини кўриб, ўтов атрофидаги бўрибосарлар вовуллаш бошлашди. Йигитлардан бири итларга қичқирди. Ашурмирзо қўлида тугунчак билан шипиллаб келарди.

Дилшод уни таниб, сакраб турди. Ёнидаги бир қизчага алланима шивирлаган эди, у этакдаги ўтов томонга югуриб кетди.

Ашурмирзо кулиб, чарақлаб келиб, Дилшодни кучоқлади. Кўзларига ёш олди.

– Хайрият! Хайрият! Сизни кўрар кун ҳам бор экан-а! – деди у, Дилшодни яна кучоқлаб.

Дилшод нима қилишини, нима дейишини билмай нест турар эди. Келинг ҳам демади, салом ҳам



бермади. Ашурмирзо қўлидаги тутунчаги билан серрайиб туриб қолди.

Атрофдаги йигит-қизлар битта-битта тарқала бошлашди. Ниҳоят, Ашурмирзо билан Дилшод қолди.

Ашурмирзо қўлидаги тутунчакни Дилшодга узатди. У худди кўрмаётгандек қимирламади.

– Олинг, сизларга олиб келдим, – деди Ашурмирзо тутунчакни унинг қўлига тутқизиб.

Дилшод уни ўтов ёнидаги каттакон харсанг тош устига қўйди.

– Қалай, тинч ўтирибсизларми? Яхшимисизлар? Тўтихон қаерда? Қийналмаяпсизларми? Ҳеч ким келиб турибдими? – Ашурмирзо, савол устига савол ёғдира кетди.

Дилшод биттасига ҳам жавоб бермади. Ашурмирзо келиши билан юрагида яхлаган муз бутун баданига тарқалган эди. Уни ўтов ёнидаги кўм-кўк ўт устига солинган палосга ҳам таклиф этмади. Қовоқларини осилтириб аллақаяқларга қараб турарди. Ваҳм билан бўлса ҳам, лекин қирғиз яйловлари каби кенг ҳаёти бирдан торайиб, қоронғи чоҳга айлангандай туюларди. Юраги сиқила бошлади.

Ашурмирзо эса ҳеч тинмай сайрарди.

– Хайрият, саломат экансизлар! Хўп қилдинглар-да, баракалла! Баракалла! Қаранг, шундай чиройли, хушҳаво яйловлар бор экан, билмаганимизни! Ҳай-ҳай-ҳай, жаннат-а, жаннат!

Ашурмирзо таклифсиз палосга ўтирди. У чарчаган, айниқса, буларни топамаини-йўқми деган ваҳм билан мадори қуриган эди.

– Қани, ўтиринг, ўғлим, бир фотиҳа қилайлик, – деди Ашурмирзо, Дилшод ҳамон нест туравергандан кейин.

Дилшод яна қимирламади. У ҳозир қимирлаш ҳолатида эмасди. Миясида чувалашган ўйлар ху-



шини олиб қўйган эди. «Мабодо бу алдов усталик билан қўйилаётган тузоқ бўлса-чи? Ким билади, шунча тубанликдан жирканмаган киши алдовдан жирканармикан? Балки қилмишидан пушаймон бўлди, балки тақдир шафқатидан хурсанд бўлди – шундай бўлиши мумкинми? Мумкин. Ҳали у нима мақсадда келганини билмай туриб умид жомини синдириш эрта эмасмикан? Эрта, албатта, эрта!»

Дилшод шу ўй билан унинг ёнига келиб ўтирди, лекин қовоғини очмади. Ашурмирзо суюниб дарров фотиҳага қўл кўтарди.

– Омин, сизларни Худо қўшибди, Худонинг ўзи қўша қаритсин.

Дилшод «яна нима тилагиингиз бор?» дегандай қилиб Ашурмирзога қаради.

Меҳмон гапни узоқдан бошлади.

– Мендан ўтди, Дилшодбек! Мендан ҳар қанча хафа бўлсаларингиз, ҳатто бетимга туфласаларингиз ҳақларингиз бор. Ҳа, ҳақларингиз бор. Мен кўрқоқлик қилдим. Бойдан ўтиб қолган баъзи нарсалар тилимни қисиб қўйдим. Тешабой исканжага олгандан кейин «йўқ» дейишнинг иложини тополмадим. Ҳа, иложини тополмадим. «Қизингни бермасанг, ўзингни турмага тикаман, уй-жойингни соттириб, пулимни ундириб оламан», деди.

Дилшод киноя қилишдан ўзини сақлай олмади.

– Уй-жой сизники эмас эди шекилли!

Ашурмирзо заҳар томиб турган бу кинояни ўз нафига бурди.

– Ҳа, баракалла! Мени чалғитган нарса ҳам масаланинг худди шу томони бўлди. Жой холангизники, раҳматли катта дадангиздан мерос, табаррук жой. Ҳа, табаррук жой. Фозил бир одамнинг жойи қадами теккан шундай азиз жойнинг сотилишига кўнглим бўлмади.

Дилшод юрагидаги алам яна исён кўтарди.



– Лекин бечора қизингизни қон йиғлатишга, ҳолам шўрликни жинни қилишга қандай кўнглингиз бўлди? Бир парча ер инсондан, инсоннинг ноҳақ тўкилган қонли ёшларидан азиз экан-да?

Ашурмирзо ерга кириб кетган кишидай узоқ бошини кўтаролмай ўтирди. Кейин намиққан кўзларини Дилшодга тикиб:

– Масаланинг тагига етмасдан қаралганда, шундоқ. Лекин менинг ўйим, мақсадим бошқа эди. Жирттайган бойни суғоргани олиб бориб, суғормамай келиш эди.

– Тушунмадим.

– Ҳамма бало шу тушунмаганингизда, Дилшодбек! Ҳа, шунда! Никоҳ кечаси ўзим иккалангизни секин қочириб юбормоқчи эдим.

Дилшод кўзлари чаноқларидан чиқди.

– Яна тушунмадим!

Ашурмирзо ҳиринглади.

– Сабр қилинг, ҳозир тушунасиз. Қочириб юборганимдан кейин, ўзлари қочиб кетибди, деб ҳамма айбни сизларга юклардим-у, Тешабой хархашасидан қутулардим. Йўқ, Худога шукур, ишимни Худонинг ўзи ўнглади. Ҳа, Худонинг ўзи ўнглади. Ўзларингиз қочиб, мени умримда қилмаган бир ёлғончиликдан қутқазиб қолдиларингиз.

Дилшод бўшашди.

– Тешабой индамадими?

Ашурмирзо чуқур тин олди.

– Индаш ҳам гапми? Ўзинг қочиргансан, деб мени эшакка тескари миндириб шаҳар айлантирди. Кейин Қорабулоқда яланғоч қилиб беҳи гаврон билан ўлдиргудай урдирди. Ҳа, ўлдиргудай урдирди. Тўрт кун ўзимга келолмай ётдим. Бўлмаса, сизларни кимлар қочирганини, қаерга қочирганини билардим. Айтмадим. Ҳа, айтмадим. Ўлсам ўлай, қизим бебахт бўлмасин, дедим. Сизлар шу



ерда эканингиздан хабардор эдим. Орқамга одам қўйишса, билиб қолишмасин тагин, деб хабар олишга қўрқдим.

– Энди-чи?

Ашурмирзо юзида мушқули осон бўлган кишининг жимайиши кўринди.

– Энди, Худога минг қатла шукур, бости-бости бўлиб кетди. Бу ҳам бежиз эмас, – деди Ашурмирзо, энди кўзлари билан хурсанд кулиб. – Ўша сизлар кочган кунингизнинг эртасигами-индинигами, Тешабой заводига ўт тушиб, ҳамма пахтаси, завод ускунаси ёниб кетди. Ҳа, ёниб кетди. Бизни қақшатувдинг, сени Худо қақшатди, деб роса суюндим. Ҳозир у ўзи билан овора. Қизнинг оёғи ярашмади, менга унақаси керак эмас, деган эмиш. Нур аъло нур. Нима дейсиз?

Дилшод юрагининг шамчироғи пилпилай бошлади. Ҳозир Тўтиқизни чақиргиси, бу гапни айтиб, уни ҳам суюнтиргиси келди. Аммо сир бермади. Ичидан қувониб, кенг яйловли ларзага келтирувчи шодлик ҳайқирғи билан қичқиргиси келса ҳам, яна ташидан ўзгармади. Ҳамон қовоқларини очмай:

– Бетамиз бой билан ўзингиз гаплашиб кўрдигизми? – деб сўради.

Ашурмирзо очилиб кетди.

– Олдин Фосиҳ афандидан эшитувдим. Ишонмасдан, илгари кун яна ўзи билан гаплашдим. Ҳа, ўзи билан гаплашдим. Тўғри, менга ҳам ўша гапини айтди, Дилшодбек, қани энди ўшанда суюнганимни кўрсангиз! Ёш боладай ирғишлаб кетаёздим!

Дилшод ичидаги севинч тилини анча чиқариб қўйди. Ўртадаги совуқчилик кўнглидан чиқдими, ачинган кишидай сўради:

– Қарзингиз, у тўйда берган нарсалар нима бўлди?

Ашурмирзо ҳеч тутилмай жавоб қилди:



– Қарзим эвазига магазинида ишлайдиган бўлдим. Ўн йил текин ишлаб бераман.

– Ўн йил?! Тирикчилик нима бўлади?

Ашурмирзо ҳоҳолаб кулди.

– Худо пошшо, эгам, оч қолмасмиз. Ҳа, айтмоқчи, тўйга юборган латта-путталарини ўша маҳалоқ қайтариб олиб кетган. Энди бой билан ора очик десам бўлади. Э-э, нимасини айтасиз, Дилшодбек, Худога минг-минг шукурки, юзим ёруғ энди.

Ҳа, юзим ёруғ энди. Шунинг учун олдиларингизга елиб келдим, сизларни ҳам хурсанд қилай, деб.

– У атрофига бир жаланглаб олди Тўтихон қани? Чақиринг, кўрай қизим бечорани.

Дилшод Тўтиқиз қаердалигини айтмади, ўрндан ҳам кўзғалмади. Ашурмирзонинг гаплари заррача шубҳа туғдирмаса ҳам, яна нимагадир ўйлашиб ўтирарди. Поччасининг сўзларини ақл тарозисида тортиб кўрди, аммо биронтасидан қийиқ тополмади. Шундай бўлса ҳам яна юраги чопмас, кўнгли очилмасди.

– Ҳа, мунча хаёлга чўкиб кетдингиз, Дилшодбек? Ё кўрмана олиб келмаганимга...

Дилшод қизариб кетди.

– Йўғ-э!

– Бўлмаса, менинг гапимга ишонмаяписиз эканда? Ихтиёрингиз, лекин ишонинг, баҳузур ишонаверинг. Аввало, қаллоблик нималигини биамайман, билганимда-чи, Дилшодбек, сиз билан қизимга эмас, бошқага қилардим. Ҳа, бир марта бурнимга сув кирди, шунинг ўзи умримга етиб ортади. Чақиринг ё қаердалигини айтинг, ўзим борай.

Дилшод малол келаётган бир қиёфада ўрндан туриб, жилғанинг ул юзидаги ўтов томонга кетди. Ашурмирзо қизига айтадиган гапларини шаҳарда пишитиб келган бўлса ҳам, яна бир марта хаёлидан ўтказиб ўтирди.



Тўтиқиз отаси келганини болалардан эшитганидан бери, юрак дукурини босолмай ўтов ичида паришон ўтирарди. У отасидан шунча зулм кўрган эдики, юрагида уйғонган нафратини босолмасди. Бир неча марта ўтовдан чиқиб бориб отасининг юзига хунук сўзлар айтгиси келди. Лекин Дишоднинг маслаҳатисиз бир нарса қилишни ўзбошимчалик деб ўйлаб, шайтонга ҳай берди. Бундан ташқари, отаси ҳар қанча ёмон бўлганда ҳам юзига нафрат ёғдиришни ўзига эп кўрмади. Шунинг учун юрагини гоҳ тиканли чангалида гижимловчи, гоҳ бошини юмшоқ қўллари билан силовчи ўйларга ўзини таслим қилиб, ёлғиз ўтовда ёлғиз ўтирарди. Бир маҳал онасининг шўри кўз ўнгига келди. Балки онасига, муштипар онасига бир нима бўлгандир? Балки отаси ёмон хабар билан келгандир? Э Худо, буни қандай билса бўлади? Йўқ, йўқ, онасига ҳеч нарса бўлгани йўқ. Онаси ҳаёт, фақат бетоб холос!

Тўтиқиз сабри ҳамон йўқолиб борди. У гоҳ ўтовда ташқарига, гоҳ ташқаридан яна ўтовга югуради, ўтиради, яна туради, узоқдан икки кичининг қорасини кўрди, ўша томонга югургиси, чопгиси келади. Келса-чи, кела қолса-чи Дишодбек! Нега уни шунча ўртайди?

Дишод уни ҳаяжон ичида кўрди. Тўтиқиз мўлтировчи кўзлар билан унга узикиб тикилди. Бу мазлум кўзларда шунча савол бор эдики, Дишод ҳаммасини тушунди. Тўтисини бағрига босиб пешонасидан ўпди.

– Хавотир қилманг, – деди у, чарақламаса ҳам қовоқларини солмай, – дадангиз келибди, ўзингиз гаплашиб кўрасиз. Назаримда, қилмишидан қаттиқ пушаймонга ўхшайди.

Тўтиқизни ҳозир отасининг бевақт, бетакалуф келгани эмас, онасининг тақдири машғул қиларди.

– Бувим қалаймиш?



– Холам тўғрисида ҳеч нима демади.

– Сўрадингизми?

Дилшод юзига хижиллик ранги югурди.

– Кечирасиз, Тўтихон, ўзимни йўқотиб қўйдимми, билмайман, сўраш хаёлимга келмабди. Тинчдир, бўлмаса айтар эди.

Дилшод таҳмини Тўтиқизга тасалли бўлмади. Аксинча, юрагида қалтис ваҳм турди.

– Бувим бечорага бир нарса бўлса шу бераҳм ўзи айтармикан, Дилшод ака? – деди у, ваҳм қалтиратган заиф товуш билан.

– Юринг, борайлик. Сизни кўргиси келган эмиш. Холамни ҳам сўрайсиз.

Агар она ваҳми бўлмаса, Тўтиқиз отасининг қорасини кўрадиган кўзларини ўйиб оларди. Шу нафрат кучи билан Дилшодга ялинди.

– Жон Дилшод ака, мен бормай. Ўзингиз сўранг, Худо хайрингизни берсин. Ўша одамнинг башарасини кўргани кўзим йўқ. Бизни шунча хўрлаб, яна қайси бети билан келибди? Йўқ, йўқ, мен бормайман!

Дилшод уни қаттиқ қистамади. Ўзининг қалби ҳам Тўтиқизники сингари, нафрат билан тўлиқ эди.

Дилшод қайтиб келганда, Ашурмирзо Зулфиқор ота билан гаплашиб ўтирган эди. У Дилшодга ер остидан қараб, қизи келмаслигини англади. Шунинг учунми ё Зулфиқор ота гапириб тургани учунми, сўрамади.

– Бола-чақанинг бахтини ўйламаган отани ота дейишлик у ёқда турсин, одам деб бўлмайди, – дедирди Зулфиқор ота. – Хунук иш қилдингиз, мулла Ашур!

Ашурмирзо кўзларини ердан узмай ўзини оқлади.

– Ҳа, яхши бўлмади, ота. Агар Худонинг ўзи ишимни ўнгламаса, алаамимга чидолмай, ўзимни осардим. Йўқ, хайрият, иш ўнгланиб кетди. Ҳа, ўнгланиб кетди.



– Кудой менга қиз бермади. Берганда, ўзим куёв қилиб олардим бу жигитти. Жетти иқлимда жўқ бундай жигит! Ўтовга келгандан бери тек ўтирвейт. Қирғиз болларди жийиб олиб ўқитиб жотат.

Ашурмирзо Дилшодга ҳавасланаётгандай қараб:

– Биламан, топилмайдиган йигит, – деди.

Зулфиқор ота гоҳ ўзбекча, гоҳ қирғизча ара-лаштириб гапирарди.

– Икки ой ичида болдар ҳарф танийдиган бўлиб қолишди. Ёзгача қат-саводи чиқиб қолат, Кудой берса. Қўш, немине келдинг? Болдарингди кўргўнуми ё олиб котгани?

– Йўғ-э, бир кўриб кетай деб келдим, ота. Мендан ҳар қанча ёмонлик ўтган бўлса, узр. Ҳа, узр. Нима қилай, ота эканман, кўргим келди. Бу йигит жияним. Буни ҳам қизимдан кам яхши кўрмайман, – деди Ашурмирзо, бўйинини қисиб.

Зулфиқор ота синовчи назар билан унинг кўзига тикилди.

– Жақсилиқминен келган бўлсанг, мана, жайнинг тўриси сеники, қўноқ бўл, қўй сўйиб бермин. Жомонлиқминен келган бўлсанг, жонингни суғуриб оламан.

– Э, ота, бир хато қилдим – пушмонимга тараф йўқ! Ҳа, энди кўзим очилди. Аҳлиямнинг ҳам аҳволи оғир, индамас бўлиб қолган. Қизини кўрса, тузалиб кетармикан, дейман-да. Уҳ, Худо мени шундай қаҳрига олдики, ота, менинг бошимга тушди бу кун, бошқанинг бошига тушмасин. Ҳа, тушмасин! Аламимга чидолмайман.

Ашурмирзо кўзларига ёш олиб, бошини қуйи солинтирди. Зулфиқор отанинг раҳми келди. Ҳатто Дилшод ҳам таъсирланиб кетди.

– Қўй, жийлама, – деди ота, мулойим товуш билан. Кейин сўради: – Неминэ қиласан, жотиб қоласанми?



Ашурмирзо тиззасига етиб қолган бошини аста кўтарди. Чиндан ҳам кўзлари ёшли эди.

– Йўқ, қайтаман, эртага ишим бор. Кечалаб бўлса ҳам уйга етиб олмасам бўлмайди. Аттанг, қизимни кўролмадим. Хайр, майли. Жума яна келаман. Ўшанда кўришармиз.

Ашурмирзо хайрлашиб кетгандан беш соат сўнг олти нафар миршаб отлиқ келиб Дилшод билан Тўтиқизни, ушлаб кетди.

Ўн тўртинчи боб Сафсар конверт

Кеча эрталаб бомдод намозида қавмлар орқали бутун аҳолига уруш солиғи эълон қилинди. Мадумар мингбоши яна отга минди, камалаксимон қиличи ёнига осилиб, орқаси кунгура зарбоф тўн тагин эгнига илинди. У қишлоқ оқсоқолларини, эликбошиларни, миршабларни ёнига олиб, маҳаллама-маҳалла халқ қулоғига қуйиб чиқди. Мадумарнинг бунчалик жон куйдириши уруш солиғининг аввалгиларидан жуда-жуда қисталанглигини билдирарди. Ўша куни эрталаб ҳам, кечкурун ҳам аҳоли қайта-қайта огоҳлантирилди.

Юқоридан келган буйруққа биноанми, ё Мадумар ўзи ўйлаб чиқарганми, солиқ хонадонга эмас, жон бошига сочилди. Бу камбағал бўғзига пичоқ деган сўз эди. Тешабой иккита хотини, бир ўғли, ўзи, демак, тўрт жон учун солиқ тўласа. Карим камбағал ўн учта боласию хотини, ўзи учун, демак, ўн беш жон учун, яъни дунёси тикилиб ётган Тешабойдан сал кам тўрт баравар ортиқ тўлаши керак! Бу ҳеч қандай далил билан оқлаб бўлмайдиган ошкора зулм эди. Халқ кўзгагиб кетди. Эркак борми, аёл борми – ҳамма мингбошининг мазлумлар кўз ёши дарё-дарё тўкилган дарвозаси олдига



тўпланди. Эркаклар қичқиришар, аёллар шундай чувиллашардики, гап-гапга қовушмас, ким нима деётганини уқиб бўлмасди.

Мингбоши дарвозасини миршаблар кўриқлаб туришган бўлса ҳам, халқ олдига чиқишдан кўрқди.

Халқ уввоси момақалди роқ гулдуросидек ҳайбатли эди.

– Мадумар! Мадумар қаллоб, чиқ бу ёққа!

– Чиқ, золим! Жон керак бўлса ол, муттаҳам!

Бу қичқирик, бу ҳайқирик мингбоши дарвозасини синдириб юборадиган зарб каби даҳшатли эди. Мадумар чиқмасликнинг иложини тополмади. Халқ сел тошқинидек дарвозага уриди. Қиёмат шовқин, қий-чув кўтарилиди. Мингбоши дарвоза-ҳонаси устидаги болохона айвончасида кўринди. Ёнида оқсоқоллари ҳам бор эди.

Одамлар уни кўриб, яна баттар қичқириб бошлашди.

– Қачон қутуламиз бу лаънати солиқлардан?!

– Бу сабила нимага уй бошига эмасу, жон бошига?!

– Дод! Дод бу талончиликдан!

Мадумар аввал ўзини йўқотиб қўйди. Кейин томоғида тиқилиб қолган нарсани ютиб:

– Тўғри, солиқ катта. Лекин тўламасак бўлмайди. Буйруқ шу! Ҳоким тўранинг буйруқлари. Урушга керак, уруш солиғи бу. Тўламасак дорга осади, – деди.

Халқ гувури яна баттар авж қилди.

– Уруши ҳам, солиғи ҳам бошидан қолсин!

– Урушни биз очганимиз йўқ! Ким очган бўлса, ўзи тўлайверсин!

Усти боши хароб бир чол ҳассасига таяниб олдинга чиқди.

– Додхоҳ, ўзингиз инсоф қилинг, сиз ҳам бир сўм тўлайсиз экан, мен ҳам. Сиз қаерда-ю, мен қаерда? Ўзингизнинг эғни-бошингизга қарангу, меникига



қаранг. Қани энди айтинг: сиз билан мен барабарманми? Сизнинг ботмон-ботмон ер-сувингиз, боғу рофингиз, йилқингиз, данғиллама ҳовли-жойингиз бор, менда-чи? Менда нима бор, додхоҳ? Менинг шу ҳилвираб қолган кекса жонимга бир сўм нарх қўйибсиз. Қуллуқ, минг марта қуллуқ. Мени-ку шунча кўтарибсиз, сизни нима нас босдики, ўзингизнинг нархингизни шунча тушириб юборибсиз? Сиз ҳам бир сўмлик мол экансиз-да, додхоҳ?

Ғазабли аҳоли орасида бир неча киши ҳоҳолаб кулиб юборди. Мингбошининг қанотидаги оқсоқоллар ҳам ўзларини кулгидан сақлаб қолишолмади. Мадумарнинг ранги ўчди. У олайиб, қон қусиб турган хунук кўзини пилпилатди. Лекин бир нарса дейишга улгурмади. Ҳар қандай улфатлар орасида битта-иккита аскиябоз топилганидек, ғазабни қайнаб турган оломон ичида ҳам шунақаси бор эди. У пайровни молдан олди.

– Қишлоғимизга ўн минг сўм сочилади, дейсиз, додхоҳ! Ўн минг сўм нима деган гап? Бой куёвингиз билан иккалангиз тўлаб қўйсангиз ўлиб қолмасиз. Қўрқманг, тақсир, ҳўкиз ўлса, гўшт кўпаяди!

Оломон ичида яна кулги чақмоғи чақнади. Миршаббоши миршабларига ўкирди:

– Ҳайда қисталоқларни! Ҳайда, деярман сенларга!

Кулги ўрнини яна ғазаб ҳайқариқлари олди. Оломон ичидан кимдир болохонага тош отди. Тош келиб, мингбоши ёнида гезариб турган Соли совуққа тегди. У зарб еган чап елкасини ушлаганича ўзини болохона ичкарасига урди. Орқадан тағин бир неча тош ёғилди. Энди мингбоши билан оқсоқоллар бир-бирига навбат бермай ичкарига қочиб кириб кетишди...

Кўчадаги уввос, миршаблар билан оломон ўртасидаги кураш узоқ давом этди. Кеч кириб, ой чиқди, ой ботиб, тонг отди ҳам, тинчини топган одам



бўлмади. Йигирма уйликча хонадон кечаси ул-бу-лини йиғиштириб, бошқа ёққа бош олиб кетди.

Эрталаб, тонг отар-отмас, Тешабой дарвозасини бир қора отлик келиб қоқди. Мамарайим афанди кўкнори эзишга энди ўтирган эди, бўйнидан боғлагандай бўлиб чиқди.

– Хўжайин уйдами? – деб сўради отлик.

– Уйда.

У бир сафсар конвертни чўзди.

– Мана шу хатни бериб қўясиз.

Мамарайим афанди уни қўлига олиб қаради. Конверт устида ҳеч қандай ёзув йўқ эди.

– Ҳой, кимдан? – деб сўради у, отлик бурилиб кетганда.

– Ҳокимдан.

Ҳоким номини эшитиб, Мамарайим афанди хатни дарров хўжайинига киритиб берди. Тешабой ётиб қолган пахларини ҳокимга сотиш тама-си билан юрган эди. Хатни кўриб суюниб кетди. Лекин конвертни очди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Конверт ичида катта қора қора ҳарфлар билан ёзилган варақа бор эди. Тез кўз югуртириб чиқди, ғазаб билан гижимлаб, Мамарайимга кичқирди.

– Ким олиб келди?!

Мамарайим афандининг эсхонаси чиқиб кетди.

– Бир отлик ҳокимдан деб бериб кетди, тақсир.

– Латта! Хумпар, тўхтатиб турсанг ўларминдиг?!

– Нима экан, хўжайин? Ёмон гапми?

Тешабой варақани унга ирғитди.

– Ўқи!

Мамарайим афанди қоғоз гижимини тузатиб ўқий бошлади. Ўқиган сари кўзлари косасидан чиқиб, киприклари пилпилаб борди. Тешабой қоғозни унинг қўлидан юлиб олди.

– Айт, отни эгарлашсин!

Куёв тўра қайнатасиникига ҳовлиқиб келганда, Мадумар мингбоши оқсоқоллари билан боши қо-



тиб ўтирган эди. Тешабойнинг авзойини кўриб, у дарров сирга тушунди.

– Ҳа, сизга ҳам келдими?

Тешабой ўзини тушунмасликка солди.

– Нима келади?

Мадумар дастурхон тагидаги сафсар конвертни олиб кўрсатди.

– Мана бундан.

Тешабой варақа ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам келганидан пича енгил тортди. Шундай бўлса ҳам яна гапни дўқдан бошлади.

– Бу қанақа гап? Бир муттаҳам мана шундай ифлос қоғозни отлиқ тарқатиб юрса-ю, сиз пинак бузмай ўтирасиз! Бўлиснинг каттаси бўлганингиздан кейин мундоқ қаранг-да! Кўринг буни!

Тешабой чўнтагидан конвертни чиқариб қайна-тасига отди. Конверт келиб Мадумарнинг қоқ бурнига тегди. Ўзи ўломай тургани устига куёвининг бу гишаваси жонини ҳалқумига келтирди. Жаҳли чиқиб, конвертни Тешабойга ирғитди.

– Э, сендақа бурни кўпчиган бойдан ўргилдим. Нимага жириллайсан?! Битта сенга келибдими? Мана буларга ҳам, менга ҳам келган. Нима қилай? Қачон шунақа отлиқ келар экан, деб кўчама-кўча санқиб юрайми? Ҳе ўша...

– Санқийсизми, санқимайсизми, бўлиснинг каттасисиз. Сиз индамаганингиздан кейин, ҳали қоғоз экан бомба ҳам олиб келиб ташлашади. Буни қаранг, уйларингга ўт кўямиз, дейишибди. Нима, сиз буни ҳазил шунчаки дўқ деб ўйлайсизми? Олдини олинг, додхо, Бўлмаса...

– Бўлмаса, нима, мени осасанми? – Мадумар ўдағайлади.

– Ҳай-ҳай, оғир бўлинглар, ота-боласизлар ахир, – деди оқсоқоллардан бири ўртага тушиб.

Иккинчи оқсоқол Тешабойни янди.



– Бунақа дўқ-пўписадан фойда йўқ, бой. Ўтириб маслаҳатлашайлик. Бизларнинг уйимизга ҳам ўша қора отлиқ хат ташлаб кетибди. Қани энди у кимлигини билсагу, гирибонидан гип бўрсак! Хабарингиз борми-йўқми, кеча камбағаллар додхоҳнинг олдига дод деб келишди. Солиқни тўлаёлмаимиз, дейишди. Қани, айтинг, маслаҳат беринг, йўл-йўриқ кўрсатинг: солиқни қандай қилсак ундираимиз?

Тешабой дўнғиллаб берди.

– Мен қаердан билай! Мен ҳам элнинг биттаси, солиқ тўлайман.

– Тўғри, сиз ҳам тўлайсиз, – деди оқсоқол, нафси оғриб. – Лекин камбағалнинг йўриғи бошқа. Фар бўл, ўғри бўл, инсофнинг билан бўл, деган гап бор. Афсуски, инсоф анқонинг тухуми бўлиб қолди. Солиқни жон бошига солиб камбағалларга ёмон жавр қиляпмиз. Бир сўмдан-а! Бир сўмга бир пуд ун беради. Ўн жонга ўн сўм. Сиз билан бизга ўн сўм нима деган гап? Қўлимизнинг кири. Шу томонларни ҳам ўйлаш керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимаса. Мен уч жонман, сиз, бой, тўрт жонсиз, додхоҳ ўзи-ю, хотини. Мен уч сўм, сиз тўрт сўм, додхоҳ икки сўм тўласа-ю, тишининг кирини сўриб ўтирган аёл-манд камбағалларни биздан уч-тўрт баравар ортиқ тўлашга мажбур қилсак, инсофдан бўлармикан?

Инсоф тўғрисидаги гап Тешабойга тегиб кетди. У жириллади.

– Оқсоқол, оғзингизга қараб гапиринг! Кимдан инсоф кетса кетгандир, аммо мендан кетгани йўқ. Солиқни жон бошига қилиб сизлар соляпсизлар, мен эмас!

– Санамай саккиз дейсиз-да, бой! – деди оқсоқол ҳам қизишиб. – Дунёнинг оқу қорасига тушуниб турибсиз шундай деганингиздан кейин қора халқ нима деяр эди. Бу расвогарчиликни биздан кўради-да. Ҳолбуки, ҳокимнинг буйруғи.



Тешабой заҳарханда қилди.

– Ҳоким ўзи ўйлаб чиқармагандир. Балки унга ҳам губернатор буюргандир.

– Губернаторга-чи? Унга шундай қил деб ҳеч ким буюрмаганмикан?

– Буюрса фақат подшо буюради-да, – деди иккинчи оқсоқол.

– Ҳа, баракалла! Ана шу подшо келиб, Тешабойдан бир миллион сўм топиб берасан, урушга зарур бўлиб қолди, деса, хўш, бой, топиб берасизми?

Тешабой кинояли қилиб ҳиринглади.

– Бир миллион сўм?

– Ҳа, бир миллион сўм.

– Суф сизга! Ҳамма дунёмни подшога бериб қўйсам, ўзим нима ейман?

– Ана шу-да. Бир миллион сўмни топиб бериш сиздақанги биринчи келди¹ бойга қанча қийин бўлса, елкасидан ўпкаси кўриниб қолган камбағалга ҳам бир сўм топиб бериш шунча қийин. Хўп, уй-жойини, бори будини зўрлик билан бўлса ҳам соттириб, солиқни ундириб олсак бўларди. Мана бу қоғоздан кейин уларнинг моли мулкани ким сотиб олади? Сиз оласизми? Олмайсиз. Бир мирилик нафни деб ўн мирилик зиёнга юрмайсиз. Хайр, бу қоғозни қуруқ дўқ ҳам деяйлик. Борди-ю, чин чиқиб қолди? Унда нима бўлади? «Оч баччағардан қоч баччағар», деган гап бор. Бир очдан-у бир жонидан тўйгандан кўрқ. Келинг, бой, шу тўғрида гаплашайлик. Бир-биримизга гинахонлик қиладиган вақт эмас. Сизга ўргатурилик ўрни йўқ. Биздан кўра уддабуронсиз, ақлингиз ўткир. Маслаҳат беринг; нима қилайлик?

Оқсоқолнинг андишаси Тешабойни ўйлатиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, у тўғри андиша эди. Тешабой уруш солиғини эшитиб, бирини ўн қилиш хаё-

¹ «Гильдия» сўзининг бузилган шакли.



ли билан хурсанд бўлиб юрган эди. Варақа суюнчини қайғуга айлантирди. Айниқса, кечаси йигирма уйликча одамнинг кетиб қолгани уни ваҳмга солиб қўйди. Заводида ишлаётган одамлар ҳам кетиб қолишса нима бўлади? Шунча пахтани ким эплайди? Оқсоқол тўғри айтади. Бир нарса қилиш, бу хархашалардан қутулиш йўлини топиш керак. Лекин қаерда ўша йўл?

Тешабой этакка омонатгина ўтирди.

– Нима қилишимизга ҳайронман, – деди у қовоғини сал очиб. – Ростдан ҳам, боши берк кўчага кириб қолдик.

Мадумар, хаҳ, сенда ҳам одам тили бор экану, дегандай қилиб унга қараб қўйди.

– Ҳа, баракалла! Мундоқ денг. Камбарадан бир мири ундиргандан кўра бўйрага ўтириб қасам ичган осон. Бунинг устига манови лаънати қоғоз қўлимизни боғлаб қўйди.

Улар узоқ гаплашишди, ҳар томонни салмоқлаб, етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб кесишди. Хуллас ҳокимга варақани кўтариб боришдан маъкул тадбир топишолмади...

Мадумар ёнида аминлари, куёви билан ҳоким идорасига ҳовриқиб келганда, қабулхона бўлисларнинг мингбошилари, аминлари, бойлар, заводчилар била лиқ тўла эди. Ҳамма варақадан, уруш солиғидан гапирар, нима қилишларини билмай бошлари қотиб ўтиришарди.

Тешабой бу аҳволни кўриб, устидан бир челақ совуқ сув қуйиб юборилгандай бўлди. Ўтиришга бўш жой йўқ эди, бир четда қайнатаси билан сўппайиб турди. Анчадан кейин ҳоким адъютанти чиқиб, одамларни кабинетга таклиф қилди. Одамлар бир-бирларига навбат бермай эшикдан сиқилиб киришди. Кабинет, катта мажлисларга мўлжаллангандек, жуда кенг эди. Шундай бўлса ҳам,



бошлари қотиб югуриб келганларнинг ҳаммасини сиғдиролмади.

Ҳоким ўз ўрнида қовоқларини осилтириб ўтирарди. Ҳамма жойланиб, гаала-ғовур тингандан кейин у ўтирган ерида таржимон орқали сўради.

– Ҳаммангиз ҳам варақаю солиқ тўғрисидами?

Ҳамма бирдан ғулдирай бошлади. Ҳоким кўллари қулоқларига ёпиб:

– Бирдан эмас! Бирдан эмас! – деб қичқирди.

Асака мингбошиси ўрнидан турди.

– Господин ҳоким, бугун саҳар бир қора отлиқ шу қоғозни уйимга ҳоким юборди деб ташлаб кетди. Ўқиб боқсам, уйинга ўт қўямиз, деган дўқ. Бўлисимиздаги бошқа бою боёнларга ҳам шунақанги қоғоз келди. Ҳайрон бўлиб қолдик, – деди у, қўлидаги варақани ҳокимга узатиб.

Ундан кейин бошқа бўлисларнинг мингбошилари ҳам навбатма-навбат туриб шу гапни такрорлашди. Ҳамма қора отлиқни тилга оларди. Энг сўнггида чувак бир киши ўрнидан юраксизгина туриб сўради:

– Яна битта гап бор эди, айтсам бўлармикан?

Ҳоким «айт» дейишга деди-ю, кейин ўзи пушаймон қилиб қолди. Чувак киши, уруш солиғини ҳоким ўз нафси учун ўйлаб чиқарган эмиш, деган миш-мишлар тарқалганлигини айтган эди, уни ҳоким сўкиб, кабинетидан чиқариб юборди. Шу гапданми ё варақа тўғрисида, ҳокимнинг кўнгли ғаш эди. У устма-уст гугурт чақиб ҳам папиросини тутаттира олмади. Дилини ғаш қилган нарса агар варақа бўлса, у бундай воқеаларни кўп эшитган, ҳатто ўз кўзи билан неча бор кўрган ҳам. Ё битта қора отлиқ бутун уездга шунча варақани бир ўзи қандай қилиб тарқатди экан, деб ҳайронмикан?

Ҳоким дами ичига тушиб, узоқ ўйланиб қолди. Кейин папиросини устма-уст тортиб, одамларга хўмрайиб қаради.



– Ҳамманг қора отлиқни гапирасан. Ичларингда уни кўрганлар борми?

Етти киши ўз кўзи билан кўрганини, ҳокимдан, деб ўз қўлларига сафсар конверт бериб кетганини айтди. Ҳоким бу гапни эшитиб, шундай ғазабландики, юзи бирдан буришди, қистирма кўзойнаги бурни устидан тушиб кетди. У дарров олиб, яна жойига қистирди.

– Оғизларингга пашша қўндириб ўтирмай, дарров ушламайсанларми, ландавурлар!

Ҳалигилардан бири пинғимиди ё кўрққанидан овози пинғилаб чиқдими:

– Ҳокимдан, дегандан кейин жаноблари юборибдилар, деб ўйлабмиз-да, тақсир. Конвертни очиб ўқиттиргунимизча, у отига қамчи босиб кетиб қолди. Ўқишга ўқидигу, қоғоз тагида жанобларининг қўллари борлигини кўриб ҳайрон бўлиб қолдик. Мана, уезд ҳокими фалончи деб қўл қўйилган.

Ҳоким оғзидан тупук сочиб қичқирди:

– Ёлғон! Сохта! Алдов!

Ҳоким овозининг гулдурагидан дераза ойнаклари дирилаб кетди. Бўлис катталари бўйинларини дарров ичларига тортишди.

Ҳоким ҳамма варақани йиғиштириб олди. Столи варақага тўлиб кетди. У шу варақалардан кўз узмай:

– Бу масалани ўзим ҳал қиламан, – деди. Кейин овозидаги зуғумни бўшаштирмай сўради: – Яна нима гапларинг бор?

Уруш солиғининг жон бошига сочилиши Қорабулоқ сингари бошқа бўлисларда ҳам катта норозилик, ҳатто исён кўтарган эди. Ҳамма шуни айтмоқчи бўлса ҳам, биронта одам юраги бетлаб оғиз очолмади.

– Гапларинг йўқми?

– Бор, тақсир, – деди, – кабинетга сигмаганидан кутиш бўлмасида қолганлардан бири.



Ҳоким ўша томонга қараб қичқирди.

– Гапир!

У ёқдан боя дадиароқ эшитилган овоз энди нимжон бўлиб чиқди.

– Солиқнинг жон бошига солиниши ёмон норозилик туғдирыпти, тақсир. Одамларнинг ҳолига қараб солинса қалай бўлар экан?

Ҳоким яна бўкирди:

– Аъло ҳазратлари Николай Иккинчининг фармони олийлари бу! Мен буни ўзгартиролмаيمان! Ўша буйруқ буйруқ, ўша муддат муддат! Қайси бир мингбоши ё амин буйруқни муддатида бажармаса, ўзининг моли жонини соттириб ундиртирмаман! Бор, жавоб ҳаммангга!

Адъютант одамларга «чиқ!» ишораси қилди. Мингбошилар, аминлар сиртмоққа кетаётган маҳкумлардай бўшашиб чиқиб кетишди.

Ўн бешинчи боб **Жандарм турмаси**

Кабинетда ҳоким, адъютантию Тешабой қолди. Тешабой нимага чиқиб кетмаганини ҳоким фаҳмлади шекилли, адъютантига столдаги варақаларни итариб:

– Ҳаммасини битта ҳам қолдирмай ёқиб юборинг, – деди-ю, адъютанти варақаларни йиғиштириб чиқиб кетгандан сўнг, омонатгина кулимсираб Тешабойга қаради. – Хўш, бизга қандай хизматлари бор?

Тешабой гапни узоқдан бошлади.

– Уездимизнинг илгариги ҳокими Фишман жаноблари билан яхши, ҳатто жуда яхши муносабатимиз бор эди...

– Биаламан, биаламан, эшитганман, – деди ҳоким, унинг гапини бўлиб.



Бунн Тешабой «гапни чўзманг, муддаога ўтаверинг, Мен ҳам Фишман жанобларингиздан қолишмайман», деган маънода тушунди. Шунинг учун тагдор кулимсираб:

– Жаноблари билан ҳам шундай муносабатда бўлишимизга мунтазир эдик, – деди.

Ҳоким бошини хиёл эгиб қўйди.

– Хурсандман.

– Ҳузурларида қолишдан мақсудим, жаноблари билан икки тўғрида гаплашиб олоқ. Агар ижозат берсалар...

– Марҳамат, марҳамат, замонамизнинг сиздай тадбиркор кишилари учун кабинетимизнинг эшиги ҳамма вақт очиқ, тақиллатмай кираверишингиз мумкин, – деди ҳоким, димоғига яхши ҳид гул этиб ургандай бетоқат бўлиб.

Тешабой ҳоким такалуфи билан узилиб қолган гапини давом эттирди.

– Қулоғимга чалинган баъзи миш-мишларга қараганда, жаноблари Симхаевдан пахта сотиб олаётган эмишлар...

– Ҳа, уруш эҳтиёжлари учун. Симхаевдангина эмас, Миркомилдан ҳам, Фатияховдан ҳам оляпмиз.

– Агар нархига келишсак, бизда ҳам унча-мунча пахта бор эди. Асли сотмас эдигу, лекин азбаройи урушга кераклигини, айниқса бу тўғрида жаноблари мутасадди қилинганини эшитиб, четда қолмасак, деган эдик.

Ҳоким унинг муддаосини сезиб турса ҳам, яна ўзини хурсанд бўлган кишига солди.

– О, очень хорошо! Жуда соз! Нархи ўша эски нарх ҳар вақт сотиб юрган нархингиз.

Тешабойга бундан ортиғи керак эмас эди. Суюнганидан оғзи қулоғига етди.

– Ҳўп, тақсир, ўша нарх бўлса, бари пахтамни икки қўллаб тутдим, – деди у, ўнг қўлини кўксига босиб.



Ҳоким каттакон ёқут кўзли узук маҳкам қисиб турган шаҳодат бармоғини бирдан юқори кўтарди.

– Аммо битта «лекин» бор.

Тешабой чой чақа сўрамоқчи деб ўйлади.

– Марҳамат, камина қуллари тайёр.

Ҳоким ҳам, муддаомга тушунди, деб гапни айлантириб ўтирмади.

– Пахтадан оладиган даромадингизнинг тўртдан бири, яъни 25 фоизи уруш вақтининг қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган баъзи харажатлар учун олиб қолинади.

Тешабойнинг кўзлари ола-була бўлиб кетди.

– Нечук? Қанақа харажат экан у?

Ҳоким курсисининг орқасига суяниб, хотиржам ўтирган эди. Қўлидаги қаламни столга тик-тик урди.

– Шарти шу. Хўп десангиз, олиб келаверасиз. Йўқ десангиз, яна ихтиёр ўзингизда. – Тешабой ўйланиб қолди. Ҳоким энди юзидан ниқобини олиб ташлади. – Топширган пахтагиз учун банкдан оладиган пулингизнинг тўртдан бирини менга нақд келтириб берасиз.

Тешабой янги ҳоким билан эмас, эски ошноси Фишман билан гаплашаётгандай бўлиб кетди. «Бу баччағарнинг ҳам нафси бало чиқиб қолди!» деб ўйлаб, ўзини анчагача йўқотиб ўтирди. Кейин ҳар қандай манзиратни йиғиштириб қўйиб, савдолашишга ўтди.

– Ҳозирги пул нима-ю, қуруқ қовоз нима, жуда қадри кетиб қолди. Шунинг учун йигирма бешнинг ярмига тўхтайлик, тақсир, – деди у.

Ҳоким қаҳқаҳа уриб кулиб юборди.

– Шу йигирма беш фоиз менда қолади деб ўйлайсизми? Сартсиз – соддасиз! Ҳали генерал-губернатор бор, генерал-губернатор тепасида турганлар бор. Эҳ-ҳа, менга шундан тегса тегати, тегмаса йўқ.



– Ҳар ҳолда...

Ҳоким бирдан гап ўзанини ўзгартирди.

– Ўз орамизда қолсин, – деди у, яна шаҳодат бармоғини кўтариб. – Юрт аҳволи жуда танг. Нима учун танг, қанчалик танг – буни айтиб ўтирмайман. Подшоҳ қаттиқ қисилган. Уруш қисиб қўйди. Қисилган одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди, биласиз. Кейинги миш-мишларга қараганда, урушга зарур бўлган нарсаларнинг барисини ҳукумат ўз ихтиёрига олармиш. Пахтаям уруш хом ашёси, ҳукумат пахтани ўз ихтиёрига олса, яъни мусодара қилса, унда кимга дод деб борасиз? Ҳозир кам деб қайтараётган етмиш беш фоиз ҳақингиз ҳам қулоғини ушлаб кетади. Бу ёғини ўйлаб кўрдингизми?

Ҳоким бу гапни билиб айтдими ё уни кўрқитиш учун айтдими, лекин ҳар икки ҳолда Тешабойни гарангситиб қўйди. Тешабой шилқ этиб тушди.

– Майли, айтганингиз, тақсир.

Ҳоким ўрнидан туриб келиб Тешабой елкасига қокди.

– Мен сизни ёш бойлар орасида энг марди деб эшитган эдим, тўғри экан. Баракалла!

Ҳокимнинг мақтови Тешабой тилининг боғини ечиб юборди. У яхши муносабатнинг меваси яхши бўлишидан, қадрдонликдан, садоқатдан узоқ гапиргандан кейин сўзини қўл қўлни ювишига келтириб тақади.

– Қайси куни Фосих афандини бир илтимос билан ҳузурингизга юборган эдим, – деди.

Ҳоким мамнун илжайди.

– Илтимосингизни бажону дил адо этдик. Бола миршабхонада экан, жандарм турмасига кўчирдик. Бу ёғидан хотиржам бўлаверасиз. Ҳозир у ишончли қўлларда.

Тешабой хурсанд бўлиб қиқирлади.



– Қуш учиб келса – қаноти, одам юриб келса – оёғи куядиган жойда, денг?

– Ҳа, худди ўшандай жойда.

– Бир иложини қилиб Сибиргами ё ундан наригами жўнаттириб юборсангиз, тақсир. Оғзимиздаги ошимизни...

– Эшитдим, эшитдим, ҳамма гапдан хабарим бор, – деди ҳоким, унинг гапини бўлиб, – Бораверинг, хотин сизники...

Тешабой, бир ёқдан, туриб қолган пахталарини арзон нархга бўлса ҳам сотиб олганидан, яна бир ёқдан, рақиб ишончли қўлларда эканидан қувониб ҳоким кабинетидан чиққанда, Дилшод бошқа бир кабинетда сўроқ бераётган эди.

Жандарм бошлиғи Дилшоднинг лойга булангандек ифлос кийим-бошига, ўнг кўзи атрофидаги моматалоққа, бетининг уч ери шилинганига илонники сингари совуқ, карахт кўзларини узоқ тикиб тургандан сўнг, ачинган кишининг раҳмдил овози билан эмас, ўз зулмининг тантанасидан ҳаволанган золим дағдағаси билан гапирди:

– Жиноятингни яхшиликча бўйнингга оласанми ё яна калтак ейсанми?

Хунук овоз каттакон кабинетга сиғмай гулдуради. Дилшод кардай жим турарди. Жандарм бошлиғининг жаҳди чиқди. У даҳшат билан келиб Дилшод бетига шапати тортди. У галдирамади, ўзини ҳам йўқотмади. Дадиал туриб:

– Жиноятни мендан эмас, ўзларингдан қидир! – деди. – Гуноҳсиз одамни қамаш, калтаклаш, азоблаш мана, жиноят деб шуни айтади! Мен нима жиноят қилдимки, жиноятчи бўлай? Жиноятим бўлса, исбот қил, бўйнимга қўй, ана ундан кейин мени жавоб беришга мажбур қил! Бу ерда мен эмас, сенлар билан оғиз-бурун ўпишган ҳақиқий жиноятчи ўтириши керак. Қонун ипи билан боғланган



эру хотинни ажратишга қасд қилган Тешабой ўтириши керак!

Жандарм бошлиғи Дилшод ўзини оқлашга тиришганидан кулар, «минг чиран, минг дод де, бу ердан қутулиб бўлсан!» деб ўйларди. Энди у кўп синовлардан ўтган қуролини қўлга олди.

– Дилшод, яхши боласану, лекин ақлинг кўп нарсага етмайди-да. Оқман, гуноҳим йўқ, деб тихирлик қилганинг билан барибир, оқ бўлиб қолмайсан. Аксинча, ўзингга ўзинг қиласан. Жиноятингни бўйнингга олсанг, ҳа, тузаладиган бола экан, деб бўшатиб юборишимиз мумкин. Ана ундан кейин Тўтинг билан гашт қилиб юраверасан.

Дилшод газаби қайнаб, вужуди нафратга тўлиб турса ҳам, яна кулимсиради.

– Мени жудайла аҳмоқ деб ўйлайсизлар шекили, – деди у, киноядан кўра кўпроқ таънага ўхшатиб.

– Йўқ, гап унақа эмас. Сен ўз нафингни тушунмаяпсан. Жиноятим кўп шекили, деб қўрқма, фақат учта. Аввал ҳам айтувдим, тағин айтаман. Биринчиси, бировга тўй қилинаётган қизни олиб қочдинг. Иккинчиси, ўзинг ёлғиз эмас, бир қанча қора фикрли одамлар билан тил бириктириб қилдинг бу ишни. Учинчиси, Ашурмирзоникидаги меҳмондорчиликда оқ подшога тил тегиздинг. Бори шу учта жиноят. Қўрқадиган ё ваҳм қиладиган нарса эмас. Тергов протоколини ёзайлигу, қўлни қўй, ишни битирайлик. Ҳокимнинг олдига ўзим бориб, гуноҳингни сўраб оламан. Кечиради. Хўпми?

Дилшод бу алдовга учишдан ўзини зўрға сақлаб қолди. Жандарм бошлигининг насиҳатомуз гаплари толиққан юрагида умид уйғота бошлаган эди. У бошини эгиб, ўйланиб кетди. Кўзлари юмуқ бўлса ҳам, хаёл кўзлари очиқ эди. Бирдан Қудрат, Фуломжон акаси, Ольга Петровна кўринди. Унинг ғамхўрлари, маслаҳатгўйлари улар эди. Шуларни



айтадимиз? Ўзининг сабил жонини қутқазиб учун бегуноҳларни зулм чоҳига тортадимиз? Йўқ! йўқ!

– Йўқ, менга сизларнинг шафқатингиз керак эмас! Шафқатни гуноҳкор одам тилайди. Мен гуноҳсизман. Мен адолат талаб қиламан!

Жандарм бошлиғи заҳарли қилиб ҳеҳелади.

– Адолат? Сенга адолат керакми? Хо-хо-хо! Бу сартваччага адолат керак эмиш! Хо-хо-хо! Хўп, сенга адолат керак бўлса, кўрсатиб қўяман. Биласанми адолат қаерда?

У шу савол билан қадалиб келгани учун Дилшод:

– Билмайман! – деб қичқирди.

– Ҳа-а, билмайсан? Тўғри, билмайсан. У ерни борганинда биласан. «Это там, где Макар телят не пас»¹. Сен сўраган адолат ана ўша ерда.

Жандарм бошлиғи ўз столи орқасига ўтириб, алланима ёза бошлади. Дилшод узоқ тик тургани учун оёғи толиб секин стулга ўтирган эди, бошлиқ кўзларини олайтириб қичқирди.

– Тур! Бу ер онангининг уйими, сўроқсиз ўтирасан?

Дилшод ночор ўрнидан турди. Жандарм бошлиғи ярим соатлардан кейин бошини столдан кўтариб:

– Мана тергов протоколи. Ўқиб берайми ё ўзинг ўқийсанми? – деди. Дилшод индамади. Бошлиқнинг жаҳли чиқди. – Қўл қўйсанг қўйдинг, бўлмаса, нақ қулоғингнинг тагида шавла қайнатаман! – Дилшод тагин индамади. – Демак, ўқимайсан. Хўп, ўзим ўқиб эшиттираман.

Жандарм бошлиғи боя тилга олган учта жиноятни савол-жавоб тариқасида ёзиб, ҳаммасига Дилшодни иқрор қилдирган, фақат иккинчи моддадаги жиноятда тилга олинмиши керак бўлган шерикларининг номларини қайд қилмаган эди. Буни

¹ «Борса келмас» маъносида.

у жўрттага талаб қилмади. «Аввал протоколга қўл қўйдириб олсам, кейин уни ўлдириб бўлса ҳам шерикларининг номларини оғзидан омбур билан суғуриб оламан», деб ўйлади. Дилшод қўл қўймадигина эмас, буни инсон ҳурлигининг энг пасткаш поймоли деб атади.

– Сен сарт ҳам инсон бўлдинг, сенга ҳурлик керак бўлдим?! Мана сенга ҳурлик!

Жандарм бошлиғи Дилшод қаншарига шундай мушт отдики, у гандираклаб бориб, орқаси билан деворга урилди. Бурнидан шариллаб қон кетди. Қон туси жандарм бошлиғини шаштидан туширмади. Энди бетларига, кўкрагига мушт солди, у гандираклаб йиқилганда тўғри келган ерига тепди. Ҳар урганда, бутун кабинетни тўлдириб: «Мана сенга ҳурлик! Мана сенга адолат!» деб бақирар, оғзидан сарт кириб, сарт чиқарди. У зулм овининг бу ҳимоясиз, паноҳсиз қурбонини ётиб қолгунча, йўқ, ўзи чарчагунча урди, урди, ахийри ўзи ҳолдан кетди. У маст кишидай гандираклаб бориб эшикни оёғи билан тепди. Эшик тарақлаб очилди.

– Олиб кет! – деди, остонада шай турган жандарм кишисига.

Ерда беҳуш сулайиб ётган Дилшодни иккита жандарм кишиси икки биқинидан ушлаб ердан кўтарди. Бурнидан оққан қон юзини, уст-бошларини қип-қизил қилиб юборган эди.

У камерага келтириб ташлангандан кейин ҳам узоқ вақт ҳушига келмади.

Ўн олтинчи боб Тўтиқиз қаерда?

Беш нафар миршаб Дилшод билан Тўтиқизни яйловдан тутиб кетган кечаси Зулфиқор ота ҳам кетма-кет отлиқ йўлга чиқди. Чол уларни узоқроқдан кузатиб борди. Миршаблар Чекободга етиш-



ганда, уларга яна бир отлик қўшилди. Чол уни узоқдан аниқлай олмаган бўлса ҳам, Ашурмирзо деб ўйлади. Назарида, у Ашурмирзодан бошқа одам бўлмаслиги керак эди. Ахир унинг оёғи теккан ерларда эзилган барра ўтлар бошларини кўтаришга улгурмай миршаблар етиб келишади-ю, тагин у бўлмай бошқа ким бўлиши мумкин? Аҳ, аттанг! Шунисини билса, яйловдаги қирғиз йигитларни отлантриб, урҳо-ур қилмасмиди? Энди нима бўлди? Дўсти Сулаймонга нима дейди? Қайси бети билан бориб, шундай бўлди, дейди? «Жияндарингди осмондан қуш учиб келса ҳам олдирмаймин», демабмиди? Э аттанг, аттанг!

Зулфиқор ота шу хил ўйлар билан шаҳаргача этини еб борди. Отлиқлар Дилшод билан Тўтиқизни миршабхонага олиб кириб кетишгандан кейин ҳам у хилватда пойлаб турди. Алламаҳалдан кейин ўша отлиқлардан бири чиқиб, Қорабулоқ томонга кетди. Зулфиқор ота унинг кимлигини билолмади. Тонг ёришган пайтгача миршабхона ёнидан жилмади. Бир вақт узоқларда итлар ҳуриб, хўрозлар чақира бошлади. Миршабхона уйқудамиди, ҳеч ким кирмас, чиқмасди. Ана шундан сўнг Зулфиқор ота Сулаймон аканикига бориб хабар қилди. У ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Э аттанг! Аттанг! Ашур лаънати йўқлаб борганда, болалардан биронтасини менга юбормасиз-да! Э аттанг! Аттанг! – деди Сулаймон ака, ўзини қўйишга жой тополмай.

У дарҳол отланиб сингиллариникига жўнади. Тонг ҳарир мовий кўйлагини ечмай, Сулаймон ака шаҳарга етиб келди. Уста Баҳром асбобларини кўтариб, энди чиқиб кетаётган эди.

– Тинчликми? Тинчликми? – деди у, Сулаймон аканинг ваҳимали авзойини кўриб.

Сулаймон ака отини ичкарига киргизиб боғлагунча ҳам ҳеч нима демади. От сонлари, тақим-



лари кўпирган, ҳамма ёғидан ҳовур чиқиб турган эди. Ҳамидаҳон от аҳволини кўриб эҳсонаси чиқиб кетди. Юраги ёмон уриб, акасининг олдига югуриб келди. Кўзларида «нима гап» саволи бор эди. Сулаймон ака йиғлагандан баттар бўлиб:

– Бугун кечаси Дилшод билан Тўтини тутиб кетишибди, – деди.

– Вой!

Ҳамидаҳоннинг чангаллари юзига ёпишди. Уста Баҳром кўлидаги асбоблар ерга тушди.

– Вой шўрим, вой мен ўлай! Энди нима қилдик, ака? А, ака?! – деярни Ҳамидаҳон, қақшаб.

Сулаймон аканинг мўйловлари учди, юзидан нур ўчди. Бирдан қорайиб, алақандай ваҳимали тусга кириб кетган юзини Ашурмирзо ҳовлисига ирғади. Лаънати уйдаими?

– Уйида эди.

– Қачон келди?

– Кеча хуфтондан кейин.

Сулаймон ака Дилшодларни шу тутиб келган деб ўйлаган эди.

– Кеча жиянларни кўргани борган экан, айтдимки

– Айтди. Салом айтиб келди.

– Уйдамикан?

– Невай. Қарайми?

– Қаранг, бўлса чақиринг.

Сабрлари чидамай, уста орқасидан ака-сингил у ҳовлига ўтди. Ашурмирзо энди ювиниб, юз-кўлини сочиқ билан артиб турган экан, Сулаймон ака гумондан тушиб:

– Хабарингиз йўқ, болалардан айрилиб қолдик, тутиб кетишибди, – деди.

Ашурмирзонинг кўзлари ола-була бўлиб кетди. Ҳоли қуриб, айвон чорчўлига ўтириб қолди. Бунини Сулаймон ака билан уста дард чекапти деб ўйлашди. Аслида болаларнинг тутилганини мендан



кўриб, мени уришади деб қўрқиб кетган эди. Лекин Сулаймон ака боши берк кўчага кириб қолган киши саволини берди:

– Нима қилдик энди?

Ашурмирзога жон кирди. У энди ўзини ушлаб, нола қилишга турди.

– Худо менга битта қиз эмас, мингта жафо берган экан! Эҳ, Худо! Эҳ, Худо! Мени шунча куйдирмасанг э Худо!

Ҳамидахоннинг тўлиб турган ўпкаси Ашурмирзо ноласидан кейин чилпора бўлди. Панжаларини сочлари орасига тикиб, у ҳовлидан бу ҳовлига югурар, биг-биг йиғлар эди.

Ашурмирзо ўтирган еридан сакраб тушди. Ялинувчи, эзилувчи бир товуш билан илтижо қилди.

– Қаерга олиб кетишибди, Сулаймон ака, қаерга?

– Миршабхонага.

– Иккаласиниям-а?

– Иккаласиниям.

Миршабхонани эшитиб, уста Баҳромнинг юраги чироқ ёқилгандай бўлди.

– Юринглар, миршабхонага борамиз, – деди у, пристав билан танишлагидан умидвор бўлиб.

Ашурмирзо башарасига қон югурди.

– Ҳа-ҳа, бориш керак, пристав яхши одам, адолат қилади.

Ака-сингил билан уста жўнар-жўнамас, Ашурмирзо неча вақтлардан бери ҳувиллаб қолган уйдан зарур нарсаларини тутиб шипиллаганича чиқиб кетди.

Уста Баҳромнинг умид жоми пристав кабинетининг остонасида синди. Приставга иши борлигини, у билан танишлагини айтса ҳам ичкарига киргизишмади. Пристав бошқа шаҳарда, бир ҳафтадан кейин келади, дейишди. Ундан кейин кўчада умид билан кутиб ўтирган ака, сингил ол-



дига тарвузи қўлтиғидан тушиб чиқди. Уч аламли бош нима қиларини билмай қотиб қолди. Миршаблардан, кириб-чиққанлардан суриштиришди. Ҳеч ким тайинли бир нарса демади.

— Менга қаранг, уста, сиз шитоблик билан Фуломжонга хабар қилинг, шояд тадбирини топса. Сиз, Ҳамидахон, ўзингизни босинг, уйга бориб болаларга овқат қилиб келинг. Мен бу ерда бўламан, — деди Сулаймон ака.

Учаласи уч ёққа бўлиниб кетса ҳам, лекин кўнгиллари бир нуқтада қолди. Уларни саросимага солган, ташвишлантирган нуқта Тўтиқиз тақдир эди. Дилшод ҳар нима бўлганда ҳам эркак. Тўтиқиз аёл ахир! Ҳозир камерада ўтирибди, қай аҳволда ўтирибди?

Сулаймон ака оппоқ соқоли текис қилиб тарашланган, чеҳрасидан меҳрибонлик сизиб турган бир кекса миршабни не андиша билан четга тортди-да, ўз кўнгида русча гапирган бўлиб:

— Сеники ўзбекча билади? — деб сўради.

Миршаб кулимсиради.

— Сўйла, мен бит татар, англим.

Сулаймон ака суюниб кетди.

— Э, болангдан айланай! Татар экансану, мундоғ айтиб ҳам қўймайсан, а! Менга қара, қамоқхонада хотин-халажлар ҳам борми?

Миршаб аввал елкасини қисди. Кейин аралаш тил билан:

— Ҳазир йўқ, қай вақтлар бўла-да, — деди.

«Ҳозир йўқ» дегани Сулаймон акани кўрқитиб юборди. Зулфиқор «Тўтиқизни ҳам шу ерга олиб келишди», деган эди-ку!

У юраги чиқиб сўради:

— Бугун кечаси битта йигит билан ёш келинчакни олиб келишган эди, шу ердами улар?

— Келинчакни билмим, жигит шунда, — деди у.



– Келинчак йўқ! – Сулаймон ака бошига бир нарса урилгандай бўлиб қичқирди,

– Йўқ. Ани-да кетирганлар, деб эшитдим. қайда ул, билмим.

Жиянларининг тутиб келтирилгани Сулаймон акани нечоғлик ғамга солган бўлса, Тўтиқизнинг бу ерда эмаслиги уни ўн чоғлик ваҳимага солди. У миршабнинг тирсагидан ушлаб:

– Соқолингдан ўргилай, қиз қаердалигини билиб бермайсанми, қанақа хизмат бўлса тайёрман, – деди.

– Ёрий, сўраб кўрирмин. А, сенга ким бўла у қиз?

– Жияним. Иккаласи ҳам жияним. Эру хотин. никоҳларини ўзим ўқиганман. Барака топгур, билиб бер.

– Ёрий, сиз четракда туриғиз, мен кириб суриштириб чиқармин.

Сулаймон ака кўчанинг ул юзидаги акация дарахти тагига бориб ўтирди. Вақт тезлиги ҳеч маҳал ўзгармаса ҳам, Сулаймон акага вақт жуда тез ўтаётгандек туюларди. Миршаб ўн дақиқа чамасида чиқди-ю, Сулаймон ака назарида у ўн кун йўқолиб кетгандай бўлди. Сулаймон ака бу орада неча марта ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёқ юрди, яна ўтирди. Бир зум ҳам ташвишли кўзларини миршабхона эшигидан узмади. Охир миршаб ҳафсаласи пир бўлиб чиқди.

– Ани кетирганларми, йўқми, ҳеч ким билмай. Эридан сўрарға тўғри келмади. Хотиним қайда қолди, деб, переживать этуви мумкин.

Татар миршаб гапни тамом қилиб, қайрилиб кетди. Сулаймон ака тирик кўмилган кишидай ғам ичида қолди. Боши айланиб, кўз ўнги тинди. Энди у ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани ҳис этмасди. Ёнига келган бошқа бир миршабни ҳам пайқамади. У Сулаймон акани танирмиди, ғамгин қараб тургандан сўнг:

– Хафа бўлманг, мен хабар олиб чиқаман, – деди.

Сулаймон ака бирдан сесканиб тушди. Ёнида ғамгин кўз билан тикилиб турган миршабга алаҳсиб қаради. Миршаб гапни такрорлади.

– Мен хабар олиб чиқаман.

– А, Худо хайрингизни берсин, – деди Сулаймон ака, дордан қайтарилган мажҳумдай қувониб.

Миршаб кириб кетгандан кейин яна боягидай жон томирини узувчи оғир кутиш, ваҳм бошланди. У нима жавоб билан чиқади? Овқат олиб келгани кетган сингласининг ҳоли нима бўлди? О, бечора Ҳамида, сенга ёмон бўлди! Уч бахтсиз жон қайғуси бошингда! Бир ёқдан кун сайин ҳоли оғирлашиб бораётган Жамиланинг доғу ҳасрати, бир ёқдан, севгили Тўтисининг шўри ғавғоси, яна бир ёқдан, ёлғиз ўғли, умиди, кўзларининг оқу қораси Дилшодбекнинг машъум тақдири! Юзидан нури, дилдан сурури кетган у ситамдийда икки ёшу бир ғариб қабрига айланган икки ҳовлида ёлғиз бошини ҳарён уриб фарёд қилмаётибдимикан? Балки ҳушидан кетиб, беҳуш ётиб қолгандир? Нечук келмайди? Нечук йўқ бўлиб кетди? Буни қандай билса бўлади? Ё миршабхонани ташлаб сингласи орқасидан югурсинми? Йўқ, оғир бўл, Сулаймон! Оғир бўл! Ҳали ҳаёт йўлингда, кекса бошингда яна қанчадан-қанча қайғу-аламлар, мудҳиш зарбалар бордир балки! Сен ҳамма хўрлик, ҳамма зўрликка, ҳамма ҳақорат, ҳамма надоматга дод деб бўлса ҳам бўйсуниб келган ожиз бандасан! Бунисига ҳам бўйсунасан. Бўйсунмай кўр-чи, ҳаддинг қанча!

Сулаймон ака алам жазавасида ёниб, терга пишиб борди. Пешонасидан оқиб тушаётган тер, кўзларидан оқаётган алам ёшларидек, юзидан юмалаб соқолига тушарди. У рўмолчасини қўйнидан олиб терини артди, ўзини елпиди. Шабададанми ё аччиқ тер тўсиб қолган ҳужайралар тозаланганиданми,



мияси анча равшан тортди. Аммо бу равшанлик узоқ бормади. Миршабнинг хафагазак бир қиёфада чиққанини кўриб, яна кўз ўнги хираланди. У кекса кўзларини мўлтиратиб миршаб ёнига келди.

– Билолдингизми, барака топгур?

Миршаб бўшашиб жавоб қилди.

– Йўқ, отахон. «Қайлиғимни қаерга олиб кетишганини билмайман. Ўзим гўрга, ўша бечорадан қаттиқ хавотирман», дейди ўғил жиянингиз. Хафа бўлманг, яна суриштириб кўраман. Ерга тушган игна эмас, одам-ку ахир, топилади,

Уста Баҳром уни рози қилиш учун пича пул узатган эди, миршаб бирдан қизариб:

– Йўқ, Сулаймон ака, мени хафа қилманг. Чўнтагингизга солинг, – деди. – Сиз боя кўзимга иссиқ кўринган эдингизу, билолмай турувдим, Дилшодбек билан гаплашиб сизни ҳам, жиянларингизни ҳам танидим. Мен Ашурмирзонинг укаси Ҳусниддинга яқин одамман. Бу фарғони эшитиб, ғойибона хафа бўлиб юрган эдим, қўлимдан бир нима келса аямайман. Ҳусниддинга ўзим хабар қиламан. Назаримда, қиз бу ерга келтирилмаган, қиз йўқ. Шундай бўлсин, бу ёғини менга қўйиб бериб, хотиржам қайтаверинг.

Сулаймон ака миннатдорчилик билдириб тургани устига Ҳамидахон қийикда овқат келтириб қолди. У тутунни синглиси қўлидан олиб миршабга узатди.

– Жон ука, шуни киритиб беринг.

Миршаб тутунчакни олиб кериб кетди. Икки фарғиб акация тагида ўз ўйлари мақбарасида дафн бўлиб қолди. Ҳамидахон паранжи ичида пиқ-пиқ йиллар, Сулаймон ака эса уни юпатишга сўз тополмай қийналар эди. Ҳадемай уста Баҳром етиб келди. Ёнида Фуломжон эмас, Ольга Петровна бор эди. Ҳамидахон паранжи ичида ўралиб келиб ўзини Оль-

га Петровнага ташлади. Қалбидан фарёдга ўхшаган бир товуш ўпирилиб чиқди. Ольга Петровнанинг нами қуриб улгурмаган кўзларида алам ўти чақнади. У муштипар онани бағрига босиб юрак берди.

– Дади! бўлинг, кўз ёшидан фойда йўқ.

Уста Баҳром Сулаймон акага савол назари билан тикилди. У икки қўлини ёзиб, елкасини қисди. Уста Баҳром баданига муз югурди. У зил кетиб, Ольга Петровнага мурожаат қилди:

– Жон Олияхон, ҳамма умид сиздан, бир нима қилинг!

– Ҳа, айлана қолай Олияхон, сиздан бўлак сунганимиз йўқ. Кириг, арзимизни айтиг, жон синглам! – деди Ҳамидахон ҳам қақшаб.

Ольга Петровна аслида пристав билан гаплашиб, бу қонунсизликка норозилик билдиргани, бегуноҳларга паноҳ бўлгани келган эди. У тўғри миршабхонага кирди. У ерда адъютанту яна икки-уч миршабдан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Замонасининг илғор аёлларига хос кийинган бу кенг шляпали, дилбар жувонни кўриб, адъютант ўрнидан сакраб туриб кетди. Ольга Петровнанинг истараси иссиқ чехрасигина эмас, бутун вужуди ҳаяжонда эди. Адъютант уни танирмиди ё марказдан келган кибор хонимлардан деб ўйладими, дарров курсига таклиф қилди.

– Марҳамат, ўтирсинлар.

Ольга Петровна аста ўтирди, сумкасидан даструмолини олиб пешонасини, упа-элик тегмаган тароватли бетларини артди.

– Хизмат, хоним? – деди адъютант, тарбия кўрган эркакларга хос бир назокат билан.

Ольга Петровна ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўзини оғир тутиш қобилияти билан мусаҳҳар эди. Ҳозир қалбида алам исёни ҳайқириб турса ҳам, ўзини оғир тутиб:



– Пристав жанобларига муҳим иш билан келган эдим, – деди.

Адъютант узри қилиб жиламайди.

– Афсуски, пристав жаноблари сафарда. Агар камина қуллари ҳал қилиши мумкин бўлса, буюрсинлар. – У бошини кескин тушириб таъзим қилди.

Ольга Петровна ҳаяжонини яширишга тиришиб, воқеани батафсил сўзлаб берди. Кейин ғазаб ва эътироз тўла кўзларини унга тикди.

– Бу нарса катта жанжалга сабаб бўлиши мумкин. Бусиз ҳам халқ ичида, айниқса, ерли аҳоли ичида норозилик ниҳоятда кучли...

– Нимадан норозилик, билсак бўладими? – у Ольга Петровнанинг сўзини бўлиб сўради.

– Сизларнинг мустамлакачилик сиёсатингиздан, уруш туфайли етказаетган жабру жафоларингиздан! Яна керакми?

– Бас! – адъютант қўлини кўтариб, тескари ўтирилди.

Ольга Петровна сўзига давом берди:

– Тутаб турган чучала ёниб кетмасин, десангиз, Дилшодни дарҳол бўшатишингизни, Тўтиқизни қаердан бўлса ҳам топиб, уйига қайтариш чорасини кўришингизни илтимос қиламан.

Адъютантнинг қовоқлари тушди. У бир оз ўйлашиб тургандан сўнг:

– Ўзлари ким бўладилар? – деб сўради.

– Сизлар йўл қўйиб келаётган гайриқонуний ҳаракатлар билан поймол қилинган шу шаҳар муаллималаридан Ольга Петровна Ростовская!

Адъютант «э, танидим» дегандай қилиб бош ирғатди.

– Илтимосингизни бажону дил бажарардим, Лекин битта афсус ейдиган жойи бор. Бу хил масалаларни пристав жанобларининг фақат ўзлари ҳал қиладилар. Келишлари билан ахборотларига маълум қиламан! Хўш, яна қандай масала?

– Дилшоднинг қонуний хотини Тўтиқиз қаерда?
– Худо ҳаққи, билмайман. Ишонмасангиз, мана келтирилганлар рўйхатини қаранг. – Адъютант каттакон журнални Ольга Петровна ёнига сурди.
– Мана, бунда фақат Дилшод Баҳром ўғли келтирилгани ёзилган.

– Бўлмаса, у қаерда?

– Бунисини билмайман. Бу ерга келтирилмаган. Ольга Петровна ҳайрон бўлди. Миршаб Сулаймон акага Тўтиқиз бу ерда йўқлигини айтган. Демак, йўлда бошқа томонга буриб кетишган.

– Агар журналингиздаги қайдлар тўғри бўлса, Тўтиқиз ўғирланган, шундайми? – Адъютант тўғри жавоб беришдан қочиб елкаларини учирди. Ольга Петровна ўзи хулоса чиқарди. – Ҳа, қонуний эрни миршабхонага тиқиб, хотинини ўғирлаганлар. Бундай ҳолларда жиноятчини қидириш, бузилган қонунни тиклаш сизларнинг вазифангиз. Бу ҳақда менга қандай аҳамият бера оласиз?

– Бутун чораларни кўрамиз, қидирамиз. Тўғри, бу бизнинг вазифамиз. Аммо...

– Масала бир ёқлик бўлгунча, Дилшодни мен кафилга олиб кетаман. Мана паспортим. – Ольга Петровна, қўлида ушлаб турган паспортини унга узатди.

Адъютант паспортни олмади.

– Ҳурматли хоним, бу ҳуқуқ менинг вазифам доирасига кирмайди. Мен ожизман. Пристав жаноблари келгунларича сабр қилиб турадилар. Узоғи билан индингача.

Ольга Петровна тергови тугамаган маҳбус билан гаплаштирилмаслигини билса ҳам яна:

– Дилшод билан гаплашишга ижозат берасиз, – деди.

Адъютант ҳоҳолаб кулиб юборди.

– Янглишмасам, ўзлари эски сиёсий сургунлардан бўлсалар керак. Гаплашиш мумкин эмасли-



гини била туриб сўрайсиз. Мумкин эмас, хоним. Мумкин эмас. Икки кун сабр қилинг, икки кун. Ана ундан кейин қонун нимага йўл қўйса, хизма-тингизда бўламиз.

Ольга Петровна ўрнидан бегона қўллар кўтариб қўйгандай бўлиб турди. У қонмаган исённинг оғир юкини кўтариб чиқиб кетди.

Ўн еттинчи боб Жодугар

Дилшод билан Тўтиқизни тутиб кетгани келган миршаблардан бири эркакча кийиниб олган Ҳожи хола эди. Тўтиқизни ўз отига мингаштириб, уни белидан ўзининг белига маҳкам боғлаб олди. Тўтиқиз бахтсизлик даҳшатидан чала ўликдай беҳуш эди. У отга мингаштирилганини ҳам, кимга мингашганини ҳам билмасди. Ҳожи хола Кулага етиб, дала ўртасидаги хилват қўрага киргунча ҳам ун чиқармади. Зулфиқор ота эса Куланинг қинғир-қийшиқ кўчаларида миршаблардан бири бошқа ёққа бурилиб кетганини сезмади. Шунинг учун, эру хотинни миршабхонага келтириб қамашди деди-ю, ҳамма-ни чалғитиб қўйди. Ҳолбуки, Ҳожи хола Тўтиқизни худди хамирдан қил суғургандек қилиб эри бағридан суғуриб, илгарилари қирғизлар қишлайдиган қўрага келтирди. Фосих афанди билан Тешабойнинг маслаҳатича, Тўтиқиз то тўйга қадар шу ерда сақлааниши керак эди. Шунинг учун Ашурмирзо қизини кўргани яйловга кетганда, Ҳожи хола бу қўрани супуриб-сидирди, тозалади, молхонага ўхшаган бостирмани бир амаллаб эпақага келтирди. Тешабойникидан пинҳона кўрпа-тўшак, палос, қозон-товоқ ташитди. Ўзи ихчамгина ўчоқ қилиб, хамир учидан патир қабилида қўлбола палов пиширди. Бу ерга аллақаердан новча, хипча, қи-



личдай бир кампир ҳам топиб келди. Ҳожи хола тун қоронғисида отлиқ кириб келганда, ўша кампир югуриб бориб жиловни ушлади. Кейин икковдашиб Тўтиқизни отдан туширишди. Новча кампир жони ҳалқумига келиб қолган оғир касалдай сўниб бораётган чироқ пилигини кўтариб Ҳожи холага қаради-ю, бирдан қиқирлаб кулиб юборди.

– Худо сизни эркак қилиб яратмаганига куяман. Тавба, миршабнинг ўзисиз-а! Вой ўлмасам, анави нима? Мўйловми? Хо-хо-хо! Қаердан топдингиз, ҳожи?

– Бақирма, анавини уйғотасан! Ширин ухлаб ётибди.

– Тавба, бошида шунча савдою, бемалола ухлаб ётганига ҳайронман!

Энди Ҳожи хола қиқиради.

– Ухламай иложи қанча! Тўполонда бурнига ухаатадиган дори босувдим, хаш-паш дегунча ухлаб қолди. Шунча йўл босибмизам ўзига келмайди. Қара, Худо хўп ҳусн берган-да! Бирам тўлишиб, бирам очилибди-ки!..

– Сизни таниб-нетиб қолгани йўқми?

– Шу мўйлов, шу миршаб кийимида-я! Э, суф сенга! Ишимизнинг бу ёғи беш, энди у ёғи ҳам беш бўлса, устимиздан олтин сочади бой! Ҳай, чойинг борми? Ичим куйиб кетяпти.

Новча кампир қўлини эркакчасига кўксига тутди.

– Бор, хўжайин!

– Яхнами? Яхна келтир!

– Хўп, хўжайин.

Бўз кўйлақка атлас ямоқ қанча эриш кўринса, новча кампир бу хароба кулбага ҳам шунчалик ярашмаган хитойи чиннида муздай яхна келтирди. Ҳожи хола бир шимиришда косани тагигача бўшатди. Кейин эгнидаги миршаблик кийимини еча туриб:



– Ҳеч ким келмадимми? – деб сўради.

– Йўқ, Нимайди?

– Менга қара, қиёматнинг шотиси, анави фаришта уйронмай туриб мен жўнаб қолай. Мени билмагани яхши, кейин ўзим йўлини қилиб келаман. Мен йўғимда нима қилишингни биласан-а?

Новча кампир буйруқни такрорлаган солдатдай сайраб кетди:

– Уйдан ташқарига чиқармайман. Бир қадам жилсам ҳам эшикни қулфлаб юраман. «Ким олиб келди мени? Бу ер қандай жой?» деб сўраса, «Сизга жони оғриган бир дўстингизнинг жойи...»

– Тузук, боқса одам бўласан, – деди Ҳожи хола, қўл силтаб.

У чарчаб келганига қарамай кечалаб бўлса ҳам яёв Қорабулоққа жўнади. Ҳаммага от қашқасидек таниқли бўлиб қолган эски паранжисини ташлаб, новча кампирникини ёпиниб келган эди, кўчадаги одамлар тугул, Тешабойнинг ўзи ҳам танимади. У дарвозадан кириб шундай бир товус юриши қилдики, Тешабой варақа ўтида ёниб турганига қарамай, паранжи ичида шоҳ ташлаб келаётган жонон оёғига қарашдан ўзини сақлаб қололмади. Ҳожи хола ёш жувон ғамзаси билан бойни жазб қилиш хаёлига тушган бўлса ҳам, оёқларидаги таниш кавушлари шарманда қилиб қўйишини ўйламаган эди.

– О, далли! Кавушингдан таниб қолмаганимда, ҳозир мени ҳушимдан кетказардинг-а! – деди Тешабой, унинг қилиғида хушхабар борлигидан қувониб.

Ҳожи хола чимматини очиб кулди.

– Хотин деса иймонингиз қочади-ю, тагин оғзингиздан бол томади! Нима бало, иштаҳага кириб қолибсиз, тўй яқинлигини юракчангиз сезганга ўхшайди-а?

– Ҳа, энди...



– Қани, ваъдадагини чўзинг! – Ҳожи хола паранжисини ташлаб қўл узатди.

– Тўғри бўлдими?

– Бўлганда қандай! Мен бўлайину, тўғри қилмайин? Қани, чўзинг!

– Шошма, ҳали гап кўп. Аввал қўйнимга солиб қўй, кейин нима десанг шу. Эски ваъда эски ваъда. Қўрғондами?

– Қўрғонда. Ойдай бўлиб ухляпти.

– Жанжал қилгани йўқми?

– Бехуш.

– Ёнида ким қолди?

– Қиёматнинг шотиси.

– Ризвон новчами?

– Ҳа.

– Ҳушига келиб тўполон қилса, новчанг эплаёладими?

– Керак бўлса, сизни ҳам эплайди!

Тешабой ҳоҳолаб кулиб юборди.

– Оббо далаи! Қарисанг ҳам кўзинг иликда-я! Ҳа, айтмоқчи, Дилшод нима бўлди?

– Уни миршабхонага олиб кетишди.

– Миршабхонага?

– Ҳа.

– Нимага?

– Нимага бўларди! Қамашга.

– Миршабхонадан қочиришлари мумкин-ку?! Чакки қилибсан.

– Мен қилганим йўқ. Буни фисқи фужурингиздан сўранг. Бу ёғини у уҳдасига олган.

Тешабой ўйланиб қолди. Ҳожи хола гапни яна ўз балойи нафсига бурди.

– Менга қаранг, бой, писандадагини ҳозир бермайсизми? Ишни бузаман-а! Кейин ўзингиздан кўринг, ҳа!

– Бераман, пича шошмай тур. Қўлимда нақд пул йўқ, пахтани сотай.



– Кейин тагин туямижоз иш қилсангиз-чи?

– Э, кўп лақмасан-да! Бор, бор, ичкарига кир. Ҳа, дарвоқе, бошқа паранжи ёпиниб келганинг яхши бўлибди. Ҳар келганингда паранжини, ин-найкейин, анови оёғингдаги сабилни ўзгартириб тур. Бояги юришинг тузук. Гузардан ҳам ўшандай ўтдингми?

Ҳожи хола хандон уриб кулди.

– Бўлмасам-чи!

– О, лаънати, аслида ўзингни ола қолсам бўлар-ди-ю, қарисан-да!

Ҳожи хола энди шарақлаб кулди.

– Ҳали ҳам никоҳингиздаман, хўжайин!

Тешабой дарвоза томонга, Ҳожи хола ичкарига қараб юрди.

Ҳожи хола Тўраҳон ёнига эридан арз қилиб кирди.

– Вой айланай Тўраҳон-эй, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-а! Бирам соғинаман, бирам кўргим келади, қани энди димоғинг шишмай ўлгур бо-йингиз остонасидан қадам бостирса! Икки марта келиб овора бўлиб кетдим, киргизмади-да!

Тўраҳон, исми тўрт девор деб аталган қафас ичида чиндан ҳам юраги сиқилиб юрган эди. Ҳожи холани кўриб баҳри очилди.

– Сиздан хафа бўлиб юрувдим, яхши келдингиз. Бетингизга қарамайман, девдиму, одамнинг юзи иссиқ бўлар экан.

– Ҳа, йўқламаганимга шунчами?

Тўраҳон ижирғангандай қилиб жилмайди.

– Йўқламаганингизга ҳам, бош бўлиб, Ашур қилвирнинг қизини устимга олиб бераётганингиз-га ҳам...

– Вой-вой-вой, ким айтди сизга? – У ёқасини уш-лади. – Э, тавба! Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ. Ёлғон айтсам, мана, тепамда Худо турибди! Тўйга бош бўлгунча, гўрга қош бўлганим



яхши эмасми, айланай? Ҳай-ҳай-ҳай, қўйинг бунақа гапингизни, жон болам! Худодан қўрқмай, устингизга кундош олиб берсам-а! Йўқ-йўқ-йўқ!

– Ашурмирзонинг Дилшодга унашиб қўйган қизига эрим тўй юборганини эшитганингиз йўқми?

Ҳожи хола ўзини овсарликка солмоқчи бўлди-ю, лекин мақсадига олиб борадиган йўл қўлдан чиқиб кетишини ўйлаб:

– Ҳа, буни эшитдим, Кечами, илгари куними эшитдим, – деди. Кейин ҳоҳолаб кулди. – Қочиб кетишганмиш-ку, ростми?

– Мен ҳам шундай деб эшитдим.

– Ажаб бўпти! Уйида ойдай хотинчаси туриб, бировга унашиб қўйган қизга чанг солса-я бу ноинсоф! Шу гапни эшитганимдан бери жоним азобда. Сизга қуяман, айланай! Бугун эрингизни бир тузлай деб келувдим, йўқ экан. Хайрият ҳам йўқ экан, бўлса ёнингизга киргизмасмиди. – Ҳожи хола юзига бирдан ғам туси берди. – Ҳа, айтмоқчи, қизни қидиртираётган эмишми эрингиз? Хабарингиз борми?

Тўраҳоннинг юзи бирдан бўзарди.

– Йўқ, – деди у, ошкор бир ваҳм билан.

Ҳожи хола Тўраҳон асабини қайрашга тушди.

– Ҳа, қидиртираётган эмиш, олдини олмасангиз бўлмайди, жон қизим. Кундош, айниқса, устингизга тушган кундош ёмон куйдиради-я, оппоғим!

Тўраҳон ўйланиб қолди.

– Қандай қилиб олдини оламан? Қўлимдан нима келади?

Бунга Ҳожи холада ҳам тадбир топилади. Кўнгалга ҳар хил гаплар келди-ю, бударни айтса, иш бузилишидан қўрқиб, калласини ғамгин ликилатди. Анча ўйга толиб ўтиргандан кейин:

– Иссиқ-совуқ қилсакмикан-а? – деди.

Тўраҳоннинг боши тушиб кетди.



– Невлай, кор қилармикан?

– Ҳар ҳолда, «ётиб қолгунча, отиб қол», деган гап бор. Тегса, ана Худо, тегмаса, яна Худо!

Тўраҳон умиди парчаланган кишидай:

– О, олса олавермайдими, менга нима куйгилик! – деди. – Мени олиб ялчитибмидики, уни олиб яйратсин? Иккаламиз бир бўлиб, бошига шундай ўйинлар солайликки, ўз дудида ўзи куйсин!

Тўраҳоннинг гапи Ҳожи холага жуда қўл келди. Агар Тўтиқизнинг тўйига бош қўшганини эшитса, Тўраҳон хафа бўлмаслиги, кейин бетига солмаслиги мумкин эди.

– Рост, айланай, сизга нима куйгилик. У кичик хотин билан бўлса, сиз ўз йўлингизда гашт қилиб юраверасиз. Дунёда эркак қуриб кетибдими! Тоқ десангиз, қиличдай йигитларни топиб бераман. Ҳай, ростдан, топиб берайми? Кўзим остига олиб юрган бир йигит борки...

Тўраҳон шарақлаб кулди.

– Қуллуқ. Бунисидан камим йўқ ҳозир...

Иккаласи юмалашиб-юмалашиб кулишди. Кейин ўн йил илгариги найрангларини эслашиб, яна кулишди.

Ҳожи хола қаттиқ чарчаган, уйқу элтиб бораётган эди. Икки пиёла чойдан кейин кўрпачага чўзилди.

– Ухлаб қолсам, намози асрдан илгарироқ уйғотиб қўйинг, айланай Тўраҳон.

У ажабланиб сўради.

– Намоз ўқимас эдингиз шекилли-ю?

Ҳожи хола кулди.

– Ҳа, энди намоз ўқиб, ҳожи ойим бўлишим қолди. Намозхоннинг биттаси ўша Оқдўппи эшонми? Ҳам Худони алдайди, ҳам фуқарони! О-о!

Бир нафасдан кейин уй ичини Ҳожи холанинг хурраги тутди.



Ўн саккизинчи боб Яна қора отлиқ

Тешабой ҳоким билан гапни бир ерга қўйиб келган куннинг эртасигаёқ шаҳарга пахта жўнатиш ҳаракатига тушди. Бу ҳаракат Дилшод билан Тўтиқиз тутилган пайтларга тўғри келди. Шум хабар дарҳол қишлоққа ҳам ёйилди. Қудрат ғазабидан қовриларди. У бир неча марта Тешабой билан очиқ гаплашмоқчи ҳам бўлди. Лекин Оқчурин қўймади.

– Сиз ўртага тушсангиз, Қудрат ака, қишлоқдаги фаолиятингиз гумонда, балки хавф остида қолиши мумкин, – деди у.

Қудрат ўзи ҳам буни тушунар, шунинг учун тишини тишига қўйиб юришга мажбур бўларди. Уруш солиғи қишлоққа келтирган офатдан камбағалларни қандай қутқозиш йўлини тополмай ўз селида қоврилиб юрган бир пайтда Дилшодлар шўри юрагига чиққан янги чипқон бўлди. Бутун кечаси шаҳардан Фуломжон келиб, бу тўғрида қалтис ҳаракатлар қилишдан сақланиб туриш зарурлигини таъкидлаб кетди.

«Дилшод сиёсий айбдор эмас, уни жандарм турмасига ўтказишибди. Бу ерда қалтис гап бор, шапағини оламан, деб кўз чиқариб қўймайлик» дейди Сергей Петрович, – деб кетди Фуломжон.

Дилшодни ноҳақ қамашлари етмай, тагин жандарм турмасига кўчирганлари Қудратни нечоғлиқ ғазабга келтирса, Тўтиқизнинг гирдобга тушган тошдай йўқ бўлиб кетиши уни ваҳмдан олиб ваҳмга соларди.

Оқчуриннинг ҳам боши қотиб қолди. Улар чилангарлик устахонасининг эшиги олдига Замонни қоровул қилиб қўйиб, бир соатча гаплашишди.

Қудрат аламидан лабини тишлаб қонатиб юборди.



– Аҳ, иложи бўлганда-ю шу муттаҳам бойни ўлдирардим-а! – деди.

– Қудрат ака, сизга ўргатадиган жойим йўқ, лекин...

– Билаган! Билаган! Террордан наф йўқ, билаган! Тешабойни ўлдирсак, унда сабабини қидиришадими? Қидиришади. Бизни қўяверинг, ҳаммадан ҳам Дилшод бечорага ёмон бўлади. Битта Теша касофатнинг боши неча ўнлаб гуноҳсиз ёстиғини қуритади. Билаган!

– Ҳа, худди шундай бўлади.

Қудрат ижирганиб, мушгларини тугди.

– Эҳ, юрагингга ханжар урган қонхўрдан қасос ололмаганинг алам қилади! Воҳид, бугун анави пахталарга ўт қўямиз, нима дейсан?

– Йўқ, Қудрат ака, бу пахталар ўзимизнинг қўлимизда, ёқиш қочмайди. Аввал ишчилар шу пахталар устидан оладиганларини олиб бўлишсин, кейин.

– Хўп, бу гапинг маъқул. Бўлмаса, бошқа иш бор, шуни қиламиз...

Шу кунни кечқурун Тешабой Оқчуринни маслаҳатга чақирди.

– Ҳозир уч юз ўн еттита пахта тойи бор. Шуларни узоғи билан икки кунда шаҳарга ташитиш керак. Иш жуда қисталанг. Ҳозир йигирмата арава бор, олти тойдан юкласак, бир юз йигирма тойни бирдан жўнатиш мумкин, – деди Тешабой.

Оқчурин бир оз ўйланиб турди.

– Кечаги ёмғирдан кейин йўлнинг расвоси чиқиб кетди. Бўлмаса, ўн тойдан юклаб, уч кунда эмас, икки кунда ташиб бўлардик. Қайнатангизданми, оқсоқолларданми, яна ўнта арава топишнинг иложи йўқми?

– Нимага иложи бўлмасин? Лекин шунча пахта-ни бир кунда ўтказа оламизми?



– Нимага ўтказа олмаймиз? Қанорда олиб борсак, бошқа гап эди. Ҳаммаси той-қу. Юмалатиб-юмалатиб юртиб ўтказаверамиз. Аравакаш қўп бўлса, топшириш осон бўлади.

– Станцияга сен борасанми, менми?

– Мен бораман. Сиз ўзингиз бош туриб бу ерда юклатмасангиз бўлмайди.

– Араваларни пайдар-пай юборавераман-да, шундайми?

– Ихтиёрингиз. Ҳа, дарвоқе, Мамарайим афанди ҳам борсин. Ҳисоб-китобга абжир. Мен тортиш-ўтказиш билан банд бўлсам, у китобга қараб туради. Бўлмаса, мен бутун шаҳарга жўнайверсаму, эрталаб станцияга етиб келсам, нима дейсиз?

– Шаҳарда ишинг борми?

– Ҳа, иш бор. Заводни эртага юргизамиз деб унаб ётибмиз. Битта зарур қисмча етмайди. Шуни бутун бир амаллаб топиб қўйсам, эртага эрталаб аравакашлардан бериб юборардим.

– Ундай бўлса, тез жўна. Ҳей, ўша касофат топилса, эртага машина юрадимми?

– Ҳа-да, топилса юради.

– Юрмаса-чи?

Оқчурин ғалати қилиб кулди.

– Йўр-э! Қудрат акам жон куйдириб ишляяпти. Ҳозир ҳам заводда.

Уч юз ўн етти пахта тойи кечаси билан юкланиб, тахт қилиб қўйилган аравалар тонг ёришмай йўлга чиқди. Фозлар сингари кетма-кет терилиб бораётган аравалар орқасидан Тешабой хушнуд кузатиб қолди. Аммо Оқчурин айтгандек, йўл ёмон эди. Шунчалик лой, шунчалик расво эдики, энг олдинги арава тиқилиб қолса, орқадагилар тақа-тақ тўхтарди. Айниқса, Қорабулоқ билан адир орасидаги захкаш ерлардан ўтган йўл арава филдиракаарини худди сақичдай тишлаб қолар, лой гупчакка урарди. Олдинги от жонсизроқ эканми, нечоқлик



«чух-чух»лашмасин, нечоғлик қамчи босишмасин, толпинади-ю, балчиқ тишидан аравани ажратиб ололмайди. Бу орада орқадаги аравалар ҳам қадалиб келди. От кўк терга тушди. Одамлар тиззаларидан лойга ботиб, ҳарчанд аравани гилдиракларидан итаришса ҳам, отни жиловидан тортиб қа-ҳалашса ҳам лойдан чиқаришолмади.

Мамарайим афанди ўша тикилиб қолган аравада эди. Тушай деса, паст лой, бунинг устига ҳафсала йўқ. Нимага десангиз, эрталаб Тешабой олдида қитдай қилиб ололмагани учун кўзлари тиниб, Худодан бир коса кўкнори берсанг деб тилаб ўтирибди. Бир вақт оҳи Худога етдими, от аравани лой чангалидан узоқмай қийналиб турган шу дилхунлик пайтида димоғига бошни гангитувчи ажойиб бир ҳид кириб қолмайдими! Мамарайим афандининг хумордан юмилган кўзлари мошдай очилиб кетди-ю, ялт этиб ҳид келган томонга қаради. Ёнида, атиги бир қадамча нарида заҳил юзли бир аравакаш қоғозга ўралган наша омухтасини маза қилиб чекиб турибди-да!

– Тушир! Тушир мени аравадан! – деб у пастдаги аравакашга қичқирди.

У Даврон эди. Даврон арава ўқидай йўгон қўллари билан уни худди оташкурақда қисиб олинган бақадай пастга кўтариб туширди. Наша ҳиди уни алақачон маст қила бошлаган эди. Мамарайим афанди аравакаш қўлида оч яшил аралаш мовий тутун чиқариб турган наша папиросни юлиб олиб, хурсандликдан таноби қочган оғзига сукди-ю, уст-ма-уст чўзиб тўйиб тортди. Ҳар тортганда папирос учи ловиллаб ёнарди. Уни таг-тагигача чекиб, қониб олгандан сўнг башарасини иржайтириб папирос эгасига қаради. У бунинг аҳволига кулиб турарди.

Аравакашлар қўпайишиб, яна гилдираклардан итара бошлашди. Кўк терга пишиб, ҳамма ёғидан



иссиқ буғ ёпирилиб чиқаётган шўрлик от, орқасида гоҳ-гоҳ кишнаб қўяётган уруғлари олдида уялаётгандек, бирдан олдинга талпинган эди, арава изидан бир кўчди-ю, яна жойига сидирилиб тушди. От посангисини йўқотиб, орқа оёқлари билан лойга ўтириб қолди. Чаноқларидан чиқиб кетган ёшли кўзлари шафқат тилаётгандек мўлтирар эди. Даврон уни дарров аравадан чиқарди. Жонивор ҳолдан кетиб, оёқлари қалтирар, этлари учарди. Уни бир четга чиқариб, энг охирги аравадаги кучли жийронни қўша бошлади.

Аравакашлар от билан овора эканида Мамарайим афанди наша кайфи билан кўзларини сузиб, хиргойи қилишга турди.

*Яллама ёрим, яллола,
Яллолашайлик! Яллолашайлик!
Учтами-тўртта бўлиб олишиб
Ҳасратлашайлик!
Ҳасратлашайлик!*

Вой жон, кўкнорижон! Қайдасан, тасаддуқжон!!
Қарс-қурс! Устма-уст иккита ўқ узилди, хиргойи оҳангига мослаб энди қилпиллай бошлаган Мамарайим афандининг эсхонаси чиқиб кетди. Ўқ худди қулоғининг тагида қарсиллади. Шунинг учун у, ўлдим деб ўйлаб ерга ташлади. Аравакашлар саросимада ҳайқириша, қичқариша, қоча бошладди. Адир томонидан бир неча чавандоз қўлларида милтиқ билан от қўйиб келишарди. Аравакашлардан ўн бештачаси йўл бўйидаги қамишзор ичига уриб кетди. Чавандозлар олдида араб зотли узун оёқ, узун бўйин, чиройли қора отда қора чопон, қора соқол, қора дўппили қийғир кўз бир алап келарди. У худди тўппончадай ушлаб олган калта тиф милтиғини ўхталиб аравалар бошида тўхтади-да, ясамага ўхшаган дудуқ товуш билан:



– К-кимди пахтаси? – деб сўради.

Шу он Даврон олдинда эди. У бу товушда таниш оҳанг борлигини пайқаб ҳайрон бўлди. Кимнинг овози? Наҳот-ки?! Даврон кўзларига сарин тонг ҳавоси каби мусаффо Фуломжон кўриниб кетди. У дилида яна бир марта «наҳотки?!» деди-ю, қора отликқа тикилиб қолди. Лекин унинг ташқи қиёфаси Фуломжонникига ўхшамасди. Даврон адашгани учун ичида ўзига кулиб:

– Тешабойники, – деди.

– Чиқар отларни аравалардан!

Аравакашлар буларни қароқчилар деб ўйлашди. Апил-тапил отларни чиқаришиб, ҳаммасини бир четга келтиришди.

Яна қора отлик, қора чопон овози янгради.

– Нарёққа! Аравалардан узоққа олиб бор!

У отларни олиб кетишгунча қараб турди. Кейин ёнидаги йигитга буюрди:

– Ўт қўй пахталарга!

Даврон арава ёнида ўликдек ётган Мамарайим афандини кўтариб қочди. Кетма-кет терилиб турган йигирма олтита арава гулханга айланди. Осмонга олов қуюни кўтарилди. Яна қора чопон овози гурлади:

– Хў-хўжайинларингга б-бориб айт: п-пахтангни қасос м-муҳиблари ёндирди, деб!

Чавандозлар яна иккита ўқ узиб, бир зумда адир орқасига сингиб кетишди.

Тешабой ҳар кун нонуштадан олдин заводни айланиб чиқарди. Бу одатини бугун айниқса иштиёқ билан адо этди. Пахталарни шаҳарга жўнатиб олгани учун хурсанд эди. Заводда узоқ айланди, Қудрат билан ўтириб пича ҳангомалашди. Чивриқ машинанинг бугун албатта юришини Қудратдан эшитиб, хурсандлигига яна хуршидлик қўшилди. Унга олам-жаҳон миннатдорчилик билдир-



ди-ю, суюнганидан оғзи қулогига етиб гузарга чиқди. Гузарда хурсанд кўзлари бирдан ола-була бўлиб кетди. Шаҳар йўлидан битта бўйинчали от йўртиб келарди. Устида одам йўқ. Тешабой у отни дарров таниди – ўзининг жийрони. От гузардан тўғри Тешабой саройига бурилади. Бойнинг эхонаси чиқди. Шаҳарга пахта ортиб келган от-ку, қандай бўлди? Нега салт, нега бўйинчаси билан қайтиб келди?

Тешабой отни дарвоза оғзида тўхтатди-да, бўйинчасини ҳам чиқармай, миниб, шаҳар томон босди. Лекин қишлоқдан чиқишга улгурмай, бир неча аравакаш эгалари қамишзорга уриб кетган отларни ҳайдаб келиб қолди. Тешабой ҳали ҳангманг бўлган бўлса, энди кўз олди қорайиб, жони ҳалқумига келди. У яна ҳам чийиллаган ингичка товуш билан чинқирди:

– Нима гап? Нима бўлди?!

Катта гуноҳ қилиб қўйишгандек, аравакашларнинг дами ичларига тушиб кетди. Даврон орқада Мамарайим афандини отига ўнгариб келаётган эди. У отларни оралаб олдинга ўтди.

– Хўжайин, адир орқасидан қароқчилар чиқиб, пахталарга ўт қўйиб кетишди. Аравалар ҳам куйиб кетди.

Тешабой кўзлари тиниб, от устида бир галдиради. Боши оғди, ҳамма ёғини қоронғи зулмат босди. Бир неча зум беҳуш тургандан сўнг, уйқудан чўчиб уйғонган кишидай, бирдан сесканди. Кўзлари қип-қизил эди. Қошлари бир-бирига мингашди, мўйловлари тиниш билмай учарди.

– Қанақа қароқчилар, лаънати?! – Томоғи йиртилгудек бўлиб қичқирди. – Мен сизлардан сўраяпман, қанақа қароқчилар?! Қароқчи отларни ҳайдаб кетмай, пахтага ўт қўядими?! Э, дод дастингдан!!

У ўз ичидан ўпирилган фарёд зўридан отдан ағдарилаёзди. Жиловни зарб билан тортди, от



қорнига алам билан тепди, жийрон олдинга суриб кетди. Ярим соат деганда, аравалар чучаласига етиб келди. Ҳақиқатан ҳам, пахталар тамом қуйиб бўлиб, арава гупчаклари тутар, гилдиракларнинг чамбар темирлари лой ичида чўзилиб ётарди.

Ўк тўққизинчи боб **Тўтиқиз**

Муштипар қиз қўрада бир неча бор ўзига келди-ку, лекин яна нимадир ҳушини олиб кетди. У шу тахлит қўрада уч кун беҳуд ётди. Ашурмирзо уйдан ул-булини йиғиштириб келган бўйича, қизи ёнидан бир қадам жилмади. Бутун қилғиликни қилиб қўйиб, энди ўзи пушаймондек, Тўтиқиз бошида парвона бўлар, қизининг юмуқ кўзларидан ўзининг бежо кўзларини узмай ўтирарди.

Ризвон кампир Тўтининг ҳушига келавермаганидан хавотирланиб, Қуръон туширар, ҳар сурадан сўнг беҳуш Тўти юзига тупук сочиб суфлар эди.

Қизининг беҳудлиги Ашурмирзонинг бутун чўтларини бузиб ташлади. У Тўтиқизнинг азиз жони эмас, ўзининг сабил жони қил учидадек, Худого нола қилар, битгаю битта қизимни мен қулинг учун асрагайсан, деб ялинарди.

Ниҳоят, учинчи кун Тўтиқиз кўзларини очди. Очди-ю, бошида отаси ўтирганини кўриб, худди Азроилни кўргандай, додлаб юборди.

– Кўрқма, жон қизим, мен, мен отангман, – деди у, Азроилга ўхшатилаганини худди ўзи ҳам сезгандек.

Тўтиқиз кўзлари яна юмиади. Лекин ҳуши бу гал уни тарк этмади. У худди тушида ўйлаётган одамдек: «Отам? Бемехр отам? Золим отам? У бошимда нима қилиб ўтирибди? Мен қаердаман? Отам мени кўргани яйловга борган, олдига чиқма-



ганимдан кейин кетган эди-ку? Ё у тушиммиди? Қайси бири туш, қайси бири?» деб ўй суради.

Ашурмирзо қизининг ўйларидан беҳабар тинмай сайрар, уни, авзойини кўрган киши чиндан ҳам қизига ачинапти деб ишонар эди.

– Хайрият, жон қизим, кўзингни очдинг! Бошингда йиғлай-йиғлай кўз ёшим дарё бўлди. О, мен шўрлик отангни қанчалар кўрқитдинг! Тур, ёврим, бошингни кўтар. Ҳа, бошингни кўтар, ёврим!

Тўтиқиз кўзларини боя очган бўлса ҳам, ҳали беҳудаик туманида эди. Энди секин-секин кўзларини очиб теварагига қаради.

– Мен қаердаман? – деб сўради у, хаста, маъюс товуш билан.

Ашурмирзо яна сайрашга турди.

– Сен дўстимнинг кўрасидасан, оппоғим! Сени миршаблар қўлидан қутқазиб, шу ерга яширдим. Бу ердан сени ҳеч ким тутиб кетолмайди.

«Тутиб кетолмайди» сўзлари Тўтиқиз кўзларига яйлов фожиасини келтирди. Бу воқеа эс-эс кўрилган тушдай хаёлидан кўтарилган эди. Демак, тутиб кетганлари туши эмас, ўнги экан-да! Унда Дилшод акаси нима бўлди?

Тўтиқиз бошини даст кўтарди.

– Дилшод акам! Дилшод акам қани?!

Ашурмирзо унинг тўзғин, нам сочларини силади.

– Ҳавотир бўлма, қизим. Дилшодбек ҳозирча миршабхонада. Бугун ё кеч қолса эртага бўшаб чиқади. Бўшаб тўғри шу ерга келади. Ҳа, шу ерга келади.

Тўтиқиз кўзлари яна юмилди, боши оғиб бориб ёстиққа урилди. Ризвон кампир эшик олдида пойлаб турган эди, дарров бир хитойи косада мастава кўтариб кирди. Ёшига ярашмаган бир чаққоналик билан Тўтиқиз ёнига чўккалади.

– Мана, қатиклаб, қалампир солиб, аччиққина хўрда қилиб келдим, Тўтихон, бир қошиққина ичиб



ол, айланай. Бошингни кўтар, жон болам. – У косани четга қўйиб, Тўтиқизни суяб турғизди. – Ё ўзим ичириб қўйайми, а? Кела қол, ўзим ичириб қўйай.

Тўтиқиз оч бўлса ҳам, очлик сезмасди. Кампир зўри билан бир қошиқ ичиб, косани итарди.

– Ҳа, майли. Кўнглинг кўтармаса, кейин ичарсан. Чой берайми бўлмаса?

Тўтиқиз чўллаб, ичи ташналик ўтида ёнарди. Калласи билан «ҳа» ишорасини қилди. Ризвон кампир дарров бир пиёла қайноқ чой узатди. Тўтиқиз овғзи куйганини ҳам сезмай, пиёладаги чойни бир нафасда ичиб қўйди. Шундан кейин кўзи, ўзи анча равшан тортди. Отаси ташқарига чиқиб кетган эди. Худди уни қидираётгандек, у ёқ бу ёқ жаланглади. «Тавба, худди ўнгимда гаплашгандай эдим, тушим экан-да», деб ўйлаб, отасини кампирдан сўради.

– Вой, шу ерда даданг, айланай! Ҳозир бошингда парвона бўлиб ўтирувди-ю, жон қизим. Ҳай Ашуржон, бу ёққа кирият, қизингиз йўқлаяпти.

Ҳожи хола ташқарида эди. Улар ниманингдир режасини тузиш билан банд бўлишса керак, Ҳожи хола Ашурмирзони қизи ёнига киргизиб юбориб, ўзи беш дақиқачадан кейин паранжида ҳалпилаб кирди.

– Вой айланай, қидира-қидира энди топдим-а сизни! – деди у, паранжисини эшик овғизига ташлаб. – Ундан сўроқлайман – йўқсан, бундан сўроқлайман йўқсан! Хайрият, хайрият, саломат экансан! – у сайраб келиб Тўтиқиз ёнига чўккалади. – Тузук-мисан, қизим? Сени миршабхонага қамашибди деб шаҳарда дув-дув гап. Бир амалини қилиб Дилшодбекка одам киргизган эдим, қаёқдалигингни билмай вайрон бўлиб ўтирган эмиш. Ҳожи холам ўзини ўтга ташлаб бўлса ҳам Тўтимни топсин, вафодорим саломат бўлса, Ҳожи холам орқали бир энлик хат киргизсин, депти.

Дилшод хабарини эшитиб, Тўтиқизнинг кўзларига ёш келди. У хўнграб юбормаслик учун оғзини енги билан тўсиб, йиғи аралаш, мазлум товуш билан:

– Эртага ўзи келиб қолади, холажон, – деди.

Ҳожи хола, бу ҳақдаги писандасини эсидан чиқарган эканми, қиқирлаб кулди.

– Жудайла эртага чиқа қолмас, ким айтди?

Тўтиқиз отасига қаради. Ашурмирзо ишни расво қилиб қўйганидан ҳижолат тортиб, ҳиринглади.

– Ҳожи холангнинг бу гапдан хабари йўқ, қизим. Эртага келиб қолади, иншооллоҳ, – деди у, ер остидан Ҳожи холага кўз қисиб.

Ҳожи хола, қўлидан тушган косани синдирмай ушлаб қолган кишидай, гап юрумани тўғрилаб кетди.

– Келиб қолса ҳам ажаб эмас, ана унда хатни ўз қўлига берамиз. Мабодо бир кун-ярим кун кечикиб қолса, унда сендан беҳабар эзилиб ўтиради-да. Бечора сени деб ўтда ёниб ётибди! Мана, ўзингдан қиёс, Дилшоднинг саломатлигини эшитиб, кўнглинг анча тасалли топди. Энди у шўрлик ҳам тинчиса дейман-да, айланай қизим.

Тўтиқиз йиғлаб, ўзини Ҳожи холанинг бағрига отди. Ҳозир Ҳожи хола унинг кўзларига шафқат илоҳиси бўлиб кўринарди. Илон танасидек совуқ, шафқатсиз бағрида Тўтиқиз пиқ-пиқ йиғларди.

Ҳожи хола Ашурмирзога кўзини қисиб қўйиб, шанғишга турди:

– Ҳой, иймонсиз, қанақа отасан? Куёвингдан хабар олдир, орқасига туш, ўртага одам қўй, индамай ўтирган билан иш битадими?!

Ҳожи хола юрагидаги қора ип калавасининг учини Ашурмирзога узатган эди, у дарров илиб, бу қора ипдан қора тўр яшашга турди.

– Ҳеч нарсадан хабари йўқ кишининг гапини қиласиз-а, Ҳожи хола! – деди Ашурмирзо, бўғил-



ган бўлиб. – Бечора қизимни миршаблар чангалидан қутқазиб олгунча-ку она сутим оғзимга келди. Ҳозир ҳамма ёқда қидир-қидир. Миршаблар кўчама-кўча, қишлоқма-қишлоқ изғиб юришибди. Мен Тўтихоннинг отаси эканимни билишади-ку! Кўрадан чиқиб қишлоқда кўриндим дегунча яна қизимни тутиб кетишади. Шунинг учун кундузлари ҳам кўра саҳнида кўринмай, хилватда ўтирибман. Кечаси бошқа гап, ташқарига чиқаман, шунда ҳам қишлоқда кўриниб бўлмайди. Ким кўп – душман кўп. Кўра атрофларида ҳам одамлар пойлаб юришганга ўхшайди. Дилшодбекдан хавотир бўладиган жойимиз йўқ. Ҳозир Фуломжон, тоғаси Сулаймон ака, отаси уни бўшатиб оламиз деб ҳаракат қилиб ётишибди. Мен борсам иш бузилади, холажон!

Ҳожи хола ўз бағридаги Тўтиқизнинг бошини силади.

– Тўғри гапинг. Сен борсанг, «қизингни топиб бер» деб қийнашади. Дилшодбекни қутқазаман, деб икки ўртада қизингдан ажрайсан!

Ашурмирзо куйиниб тасдиқлади.

– Шуни айтаман-да! Ўртада қизимдан ажраш хавфи бўлмаса, куёвинг учун жонингни бер дейишса, мана жоним, икки қўллаб тутдим! Ҳа, икки қўллаб тутардим!

Тўтиқиз буларнинг гапларига қулоқ солиб ўтирди. Ашурмирзо, қизини тақдирига тан берган киши ҳолида кўриб, яна авж қилди.

– Эркак киши турмада ўтирса, хайр, бошқа гап. Азалнинг иши бу. Ҳа, азалнинг иши бу. Аммо аёл киши турмага тушса-чи, ҳа, ҳай-ҳай, Худо асрасин!

– Кўй-э, нафасингни совуқ қилма! Қизинг шу уйдан чиқмай ўтирса бўладими? – деди Ҳожи хола, яна кўзини пинҳона қисиб.

Ашурмирзо қизининг юрагида ўзлари ёққан ваҳм ўтига яна ўт қалади.



– Уйдан ўзигина эмас, овози ҳам чиқмаслиги керак. Ким билади, биз бу ерда беркиниб ўтирсагу, уй орқасида миршаблар пойлаб юрган бўлишса! Йўқ, йўқ, шарпасини эшитдим, дарров тутиб кетишади. Ҳа, тутиб кетишади. Шундай қилайлик, холажон, мен қизим олдидан жилмай. Ҳар ҳолда, бу ерда битта эркак киши туриши керак. Сиз у ёқ бу ёқдан хабардор бўлиб тулинг. Ишқилиб, мен учун бўлмаса ҳам, шу бечора учун одамгарчилик қилинг, савоб бўлар. Ҳа, савоб бўлар.

– Хайр, сенлардан қайтмаса Худодан қайтар. Яхшилик қил – сувга ташла, балиқ билмаса, ҳолик билар. Хўп, сен нима дейсан, оппоқ қизим?

Тўтиқиз атрофига ўргимчак иплари тортиб ташланганидан беҳабар эди. Шум тақдир ўз тағига чоҳ қазганидан гумони бўлмаган ҳар бир киши буларнинг гапларига шак келтиролмасди. Тўтиқиз ёсуман ҳаёт жодусига энди учраётган эди. Шундай бўлса ҳам яна ўйлаб қолди. Юрагида, юрагининг алақаерида бошқа ҳис чироғи гоҳ ёнар, гоҳ сўнарди. Шу чироғ уни ўйлашга, ўртадаги ташвишларни салмоқлаб кўришга мажбур қилди. Лекин биронта қийиқ топмади. Кейин нима бўлганини билмаса ҳам, миршаблар тутиб кетганини биларди. Демак, уни миршаблардан отаси қутқазган. Бундай бўлгандан кейин уни қидиришлари, яна тутиб кетиб турмага тикишлари турган гап.

Ҳожи хола, унинг миясидаги ўйлар жараёнидан хабардордек, тўр ипини маҳкамроқ тортди.

– Қиз жонингга ачинмасанг, келинчаклик шаънингга уят деб билмасанг, майли, тагин ўзинг биласан. Хоҳласанг, ана, эшик очиқ, ташқарига чиқ, хоҳласанг, шаҳарга бор, биров йўлингни тўсмайди.

Тўтиқиз тайёр бўлган эди.

– Йўқ, йўқ, холажон, Худо сақласин ундай шармандаликдан! Нима десангиз – шу, уйдан чиқмайман, пичирлаб гапираман.



– Ҳа, баракалла! Умрингдан барака топ, айланай. Ақлли қиз шунақа бўлади. Ҳожи хола, уни пешонасидан чўлп-чўлп ўпди. Тўтиқиз кўзларига яна ёш югурди.

– Ҳа, нимага йиғлайсан, қизим? – деди Ашурмирзо безовталангандай бўлиб.

– Битта илтимос бор эди...

– Айтавер, ўргила қолай, нимаики ишинг бўлса, жонимиз билан қиламиз, – деди Ҳожи хола. – Ҳа, ҳеч тортинма, жон болам.

– Ҳа, асло тортинма, қизим. Мен отангман, жонимни сўрасанг бераман. Ҳа, бераман.

Тўтиқиз йиғлаб туриб ялинди.

– Бувимни кўрсам, жон дада, жон хола, бувимни кўрсатинглар...

Ҳожи хола қўлини силтади.

– Э, жинни қиз экансану! Ўзимиз ўғри мушукдай беркиниб юрибмизу, шу аҳволда бувингни қандай қилиб кўрсатамиз?! Қўй-э! Ҳеч ўйлайсанми, ё сени шаҳарга олиб бориш керак ё бувингни бу ёққа олиб чиқиш керак. Атрофимизда миршаблар пойлаганлар. Ҳали сенга эмас, деворга гапирган эканмиз-да!

– Чидаёлмайман! Бувимни соғиндим! Бувижонимни Соғиндим...

Тўтиқиз қақшаб, пиқ-пиқ йиғлаб нола қилди. Ҳожи хола худди раҳми келаётгандек, уни бағрига тортди. Ашурмирзо эса, оғир савдодан бағри қонга тўлган кишидай, эзгин хўрсинди. Тўтиқиз яна ялинди.

– Бўлмаса, холам келсин. Худо хайрларингизни берсин, холамни олиб келинглар...

Ҳожи хола энди жеркиб ташлади.

– Холанг келди нима-ю, бувинг келди нима! Ёш бола эмассан, тушун ахир! Холангни олиб келишнинг иложи бўлса, бувингни олиб кела қолмасмидик! Иложи йўқ! Бошинг балога қолмасин,



сени турмага тикишмасин, деб ўлиб ётибмизу, сен нукул бувим, холам дейсан!

Энди Ашурмирзо Ҳожи холага кўз қисди.

– Йўқ, хола, сиз иложини тополмасангиз, мен топишга ҳаракат қиламан. Хўп, қизим, бир амалаб бувингни ҳам, холангни ҳам олиб келаман. Бўлдими?

Зулм, аалдов қаърида инграб ётган бечора кўнгилинг кўтарилиши учун кичкина умид кифоя эмиш. Мана риекор отанинг икки овиз ширин сўзи тувдирган умид билан Тўтиқиз кўнгли кўтарилади. У худди бувиси билан холасини кўргандай суюнди. Озиб, тагидан кўк томирлар бўртиб чиққан сўлгин чехрасига бахт нури югурди.

Ҳожи хола, Тўтиқиз чехрасида ёйилган заиф жилмайишни кўриб уни бутунлай ўз тўрида эканлигига ишонди.

– Эсингда бўлсин: вақт-бевақт эшикка чиқсанг, касал кампирга ўхшаб инқилаб, ҳасса таяниб чиқ, жон болам. Устинга эски чопон ёпин, бошингда ҳам титилган жулдур рўмол бўлсин, «ўзинга эҳтиёт бўл, кўшингни ўғри тутма», дейдилар. Ҳа, кейинги пушаймон ўзинга душман. – Ҳожи хола гапни айлантриб келиб асосий мақсадга тақади. – Дилшодбекка хат ёзиб бер. У дилпорани икки овиз ширин сўз билан хурсанд қил.

Тўтиқиз, ёзгиси келиб турса ҳам, отасидан истиҳолада эди.

– Борсангиз, тинч экан, деб қўярсиз.

– Вой, ундай қилма, айланай! Менинг айтганим бошқа, сенинг ёзганинг бошқа. Меники ўрин бўлармиди, қалай? Иннайкейин, мени миршабхонага киргизишмайди. Хат ёзиб берсанг, таниш одамлардан секин киргизиб юбораман. Ҳай, Ашуржон, қоғоз-қаламингиз борми?

Қоғоз-қаламни аллақачон тайёрлаб қўйишган эди. Ашурмирзо кўкрак чўнтагидан тўрт буклов-



лик бир варақ оқ қоғоз билан янги учланган қарандаш қалам чиқарди.

— Мана, шу қоғозга ёза қол, қизим?

Тўтиқиз қоғоз билан қаламни олишга олди-ю, яна фикридан қайтди.

— Йўқ, бирда-иккида хат ёзмаган бўлсам, уят бўлади.

Ҳожи хола энди тутаман деб турган қуши учиб кетган кишидай жириллади.

— О, нозинг ўлдирди-ю! Ўзингдан катталар бир нима дегандан кейин «хўп» деб қўя қолсанг, ўласанми? Эрингга хат ёзса, уят бўлармиш! Тавба! Ол-э, ёз! Нима, сенинг хатингни биров кўриб турибдими? Бунча бемехр бўлмасанг?!

Бу сўз Тўтиқизнинг жон-жонидан ўтиб кетди. У ҳушига келгандан бери Дилшодини ўйлаб юраги эзилар, уни қандай қилиб кўрсам, қаердан топсам, деб ҳасрат ичида ёнарди. Дилшод у учун умр йўлдошигина эмас, бахт осмонининг ёруғ юлдузи ҳам эди. Нечук бу юлдуздан юз ўтирсин? Ахир, отаси Дилшодидан айириб, ун қазноққа қамаб қўйганда кимнинг шўри унинг кўпроқ алам ўтида ёндирди? Уни қон-қон йиғлатган, фарёд этдирган Дилшод шўри эмасмиди? Ўзини демай, Дилшодини деб не ҳасратга тушса-ю, яна уни бемехр дейишса? Йўқ, меҳр нима, севги нима, вафо нима буни Лайлолар Тўтиқиздан ўрганишсин! Ҳа, Тўтиқиздан ўрганишсин!

О, яйловда, Зулфиқор ота ўтовиди эркин-осуда юрган кезлари! Қани, қайда қолди ўша ҳаётбахш, дилбар онлари?! Бу икки эркин, бахтли қуш гоҳ бир-бири билан қувишиб қирларга учишар, гоҳ от миниб пойга чопишар, гоҳ кечалари поёнсиз қирғиз осмони чаманининг жимжима гулларига суқланишар, ўйнашар, кулишар, қирғиз қизлари, йигитлари билан ўлан айтиб яйрашар, дала гул-



ларидан чамбарлар ясашиб, ўзлари ҳам шу аяво гуллар ичида гулдай яшашарди! Ҳаммаси йўқ бўлди. Қани энди бу асов кампир Тўтиқиз юрагини ёндирган жудолик ўтининг ақалли юздан бирида куйган, куйиш ўтини кўрган бўлса! Йўқ, у на севгини билади, на меҳрни! Умрида севгини, севги ўтини кўрган киши бу хил гап қилмайди! Севгинсон ҳиссининг энг лазизи, энг сирлиси, энг эзгуси! Унинг жойи фақат дилда, тилда эмас!

Тўтиқиз Ҳожи холага зарда қилаётган киши адоси билан қоғозни олиб, унга шу сўзларни битди:

*«Ассалом, дилим шоди,
Тўтиқизнинг Фарҳоди!
Юракда соғинч ўти,
Шу ўтда ёнур Тўти!
Не жафоки бошимда –
Йўқ эрурсиз қошимда.
Фарибангиз бунда соғдир,
Сизга етгум йироқдир.
Мендан қилмангиз ташвиш,
Оллоҳдин эмиш ҳар иш.
Ялингум Оллоҳга йиғлаб,
Сизга саломатлик тилаб.
Алвидо кўришгунча,
Васл чироғи ёнгунча...
Тўти».*

У хатни ёзиб бўлиб, қоғозни эски тахига келтирди. Кейин, берсамми, бермасамми, дегандай иккиланиб қолди.

Ҳожи хола буни сизди шекилли, хатни Тўтиқиз қўлидаи юлиб олиб, камзулининг ички чўнтагига яширди.



Йигирманчи боб Тириклар гўрида

Дилшод жандарм бошлиғи дўппослагандан бери ўрнидан турмай ётарди. Камеранинг ўлгидай кичкиналиги, табиий ёруғдан маҳрум бўлгани учун кечаю кундуз ўлимтик чироқ милтилаб турганлиги, бунинг устига цемент полдан зах анқиб, ҳавони саситганлиги Дилшод юрагини сиқибгина қолмай, саломатлигини ҳам йўқотиб борди. Келгандан бери ҳали оғзига иссиқ овқат олгани йўқ. Миршабхонада эканида киргизишган нон аллақачон пўпанак босиб, камерада бешарм югуришган сичқонлар талонида. Баъзан бир нарса егиси, суюқ овқат ичгиси келади. Жуда кўп келса бир қадоқча қора бўлкаю, бир темир косада балиқ шўрвадан бошқа ҳеч нарса беришмайди. Кеча Дилшод шўрвани олди торттиб, ичиш иштиёқиди қошиқ солди. Чириган карам, чириган картошка, яна нима балолар орасида қошиқча яна бир нарса уринди. Дилшод гўшт эканми деб қўлига олди. У лаққабалиқ калласи эди. Дилшод кўзига мушук калласи бўлиб кўринди. Кўнгли бирдан айнаб, ўқчий бошлади. Ошқозинида ҳеч нарса бўлмаса ҳам, ичи ағдарилар, кўзлари олайиб ўқчир эди. У аввал қўлига, кейин тиззаларига суяниб ўрнидан турди. Косани ердан узиб олиб камера эшигига пақиллатиб урди. Ҳар ёққа сасиган карам, чириган картошка, ювинди шўрва сачради. Шовқинни эшитиб кўзатчи етиб келди. У дарҳол овқат бериладиган тешикни очди.

– Нима шовқин?! – деб ўшқирди у. Кейин, темир коса ерда тўнтарилиб ётганини, ҳамма ёққа карам шўрва сочилаганини кўриб, эшикни очди. – Бу нима қилганинг? Нимага овқатни тўқдинг?

Дилшод кўнгли айнаб, ҳамон ўқчирди. У ўқчиб туриб қичқирди:

– Буни мен сиздан сўрамоқчиман! Нимага берган овқатингизда мушук калласи? Бу қандай ҳақорат? Наҳотки сизларнинг олдингизда инсон қадри шу қадар аянч бўлса? Ол косангни!

Дилшод темир косани бир тепган эди, у очик эшикдан тарақлаб йўлакка отилди. Кўзатчи Дилшод журъатидан шошиб қолган эди. У апил-тапил ўзини йўлакка олиб, темир эшикни дарров қулфлади.

Дилшод узунлиги бир ярим, эни бир қулочча келадиган нимқоронғи камерада у ёқ-бу ёқ юра бошлади. Ҳаяжони, алами, ғазабидан ўзини босолмай юрар, яна юрарди. Бир ёқдан, камера бурчагидаги эҳтиёж челаги, яна бир ёқдан, ерда сочилиб ётган сассиқ карам шўрва ҳиди кўнглини оздирар, боши оғирлашиб, кўзлари тинарди. Тўрдаги, қалин девор шифтга ёпишган жойдаги кичкина, камбар туйнукдан, унинг билакдек йўғон темир панжаралари орасидан сиқилиб кираётган ҳаво, пастдаги сассиқдан қўрқаётгандек, тепадан тушмасди. Дилшод туйнук тагига келиб муздай деворга бетини босди, бурнини вишилатиб ичига ҳаво тортди. Бу ҳаво, камеранинг умумий ҳавосидан қарийб фарқ қилмаса ҳам, Дилшодга тоза туюлди. Яна бир неча марта ўпкасини тўлдириб ҳаво олди. Лекин пастдан анқиб турган карам сассиғи ҳамон безовта қиларди. Дилшод ортиқ чидаёлмай эшикни тақиллатди. Кўзатчи эшик орқасида пойлаб турган экан, дарров тешикни очди.

– Нимага тақиллатасан?! Холангнинг эшигими бу?!

Дилшод энди айтишмади. Супурги сўради.

Кўзатчи эшик тешигини ёпиб, узоқ йўқ бўлиб кетди.

Алламаҳалдан кейин учини худди оч эчки ғажиганга ўхшаган битта чўлтоқ супургини тешикдан ташлади. Дилшод полни, деворларнинг шўрва



сачраган жойларини супуриб, ахлатни бир четга йиғди. Энди буни чиқариб ташлаш керак. Дилшод яна эшикни қоқди.

Кўзатчи тешикни очиб яна ўшқирди:

– Яна нима? Тинч қўясанми, йўқми?!

Дилшод бурчакдаги ахлатга ишора қилди.

– Чиқариб ташлай.

Кўзатчи мазах қилиб тиржайди.

– Бу ер хоҳлаганингда кириб, хоҳлаганингда чиқадиган карвон сарой эмас. Сиёсий турма бу! Ана, бурчакдаги челақка ташла!

Тешик зарда билан ёпилди. Дилшод занг босган сассиқ челақ ёнига келди. Тумшугини буриб туриб челақ қопқогини очди. Бирдан кўзини ачиштирадиган қўланса ҳид бурнига гупиллаб урди. У нафас олмасликка, челақ ичига қарамасликка тиришиб, ахлатни ташлади. Қопқоқни дарров ёпиб, яна туйнук тагига югурди.

Орадан Дилшод номларини унутган кунлар ўтди. У кечаси ётар, саҳарлаб турғизилар, сассиқ камерада кунларни тунларга улаб ёлғиз ўтирар эди. Шундай ҳолларда инсон ҳам ўз табиати билан жониворларга ўхшаб кетади. Яйловда, қулунлар жамоасида эркин-осуда шаталоқ отиб ўйнаган, нўхта нималигини хаёлига келтирмаган тойчоқ шўх, жиккак бошига юган урилганда ўзини ҳар ёққа уриб типирчилайди, устида ўтирган одамни ағдариб ташлашга урнайди, қуликнинг моддий далилига қарши исён қилади, ўзини ҳар кўйга солиб шаталоқ отади, бошини эгиб асовалиқ қилади, қийшаяди, букчаяди, селпинади. Лекин устидаги одам тизгинни бўшатмайди, у ҳар неки исён қилмасин, барибир, ўз ўз раъйига ахири бўйсундиради. Одам боласи ҳам шундай. Кенг, мусаффо ҳавода эркин, гулгун ҳаётда яйраб юрган кунларингдан бирида ахлат ҳиди анқиб турган



қоронғи зиндонга сени келтириб тиқишади. Сен бошингни ҳар ён урасан, норози бўласан, исён ҳам қиласан, сассиқдан димоғингни олиб қочасан, лекин буларнинг ҳаммаси абас. Устингда рӯдаподай миниб ўтирган ялмоғиз тақдир ихтиёрингдан устун чиқиб, сени хоҳлаган кўйига солади. Сенга энди зиндон қоронғиси – ёруғ, сассиқ ҳавоси – мусаффо бўлиб кўринади. Тақдир нақадар мудҳиш бўлмасин, истар-истамас тиз чўкасан. Сени бунга тушиб қолган муҳитинг мажбур қилади. Дилшод ҳам шундай бўлди. Мана, тор зиндон кўзларига – кенг, сассиқ ҳаво – тоза бўлиб қолди. Уни эзаётган, офир ўйларга солаётган бир нарса бўлса, бу сассиқ ҳавою, қоронғи зиндон эмас, йўқ, ташқи дунёдан ноҳақ ажраб қолганлиги, севгилиси Тўтиқиз тақдири эди. У иссиқ, шинам хонада, бахту саодат ичида яшаётгандек, ўзини ўйламайди. Қаердалиги, нима аҳволдалиги номаълум бўлган Тўтиси хаёлидан кетмайди. Уни ҳам бир миршаб орқасига мингаштириб жўнагани кўз ўнгида. Лекин уни қаерга олиб боришди, у қаерда йўқ бўлди – буни билмайди. Ҳануз билмайди! Баъзан гапга тушунадиган одамохун кўзатчилар навбатчилик қилишганда эшикни секин тиқиллатади, Тўтисини, шундай бир маҳбус қиз борми, йўқлигини ёлборувчи кўзлар билан мўлтираб сўрайди. Баъзи кўзатчилар сўкиб беришади, баъзилари бу ерда унақа қиз йўқлигини айтишади.

Эвоҳ, қандай, қандай билса бўлади Тўтисини?! Балки у мазлума ҳам шу соқов камераларнинг бирида, сассиқ ҳаво, қоронғи зулмат ичида зору зор йиғлаб ўтиргандир? Балки яйловдан тўғри Тешабойникига олиб кетишгандир? Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

Ахир Тўтиқиз Дилшоднинг қонуний завжаси, никоҳидаги умр йўлдоши-ку! Эри талоқ қиламаган



бир хотинни ким никоҳига олади? Ким ўқийди бу қонунсиз никоҳни? Йўқ, йўқ, йўқ, у Тешабой-никида эмас, Тешабой хотин қилиб ололмайдди! Ахир у Дилшоднинг шаръий хотини эканини Сулфиқор ота, яйловдаги қирғиз йигитлар, қизлар, тоғаси Сулаймон ака, никоҳ ўқиган Жамолиддин, яна қанчадан қанча одам – ота-онаси, Ғуломжон акаси, қишлоқдаги дўстлари билишади. Тешабой шунча одам кўзида уни наҳотки ўзига никоҳ қилдириб олса?! Йўқ, йўқ, бу ҳақоратга, бу разолатга дўстлари йўл қўйишмайди!

Дилшод ваҳм чангалида тўлғаниб, гоҳ ўтирар, гоҳ юрар, ўз-ўзича бир нималар деяр, лекин тинчини тополмай яна ўртанар эди. Ана шундай эзгин дамларнинг бирида овқат тешиги бирдан очилиб, яна дарров ёпилди.

Дилшод одатдагича этини еб ўтирган эди. Ялт этиб қаради-ю, ерда турмакланган битта оқ қоғоз ётганини кўрди. Бирдан сакраб, кўзлари чақнаб кетди. Дарров бориб қоғозни олди. Юраги дукиллаб урар, оёқлари мадорини йўқотиб қалтирарди. Орқасини эшик тешигига қилиб туриб қоғозни очди. Ичида учи яхши чиқарилган калтагина қалам. Қаламни чўнтакка солиб қоғоз тахини очди. Таниш, дилбар хатни кўриб, бутун вужуди эриди, кўзлари, бахтиёр кўзлари бир зум, бир зумгина юмилади. Кейин, ўзини қўлга олиб, хатни ўқиди:

«Ассалом, Дилшод ака! Мен соғман, аммо қаердалигимни айтишим қийин. Шу қоғозга икки энлик хат ёзиб, қаердалигингизни билдирсангиз. Ўтиниб сўровчи Тўтингиз».

Дилшод кўзларига ёш чиқди. У қоғозни лабла-рига келтириб, Тўти номини ўпди. Бирдан ичида чироқ ёнди, У Тўтиқизнинг ўзини кўра бошлади. Кулимсираб турган меҳрибон, дилбар Тўти кўринди! Шу он ичидан шодлик ёпирилиб, ҳаяжонли



юзига бахт нури сочилди. Дилшод, лахат каби кичкина камерада эканини унутиб, кенг дунёда кенг-ри юрган кишидай терисига сизмай қувонар, кулар, «Тўтим! Тўтим! Хайрият, бор экансиз! Саломат экансиз!» деб ғудранар эди. У қоғоздан Тўтиқиз хатини йиртиб олиб, қолган қисмига ўзининг соғлигини, кунлари Тўтисини соғиниш, ўйлаш билан ўтаётганини ёзди. Аммо тақдири қандай эканини ёзишга улгурмади. Эшик тешиги очилиб, нозик бир қўл ичкари суқулади. Дилшод бунинг маъносини тушунар эди. У дарров қалам қистириғлик қоғозни тутқазди.

Дилшод қўл эгасини кўриш, иложи бўлса шукроналик билдириш мақсадида тешикка суқульмоқчи булган эди, улгурмади. Қўл шиддатла тортилиб, тешик ёпилади. Дилшод қўлидаги бир парча қоғозни кўксига босиб, шоду хуррам қиёфада у ёқ бу ёқ юра бошлади. У турмадан қутулмаган бўлса ҳам, Тўтисининг дарагини эшитиб, худди қутулгандай қувонар, кулар, ўзича ғудранар, хат келтирувчига кўнглада шукроналик билдирар

Шу кунни у тушдай ётиб, тушдай турди. Кейинги бир неча кун ҳам шундай енгил, шундай қувонч ичида ўтди. Ҳа, ўтди! Ўтиб кетди! Саккизинчи кунни ана ўша номаълум қўл бошқа хат ташлаб кетди. Хат ташлаб кетмади, бир дунё қайғу ташлаб кетди. Дилшод биринчи хатни саросимада, дудмал бир ҳолатда олган бўлса, бунисини қувониб, танасига сизмай олади. Шод кўзлари сарлавҳага тушди-ю, юраги жиг этиб кетди. Вужудини даҳшатли ваҳм босди, кўзлар совуқ сўзлар устида қалтираб югурди. Хат қисқа бўлса ҳам, жон олғувчи эди. «Ё раб, Ё раб!» дея, ўқиган кўзларига ишонмай ўртанарди у. Энди битта-битта, ҳижжама-ҳижжа ўқий бошлади:

«Дилшод! Эвоҳ, сени деб шунча қақшадим! Ўзинг ҳам қури, юзинг ҳам қурсин! Сен касофатга



илашмасам, бувим бечора жинни бўлмас, мен ҳам эл кўзида шарманда бўлмас эдим! Адашган эканман, энди англадим. Аҳмоқ бўлмасам, Тешабойдай олижаноб кишини демай, сен қурумсоқни деярмидим?! Бўлди, яхшиликча талоқ хатимни бер! Бўлмаса, қозига бориб арз қиламан, мени зўрлаб опқочганингни айтаман. Насинг ҳаммамизга урди. Минг лаънат сендай аблаҳга! Менга хат ҳам ёзма, мени тилга ҳам олма! *Сендан юз ўзгирган Тўти».*

Дилшод хат даҳшатини боя гарангсиб яхши уқмаган экан, энди бутунлай саросима ичида қолди. Қимирлашга, ҳатто ўйлашга мадори етмади. Лахта-лахта қонга тўлган қалбида аллақандай фарёд кўтарилади.

– Эвоҳ! – деярди у, гоҳ кўксини, гоҳ бўғзини чангалаб. – Дунё шу эканми?! Севги оқибати, севгинг оқибати шуми? Қани, у аҳду паймонлар? Қани, қани?! Қани, мен сендан сўраяпман, вафосиз Тўти? Наҳотки ҳаммаси, ҳамма ҳис, ҳамма туйғулар ёлғон эди? Гапир, жавоб бер аҳди ёлғон?! – У нафас ололмай туйнук тагига келди. Ҳаво етмас эди. Замонлар зарби билан усти ўпирилган лахат тешигини эслатувчи бу тириклар гўрининг туйнугидан ҳафсаласиз кираётган ҳаво ҳам кор қилмади. У туйнукка талпиниб, мадорсиз гавдасини чўзиб нола қилар, Тўтиси гўё шу туйнук орқасидаю, оҳу зорини унга қилаётгандек кўринар эди. «Жавоб бер, наҳотки шу хатни, жонимга қасд қилиб келган шу машъум хатни сен ёздинг? Хат эмас, ўлим ҳукмини ёздинг? Кечагина, кечагина яйловда, ёрқин кундуз, ойдин кечада рози дил айтишган, вафо аҳду паймонини қилишган бахтли дамларимиз қани? Эвоҳ, барисини эсдан чиқардингми, Тўти? Барисига оёқ босдингми?!»

Дилшод хаёл кўзи билан кўриб турган Тўтисининг юзига мўлтираб хитоб қилди. Бутун севги



савдосини, бутун меҳри достонини бир-бир айтди. Ўзи қаердалигини, қай ҳолда эканлигини унутиб, ҳақиқат излар, излаганини тополмай бўзлар эди. Тўтиси, хаёла кўзлари оддига келтириб қўйган вафосиз Тўтиси, муруватсиз мактуб сўзлари билан жавоб берар, унинг ялинган, мўлтираган кўзларига бу даҳшатли сўзларни ништар қилиб санчар эди. Дилшод ўзини қаттиқ, қўланса каравотга ташлади. Ҳасрат булути қоплаган мунгли юзини ёстиққа босиб, бутун вужуди билан қалтирашга турди. Ҳозир унинг учун яшаш маъноси қолмаган эди. Ўзини бўғиш, ҳозир, шу мудҳиш дамда ўзини бўғиб ўлдириш хаёлини қиларди. «Вафо шу бўлса, дунёда борингдан йўғинг!» деди-ю, каравотдан чапдаст туриб, қийигини эша бошлади. Уни арқонга ўхшатиб эшди. Бўйинини гир айлангириб, кучининг борича тортди. Лекин бирдан ўнг қўли биллагидан узилагандек шилқ этиб тушди. Назарида, биров шу қўлига зарб билан ургандай бўлди. «Тавба! – деди у, дарров теварагига қараб. – Ҳеч ким йўқ-ку!»

У тараддуд тўлқинида чайқалишга турди. Хаёла уни узоқларга, мудҳиш бир манзарага олиб келди. Муштипар онаси Дилшод чопони ёпилган тобут устида сочларини ёйиб фарёд қилар, отаси тол шохидан кесилган ҳассага шўрлик бошини қадаб йиғлар эди. Тобутнинг у ёғида Тўтиқиз. Эғнида қора, бели боғлиқ, сочлари тўзғиган, ранглари сўлғин, кўзларида дарё-дарё ёш, оғзида фарёд.

Дилшод бу мудҳиш хулёни қувиш учун бошини бир силтаб ўрнидан турди.

«Йўқ, йўқ! Ўз аламингни деб бошқаларни доғу ҳасратда ёндириш – номардлик! Ўзимни ўлдириш билан нимани исбот қиламан? Нимани?! Адолатсизликка исёнимними? Ажабо, ўлим – исён йўлими? Йўқ, ўлим қўрқоқлик йўли! Йўлимда учраган қийинчиликлардан қўрққанганимни, бу қийинчилик-



ларни енгиш ўрнига енгилганимни билдирмайди-ми? Ўз-ўзингни ўлдириш осон, аммо ўлимга олиб келган сабабларни енгиш қийин. Демак, мен қийиндан қочиб, осонга учмоқчи бўладим. Йўқ, инсон йўли бу эмас. Дилшод, тириклигингда ўзингни ўлдирма, ўлганингдан кейин ўлиб кетасан!..»

Дилшод бўйнидан қийиқни туширди.

Йигирма биринчи боб **Пичоқ суякка етганда**

Қорабулоққа биринчи қор тушди. Бошқа йиллар бўлса, қўлида бир қарич ери бор деҳқон келаси йил ҳосилини ўйлаб, ҳар қатра қор учун боши осмонга етар эди. Лопиллаб ташлаётган ҳўл лайлак қор, ҳеч кимни писанд қилмаганидан хижолатдек, тушган ерида шовқинсиз, шарпасиз ястана қоларди. Баъзилар эрта тушган қордан ёруғлик деб қувонса, кўплар ёзда ёпинчиқсиз қолганидан ташвишда эди. Тонг йўлини тўсиб қўйишдан қўрққандек, қор кечаси билан шундай ташлади, шундай шошиб ташладики, эрталабгача кўча-қўйларни, эшик ҳовлиларни, дала-даштларни, тоғу тошларни етти қават кўрпасига ўраб олди. От-улов у ёқда турсин, пиёда юролмай қолди. Шаҳар билан қишлоқ туғул, маҳалла билан маҳалла ўртасида қатнов тўхтади. Уруш солиғи дастидан тоғларга, яйловларга бош олиб чиқиб кетган камбағал оилалар, денгиз ўртасига тўлқин суриб кетган кичкина қайиқдаги паноҳсиз кишилардек, омонатгина қуриб олишган капалари ё кириб олган унгурларидан чиқолмай қолдилар. Уларда қорларни кураб йўл очишга на қурол бор, на мадор, ейишга на овқати бор, ёқишга на ўтин. Қор эса бу бечораларни очликдан, совуқдан ўлдиришга қасд қилгандек, ёғарди. Тинмай ёғарди...



Бир ҳафта кўз очирмай қор ташлади. Агар мўрилардан бурқсиб, қорларга қорилиб чиқаётган тутунлар бўлмаса, Қорабулоқда ҳаёт битган деб ўйлаш мумкин эди. Лекин дарё сувини муз гираклаб олгани билан остида ҳаёт барқарор: сув оқади, баликлар сузади, катталари кичикларини қийратишади... Қорабулоқда ҳам, муз остидаги дарё сувидай ҳаёт оқиб боради. Лекин бу оқин аввалгисидан бошқача – устида эзиб, босиб турган қалин музни синдиришга, парчалаб ташлашга интиланган янги куч, емирувчи янги қудрат тўлқинланади. Ҳамма ёқда шу кучу қудрат нишонлари. Қорабулоқ истисно эмас. Бошқа қишлоқлар, шаҳарларда ҳам муз кўчкиси. Бойларнинг заводларига, ҳашаматли жонадонларига, ҳукумат омборларига, аскар казармаларига дам-бадам ўт кетади. Уруш солиғига, урушнинг ўзига қарши исёнлар, қўзғолонлар, норозиликлар ўти чақнайди. Тошкентда кўтарилиган сапёрлар қўзғолонининг овозаси шаҳарлардан қишлоқларга, ҳатто хилват бурчақларгача етиб келди. Ҳукумат, жандарм, полиция, ҳоким, губернатор қанча қон тўкмасин, жондан тўйганларни қанча турмаларга тикмасин, муз тагидаги оқин сизиб чиқар, музни парчалар, синдирар, шу маҳалгача эшитилмаган янги овоз, янги гулдурос билан кураш жарини соларди. Кеча билан кундуз ўртасидаги тафовут нечоғлиқ кўзга ташланса, ҳукумат билан халқ ўртасидаги душманлик ҳам шу чоғлиқ очиқ тус олган эди. Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда, гоҳ у заводда, гоҳ бу заводда дори бочкасидай портлаган қўзғолонларни бостиrolмай ҳоким боши қотар, аскарлари, қудрати етмай генерал-губернаторга телефон устига телефон қиларди. Қорабулоқ белдан келадиган қор ичида эмас, ўт ичида осмонга эшилиб чиққан қуюн ичида, камбағаллар исёни, қўзғолони ичида қовжирар эди.



Мадумар мингбоши, йигирма йилдан бери мингбошилик қилиб, бу қадар тўполонни, унинг таъбири билан айтганда, «мунчалик бебошлик»-ни кўрмаган эди. У эзила-эзила, хўрлана-хўрлана жони ҳалқумига келган камбағалларнинг қўзғолонларини бостиришга журъат қилиш у ёқда турсин, камбағалларга юзма-юз келишдан қўрқиб, саройдан ташқарига чиқолмас эди.

Уруш солиғини қистаб келган эликбошиларни, мингбошиларни оломон тутиб олиб дўппослар, энгил-бошдарини ечиб яланғоч ҳайдар, уйларига ўт қўяр, молу донларини таларди. Қорабулоқда том маъноси билан бошбошдоқлик ҳукм сураб эди.

Қудрат Тешабой заводидан қарийб чиқмайди. Ташқаридан қараган кишига, айниқса Тешабой кўзига у бу тўполонларга бош қўшмаган холисдай кўринади. Аслида эса курашнинг, бу курашда раҳбарликнинг бошида шу Қудрат. Қаерда, қай маҳаллада бирон воқеа бўлмасин, ҳаммаси Қудрат имо-си билан бўлади. Уруш солиғидан қочиб тоғларга, яйловларга бош олиб чиқиб қетган оилалар қалин қордан кейин очликдан, совуқдан ўла бошлаганлари тўғрисида бутун қишлоққа хабар етиб келиши билан Қудрат одамларни яна оёқлантирди. Қорабулоқ камбағалларининг каттасидан кичиги, аёлидан эркаги мингбоши дарвозаси олдида тўпланди, Кўп вақтлардан бери қулфи тушмаган бу дарвоза олдида ҳам, ичкарисида ҳам миршаблар қилич яланғочлаб туришарди. Халқ тўғонни ўпирган сел босқинидай ёпирилиб келди. Ҳамма қичқирар, чувиллар, чинқирар, бақирар, ҳайқирар, дарвоза олди қиёмат гулдуросига тўлиб борар эди.

Миршаббоши Жумон писмиқ қилич ўқталиб қичқирди:

– Келма! Яқин келма!!

Оломон жонидан тўйган эди. Қиличдан тап тортувчи бўлмади. Оқин бостириб келаверди. Замон,



яна қанча ялангтўш олдинда эди. Оралиқ қилич урилса етадиган даражада қисқарди. Шунда ҳам оломон тўхтамади.

– Чақир, муттаҳам Мадумарни! Ё солиғини дархон қилсин, ё жонидан кечсин!

Бу даҳшатли овоз бутун майдонни тўлдириб гурлалади. Уни гарчи бир одам айтган бўлса ҳам, Жумон писмиқ назарида, ҳамма бараварига қичқиргандек туюлди, боши устида баралла кўтариб турган яланғоч қиличини аста тушириб, орқага тисарилади. Оқин даҳшат билан келарди. Нарёқдаги миршаблар дарвоза дарчасини ҳалпида очиб, ўзларини ичкарига уришди. Жумон писмиқ қочишга улгурмади.

– Ур ит писмиқни! Ўлдир!!! Янч!!!

Бу кулоқларни зинғиллатган овоз эмасу, юзга урилган ўлим нафасидай, Жумон писмиқни ёпиқ дарчага келтириб тақади. Бояги гўдайишинигина эмас, қўлида ярақлаб турган қиличини ҳам ташлаб, ялинишга тушди у.

– Жон акалар, тавба қилдим! Тавба қилдим! Менда гуноҳ йўқ...

Кимдир унинг гирибонидан бўғиб оломон ичига судради. У типирчилаб қаршилик қилади, додлайди, ялинади, тавба қилади, чувалчангдай судралади. Орадан бир неча дақиқа ўтмай, бўғилиб бораётган овози тинди, ўзи халойиқ ичида йўқ бўлди.

Оломон бу билан кифояланмади. У энди дарвозага ҳужум бошлади. Ким тош билан, ким таёқ билан дарвозани урар, кўплашиб итарар, дарвоза фитиллар, очилгундай бўлиб ичкари сурилар, лекин у ёқдагилар жон ваҳмида бу ёққа итариб туришар эди. Шу олағовур, шу қиёмат тўполон устига Тешабой етиб келди. Ёнида Оқчурин ҳам бор эди. У оломон ичидан кимнидир қидирар, кўзлари исёнчилар устида бежо югурарди. Оқчурин қидирга-



нини топгунча бўлмай, оломон ғазаб билан Тешабой томон йўналди. Халқ уни титиб, парча-парча қилиб ташлаши турган гап эди. Оқчурин шу ваҳм билан ўзини ўртага отди.

– Биродарлар, шаштларингдан қайтинглар! Бойни ё мингбошини ўлдирган билан иш битмайди. Қайтинглар! Қайтинглар! Жон биродарлар!

Тўлқин Замонни олдинда чайқаб келарди. У оёқларини ерга тираб, оломонни тўхтатишга тиришар, сира тинмай қичқирарди:

– Тўхтанглар, тўхтанглар, оғайнилар! Эшитайликчи, бой нима деяр экан. Тўхтанглар! Ўлдириш қочмайди, тўхтанглар!

Замон ёнидаги навқиронлар ҳам оёқларини тирашди. Тўлқин шашти сусая борди.

Тешабой бир четда ранги бўзариб турарди.

– Қулоқ солинглар, оғайнилар! – деди у, ўзини хокисорликка солиб. – Замонали тўғри айтди. Ўлдириш қочмайди. Қани энди, мени ё мингбошини ўлдирганларингиз билан лаънати солиқдан дархон бўла қолсаларингиз! Бўлмайсизлар, шуниси ёмон. Келинглар, мингбошини чақирайлик, норозиликларингизни бетига айтайлик. Яхшиликча солиқдан дархон қилса қилди, қилмаса, унда ўзидан кўрсин. Мен ҳам сизлар тарафингиздаман...

– Ёлғон айтади бу тулки!

– Ишонманглар!

– Ур, тулки бойни!!

Яна оломон чайқалди. Тешабой қочишни ҳам, туришини ҳам билмай шошиб қолди. Иккита камбағал ёпишиб уни отдан тортди. Оқчурин камбағаллар қўлига осилди.

– Тўхтанглар, биродарлар! Тўхтанглар! Бой қўлимизда, ҳеч қаёққа кетмайди. Олдин мингбоши билан гаплашиб олайлик, кейин нима қилсаларингиз ихтиёрларингиз.

Шу тўполон устига Қудрат келиб қолди. Унинг кўзларида ваҳм бежоллиги эмас, қувонч ўти бор эди. Тешабой ёрдам сўраётган киши илтижоси билан унга талпинди.

– Қудрат ака, булар...

– Қўйворинглар, – деди Қудрат, ҳамон Тешабойга осилиб турган иккита камбағалга. – Бунақа билан муддао ҳосил бўлмайди. Мингбоши билан гаплашайлик.

Устма-уст яна ҳайқириқ кўтарилди:

– Чиқ бу ёққа, мутгаҳам Мадумар!

– Оч дарвозани!

– Порахўр, бу ёққа чиқ!

Қудрат имоси билан Тешабой дарвоза ёнига бориб ўзини танитди.

– Мен келдим, очинг дарвозани, додхоҳ.

Мадумар дарвоза орқасида эди, у қалтираган товуш билан:

– Очолмайман, оломон еб ташлайди. Болохонага чиқа қолай, ўғлим, – деди.

Одамлар қўлида тош, калтак, сўйил бор эди. Мадумар товушини эшитиб, дарвозани яна дўмбира қила бошлади.

– Оч дарвозангни! Болохонангдан ҳам гирибонингдан бўғиб тушамиз! Мард бўлсанг, чиқ бу ёққа, ит эмган.

Ичкаридан жавоб бўлмади. Одамлар дарвозани тагин итара бошлади. Лекин шу он болохонада мингбошининг қалтироқ босган қораси кўринди. Унинг кўзлари пирпирар, чап мўйлови ҳадеб учар, қўлини қаерга қўйишини билмай дам туширар, дам кўтарар, бирор раҳмдил топилармикан дегувчи кишидай оломонга мўлтирар эди.

– Ана! Ана, болохонага чиқди!

– Тошбўрон қил ўғри бошини! Ур даюсни!



Болохонага тош ёғила бошлади. Мадумар панжара панасига яширинди. Қудрат ҳузур қилаётгандек одамлар орасида жилмайиб турар, болохонага эса тош бўрони ёғилар эди. Халқнинг ҳеч кўрилмаган бир даҳшат билан Мадумар қалъасига қилаётган ҳамласи Қудратни узоқ йиллар орзусига етказгандек қувонтирар, «Бундай халқ билан мингбошини эмас, подшони ағдариш мумкин», деб уйланарди. У оломонни оралаб олдинга ўтди. Тош бўрони Мадумар бошига эмас, ўз бошига ёғилаётгандек, Тешабой шошиб қолган эди. У ранги ўчиб Қудратга ялинди.

– Жон Қудрат ака, ўзингиз бир нима қилмасангиз булар мени ҳам еб ташлашади.

Қудрат ўзини жўрттага кучсизга солди.

– Менинг қўлимдан нима келади?! Ўзингиз кўриб турибсиз-ку?

– Жон ака, сизни халқ ҳурмат қилади. Бир нима денг, босиб қўйинг.

Қудратга иш хавфсизлиги учун худди шу нарса керак эди. У болохона тагидаги баланд айвонга чиқди, у қўлини хиёл кўтариб:

– Оғайнилар! Бир оз, бир зум тинчинглар! – деди нуфузли товуш билан. – Битта мингбошини ўлдириш билан муддао ҳосил бўлса жон кошки эди, ўрнига бошқаси келади. Тўғри, пичоқ суякка етди. Ишчи ҳам, камбағал деҳқон ҳам шундай оғир аҳволга тушдики, ортиқ чидаб бўлмай қолди. – Қудрат айвондан тушиб, тепага қаради – Мингбоши, туринг панжара орқасидан!

Мадумар секин калласини чиқарди, кейин кўрқиб-пусиб қаддини кўтарди. Кўзлари ваҳмдан олайиб, ранги бўзариб кетган эди. Қудрат кўзлари билан эмас, қўллари билан ёқасига ёпишгандай қилиб гапира кетди: – Жанжал яхшилик билан битсин десангиз, уруш солиғини бекор қилиш чо-

расини кўринг! Ҳа, шундай бўлсин. Йўқса, иш чатоқ бўлади. Сиз бу ғалаённи шунчаки пўписа деб ўйламанг! Қайси, қачон халқ шундай юрак билан келиб, сизни тошбўрон қилган? Айтинг, бўлганми шунақа аҳвол?!

Мадумар калласини ликиллашиб, нимжон товуш билан:

– Йўқ, – деди.

Қудрат сўзини давом қилди:

– Ҳеч ким Қорабулоқда бунақа ғалаён бўлганини кўрган эмас. Кўришни қўйинг, эшитган ҳам эмас. Хўш, бу бежиз бўлмаса керак? Албатта бежиз эмас. Жондан тўйган киши пичоқни қиндан суғуради. Халқ ёмон эзилиб кетди, додхоҳ! Жони мана бу ерга келди! – Қудрат ғазаб билан ўз бўғзини чангалади. – Энди халқни на турмангиз қўрқитади, на дорингиз! Тамом.

– Тамом! – чақмоқдан кейин гулдуреган момақалди роқдек, халқ гуриллаб такрорлади.

Қудрат халқ гулдуреси узиб қўйган сўзини яна давом эттирди:

– Мингбоши, халқ бу ерга сиздан шафқат талаб келгани йўқ, ҳақини, инсонларча яшаш ҳуқуқини талаб қилиб келди!

Майдон яна оломон гулдуресига тўлди.

– Тўғри! Қачонгача эзиламиз?!

– Битсин золимлар!

– Битсин қонимизни сўриб ётган зулуклар!!

Мадумар гарангсиб қолди. У бир нима демоқчи бўлиб қўлини силкитди-ю, дея олмади. Халқ тинмай гулдурар, қичқирар, ҳайқирарди. Оломон ичидан ҳамма шовқинни босиб бир йўғон овоз гуриллади:

– Уста Қудрат халқ кўнглидаги гапни айтди. Ҳа, иш яхшилиқча битсин, қон тўкилмасин десанг, уруш солиғидан бизни дархон қил! Халқ билан бетма-бет туриб айт: дархон қиласанми, йўқми?



Мадумар қалтис аҳволга тушиб қолди. «Дархон қилдим» деса, шунча солиқни ҳоким кечмаслигини, «йўқ» деса, ғазаби қайнаб турган халқ оломон қилиб ташлашини билар эди. Шунинг учун у ўтга ҳам ўзини ташламади, бу ўтга ҳам – икки ўт ўрта-сида сақланиб қолишга тиришиб:

– Хўп, хўп. Фақат битта илтимос: олдин ҳоким тўра олдидан ўтай, арзларингизни айтай, – деди.

Қудратнинг оловбардор овози янгради:

– Халқ сизга арз билан келгани йўқ, талаб билан келган.

Қудрат оғзидан учган бу сўз эмасу, ўқдай, Мадумар қадди бирдан букилди.

– Хўп, хўп, талабларингизни айтаман.

Ҳалиги овози йўғон одам ҳар бир сўзини худди дарахт илдизига урилаётган болта зарбидай қилиб таъкидлади:

– Бу ерга ҳақини талаб қилиб келган одамлардан биронтасини ҳокимга чақсанг ё қувфинга олсанг, ўзингни дорда, уйингни ўтда кўрасан! Буни дўқ деб тушунасанми, ё рост деб тушунасанми, ихтиёр ўзингда! Қани, кетдик, оғайнилар!

Халқ тарқалганда, Жуман писмиқнинг эзилган мурдаси депсалган қорга қоришиб ётар эди.

Йигирма иккинчи боб

Талоқ хати

Мингбоши қароргоҳи олдида халқ кўтарган ғалаён фожиасиз натижаланган бўлса ҳам, лекин даҳшати Тешабойнинг эсхонасини чиқариб юборди. Унинг назарида, дори бочкасига гугурт чақилгану, шу топда портламаса, бир зумдан кейин портлайди. Ана унда молу дунё тиқилиб ётган данғиллама саройидан, тийинлардан сўмлар чиқариб бераётган заводидан, шаҳарлардаги мол тўла магазин-



ларидан, яйловлардаги чорваларидан, бутун бору будидан фақат кул тепагина қолади. У кечалари уйқусини йўқотиб, ўйга толади. Мана бутун ҳам хунук ўйлар чангали ёқасида. «Тавба, – дейди у, тўлғаниб, – шунақаям ноҳақлик, зўравонлик бўладими?! Мен не-не машаққат билан биримни икки қилсаму, ялангоёқлар кўришолмаса-я! Йўқ, ноинсофгарчилик бу! Худо азиз қилган бандасини ҳамма вақт азиз қилиб ўтказди. Қани энди билишса буни анави Худо хор қилганлар! Ҳайронман, улар мени тинч қўйишмайдиганга ўхшашади. Заводимга ўт кетди, шаҳарга жўнатган пахталаримни йўлда кимдир ёндириб кетди... Кимлар ёндирди, нима учун ёндирди? Борди-ю, булар бошимга тушадиган катта кулфат бисмиллоси бўлди? Йўқ, йўқ, бу шайтон васвасаси! О, лаънати шайтон, ўзингга ҳам, васвассангга ҳам лаънат!»

Тешабой, юраги сезиб турган фулғулани ана шу тахлит шайтон васвасасига йўйиб, яна ўзининг азиз бандалигидан умидвор бўлар, лекин бу умидворлик ҳам вафо қилмай, уни ваҳм лаҳимига судрар эди. Ана шунда, қора ўйлар лаҳми ичида қора хат кўринади. «Э, Худо-я, бу сабил варақанинг оқибати нима бўлар экан, а? Менга юборилган ўлим ҳукми бўлса-я?! Йўқ, йўқ, Худо кўрсатмасин! Мени ўлдирадиган полвон ҳали туғилган эмас. Керак бўлса мен ўзим ўлдираман унақа полвонни!»

У қанча чиранмасин, юрагига қанча далда беришга уринмасин, яна ваҳм ваҳмлигини қилади. Оромини йўқотган бежо кўзларига бирдан Қудрат кўринади. У энди заводи куйганда жонбозлик қилган, завод ғамидан бошқа ғамни билмаган оғир, вазмин Қудрат бўлиб эмас, ғалаёнчилар бошида янги исёнга, янги турёнга отилган қасоскор бўлиб кўринади. Тешабойнинг юраги сиқилади. У ўзини дунёда ёлғиз, паноҳсиз ҳис эта бошлайди. Ўзини



уриб йиғлагиси келади. Йиғлаёлмайди, ўйлайди, бутун аламини ўйдан, ичини ейишдан олади. Чувалчангдай эзилиб, бошини кўтаролмай турган дамида ногоҳ Тўтиқиз ҳамла бошлайди. «Мени ёримдан ажратиб мурудингга етармидинг, золим! Мен учун қасос оладиганлар, тўкилган ёшим учун қонингни тўкадиганлар бор!» деб чанг солади у. Тешабой уйқусини топа олмаган кишидай ухламаса ҳам, ухлаётгандай кўзларини чирт юмиб олади. Лекин уйқу эмас яна ўй босади уни. «Йўқ, олмайман, оёғи ярашмади. Оғриб ўлган бошимга таёқ қилайми! Йўқ, керак эмас! Лаънати Фосиҳ бошимни айлантирди. Келсин, ўзинг ҳам қури, топган қизинг ҳам курсин, деб кетига тепаман! Оббо, энди бу нас босган Мамарайим бангининг юраги ёрилиб ўлганига куяйми! Тавба, ўқ қарс этса, жони паққос чиқибди қопти-я! Уҳ, лаънатининг ўрнига одам топиш ташвиши ҳам бор. Кимни топаман? Банги бўлса ҳам, итимдай вафоли эди...»

Тешабойнинг кўзлари фақат тонг олдидагина илинди. Аммо кўп кечалар каби, бу кеча ҳам унга уйқу насиб бўлмади. Ҳарамхона аста тиқиллади. Тешабойни уйқу элитган бўлса ҳам, ваҳм тарк этмаган эди. Эшик оёқ билан тепилгандай туюлиб, даст ўрнидан туриб кетди. Апил-тапил деразага қаради. Оғир, бахмал парда тушириғлик эди. Назарида, биров деразани синдириб кирмоқчидай бўлдимиди, дарров парда четини қайириб қаради, ташқаридан қуёш нури кўзига урилди. Демак, аллақачон тонг отган.

Тешабойдан дарак бўлавермагандан кейин эшик яна тиқиллади. Кейин таниш овоз эшитилди.

– Очинг, бойбува.

– Э, наҳс, сенмисан, мундоғ йўталиб ҳам қўймайсан-а! – деди бой ўзига зўрға келиб.

– Ҳа, менман кичигингиз...



Ҳожи хола ўн беш яшар қиз товуши билан ишва қилди. Тешабой уни сўкиб ташлади. Кейин ночор эшикни очиб ўқрайди:

– Ҳа?!

Ҳожи хола янги гап топиб келган эди – уни ҳарамхонага тортди...

Орадан кунларни қувиб ҳафталар ўтди. Бу ҳафталар ҳам Тўтиқиз масаласида уни бирон қарорга келтиролмади. Уни гоҳ оладиган бўлади, гоҳ яна айниди. Илгари, Тўтиқизнинг боши очиқ маҳалда, бу масалани ҳал қилиш Тешабойдай қудратли куч учун офизнинг елидай гап эди. Пул зўри, ном зўри билан ҳар қандай қизни ёшига ё қошига қарамай никоҳига ола биларди. Тўтиқизга аввал худди шу муомалани қилди. Кейин эса йўлида у ҳатлаб ўтолмайдиган каттакон жар пайдо бўлди. Тўтиқиз Дилшод никоҳида эди. Шунинг учун олдин уни Дилшоддан ажратиши, ана шундан кейингина муродга етиш мумкин. Аммо қандай қилиб ажратади? Ҳамма гап шунда. Ҳамма гап-ку шунда, лекин Тешабой бунинг қайғусини емайди. Пинжида Ҳожи хола билан Фосиҳ афанди сингари илон ёғини ялаган маккорлар бўлган ҳар қандай киши ҳар қандай мушқулига йўл топа олади. Ана шунинг учун бўлса керак, Тешабой Тўтиқиздан воз кечиш қарорида собит турмади, Фосиҳ афанди келганда уни кетига тепиб чиқармади, аксинча, учаласи офиз-бурун ўпишиб, яна ҳаракатга тушишди. Бир ёқда Ҳожи хола, иккинчи ёқда Фосиҳ афанди, юмронқозиқ сингари, ер остида ғивирлаб қолишди. Буни улар икки мажруҳ қалб қўлини ўрганишдан бошлашди. Ҳожи хола бу ёқда Тўтиқизга, сирли қўл у ёқда Дилшодга хат ёздириб, қўларини ўрганишди. Ана шу ясама қўл билан ёзилган Тўтиқиз номаси Дилшодни тор, нимқоронғи камерада қон қақшатиб қўйган кезде, Ҳожи хола Тўтиқиз қалбига ништар кўтариб келди.



Тўтиқиз бундан беҳабар эди. У Ҳожи холани, худди онасини кутиб олгандай, қувониб кутиб олди.

Ризвон кампир билан Ашурмирзо ҳам шу ерда, сандалда ўтиришган эди. Ҳожи хола паранжисини ташлаб, дарров Тўтиқизни бағрига босди.

– Сенга куёвингдан хат олиб келдим, – деди у, суюнчилаб. – Ҳаҳ, қаерда қолибди? Чўнтагимга солувдим шекилли. Ҳа, мана бу ёқда экан.

У дока рўмолининг учига тутиб қўйилган хатни олиб берди. Тўтиқиз юраги потирлаб, кўзлари қувончдан ёнди. У интизоридан келган мактубни севинчдан ёшинқаган кўзларига келтириб суртмоқчи бўлди, лекин отасидан ибo қилди. Отасига орқасини қилиб, тахлоғлиқ хатни оча бошлади. У шошар, юраги дукиллар, севгилисидан келган дилномани ўқишга орзиқар эди. Лекин қалбидаги ҳаяжон дуқури биринчи сатрдаёқ маромини йўқотди. Қўлларидан бошланган қақшатғич қалтироқ бир зум ичида бутун вужудини қамраб олди. Бирдан тиззалари букилиб чўккалаб қолди. Қўлидан хат тушди, юзини чангалаб фарёд урди.

Ашурмирзо ўтирган еридан сакраб турди. Ризвон кампир чолиб келиб Тўтиқизни елкасидан ушлади.

– Нимага йиғлайсан, қизим? Нима бўлди, айнанай? Ё хатда ёмон нарсa ёзилибдими?

Ашурмирзо ердаги хатни олиб, баланд овоз билан ўқиди?

«Тўти! Сени деб бахтсиз бўлдим. Ўзинг ҳам қури, юзинг ҳам қурисин! Сен касофат менга илашмасанг, мен турмага тушмас эдим. Бечора ота-онам ҳам орқамдан сарғайиб, саргардон бўлишмасди. Адашган эканман. Начора, хатомни энди англадим. Аҳмоқ бўлмасам, сени Тешабойдай олижаноб бир кишидан ажратиб оламан, деб шу савдоларга тушармидим! Минг аттанг. Бас энди, сендақа хо-



тиним йўқ, уч талоқ қўйдим! Лаънатлар бўлсин сендақа аблаҳга! Менга хат ёзма, мени тилга ҳам олма! Талоқ хатингни эрта-индин юбораман. Дидшод».

Ашурмирзо, хатни ўқиб бўлиб, аламига чидолмаган киши товуши билан қичқирди:

– Бу қандай расвогарчилик! Бу қандай нонтепкилик! Қизим бечора у бағритошга бу ерда кўз тикиб, сарғайиб ўтирса-ю, тариқча раҳм қилмай, шундай ярамас хат ёзса-я! Йўқ, мен уни соғ қўймайман! Қизим шўрликнинг ҳар томчи ёши учун қасос оламан! Турмадаман, менга ҳеч ким теголмайди, деб ҳовлиқаётгандир! Йўқ, турма тугул, зиндонда бўлсанг ҳам кириб ўлдираман!

Тўтиқиз кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, отасига ялинди:

– Йўқ, дадажон, Дилшод акамга тегманг, Худо хайрингизни берсин! Зинҳор тегманг, жон дада! Иложим қанча, майли.

Ҳожи хола Тўтиқиз оғзидан сўзини илиб кетди:

– Йўқ, йўқ. Ашуржон, шошилманг. Уни ўлдирганингиз билан, барибир, аламдан чиқмайсиз. Қизингизга шундай вафосизлик қилибдими, ўлдирманг, куйдилинг. Яхши жойдан чиқса, қизингизни беринг-у, номардни бир куйдилинг. Вой хотин киясига учрагур бетамиз-эй! Шунақаям хат ёзадими-я! Бунақалигини билсам, хатини башарасига отиб урмасмидим! Қўй, қизим, хафа бўлма, дунёда эр қуриб кетгани йўқ.

– Йўқ, йўқ, унақа деманг, холажон, у вафосизлик қилган бўлса, мен...

Тўтиқиз йиғлаб юборди. Ҳожи хола уни ўзига тортиб қучоқлади.

– Йиғлама, қизим, йиғлама. Эр бўлмай ўла қолсин ўша! Бошингга қора кун тушганда кўнглингни кўтаришни, жонингга жондош бўлишни ўйламай, ўзининг сабил жонини ўйлаган эрдан яхшилик



келмайди. Хоҳласанг, сенга шундай куёв топиб берайки, умринг роҳатда ўтсин.

Тўтиқиз бошини тиззалари орасига яшириб, узоқ йиғлади. Кўзларида ёш, юрагида қон бўлса ҳам, яна Дилшодини аяр, Дилшодини ўйлар эди. Миясига не қадар ўй келмасин, ҳаммаси Дилшодини оқлар, Дилшодини оқарди. Наҳотки, ёш кезларида туғилиб ёш юракларида вояга етган, томир-томирларига сингиб кетган муҳаббат, тоза дур, вафо ўтгинчи бир ҳавас эди? Ҳазрат Навоий дostonларини ўқишганда, гоҳ Лайли билан Мажнун, гоҳ Ширин билан Фарҳод ўтида ёнганлари, иложи бўлса улар қанотида туриб васл курашини орзу қилганлари қаерга кетди? Наҳотки ҳаммаси туш эди? Йўқ, йўқ, Тўтиқиз Дилшодини билади – бошига қилич келганда ҳам бундай хат ёзмайди. Қани энди Дилшодини ҳозир кўриш, ўз оғзидан шу жон қасди сўзларни эшитиш мумкин бўлса! Йўқ, у бундай сўзларни ёзмайди. Буларнинг ҳаммаси ёлгон, алдов! Тўтиқиз бунга ишонмайди, шунинг учун ишонмайдик, у Дилшод севгисини билади.

Тўтиқиз бирдан бошини кўтариб қичқирди.

– Ёлгон! Бу хат уники эмас! Бундақа хат ёзишга қўли бормайди!

Хат Ашурмирзонинг қўлида эди, у хатни қизига узатди.

– Қара-чи, шу қўл Дилшодникими ё бошқаникими?

Тўтиқиз хатни отасининг қўлидан юлиб олди. Қоғозни очиб, ўша даҳшатли сатрлар устида яна кўз югуртирди. Дам сайин бўшашиб, ҳоли қуриб борди. У Дилшоднинг қўлини яхши билар, ҳатто риқъага яқин бир усулда ёзгани учун ҳаваси келарди. Ҳа, Тўтиқиз севган, ҳавасланган дилбар қўл!

– Қўл ўшаникими? – деб сўради Ашурмирзо, ни-мадандир ваҳм еган бир товуш билан.



Тўтиқиз жавоб ўрнига юзини яна тиззалари орасига яширди.

Ҳожи хола вайсаб берди.

– Э, уники бўлмай меникими? Шундай хунук хат ёзиб, бу бечорани қон-қон йиғлатиш кимга зарур кепти?

– Ўзи ёзган у бетамиз! Қизингиз таниб турибди-ку, бўлмаса айтмасмиди! Вой юрагинг тошдан бўлмай ўл-ей! Одам-подам эмас экан-а!

Тўтиқиз яна бошини тиззаларидан айирди. Кўзларидида Мажнун телбалиги бор эди. Дарди, мунгли товуш билан илтижо қилди:

– Жон хола, Дилшод акамни қарғаманг! Унда айб йўқ, юрагим сезиб турибди. Бугун уйга бориб, рост-ёлғонлигини ўзим билиб келаман.

Ҳожи холанинг ўтакаси ёрилди.

– Ҳай-ҳай, жинни бўлдингми, қизим! Бир номардни деб, жонингни жабборга берасанми? Ҳали гузардан ўтиб келаётсам, бир миршаб йўлимни тўсиб, сени сўради. «Қаттиқ буйруқ бор, ерда бўлса ҳам, кўкда бўлса ҳам тутиб, дарров қамашимиз керак», деди. Худо кўрсатмасин, яна тутиб олиб турмага тикишмасин, айланай қизим! Йўқ, эсингни ема. Нима бўлса бўлар, ялло қилиб юравер. Қўл-мўлга тушиб қолсанг, бувингга жабр бўлишини ўйлайсанми? Ҳай-ҳай-ҳай, асти хаёлингга унақа бемаъни нарсаларни келтирма, жон болам. Хатни менга бер. Турмага бир амалини қилиб кирай, «Шу хатни сен ёздингми?» деб сўрай, қани, нима деяр экан? «Ҳа» деса, бетига туфлайман. Вой ордона қолгур-ей!

Ҳожи хола вазифасини жуда усталик билан бажариб, хатни олиб кетди. Тўтиқиз янги дард, янги алам билаи қолди.

Темирни занг, тошни сув, одамни ғам еярмиш. Тўтиқиз бир неча кун ичида чўпдай озиб, гулдай хусни тўзғиди. Оғзига овқат олса олиб, олмаса



ғам ютиб ўтирди. Кунлари қорайгандан қорайиб борди. Яйловда ҳур, осуда юрган кезларидан бери юрагида йилт этган ёруғ бўлмади. У ўргимчак тўрига илинганидан беҳабар, Дилшодидан талоқ хати кутар, уни худди Азроилни кутгандай ваҳм, ҳасрат ичида кутарди...

Кеча Дилшод камерасида тинтув ўтказилди. Уст-бошларини батамом ечиришди. Худди ажал бомбасини яшириб олгандек, қўлтиқларини, яна бошқа жойларини ҳаёсизлик билан қарашди. Ки-йимларини, ул-булларини – ҳамма нарсани уқалаб, эзғилаб текширишди. Ҳатто эҳтиёж челагининг ичини ҳам ёғоч билан кавлаб боқишди. Тўтиқиз номидан келган мудҳиш хат Дилшоднинг ён чўнтагида эди. Уни олиб, чўнтагидан хат топилгани тўғрисида дарров битта акт тузишди. Дилшод эътироз билдирмади – қўл қўйиб берди. Тинтувдан уч кун сўнг эса фожианинг муддао пардаси ўйналди.

Дилшод жандарм бошлиғининг кабинетига қўллари орқада ҳайдалиб кирди. Кирди-ю, Қорабулоқ қозиси Асад қорини, яна икки нафар нотаниш оқсоқолни кўриб, юраги шиғ этиб кетди. Булар нима мақсад билан ўтиришганини у дарҳол тушунди.

Жандарм бошлиғи уни бурчакдаги қора стулга ўтқазиб, столдан иккита қороз олди.

– Ҳозир қўлимизда иккита ҳужжат бор. Бирини – сен ўзингга ўрдинча никоҳ қилиб олган Тўти Ашурмирзо қизининг сенга ёзган хати. Бу камеранг тинтилган маҳалда ёнингдан топилди. Топилгани тўғрисида акт ҳам бор. Ўзинг қўл қўйгансан, тўғрими?

Дилшод эзилиб, ёниб ўтирган бўлса ҳам, тетик товуш билан:

– Тўғри, яъни ёнимдан шундай хат топилгани тўғри, – деди.

Жандарм бошлиғи унга ер остидан бир қараб қўйди.



– Иккинчиси, сенинг хатинг, Тўти Ашурмирзо қизига ёзгансан. Бунисига ҳам иқрормисан?

Бу қалтис савол эди. Буни ҳам тасдиқласа, у ҳолда бу хатни ким орқали юборганини айтишга мажбур қилишлари турган гап эди. Дилшод ўйланиб қолди. Агар шундай талаб билан қистовга олишса, барибир, Дилшод жавоб беролмасди, чунки Тўтиқизнинг биринчи хатини ҳам, иккинчи хатини ҳам ким келтирганини билмасди. Шунинг учун:

– Бундай хатдан хабарим йўқ, мумкин бўлса, ўқиб эшиттирсангиз, – деди.

Араб ҳарфлари билан ёзилган хатга жандарм бошлиғининг тиши ўтмас эди. Ўқишни Дилшоднинг ўзига ҳавола қилди.

Дилшод ўрнидан туриб, столга яқин келди. Жандарм бошлиғи хатни, худди Дилшод тортиб оладигандек, қўлида ушлаб турди. Дилшод хатни ўқиган кўзларига ишонмай хитоб қилди:

– Йўқ! Мен бундай хатни ёзган эмасман! Ёлғон! Ясама хат бу!

– Жойингга ўтир!

Дилшоднинг кўзлари тинди, боши айланди, гандираклаб бориб жойига ўтирди. Лекин ўзини босолмади. Бу иккала хатнинг ҳам сохталиги мазмуни бир-бирига ўхшаганидан ошкор эди. Юраги потирлаб, ичида ғалаён кўтарилди.

– Мен Тўтим номидан келган хатни ўзи ёзганига гумонда эдим. Энди гумоним қолмади. Иккала хат икки қатра сувдай бир-бирига ўхшайди. Ёлғон, иккаласи ҳам қалбаки!

– Қичқирма, тирранча! – деди Асад қори, юпқа лабларини тиржайтириб. – Аввалан битиб, сониян тонмоқлик – аз жумла фириб! Қара: ўз қўлинг билан битибсану талоқ қўйдим деб. Нечун энди гувоҳ-собит одинда сўзингдан тонурсан? Номардлик бу! Ҳа, номардлик!



Дилшод ичидан мудҳиш ҳайқириқ ўпирилади.

– Бекор! Ҳаммаси ёлғон! Мен Тўтимга унақа ёзган эмасман! Менинг қўядиган хотиним йўқ!

Асад қори бундай масалаларда пих чиқарган туллак эди. Дилшоднинг нафрат тўла ҳайқириғидан ҳайиқмади. Ҳайқириқдан қўрқиб у ёқда турсин, бутун бу можаролар фириб эканини, иккала хат ҳам қалбаки эканини била туриб риёкорлик қиларди. Дилшод дард деса, бало деди. Ҳатто бир вақтлар Қорабулоқ қозиси Фиёс калла мадрасада Фуломжонга қилган дағдағасини такрорлашдан ҳам жирканмади.

– Саҳобалардан бири Пайғамбаримиз Муҳаммаддан «Умнатларингиз оросинда ёлғончилар бўлмоғи мумкинму?» деб сўраганида, Саллалоҳу алайҳи васаллам «Азказзоби ло уммати!» деганлар. Яъни ёлғончи умматим эмас, деб алардин юз ўтирганлар. Сен ҳам айни шарру бад такроринда бўлиб, иймонингдин айрилмоқни ихтиёр қилибсан. Тавба қил, иблис ўғли, тавба қил!

– Тавбани сиз қилинг, қози домла! Адолат юзига оёқ босиб, риё этагида намоз ўқиётганлар тавба қилсин! Саллангизни олиб ташланг, тақсир! Пайғамбарни шафе келтириб, Худо номи билан шайтон ишини қилаётган сизу ва сизга ўхшаганларга хайф салла!

Асад қорининг қуришиқ лаблари титради. Кўзларида хунук ўт чақнади. Бузуқлигини бетига солганингда жириллаган ғар сингари, жириллаб ўрnidан турди.

Жандарм бошлиғи қўл имоси билан уни яна жойига ўтқазди.

– Оғир бўлинг, қози. Бўйнига олмаса, бўйнига олдирадиган дармон бор бизда. Ҳа, заҳарни заҳар кесади, дейдилар. Хо-хо-хо!..

Қози бўзариб-гезариб турса ҳам, яна жандарм бошлиғига қўшилиб кулишдан қолмади. Аммо кул-



гиси хунук қўл билан юзига суртилган хунук ранг-дек чиқди. Бир-икки хоходан кейин кепатаси яна калтакесак тусига кирди. Дилшодга хўмрайиб, яна ўрнидан турмоқчи бўлган эди, ёнидаги оқсоқоллардан бири ушлаб қолди.

– Тезлик қилмасинлар, тақсир. Бунақа суҳанбозлик билан иш битмайди. Муддаога ўтганлари маъқул. Ҳа, боракалла, шундай қилсинлар.

Асад қорининг Дилшод сўзларидан кейин ётиб қолган пати сал кўтарилди. Аммо юрагидаги дукур кетмади. У Дилшоднинг осонаикча жон бермаслигини, муддаосига етмай қайтса, бутун иш барбод бўлишини ўйлаб юраги дукилар эди. У ўзини йўқотиб, гап тополмай қолди.

– Гапирсинлар, тақсир, – деди иккинчи оқсоқол, ўртадаги жимлик чўзилиб кетганидан таъби хира бўлиб.

Асад қори заҳил юзини тиржайтирди:

– Боназари ман, гап тамом шуд.

У Дилшод тожикча тушунмайди деб ўйлаган эди.

Лекин Дилшод кинояли қилиб:

– Менинг назаримда ҳам, гап тамом, – деди.

Асад қори буни бошқа маънога йўйди.

– Яъни масалан, хотинингни талоқ қилдинг, шундайми?

Дилшод сакраб тушди.

– Йўқ! Ҳеч қачон!!

Асад қори мазах қилиб ҳиринглади.

– Мана, хатингда Тўтини уч талоқ қилдим дегансан. Гапингдан тонасанми?

Дилшод тузоққа илина бошлаганини сезмай бўғилиб қичқирди:

– Мен Тўтимни уч талоқ қўйдим, де...

– Тўхта!

Дилшод ярим сўзда эсанкираб тўхтади. Нима учун «тўхта» деганини англамай, Асад қорига анграйиб қаради.



Асад қори ёнидаги оқсоқоллардан тиржайиб сўради:

– «Мен Тўтимни уч талоқ қўйдим...» деганини эшитдинглар-а?

– Алҳамдулилло, кар эмасмиз. Эшитдик, тақсир. Дилшод тузоққа илинганини энди англади. Лекин нечоғлик норози бўлмасин, сўзининг охирини айгирмай бўлиб қўйганини нечоғлик даъво қилмасин, бўлмади. Қози талоққа фатво бериб, оқсоқоллар билан чиқиб кетди.

Йигирма учинчи боб **Кашмир моллари мағозаси**

Ашурмирзо бундан бир ой илгари Истанбулдан қайтган кунининг эртасигаёқ шаҳар бозорига тушган эди. Савдо-сотик билан суяги қотгани учун бозорни қўмсаганмиди ё бирон тирикчилик эҳтиёжи туширдими – бу ўз танасида бир сир бўлиб келди. Бозорнинг ободлигини, одамларнинг гавжумлигига ҳуши кетиб, у анча айланди. У Болта кўпас билан ҳажга жўнагандан бери шинам тим қурилибди, анвойи моллар тиқилиб ётган атторлик, баззозлик, вофурушлик дўконлари пайдо бўлибди. Ҳамма ёқда шовқин: ким молини мақтайди, ким пўш-пўшлаб арава ҳайдайди. Бу шовқин, бу гавжумлик Ашурмирзо вужудини бозор гала-говурида қолдириб, хаёлини узоқ Истанбулга олиб кетди. У бир дам ўзини одамлар қайнашган Истанбулда, худди шу ердагига ўхшаган Қопали чоршида ҳис этди. Ҳа, Ашурмирзонинг дўкони Истанбулнинг ўша серҳашам тимиди, инглиз миллионер мистер Уайт магазини ёнида эди. Ашурмирзо дўконини ўйлаб, ширин тушдан уйғониб кетган кишидай, ичини еб хўрсинди. Лекин бу хўрсиниш уни алағда қилмади. Юрагида бошқа ўй ўти ёнди.



«Ўтган умр ўтди, энди майда ҳаёт билан, майда дўкон, майда ҳаён билан кун кўриш тамом!» деб ўйлади, шу ўйлар билан дўкондан дўконга кўз югуртириб борди. У ниманидир, кимнидир изларди. Елкасига хуржун, орқасига қоп ортган эски чопон қишлоқиларга туртина-суртина катта бир дўкон олдига келиб тўхтади. Ҳинд меъморчилигининг мўъжаз бир намунаси шаклида солиниб, пештоқига «Кашмир моллари мағозаси» деб ёзилган дўконга кўзлари тушди-ю, лабларининг таноби бўшаб кетди. У худди тегирмондан чиққан кишидай устини қоқди, силлиқ қилиб ўралган ихчам симоби салласини бошидан олиб пуфлади. Кейин уни жойига яхшилаб қўндирди-да, етти поғонали зинапоядан сипо одимлар билан юқорига чиқди. Магазин эшиклари ланг очиқ эди. Уни мулозим кашмирча салом билан кутиб олди:

– Хуш келибдилар, сафо келибдилар! Марҳамат, юрсинлар, азиз меҳмон!..

Ашурмирзо мулозим рафоқатида магазин ичкарисига кириб борди. Энди уни пештахта орқасида бошқа бир ҳинд йигити кутиб олди.

– Хуш келибдилар, сафо келибдилар! Нима истайдилар? Банорас, кимхоб, товар, кашмирий, зарбоф ҳинд порчаси...

У олдига тахловлиқ газмолларни бирин-кетин ёйиб кўрсатди. Ашурмирзо, қайси бирини танлашни билмаган кишидай, бу қимматбаҳо молларни гоҳ силаб, гоҳ ағдариб кўрди. Ҳинди уни қимматсираятти, деб ўйлаб дарров нархидан гап очди:

– Нархи жуда арзон, жанобларига яна ҳам арзон қилиб берамиз. Қайсинисидан ўлчай?

Ашурмирзо газмолдан қўлини тортди.

– Йўқ, менга ҳарира керак эди.

Ҳинди қўлидаги газни пештахтага қўйди.

– Ҳарира...



Ашурмирзо, унинг ҳайронлигини кўриб, дарров такрорлади:

– Ҳарира, ҳа, пушти ҳарира.

Ҳинди энди елкаларини қисди. Демак...

– Демак, сиз мағоза соҳиби жаноб Кришнан эмасмисиз?

Ҳинди жуда ёқимли жилмайди.

– Соҳиб ҳозир Кашмирдалар. Бирор ойлардан кейин келиб қолсалар ажаб эмас. Хизмат?

Ашурмирзо «йўқ, ўзим» деди-ю, гапни қисқа қилиб магазиндан чиқиб кетди.

Орадан ой ўтди. Бу ойдан Ашурмирзо бошига кўп кулфатлар етди. Қизи туфайли Тешабойдан шапати еди, гаврон зарбидан чувалчангдай тўлғанди, эшакка тескари миндириб жазойи қилинди. Бу хўрлик, бу тубанликларга қарши туришдан, ўзини ҳимоя қилишдан ожиз эди. Тешабой уни яланғоч қилиб гаврон урдирганда, шафқатсиз бойни ўзи яланғочлаб гавронлатгиси, ҳаёсиз юзига ўзи шапати тортгиси келди. Аммо бу хоҳишдан, бу интилишдан ортиғига ожизлик қилди. Шунинг учун ожизлик қилдики, йиқилса тўрғизиб қўядиган, дардига дармон бўладиган ҳеч кими йўқ эди. Бир ой бир умр каби узоқ туюлди.

Ойни ўтказиб, у яна «Кашмир моллари мағозасига югурди. Нимага югурар, нимага бетоқат бўлар – бунинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмас эди. Шу тахлит бири-бирини қувиб ойлар ўтди, бу ойлар ҳам зулмат чўккан юртга йилт этган нур бермай кетди. Ниҳоят, куз ўтиб, қиш кирди. Ҳа, қиш кирди. Ана шу қиш кунларининг бирида Ашурмирзо илиги қуриб, совуқда қалтираб магазинга кирди-ю, пештахта орқасида турган басовлат одамни кўриб, ҳушидан кетиб қолаёзди. Баланд довондан ошиб ўтиб ҳоли қуриган кишидай, эшик ёндорига суяниб қолди. Магазинда одам кўп эди, бахтига ҳеч ким аҳволни пайқамади. У бир неча зум беҳол



тургандан кейин аста-аста юриб пештахта ёнига борди. Ҳиндидан кўра кўпроқ инглизга ўхшаган, ёши эликлардан ошган бояги басовлат киши уни худди эски танишидек кутиб олди.

– Марҳамат! Нима истайдилар? Банорас, ким-хоб, товар, кашмирий, зарбоф, ҳинди порчаси, инглиз трикоси...

– Менга ҳарира керак эди, – деди Ашурмирзо, томоғига сув тиқилиб қолган кишидай бежо ютиниб.

Соҳиб жилмайиш барқ уриб ўтган зағча кўзларини Ашурмирзонинг телба кўзларига бигиз қилиб санчди.

– Қанақасидан?

– Пуштисидан! – деди Ашурмирзо, ичида портлаган шодлик ҳаяжонини яширишдан ожиз қолиб.

– Намунаси борми?

– Бор, бор. Ҳозир кўрсатаман.

Ашурмирзо кўкрак чўнтагидан қўйин дафтарчасини олиб, унинг варақлари орасидан кичкина пушти лахтак чиқарди.

– Мана.

Соҳиб кўзларида боя барқ уриб ўтган жилмайиш энди чўққа айланди. Магазин ходимлари харидорлар билан банд бўлишса ҳам, худди ўзига биров қараб ё гапига қулоқ солиб тургандек, теварагига тез кўз югуртириб чиқди, кейин баланд овоз билан:

– Э, бунақасидан денг! О, найн-Сукх! Ажойиб ҳарира! Ҳа, бор, бор. Аввал йўқ эди, шу сафаримда олиб келдим. Бу мол Ҳиндистоннинг ўзида ҳам жуда камёб.

Ҳиндистон магазинларида кўринди дегунча, сизнинг адашларингиз таъбири билан айтсак, оёғини ерга тегизмай олиб кетишади. Биз ҳам фақат сизга ўхшаган мўътабар зотлар эҳтиёжи учун сақдаймиз. Қани, ичкарига кирайлик. Мол ичкарида.

Соҳиб пештахта оркасидан айланиб ўтиб, Ашурмирзони ичкарига, конторага бошлаб кириб кетди.



Йигирма тўртинчи боб Қор элаб турган кечада

Қор неча кундан бери тинмай ташлайди. Шаҳар кўчаларида улов тугул, одам ҳам кўринмайди. Ердаги қорлар томларга, томдагилари кўкларга туташган. Ҳамма ёқ оппоқ, кундуз билан кечанинг қарийб фарқи йўқ. Бундай кунларда одамлар сандалдан, от-улов офилдан чиқмайди. Қорабулоқ ҳам қор қаърида.

Ана шундай мудҳиш, қаҳратон қиш оқшомларининг бирида Тешабой саройига бир қора извош белидан қорга ботиб кириб келди. Извошчининг бошида қулоқларини ичига олиб бостириб кийилган каттакон телпак, эгнида эскимми, янгилиги номаълум кенг, иссиқ чакмон, булар устида оппоқ қор. У пайдар-пай куралиб турган қорлардан ташқари, ўртасида ҳосил бўлган каттакой оқ тепа ёнига извошини келтириб тўхтатди.

Меҳмон извошдан тушди-ю, қарол саломига ҳам алик бермай, тўғри меҳмонхона томон йўл олди. Бўралаб ураётган қор олди очиқ айвонни тўлдириб, даҳлиз эшигини бир газча тўсиб қўйган эди. Меҳмон апил-тапил ичкари кириб, устидаги қорларни, бошидаги суқсур телпакни қоқди. Нафасини ўнглаб олиш учунми ё Тешабой қайси хонада эканини билиш учунми, у даҳлизда бир неча зум турди. Овоз ҳарамхонадан келди. У эшикни зарб билан очиб, ичкари кирди. Қирқинчи фонуснинг ёрқин нури гулдай очиб юборган иссиқ ҳарамхона тўридаги каттакон сандал атрофида бир неча аъён гурунглашиб ўтирар эди. Фосих афанди кирувчини таниди-ю, кўриб турган кўзларига ишонмаган киши ҳайрати билан қичқирди:

– Ия, ия! Ашурмирзо?! Э, шаҳарга ҳоким бўлдингизми? Сарпо муборак? О, пиёзи чакмон, суқсур телпак, янги мумсиқ!..



Фосих афанди масхараомуз мақтай-мақтай кучоқ очиб келди. Ашурмирзо бош ишораси билан меҳмонларга салом бергандан сўнг савлатига жуда ҳам ярашиб тушган вазмин, кибор адо билан чакмонини еча бошлади. Фосих афанди қадалиб келиб:

– Келинг, янги ҳоким, бир кўришиб юборайлик, – деди.

Ашурмирзо чакмонини ечиб, уни ҳамон кучоқ очиб турган Фосих афандига ташлади.

– Илиб қўйинг!

Фосих афанди ҳанг-манг бўлиб қолди. Тешабой пиқирлаб кулиб юборди. Меҳмонлар ҳам бир-бирларига ер остидан қараб олишди.

Фосих афанди ерга кириб кетгандан баттар бўлди. У чакмонни қозикқа илишни ҳам, беандиша эгасига қайтариб беришни ҳам билмай гарангсиб турарди.

– Ҳа, илиб қўйинг, ана қозик! – деди Ашурмирзо. Кейин ҳеч қандай таклифни кутмай, амиркон маҳсисини мулойим гижиллатиб тўрга юрди. Келишган қоматига маҳкам ёпишиб олган хушбичим бешбел тўнини ҳаммага кўз-кўз қилаётгандек, савлат тўкиб борар эди.

Фосих афанди нест-аласт ҳолатда чакмонни қозикқа илди. Ашурмирзога ҳам нафрат, ҳам ҳайрат билан тикилиб қолди. Кечаги бу мискин, тушкин бошга қаердан бахт қуши келиб қўнганига ҳайрон бўларди у.

Ашурмирзо тўрда бўшатишган жойга келиб тўхтади, инглиз трикосидан тикилган янги тўнининг этақларини икки томонга қайириб сандалга ўтирди. Шунда, этақларини қайирганда жуда қимматбаҳо кўк чийбахмалдан тикилган чолвор-шими чироқ нурида шундай ловилаб кетдики, Фосих афандининг кўзлари ҳасаддан пешонасига битиб қолаёзди. Ашурмирзо ўтирар-ўтирмас, у яна сайрашга турди:



– Мирзом, жабдуқлар тилладан, оқ подшоҳнинг хазинасини ўғирладингизми? Э, тавба, тавба!

Фосих афанди ёқасини ушлаб, калласини ликиллади, Ашурмирзо заҳарли қилиб илжайди.

– Мана шу-да: «Бой кийса қуллуқ бўлсину, камбағал кийса қаердан олдинг?» – деди у, нафси офриганини билдирмасликка тиришиб.

Фосих афанди буни сезмадими ё сезса ҳам Ашурмирзонинг бояги ҳақорати учун қасос олмақчи бўлдими, бирдан ҳоҳлаб кулиб юборди.

– Авомликни қаранг, эшакка тилла жабдуқ урса, от бўлмас, деганларига ишониб юрибман-а! Мана, бинойидек от бўпсиз-қопсиз! Хо-хо-хо!..

Ашурмирзонинг силлиқ тарашланган мушк мўйловлари, худди элик суртилгандек, совуқда қизариб кетган юпқа лаблари бесаранжом учди. Совуқдан кейин иссиқда қизил югурган юзи бирдан бўзарди.

– Бачкана бўлманг, мулла Фосих! Шамола ташқарида десам, миянгизда айланиб қопти! Оғиз хандақ бўлса, унга ҳам қопқоқ лозим! Ҳа, қопқоқ лозим!

Фосих афанди отолмаган сопқони зарбидан чурқ этолмай қолди. Боши ерга эгилиб, дами ичига тушиб кетди. Ашурмирзо ҳали алаמידан чиқмаган эди. У янги зарб билан Фосих афандини тамом қилмоқчи бўлди.

– Бой, – деди у, Тешабойга тик қараб, – манави малайингизга, мулла Фосихга буюрсангиз, чиқиб, извошимни иссиқроқ ерга жойласин, ош-сувидан хабар олсин, отларга ем-хашак солдирсин. Мен бугун шу ерда қоламан.

Фосих афанди юраги ёрилиб ўлмади-ю, юраги ёрилиб ўлгандан баттар бўлди. Тешабой улфатлари орасида, ўзига ўхшаш зиёлилар орасида ўзини миллат раҳнамоси деб гердайиб юрса-ю, энди уни бир бойнинг, балки бойларнинг малайи деб аташ-



са, эвоҳ, бунга қандай чидаб бўлади! Нима қилсин? Нима десин? Оёқ ости қилинган номусини сақлаш учун у билан ёқалашсинми? Ё уни тилла жабдуқли эшакдан олиб эшакка солсинми?

Фосих афанди, кўз ўнги қорайиб, ўрнидан сапчиб туриб кетди. Унинг авзойини кўриб, Тешабой ҳам турди. У ҳам ҳозир Фосих афандидан кам газабда эмас эди. «Гаврон урдирганимда ерларда юмалаб шафқат тилаган чувалчанг Ашур шуми? Шу бўлса, бу кибру ҳавони қаердан олди? Ё менга қайнаталик қиялтимми?» Тешабой ўйининг тагига етолмай бўғилар эди. У Фосих афандини тирсагидан ушлаб даҳлизга тортди.

– Юринг, бирга чиқамиз.

Улар ҳарамхона эшигини маҳкам ёпиб, рўпарадаги меҳмонхонага киришди. У ер худди музхона сингари совуқ эди. Фосих афанди вужудини алам ўти ёндириб тургани учун совуқни сезмас, Тешабойга навбат бермай валдирашини қўймас эди.

– Астафтурулло! Бу қандай гумроҳлик, афандим?! – деяр эди у, Тешабойга мўлтираб. – Нима бўлди-а? Кечагина оёғингиз остида тўлғаниб юрган чувалчанг бутун сизни ҳам назарига илмаса! Астафтурулло! Қўполдан қўпол қилиб: «Бой, фалон қилинг!» деди-я! Демади, буюурди-я! Мен ўз қадримга йиғламайман, сиз афандимнинг қадрингизга йиғлайман. Қул эгасини танимаса-я! Ё Оллоҳ, қиёматинг шуми, айт!

Фосих афанди осмонга қараб илтижо қила бошлаган эди, Тешабой қўйнига тикиб олган қўлини чиқариб силтади.

– Бас, кўп валдирайверманг! Аввал билайлик: нима гап? Балки шумоёқ қизини мен олмай туриб, ҳалитдан менга қайнаталик қилаётгандир? О, у ҳали бурганинг ичагидан ҳасип қуяман деб юр-



гандир! Э, чучварани хом санабсан! Мен сендақа бургаларнинг оёғига тақа қоқиб келганман! Ҳа!

Фосих афанди аламини ўзи чиқариб олишга кўзи етмадими, Тешабой кўлтиғига сув пуркай бошлади.

– Ҳа, ўша сиз қоққан тақа билан тепмоқчи сизни! Менга қаранг, афандим, бу ерда бир гап бор! Ҳа, жуда катта гап бор! Димоғидан курт ёғиб қолибди – бежиз эмас бу! Усти бошини қаранг! Измасига қандаб қўйган тилла занжирини кўрдингизми? Соати ҳам тилладир! – Тешабой бир нарса дейишга оғзи қовушмадими, индамади. – Тавба, кўчага пиёда чиқса, кўча ҳуснини бузадиган бир бедаво извошда юрса-я! Ҳали извош ҳам ўзиники бўлса-чи? Ёраб, заводи йўқ, фабрикаси йўқ, магазини йўқ бир кафангадода извош! Шошманг, афандим, бу ғаламис падали бузрукворингизни ўзи ўлдириб мол-дунёсини ўзи босиб қолган бўлса нима дейсиз? Лаббай?

Тешабой юрагида гоҳ бош кўтариб, гоҳ карахт ётган гумон аждаҳоси ҳаракатга келди. Кўзларида хунук ўт ёнди. Ашурмирзо бир кўлида қонга беланган пичоғу, яна бир кўлида олтин тўла қопчиқ билан кўринди. Унинг ҳозиргина совуқда куншиб, гужанак бўлиб турган вужуди бирдан қизиди. У тринка камзулининг устки тутмаларини чиқариб, ёқасини очди. Нафаси бўғар, ичидан ўт ёғар эди.

– Отам қотили шу! – деди Тешабой кўзидан ўт сочиб:

Фосих афанди қайғудан эмас, шодликдан сакраб тушди. Назарида, қасос пайти келган эди.

– Шу тақсир, шу! Мол-дунёсини ўғирлаган баттол шу! Бўлмаса, энгил-бошидаги қимматбаҳо кийим, чўнтагидаги тилла занжирли соат, тагидаги извош, қўш от!.. Ахир буларни нимасига олди? Қайси дунёсига олди? Дадангиз тилласига эмасми, афандим?!

Иккаласи қайралган қиличдай тобга келди. Тешабой «Ҳа!» деса – Фосих афанди, Фосих афанди

«Ҳа!» деса – Тешабой кириб бўғизлашга тайёр эди. Иккови шу шахт билан ўдағайланиб ҳарамхонага кирди. Тешабой кўзларида қилич товланса, Фосих афанди кўзларида пичоқ суғурилган эди. Ашурмирзо бир қарашдаёқ пайқади буни. Лекин у ўзини ҳеч нимани сезмаганга солди.

– Қани, бой, ўтиринг. Сиз билан гаплашиб оладиган икки оғиз сўзимиз бор, – деди у, эътирозга ўрин қолдирмайдиган мулойим товуш билан.

Тешабой қиличи қўлидан уриб туширилган кишидай ўшшайиб сандал четига ўтирди. Фосих афанди буйруқ кутган шотирдай эшик оғзида шай бўлиб турди. Ашурмирзо унга парво ҳам қилмади. Гапирадиган гапи оғирлигидан хижолат сезган киши сингари у вазмин гап бошлади.

– Ўн йил, балки ўн бир йил бўлди, сиз мени раҳматли отангизнинг қотили, у кишининг мол-дунёсини босиб қолган муттаҳам деб биласиз, шундай эмасми?

Гапнинг бу қабилада очиқ кетиши Тешабойни шошириб қўйди. Чунки у Ашурмирзодан бу хил рўйиростликни кутмаган, аксинча, ўзи шу сўзлар билан уни шарманда қилиш пайида кирган эди. Маъна энди яланғочланган қиличдай кўтариб кирган гапини рақибига олдириб қўйиб, нима деяри ни билмай қолди. «Ҳа» деган билан алаמידан чиқмайди. У ўзини ажабланганга солиб, меҳмонларга қаради. Меҳмонлар эса ерга қараб ўтиришарди.

Фосих афанди чидаб туролмади. Назарида қасос сиртмоғининг ипи ўз қўлига кирган эди. У бўзариб, гезариб қичқирди:

– Шундай! Ҳа, рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқат бу!

Ашурмирзо уни жеркиб ташлади:

– Сиз тек ўтиринг, мулла Фосих! Сиз буюрилган ишни қилинг. Агар извошчимни иссиқ ерга жойлаштириб, отларимга ем-хашак бериб келган бўлсангиз, вазифангиз битибди. Ҳа, вазифангиз битибди!



Фосих афанди, яна малайлиги пеш қилингани-ни пайқаб, типирчилади.

– Адашманг, биродар, мен сизнинг малайингиз эмасман. Сизга ўхшаган одамга малай бўлгунча, ит яловидан ош ичганим афзал!

Ашурмирзо энди уни ўнганмайдиган қилиб тишлаб олди:

– Не ажаб, ичиб юрган идишингиз, ичаверасиз!

Фосих афанди, тамом бўлди. У йиғлағудай бўлиб қичқирди:

– Сиз ношукур одам экансиз! Мен сизни Боқудан не аҳволингизда олиб келганман!..

Ашурмирзо бир парда тушди.

– Раҳмат. Мен миннатдорман. Лекин сиз буни тўғри тушунинг. «Мен сенга яхшилик қилдим, яхшилигим учун итоатимда бўл», дейиш – нима десам бўлади – энг камида, гумроҳлик. Ҳа, гумроҳлик!

– Гумроҳлик сиздан бўляпти, Ашурмирзо!

– Биладим, билладим. Лекин шунисини яхши биламанки, такадан қўчқор чиққан эмас. Такаки қўчқор бўламан деб чиранибди, қарға юришини қиламан деб чатоноғи йирилган чумчуқ ҳолига тушади. Ҳа, чумчуқ ҳолига тушади, мулла Фосих!

Ашурмирзо шу гапи билан Фосих афандининг жон томирини узиб олди. У лавлағидай қизариб қичқирди:

– Биз така бўлдиғу, сиз қўчқор бўлдингизми, ҳали? Э ўша!..

– Жирилламанг, Фосих афанди. Сизга ачинаман. Қўриниб турибди – маслаҳатга муҳтожсиз. Ҳа, муҳтожсиз. Сизга маслаҳатим шу: ўзгани қуюшқон билманг, қисилишингизнинг ҳожати йўқ. Ҳа, ҳожати йўқ!

Ҳамма ҳоҳолаб кулиб юборди. Фосих афанди турган ерида сакраб тушди. Тешабой кулги зўридан юмаланиб қолди. Меҳмонлар ҳам пиқир-пиқир



кулишар эди. Энди, ўлганнинг устига чиқиб тепган қилиб, Тешабой чандиб кетди.

– Вой, сени қара-я! – деди у, Фосих афандига ўтирилиб. – Сени туппа-тузук лочин деб юрсам, олатўганоқ экансан-у! Воҳ-ҳо-ҳо!..

Фосих афанди чўрт бурилиб чиқиб кетди. Шундан кейин ҳам кулги тўхтамади. Ашурмирзо, ҳеч нарсадан хабари йўқдай, қўлидаги чойни секин-секин ҳўплаб ўтирди. Кейин, пиёлани қуювчига узатди-ю, Тешабойга «бас» дегандай қилиб қаради. Тешабой кулгисини тўхтатиб, унинг оғзига тикилди. Ашурмирзо боя узилиб қолган гапини давом эттирди:

– Тўғри, сиз мени қотил, муттаҳам деб биласиз, Сизнинг ўрнингизда мен бўлсам, мен ҳам шундай деб ўйлашим, балки ишонишим мумкин эди. Ҳа, ишонишим мумкин эди. Мен бу ерга бир неча масала билан, жумладан, ўртамизда жар бўлиб ётган гумонни бартараф қилиш мақсади билан келганман. «Ҳамма ёқни қор босиб, йўллар тўсилиб ётган бир вақтда-я! Бошқа кун қуриб кетган эканми?» деярсиз. Тўғри, балки мен шошгандирман, лекин бунинг боиси бор. Шу мўътабар зотларнинг сизда меҳмон эканликларидан хабар топдим, ҳамма чалкашликни шулар шоҳидлигида ҳал қилиб олмақчи бўлдим.

– Жуда яхши-да, – деди Тешабой, калласини малол келгандек қимирлатиб.

Ашурмирзо «гап қотманг» деган бир адо билан Тешабойга қараб олди.

– Муддаога ўтайлик. Ҳа, муддаога ўтайлик. Аввало, падари бузрукворингизнинг ўлими ҳақида. Ёлғон айтсам, мана, тепамда Худо турибди, у киши ўз ажали билан вафот этди. Жон бераётган пайтида ҳамсафарлари ҳам бошида эди. Сиз ҳам худолигингизни айтинг, бойвачча, ўша ҳамсафар-



ларидан биронтаси келиб, отангиз ўз ажали билан ўлганини сизга етказдимиз?

Тешабой бошини хиёл ликиллапти.

– «Ҳа». – Ашурмирзо жонланиб кетди.

– Ҳа, боракалла! Шундан кейин ҳам мени қотилликда айблаш инсофданмиди? – Тешабой ўйланиб қолди. – Балки заҳар бериб ўлдиргансан, деб гумон қиларсиз? – Тешабой яна чурқ этмади. – Йўқ, бу ҳам ўринсиз. У кишини тўфон, яъни даҳшатли тўлқин ҳалок қилди. Вопурдан не аҳволда туширганимизни ҳам ўша сизга хабар келтирган одам айтгандир?

– Айтди.

– Нур аъло нур. Вопуримиз тўлқинлар ичида икки кун йўл тополмай юрди. Ҳа, икки кун йўл тополмай юрди. Уч кун деганда зўрға лимонни топиб келдик. Йўловчилардан бир қанчаси денгиз ваҳшатига бардош беролмай ўлди, бир қанчаси огир ҳолда туширилди. Раҳматлик дадангизни тўғри ҳожихонага келтириб ётқиздик. Сақлаб қоламиз, деб кўп уриндик, бўлмади. Худо раҳмат қилгур ҳамшаҳарларимиз қўлида жон берди.

Тешабой отасига раҳмат тилаб дуо қилиш ўрнига бошқа нарса ташвишини қилди.

– Дунёси-чи? Дунёси нима бўлди?

Ашурмирзо ҳайфсираб ҳиҳилади.

– Менга қаранг, бойвачча, отангиз қанча дунё билан кетганини биласизми? Каллангизни ликиллантишингиздан, билмайсиз. Ҳа, билмайсиз. Дунёси ўтакангизни ёрадиган даражада катта эмас экан. Ҳа, катта эмас экан. Мен ҳам беҳабар эдим. Узилаётганда ўзимизнинг шу шаҳарлик Расул ҳожи билан мулла Тўхтасин домла олдида қўйнидан тер, моғор босган бир халтача чиқариб: «Ичида юз тилла бор. Керагини ўлимлигимга харажат қилиб, қолганини ҳажда ғарибларга, бева-бечораларга садақа қилинглар», – деди.



Тешабойнинг кўзлари ўйнаб кетди.

– Юз тилланинг ҳаммасини-я?!

– Ҳа, ҳаммасини. Бундан ташқари, ёнида юз фунт стерлинг ҳам бор эди. Мен бундан хабардор эдим.

Асад қори бу тилла, бу пулларни эшитиб, оғзининг сўлакайи оқиб ўтирган эди. У шошиб сўради:

– Ўрислар қадоқни фунт дейишарди шекилли. Наҳотки яна юз қадоқ тилласи ҳам бор эди?

– Йўқ, қози домла, бу қадоқ ҳам эмас, тилла ҳам эмас. Инглиз пули бу. Ҳа, инглиз пули. У ёқларда ўрис пули юрмайди. Шунинг учун, ҳажга кетаётганлар пулларини Одессада инглиз пулига алиштириб ўтишади. Гапнинг қисқаси, инглиз фунтлари ўлимлигига зўрға етди. Катта сарф қилдик, ҳеч нарсани аямадик. Жанозасини Истанбулнинг «Кўк масжид» деб аталган энг катта масжидида, яъни Сулаймонияда ўқидик. Ўзимизнинг расмимизни қилиб йиртиш бердик «етти»сини қилдик. «Етти»сидан кейин ҳамшаҳарларимиз ҳажга жўнаб кетишди. Мен «йигирма»сини, кейин «қирқ»ини қиламан, деб қолдиму...

Ашурмирзо, ўтмишнинг оғир юки остида эзилаётгандек, ерга қараб олди. Шундан кейин ўртага узоқ жимлик чўкди. Тешабой бетоқатланиб Ашурмирзо оғзига қарар, у эса пинакка кетгандек жим ўтирарди. Тешабойни қизиқтирган масала ҳал бўлмаган эди, у тоқат қилолмади.

– Менга қаранг, мулла Ашур, тилла нима бўлди?

Ашурмирзо аста бошини кўтариб, масхараомуз кулди.

– Сизни фурбатда ўлган отангиз олдидаги фарзандлик бурчингиздан кўра, унинг меҳнати билан орттирилган дунёнинг бир зарраси, яъни халтачадаги тилла кўпроқ қизиқтиришини билардим. Ҳа, билардим. Менга қаранг, бойвачча, агар сизда андиша бўлса, халтачадаги тиллани эмас, отан-



гизнинг аллақайларда қолиб кетган хокини зиёрат қилишни ўйлардингиз. Балки қўлингиз қисқалик қилгандир? Йўқ, бой, сизнинг қўлингиз жуда узун. Шу ердан туриб чўзсангиз Бокуга, ундан нари Эронга, ҳатто Олмонияга етади. Ҳа, етади!

Тешабойнинг жаҳли чиқди.

– Э, бу гапларни кавлаштириб нима қиласиз?!

– Керак, бой, керак. Сиз билан бизнинг ишимиз энди бошланади. Биз бу ишга бир тийин устида юмалаб эмас, олижаноблик билан, фидокорлик билан киришмасак муродга етолмаймиз. Гумон ёмон нарса, у ўртангда мурдадек чўзилиб ётса, одамларда ишонч, демак ҳамкорлик бўлмайди. Сиз ҳозир мени тиллани букиб қолди, деб ўйлаяпсиз, шундай ўйлаётганингиз учун безовта бўляпсиз. Шундай эмасми, бойвачча?

Тешабой қизариб ерга қаради.

– Ҳар ҳолда, мерос, ўйлайсан-да.

Фосиҳ афанди эшик орқасида пойлаб турган эди, гап тиллага етганда секин кириб олди. Ашурмирзо унга эътибор қилмай гапини давом эттирди:

– Ўша юз тилладан отангиз раҳматли йўлига сарф бўлган харажатни инобатга олсангиз, қулуқ, олмасангиз, яна ихтиёр ўзингизда. – У тўрда, ўнг қўлида ўтирган зиёлисифат, кўзойнакли, истараси иссиқ кексага боши билан мулойим ишора қилиб: – Мана бу ерда ҳурматли Махсум акам, – деди-ю, юзини Махсум ака ёнида ўтирган кўк мовут камзулли қора мийиқ кишига ўтирди, – иннайкейин, мулла Расул ҳазратлари ўтирибди. – Ашурмирзо яна кимни шоҳид келтирсам экан, деб даврага кўз югуртирди. Асад қори бу ерда биз ҳам бормиз дегандай қилиб аста йўталиб қўйди. Ашурмирзо йўтал маъносини сезса ҳам, уни тилга олмади. – Ҳа, шу табаррук зотлар олдида орани очти қилиб олсак, бой. Ҳа, очти қилиб олсак.



Тешабой юз тилла унаётганидан боши осмонга етаёзган эди. Дарров пешвоз чиқди.

– Албатта, очти қилиб олганимиз маъқул. Бунинг савобига ким етсин! Ахир сиз билан дўстмиз. Ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор.

– Ҳа, баракалла! Шундай қилиб, юз тилла дейсизми, ундан кам ё ортиқ дейсизми, олдимизда турган катта ишлар юз хотири учун ҳар қачон, ҳатто шу оннинг ўзида тўлашга тайёрман, – деди Ашурмирзо, қўйин чўнтагига қўл суқиб.

Шодлигидан Тешабой кўзларининг соққаси ўйнаб кетди. Ашурмирзо ички чўнтагидан кичкина бахмал хаалача чиқарди, уни худди кўз-кўз қилаётгандек Тешабой тумшуғига келтириб силкиди. Кейин боғичини ечиб, уни патнусга ағдарди. Жиринглаб тилла тангачалар тўкилди. Теварақдаги бошларнинг аксари сандалга уйилди. Тешабой кўзлари кўзликдан чиқди, у гоҳ олайди, гоҳ косасидан чиқди, гоҳ юмилади, гоҳ очилди. Қўллари эса беихтиёр патнусга югурди, лаблари қийшайиб, юзи ўшшайди.

– Э, дардингизни олай! Мен сизни муттаҳам деб юрибман-а! Одам экансиз, одам! А, дўстим, Ашурмирзо, чинакам тиллами? Ҳаммаси тиллами? Вой, буни қаранг, жарақлаганини қаранг! Худди чўф-а, чўф!

Фосих афанди ҳам ўмгани билан сандалга ётиб олди. Унинг қора кўзойнак остидаги тамагир кўзлари қанчалик ёнаётгани қуришқоқ юзидаги ҳаяжонидан сезилиб турарди. Ашурмирзо эса, тилланинг телба қилувчи кучига ҳайрон қолаётгандек мийиғида кулиб томоша қилиб ўтирди. Фақат Махсум ака билан мулла Расул домлагина бепарво эди. Асад қори-чи? О, Асад қори тиллаларни кўриб ҳушидан кетиб қолаёзди. Тиржайди, ҳиринглади, ҳиҳилади, тиллани олиб тишлаб кўрди, бурнига



келтириб ҳидлаб кўрди. Бошқалар кўзини шамғалат қилиб туриб, ҳатто биттасини кенг енги ичига тушириб ҳам юборди.

Тешабой ҳануз ўзига келмаган эди. У ҳамон тилалаларни жиринглатар, косасидан чиққан кўзларига суртар, санар, адашар, яна санар эди. У санаб туриб бирдан тўхтаб қолди. Кўзларидаги шодлик ҳаяжони тарқалди, пешонасида таажжуб тиришлари пайдо бўлди.

– Ия, икки бошли бургут тамғаси йўғу?! – деди у, Ашурмирзога ўқрайиб.

Ашурмирзо ҳиҳилади.

– Нима бор экан?

– Шер.

– Боракалла! Бу инглиз тилласи.

– Инглиз тилласи? Бизда ўтадимми?

– Бизда ўтмаса, ўтадиган жой топилиб қолади. Така бўлсин, сут берсин, дейдилар. Тилла бўлаверсин, у ёғи – беш. Ҳа, у ёғи беш!

Ўртада чўғдай ёниб турган тилалаларни кўргандан кейин Фосиҳ афандининг бояги ҳақирлиги эсидан чиқди.

– Қаердан олдингиз, мирзом? – деди у, яна жеркиб ташламасайди деган бир ваҳм билан қилпанглаб. Ашурмирзо яна ҳиҳилади.

– Афандим, подшо хазиначисини ўғирладим. Боя шундай дедингиз шекилли? Фақат битта хато қилдингиз. Ўрис подшосиникини эмас, инглиз подшосиникини. Ҳа, инглиз подшосиникини!

Ашурмирзонинг мулойим муомаласи Фосиҳ афандига юрак бердими, у яна ялтоқланишга турди.

– Йўғ-э, мирзом, сизнинг қўлингиздан ўғирлик келмайди. Ҳазил қияпсиз, ҳазил, – деди у, етти эшилиб.

Ашурмирзонинг у билан ади-бади айтишиб ўтиргиси келмади.



– Ундай бўлса, мевасини енгу, боғини суриштирманг. Ҳа, боғини суриштирманг.

Фосих афанди эси борида этагини йиғиштириб олди. У чурқ этмай, яна ўзини тиллаларга урди.

Ашурмирзо энди Тешабойга юзланди.

– Гапимизнинг хотимасига ўтсак, бойвачча.

– Хўп, хўп, жоним билан. Нима десангиз, шу, мирзом, – деди Тешабой, хўжайини олдада қўла қовуштирган корандадай.

– Аввало, Махсум акам, мулла Расул домла, қолаверса, шу ерда ўтирган биродарлар шоҳидлигида битта саволимга жавоб берсангиз.

– О, битта экану, ўнта бўлса ҳам жоним билан. Сўранг, мирзом, сўранг.

– Менга ҳеч қандай даъвонгиз қолмаганини шу аҳли Мўмин олдада ўз оғзингиз билан иқрор қиласизми?

Тешабой нашьа қилиб кулди.

– Хўп қизиқ одамсиз-да, мирзом! Оғзим билан эмас, хоҳласангиз, тилхатим билан иқрор қиламан.

– Раҳмат, шунинг ўзи кифоя. Демак, орамиз очиқ?

– Очиқ, мирзом, очиқ! Минг марта очиқ!

– Лабзингиздан қайтсангиз, нима дейлик? Ҳезалак деса бўладими?

Тешабой юзига хиёл қизил югурди. Суюнганидан кулоқларига етиб қолган оғзи сўлжайди. Фосих афанди бирдан ҳоҳолаб кулиб юборди. Бу кулги Тешабой юзидаги қизилга яна қизил кўшди. Буни Фосих афанди сезиб, дарров гапни бошқа томонга буриб юборди.

– Қаранг, тақсир, бу одамнинг ишонмаганига куламай бўладими?

Ашурмирзо кулги маъносига тушунмаган эди. У таажжубдан елкасини қисиб, яна Тешабойдан сўради.



– Хўш, нима дейсиз, бойвачча?

Тешабойнинг кайфи бузилган эди. У ўзидан бошқага аранг эшитиладиган ўлимтик товуш билан минфирилади.

– Нима десангиз, ихтиёрингиз. Лабзидан қайтадиган ҳажикиз йўқ.

– Баракалла! Фосих афанди, тиллаларни халтага солиб, оғзини боғланг. Ҳа, боғланг.

Фосих афанди қўли қўлига тегмай тиллаларни йиғиштира бошлади. Тешабой юраги пўкиллаб қараб турди. Асад қори ичидан зил кетиб ўтирар эди. Фосих афанди боғични энди тортганда, уни Ашурмирзо тўхтатди.

– Қози домла, – деди у, Асад қорига қараб, – тилладан биттаси энгингизга тушиб кетмаганмикан? Қаранг-чи?

Асад қори қип-қизариб кетди. «Йўғ-э, йўғ-э», деб нариги энгини қоқди.

– Мана, тақсир, тилла йўқ.

Ашурмирзо кулиб юборди.

– Унисини эмас, бунисини. Ҳа, бунисини қоқинг, Асад қори ўзини анқовликка солди.

– Хўп-хўп, мана, – деди-ю, яна бояги энгини қоқди.

Ҳамма қиқирлаб кулиб юборди. Ашурмирзо кулиб туриб:

– Ўнг энгингизни, ўнг энгингизни, тақсир, – деди.

– Э-ҳа, ўнг энгимизми. Хўп-хўп.

Асад қори истар-истамас ўнг энгини қоққан эди, ичидан битта тилла танга юмалаб тушди. У ўсал бўлиш ўрнига ҳайрон бўлди.

– Мана шу-да, қози домла, – деди Ашурмирзо уни гажиб ташлагудай бир нафрат билан, – сизки мана шундай... нима десам бўлади... ҳа, мана шундай хатти-ҳаракатлардан тоймаганингиздан кейин арзимизни кимга айтамыз? Ҳа, миллат ҳам



бамисоли балиқ, бошидан чириydi! Фосих афанди, тиллани жойига солинг.

Фосих афанди халтача боғичини боғлаб Ашурмирзога тутди. У халтачани Тешабойга бермай патнис четига қўйди. Тешабой ўтакаси ёрилиб халтачага қўл чўзди. Ашурмирзо унинг қўлини қайтарди.

– Тилла сизники, бойвачча. Лекин ҳозирча шу ерда турсин. Ҳали гапимиз битгани йўқ, ҳа, муддаога ҳали ўтганимиз йўқ. Ҳа, бошлангани йўқ. – Ҳамма унинг оғзига қараб қолди. Асад қори ҳозирги шармандалигидан ерга кириб кетиши керак эди, лекин бундай нарсалар одатга айланиб қолган эжанми, парвойини бузмай у ҳам оғиз пойлади. Ашурмирзо яшиа дўппили бошини секин силкиб, Тешабойнинг ҳайрат, ваҳм тўла кўзларига тикилди. – Ҳозир сиз билан бизнинг олдимизда бу тиллалар эмас, тилла қўлнинг кири, биласиз, жуда каттакон нарса турибди. Ҳозир олдимизда ё миллат бўлиб яшаб қолиш, ё қул бўлиб қирилиб кетиш муаммоси турибди! Ҳа, шу ҳаёт-мамот муаммоси турибди! Агар биз ўз миллатимизнинг фарзандлари бўлсак, шу азиз миллатимиз ҳуррияти, унинг абадияти учун курашмоқни муқаддас бурчимиз деб билсак, гафлат уйқусидан уйғонмоғимиз керак. Ҳа, уйғонмоғимиз керак, азиз биродарлар! Ҳозир, уйғонмоқ пайти, бош кўтармоқ, ҳаракат қилмоқ пайти! Бир ёқдан, ўрис подшоси боши берк кўчага кириб қолди. Бугун бўлмаса, эртага тахтдан ағдарилади. Иккинчи ёқдан, Антанта қўшинлари, Олмония лашкарлари Россия жанубига кириб, кўп ерларни босиб олди. Ўрис подшоси ҳозиргидек аҳволга, дўппи билан урса йиқиладиган аҳволга тушмаган эди. Ҳа, бундай оғир аҳволга тушмаган эди!

– Ҳа-а-а, гап бу ёқда денг? Нима бало, солиқни катта қилиб юборди, жон бошига бир сўмдан,



деб уйловдим-а, жони ҳалқумида экан-да? – деди ўтирганлардан бири энсаси қотиб.

Ашурмирзо унга парво қилмай гап ўзанидан чиқмади,

– Жафокаш миллатимизнинг довярак ўғлонлари ҳозир Тошкентда, Самарқандда, Қўқонда «Итиҳоди турк» байроғи остида жуда катта, ҳа, жуда катта умидлар туғдирувчи ҳаракат бошлаб юбордилар. Биз ҳам гафлат уйқусидан уйғониб, шу катга ҳаракатга бош қўшишимиз керак эди. Афсуски, биз ўз тумшуғимиздан нарини кўрмаймиз, кўрмиз, осиймиз. Ҳа, осиймиз. Баъзи одамларимиз учун миллат, ватан, истиқбол деган нарса йўқ, улар учун тийин бор, сўм бор, тилла бор! Уларнинг сифинганлари шу! Ҳа, шу! (Гап ўзига қоқитилаётганини сезиб, Тешабой секин ерга қараб олди.) Баъзилар, дангал айтганда, мулла Фосихга ўхшаганлар «Во миллато!» деб кўкракларига урадилару, миллат учун сариқ чақа наф келтирмайдилар! Ҳа, наф келтирмайдилар! Бундай одамларнинг миллат учун боридан йўғи!

Фосих афанди, яна тишлаб ташлаамасин, деб ўз ҳимоясига бир нима дейишдан қўрқди. Тешабой ҳам шунай аҳволда эди, лекин у Ашурмирзонинг «бундай одамларнинг боридан йўғи» деган гапидан ўзини тиёлмади.

– Ия, санамай саккиз деяверар экансиз-да, мулла Ашур! Нима қил дейсиз? Заводимга ўт қўяётган, пахталаримни куйдираётган, ер-сувимга чанг солаётган ўша ялангоёқларнинг бошларини сила, дейсизми? Қулуғ-э!

Ашурмирзо калласини сараклади.

– Йўқ, бой, ундай демайман. Ялангоёқлар нима пода нима! Подани қаёққа ҳайдасангиз кетаверади. Лекин ҳозирги ишимизда, катта ҳаракатимизда шу подадан фойдаланмай иложимиз йўқ. Ҳа, иложимиз



йўқ! Шунинг учун миллатимизнинг сиз ва сизга ўхшаган кўрклари ҳам моддий, ҳам маънавий нуфузлари билан миллат хизматида бўлишлари керак.

Тешабой Ашурмирзонинг таънаю таъзиридан ҳали қанчалик ерга кириб кетган бўлса, ҳозирги сиפורишидан кўкрагига шабада тегиб, қаддини ростлаб олди. У ўзи айтадиган гапининг тагида нима мажбурият борлигини тушунибми тушунмайми:

– Хизмат бўлса. бош устига. Хизматдан қочмай-миз, – деди.

Ашурмирзо жуда ёқимли бир жилмайиш билан бош эгиб қулиқ қилди. Кейин узилиб қолган гапини улаб кетди.

– Мен бойларимизиинг тепса тебранмасликларига, зиёлиларимизнинг олазаракликларига ҳайрон бўламан. Ҳа, ҳайрон бўламан. Худди тақлид қилсак тақлид қиладиган, ибрат олсак ибрат оладиган жойимиз йўқдек! Ундай жой бор! Туркия! Турк ёшлари ўн тўртинчи йилдан бери ҳокимият устида турибдилар. Ҳа, маҳкам турибдилар! «Иттиҳод ва тараққиёт» фирқасининг раҳбарлари Анвар пошшо, Талъат пошшо, Жамол пошшо Туркияни яшнатиб юборди. Ҳозирги Туркия султон Абдулҳамид истибдоди остида жаҳолат босиб ётган эски Туркия эмас! Бахт, ҳуррият, таррақиёт Туркияси! Ҳавасинг келади! Ҳа, ҳавасинг келади! Хулоса шуки, – деди у ҳамманинг кўзига бир-бир тикилиб, – биз ҳам Туркистонимизда турк ёшларникига ўхшаган мустаҳкам ҳокимият ўрнатишимиз керак!

Ашурмирзо ўзи оғиз кўпиртириб мақтаётган турк ёшлари турк буржуазиясининг малайлари эканликларини, улар ўрнатган ҳокимият мазлум халқ манфаатини эмас, шу мазлум халқни хору зорликда, жаҳолатда сақлашдан наф кўриб келётган бой, руҳонийлар, ажнабий хўжайинлар иқтидорини ҳимоя қилувчи жандарм эканини ту-



шунмас ё тушунса ҳам турк буржуа ёшларининг сотқинлигини жўрттага тилга олмас эди. Ўз халқи-га, ўз халқининг манфаатига хиёнат қилган турк ёшларини иқтидордан ағдариб ташлаш учун тез-тез портлаб турган исёнларни, ҳатто бу исёнларнинг бирига раҳбарлик қилган Яъқуб Жамилни ҳам яшириб кетди. Буни Махсум ака сезиб ўтирар эди. Шунинг учун бўлса керак, Ашурмирзо нафасини ўнглаш учун тўхтаган пайтни пойлаб туриб ундан сўради:

– Мулла Ашур, мени бир нарса қизиқтиради: Турк ёшлари ҳокимият тепасига халқ иродаси, халқ мадади билан чиқишдими ё... бирон ажнабий давлатнинг қўллаб-қувватлаши, яъни пули, қуроли билан чиқдими? Шунисини айтиб беролмайсизми?

– Махсум ака, мен боя халқни пода дедим. Пода серкасиз бўлмайди, биласиз. Серка қаёққа бошласа, пода ҳам ўша ёққа кетаверади. Турк ёшлари ўз инқилобларида серкалик қилдилар. Ҳа, серкалик қилдилар! Биз ҳам шу йўлни тутишимиз керак, бошқа йўл йўқ. Эрдан мадад кутадиган бўлсак, офзимиздаги ошимизни олдириб қўямиз, тақсир!

Махсум ака норози бўлиб бош чайқади.

– Ашурмирзо, мен бошқа нарсани сўраган эдим, сиз бошқа тўғрида гапирдингиз. Хайр, модомики гапирдингиз, мен ҳам бу ақидангизга қўшилолмаслигимни айтмасдан ўтолмайман. Биласиз, эл пуфласа бўрон, тепинса зилзила, дейдилар. Шундай қудратга эга халқдан айри иш кўриш – ҳалокат чоҳига ўзини ташлашдан бошқа нарса эмас. Эл қаҳрига учраган – ер қаърига учрайди!

Ашурмирзо бир неча зум ғиқ диёлмай қолди. Кейин аста бошини кўтариб елкаларини қисди.

– Начора, халқ бизни қўлламаса, қўллайдиган дўстларни топиш керак. Ҳа, топиш керак. Топамиз ҳам!



Махсум ака кинояли қилиб сўради:

- Яъни?
- Турк ёшлари йўлидан борамиз.
- Яна тушунмадим.
- Инглизлардан ёрдам оламиз.

Махсум ака аввал масхарали қилиб кулди, кейин тушунмаган киши соддалиги билан сўради:

- Инглизларданми ё инглиз подшосиданми?

Энди Ашурмирзо кулди.

- Э, кам бўлманг! Барибир эмасми?

– Ҳамма фожиа шундаки, барибир эмас, Ашурмирзо! – деди Махсум ака ўзини зўрға босиб. – Ўрис подшосидан қочиб, инглиз подшосига тутиламиз! Қаранг-а ёмғирдан қочиб дўлга денг? Қачондан бери оқ ит билан қора ит фарқ қилибди? Ўрис подшоси ёмон экан, тўғри ёмон, лекин инглиз подшоси яхши бўлибдими? Ўрис подшоси қўлида биз эзилиб ётибмиз, бу ҳам тўғри, лекин инглиз подшоси қўлида Ҳиндистон гуллаб кетибдими? Йўқ, иккаласи ҳам бир қаро гўр, мирзо! Халқ билан халқ тепасида турган золимни фарқ қила билиш керак. Бир халқ бошқа бир халққа ёмонликни, айниқса, қуликни раво қўрмайди. Шунинг учун гапни айлантирмай инглиз подшосига бош эгмоқчимиз, деб қўяверинг. Ана у мард кишининг гапи бўлади.

– Мен ҳам гапни мардона қиялпман, Махсум ака...

– Йўқ, Ашурмирзо, кўрсаводлик қиялпсиз. Дарёдаги тиллабалиққа пул тўламоқчисизу, лаққа чиқиб қолишидан беҳабарсиз.

– Сиз бир нарсага тушунмаяпсиз, Махсум ака, – деди Ашурмирзо лавлагидек қизариб. – Аўлининг отини суғор, пулини ол, дейдилар. Инглизларни, хайр, сизниинг таъбирингиз билан айтганда, инглиз подшосини отанг яхши, онанг яхши, деб озод бўлиб олайлик, кейин ковушларини шундай тўғри-



лаб қўжайликки, Лондонларига бориб тушганларини ўзлари ҳам билмай қолишсин.

Махсум ака ҳоҳолаб кулиб юборди.

– Биз-а? Қўшини йўқ, қуроли йўқ, ерларини алмисоқдан қолган ёғоч омов билан ҳайдаб зўрға тирикчилик қилиб келаётган кучсиз бир мамлакат-а? Э, бор бўлинг!

– Йўқ, кулманг, Махсум ака. Қуролимиз бўлади. Бўлганда ҳам энг тараққий топган мамлакатларни кидан қолишмайдиган қурол бўлади. Ҳа, бўлади!

Махсум ака, қизишиб бораётганини сезмай, бўғилиб сўради:

– Қандай қилиб? Оллоҳнинг инояти биланми?

Ашурмирзо сандалдаги халтачага чанг солди.

– Мана қурол! Биз ҳозир шундай ҳаётий зарурат билан мард бойлардан иона тўплаяпмиз. Бошлаб юборган катта ишимиз дебочасида Тешабой афандимнинг биринчи бўнаги бўлади бу.

Тешабойнинг қулоқлари зинғилаб, кўз ўнгини зулат босди. У тирик-ўлиқлигини билмай гаранг бўлиб қолди. Ашурмирзо кейин нима деди, ўртада нима гап ўтди – эшитмади. У анчадан кейин ўзига келиб, Ашурмирзо қўлидаги халтачага чанг солди.

– Э, бу ёққа бер-э! Бўнагингдан ўргилдим!

Ашурмирзо бўш қўли билан унинг қўлини итарди.

– Оғир бўлинг, бой! Буни фақат биринчи бўнак, дедим. Ҳали бунақасидан кўп берасиз. Ҳа, кўп берасиз! Ўтакангиз ёриламасин. Миркомилдан, Орифжон бойдан, Маматохундан ҳам оларимизни олдик. Қарс икки қўлдан чиқади. Сиз бизни қўлла-сангиз, биз сизни қўллаймиз. Шу гапимга яхши тушуниб олинг. Сизга шунча бойлик тириклигингизда керак, шундай эмасми? Ҳа, шу гапимни яхши уқиб олинг.

Тешабой сандалдан қўлини тортди. Ашурмирзо халтачани яна қўйнига солди.



Йигирма бешинчи боб Ит калласи товоқда

Ашурмирзо извошчиси билан совуқ меҳмонхонага чиқиб ётди. Уни бу ерга қувган нарса сабл жонининг қайғуси бўлди. У энди ўзини ўзи хаёл қилган Туркистон учун сувдан, ҳаводан ҳам зарур нарса деб билар, шунинг учун қаерда бўлмасин жонини бевақт ўлимдан сақлашга тиришар эди. Номи Норботир бўлса ҳам, галдир-гулдур гапидан, бесўнақай ҳаракатларидан Полопон деб аталган извошчиси аслида унинг соқчиси эди.

Янги ўт солинган сандалда Ашурмирзо узоқ уйқусини тополмай ётди. Бир нарса шитир этса, биров ўлдиргани кирдимиз, деб бошини қўтариб қарар, Полопон хуррак отса, уни тепиб уйғотарди. Шундай пайтларда уйқу билан ўй орасида омонсиз кураш кетади. Уйқу енгаман дейди, ўй қўймайди. Битта ё иккита ўй бўлса майли эди, ўйлар шунча кўпки, бири ёғоч қурти сингари миясини қирчийди, бири илон бўлиб қўйнига киради, яна бири сиртмоқ бўлиб бўйнига осилади. У тўлғанади, бир ёқдан иккинчи ёнига ағдарилади. Гоҳо, ҳа, гоҳо ширин ўйлар ҳам келади. Ана шунда у ўзини Туркистон ҳукуматининг бош министри кабинетига кўради. Бундай пайтларда кўзлари ҳузурдан юмилиб, оғзи қулоқларига етади. Гоҳо мудҳиш ўйлар келади – у ўзини турмаларда, зиндонда кўради. Бундай пайтларда кўзлари қинидан чиқиб, юраги орқага тортади. Ўйлар тинмайди, бирин-кетин босиб келаверади. Мана, у ўйлардан бири Ашурмирзони Истанбулга келтириб ташлади. Ана Фаридия, Абанур кўчалари... О, қайси уйга кирма – фоҳишахона. Неча йил мазза қилди у бу кўчаларда! Чўнтаги тўла пул, «гаҳ!» деса Истанбул жонони қўлига қўнади. О, «Гулжамол» вопурида, Қора денгиз бўйларида қилган сайру сафолари!..



Ашурмирзони уйку элита бошлаганмиди ё туш кўраётганмиди, кўққисдан рўпарасида шундай бир одам пайдо бўлдики, у аввал ҳайрон бўлди. Кейин саросимага тушиб, ўзидан-ўзи сўради: «Ким бу? Мен-ку? Қош-кўзи, қадди-қомати, кийим-кечаги, туриш-кулиши – ҳаммаси менинг ўзим! Ё мен иккита эдимми? Ҳа-а, иккита эканман. Бу айним экан. Ҳа, айним экан! Тавба, бунақасини ҳеч кўрмаган эдим...»

Ашурмирзо таажжубидан қутулгунча бўлмай, айнини елкасига қўлини ташлади.

– Кел, ҳеч ким йўғида, хилватда иккалаамиз гаплашиб олайлик. Сен мендан кўркма, мен – сенман.

Ашурмирзо чап қўлини ҳавода силкитиб, уни даф қилмоқчи бўлди.

– Йўқ, кет, кет! Сен қандай қилиб мен бўласан! Мен ахир менман-ку! Шошма, балки сен виждонимдирсан?

Айни Ашурмирзоникига ўхшатиб истехзоли кулди.

– Э-э, йўқ. Мен фақат руҳингман. Нимаики қилсанг, ҳаммасига шоҳидману, лекин сени ёмон йўлдан қайтаришга ожизман. Шунинг учун мени виждон деб бўлмайди. Ҳа, бўлмайди. Зеро, сенда виждон деган нарсанинг ўзи йўқ!

Ашурмирзо жеркиб ташлади.

– Бекор айтибсан!

– Билмадим, сен бекор айтяпсанми, менми! Буни исбот қилиш керак.

– Исбот қил. Қандай қилиб исбот этасан?

– Хўп, мен сени терговга оламан, ниманики сўрасам, жавоб берасан! Қора печ тагида ўйнаб турган оху кўзларининг биргина нигоҳи билан қалбингда жароҳат очиб, сени занжирбанд қилган араб гўзали Ҳамдия эсингдами? Сен уни кино-театрлар кўчаси Шайхзода бошида учратгансан.



Ашурмирзо саволларнинг бу хил дилшодлигидан қувониб, жавоб бера бошлаганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Йўқ, Шайхзода бошида эмас, Чечаклида учратганман. Ё Бойўғлида эдими, а? Йўқ, йўқ, Шайхзода бошида. Ҳа, Шайхзода бошида.

– Кейин нима бўлди? – Ашурмирзо бошини хам қилиб, жавоб бермади. – Кейин, чўнтагингни қоқлаб, янги ёр қўйнига кириб кетди у гўзал. О, бечора Ашур! Қанчалар жафо чекдинг бу қиз дастидан! Аламингга чидолмай у вафосизни ўлдирмоқчи бўлдинг. Ўлдирдингми?

– Ўлдиролмадим, – деди Ашурмирзо бошини кўтармай.

– Ҳа, ўлдиролмадинг! Урган пичоғинг кўкрагига эмас, елкасига тегди. Сен беш йил турма жазосини тортиб чиққунингча, у янги ёр, йўқ, йўқ янги ёрлар базмида маст-аласт юрди. Кейин нима бўлди? Нима бўлганини айтишга балки оғзинг бормаётгандир? Ҳа, оғзинг бормаяпти. Хўп, бу захматни мен уҳдамга олай – мен айтай, эшит. Кейин номи тубанлик деб атаган разил ҳаёт бошланди. Сен кирмаган кўча, сен қилмаган ифлослик қолмади! Чет, бегона юртда туриб, ўз юртингни, киндик қонинг тўкилган азиз юртингни, онанг каби табаррук юртингни, юртдошларингни сотиш каби разолатдан жирканмадинг! Биласанми, бир миллат, бир ватан фарзанди учун бу нақадар катта жиноят. Сен буни ўйламадинг! Ҳа, ўйламадинг! О, сен кўздан, соғлом ақдан жуда эрта айрилдинг! Не ажаб, Болта кўпасдай бир муттаҳам обдастасини кўтаришдан жирканмаган, ўз инсонлик қадрини билмаган киши инглизлар тувагидан жирканармиди?! Сен Ҳажга кетаётганлар кимлар эканини, Ҳаж қилишдан бошқа яна нима мақсадлари борлигини, Ҳажга нима кўтариб кетаётганларини



инглизларга шипшиб турдинг. Бу нарсалар инглизлар учун нимага кераклигини ўйладингми? Ўйламадинг! Сен ҳам чаканасига, ҳам улгурчасига сотаётган юртинг рус подшоси учун қанчалик соғин сигир бўлса, Сауд Арабистони, Миср ва бошқа мустамлакалар ҳам инглиз подшоси учун ана шундай бойлик манбаи эди. Сен шу мазлум халқлар оғидаги истибдод кишинини мустақкамлашга ёрдам бердинг. Хайр, бу гапларни қўяйлик. Кейин нима бўлди? Шундан гапир.

Ашурмирзо худди биров бўғаётгандек биғиллаб тўлғанди. У ўз айнидан қочар, лекин оёқларини қимирлатолмай қийналар эди. У айнидан юзини яшириб, бошини ёпиб олди. Аммо айна кетмади, у яна рўпарасида пайдо бўлди.

– Йўқ, ҳали сен билан гаплашадиган гапимиз кўп. Мендан қочиб қутулолмайсан, – деди у, Ашурмирзонинг ваҳм тўла кўзларига кириб. – Кейин нима бўлди? Сендан сўраяпман: кейин нима бўлди? Ҳа-а, айтишдан қўрқасан?! Хўп, мен айтаман. Кейин разолат ботқоғига яна ҳам чуқурроқ ботдинг: ўз юртингга «Интелиженс сервис» жосуси бўлиб қайтдинг. Ҳа, жосус бўлиб қайтдинг!

Ашурмирзонинг кўзлари косасидан чиқди. У жон ҳалпида қичқирди:

– Гапирма! Гапирма! Биров эшитади!

Ашурмирзо ўз овозидан ўзи уйғониб кетмаса, сандал ўтини ловиллатиб ўтирган Полопон уйғотар эди. У хўжайиннинг бежо бақирганини эшитиб сапчиб тушди. Ашурмирзо ҳам дарров туриб ўтирди. Сандал жуда, қизиганиданми ё тушида қийналганиданми, у терлаб, қизариб кетган эди. Ашурмирзо томоғини зўрға сиртмоқдан бўшатган кишидай бўйинини уқалай бошлади.

Полопон бир неча зум ҳайрон бўлиб қараб турди, Кейин:



– Хўжайин, нима бўлди? Ё қора босдимми? – деб сўради. Ашурмирзо индамади. – Бирам бақириб юбордингизки, эс-месим чиқиб кетди.

Нима деб бақирганини Ашурмирзо билиб қолмаган эди. Бирон махфий нарсани айтиб юбордимми, деб Полопонга жовдираб тикилди.

– Нима деб бақирдим?

– «Гапирма, гапирма! Биров эшитади!» дедингиз.

– Бошқа ҳеч нарса деганим йўқми?

– Йўқ.

Ашурмирзо кўнгли тинчиб, сандалдан турди. Уйқуга тўймаган киши гандираклаши билан дераза олдига келиб керишди. Ташқари ёп-ёруғ эди.

– У-ў, қор тинибди-ку!

Полопон ҳўҳўлади.

– Қор-ку тинди-я, ташқарига чиқсангиз совуқ бурнингизни учиради.

Ҳақиқатан ҳам, ташқари ниҳоятда совуқ эди. Қуёш, худди ер билан беркинмачоқ ўйнаётгандай, паға-паға булутлар ичидан йилт этиб кўринади-ю, худди ердаги совуқдан кўрқаётган сингари, яна булутлар ичига беркиниб олади. Ашурмирзо деразадан ташқарига, уйилиб ётган қорларга узоқ суқланиб қараб турди. Кейин бир нима эсига тушгандек, жадал Полопонга ўтирилди.

– Меҳмонлар мени тоза кутиб қолишгандир? Уйғотиб қўймабсанам!

Полопон яна ҳўҳўлади.

– Меҳмонлар саҳардаёқ жўнаворишган, тақсир. Аллақачон шаҳарга етиб олишди, деяверинг.

Ашурмирзо ювиниб ҳарамхонага кирганда, Тешабой Оқчурун билан ниманингдир ҳисоб-китобини қилиб ўтирган эди. У Ашурмирзони кўриб, дарров ўрнидан кўзгалди. Оқчурун ҳам туриб салом берди.

– Бу ким, гумашталарингизданми? – деб сўради Ашурмирзо, Воҳидга синовчи кўз билан тикилиб.



Тешабой ҳиринглади.

– Йўқ, тақсир, муҳандисим. Заводимда ишлайди, Оқчурин деган нўғой бола. Иш кўзини бунақа биладигани йўқ дейманов оламда.

Ашурмирзо ялт этиб Воҳидга қаради.

– Шошма, шошма, шаҳардаги нўғой домла сенга ким бўлади? Қариндошинг эмасми? Ўша кишига ўхшаб кетасан.

– Отам бўлади, – деди Воҳид, овозида ошкор фахр билан.

Тешабой бирдан ҳоҳолаб кулиб юборди.

– Қисталоқ катта домланинг ўғли-ю, гапга туншунмайди-да. Кечаги гапларингизни айтиб берсам, беҳуда гап, деб кулиб ўтирибди!

Ашурмирзо Тешабойга ит қараши қилиб тўрга ўтди. Сандалда чой-нон тайёр эди. Тешабой дарров унга чой узатди. Кейин Воҳидга қараб:

– Сен боравер. Бу ишни бафуржа қиламиз. Ҳа, дарвоқе, анҳор музини чўқитиб кўр-чи, яқин ўртада эрийдиганми ё баҳоргача без бўлиб турармикан? – деди. Кейин Ашурмирзога қараб ҳиринглади: – Завод тик-тик этиб турмаса, юрак дук-дук қилаверар экан.

Ашурмирзо Тешабойнинг оғзи бўшлигидан жаҳли чиқиб ўтирган эди, индамади. Воҳид чиқиб кетмай, ҳамон эшик оғзида турган эди.

– Ҳалиги гап нима бўлади, хўжайин? – деди у, норози бир овоз билан.

Тешабой орқасига ўтирилиб сўради.

– Қайси гап?

– Ишчилар ҳақи.

Тешабойнинг жаҳли чиқди.

– Қизиқсан-а! Сувни Худо музлатади-ю, жаври-ни мен тортаманми?

– Йўқ, гап ундай эмас-да. Фонарь ёғига ўтайлик, десам, харажати кўп деб унамаяпсиз. Мана бир ой-



дан бери ишчиларга сариқ чақа берганингиз йўқ. Завод юрганда шу одамлар яна керак бўладими?

– Завод юрсин, одам топилади. Иш қидирганлар лак-мингта.

Воҳид бир неча қадам ичкари босди.

– Йўқ, хўжайин. Мен бу гапларни сизга жоним ачиганидан айтяпман. Ишчилар оч, қўлларида бир чақа йўқ, қиш мана бунақа – нон керак, ўтин керак. Борди-ю, жонларидан тўйиб заводингизга ўт қўйиб юборишди, унда кимга жавр бўлади? Сизгами? Ҳа, мен шуни айтяпман, хўжайин.

Ашурмирзо Воҳидга хусни таважжуҳ билан қараб қўйди. Тешабой эса ўзиникини маъқуллади.

– Қўй, бошимни офритма. Мен ёмон бўлсам, яштини топишсин. Ана катта кўча, бекор ётишганига ҳам ҳақ тўлайдиган аҳмоққа бораверишсин. Бор.

Воҳид ортиқ бир нима демай чиқиб кетди. Ашурмирзо Тешабойга яна боягидай хўмрайиб қаради.

– Лақмасиз, бой! – деди у, оғзига солаётган нонини яна патнисга қўйиб. – Кап-катта одам оғзингиздан гуллаб ўтирсангиз! Ҳаммага айтадиган гапми бу? Уқмабсизда кеча нималарга ишора қилганимни! Хайриятки, очиқ айтмадим. Аввало, Махсум ака биз ўйлаган одам эмас экан, қолаверса, мана, сиз! Мен ахир Туркистонни Николай зулмидан, ўрис истилосидан озод қилиш, яъни ўз мустақил давлатимизни қуриш ҳаракатида эканимизни, бу катта ҳаракатга бошчилик қилаётган ташкилотимиз борлигини ишора қилдим! Сиз бўлсангиз, ҳаммага жар солиб ўтирибсиз. Ҳайф!

Тешабой ўзини оқлашга тиришди:

– Ҳаммага эмас, мирзом, Оқчуринга айтдим хос. Ўл десам ўладиган, тирил десам тириладиган яхши бола у.

Ашурмирзо тутаққандан тутақиб борди.



– Борди-ю, қўйнида болтаси бўлди?! Калламизни учириб юборса нима дейсиз, ақлли одам? А, нима дейсиз? Қўз ўнгингизда бўлсин: тарозининг бир палласида – бахтимиз, иккинчида – бошимиз. Ҳа, бошимиз! Бу ҳақда ким билан гаплашишни, кимни бу йўлга тортишни бизга қўйиб берасиз! Менинг каллам ўзимга нечоғлик зарур бўлса, сизники ҳам ўзингизга шу чоғлиқ керакдир? Ё оғирлик қиялптимиз? Огоҳлантириб қўяй: ташкилот аъзолари рўйхатидасиз! Кетса, ҳаммамизнинг бошимиз бараварига кетади. Ҳа, бараварига кетади!

Ашурмирзо боя қайтариб қўйган нонини олиб оғзига солди. Калла ваҳми Тешабой калласини тушириб юборган эди. У «бусиз ҳам оғриб ўлган бошимга янги ташвиш» деб хуноб бўларди. Тешабой бошини анча вақт ҳам қилиб ўтиргандан кейин ўлимтик товуш билан:

– Мирзом, мени бунақанги бош оғриқларга аралаштирмасангиз, илтимос-да, – деди. – Нимага десангиз... хайр, бунисини қўяйлик. Йўқ, пул-муддан қарашиб тур, десангиз, хўп, бош устига, қарашиб турай, лекин маш-машага ҳеч тобим йўқ-да, овайни. Аслини сўраганингизда, ўрис подшосидан норози бўладиган жойим йўқ, бизга ўхшаган бойларга ёмон қарамайди. Шундай бўлгандан кейин инглиз подшосига сифинишга нима ҳожат? Нима, у мени Туркистонга вазир қилиб қўярмиди?

Ашурмирзо биринчи марта равшан овоз билан қаҳ- қаҳа урди.

– Худо давлатдан бергану, фикратдан қисиброқ қўйган-да сизни, биродар! Озод Туркистонда сизу биздан бўлак ким вазир бўлади? Ким? Айтинг-чи, ким? Сиз замонамизнинг жуда катта умид туғдирган ёш бойларидансиз. Келгуси Туркистонимизга худди сизга ўхшаган абжир, пуртадбир одамлар керак. Ҳа, шундай одамлар керак! Ҳукумат сизга



ўхшаган бақувват одамлар қўлида бўлса, о, бунинг савобига ким етсин! Қарабсизки, мамлақат гуллаб, савдо-сотик яшнаб кетибди. Бугун битта завод хархашаси билан минг балога дуч келаётган бўлсангиз, ана унда битта эмас, ўнта, балки бир неча ўнта завод-фабриканинг эгаси бўлиб, жонингиз роҳатда ўтади. Осилсанг баланд дорга осил, токи оёбинг ерги тегмасин, дейдилар, бой! – Ашурмирзо қиқирлаб кулди.

Бу «самон» Тешабой бўғзидан жуда силлиқ ўтди. У ўзини тутолмай иржайр эди.

– Илоҳо айтганингиз келсин, мирзом, – деди у, Ашурмирзонинг оғзини ўпиб олишга сал қолиб. – Нафсиламрга, ўрис заводчилари бизни ёмон илғашади. Қисталоқлар ўзим бўлай дейишади-да. Ҳаққулрост, подшоданку ёмонлик кўраётганимиз йўқ, лекин заводчилар бизни еб ташлашяпти. Шуниси алам қилади, мирзом! Қани энди ўша балоҳўрлардан қутулсагу, ҳамма завод-фабрикалар, савдо-сотик, ер-зироат ўзимизнинг қўлимизда бўлса! Хоҳласак унақа завод қурсак, хоҳласак бунақа! Бўпти, нима десангиз шу.

Ашурмирзо уни елкасидан аста ушлаб ўзига тортди.

– Мана энди ўзингизга келдингиз, бой!

Иккови, икки банги сингари, анча хаёлга берилди, Бирининг оғзидан бол томса, иккинчисиникидан шакар тўкилар эди. Сандал қўрига қўйилган иккинчи чойнак бўшади ҳам, лекин кўкнори хаёл тугамади. Охири гап айланиб келиб яна Оқчуринда тўхтади.

– Шу болани тузук дедингиз-а?

– Жуда яхши бола, – деди Тешабой.

– Менга ҳам шундай кўринди. Ишчиларнинг ёнини босяпти, ишчилар ҳам бунинг чизигидан чиқишмаса керак. Нима дейсиз?



– Тўғри, ишчилар мендан кўра унга кўпроқ ишонишади.

Ашурмирзо, тили учида турган гапни айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмаган киши сингари, ўйланиб қолди. Тешабой унинг кенг, силлиқ пешонасида терилган тирицларга тикилиб, оғзини пойлади. У аста бошини қўтариб, Тешабой кўзларига тикилди.

– Оғзи маҳкамми?

– Бунисини билмайман, лекин бировнинг гийбатини қилмайди-ю. Нима эди?

Ашурмирзо дарди офир кишининг ҳасратига ўхшатиб гап бошлади:

– Ялангоёқларга, айниқса ишчиларга сўзи ўтадиган шунақа одамлар зарур-да бизга! Ҳозир анча-мунча қурол йиғиб қўйдик, лекин уни қўтарадиган одам йўқ.

– Унчалик эмас, йўқ деб бўлмайди, бор, аммо жуда оз, бармоқ билан саналадиган. Инқилоб дарё-дарё қон, талай-талай жон талаб қилади, у қуролсиз, курашсиз бўлмайди. Айниқса, бизнинг инқилобимиз. Қаршимизда бир эмас, икки душман. Бири Николай, иккинчиси – болшавой.

Тешабой, бу сўзни энди эшитишимиди ё қулоғига чалинган бўлса ҳам, эътибор қилмай келганмиди, тангирқаб сўради:

– Болшавой ким?

– Сабр қилсангиз, билиб қоласиз. Ҳали улар билан кураш катта бўлади. Ҳозирча ҳалиги нўғой бола тўғрисида гаплашиб олсак. Менга қаранг, Тешабой, шу болаани пул биланми ё бошқа йўл биланми қўлга олсак жуда яхши бўларди. Ўрисчани биладимми?

Тешабой ҳиринглаб кулди.

– Билиш ҳам гапми, ичиб юборган.

– Жуда бопта экан. Гаплашиб кўринг, лекин ниҳоятда эҳтиёткорлик билан. Ҳа, ниҳоятда эҳти-

ёткорлик билан! Аммо қулофингизда бўлсин: ташкилот борлигини, катта ҳаракат бошлаб юборилганини зинҳор оғзингиздан чиқарманг. Ҳозир ҳўп, деб кейин айниб қолса, Худо кўрсатмасин, ҳа...

– Борди-ю, менга ҳўп деб қўйиб, тўғри ҳокимга арз қилса-чи? – деди Тешабой, бу ўйдан юраги чиқиб.

Ашурмирзо Тешабойникига ўхшатиб ҳиринглади.

– Қўрқманг, ҳоким ўзимизнинг одам.

Тешабой кўзлари ола-була бўлиб кетди.

– Йўғ-э?!

– Ҳа.

– У ахир ўрис-ку?! Биз ўрисларга қарши курашамиз деяпсизу.

Ашурмирзо ўз уддабуронлигининг тантанасидан ҳаволанган киши сингари нашъа қилиб кулди.

– У даставвал ҳоким, яъни подшо амалдори, ана ундан кейин ўрис. Ўрис бўлганда ҳам шунақасиданки, Худосиям, пайгамбариям – пул! Э, пул нималар қилмайди, бой! Кеча олдингизга тиллани сочиб қўйсам, кўзингизнинг соққаси ўйнаб кетди! У ҳам сизга ўхшаш пулни яхши кўради. Ҳа, ўлгудай яхши кўради.

Тешабой пахтасини сотгани кирганда, ҳоким: даромадингизнинг тўртдан бирини келтириб берасиз, деб туриб олганини эслаб, калласини ликилатди. Тўғри айтдингиз, пулни ўлгудай яхши кўради, – деди. Кейин гоҳ масхарали кулиб, гоҳ оғир туриб, ҳоким кабинетида бўлган савдони ҳикоя қилиб берди.

Ашурмирзо худди малол келаётгандай ўтириб эшитди. Гоҳ эшикка қарар, гоҳ соат занжирини ўйнар, гоҳ нон ушоқларини суриб турмоқчи бўларди. Ҳикоя битар-битмас, чўнтак соатини олиб қаради.

– О, пешин бўлиб қолибди-ку! Жўнашим керак.

Тешабой рухсат бермади.

– Қимирламайсиз, мирзом. Овқат бўляпти. Фосиҳ афанди ўз қўли билан қияпти, ҳа, емай кетсангиз у ҳам хафа бўлади.

Ашурмирзонинг шу маҳалгача кетмаганлигининг сабабларидан бири иссиқ овқат еб кетиш эди. Шунинг учун ялантириб ўтирмади.

– Хайр, иссиқ овқат – танга роҳат, – деди-ю, у бирдан жиддий тус олиб Тешабойга тикилди. – Фосиҳ афандидан огоҳ бўлинг. Ҳозирги гапларимизни зинҳор унга айта кўрманг. Ҳа, оғзингизда қулф бўлсин! Баъзи маълумотларга қараганда у подшо жандармасининг хуфийаси эмиш.

– Йўғ-э?!

– Ҳа, буни ҳам ўзига сездирманг.

– О, лаънати!

Даҳлизда оёқ шарпасини эшитиб, Ашурмирзо гапини тўхтатди. Бир неча зумдан кейин Фосиҳ афанди хитойи товоқда ҳовури гупилаб чиқаётган иссиқ овқат кўтариб кирди.

– Мирзом, қорнингиз жуда очгандир? Ўз қўлим билан аччиқ шовла қилиб келдим.

У дастурхон устидаги овқатларни бир четга жиладриб товоқни қўйди-да, даҳлиздан обдаста билан дастшўй киритиб, Ашурмирзо қўлига сув берди.

Тешабой заводга дарров чиқиб келмаса, бўлмаслигини айтиб, қўлини юлмади. У: «Сизлар бемалол тушираверасизлар, мен тез қайтаман», деб чиқиб кетди. Ашурмирзо товоқнинг ўзига рўпара қилиб қўйилган томонини улардан пинҳона Фосиҳ афанди ўтирадиган томонга буриб қўйди. У ўз олдига заҳар солинган бўлишидан қўрқар эди.

– Қани, олсинлар, мирзом. Ташқаридан келгунча совуб ҳам қолгандир, – деди Фосиҳ афанди, ўнг қўли билан уни товоққа таклиф қилиб. Ашурмирзо қўлини шовлага урди-ю, яна дарров тортиб олди:



— Бай-бай-бай! Иссиқлигини қаранг-а! Мен унча иссиқ еёлмайман. Қани, олаверасиз, афандим, мен орқангиздан етиб оламан.

Фосиқ афанди ёғоч қошиқ билан аввал Ашур-мирзо олдини, кейин яна ўша қошиқ билан ўз олдини у ёқ-бу ёқ ёйиб совутди. Ашурмирзо унинг юз-қўлига тикилиб турди. Унда гумон туғдирадиган ҳеч қандай ҳаяжон, безовта йўқлигини кўргач, Ашурмирзо ҳам уч бармоқлаб шовлани тушира кетди. Пўстдумба билан ичак аралаштириб, хуш-хўр пиширилган шовла аччиқ қалампири билан оғзини куйдириб ўтган сари Ашурмирзо заҳар ваҳмини унутиб, ҳаш-паш дегунча товоқнинг ярмига борди. У боя Тешабойга таъкидлаган гапларини Фосиқ афандига ҳам такрорлаб ўтирди.

— Биз миллатимизнинг сизга ўхшаган умидли зиёлиларини ташкилотга тортишимиз керак эди. Аммо кечаги калтабинлигингиз, хафа бўлмайсиз, очикроқ қилиб айтаман, ҳафтафаҳмлигингиз мени эҳтиёт бўлишга мажбур қилади. Ҳолбуки, мен сизни ташкилотимизнинг бош муншиси қилиш, ҳатто пул, маблағ калитини сизга топшириш фикрида эдим.

Фосиқ афанди, хазина калити қўлидан чиқиб кетишидан кўрқиб, дарров чап қўлини кўксига босди.

— Узр, мирзом, узр! Минг марта узр. Кеча билмай мен босиб олган тикан оғриғи — қалбимда. Пушаймоним чексиз. Билмадим, мен сизда қачон бўлса ҳам яна ўзимга ишонч туғдира оламанми, лекин бу катта ҳаракатга ўз ҳиссамни қўшиш бахтидан мени маҳрум қилмаслигингизни мутеона илтимос этаман.

— Баракалла! Сиздан ўзга жавоб кутмаган эдим. Хурсандман. Хўп, шу дамдан бошлаб сиз ташкилотимиз аъзолари рўйхатидасиз. Расмий томонларини ўз жойида қиламиз. Огоҳ қилиб қўяй: эҳтиётсиз ҳаракат оқибати бош кетиши билап натижаланади. Босадиган қадамингиз, оғиздан чиқадиган сўзин-



гиз боқивоғи маҳкам бўлсин. Кўза синса синсину, суви тўқилмасин! Вазифа – ишончли одамларингизга қармоқ ташлаш. Ҳа, қармоқ ташлаш! Чўқиса – бери, чўқимаса – нари. Ўнг қулоқ, сўл қулоғингизда бўлсин: ташкилот аъзоси эканингизни, ташкилотда кимлар борлигини ҳеч кимга, ҳатто Тешабойга ҳам гулламанг! Баъзи маълумотларга қаралганда Тешабой ҳоким билан махфий алоқада эмиш.

– Йўғ-э?!

– Ҳа, ҳатто ҳокимнинг хуфияси деган миш-мишлар бор. Ҳа, буни ҳам ўзига сездирманг. Сиздан кўпроқ талаб қилинадиган нарса – миллий руҳда шеърлар ёзиш, уларни газеталарда, масалан, «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон» газеталарида тез-тез бостириб туриш. Иложи бўлса миллатни уйғотадиган, уни қўзғатадиган шеърларингизни ёзма шаклда дўстларингизга тарқатсангиз, токи улар гапларда, гурунгларда, маърака, тўйларда одамларга ўқиб беришса. Нима дейсиз, афандим?

– Бош устига, мирзом, бош устига!

Ашурмирзо хурсанд иржайди.

– Сиз озод Туркистонимизнинг отахон шоири ҳамда... биласизми, кими бўласиз?

– Йўғ-а, тақсир.

– Маориф нозири бўласиз!

Фосих афандининг қурушқоқ оғзи танобини узиб, қулоқларига қапишди. Ашурмирзо қўлини артиб ўрнидан турди.

Йигирма олтинчи боб

Муштипарлар

Бўлди-бўлди, ҳамма бало Ҳамидаҳонга бўлди. Бир томонда синглисининг аҳволи, бир томонда, жигаргўшасининг турмада ноҳақ қақшаб ётгани, яна бир томонда, Тўтиси – севгили жиянгинаси –



ному нишонсиз йўқ бўлиб кетгани қон тизғиб, жароҳат босиб ётган хаста дилига минг бир ништар бўлиб санчилади.

Мана, бугун ҳам Ҳамидахон Жамиласи – сўлиб, сўлиб қолган дилгўшаси олдига қалб тўла фарёд билан зору зор йиғлаб келди. У дарров елкасига оқ халат илиб, Жамила палатасига кирди. Кирди-ю, Ольга Петровна у ерда кўриб, хўнграб йиғлаб юборди.

Жамила ким келди, ким хўнграб йиғлар эди – билмас, кўзларини қадаб олган нуқтасидан узмасди.

Ҳамидахон Ольга Петровна кучоғидан аста чиқиб келиб Жамиласини кучоқлади.

– Мен келдим. Мен. Танияпсизми, айланай? Мана, Олияхон опангиз ҳам шу ерда. Қаранг, жоним, қаранг. Ана, сизни кўргани келибди.

Жамила на бағир ҳароратини сезар, на дил ноласини эшитарди. Ҳамидахон калласини сараклаб яна йиғлашга турди.

– Жамилам, оппоғим, мени танимадингизми? Мен опангиз, дилпорангиз, шўрлигингизман! Ё Худо! – У ўз пешонасига бир мушт уриб яна хўнгради.

Ольга Петровна, Ҳамидахонга сездирмасликка тиришиб, оқ батист рўмолчаси билан гоҳ кўзларини, гоҳ бурнини артарди. Ҳамидахон йиғлаб туриб синглиси оғзига овқат сола бошлади.

– Жиндак енг, айланай, жиндак. Ҳа-ҳа! Сову-масдан туриб еб олинг, оппоғим. Мана, қумфонда чой ҳам олиб келдим. Чой қуйиб бераман...

Ҳамидахон ҳар кун шу тахлит овқат егизар, Жамила эса ютганини билмай беҳис ўтирарди.

– Уззий кун аҳвол шу, айланай, – деди Ҳамидахон, Ольга Петровнага термилиб. – Дурустроқ овқат еса ҳам майли эди, мана шунақа: икки-уч ютади-ю, кейин оғзини очмай туриб олади. Нима қилишимни билмай қолдим.



Нима қилиш кераклигини Ольга Петровна ҳам билмас эди. У ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

Ҳамидахон овқатни бир четга сурди.

– Келинг, Олияхон, сиз у биқинидан ушланг юргизамиз. Мен ҳар кун шундай қиламан. Юргизиб турмасам, оёқлари тараша бўлиб қолади.

Иккаласи Жамилани биқинларидан ушлаб юргизмоқчи бўлишди. Лекин у оёқларини қимирлатолмай тиззаланиб қолди. Оёқларида жон қолмаган эди.

– Қўйинг, қийнамайлик, опа. Ўзи зўрға турибди, – деди Ольга Петровна, юраги эзилиб.

Жамилани яна жойига ўтқазишди. Ҳамидахон офир мушкулдан қутулиш йўлини тополмаган ожиз хокисорлиги билан:

– Кундан кунга аҳволи офирлашяпти. Олиб кетмасам бўлмайди шекилли, айланай Олияхон! – деди.

Ольга Петровна, муштипар опанинг ғам-ҳасрат тўла кўзларига кўзи тушса йиғлаб юборишдан кўрққандек, Жамилага қаради. У яна боягидек ғариб боши тиззалари орасида бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Жамила бирдан сесканди, хавфни сезган тов эчкисидек бошини ирғади.

Икки чуқурча ичидаги нурсиз кўзларида ғалати ўт ёнди, чўпдан ясалганга ўхшаш қоқ бармоқлари патак сочларига суқилди, қўғирчоқ гавдаси даҳшатли ваҳм билан орқага отилди, – миаклари, танглайи оп-оқариб кетган каттакон оғзи бесўнақай очилди.

– Илон! Қора илон! Чумчуқ боласини еб қўйди! Боламни... Тўтимни... юрак ўтимни... еб қўйди! Еб қўйди!..

Ҳамидахон дарров келиб Жамилани қучоқлади.

– Илон йўқ, илонни Дилшодбек ўлдирган, айланай! Қўрқманг, Жамилахон, қўрқманг, айланай! Ёнингизда биз ўтирибмиз, оппоғим! Мен, Олияхон



опангиз... Уйга кетасизми? Олиб кетайликми, а, жонгинам?

Ольга Петровна дарров бемор ёнига тиз чўкди.

– Сизни олиб кетгани келдик, Жамилахон. Мени танияпсизми? Мен Олия опангизман. Қани, қани, ҳа, ана танидингиз. Танидингиз, а?

Жамила ичига ўт кетгандек, қизиб, куйиб борди. Нукул ҳансирар, оғзидан ўт тафти чиқар эди.

– Бўлмайди, олиб кетамиз, – деди Ольга Петровна, ўрнидан аста туриб. – Кеча доктор опани кўрувдим, у ҳам шу маслаҳатни берди. «Бу ерда ётаверганининг фойдаси йўқ. Кўрмаган тадбиримиз қолмади. Ким билсин, уйига борса балки яхши бўлиб кетар», дейди. Олиб кетамиз-а?

Ҳамидахон кўзларига яна ёш келди.

– Умрингиздан барака топинг, айланай Олияхон! Биз муштипарларнингки бошимизни сийлапсиз, сизникини Худо сийласин...

– Қўйинг унақа гапларни, опа. Бўлмаса, сиз Жамилахоннинг нарсаларини йиғиштиринг, мен доктор опага учраб, кейин кўчадан извош топиб келай.

Ольга Петровна, пальтосининг ёқа тугмаларини қадаб, шахдам чиқиб кетди.

Икки соатчалардан кейин Жамилани кўрпага ўраб, касалхонадан олиб чиқишди. Қиш қиличини суғурган пайтлар бўлса ҳам, гардсиз, булутсиз осмон жанубида бефарқ сузиб бораётган мис ранг қуёш оппоқ қор зарраларида товланар, оз бўлса ҳам баданга ҳарорат, жонга роҳат берарди. Лекин Жамила бунга сезмади. Жамилагина эмас, унинг икки биқинида ушлаб извошда ўтирган Ольга Петровна ҳам, Ҳамидахон ҳам сезмади. Буларнинг бутун ўйлари, фикру зикрлари бемурувват тақдир муждасида эди. Ольга Петровна доктор опанинг сўзини эслаб: «Уйига боргандан кейин яхши бўлиб



кетсин-да, бечора», деб ўйласа, Ҳамидахон чилёсин ўқитиш, кўчиртириш, жонлиқ сўйдириш фикри билан банд эди.

Икки аёл Жамилани икки ёнидан суяб Дилшодларникига олиб кирди. У ҳамон бефарқ, беҳис эди. Қаерга кирганини, қандай кирганини сезмади. Ҳамидахон сингисини сандалга ўтқазиб ўтини кавлади. Ўт ўчган эди.

– Мен дарров ўт қилай, Олияхон. Сиз ўтиринг, чарчадингиз, айланай, – деди у, Ольга Петровнани кўярда қўймай сандалга ўтқазиб.

У даҳлиздан тараша келтириб, дарров ўт ёқиб юборди. Уй ичига сариф ёғду, илиқ югурди. Кейин пидираб юриб дастурхон солди. У сингисини уйига келтириб олганидан беҳад хурсанд бўлди.

– Илоя айтганингиз келиб, яхши бўлиб кетсин-да! Бечоранинг пешонасида шунча шўр бор эканми-я! Ўзи шу аҳволга тушганига яраша қизи ёнида бўлмайдими! Шунисига куяман, айланай Олияхон!

Ольга Петровна, Жамиладан пича кўнгли тинчиб, энди Тўтиқизни сўрайман деб турган эди. Дарров ундан гап очди.

– Ҳали ҳам дараги йўқми?

Ҳамидахон яна йиғлашга турди.

– Йўқ-да, айланай, йўқ! Вой мен ўлай! Қайси бирининг дардини тортишимни билмайман! Бир ёқда акам овора, яна бир ёқда амакиси, аммалари...

– Менинг ҳам бошим қотиб қолди. Наҳотки типпа-тирик одам сувга тушган тошдай йўқ бўлиб кетса-я! Биз ҳам тек ётганимиз йўқ, опажон. Фуломжон ўзига яқин одамлар орқали, мен жандармадаги бир танишим орқали қидиртиряпмиз. Изи йўқ! Айтмоқчи, отаси нима дейди? Сўраб кўрмадингларми?

Ҳамидахон ўтирган ерида икки кўлини тиззаларига шапиллатиб урди.

– Вой у ота бўлмай қора мозорга борсин! На қизи парвойига келади, на шўрлик хотини! Қорасини кўрсатмайди, йигит ўлгур! Қайси куни Дилшод-бекнинг дадаси кўчада кўрибди. Яп-янги извошда жиртгайиб кетаётган эмиш. Яна усти-бошини айтмайсизми! Миркомилбой унинг олдида қоранда дейди. Тавба, Тешабой қарзини қистаяпти деб ўларини билмай юрган кафангадо извошни нима-сига олибди?

– Ўзиники эмишми? – деб сўради Ольга Петровна, ишонмай.

– Ҳа, Ҳусниддин ўзиники дейди-ю. Ё... – Ҳамидахоннинг кўзлари миясига келган ўйдан олайиб кетди. Ё Тўти шўрликни Тешабойга сотдимикан-а? Ҳеч кимга билдирмай ўша муттаҳамникига элтиб ташлаган бўлса-чи?

Ольга Петровна калласини сараклади.

– Элтиб ташлагани йўқ. Буниси аниқ. Элтиб ташласа, бизга маълум бўларди. Ахир у ерда одамларимиз бор. Лекин сотганми, йўқми, бунисини билмайман.

Иккаласи Тўтиқиз, Дилшод, Жамила тўғрисида узоқ гаплашиб, ҳасратлашиб ўтирди. Ҳамидахон Ольга Петровнанинг кўнмаганига қарамай озгина пиёва шўрва қилди. Ольга Петровна шўрвадан кейин узр сўраб чиқиб кетди. Ҳамидахон эса каттакон қозонда сув иситиб, сингисини чўмилтириш, сочларини ювиш ҳаракатига тушди.

Йигирма еттинчи боб **Яна бир муштипар**

Тўтиқиз эркин, осуда парвоз истаб ўзини қафас тўрларига урган қуш сингари, кўрадан, тутқунлик кулбасидан қутулиш пайини излаб ўзини ҳар ён уради. Гоҳ отасининг оёқларига йиқилиб: «Уйга



олиб кетинг, жон дада!» деб ялинади, гоҳ Ҳожи холага тавалло қилиб: «Бувимга хабар қилинг, жон хола!» деб ёлворади. Лекин на ундан ун чиқади, на бундан! Ана шундан кейин у бутун аламини йиғидан олади: ўтириб йиғлайди, туриб йиғлайди, юриб йиғлайди.

Нима қилсин? Ётса бошида, турса қошида, юрса ёнбошида ҳамиша қора соядай аримаган Ризвон кампирга ҳасрат қилсинми?

Тўтиқиз бу бағритош кампирни ҳар хил йўллар билан эритишга ҳаракат қилиб кўрди. «Агар мени уйимга элиб қўйсангиз ё шу ердалигимни бувимга хабар қилсангиз, нимаики талабингиз бўлса хўп дейман. Бувим келинчаклигида таққан марварид-маржон бор. Қутисида, менга атаб қўйган. Хўп десангиз, хизматингизга ўша маржонни берай. Доналари маккажўхори доналаридай катта-катта. Жон хола!» – деб у бир неча бор ялинди.

Лекин Ризвон кампир девор каби соқов, тош каби қаттиқ эди.

Ризвон кампирдан садо чикмагандан кейин Тўтиқиз қўрадан қочиш пайига тушди. У қаердалигини, қандай қочишлигини билмаса ҳам, эртаю кеч шунинг пайида бўлди. Ризвон кампир эса ҳамиша хушёр. Тўтиқиз юрагида етилиб бораётган ўйни сезиб тургандек, кечалари мижжа қоқмай, кундузлари ёнидан жилмай уни пойлайди.

Бир кун Тўтиқиз ўзига жуда ҳам нозик кўринган бир ҳийлани ишлатди. Ташқарида лопилаб қор ёғар, иккаласи иссиқ сандалда у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди. Тўтиқиз бирдан бошини қашиб:

– Холажон, бекор ҳам ўтирибмиз, бошимни бир боқиб қўймайсизми? Қичишиб ўляпти, – деди.

Ризвон кампир тўнғиллаб берди:



— О, қўйсанг-чи, қизим! Кундузи, ёруғда кўзим ўтмайди-ю, кечаси, мана шу пилпиламай ўлгур чироқда ўтадим!

Тўтиқиз бахтиёр кунлардагидек шарақлаб кулди.

— Вой ўзимнинг холамдан айланай! Кўзим шу-нақа хира денг? Хўп бўпти! Бўлмаса мен сизникини боқиб қўяй. Келинг, мана бу оқ ёстиққа бошингизни қўйинг. Хоҳласангиз битта ҳикоям бор, айтиб бераман. Хўпми?

Ризвон кампир зўрға ўтирган эканми, дарров сандал четидаги ёстиққа ёта қолди. Тўтиқиз тоқчадаги чироқни сандалга келтириб, пилигини кўтарди. Кампирни Тўтиқизнинг ҳикоясини эшитишдан кўра бошини боқтириш кўпроқ бетоқат қила бошлаган эди. Не ажаб, Ризвон холанинг дунёда энг яхши кўрган нарсаси у ҳам бўлса бош боқтириш эди. Кўпинча бошини ювиб, сочини тоза сақлаб юрса ҳам, яна бош боқтирар, бунинг лаззатидан кўзлари юмилиб, ширин уйқуга кетарди. Агар шу дамгача Тўтиқизга бош боқтирмай келаётган бўлса, ухлаб қолишидан қўрққани учун эди. Ҳозир эса бошқа гап. Ташқарида қор лопиллаб уряпти. Дала йўлларида тугул, кўрада одам юролмайди. Ҳамма ёқ тиззадан қор. Шундай пайтда Тўтиқиз қаерга қочади-ю, қандай қочади? Йўқ, у мўмин қиз. Бунинг устига яна эзилиб, ҳориб, толиб юрибди. Қочиш у ёқда турсин, миршаб кўриб қолади, деб дарчадан мўраламайди-ю...

Тўтиқиз юмшоқ, нозик бармоқларини кампир сочлари орасида ғивирлатиб қўйиб ҳикоясини бошлади. Лекин бу ўзгалар тўғрисидаги ҳайрат эмас, ўз дарди аламлари тўғрисидаги ҳасрат эди. У шу ҳасрат дафтарини очди:

— Сиздан яширадиган сирим йўқ, холажон. Юрагимда нимаики бўлса, ҳаммасини айтаман. Оқизмай-томизмай айтаман. Нима қилай, юрагим



сиқилиб кетди. Лекин сиз мени маҳмадона ё уят-сиз қиз экан деб ўйламанг. Шу вақтгача ёрилмай келган бўлсам, сизда шунақа фикр туғилишидан кўрқиб ёрилмай келар эдим. Ҳа, бу гапимга ишонинг. Мен на тилёғламаликни, на ёлғончиликни биламан. Одам қадрини ерга урадиган, одамни абгор қиладиган пасткаш нарса ёлғончилик. Шунинг учун Дилшод акамни ўша хатидан кейин ҳам яна аввалгидай, балки ундан ортиқ севаман десам, зинҳор ёлғонга йўйманг. Муҳаббат инсон ҳисларининг энг гўзали, энг ширини эмиш. Мен бу фикрни қайси бир китобда ўқиб эдим. Лекин у вақтлар бу дурдоналар маъносига тушунмаган эканман. Энди билсам, о, шундай қудрат эканки бу муҳаббат, тамом вужудимни эгаллаб, ўтдан олиб ўтга салади мени.

Муҳаббатни нафрат билан ҳамсоя дейдилар, яъни хорланган муҳаббатнинг нафратга айланиши тез эмиш. Йўқ, мен бу ақидага қўшилмайман. Агар муҳаббат чин бўлса, Лайлолар, Ширинлар муҳаббати каби соф бўлса, у ҳар вақт ўз нуқралигида қолади. Ҳар ҳолда мен шундай деб ишонаман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар шундай бўлмаса, Дилшод акамнинг «уч талоқ қўйдим» деб ёзган хатидан кейин ундан нафратланишим, юз ўтиришим керак эди. Нечун ўтиролмадим? Қалбимдаги севги ҳисларим нечун сўнмади-ю, авж олди? Демак, менинг муҳаббатим ўткинчи бир ҳавас эмас, балки ўзим билан бирга етилган, бутун вужудимга томир ёйиб юборган куч экан. Шундай муҳаббат асири бўлиш нақадар бахт эканини қани энди бизни шу кунларга солганлар тушунишса!..

Тўтиқиз, ўз ярасини ўзи шилиб қўйиб, ёнида бош боқтираётган кампирни ҳам, қочиб ҳаракатида эканини ҳам эсдан чиқарди. У куйиб-ёниб гапирар, ҳар дам чуқур хўрсиниб, кўзларига ёш оларди.



– Севганинг вужудингда, жонингда яшармиш. Жон эгаси сен эмас, севганинг эмиш! «Дилшод сени яхши кўрса, бу хилда хат ёзмас эди» дедингиз. Ҳа, мени юпатиш учунми, ё ундан совутиш учунми, неча бор шундай дедингиз. Лекин бу даҳшатли хатни у ўз қўли билан бердими ё бу хунук сўзларни ўз оғзи билан айтдими? Йўқ! Уни менга бегона қўл келтирди. Севги куртакларимиз бирга-бирга очилган баҳоримизда деган сўзлари, ичган онтлари, ажабо, бир хулё ё риёмиди? Йўқ! Мен уни, муҳаббатини, виждонини, софлигини билардим, билганим учун севардим, севганим учун қувонардим. Мана энди ўзингиз ўйлаб кўринг: севганимдан айрилиб, ғариб бошим ерга эгилган шу бахтсиз кунларимда уни бағримдан нечун юлиб ташлай? Нечун бағримни жон томиридан, амридан жудо қилай? Йўқ! Агар мен шунча хўрлик, шунча зорлик азобига бардош бериб келаётган бўлсам, Дилшодимдан умидворман. Ҳа, умидворман, холажон! Нодирабегим: «Ёрнинг васли бўлмас озорсиз, гулшан ичра гул топилмас хорсиз», деб бежиз айтмагандир? Ҳа, васл йўлида беқарор талпиниб озор кўраётган мунгли қалбларимизга хор санчилган пайт ҳозир! Ҳа! хор санчилган пайт.

Ризвон кампир сочлари орасида сеҳрли гивирлаган нозик бармоқлар алласи билан аллақачонлар ухлаб қолган эди. Тўтиқиз ўз дардлари чоҳида қон ютиб ўтиргани, хаёли уни узоқларга, турмадаги Дилшоди қошига олиб кетгани учун буни пайқамади. У, кампир қулоқ солиб ётибди деб ўйлаб, ҳасрат дафтарини ҳамон варақлар эди.

– Турма қанақалигини билмайман. Лекин бизнинг тилимизда зиндон, дегани шу бўлса унда тўкилган кўз ёшларини, сувсизликдан, нурсизликдан қуриган ниҳоллар сингари сўлиб, қуриб кетган шўрликлар тўғрисидаги аламли дoston-



ларни биламан. Менинг Дилшодим ҳам зиндонда! Ё Олло, бу қандай даҳшат, бу қандай ваҳшат! Яйловда яйраб-яшнаб юрган бахтиёр, диловор кунларимиз қани? Қани у меҳригиёҳим, севгили Дилшодим?! Нечун у зиндонда қон-қақшаб ётиши, ҳаво кўрмай димиқиши, нур кўрмай сўлиши керак? Қандай гуноҳ, қандай жиноят жазоси бу?! Ажабо, бир-биримизни севганимиз учун, эркин севги сари талпинганимиз учун шунча азоб? Йўқ, холажон, севиш гуноҳ эмас, севги йўлини тўсиш гуноҳ! Ҳа, севги йўлини тўсиш гуноҳ. Менки шу кўрада ўтириб, юрган йўлларимни, ўйнаган кунларимни қўмсаб қон бўламан, тор, қоронғи зиндонда Дилшод акамнинг ҳоли не кечяпти? Биладим, холажон, билмадим! Зиндонда ётган бахти қаролар шўрини, зиндонда ётганлар билади. Биз билмаймиз! Йўқ, биз билмаймиз! Тўтиқиз ҳушини хаё олиб кетди. У киши хотирида абадий сақланадиган нодир бир воқеани эслаб ҳузур қилаётгандек туюлар эди. Бир неча зум сукут этди. Кейин, қачонлари тўхтаб қолган бармоқларини яна кампир сочига суқиб, сўзини улаб кетди.

– Ёшликдаги шўхликларим эсимга тушди. Қаранг, куз кезлари ёмғир ёғса – йўллар лой, совуқ тушса – ер қатқалоғу, мен лой шалолатиб, қатқалоқда музлаб юраман... На ивишдан қўрқаман, на ушишдан. Бувим бечора орқамдан югургани югурган. Усти бошим шалаббо ҳўл, оёқларим лой – мени шу аҳволда тутиб келади-ю, кийимларимни ечиб ташлаб, дарров оёқларимни ювади, бағрига босиб эркалайди, иситади, лекин сўкиш ё қарғаш у ёқда турсин, қаттиқ гапирмайди. О-о, қаерда қолди менинг меҳрибон бувим? Қон йиғлаб, қон қусиб ўтирмаганмикан бечорам?

Қачондан бери пишиллаб ётган Ризвон кампир оғзидан ҳайбатли хуррак отилди. Бу қўққисдан



портлаган хунук хуррак Тўтиқизни чўчитиб юборди. У ялт этиб кампир юзига қаради-ю, қотиб ухлаётганини кўриб, дарров ўрнидан турди. Кампир шарпани сездими ё ўз хуррагидан уйғониб кетди-ми, кўзларини уйқу аралаш очиб, Тўтиқизга қаради: «Ҳа, сенмисан?» деб бир тўнғиллади, кейин яна кўзларини юмиб олди.

Тўтиқиз дарров кампир ёнига келиб ўтирди. Юраги ёмон дукурлай бошлади. У юрак дукурим кампирни уйғотиб юбормасайди, деб қўрқар, ўзини босишга, кўксини ундан узоқроқ тутишга тиришарди. У гоҳ зулфини илиқлик дарчага қарайди, гоҳ ўзини ухлаганга солмаяптимиқан, деб кампирнинг ажин босган қуришқоқ бетига тикилади. Яна нозик бармоқларини сеҳрли бир ҳаракат билан соч орасида ғивирлатади. Бу ғивирлаш Ризвон кампирга ҳар қандай кўкнори, ҳатто қора дори кучидан ортиқ таъсир этади.

Бир неча дақиқадан кейин у яна донг қотиб ухлаб қолди, оғзи худди ҳимарилган эски линча оғзидай очилди. Тўтиқизнинг бесаранжом дукурлаётган юраги бўғзига келиб тикилди. Неча вақтлардан бери қалбида талпинган орзу энди ушалиш фаслида эди. Бу фасл вужудига ваҳм қалтироғи юборди. У худди безгак тутаётгандек қалтирарди. Тўтиқиз шу ваҳм, шу қалтироқ билан яна ўрнидан турди. Юраги ҳамон дукурлар, ваҳм ҳамон қийнади. Бир зум, балки бир неча зум шу алфозда қимирлаёлмай турди. Кейин сарғайиб қолган онаси, турмада қақшаб ўтирган Дилшоди кўзига кўринди. Бу кўриниш юрагидан бошлаб бутун вужудига алап қудратини берди. Кампир уйғониб қолишидан ҳам, адаштирувчи кеча ваҳмидан ҳам қўрқмай, у ўзини ташқарига урди. Дарчани у ёқдан занжирлаш, оёқларига иссиқроқ нарса кийиш ҳам эсига келмади. Эски калишини оёқларига илиб, қорнинг



қалинми, юпқалигини фарқ қилмай, қўра эшиги-га қараб югурди. Биринчи қадамидаёқ ичига қорлиқ тўлиб олган йиртиқ калиш ҳисобга олинмаса, у яланг оёқ, яланг бош, юпун эди. Лекин у на оёқлари музлаганини, на сочларига қор тушиб эриганини биларди. Ичида ўт, оғзида ҳовур. У ҳансираб, ҳарсиллаб келиб қўранинг ичкарасидан танбаллаб қўйилган шалоқ эшигини жон ҳаллида очди-ю, орқа-олдига қарамай илгари югурди. Қишлоқ қўрадан узоқда, у қор ойдинлигида кўзга зўрға чалинади. Атроф эса қор, қор, яна қор. На сўқмоқ бор, на арава йўли. Ҳаммаси қор тагида. Тўтиқиз озодликнинг телба қилувчи бахтидан маст, ҳеч нимани кўрмайди. Югуради, йиқилади, туради, яна югуради. Қишлоқ эса яқинлашиш ўрнига узоқлашаётгандек туюлади. Лекин Тўтиқиз етиб олишига гумон қилмайди. Ҳали кучи кўпдай, йўлида тор бўлса, ундан ҳам ошишга қодирдай сезади ўзини. Шунинг учун тинмай, тўхтамай югуради. Нафаси оғирлашиб, бадани ўтдай қизиб борса ҳам шахдини синдирмайди. Фақат бир нарса, бир нарса оғирлик қилади. Йўқ, оғирлик қилмайди – ичидан чиқаётган ўтни терга айлантиради, баданига шабада юргизмайди. Ҳа, камзули у. Камзулини ечиб ташлаши керак. Ана унда яна ҳам чакқонроқ, яна ҳам енгилроқ югуради.

Тўтиқиз камзулини ечиб ташлади. Ечиб ташлади-ю, енгиллашганини сезмади, аксинча, қор кўчкисида қолгандек, қадди букилиб, мункайиб колди. Энди оёқлари қалтирар, кадам сайин чалишарди. «Яна озгина, яна озгина юрсам – қишлоқ, Ана қишлоқ, ана, ана!..» У ҳансираб бориб муккасидан қорга йиқилди. Қизиган баданига совуқ қор роҳат берди. У терлаб, қизариб кетган юзини қорга босиб шукуҳ қилди. Бир неча дақиқа беҳол ётгандан кейин тиззаланиб яна ўрнидан турди. Ҳолдан



кетганлигини энди ўзи ҳам сеза бошлади. Оёқларининг қалтираши, мадорининг қуриши ортган эди. Энг сўнгги кучини тўплаб, яна югуриб кўрди. Аммо ўн қадамча чалишиб бориб, яна йиқилди. Бу сафар туришга ҳар қанча уринса ҳам туролмади. Калишлари қаерларда тушиб қолган, яланг оёқларидан бошлаб баданига аста-секин муз кириб борди. Ҳалигина қизиб, ёниб турган бадан совий бошлади. Тўтиқизни элитувчи уйқу босди. У тушидами ё ҳушидами жаврар эди: «Оҳ, қандай кунга қолдим! Энди нима қилдим? Наҳотки қутулдим, деб суюнганларим бекор кетса?! Наҳотки тутқунликдан қутулиб, ўлимга тутилган бўлсам?! Йўқ, ўлмайман! Ўлишим керак эмас! Ахир уйда бувим менга интизор бўлиб ўтирибди. Йўлимга кўзлари тўрт, совинган, сарғайган... Мен-чи? Мен бувимга интизор эмасманми? Бир кўришга ташна эмасманми? Бувимни кўрмай, иссиқ бағрига бошимни қўйма-я... Йўқ... Йўқ... Нима бало, музлаб кетяпман. Ҳа, бувим иситади... бағрига босиб иситади... бечора бувим»...

Йигирма саккизинчи боб **Ким экан қора отанқ?**

Кейинги вақтларда Фуломжоннинг иши шунча кўпайиб кетдики, бош қашишга вақт тополмай қолди. Бир ёқдан, деподаги хизмат вазифасини бажариш, бир ёқдан, ишончли ошнолари орқали маҳаллаларда, гапларда, ўтиришларда тарғибот ишлари олиб бориш, яна бир ёқдан, шаҳар большевик яширин ташкилотининг топшириғи билан тош босмада инқилобий варақалар тайёрлаш, бир киши удда қиладиган кичкина иш эмас эди. У саҳарлаб депога кетганича кечқурун ҳориб-толиб уйига келади-да, наридан бери овқат еб, китоб



ўқишга ўтиради. У энди рус тилидаги сиёсий адабиётларни баҳузур ўқир, ўқиган сари кўзи очилиб, яна-яна ўқишга интиларди. Бир кун Лениннинг: «Кимики социал инқилоб «топ-тоза» ҳолида юзага келади, деб кутса, у ҳеч қачон кутганига эришмайди. У чинакам инқилобни англамайдиган, сўздаги инқилобчидир», деган сўзларини ўқиб, ўйланиб кетди. Бу ўй уни узоқ ўтмишга, Қорабулоқда кечирган қора кунларига келтириб ташлади. «Тавба, хўп содда эканман. Бечора халқнинг зулм чоҳида инграб ётганини кўриб йиғлабман! Гўё йиғимдан халққа наф келадигандек. Йўқ, йиғлаш эмас, курашиш, шафқатсиз бўлиш, халқ қонини ичаётганларнинг қонини тўкиш керак экан. Начора, кеч англадим, кеч!..»

Инсон ҳаётдаги ўрнини, ҳаётда ундан талаб қилинадиган бурчини англаб олгандан кейин, шу дамгача ўтган умри учун ачинади. Бу ачиниш умидсизликка туширмайди, аксинча, зое кетган умри учун яна ҳам кўпроқ жонбозликка, фидокорликка етаклайди. Фуломжонда ҳам шундай бўлди. У энди қасос йўлини, кураш йўлини билмай, ожизликдан йиғлаб юрган бир маҳалги Фулом қори эмас эди. Энди у бардам оёқларида маҳкам турган, ақли тинган, ҳақиқат тантанасининг оғир йўлини яхши билган кучли инқилобчи эди. У ҳар неки ҳаракатда бўлса ҳаракати ўзига оз кўринарди. Ҳатто мунтазам босиб, мунтазам тарқатиб турган варақалари, оғзаки тарғиботлари халқ оммаси онгига баҳор насимси каби сарин тушунчалар олиб кираётган бўлса ҳам, яна қаноатланмайди. У ҳамма вақт халқни барала қўзғатадиган каттароқ, қудратлироқ нарсага интилади. Бу интилиш шаҳар большевиклари яширин комитетининг бугунга тайинланган махфий мажлисида яна ҳам равшан кўринди.



Сергей Петрович мажлисни очиб, сиёсий аҳвол тўғрисида ахборот бергандан сўнг биринчи сўзни Фуломжон олди. У ҳаяжонли эди. Шундай бўлса ҳам ўзини босиб, оғир туриб гапирди:

– Владимир Ильичнинг: уруш – инқилобий муҳит тугдиради, деган сўзлари нақадар тўғри эканини мамлакатнинг ҳозирги аҳволи тамомила тасдиқлади. Урушнинг иккинчи йилиёқ Чор Россиясининг белини чиқариб юборишга кифоя қилди. Очлик бошланди, уруш олиб боришга маблағ етмай қолди, фронтларда ҳарбий бошлиқларнинг буйруқларини бажаришдан бош тортган полклар учрай бошлади. Мингларча солдатлар қуроallarини ташлаб, юртларига қайтиб кетишяпти. Қишлоқдаги аҳвол бундан баттар. Россияда шундай бир муҳит ҳукм суриб қолдики, бугун бўлмаса эртага инқилоб олови ловуллаб ёниб кетади! Шунинг учун биз ҳозирги дамгача қилиб келаётган ишларимизни яна ҳам кучайтиришимиз, яъни завод-фабрикаларда, ишчилар орасида, айниқса ерли меҳнаткашлар, камбағал деҳқонлар орасида уйғониш, қўзғалиш ҳаракатини янада жонлантиришимиз керак. Владимир Ильич ўтган йил эълон қилган «Бир қанча тезислар» сарлавҳали мақоласида яқинлашиб келаётган инқилобни таҳлил қилиб, бу инқилоб ўз характери билан буржуа демократик инқилоб бўлади, – деди. Бунинг маъноси – мамлакатда бутун ҳокимиятнинг аввал чоризмдан, кейин буржуазиядан тортиб олиш, уни пролетариат қўлига, меҳнаткаш халқ қўлига топшириш учун инқилобий курашимизни бир зум ҳам бўшаштирмаслигимиз зарур, деган сўз. Жаҳонгирлик уруши мамлакатдаги барча зиддиятларни кучайтириб юборди. Бу ҳам бизни огоҳ бўлишга мажбур этади. Мазлум халқнинг чинакам озод бўлиш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш йўлидаги ҳаққоний интилишига тиш-тирноқлари билан



қарши бўлган ҳар хил тусдаги аксилҳаракатчилар: буржуа миллатчилари, руҳонийлар, бойлар қора бошларини кўтариб қолдилар. Улар халқнинг онгсиз қисмини чалғитиб, чор тузумининг бутун заҳри заққуми учун рус халқини қораламоқдалар. Ўзларининг ифлос ниятларига етиш учун ҳар қандай пасткашлиқдан, қабиҳ тухматдан жирканмаган бу разилларнинг йиртқич башараларини аёвсиз очиб ташлаш керак.

– Тўғри! Жуда тўғри айтдингиз, Фуломжон! – деди Қудрат унинг гапини бўлиб.

Фуломжон гапига яна ҳарорат берди.

– Туркистонда миллий буржуа давлатини куриш хаёлида юрган сотқин иттиҳодчиларнинг шаҳримиздаги югурдаги Ашурмирзо экани комитетимизга маълум. Яна шу ҳам маълумки, у Истанбулдан қайтгандан бери ўз хатти-ҳаракати билан бизда анча шубҳа туғдириб келган бўлса, кейинги кунларда ифлос башарасидан ниқобини олиб ташлади. У Тешабой, Орифжон бой, Миркомил каби маҳаллий бойлар маблағи ва мадади билан куч тўплашга киришди. Бу ҳол бизни яна ҳам ҳушёр бўлишга, ишларимизни яна ҳам кучайтиришга мажбур этади. Тўғри, саксон-тўқсон фоизи саводсиз бўлган бир халқ орасида варақалар, ёзма адабиётлар орқали тарғибот юргизиш қийин. Шунинг учун тарғиботни асосан оғзаки олиб боришга мажбурмиз. Бу эса ишимизни, тарғиботчиларимизни яна ҳам хавф остида қолдиради. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Қийинчиликдан, хавфдан қўрқиб ўтирсак, маррани бериб қўямиз. Маълумки, истибдод зулми остида эзилиб ётган халқ ҳамиша озодликка интилади. Бу табиий. Аммо қайси йўлни тутса чинакам озод бўлиши мумкинлигини билиши шарт. Бу унинг иқболи, истиқболи учун муҳим шарт. Биз шу йўлни биладиришга



даъват этилган одамлармиз. Шу учун душманларнинг чалғитувчи адовларини тинмай фош этишни, уларнинг халққа қарши кўтарган қуроолларини тортиб олиб, ўзларини шу қуроол билан янчишни таклиф этаман.

Сергей Петрович ҳайрон бўлиб сўради:

– Очиқроқ гапириб беролмайсизми?

Фуломжон, ҳамиша юзини чарақлатиб юборадиган ёқимли бир жилмайиш билан Воҳидга қаради.

– Бу ёғини дўстимиз Оқчуриндан илтимос қилсак.

Оқчурин ўрнидан бир қўзғалди-ю, бир нима дейишдан олдин Қудратга қаради.

– Балки Қудрат акам айтиб берса тузукроқ бўлар. Ахир ташаббус Қудрат акамники.

Қудрат бошини сараклади.

– Гапиравер, Воҳид, гапиравер. Ками бўлса қўшарман.

Оқчурин Тешабойникида бўлган ўтиришни, ҳаво бузилиб, қор ташлаб турган олағовур кечада Ашурмирзо извошда келганини қисқагина сўзлаб бергандан сўнг, Фуломжоннинг душманни ўз қуроли билан янчиш тўғрисидаги таклифи замирида ётган гапга кўчди.

– Меҳмонлар кетган куни кечқурун Тешабой мени меҳмонхонасига чақиртириб: «Сенга битта хушхабар бор. Хўп десанг, заводда инженер бўлиб ўралашиб юрмайсан, катта амалга миначан», деди. Мен бир тийин устида минг юмаланадиган бойнинг эҳсонига ҳайрон бўлдим. Гапнинг қисқаси, қанақа амаллигини билгим келди. Хўп, дедим. У хурсанд бўлиб елкамга қоқди: «Яхши йигитлигингни билардим, баракалла!» деди. Кейин гапни айлантириб ўтирмай, мени катта амалга миндирадиган шартни айтди. «Яқин ўртада подшо тахтидан тушадиган кўриниб қолди. Туркистонда ўз мусулмон давлатимизни кўриш яқин, деган сўз



бу. Ҳалво пиш, оғзимга туш, деб ётиб бўлмайди – ҳаракат керак. Хўп десанг, яъни бу сирни оғзингдан чиқармасликка қасам ичсанг, бор гапни айтаман», деди. Табиий қанақа гаплигини билиш мароғи туғилди менда. Хўп ҳечкимга оғзимдан чиқармайман, деб қасам ичдим. Тешабой шундай хурсанд бўлдики, «ишимиз ўнгидан келса, заводни сенга хат қилиб бераман», деди. Бу гапи мароғимни яна оширди.

– Заводни хат қилиб беришими? – деди кулиб Фуломжон

Оқчурин юзига билинар-билинемас қизил югурди.

– Йўғ-э, заводни ваъда қилишга мажбур этган сабаб.

Энди Фуломжон кулди.

– Ҳа, бундай денг!

– Ҳа. Кейин овозини пасайтириб: «Мурод, қуролсиз ҳосил бўлмайди. Лекин қурола бўлса-ю, уни ишлатиш қўлидан келадиган одамлар бўлмаса, бу ҳам фойдасиз. Сен инженерсан, машиналар тилига тушунасан, балки қуролга ҳам ақлинг етар! Хўш, нима дейсан, етадими?» деди. Мен етиш-етмаслигини айтишдан олдин қуролинг қанча, қанақалигини сўрадим. Тешабой керилиб кулди. «Қанчалиги-ю, қанақалиги билан нима ишинг бор! Мевасини е, боғини суриштирма. Қанақаси керак бўлса топилади. Бу ёғига кўнглинг тўқ бўлсин», деди. Мен дарров хўп деб кўяқолсам, яна гумонсираб юрмасин, деб: «Ўйлаб кўрай, бу жуда қалтис масала. Қўлимдан келмайди деб-ку қўрқмайман, лекин ёш бошимдан айрилиб қолмай деб қўрқаман. Шунинг учун менга бир оз фурсат берасиз, ўйлаб кўрай», дедим. Тешабойга сусткашлигим ёқмадими, у анча ўйланиб қолди. Кейин: «Хўп, лекин жавобни эртадан кечиктирмайсан. Иш қисталанг. Иннайкейин, ўнг қулоқ-сўнг қулоғингда бўлсин: бу



гапни ҳеч кимга оғзингдан чиқармайсан. Ҳа-да, ёш бошинг менга эмас, ўзингга керак!» деди. Мен яна бир марта қасам ичиб, чиқиб кетдим.

Ольга Петровна бу гапдан хабардор эмас эди. Шунинг учун қизиқиб сўради:

– Кейин?

– Кейин мен тўғри Қудрат акам олдига келиб, воқеани айтдим. Қудрат акам таклифни қабул қилиш зарурлигини айтди.

– Жуда соз! – деди Ольга Петровна қувониб.

Оқчурин сўзини давом қилдирди:

– Шундай қилиб, эртасига кечки пайт Тешабой таклифига розилик бердим. Қурол тилига яхши тушунишимни, керак бўлса юз кишига ҳам ўргатишим мумкинлигини айтдим. Тешабой мушкул аҳволда-ю, бунинг кушоди менинг розилигимда экандек қувонди. Ўша куни одатидан ташқари мени ҳам меҳмон қилди. Хайрлашаётганимизда қўлимни қаттиқ қисиб: «Белингни маҳкам боғла, азамат, шу соатдан бошлаб сен бизнинг одамимизсан!» деди.

Бу воқеа Ольга Петровнани шундай хурсанд қилган эдики, у сабрини йўқотиб, яна сўради:

– Қурол нима бўлди, қурол? Олдингизми?

– Ҳозирча йўқ. Тешабойнинг сўзига қараганда қурол тайёр. Ҳозир бир маслаҳатга келиб олсак, дарров олдирамиз-да.

Сергей Петрович: «Қани, сиз нима дейсиз?» дегандай қилиб Қудратга қаради. У сўз навбатини кутиб турган эди. Одатдагича вазмин гап бошлади:

– Комитет ажратган қуролни ишончли жойга келтириб қўйганмизу, лекин улардан фойдаланиш йўлини одамларимизга ўргатомай келяпмиз. Тешабой таклиф қилган масала бизга катта йўл очиб беради. Агар комитет маъқул топса, бой ваъда қилган қурооларни ҳам заводга келтирсак-да, ўргатиладиган одамларни Оқчурин Тешабой билан



маслаҳатлашиб ажратса, ана у вақт бой пинжигига кириб олиб, бой қуролини бойга қарши қайрар эдик. Биз бу ишга заводдаги ишчилардан ками йигирматасини, қишлоқ камбағалларидан керагичасини торта оламиз. Бизда бундай одамлар кўп.

Сергей Петрович кўзларида боя ёнган шодлик ўти ҳамон кучайиб борарди. У шу ўт билан порлаб Ольга Петровнага қаради.

– Сиз нима дейсиз, Ольга Петровна?

– Мен икки қўлимни бараварига кўтариб маъқулайман! – деди у комитет аъзоларига бир-бир қараб.

– Шу муносабат билан битта таклифим ҳам бор.

Сергей Петрович дарров ижозат берди.

– Марҳамат.

– Агар бошқа пахта тозалаш заводларида ҳам шу тадбир амалга оширилса, яъни ўша заводлардаги одамларимизга ҳам шунақа топшириқ берсак, дейман. Жуда соз бўларди-а, Фуломжон?

У Ольга Петровнага таажжубланаётгандай қилиб қаради.

– Бошқа заводлардаги одамларимизга бундай топшириқ беролмасак керак, – деди у, елкаларини қисиб.

Ольга Петровна ташвишланиб сўради.

– Нима учун?

– Менингча, шунинг учунки, бу масала ўша заводларнинг эгалари томонидан кўтарилиши керак. Ана унда Тешабой заводидаги сингари ишни бемалоо юргизиб юбориш мумкин. Шу муносабат билан менда бир фикр туғилди. Биз Оқчуригига топширсак, у бу тадбирни Тешабойга мақтаб, бошқа заводларда ҳам шундай қилиниши кераклигини маслаҳат берса. Ана унда Тешабой ўз илҳомчиларига айтиб, бошқа заводларда ҳам шу ишни ташкил қиларди-ю, ўзи беҳабар бизга хизмат этган бўларди.



– Душманни ўз қуроли билан янчиш керак, деган таклифингиз замиридаги маънолардан бири шу, агар янглишмасам.

– Жуда тўғри айтдингиз, Сергей Петрович, – деди Фуломжон бошини хиёл эгиб.

Ольга Петровна, қўнглида Фуломжонга тасанно ўқиб, ширингина жилмайди. Сергей Петрович Фуломжон мулоҳазасини қизгин қувватлаб, Оқчуринга Ашурмирзо билан алоқа боғлаш вазифасини топширди. Кейин навбатдаги масалага ўтди.

– Шаҳарда, бир қатор қишлоқларда уруш солиғига қарши ўтказилган норозилик ғалаёнлари яхши натижалар берди. Тўғри, бу талончилик солиғи ҳали бутунлай бекор қилинганича йўқ, лекин илгаригидай йиртқичларча ундириш зўравонлиги анча камайди. Ҳатто баъзи қишлоқларда подшо амалдорлари солиқни қисташдан қўрқиб қоқдилар. Бу масалада дўстимиз «Қора отлик»нинг хизмати катта бўлди, – деди у, Фуломжонга шукроналик билан қараб.

Фуломжон уялинқираб ерга қаради. Кейин кулимсираб:

– Унчалик эмас, Сергей Петрович, бунда ҳаммамизнинг ҳиссамиз бор. Энг аввал комитетнинг тўғри йўлда эканлиги нишонаси бу, – деди.

Сергей Петрович калласини қимирлатиб кулимсиради.

– Айниқса «сафсар конверт» шундайин долзарб пайтларда камбағаллар жонини суғириб олишдан тоймайдиган бойлар, мулкдорлар, маҳаллий амалдорларнинг думларини яхшигина қисиб қўйди. Бу гапларни айтишдан мақсадим бир-биримизни мақташ эмас, албатта; тек ётмаётганимизни, бундан кейин ҳам тек ётмаслигимиз, аксинча, ишимизни яна ҳам кучайтиришимиз зарурлигини таъкидлашдир. Қисқаси, халқ қонини ичаётган,



инқилобимиз йўлини тўсишга ҳаракат қилаётган ҳар хил тусдаги душманларнинг ҳақиқий башараларини эл кўзида рўйирост очиб ташлайлик. Ким дўст, ким душман – буни халқ ўз кўзи билан кўрсин. – Сергей Петрович кўзойнагини олиб рўмолчаси билан артди. Кўзойнаги ҳақиқатан хираланганмиди, ё у ҳаяжонданмиди, буни ҳеч ким сезмади. Бир оздан кейин кўзойнагини яна тақиб, энди топшириқ берувчи бошлиқ оҳангида сўзлай кетди. – Шу муносабат билан иккита таклиф бор. Бири – зарур эҳтиёткорликни эздан чиқармаган ҳолда, ҳеч нарсадан қўрқмай оғзаки тарғиботни кучайтириш. Бунинг учун маҳаллий зиёлилардан, оқ билан қора фарқини яхши биладиган оддий одамлардан тарғиботчилар етиштиришимиз, уларни инқилобий курашга тортишимиз керак. Бу вазифани яна боягидек Фуломжон зиммасига қолдирамиз. – Фуломжон калласи билан «хўп» аломатини қилди. – Иккинчи таклиф. Буни таклиф дегандан кўра топшириқ, деб тушунсак тўғрироқ бўлар. Маҳаллий большевик яширин комитети подшо зулмига, урушга, сиёсий қамоқларга қарши катта норозилик галаёни ўтказишни зарур деб топди. Биз бу ҳаракатимиз билан Туркистоннинг қатор шаҳар ва қишлоқларида чақнаб турган норозилик ҳаракатига ҳамжиҳат эканимизни, подшо амалдорларининг ҳаддидан ошиб кетган йиртқичликларидан ҳам қўрқмаслигимизни намоён қиламиз. Назаримда, келаси ҳафтанинг шу кунига ўтказсак, кеч ҳам бўлмас, эрта ҳам. Нима дейсизлар?

Ольга Петровна рус инқилобчиларининг оғир йўлларида босиб ўтиб, турмаларда, жандарм терговларида, сургунларда ўзи ҳар қанча жабру жафо кўрган бўлса ҳам, ўзгалар, айниқса, дўстлар шўри олдида аёллик қалбининг исёнини босиб ололмасди. У турмада ётган дўстларидан гап очди.



– Ҳозир шаҳар жандарм турмасида йигирмадан ортиқ кишимиз ўтирибди. Мен, турмага юриш қилиб сиёсий маҳбусларнинг дарҳол озод қилинишини талаб этсак, агар ҳоким қаршилиқ қилса, зўрлик билан қутқазсак, дейман. Сизнинг таклифларингизни тўла қувватлаганим ҳолда, ўз томонимдан шу таклифни киритаман.

Бу ғоят дадил таклиф эди. Лекин уни рад қилишдан қабул қилиш осонроқдек кўринса ҳам, катта тайёргарликни талаб этарди. Шунинг учун бу масалани батафсил ишлаб чиқишга қарор этилди.

Мажлис тугаб, одамлар тарқала бошлаганда, Ғуломжон Ольга Петровнанинг кичик, иссиқ қўлини маҳкам қисди.

– Яхши таклифингиз учун қулук, Ольга Петровна!

Йигирма тўққизинчи боб **Ғазаб тугёни**

Февраль ўрталарига келиб ҳаволар шундай исиб кетдики, қиши билан тинмай ёққан қалин қордан оз кунда асар қолмади. Эриган қор сувлари кўчаларда ариқ ариқ бўлиб оқар, тупроқ йўллар тиззадан балчиққа ботарди, Қиш ҳукмидан ҳали бутунлай воз кечмаган бўлса ҳам, ҳамма ёқда баҳор насими эсади. Қуёш зўрға осмонга чиқиб олгану, у ердан кетгиси келмагандек, то кечгача чарақлаб туради. Қушлар минг оҳангда чуғурлашади, болалар югуришади, қичқаришади, қариялар эса кўчаларнинг кунгай бетларида кекса суяқларини офтобга солиб, мудраб ўтиришади.

Баҳор, чинакам баҳор! Олам тўла шодлик билан кириб келди у.

Аммо табиат бағридаги бу шодлик Ҳамидахон қалбига йўл тополмайди. У уч кундан бери ўзини билмай юради. Оғзига бир тишлам нарса солмай-



ди, бир ерда бир зум тиниб ўтирмайди, уй ичи – нима, ташқари нима – фарқ қилмайди, қошида ким – буни ҳам кўрмайди. Бутун хаёли, бутун вужуди уч кечадан сўнг отадиган тонгда!

Жамолиддин шу тонгда бўладиган воқеани айтиб, Ҳамидахоннинг юрагига қарорсизлик ўтини ёқиб кетди. «Ғуломжонлар тугён кўтаришмоқчи, турмага ҳужум қилишса ҳам ажаб эмас», деб кетди. Шунинг учун Ҳамидахон гоҳ Дилшоди озод бўлгандек қувонар, гоҳ эплашолмаса-чи, деб ваҳм қилар, тинчини тополмай қийналарди. У ўша куни Жамолиддин кетгандан сўнг, эрини қўярда қўймай акасиникига югуртирди, ўзи эса Ҳусниддинларни кига қараб чопди. Эртасига акаси билан Ҳусниддин барвақт етиб келди. Сулаймон ака жуда қаттиқ ҳаяжонда эди. Гапириб туриб, ўрнидан бир неча марта туриб ҳам кетди.

– Бошқалар менинг гапимга нима дейишади – бу билан ишим йўқ! Лекин Дилшодни турмадан қутқазиб учун юз отлиқ йигит керак бўлса, топаман! Балки ортиқроқ ҳам топаман. Кечаси билан Зулфиқор иккаламиз ўтириб маслаҳатлашдик. Қирғиз шунқорларни отлантириб келади у. Фақат менга «бос!» дейишса бўлди, у ёғини ўзим биламан!

Сулаймон ака ёши бир ерга етиб қолганига қарамай, бутун қаҳрини кимга солишни билмаган кишидай гапирарди. Буни кўриб Ҳамидахоннинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди.

Ҳусниддин ҳозирги аҳволида Сулаймон аканинг бутунлай тескариси эди. Юзидан ҳаяжони сезилиб турса ҳам, ўзи қайнамас, баландпарвоз сўзлар қилмасди.

– Ҳайронман, – деди у, иккиланган бир оҳангда. – Бу ишдан бирон хайр бўлармикан? Ўзингиз биласиз, Сулаймон ака, яланғоч қўл билан чўғ ушлаб бўлмайди. Қўл куяди-ку!



Ҳамидаҳоннинг ҳозирги чақнаб турган кўзларидаги ўт ўчди.

– Унақа деманг, айланай Ҳусниддин. Менга қолса ҳали чўғ экану, оловни чангаллашга тайёрман. Сиз бу гапингизни қўйинг. Ундан кўра маслаҳат беринг: нима қилсак тузук бўлади. Ҳа, шуни айтинг, жон ука!

Ҳусниддин уларнинг ҳаяжондан потирлаб турган кўнгиллари чўктирмаслик учун гапини имо-ишора билан айтган эди. Ҳамидаҳоннинг укаси ҳақ гапни айтишга мажбур этди.

– Сиз хафа бўлманг, опа. Мен қўрқаётганим учун бундай деётганим йўқ. Биласиз, «Ҳа!» деган билан тоғ ағдарилмайди. Миршабларда қилич, тўппонча, солдатларда милтиқ, замбарак бўлса-ю, биз қуруқ қўл билан босиб борсак! Йўқ, буни ўйлаш, тарози посангисига яхшироқ қараш керак. Қани энди бир оз қуролимиз бўлса! Йигитлар олдида ўзим борар эдим, опа!

Ҳусниддинни гап билан яниб ташлагиси келиб турган Сулаймон ака ҳам бу мулоҳазадан кейин чурқ этолмай қолди.

Баҳром бошини аста кўтариб, қайнағасига қаради.

– Мулла Сулаймон дейман, отга минибмизу, жабдуқ уриш эсдан чиқибди-да, – деди, кулгиси келмаса ҳам зўр-зўракисига ҳиҳилаб. – Тўғри, одам важҳидан кўнглимизни тўқ қилдингиз, бунисига минг марта қулақ. Ҳусниддин ҳам топмаганда йигирма-ўттизини топар, мен ҳам, Худога шукур, ёлғиз эмасман. Лекигин лак-минг одам билан борганимизда ҳам лаънати ҳоким битта ўқсочари билан баримизни тутдай тўкиб ташлайди-да. Шуниси...

– Босиб бориб, солдатларнинг милтиқларини тортиб олсак-чи?! – деди Сулаймон ака миясига келган гапдан сапчиб тушаёзиб.



Хусниддин мийиғида кулди.

– Хўп қизиқсиз-да, Сулаймон ака! Биттасиникини тортиб олармиз, боринг ўнтасиникини тортиб олармиз, хўш, шу билан мурод ҳосил бўладими? Кошкийди ҳаммамиз ҳам милтиқ отишни билсак! Қани, ўзингиз биласизми?

Сулаймон ака йўғон овозини барала кўйиб хўхўлади.

– Қалтис жойдан тишладингиз, Хусниддин! Ҳа, нафсилаамрга шундай.

Булар ҳар қанча ўйлашса ҳам, барибир, бир қарорга кела олишмади. Маслаҳатлашиб, уста Баҳромни Фуломжон оддига юборишди. У шу ҳақда баъзи топшириқлар билан Жамолиддинни устаникига энди юбораман, деб турган экан. Фуломжон устани кўриб елкасидаги юк қулагандай суюнди.

– Хўб келдингиз, уста ака! Ҳозир-ҳозир, бир дақиқа, – деди-ю, ёнида солдатдай қад ростлаб турган Жамолиддинга юзланди. – Ҳозир Қорабулоққа қушдай учиб бормасангиз бўлмайди. Қўмита қарорини етказишимиз керак. Буни Қудрат акамга ётиғи билан тушунтирасиз. Эртанги ғалаёнга қишлоқлардан ҳам одамлар қатнашади. Айтинг: Қорабулоқдаги камбағаллар қуролланиб келишсин. Уларни Қудрат акам эмас, Оқчурин олиб келади. Қудрат акам бўлса заводдаги ишчилар билан бой кўзида ўралашиб юрсин. Ғалаёндан кейин қамашлар бўлиши турган гап. Қудрат акамнинг ғалаёнга иштирок қилишидан ҳозирча соғ қолиб тургани маъқул кўринди қўмитага. Шуни уқтиринг. Хўп, оқ йў! От ўзингиз билган жойда.

Жамолиддин улар билан хайрлашиб, чаққон чиқиб кетди.

Фуломжоннинг ҳали учрайдиган одамлари, қиладиган ишлари кўп эди. У узр сўраётгандек қилиб уста Баҳромга қаради.



– Сиз бораверсангиз. Иложи бўлса, ўша кўмиғлиқ нарсаларни очиб, тахт қилиб қўйсангиз. Бугун олиб кетамиз. Мен оқшом ғира-ширасида етиб бораман.

Ғуломжон оқшом ғира-ширасида эмас, хуфтон ўқилгандан кейин етиб келди. Ёнида тўрт нафар йигит ҳам бор эди. Уста Баҳром уларни дарҳол ичкарига олди.

Йигитлар ўзлари тушиб келган аравага яшикларни юклашга югуришди. Ғуломжон эса у ердаги эркаклар билан шошқин кўришиб, Ҳусниддинга юзланди.

– Иним, сиз кам деганда юз-икки юз одамни бошлаб келасиз. Сизга бир яшик қурол берамиз...

– Яшикда қанча ўзи?

– Йигирмата. Лекин қурол кам деб ўтирманг. Одам кўп бўлаверсин. – У энди уста Баҳромга қаради. – Бугун уйқу йўққа ўхшаб қолди, уста ака. Сиз ҳам маҳаллангиздаги камбағалларни тўплаб борасиз.

Уста Баҳром кулимсиради.

– Биз тўпламасак ҳам, зодимнинг йиқилганини эшитишса бас, ўзлари ёпирилиб чиқишаверади.

– Хўп, сизга бир яшик етадимми?

– Етиб қолар.

– Қани, Сулаймон ака, туринг. Сиз билан йўлда ҳам гаплашаверамиз.

Ғуломжон Сулаймон аканинг отида, қолганлар аравада Зулфиқор ота яйловига чиқиб кетишди...

Эркаклар жўнашгандан кейин Ҳамидахоннинг юраги яна баттар типирчилай бошлади. Айниқса эри одам йиққани чиқиб кетганда, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Суюнчини, юрагидаги ҳаяжонини Жамиласига айтай деса, унинг ҳоли маълум. Ахири Тўфани айтиб чиқди. У гоҳ кулиб суюнчини айтади, гоҳ йиғлаб ваҳмини. Шу тариқа Тў-



фага ҳам уйқу бермади, ўзи ҳам мижжа қоқмади. Хўрозлар чақириб бўлиб, тонг уйғона бошлаганда, паранжисини қўлига олди.

– Сиз Жамила холангизга қараб туринг. Йўқ деганига қулоқ солмай овқатдан ичиринг. Озгина бўлса ҳам томоғидан бир нарса ўтсин, жон қизим.

Тонг шарқ осмонининг тепасида энди тиг ура бошлаган пайт эди. Деворлар, дарахтлар ичига кўмилган шаҳар ҳали қоронғи. Ҳамидахон рўпасидан дайди итлар чиқиб қолишидан кўрқмай, қоронғи кўчаларда шипиллаб борарди. Тандирдан ҳозиргина узиб чиққан нонларини саватда кўтариб гузар томон шошаётган битта-иккита новвойни ҳисобга олинмас, кўчаларда зоғ учмасди.

Ҳамидахон неча ойлардан бери қатнай-қатнай синақти бўлиб қолган кўчалар, тор кўчалардан ўтиб, турма ёнига келди. У ерда ўзидан бўлак ҳеч ким йўқлигини кўрди-ю, оёқларидан жон чиқиб, бир четга ўтириб қолди.

Анчадан кейин ёнида яна битта хотин киши пайдо бўлди. Улар бир-бирларини танир эдилар. Бу хотин ҳам, Ҳамидахон сингари, ўғли доғида сарғайиб, саргардон бўлиб юрган бахти қаро оналардан бири эди. Тонг ғира-ширасида ҳам сезилиб турган бир ҳаяжон, кўзларида нажот борми, деган бир савол билан кўришишди. Аммо на унда буни, на бунда уни хурсанд қилувчи жавоб бор эди. Иккаласи яна она дардининг чуқур гирдобига шўнғиб кетди.

Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Бу орада тонг ёришиб, шарқда қуёш тиглари кўрина бошлади. Турмадаги жигарларига овқат келтирган одамлар дам сайин кўпайиб борди. Ҳамидахон турмага бўладиган ҳужумни биронтаси айтармикан, деб одамларнинг оғзиларини пойлар, ҳеч кимдан садо чиқмагани учун безовталанар эди.



Охири ҳозиргина келган бир йигитга ёрилди. У елкаларини қисиб.

– Хабарим йўқ, хола, – деди. Кейин бирдан кўзлари чакнаб кетди. – Шошманг! Ҳоким идораси олдига одамлар тўпланишяпти. Кимлар байроқ, кимлар сўйил-таёқ кўтариб келишяпти!

Ҳамидахоннинг ўпкаси томоғига тикилди.

– Вой, бу ёққа келишмасмикан?!

– Невлай, ўша ёққа тўпланишяпти-ку. Биз ҳам бора қолайлик, хола!

Йигитча, ёнидаги бошқа бир ўсмирни қўлидан тортиб югурди. Орқадан Ҳамидахон, бояги хотин, яна бир қанча ёшу қари шитоб билан юриб қолди. Ҳоким идораси олис эмас эди. Тез юргани учун илиги қурибми ё ҳаяжонидан нафаси бўғибми, Ҳамидахон ҳарсиллаб қолди. «Мунчавало узун бўлмас-я бу кафан ўлгурнинг этаклари!» деб кўнглида паранжисини қарғар, унинг узун этакларига ўралашиб, чалишиб кетар эди.

Ҳоким идорасининг олдига оломон тикилиб кетган эди. Ҳамидахон таниш хотин билан келиб, бир чеккада турди. Олдинга ўтишнинг иложи йўқ эди. Пиёдадан отлиқ, отлиқдан пиёда кўп. У таниш хотинни эсдан чиқариб ўзини одамлар орасига урди. Узоқда, оломон ўртасида, алақандай баланд нарса устида узун, хипча бир рус киши ҳоким идораси томонга хитоб ҳилиб гапирар, пастдагилар унинг гапини қувватлаб қичқиришарди. Ҳамидахон битта ҳам сўзни дуруст-қуруқ эшитмади. Бирдан майдонда момақалди роқ гурлагандай бўлди.

– Ҳоким чиқсин!!!

– Чиқ бу ёққа, золим!!!

– Чиқ!!!

Одамлар қичқиришиб, олдинга ташланишди. Бу ҳаракат Ҳамидахонни идора яқинига келтириб қўйди. Баланд зинапоя устида ўттиз човлиқ сол-



дат милтиқларини оломонга ўқталиб турар, халқ ҳар қўзғалган сари отишга хезланарди. Зинапоя пастида эса қиличларини яланғочлаган миршаблар. Ҳамидахон олдинги қаторда қиличларга кўксини тутиб турган одамлар қабатига кириб олди. Оломон тўлқини ҳали тинмаган эди. Бу тўлқинга қувват бераётгандек, бошқа бир овоз гурлади. У маҳаллий тилда гапирар, гапирган сари овози кучайиб, тўп наъраси қудратини олиб борарди. Бу овоз Ҳамидахонга таниш туюлди. У ялт этиб орқасига қаради. Оломон ўртасидаги баланд жойда бояги узун, хипча киши ёнида ўнг қўлини ҳоким идорасига шоп қилиб Фуломжон гапираётган эди. Ҳамидахоннинг ичи ёришиб кетди.

Фуломжон ярим соатча гапиргандан кейин, яна ҳам кучли, яна ҳам қудратли овоз билан қичқирди:

– Битсин истибдод! Битсин зулм! Талаб қиламиз! Турмада ётган бегуноҳ биродарларимиз тўхтовсиз озод қилинсин!

Халқ бирдан йўғон-ингичка, эркак-аёл товуши билан гуриллади:

– Дод, подшо зулмидан! Дод!

– Уруши ҳам бошини есин! Ўлар бўлсак, ўлиб бўлдик!

– Болаларимизни бўшатсин, бўлмаса турмасини бузамиз!!!

– Оч турмангни, золим!

Тўполонда Ҳамидахоннинг паранжиси бошидан тушиб кетди. У юзи очик, сочлари паришон ҳолда олдинга ташланди.

– Оч, золим, турмангни! Боламни бер! Бегуноҳ қон ютиб ўтирган болажонимни бер!

Денгиз тўлқини даҳшат билан қирғоққа урилиб яна ҳам даҳшатлироқ урилиш учун орқага қайтганидек, оломон ҳам газаб билан зинапояга урилар,

у ердаги қиличлар, милтиқлар зарби билан яна орқага қайтарди.

Бир қора соқол миршаб Ҳамидахоннинг кўкрагидан итарди.

– Қоч! Қоч, дейман сенга! Яна келсанг, каллангни оламан!

– Ол калламни! Тўйдирдинг, калламдан сен итваччалар!

Ҳамидахон ёнида турган бир чол сўйилини кўтарди.

– Тегма хотин кишига, ноинсоф!

Миршаб энди чолни итарди. У гандираклаб келиб орқаси билан одамлар устига йиқилди. Оломон ичидан кимдир: «Ур, итваччаларни!» деб қичқирди. Бирдан ур-ур, сур-сур бошланди. Кимлар сўйил билан, кимлар тош, кесак билан босиб келаверди. Бир хотин чирқираб дод солди. Майдонда зилзила вайронаси бошлангандек даҳшатли уввос кўтарилди. Солдатлар қасирлатиб ота бошладилар. Оломон тўлқини орқага ташланди. Халойиқ тирқираб қочишга тушди. Ўқ еганлар йиқилар, енгил яраланганлар судралиб қочар эди. Шу қиёмат тўполон устига орқа кўчадан қўлларида калта тиг милтиқ билан эликтача отлиқ йигит ҳайқириб келди. Уларни кўриб солдатлар пана жойларга ётишди. Ўртада даҳшатли отишма бошланди.

Ғуломжон баландликдан тушиб, бир четда боғлоқлик қора отига минди. У энди бир маҳаллар Қорабулоққа сафсар конверт ташлаб кетган қора отлиқнинг ўзи бўлди. Оти суришга интилиб жилов тортар, ҳеч тинмай оёқларини типирчилатарди. Ғуломжон отишиб турган отлиқлар бошидаги Ҳусниддин ёнига от қўйиб келди.

– Сиз бу ерда йигитларингиз билан солдатларни банд қилиб турасиз. Депо ишчилари ҳам шу ерда. Улар маҳкам туришади. Биз турмага ҳужум қила-



миз. Набижон шу ерда. Бирон воқеа бўлса, Набижон орқали хабар қилинг.

– Хўп бўлади. Турмадагилар олиб қочилди дегунча бизга хабар қилдирасиз. Биздан кўнглингиз тўқ бўлсин, маҳкам турамыз.

Фуломжон қамчи босмай, от учиб кетди. Турма йўли югуришиб бораётган одамлар билан тўла эди. Ҳамма бақирар, қичқирар, ҳайқирар, хотинлар чувиллашар, болалар йиғлашар, ўнгдан, чапдан янгидан-янги отликлар, пиёдалар келиб оломон оқинига қўшилар эди.

Фуломжон турмага етиб келганда дарвоза олди одамга тикилиб кетган эди. Қозондаги бодроқ сингари қайнаган бу олақуроқ оломон устида шапкалар, дўппилар, саллалар, қирғиз қалпоқлар қалқир, ана шу турли-туман бош кийимлари сингари турли тилларда ҳайқириқлар балқир эди.

Фуломжон отдан туша солиб турма томон югурди. Кимлар таёқ, кимлар тош, кимлар миалтиқ кўндоқлари билан тақиллатаётган соқов дарвоза ёнига яқинлашишнинг иложи йўқ эди. У гоҳ чап, гоҳ ўнг кўлини ишга солиб одамлар орасига суқилар, қаричма-қарич илгарилаб борар эди. Узоқдан, турма дарвозаси ёнидан Сулаймон ака билан Жамолиддиннинг таниш овозларини эшитди. Улар бир-бирларига навбат бермай: «Оч! Оч, оғайни!» деб ичкарига қичқирар эди. Фуломжон олдинга ўтгунча кўк терга пишиб кетди.

– Очмаяптими? Очмаяптими?! – У ташвиш билан Сулаймон акани енгидан тортди.

Дарвоза очилавермаганига худди Фуломжон айбдордек, у хўмрайиб дўнғиллади:

– Муни қаранг, очмаяпти!

Жамолиддин кўзлари тўла ғам билан Фуломжонга тикилди.

– Мекалайга бир нима бўлдимикан-а?

– Мекалай – жандарм миршабларидан бирининг маҳаллий тилда бузилган исми эди. Уни яширин ташкилот кишилари яхши билардилар. У жандарм кийимида юрган синақти инқилобчи эди. Турмага ҳужум қилиш плани ишлаб чиқилганда, ҳужум Николай навбатчилик қиладиган шу бугунга белги-ланган, ҳужум маҳалида турма дарвозасини очиб бериш вазифаси ўшанга юкланган эди. Фуломжон бир зум, атиги бир зум иккиланаётгандай турди. Ҳақиқатан ҳам, бу маҳалгача дарвоза очилиши керак эди. Кўчадаги ғала-ғовур дарвоза ичкарисидаги шарпани эшитгирмасди. Бирдан ичкарида қуроллар шарақ-шуруғи, одамлар дупури кўтарилди.

Фуломжон Сулаймон ака билан Жамолддин ваҳмини босишдан кўра, ўзидаги қаттиқ ишончни ўлдирмаслик учун:

– Йўқ, очади! Ёнида офицер борга ўхшайди. Иложини қилолмаяпти шекилли. Ўзи шу ерда, овозидан танидим. Яна бир оз кутайлик, очмаса, дарвозани синдирамиз, – деди.

– Айланай Фуломжон, иним!

Фуломжон мунгли аёл овозини эшитиб ёнига қаради. Паранжисиз бир хотин ташвиш тўла кўзларини унга тикиб турарди. Фуломжон уни танимади. Бир нарса дейишга улгурмади. Сулаймон ака у хотинни кўриб, бирдан қичқириб юборди:

– Ҳамида! Бу нима аҳвол? Паранжинг қани?

Ҳамидахон паранжисиз эканини англайдиган ҳолатда эмас эди. У Жамила сингари телба, паршон бир қиёфада эди. Алахсиб акасига қаради-ю, бутун вужуди билан қақшаб фарёд кўтарди.

– Менга паранжи эмас, Дилшод керак, Дилшод! Қани Дилшодим?!

Унинг фарёди турма ичида отилган ўқлар қарсига аралашиб кетди. Қимдир «оҳ, единг!» деб бақирди. Кейин муштлашга ўхшаган тўполон шар-



паси келди. Биров бировни итарар, биров дарвозани очмоқчи бўларди. Ахири қулф шарақлаб тушди. Бу ёқдагилар итаришиб, дарвозани очиб юборишди. Кўчадаги одамлар бирдан очиқ дарвозага ёпирилишди. Кимдир қичқирар, кимдир додлар, Ҳамидахон эса: «Болам! Дилшодим! Қайдасан, жон болам?!» деб чирқирар, одамларга туртилиб йиқилар, турар, яна олдинга қараб югурар эди.

Фуломжон, Сулаймон ака билан Зулфиқор отани, яна бир қанча қуроли депо ишчисини турма йўлларини кўриқлашга қолдириб, йигирма чоғли жангари йигит билан турма ичига бостириб кирди. Турма осмони устида ҳайқириклар, палапартиш отилаётган ўқлар қарси муаллақ турар эди. Фуломжон бир тўда йигит билан ертўлага отиади. Олдинда учиб кирган бир қирғиз йигит қоплон ҳамласи билан калитбонга ташланди. Кимдир калитларни олиб, камераларни оча бошлади. Фуломжон ҳаммага эшитиладиган баланд, равшан товуш билан қичқирди:

– Ўртоқлар! Озод бўлдинглар! Чиқинглар!

Учинчи камерадан Дилшод чиқди. У озиб, тўзғиб кетган эди. Фуломжон югуриб бориб, уни бағрига босди.

– Бормисан, жигарим! Саломатмисан?!

У бошқа таниш-нотаниш маҳбуслар билан ҳам кўришиб, ҳаммасини ташқарига чиқарди. Кейин ўзи иккита йигит билан бутун камераларни кўздан кечирди. Ҳеч ким қолмаган эди.

У турма майдонидан чопқилаб кўчага чиққанда, Сулаймон ака билан Зулфиқор ота озод қилинган маҳбусларни отларга мингаштириб жўнаб қолишган, оломон ҳам анча сийраклашган эди. Кимлар ярадорларни кўллаб, кимлар ўликларни кўтариб қочарди. Жамолиддин Фуломжон тулпорини ушлаб, ўзи ҳам от устида безовта бўлиб турган



эди. Фуломжон югуриб келиб отига минди, лекин қалъа томондан уввос кўтариб келаётган казак суворийлар ўқиға учрадимиз – ағдарилди. Жамолиддин шитоб отдан тушди. Уни ердан даст кўтариб, минг азоб билан ўзининг отига ўнгарди. Бу орада казаклар яқинлашиб қолишди. Жамолиддин отига қамчи босди.

У дод-фарёд билан қочаётган одамлар, лой сачра-тиб чопаётган отлиқлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Ўттизинчи боб Қашқир улуши

Илк саҳардан тортиб то турмадаги сиёсий маҳбуслар қутқазилгунча давом этган қонли ғалаён-дан кейин шаҳарда, ҳатто бир қатор қишлоқларда умумий қамашлар бошланиб кетди. Халқ бошига тушган бу янги офатда Ашурмирзонинг хизмати, унинг ўз таъбири билан айтилганда, ҳоким тўрадан бош-оёқ сарпо кийса арзийдиган даражада катта бўлди.

Ҳақиқатан, унинг гапида лоф йўқ эди. Ўша куни шаҳар кўчаларида руслар, мусулмонлар байроқ кўтаришиб кетаётганларини саҳар пайти Поллопондан эшитди-ю, дарров эски чопон, эски қалпоқ билан тусини ўзгартириб, ўзини оломон ичига ўрди. У намойишга кимлар бошчилик қилаётганини билиш, кейин буларни ҳокимга чақиш ниятида эди. Бу қора ният замирида иккита мақсад бор эди. Бир ёқдан, ўз душманларини аниқлаш бўлса, иккинчи ёқдан, уларни ўртадан кўтариб ташлаб, ёвуз ҳаракати учун катта йўл очиб олиш эди. У бу мақсадига ўзи хаёл қилганидан ортиқ даражада етди. У инглиз маузерини эски чопони қўйнида ушлаб олиб, оломон ичида гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа шўнғир, намойишда сўзлаган, курашга чақирган,



турмага ҳужум қилган одамлар номини қора дафтарига ёзиш билан шуғулланар эди. Булар орасида Фуломжондан тортиб, Набижон, Хусниддин, Жамолиддин, уста Баҳром, Сулаймон ака, Зулфиқор ота, Махсум ака, ҳатто Ҳамидахон номигача бор эди. Агар шу кунни унга бир нима алам қилган бўлса, Ольга Петровнани тополмагани бўлди. Уни у қидирди, у ахтарди, ҳеч қаердан тополмади. Ашурмирзо гуноҳсиз она қонини тўкиш каби йиртқичликдан ҳам жирканмади. Турма дарвозаси очилиши билан ҳужумчилар ёпирилиб кира бошлаганлариди: «Болам! Қайдасан, жон болам?» деб қақшаб югурган муштитар Ҳамидахонни тўполон гала-говури ичида орқасидан яширинча отиб ташлади.

Ҳамидахон «Вой, жон болам!» деганича йиқилиб, оломон оёқлари остида қолиб кетди. Бир ёқдан ҳужумчилар, яна бир ёқдан солдатлар отишиб тургани, ўқ еб йиқилганлар кўп бўлгани учун Ҳамидахонни Ашурмирзо отганини ҳеч ким пайқамасди. Ҳақиқатан, бу ғазаб жаҳди ичида биров-бировини танимас, биров-бировга қарамасди.

Ашурмирзо турма ичига кирмади. Тўғриси, киришдан қўрқди. Ё бирон дайди ўқ тегиши, ё Фуломжон таниб қолиши мумкин эди. Шунинг учун, панада қурбонини пойлаган қашқир сингари, дарвоза олдидаги одамлар орасида яшириниб турди. Энди у Дилшодни бартараф қилиш ниятида эди. Лекин бу қора ниятига етолмади. Дилшодни камерадан олиб чиққан қирғиз йигит уни танир эди. Дилшод Тўтиси билан яйловдан тутиб кетилгандан бери унинг йўлида ҳасрат чекиб юрарди бу йигит. У дўстини қутқазгани учун шу қадар севиниб кетдики, биров таниб қолмасин, деб дарров бошидаги қалповини Дилшодга кийгизди, ҳатто милтиғини ҳам қўлига тутқазди. Энди Дилшод ўсиб кетган



соқол-мўйлови, бошида қалпоғи, қўлида миштиғи билан Зулфиқор ота йигитига айланди.

Ашурмирзонинг қон тўлган кўзлари қанча жовдирамасин, турмадан қочирилайётган маҳбусларга қанча синчиклаб қарамасин, барибир, Дилшодни тополмади. Энг охирда у яна битта ўқ узди-ю, маузерининг ўқхонаси бўшаб қолганини кўриб, оломон ичидан қилдай суғурилиб чиқиб кетди.

Тақдир баъзан шундай ғаламислик қиладики, таажжубдан кўра ғазабинг келади. Жамила неча вақтлардан бери жони қил устида пўкиллаб ётар, ҳар дам жон беришга тайёр кўринарди. Тақдир деб аталган мурувватсиз ҳақорат ўлим тўшагига михлаб қўйган ана шу мазлума, дунёнинг сира кети узилмаган оғир мусибатлари дастидан фарёд уриб ўтаётган бахти қаро опасининг жон риштаси бир қора юрак ўқи билан узилишини гўё билгану, бунга қадар ўзининг ўлими билан уни янги доғу ҳасратда куйдиргиси келмаганми ё севгили опаси бегона қўли билан эмас, бир маҳаллар, умр баҳорининг чаманли кунларида бир ёстиққа бош қўйган ўз эрининг ўқи билан ўлдирилганига бардош қилолмадимми, шу бугун тонгда, қуёш энди тиф уриб, қушлар чуғурлай бошлаган дамда, опаси билан қарийб бир вақтда узилди.

Бу кекса шаҳар кўп мўътабар зотлар азасида қайғу билан бош эгган бўлса ҳам, лекин бир кунда, қарийб бир вақтда узилган муштипар опа-сингилники каби аламли мотамни кўрмаган эди. Булар бир фозил инсоннинг ақл ва одоб бобида ибратли қизлари бўлганлари учунгина эмас, йўқ, фақат бунинг учунгина эмас, балки бири соқов деворлар ичида қон-қора қақшаб ўтишга маҳкум кичик авлодига маърифат нури сочиб келгани, иккинчиси эса вафо, садоқат, муҳаббат йўлида хору зор бўлгани учун ҳам фахр, ҳам алам билан тилга олиниб келган



аёллар эди. Шунинг учун буларнинг фожиали ўлими ҳаммани қаттиқ қайғуга солди. Айниқса, Ҳамидахоннинг эри қамоқда, ўғли аллақаяқда, Жамиланнинг эри вафосиз, қизи эса дому дараксиз экани бу қайғули ўлим фожиасини яна ҳам орттирди.

Сулаймон ака бу шум хабарни эшитиб, яширинган жойидан етиб келди. У икки бебахт сингисини икки қўли билан кучоқлаб йиғлар, ўзини уриб додлар эди.

Марғилондаги қари иблис ўлгандан кейин хўрлик қафасидан қутулиб, уйига келиб қолган Тўфа қиз шундай айтиб йиғладики, унинг аламли ноласи ҳаммани йиғлатди. Ҳатто бир четда без бўлиб турган Ашурмирзонинг ҳам совуқ кўзларига ёш чиқариб юбораёзди. Тўфахон бир қўли билан азиз отинбувсини, яна бир қўли билан севгили холаси Жамилани кучоқлаб ўзи учун, жонидан ортиқ кўрган дугонаси Тўтиқиз учун, ёшлигида бирга-бирга ўйнаб, бирга ўсган Дишод акаси учун қон-қон йиғлади.

Ҳа, Ашурмирзо ҳам шу ерда эди. У опаларидан истиҳола қилдимни ё хотини олдидаги қабиҳ жиноятини эл кўзида ювмоқчи бўлдимни ёки яна бошқа бирон мақсади бормиди, хуллас, у ҳам жанозага етиб келди. Ашурмирзо ҳар қандай вафодор эр сингари кўчадан «Гулим! Гулим», деб йиғлаб кирди. Ёш эмас, қаҳқаҳа тўкилиб турган ёсуман кўзларини рўмолчаси билан тўсиб олиб хўнграар, одамлардан хилват қилиб, кўзларига нуқул тупук суртар эди. О-о, у ҳозир шу қилиғи билан қўй терисини ёпинган қув бўрига нақадар ўхшарди.

Опа-сингил ўз жойларига қўйилгандан кейин Ашурмирзо қора ошга турмай, шошилганича чиқиб кетди. Шошилганининг сабаби йўқ эмасди. У тезроқ ҳокимга учрамоқчи, Сулаймон аканинг ўз калласини ўзи сиртмоққа суқиш учун етиб келганини айтмоқчи эди. У борар ерига бориб қилар



ишини қилгандан кейин Тешабойнинг шаҳардаги ҳовлисига қараб югурди. Тешабой ўша ерда эканини билар, юрагида тўлиб-тошган қувончини билан баҳам кўришга шошилар эди. У меҳмонхона эшигини очди-ю, илон тилини какратганда чиққан овозга ўхшатиб қаҳқаҳа урди.

– Хо-хо-хо! Ишлар беш! Худонинг яна иккита сочи узуну, ақли қисқасини гўрга тикиб келдим! Хо-хо-хо! Энди йўл очик, буёғига чопқилаб кетсак бўлади. Қайнағамни шипшитиб келдим, ҳозир бориб уни ҳам тутишади. Қойилмисиз, бойвачча?!

Тешабой бу одам билан ади-бади айтишгагина эмас, ҳатто ҳазилашишга ҳам кўрқиб қолган эди. Шунинг учун оғзини бесўнақай очиб хехелади:

– Хе-хе! Қойил бўлганда қандай! Боплабсиз! Нима, у ҳам тўполонда бормиди?

Ашурмирзонинг турқи бузилади.

– Бормиди? – деди у лабини буриб. – Йигит тортиб келганларнинг бири шу-да! Қирғиз Зулфиқор билан иккаласи босди-да турмани. Уч кундан бери қидириб топишолмаётган эди. Мана энди ўз оёғи билан келиб тузоққа тушди. Буни қўлга олсак, ишимизнинг у ёғи ҳам беш! Фулом қаерда, Дилшод қаерда, бошқа қочирилганлар қаерда – ҳаммасини айттирамиз. Қани айтмай кўрсин-чи! Мана шу тишларим билан кекирдагини узиб оламан! Кўзларини ўз қўлим билан ўйиб оламан! Баданига чўб босиб куйдираман. Ҳа, айтмас экан-а!..

Ашурмирзо гоҳ тишларини гижирлатиб, гоҳ калхатникига ўхшаган хунук панжаларини бузилган турқи олдида қалтиратиб ўдағайлаганда, Тешабой худди ўзининг кекирдагини узиб оладигандек кўрқиб кетди. Ҳақиқатан, Ашурмирзонинг авзойи шу қадар хавфли эдики, олдида Сулаймон ака эмас, Тешабой ўтирганини фарқ қилишдан ожиздай кўринарди.



Тешабой ундан нарироқ туриш заруратини сездими ё чиндан хумор қилдими, ўрнидан туриб бориб чилимини ёндирди. Сувини ғалдиратиб, бир-икки тортгандан кейин Ашурмирзога тутди.

– Тортинг, жаҳлингизни туширади.

Ашурмирзо бир хўмрайди-ю, чилимни олиб уста-уста босиб тортди.

– Мен бир нарсага тушунмаяпман, Мирзо, – деди Тешабой ундан чилимини ола туриб. – Мукулмон давлатини қурамиз, деяпсиз. Хўп, қурамиз. Бунинг учун подшони тахтидан ағдариш керак дейсиз. Хўп, қўлимиздан келса жон-жон деб ағдарамиз. Фуломжонлар-чи? Улар ҳам ағдаришмоқчи-ку? Нимага энди уларни қаматтирасиз? Мана шунга мен тушунмаяпман. Отанг яхши, онанг яхши, деб уларни ишга солганимиз маъқул эмасми? Ҳа, кейин...

– Кейин ўзимизни ҳам ағдартирамизми? Сизни туппа-тузук одам деб юрсам, нодон экансизу! – деди Ашурмирзо, хит бўлиб. – Подшо ағдарилгандан кейин буларни босиб бўлармишми? Йўқ, темирни иссиғида қуйиш керак. Ҳозирдан битта-битта еб бормасак, кейин уруғини қуритишимиз қийин бўлади. Ҳа, қийин бўлади!

Тешабой тавба қилган кишидай ҳиринглади.

– Ҳа, бундоқ денг! Хўп, кимларни қўлга олишди, хабарингиз бўлди?

Ашурмирзо очилиб кетди.

– Нимага хабарим бўлмас экан? Мен ўзим ном-ном ёзиб бердим, қамалиши керак бўлган одамларни! Бир узун бўйли хипча ўрис. Отини биллолмадим. Охранкадагиларнинг ўзлари билишар экан. Нима ҳам дейишди, ҳа, Сергей Петровичми, Ивановичми – эсимдан чиқди. Кейин Фуломни...

– Қайси Фулом? Қорабулоқликми?

– Ҳа, ҳамқишлоғингиз. Фулом қори-да.

Ашурмирзонинг яна турқига қиров тушди.

– Йўқ! Қочиб кетди, баччағар! – Ашурмирзо пешонасига бир мушт урди. – Аҳ, мендан ўтди, мендан! Турмадаги жиноятчиларни қочириб бўлиб, ўзи энг кейин чиқди. Шунда пойлаб туриб отдиму, бўлмади. Омадимнинг кемаганини қаранг, маузеримда битта ўқ қолган экан, холос. Мен бундан беҳабар устма-уст боссам, битта ўқдан кейин чиқчиқ қилиб қолаверди.

Тешабой тиззасига шоп эткизиб урди.

– Э, аттанг, э, аттанг! Отилган ўқ-чи, тегдими?

– Тегिशга-ку тегди. Лекин ўлдими, йўқми, билмайман. Жамолиддин отига ўнгариб олиб қочиб кетди.

Тешабой энди тишини фижирлатиб, мушт дўлайди.

– Аҳ, ўлган бўлса-ку хайр, ўлмаган бўлса...

– Ҳеч бокиси йўқ, энди ўлдирамиз. Биздан қочиб қутулиб бўпти! Ерга кириб яширинса, қулоғидан чўзиб чиқарамиз, осмонга қочиб чиқса оёғидан тортиб туширамиз. Ҳа, ажали мана менинг қўлимда!

– Хўш, яна кимлар?

– Яна Жамолиддин, Набижон. Ҳо газетчи қори-чи? Ўша. Иннайкейин, бугун ўз қўлим билан дўзахга топшириб келган жинни хотинимнинг акаси, уни бугун тутишади, хотиржам бўлинг. Сингилларининг қора оши томоғига тиқилмаса, менинг ёним ерга тегмайди. Ҳа, ерга тегмайди! Зулфиқор деган бир қирғиз чолни ҳам айтганман. Тутишдими, йўқми, бунисини билмайман. Ҳа, энг катта душманимни сизга айтиш эсимдан чиқаёзибди. Хусниддинни ҳам қаматтирдим.

– Укангизни? Ё Оллоҳ! Нимага? – Тешабой ҳайрон бўлди.

Ашурмирзони безгакникига ўхшаган қалтироқ босди, юзи буришди.



– Нимага ҳайрон бўласиз?! Ука эмиш!! Садқайи ука кетсин! Ҳали бу укам экану, онам гўридан тирилиб келиб йўлимни тўссин, уни ҳам аямайман! – У яна жазаваси тутиб қичқирди, – Менга қаранг, бой! Ука деган лаънати ака измида бўлиши керакми?

– Албатта.

– Ҳа, баракалла, ака измида бўлиши керак. Ака қайси йўлдан юрса, ука лаънати ҳам ўша йўлдан юриши керак! Хўш, у юрдими? Менинг йўлимга кўндими? Йўқ, кўнмади! «Туркистонни ўрислар зулмидан қутқазиб, ўзимиз озод давлатимизни қурамиз. Сен рафлат босиб юрма, бизга қараш десам, нима дейди денг?! Астаффирулло, одам кофир бўлиб кетасан-да! «Ўша айтган йўлингизга етакловчи сиз бўладиган бўлсангиз, у йўлга киргандан кирмаган маъқул», деди! Қоним миямга тақиллаб урди. Қулоқларини қоматга келтирадиган қилиб бақирдим. «Нима учун? Нима учун, нодон?!» деб ёқасига ёпишсам, қўлимни силтаб ташлаб нима дейди денг? Акам деб ҳурмат ҳам қилмади! «Сиз бечора халқни бир балодан қутқазаман, деб бошқа балога тутқазаётганингизни ўйладингизми? Ажабо, халқ шўри фақат подшо истибдодидангинами? Халқ қонини фақат ҳокимлар, тўралар, мингбошиларгина ичиб келишяптими? Сиз сояларига етти букилиб салом бериб келаётган муттаҳам бойлар, дин либосини кийиб олиб шайтон макри билан халқ ошини ошда, нонини нонда талаётган руҳонийлар камбағаллар қонини ичишмаяптими? Йўқ, бизга сиз ваъда қилган озодлик керак емас! Эсингиз борида этагингизни йиғиштиринг! Халқни чинакам озод қилиш ниятингиз бўлса, бизнинг йўлимизни тутинг!» дейди-я ноинсоф! – У яна бўғилиб қичқирди: – Айтинг, валиулнеъматим, ўшанда нима десам, нима қилсам бўларди?



- Тешабой чўққа ўтириб олган одамдай безовта эди.
- Невлай, – деди у елкаларини қисиб.
- Ашурмирзо яна баттар ҳаволанди.
- Шу-да, билмайсиз! Ўлдиришим керак эди, ўлдиришим! Ҳа, мана бу лаънати юрак заифлик қилди, заифлик! Қўрқдим! Майли, ҳали ҳам кеч эмас. Ўшанда қилмаган ишимни энди қиламан. Ҳоким дорга ҳукм қилсин, мана шу қўлларим билан сиртмоқни ўзим соламан бўйнига! Ҳа, ўзим соламан!
- Ашурмирзо ўкираверганидан томоғи хирқираб қолди. Тешабой гоҳ унга раҳми келиб, гоҳ жаҳли чиқиб ўтирарди. Ашурмирзо бир оз ҳовуридан тушгандан кейин, Тешабой эзилган кишиникидай тушиб кетган бошини аста кўтарди:
- Бу машмашанинг бизга ҳам касри тегди.
- Ашурмирзо ялт этиб қаради.
- Сизга нечук касри тегар экан?
- Воҳидни ҳам тутиб кетишди. Завод ҳар икки кунда бир бузилиб ўлаётган эди. Энди бузилса тамом, тузатадиган одам йўқ. Бўлди-бўлди – менга бўлди.
- Қудратни-чи? Уни ҳам қамашдимми?
- Йўқ. У заводда. Бурнига сув кириб, туппа-тузук.
- Воҳид-чи?
- Воҳидга ҳайронман. Уни нима жин урди, ҳеч ақлим етмай қолди. Назаримда, тўполонни томоша қилгани келса тутиб кетишганов!
- Ашурмирзо қиқирлади.
- Ҳайрон бўлманг, бой! Мевлоно нейлер, нейлерсе-де гўзел эйлер, дейди турклар. Уни қамашганида ҳам бир хайриятчилик бор.
- Тешабой тушунмади.
- Нимага? У ҳам ўшаларнинг одами эканми?
- Йўқ, ўзимизнинг одамимиз. Мен ҳокимга айтиб ёрдам қиламан. Қамоқдан чиқариб олайлик, ана ундан кейин бир умр қулимиз бўлади. Ўл де-



сак – ўлади, тирил десак – тирилади. Бизга худди шунақа қул керак.

– Воҳидни мен худди ўғлимдай яхши кўрардим. Бошқа заводларда ҳам ишчиларга қурол ўргатилса чакки бўлмас эди, деган маслаҳатидан кейин ихлосим яна ортди. Сизга айтувдим шекилли бу маслаҳатини?

– Айтгансиз. Ўшандан кейин баъзи бойлар билан келишиб, заводларига қурол келтириб ташладик. Ҳозир ишимиз яхши. Бундан кейин яна ҳам гулаб кетади. Агар болшавойлар яна шунақа тўполонларидан қилиб туриш-са, қириладиганлар улару, фойда кўрадиганлар, иншооллоҳ, биз бўламиз, Хо-хо-хо!

Тешабой ҳам қўшилиб хохолашди.

– Илойим айтганингиз келсин-да, мирзом!

– Бизнингку кичкина шаҳримизда шунча тўполонлар бўляпти, эҳ-ҳа, Россиядагисини суриштирманг. Ҳадди-ҳисоби йўқ! Бу болшавойлар шундай қилаверишса подшо ағдарилади-ю, тахтни биз босиб оламиз. Ҳа, биз босиб оламиз, бой!

– Э, тухумини бошқа қушлар уясида очтирадиган олатўғаноқ бўлиб кетинг-э! – деди Тешабой, ҳазиллашиб.

Келажак Туркистоннинг тайёр ошига айёр баковуллари қотиб-қотиб кулишди. Гоҳ Тешабой уни, гоҳ у Тешабойни чандиб куларди. Ашурмирзо энди олдидаги итга яланғоч тирноқлари билан човут солгани интилган аламзада мушукка ўхшамасди. У кулиб туриб бирдан жиддий тус олди. Юзидаги кулги, худди биров сидириб ташлагандек, йўқ бўлди.

– Сиз билан бу ерда кулишиб ўтирибмизу, ишимизнинг йиғлайдиган томонини ўйламаяпмиз, бойвачча! Ўша куни Дилшодни турма олдида кўрмадим. Агар тўполонда ё турма ичида ўлган бўлса, уни ҳам уйига келтиришиб, ҳалиги иккита дўзахи

билан бирга кўмишарди. Демак, қайси йўл билан бўлса ҳам қочиб кетган. Тирик, шундайми?

– Албатта, ўлиги топилмагандан кейин тирик-да.

– Ҳа, баракалла! Дунёнинг у четидами ё бу четидами, барибир, қаерда бўлмасин, энди Тўтининг пайига тушади. Ҳожи даллингизга мен ишонмайман. Пул бер, иймонимни ол, дейдиганлардан ул. Борди-ю Дилшод Ҳожи даллини йўлдан урди, унда нима бўлади? Иш расвоми? Расво! Хўш, унда сиз билан бизнинг қайната-куёвлагимиз нима бўлади? Ё...

Ашурмирзо «ё» деганича Тешабойга тикилиб қолди. Тешабой бу иштибоҳ маъносига ё тушунмади, ё тушунса ҳам ўзини гўлликка солди. Ашурмирзога кўзларини пилпиллатиб қараб турарди.

Ашурмирзо бўғилиб қичқирди:

– Гапиринг! Ё айнидингизми?

Тешабой бирданига ёқасидан олинган кишидай шошиб қолди.

– Айнишга-ку айниганимиз йўқ, фақат...

– Қўрқяпман, денг? Ҳи!

Тешабой зўрлаб гапиртирилаётган кишидай минғиллади.

– Қўрқишга-ку қўрқмаймиз-а, лекин...

– Яна шарманда қилишмаса, деб ваҳм ейсиз. Шундайми?

– Ваҳм ейишга-ку ваҳм емаймиз, аммо...

– Белбоғим йўқ, деб қўя қолинг гапни айланттириб ўтирмай!

Тешабой лавлагидай қизариб кетди. Кўз ўнгини бирдан қоронғи босди. Кўкрагидаги юрак ўзининг қўрқоқ юраги эмасу, бировнинг дадил юрагидек бирдан тўнғиллади.

– Менга қаранг, мирзо, сиз ҳали Туркистоннинг вазири аъзами бўлганингиз йўқ, бўлганингизда ҳам оғзингизга қараб гапиринг! Ҳа! Индамасам ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз. Одам деган...



– Хо-хо-хо! – Ашурмирзо гапни ҳазилга айлан-тириш учун қотиб кулди. – Э бор бўлинг, Тешам! Ҳазилга шунчалик жиртиллайсиз-а! Мен сизни замонамизнинг энг олижаноб, энг мард эркаги деб биламан. Кўрдингизми, белбоғ тўғрисидаги кичкина ҳазилга шунча жаҳлингиз чиқди. Баракалла! Мен сиздан худди шуни кутган эдим. Сукут аломати – ризо, дейдилар. Индамай кетаверганингиздами, Худо ҳаққи чинаккам белбоғи йўқ экан, деб ўйлардим. Қойил! Қани, қўлингизни беринг!

Тешабой, олдига солинган сомонни жуда осон ҳазм қилди. У чинакам эркақдай керилиб қўлини чўзди, Ашурмирзо савачўпдай ингичка бармоқли кичкина панжани қисиб:

– Ҳа, иш бундай бўпти! Орамиздан ўтадиган қора мушук ҳали онасининг қорнида. Ҳа, онасининг қорнида, Тешам! – деди.

Тешабой эркаклигидан шу қадар хурсанд эдики, ҳатто мўйловларини у ёқ-бу ёқ бураб ҳам қўйди. Кейин овозини йўғонроқ чиқаришга ҳаракат қилиб:

– Ҳа, нафсиламрга, Дилдош тек ётмайди, – деди, Ашурмирзога яна жон кирди.

– Мен шундан кўрқяпман-да, Тешам! Ўзингиз ўйлаб кўринг, шу нодон қизим туфайли бир карра эл оғзига тушишга тушдингиз. Орқангиздан кулганлар оз бўлмади. Бундан ташқари, нафсониятга бориб, Дилшодни турмада сарфайтирдингиз. Қизимни ҳам турмадан баттар жойда хун қиялпсиз. Хўш, нима учун? Ҳавойи қасос учун холосми? Йўқ, энди бемалол тўй қилиб олиш пайти келганда тисарилсангиз, жуда хунук иш бўлишини айтмаганимда ҳам, тушуниб бўлмайдиган қилиқ қилган бўласиз. Ҳозир шунақаям қулай пайтки, бунақаси бўлмайди, ҳа, бунақаси бўлмайди! Онаси билан холаси ўлди, поччаси билан тоғаси қамоқда. Дилшод

бўлса ҳозирча аллақайларда жон сақлаб юришга мажбур. Қишлоқда ҳам уларнинг тарафларини оладиган одамлар қолмади ҳисоб. Демак тўй йўли очик. Хоҳласангиз бугуноқ тушириб кетинг. Мен ҳам тинчий, сиз ҳам тинчинг. Нима дейсиз?

Тешабой ташқидан учиб тургандай кўринса ҳам, ичдан аллақандай безовта эди. Кўнгли чопмай, хижил бўлиб ўтирарди. Буни Ашурмирзо ўзича тушунди.

– Бугун онаси билан холаси ўлса-ю, эртага қандай тўй қилиб бўлади, деб ҳайронсиз, шундайми?

Тешабой ичини тимдалаётган мушук бошқа бўлса ҳам, калласини ликиллаатди:

– Ҳа, шу томони ҳам бор.

Ашурмирзо бу халта кўчадан осонгина чиқди.

– Қизиқсиз. Ким ажални қувибди-ю, дунёга устун бўлиб қолибди? Ҳамма ҳам вақти соати билан ўлади. Ўлим бор жойда туғилиш бор, туғилиш бор жойда тўй. Сиз у ёғини ўйламанг, Тешам. Ҳа, асло ўйламанг! – Ашурмирзо Тешабойга яқин энгашиб шипшиди. – Тўйни катта қилмаймиз. Секин энг ичида ўтказамиз, қўямиз. Лаббай?

У яна ҳоҳолаб кулди. Бу сафарги кулиши қашқир улишига ўхшарди.

Ўттиз биринчи боб **Дод дастингдан!**

Тўтиқиз кўзларини очганда бошида ҳамон Ризвон кампир ўтирарди. У кампирни кўриб бирдан сакраб тушди. Кўзлари чаноқларидан чиқди. Жовдираб теварагига қаради. Ўша нимқоронғи кулба, ўша ер сатҳидаги зиндон! У чирқираб йиғлаб юборди.

– Дод! Яна шу ердан, яна шу зиндонда! Вой шўрим! Шўрим!!!



– Чирқирама! Ўлмай қолганингга шукур қил!

Ризвон хола Тўтиқиз ҳушига келганидан қувонса ҳам, алдаб қочганидан аламда эди. Шунинг учун шанғиб берди.

Тўтиқиз бошини чангаллаб фарёд кўтарди:

– Ё Худо! Яна шу ердаман! Дод! Войдод!

– Э, унингни ўчир-э! Мен сени мўмин қиз деб юрсам Худонинг балоси экансан! Ҳай-ҳай-ҳай, Худойимдан айланайки, уйғониб кетдим. Ўша донг қотганимча қотиб қолсамми, ё қорда музлаб ўлардинг, ё қочиб кетиб, мени нақ балога қўярдинг! Аҳмоқ бўлмасанг, қорда қочасанми! Ахир изинг тутиб беради-ку!

Тўтиқиз кўйлагининг ёқасини йиртиб кўкракига чанг солди.

– Оҳ, қон бўлиб кетдим! Қон! Бувимни соғиндим! Бувижонимни соғиндим! Войдод! Войдод!

Ризвон хола ҳар нима бўлганда ҳам аёл эди, раҳми келди. Тўтиқизнинг бошини силади.

– Қўй, болам, йиғлама. Дод солганинг билан бувинг эшитиб келармиди? Бас, бас! Йиғлама, қизим, йиғлама. Бувинг ўрнида мен борман. Ҳожи холанг келиб турибди. Даданг келиб турибди. Ҳадемай Дилшодбегинг келади.

Тўтиқиз бошини кўтариб, қизарган, ёш қуйилиб турган мўлтироқ кўзлари билан Ризвон холага термилди.

– Келармикан? Ростдан келармикан, холажон? Йўқ, келмайди. Келса, бу вақтгача келарди...

Ризвон холанинг ҳам юраги тўкилди. Худди ҳимоят тилагандек бағрига кириб олган бу кичкина бебахт бошни силаб туриб пиқиллай бошлади.

– Келади, болам, келади, албатта келади. Қўй, бўзлама, болам, бўзлама! Сен бўзласанг мен ҳам йиғлаб юбораман. Келади севганинг, жон болам.



Бу ширин сўз Тўтиқизнинг зулмат ичидаги қоронғи қалбига чироқ кўтариб кирди. Энди унда яна яшаш, яна васл бахтини кўзлаш иштиёқи туғилди. У аста-секин ўзига келиб, бўлиб ўтган воқеани эслай бошлади. Лекин ўнгидан кўра тушига ўхшарди.

– Холажон, мени ким қайтариб келди? – деб сўради Тўтиқиз, бошини кампир бағридан узиб.

Ризвон кампир яна унинг бошипи силади.

– Мен, болам, мен кўтариб келдим.

Тўтиқиз уни ухлатиб қочганини энди аниқ эслаб ажабланди.

– Сиз? Ахир сиз...

– Бирдан уйғониб кетдим. Қарасам, сен йўқсан, ё Худо, нима қилишимни билмай ташқарига отидим. У ерда ҳам йўқсан. Қорда изинг. Из қувиб чопдим. Анча кетиб қолибсан. Ҳаллослаб югураверганимдан нафасим бўғзимга тиқилиб қолди. Кечаси бўри-мўри еб қўйдими деб қўрққанимни айтмайсанми! Вой шўрим! Хайрият, изинг тамом бўлди. Мундоқ қарасам қор тагида бир нима қорайиб кўринади. Вой ўлай, кавлаб қарасам, – сенсан-да. Юрагим орқамга тортиб кетди. Дарров опичиб олдим. Қани энди юролсам. Оёқларим қалтирайди. Сени эмас, тоғни кўтаргандай гандираклайман. Мунча бало оғир бўлмасанг? Қўрғонга кўтариб келгунимча кўк терга пишдим. Йўқ, бир амаллаб олиб келиб ётқиздим. Тўти десам, индамайсан, қўлингни қимирлатсам индамайсан. Вой шўрим, ўлиб қопти, деб додлаб юбордим. Додимни ҳам эшитмайсан. Дарров ташқаридан қор олиб кириб баданингни ишқадим, қўлларингни, оёқларингни уқаладим, бағримга босиб ётдим. Йўқ, хайрият, анчадан кейин сал ўзингга келдинг. Вой, суюндим, бирам суюндимки, ўз болам тирилганда ҳам билмайман, бунчалик суюнмасмидим! Дарров иссиқ кўрпага ўрадим. Тишим-



нинг ковагида сақлаб юрган фамиличойим бор эди, шуни дамлаб ичирдим. Бошингни, чаккаларингни, бетларингни уқалаб ёнингда ўтирдим. Йўқ, хайрият, узоқ ётиб қолмадинг.

Тўтиқиз оғир касалдан турган беҳол кишининг заиф товуши билан:

– Қанча ётдим, бир кунми, холажон? – деб сўради.

– Кўп ётдинг, болам, кўп ётдинг. Иситмадан куйиб, нуқул жовлийсан. Гоҳ Дилшодингни чақирасан, гоҳ бувингни. Кейин Тўфахон деган отни айтдинг. У ким, қизим?

Тўтиқиз ўзига келиб, аста-секин гапга аралашгани Ризвон холани хурсанд қилди. У бунга яна узоқ ётиб қолади, деб қўрқар эди. Уни яна ҳам кўпроқ гапга солиб жонлантириш, шу билан хаста дилига мадор бериш учун Ризвон хола жўрттага Тўфақиздан гап очди.

Бу бахтиқаро қиз хотираси Тўтихон қалбида битмас яра бўлиб келар, уни тез-тез эслаб ич-ичидан йиғлар эди. У Тўфақиз номини эшитиб, бирдан сесканиб тушди. Кўзларида соғинч, алам учқунлари чақнади.

– Тўфахонни ҳам чақирдимми, холажон? – у мунгли бир товуш билан сўради.

Ризвон хола гапга гап улашганидан суюниб кетди.

– Чақирганинг йўғу, кўп гапирдинг. «Тўфахон! Тўфахон! Мен сенинг ҳолинга йиғлаган эдим, ким йиғлайди менинг ҳолимга, Тўфам!» деддинг. Хуллас, шунга ўхшаган гаплар.

Тўтиқиз паришонлик билан:

– Ажаб эмас, – деди.

– Ким у, ўртоғингми?

– Ўртоғим. Менга ўхшаш бир бахтиқаро. Бултур бобоси тенгли бир қари тўра ўн еттига тўлмаган у бечорани ўзига хотин қилиб олди. Вой, ўшанда



мен бахтсиз дугонам шўрига қанчалар йиғладим! Уни эмас, мени зўрлаб олаётгандек, ўзимни уриб йиғладим. Мана энди ўзим ўша шўрдан қон ютиб ўтирибман. Оҳ, холажон! Холажон! Биз бечора қизлар фақат нолаю афғон учун, хору зор бўлиш учун, жория каби оёқости бўлиш учунгина дунёга келар эканмиз! Нечун Худо бизни қиз қилиб яратди-ю, бахтдан, эркин муҳаббатдан, ихтиёримиздан маҳрум этди? Айтинг, айтинг, холажон, бу хўрлик қайдан?!

Ризвон хола гарангсиб қолди. Унинг юрагида ҳам шу хил саволлар туғилган пайтлар бўлган, лекин у ҳеч кимдан сўрамаган, ҳеч ким ҳам унга бу тахлит савол бермаган эди. Инсон бошидаги ҳар қандай шўру рағбони Оллоҳнинг иродаси, азалнинг иши деб биларди у.

– О, болам, биз қайдан билайлик. Азалнинг иши бу, айланай, – деди Ризвон хола.

Тўтиқиз яна сапчиб тушди.

– Азалнинг иши? Бу қоранг ўчгур азални ўзгартириб бўлмайдимиз?

– Куфр кетма, айланай. Гуноҳ бўлади бунақа дейиш.

– Оҳ, бу гуноҳ! Бу гуноҳ! Бизнинг бошимизни еятган шу «гуноҳ» эмасмикан, холажон?! Азал деганингиз нечун биз муштипарларнигина кўради-ю бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўла туриб гулдай бир қизни никоҳлаб олишдай гуноҳдан кўрқмаган қари иблисларни кўрмай-ди? Бу қандай азал, холажон?

– Қаламда кетган, болам, қаламда.

Тўтиқиз бошини икки қўли билан чангалаб йиғлай бошлади.

– Оҳ, оёқларимиздаги кишанларнинг ҳалқалари мунча кўп-а! Қачон узилади бу занг босган кишанлар? Қачон қутуламиз чандишиб кетган бу лаънати ҳалқалардан?!



– Кўй, йиғлама, – деди Ризвон хола, суяклари уриб чиққан озгин бағрига уни меҳр билан тортиб. – Бу савдолар сенинг бошингда ё ўртоғинг Тўфа бошида бўлса йиғласанг майли эди. Сен менинг мана шу буришган афтимни кўрасану, нимага буришганини, ичимда нималар борлигини кўрмайсан. Ахир мен ҳам сендай куйганларнинг бириман, қизим. О-о, сен сўрама, мен айтмай. Оҳ урсам дудимга осмон ёнади, болам! Ҳа!

Тўтиқиз бошини аста кўтариб, кампирнинг гамгин, эзгин юзига тикилди. Бирдан қорайиб, яна ҳам кичрайиб кетган бу аламли юзда азал ишининг сидирилмас излари кўрингандай бўлди.

Тўтиқизнинг юраги шув этиб кетди. «Ё Оллоҳ, дунё дарду аламлари билан куйдира-куйдира мени ҳам шу кепатага солиш қасдинг бўлса!.. Йўқ! Йўқ, йўқ, менга раҳминг келсин, Худоё!..»

Тўтиқиз, хўрлиги келиб яна йиғига урди ўзини.

– Бас-бас, кўп ўртанма, жон болам! Сен билан бизга Худонинг раҳми келмайдию, бандасининг раҳми келармиди, қалай! Бўлди, бўлди, арт кўзингни! Йиғламай, яхши қиз бўлиб ўтирсанг, сенга битта гапим бор, айтиб бераман. Хўпми? – деди Ризвон хола уни кичкина қизалоқдай эркалаб.

Тўтиқиз ҳали ёши тинмаган кўзларини мўлтиратиб қаради:

– Хўп, холажон, хўп, йиғламайман.

Кампир чиндан ҳам бирон гап билан уни юпатмоқчи эдими ё қалбида дафн этилган оғир хотираларини тирилтирмоқчи бўлдими, ўзининг ўтмишидан гап очди.

– Мен ҳам бир маҳаллар сенга ўхшаш ёш эдим. Кулма, қизим, ёш эдим. Ёш бўлганимда ҳам сендақа кўзга анча яқин эдим. Бўйим узун эди-ю, лекин тўлиб турган, кулиб турган қўғирчоқдай қиз эдим. Мен асли қишлоқиман. Қишлоқ қизларини



биласан, анча тўпори бўлишади. Юзимга бир нарса суртмасам ҳам суртганлардан чиройли эдим. Ана шу чирой ўлгур бошимга етди...

Ризвон хола гапининг давомини айтиш оғирдай лабини тишлаб ўйланиб қолди.

Мароқ Тўтиқизни шоширди.

– Вой, нимага тўхтаб қолдингиз? Айтинг, холажон.

– Хўп. Отам ўзига тўқ деҳқон эди. Пахта экардик. Мен у вақтлар энди ўн тўртга қадам қўйган, гулдай очилган пайтим эди. Қишлоқ қизлари шунақа тез етилишади, биласан. Ҳа, бўйи бир қарич, соқоли минг қарич, деган топишмоқдагига ўхшаган бўзчи қўшнимиз бор эди. Ўшанинг бўйлари узун, кўзлари ўйнаб турган чўғдай бир халфаси мени яхши кўриб қолди. Қўйчи, у мени олмаса, мен унга тегмасам, туrolмайдиган аҳволга тушдик. Гапни бир ерга қўйганимиздан кейин у хўжайинига шунақа-шунақа деган экан, гўрингда тўнғиз қўпгур пакана аввалига «хўп» дебди, кейин... кейин... Менинг шўрим-да, уч кийимлик атласимни ўғирлади, деб қаматиб юборди у бечорани. Мен дод деганимча қолдим. Нимага бундай қилганини фаҳмладингми? Аслида пакана ўлгур мени кўз тагига олиб юрган экан. Уни қаматиб, эртасигаёқ отам олдига одам киргизди. «Яхшиликча берса берди, бермаса, шармандасини чиқараман. Қизи халфамнинг ўйнаши эди!» дебди. Отам мени тутиб олиб, итнинг боласидай калтаклади. «Мен ўша йигитни деймай! Ўлдирсангиз ўлдиринг, паканага тегмайман!» деб у Худонинг зорини қилдим, бўлмади. Қоранг ўчкур пакананинг макрига лаққа тушиб отам мени бериб юборди...

Ризвон кампир яна сукутга берилди. Тўтиқиз ўз ўйлари билан бандмиди, бу сафар шошилтирмади. У бошини чап қўлига қўйиб, узоқ ўйланиб ўтирди. Тўтиқиз бу муштипар кампир тўғрисида ёмон нар-



салар ўйлагани учун ич-ичидан пушаймон эди. У секин бошини кўтариб, кампирнинг ғам сели қу-йилган юзига қаради. Кейин бирдан қўлларини ўнг елкасига ташлаб, юзини юзига суртди.

– Бечора холам, ўзимнинг холам, қўйинг, хафа бўлманг. Мен ҳам сиздек севганимдан жудоман, – деди.

Кампир қуришқоқ бетига меҳр билан ишқала-наётган тароватли юздан чўлп-чўлп ўпди. Кейин жуда ширин бир тил билан сўради:

– Боя сенга битта гапим бор, айтаман девдим-а?
Тўтиқиз кўзлари, лаблари билан жилмайиб:

– Ҳа, – деди.

– Ҳали у гапимни айтганим йўқ. Айтайми?

У қоқажон қизалоқдай бошчасини кўзи-кўзи қилиб эркаланди.

– Вой, ҳозир айтганларингиз бошқами?

– Бошқа, қизим, бошқа, – деди кампир меҳрибон она кулгиси билан кулиб. – Биласанми, бошингга тушган шўрни Ҳожи дўзахи айтганда, ёшлигим, ёшликда кўрган жабру жафоларим эсимга тушиб, ич-ичимдан эзилиб йиғладим. Сен мени бағритош бир қоровул, пойлоқчи деб ўйлайсан. Шунинг учун мени жинингдан баттар кўрасан. Ҳаққинг бор. Лекин аслида бундай эмас. Иймонсиз Ҳожи: «Шу қизга кўз-қулоқ бўлиб тур. Ёнидан жилма, ўзини ҳам ёнингдан жилдирма», деб мени бу ерга олиб келганда кўнглимда бошқа мақсад бор эди, ўзим ҳам кўнглим берган кишимдан айрилганим, бу айрилиқ ўтида не-не жафолар кўрганим учун сени секин қочириб юбормоқчи эдим...

Тўтиқизни қудратли бир ҳаяжон, ичдан кўпоририлган кучли бир тўлақин азот кўтариб ташлади. У кампирни қучоқлаб бирдан йиғлаб юборди.

– Холажон, жоним холам! Наҳотки?!

– Йиғлама! Сен йиғласанг, мен ҳам қўшилиб йиғлаб юбораман.



Тўтиқиз уни елкаларидан силкитиб, кўзларига кириб туриб қичқирди:

– Нимага қочирмадингиз, холажон, нимага? Ўзингиз-ку қочирмабсиз, мен қочганимда нимага ушлаб келдингиз? Нимага?! Нимага?!!

Ризвон хола ёмон туш кўрган кишидай ўшша-йиб ўтирарди. Секин бошини кўтариб ўлимтик товуш билан:

– Ҳожи йўлимни тўсиб қўйди, – деди.

– Қандай? Қандай қилиб, холажон?

– Қуръон ушлатди.

– Вой!

– Ҳа!

– «Шу бечора қизни кўз қорачуғимдай асрама-сам, каломуллои шариф урсин», деб қасам ич, деди. «Вой, жинни бўлдингизми? Шунга ҳам Қуръон ушлашми!» деб туриб олсам ҳам бўлмади. Ноилож Қуръон ушлаб қасам ичдим.

– Оҳ, бу ҳалқа! Оёқларимиздаги кишан ҳалқалари! Дод дастингдан! Дод! – Тўтиқиз қалтироқ панжаларини паришон сочлари орасига суқди. Чаноқларидан чиқиб, пешонасига битиб қолган телба кўзларидан ёш сели қўйди. Гоҳ юзларини юмдалаб, гоҳ кўксини чангаллаб йиғлар эди.

Ризвон хола бу сафар уни юпатмади. Тўғриси юпатар сўз топмади. «Қуръон ушлаб қасам ичиш» нима эканини у ҳам, бу ҳам яхши билар эди.

Тўтиқиз узоқ ўзини уриб йиғлади, кўз ёшлари қонга айлангунча, ҳолдан кетиб йиқилгунча йиғлади.

Ризвон хола ҳам бутун умр китобини варақлаб, унинг қора саҳифаларини бир-бир кўз ўнгидан ўтказди. Ёнида пиқиллаб, ҳиқиллаб ётган шўрлик қиз дардини енгиллаштириш учун ҳеч бўлмаса бошини силашга ҳам юраги дов бермади. Агар унинг бирон ерига тегса, ё бошини силаса, ўзининг ҳам бир маҳаллар мана шундай оёқости қилинган қора ёш-



лиги яна бутун хору зорлиги билан тирилиб келиб, бу хору зорлик учун гўё у айбдордек, ёқасига ёпишиб додлашидан кўрқар эди. У узоқ эзилиб ўтирди. Бир маҳалдан кейин ўрнидан оғир туриб, чойдишга ўт ёқди. Чой дамлади, ўртага дастурхон солди, кейин Тўтиқизни йиғлаб ётган еридан аста турғизди.

– Кел, қизим, томоғингни хўллаб ол. Начора, ҳамма бало пешонамизда. Пешонамиз асли шўр бўлгандан кейин, минг ўзимизни уриб фарёд қилайлик, фойдаси йўқ. Ўтир, жон болам, бир бурдагина нон тишла. Ҳозир аччиққина хўрда қилиб бераман. Кўнглинг очилади.

– Ҳа, аччиқ қилинг, танам аччиқ юта-юта заҳар кўмсайдиган бўлиб қолди, – деди Тўтиқиз, ердан кўзларини узмай.

Кампир кинояга тушунмади, бир алахсиб қаради-ю индамай чой узатди. Тўтиқиз, ичи куйиб, ҳоли қуриб турган бўлса ҳам чойга қарамади. Ҳатто оғзига бир тишлам нон солмади. Ҳали йиғлаб ётганда ўйлаган, ўйлаган ўйининг тагига етолмай яна ўйлаган эди. Ҳозир қуришган лабларини ялаб, гапни яна ўз дардидан бошлади.

– Холажон, ўзимнинг жон холажоним, бир нарса сўрасам айтасизми?

– Вой, сўра жон болам, сўра? Билсам, йўқ деярмидим?

– Бўлмаса, худолигингизни айтинг: Ҳожи хола билан отам чиндан ҳам миршаблардан сақлаш учун мени шу ерда беркитиб ўтиришибдими? Ё бирон бошқа мақсадлари борми?

– Мақсадлари...

– Шошманг, шошманг, аввал саволларимни бериб олай, кейин жавоб айтасиз. Агар ростдан ҳам мени миршаблардан, турмага тушиш хавфидан қутқазмоқчи бўлишса, нима учун кечасими ё бошқа бирон қулай пайтдами мени уйга элтиб

ташлашмайди? Ахир уйда ҳам бировга кўринмай, овозимни чиқармай ўтирсам бўларди-ю?

– Бўларди, болам, бўларди, – деди Ризвон хола, дудмал бир оҳангда унинг сўзини бўлиб.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, холажон. Мен буни жуда кўп ўйладим. Ҳозир йиғлаб ўтириб ҳам яна шуни ўйладим. Ҳайронман, сизни қасам ичириб ёнимга қўйишган бўлса, балки бошқа мақсадлари бордир? Ростингизни айтинг, холажон, мени яна Тешабойга зўрлаб беришмоқчи эмасми-а? Холажон?!

Ризвон хола икки ўт орасида қолди. «Ҳа» деса, Ҳожи холадан балога қолади, «Йўқ» деса Тўтиқизнинг шундай толпиниб, жовдираб турган кўзлари олдида ёлғон гапиришдан кўрқади. Бир кўнгли ҳамма гапни очиб ташламоқчи ҳам бўлди. Лекин кўз ўнгига Қуръон келди-ю, тили қалтираб қолди.

– Ҳалиги, ҳа, шунча саволни жамлаб ташладингки, қайси бирига қандай жавоб беришни билмай қолдим. Тўхта, тўхта, биров келяптими? – деди у, ташқарига қулоқ солиб.

Чиндан ҳам ташқарида икки овоз гаплашиб келаётган эди. Овознинг иккаласи ҳам таниш эди.

– Вой, дадам билан Ҳожи хола! Зора хушхабар олиб келишадиган бўлишса! – деди Тўтиқиз, сапчиб ўрнидан туриб. Ризвон хола уларни кутиб олгани югурди. У остонага етмай Ашурмирзо, орқада Ҳожи хола ҳаллослаб кириб келди. Отасининг қовоқлари тушиб кетганини кўриб, Тўтиқизнинг юраги шиғиллади. У ҳамма вақт кулиб, очилиб келар, қизи шўрига ачингандай, унинг кўнглини кўтаришга шошилгандай кўринарди. Энди эса қовоқларидан қор ёғяпти. Ҳожи холанинг авзойи ҳам Ашурмирзоникидан яхши эмас.

Отаси «сув!» дегандай икки қўлини олдинга чўзди. Тўтиқиз дарров қўлига сув берди. Ашурмир-

зо қўларини ювиб туриб Ҳожи холага калласини силтади.

– Бунинг кўз ёшидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! Қачон келмай, кўзининг селини оқизиб тургани устидан чиқаман, – деди у, худди еб ташлайдигандай Тўтиқизга хўмрайиб.

Ҳожи хола каттакон нарсани чўкиб қўйиб, томоғидан ўтказолмай ҳиқиллаб қолган нафси ёмон товуқ сингари қиғиллади.

– Қиғи, қизиқсиз Ашуржон, бу йиғламай мен йиғлайми? Худо кўтаргур Дилшодни деб бу ерда сомондек сарғайиб ўтирса-ю, Дилшод у ёқда вафосизлик қилиб, бечора Тўти бошига шундай хунук кунлар тушганда юз ўтириб кетса, номардлик билан талоқ қилса, яна мундоғ ялиниб хатлар ёзса, албатта, йиғлайди-да. О, биз бечора аёлларни қандай алдашади-я, бу иймонсиз эркаклар!

Ҳожи холанинг «яна мундоғ ялиниб хатлар ёзса» деганини эшитиб Тўтиқизнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. «Ялиниб» сўзи бағишлаган умид кўз олдига ҳарир парда тортди. У ҳали ўтирмаган эди. Оёқлари бўшашганини, бутун вужудига аллақандай ивишиш югурганини сезиб, яна тик турса йиқилиб кетишдан кўрққандек секин ўтириб олди. Аммо ўтириб ҳам тинчимади. Ҳожи хола сўзи қалбида туғдирган умид билан Дилшодидан хушхабар кутар, илгари ёзган мурувватсиз хатлари учун тавба қилган бўлса керак деб ўйлар эди. Лекин отасининг осилиб тушган қовоғини кўрди-ю, қалбида толпинган умид, вужудини қамраган ҳаяжон гўрковини кўргандек бўлади.

Ашурмирзо қовоғини очмай қизига қаради.

– Бугун Ҳожи хола менга мана бу хатни олиб келди, – деди у, қўлида ушлаб турган тахлоғлик қоғозни силкитиб. – Ўқидиму, зарур ишларимни ҳам ташлаб олдинга югуриб келдим. Бу ёмон



жаҳлимни чиқарди. Сен қизимсан. Қизим бўлганинда ҳам биттаю битта қизимсан. Сенинг бирон ерингга кирган зирагча менинг юрагимга киради. Сен мен тўғримда нима ўйлайсан, у сенинг ишинг, лекин мен сен ўйлаганингча бемехр ота эмасман. Ҳа, бемехр ота эмасман. Дилшодга келсак, у сенинг бўланг – холаваччанг. Демак, менга ҳам бегона эмас деган сўз. Ўрталарингизда нима ўтган бўлса ўтди, мен буни сенга таъна қилмоқчи эмасман. Мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Сенинг бошингга хавф тушганда қанча безовта бўлсам, Дилшод бошига хавф тушганда ҳам шунақа безовта бўламан. Эҳ-ҳе, уни турмадан қутқазиб оламан деб бошимни урмаган жойим қолмади. Ҳар нима бўлганда ҳам жигарим, ахир! Хатининг мазмунига қараганда жинояти катта экан-у, биз хомхаёл бўлиб юраверган эканмиз. Э, нодон, нодон! Мана, хатини ўзинг ўқиб кўр. Ёш бола эмассан, ўзинг ҳам тушуниб оларсан.

Ашурмирзо хатни Тўтиқиз олдига ташлади. У хатни олиб, бир четга ўқигани кетди. Лекин отасининг гапи билан ваҳм тўлган қалби бемалол ўқишига имкон бермади. Биринчи сатрлардаёқ кўз олдини қалин туман босди. Боши айланиб, деворга суяниб қолди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмади. У бир неча зумдан кейин ўзини қўлга олди. Кўз ўнгини қоплаган қалин туман ҳали тамом тарқалмаган бўлса ҳам, бу парда орқасида танишдек, дилбардек кўринган сатрлар устида ташна кўзларини югуртира бошлади.

Мактубнинг энг устида ёзилган ўз номи Дилшоднинг мулойим, ширин овозини қулоқларида янгатди. У бу овозни – юрагида ҳамма вақт бахт шалолари қайнатган бу дилбар овозни – равшан эшитди-ю, Дилшодини ёнида, ҳатто бағрида ҳис этди. Бу ҳис унга куч берди. У шу қудратли куч



билан ўзини маҳкам ушлаб, мактубни охиригача ўқиб чиқди.

«Тўтихон!

Инсон ўйламай босган одими билан ўзигагина эмас, ўзгаларга ҳам бахтсизлик келтиришини энди англадим. Афсуски, кеч англадим. Мен бу машъум одим тарихини айтиб ўтирмайман. Буни айтиш мен учун қанча оғир бўлса, эшитиш сиз учун ҳам шунча оғир бўлар, деб ўйладим. Сиз бу одимнинг нақадар қалтис бўлганини ўлимга ҳукм қилинганимдан билиб олишингиз мумкин. Ҳа. Тўтихон, мени ўлимга ҳукм қилдилар! Қаранг, тириклизимда сизга етказган озорларим озлик қилгандек, ўлиб туриб ҳам яна сизни доғу ҳасратда қон йиғлатаяпман: Ё Оллоҳ, бу даҳшатдан қутулишининг иложи йўқми?!

Ҳукмни ўқиб эшиттиришгандан кейин не фожиага тушганимни тасаввур қилолмайсиз, Тўтихон! Камеранинг гўр ҳиди келиб турган совуқ ерларида юмаланиб йиғладим; мажнун сочларимни, ўсиб кетган соқолларимни юлдим, уст-бошларимни йиртиб фарёд қилдим! Нима учун! Биласизми, нима учун, Тўтихон?! О, йигирма икки ёшимда дунё лаззатига тўймай ўлиб кетаётганим учун эмас! Йўқ, бунинг учун эмас! Сизни кўрмай, ишқингизга тўймай кўзларим очиқ кетаётганим учун йиғладим!

Турмада менинг хатларимни чиқариб турадиган бир яхши кузатчи бор. Менинг фожиам худди ўзиникидек, менга қўшилиб йиғлашади. Кеча шу кузатчи хилват қилиб туриб менга бир гап айтди. «Ўтиб қолгунча, отиб қол, деган гап бор. Бекор ўлиб кетгунча, қутулишининг йўлини қилсанг бўлмайдимми?» деди. Биласиз, чўкаётган одам кичкина чўнга ҳам осилармиш. Мен ҳам унга осилиб олдим. «Қандай қилиб? Йўли борми, айтинг?» дедим.



«Биласан, Тешабой хотинингни олмоқчи. Ўлиб кетсанг олиши яна ҳам осонлашади. Шунинг учун бир ҳийла ишлатсак қалай бўлар экан?» деди. Мен қанақа ҳийлалигини сўрадим. «Тешабой ҳоқимнинг қалин дўсти – ораларидан қил ўтмайди. Майли, хотининг ўша лаънатига тегса тега қолсин, ишқилиб Тешабой гуноҳингни ҳоқимдан сўраб олса бас», деди. Ўйлаб қарасам, муқаррар ўлимдан қутулишимнинг бирдан-бир йўли шу кўринди. Худонинг қудратига шак келтириб бўладими? Мен ўлмай қолсам, сиз соғ бўлсангиз, балки бир кун яна топишиб кетармиз?

Хуллас, билмайман, бунинг иложи борми, йўқми, лекин сиздан Тешабойга рози бўлишингизни сўрашга бетим чидамайди. Балки сиз, ўлимдан қўрқаётгани учун мени бу разолатга даъват қиляпти, деб ўйларсиз. Йўқ, зинҳор ундай эмас! Мен фақат сизнинг виждонингизга ҳавола қиляпман холос. Севдим, деган кишингизнинг ўлиб кетишига рози бўласизми ё уни ўлимдан қутқазиб қоласизми – шунни билмоқчиман, холос.

Тўғри, мен сизга кўп хунук хатлар ёздим, ҳатто сизни ҳақорат қилиш каби пасткашликдан жирканмадим. Лекин начора, турмадаман, турма азобидаман, асабларим бузилган, ҳар қандай нажотдан, ҳатто Оллоҳ иноятдан умидим узилган. Мен каби бир нотавадан шафқат кутиб бўлармишим, ажабо!

Тўтихон, масхарабоз тақдир найрангини қаранг! Кечагина ўзим отган тухмат тошларим билан кўкси чок қилинган бир муштипарга «мени ўлимдан қутқаз», деб мана энди ялиниб ўтирибман!

Ҳа, бир гап эсимдан чиқаёзибди. Ўша кузатчи дўстимнинг маслаҳати билан уйга ҳам мана шу мазмунда хат ёздим. Холам билан бувим: «Майли, Тўтига хабар қил, тегса тега қолсин ўша қора-



си ўқкур бойга! Ишқилиб, сен омон қолсанг бас»,
деб жавоб ёзишибди. Эвоҳ, биз нима хаёлда эдигу,
Худо бизни нима заволга солди!

Тўтихон, сиздан яна бир илтимос: биламан,
хатим сизни ўтдан олиб ўтга солади, балки жо-
нингизга қасд ҳам қилдиради. Лекин зинҳор ундай
қила кўрманг! Хатимни олганингиздан кейин ҳам,
Тешабойга тушганингиздан кейин ҳам жонингизга
қасд қилсангиз менинг ўлимимга қўл қўйган, қа-
чон бўлса ҳам яна топшишимиздан воз кечган
бўласиз!

Уч кундан кейин ҳукм ижро қилинади ё Теша-
бой келиб мени ҳокимдан сўраб олади. Униси ҳам,
буниси ҳам энди сизнинг ихтиёрингизда қолди.

Заволимга қолмассиз деган умид билан Дилшод».

Олти ташвишли кўз Тўтиқизнинг рангдан ранг-
га кўчиб турган ҳаяжонли юзидан узилмади. У
ора-сира гандираклаб кўзларини юмиб олган-
да, Ризвон хола юрагида яширин бир дард билан
унинг елкасидан қучоқлаб: «Оғир бўл! Қизим, оғир
бўл!» деб юрак берарди.

Мактуб бефожиа ўқиб бўлингач, Ашурмирзо
билан Ҳожи хола бир-бирларига «хайрият» дейиш-
гандай қилиб қараб олишди.

– Бу ёққа кел, қизим, ўтир мана бу ерга, – деди
Ҳожи хола, Тўтиқизга ёнидан жой кўрсатиб.

Тўтиқиз жойидан жилмади. У мактубни чангал-
лаганича жонсиз, ҳиссиз турарди. Ризвон хола бир
қўли билан секин қучоқлаб уни дастурхон ёнига
келтирди.

– Ўтира қол, қизим, – деди Ашурмирзо, энди дўқ
қилиб эмас, мулойим қилиб.

Тўтиқиз ерга беҳуш чўккалади.

Ҳожи хола қалтираган, йиғламсираган товуш
билан сайрай бошлади:

– Бечора Дилшодга ачинаман. Вой шўрлиг-ей!
Шундай йигит-а! Бай-бай-бай...

Ашурмирзо уни жеркиб ташлади.

– Бас-э! Йиғламаган энди сиз қолувдингиз! Гап-ни гапга қовуштирмайсиз! – У бир оз бўғилгандай бўлиб ўтиргандан кейин яна мулойим товуш билан қизига гапирди. – Менинг асли мақсадим – бу хунук ишлар босди-босди бўлиб кетгандан кейин иккалангизнинг тўйингизни қилиб бериб, эл орасида бошимни ғоз қилиб юриш эди. Афсуски, бўлмади. Агар сени Тешабойга бериш ниятим бўлганда, кўз ёшингга ҳам, қайсарлигингга ҳам қараб ўтирмасдан, зўрлаб бўлса ҳам бир кунда бериб юборардим. Ахир отангман, ихтиёринг менда! Мана энди хоҳламаган, ўйламаган нарсамни қилишга мажбур бўлиб ўтирибман. Тавба! Сен хўп десангу, мен йўқ деб туриб олсам, барибир яна Дилшод бечорага жавр бўлади. Шунинг учун сени тезроқ Тешабойникига олиб бориб никоҳингни ўқитишим, кейин у билан ҳоким олди-га чопиб, Дилшодни ўлимдан қутқазишим керак. Мана, кўрдингми қандай аҳволдаман? Ё Дилшод ўлиб кетаверсинми? Нима дейсан?

Тўтиқизнинг ёшлар ювиб турган озғин юзида ўқ еган оху талвасаси кўринди. У қалтираб, мўлтираб отасига жавдиради.

– Йўқ! Йўқ! Худо асрасин!

– Баракалла, қизим! – деди Ашурмирзо, хурсанд жиммайиб. – Вафо деб шуни айтади, оппоқ қизим! Баракалла! Баракалла! Хўп, Ҳожи хола, бўлмаса сизлар тайёрланинглар, мен бориб арава олиб келай.

Ҳожи хола қўлларини очиб Тўтиқиз ҳаққига узоқ дуо қилади. Кейин ўрнидан кўзғалиб, Ашурмирзони шошилтирди.

– Ҳа, бора қолинг, бора қолинг. Тез бўлинг. Биз бу ерда сарғайиб ўтирмайлик.



Ашурмирзо остонага етганда тўхтаб, қизига ўтирилди.

– Талоқ хатим йўқ, деб ташвиш қилма. Талоқ хатинг менда. Идданг чиққанига ҳам ўн кунча бўлиб қолди. Талоқ хатини кўрасанми?

Тўтиқиз индамади. Тик турган ҳолда жон берган одамнинг қайси томонга йиқилиши бефарқ бўлганидек, Тўтиқиз учун ҳам ҳозир ҳеч ниманинг фарқи қолмаган эди. У ҳатто меҳрибон онасини, севгили холасини ҳам йўқламади. Жонсиз тана каби қотиб қолган эди.

Ана шу жонсиз танани икки соатчадан кейин Ҳожи хола билан Ризвон хола соябон аравага ўтқазиб, Тешабойникига ёр-ёрсиз тушириб кетди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТОНГ ШАФАҒИ

Биринчи боб

Қалб яраси битмас эмиш

Дилшод қирғиз ўртоғи Усубалиникида эди. Фуломжон турма олдидан оғир ярадор ҳолда келтирилганини, у ҳозир хилват ўтовлардан бирида ётганини эшитиб, иккала ўртоқ хилватлаб етиб келди.

Жамолиддин Дилшоднинг турмадан қочирилганини билса ҳам, ҳали ўзини кўрмаган эди. У Дилшодни худди ўлим чоҳидан чиққан ўз ўғлидек қувониб бағрига босди.

– Хайрият! Худога шукур, кўзингизга кўзимиз тушар кун бор экан! Хайрият! – деди у, Дилшоднинг ташвишдан бежо кўзларига тикилиб.

Дилшод Фуломжоннинг оғир ярадор эканидан қаттиқ хавотирда эди. У, Жамолиддин акасига миннатдорчилик билдиришни ҳам унутиб, дарров бемор ёнига чўккалади. Фуломжон ё ухлаётган, ё беҳуш ётган эди. У Фуломжоннинг юзига ғамгин тикилиб тургандан сўнг, ҳаяжонли бир нигоҳ билан Жамолиддинга қаради.

– Шукур, энди тузук. Ухлаяпти, – деди у, – ғам сизиб турган бир чехра билан шивирлаб.

– Юзида бир қатра қон йўқ, қўллари ҳам сап-сарик. Ё чироқда менга шундай кўриняптими-а, Жамолиддин ака?

– Қон кўп кетиб қолди, Дилшоджон. Тўхтатомай жуда қийналдик. Ювдик ҳам, боғладик ҳам – бўл-



мади. Қон тепчиб чиқаверди. Ахири кигиз куйдириб босдик. Йўқ, хайрият, энди қон босилди. Кечадан бери тузук. Ёмон қўрқитди-е мени! Ҳа, ўша кундан бери беҳуш ётди-да!

Жамолиддиннинг кейинги сўзлари Дишод юрагини тимдалаётган ташвиш мушугини бўғизлаган бўлса ҳам, ҳали уни тамом ўлдирмаган эди.

– Тузалиб кетармикан? Умид борми, Жамолиддин ака?

У ҳаяжонли бир шипшитиш билан устма-уст савол ёғдирди.

Жамолиддин ҳайрон бўлиб қўлларини ёзди.

– Билмайман, бир-иккида бунақа ярани кўрмаган бўлсам! Ўқ қурғур чап кўкрагининг устидан кириб, мана бу еридан чиқиб кетибди, – деди у, – Дишод елкасининг курагидан устроғини қўли билан ушлаб кўрсатиб.

Дишод пешонасида турган ташвиш терларини енги билан артиб, чуқур тин олди.

– Хайрият.

Дишоднинг шу бир оғиз сўзи ваҳм оташида куйиб юрган Жамолиддин юрагига устун бўлди. У Фуломжон томонга қайноқ бир меҳр билан қараб олгач, шипшиб гапириш эҳтиётини ҳам унутиб:

– Демак, енгил, шундоғми? – деди, росмана овоз билан.

– Ўқ юрагига ҳам, ўпкасига ҳам тегмаган. Демак, енгил деса бўлади. Аммо қон кўп кетиб қолгани ёмон бўлибди. Олдини олиш керак.

Жамолиддинни яна ваҳм босди.

– Қандай қиламиз? Нима чорамиз бор?

Дишод Ольга Петровнага хат ёзиб, Усубалини дарров шаҳарга жўнатди. Ольга Петровна ўпкаси шамоллаб касалхонада ётган эди. Усубали уни ўша ердан топди. Шунинг учун ўзи келолмади-ю,

профессор Ротенбергдан¹ илтимос қилиб, уни юборди. Доктор кела солиб ярани ювди, дори кўйиб, дока билан боғлади. Кейин қон қуйди. Қонни Усубали берди.

Ольга Петровна тўполондан кейин шаҳарда юз берган воқеаларни, кимлар қамалганини батафсил ёзиб юборди. Лекин Дилшоднинг онаси билан холаси вафот этганини, тоғаси ҳам дафн куни тутиб кетилганини жўрттага маълум қилмади. Неча ойлаб турмада қон юта-юта ёруғликка чиққан севгили шогирдининг шодлик ҳаяжони толпинтирган юрагини даҳшатли зарба билан яна қон қилишни истамади.

Доктор муолажасидан кейин Фуломжон бир оз ўзига келиб кўзларини очадиган, сал-пал гапирадиган бўлди. Бундан Дилшод ёш боладек қувонар, турмада кечирган кунларини сўзлар, баъзан паст, ширин овоз билан чиройли-чиройли нарсалар куйлар эди. Аммо бу бахт куйлари узоқ давом этмади. Гоҳ Фуломжон, гоҳ Дилшод илтимоси билан шаҳарга тез-тез тушиб турган Усубали дўстининг онаси билан холаси бир кунда вафот этганини кимдандир эшитиб, бу аламни ичига сиғдиролмай, Дилшодга айтиб қўйди. Дилшод худди кўксига биров пичоқ ургандек, бирдан ўкириб, ўзини ташлаб юборди. Жамолиддин югуриб келиб ушлади, Усубали ёғоч ялоқда сув келтириб ичирди, юзига сув сепди. Фуломжон ҳам ўзининг ярасини унутиб, жойидан кўзгалди.

– Ҳай-ҳай, ўзингни бос, болам, ўзингни бос!

¹ Ротенберг, Григорий Александрович – Фарғонадаги ҳарбий госпиталга революциядан олдин келиб қолган машҳур врач. Маҳаллий беморларга яхши қарагани учун бу инқилобий руҳдаги тараққийпарвар докторни ерли халқ жуда яхши кўрарди. Муаллиф.



Лекин Фуломжоннинг ўғитлари ҳам, Жамолиддиннинг ялиниб, ёлборишлари ҳам кор қилмади. У ўзини уришдан, ўкириб йиғлашдан тинмас, шу аҳволида оғир-вазмин Дилшодга ҳеч ўхшамасди.

Бир маҳаллар Тўтиси билан яйраб-яшнаган поёнсиз яйлов сингари баланд-баланд қирлар, тоғлар орасида қулоч ёзиб ётган бу кенг, бу хушхаво яйлов шу дамдан, шу кундан бошлаб Дилшод кўзига тор, қоронғи, дим кўрина бошлади. Мана энди у нафаси сиқиб бўғилар, ҳаво истаб, нур истаб узоқ-узоқларга бош олиб кетар, лекин ҳаво тополмай, нур тополмай яна ғамгин, яна эзгин бир ҳолатда қора уйга қайтиб келиб, бир четда чурқ этмай ўтирарди.

Жамолиддин кўнгилхонлик қилай деса муносиб сўз тополмайди. Топган сўзлари манзиратдай, омонатдай туюлади-ю, юраги ачишиб:

– Начора, ўлим ҳақ, – дейди.

Дилшод аҳволи Фуломжон дардига ўт қалаб юборди. У рўпарасида Дилшодни эмас, ўзини, ўз шўрининг такрорини кўраётгандек эзилар, шунинг учун Дилшод билан бирга ёнар, куяр, ўртанар, тўлғанарди. У неча кундир аламини ичига ютиб юрди. Бу орада Дилшод тубидан ўрилган қиёқдек қуриб борди. Фуломжон ахири тоқат қилолмади. Бугун уни ёнига ўтқазиб, қалбида ҳали-ҳали битмаган ярасидан гап очди.

– Бир маҳаллар мактабимни ғорат қилишганда, хўрлигим келиб йиғлаган эдим. Шу ҳозир эсимга тушиб кетди. Хўб содда эканман – йиғлаб юрибман-а! Ахир мактабимни ота-онам ё ошна-оғайниларим эмас, мен тўғри деб танлаган ёруғ йўлимда ғов бўлиб ётган душманларим ёндирган эди-ку! Ҳа, душманларим ёндирган! Мендан лозими йиғлаш эмас, ёндирилган мактабим, маърифатдан маҳрум қилинган мурғак талабаларим учун улардан қасос

олиш эди. Хайриятки, дўстларим бор экан, менадан ўтган нодонликни улар ёпиб кетишди. Қасосни дўстларим олишди. Лекин шу қасос билан юрагимдаги дард доғи ювилдими? Йўқ. Ўнта Ғиёс қози дорга осилгандан кўра битта камбағал боласи маърифат топгани яхши эди, деб ҳали-ҳали дард тортаман. О, кимнинг юрагини қурт бўлиб кемирмайди бу дард! Ўзинг ўйлаб қара, дунёда дардсиз одам бўлса:

*«Андижонда ўт ёқсам – Ўшда тутун.
Бу дунёда бормикин бағри бутун?
Бу дунёда бор бўлса бағри бутун,
Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтин» –*

дейилармиди?

– Қулуқ, қулуқ, дўстим! – деди Жамолиддин Фуломжоннинг ҳасрат тўлиб борган мунгли кўзларига дардманд тикилиб.

– Йўқ, дейилмасди, Дилшод, дейилмасди! Кел, инсофга кўчайлик. Агар инсофга ҳақ берсанг, менинг аҳволим олдида сеники ҳолва, ўғлим. Мен ҳам сенга ўхшаш онамдан айрилдим, отамдан ҳам айрилдим. Лекин сенинг отанг тирик, шукур қил. Бугун бўлмаса, эртага турмадан чиқар. Тўтингни ҳам топиб оларсан. Ана ундан кейин бу кунлар кўрилмагандек бўлиб кетар... Лекин... лекин мен...

Фуломжон овози титраб кетди. У чуқур тин олиб, кўзларини юмди. Тилига кўчиролмаган дардини энди дилида сўзлар эди: «Лекин мен ҳаётимни топа оламанми? Э, дод, топа олмаман! Юрагимда қилвираб ётган бу айрилиқ жароҳатининг қачон бўлса ҳам битишига ишона оламанми? О, йўқ! Ҳеч қачон битмайди бу жароҳат! Ҳеч қачон! Мен битарман, лекин бу яра битмайди... Қалб дарди эскир-

ган сайин унутилиб боради, дейишади. Йўқ, дард нима, дард алами, шавқи нима – билмаганларнинг гумроҳлиги бу! Агар бу бир гумроҳлик бўлмаса, менинг дардим нечун янги – кечагидек, йўқ, йўқ, бугунгидек янги? Балки дарддан дард, қалбдан қалб фарқ қилар? Шундай, Дилшод, мен Ҳаётимни вафосизча унутиш, ташна кўзларига тупроқ тўлатиш учун севган эмасман. У қалбимнинг парчаси эмас, барчаси эди, барчаси, эшитяпсанми, барчаси! Қон ютиб, қон қусиб турган қалбим бағримда экан, Ҳаётим ҳам шу ерда – қалбимда! Мен уни вужудимда, вужудимнинг ҳар бир ҳужайрасида ҳис этаман. Ҳамма вақт, ҳар дам ҳис этаман. Шунинг учун ҳис этаманки, мен ундан жисман айрилган бўлсам ҳам, маънан... ҳа, маънан ҳамиша биргаман. Ўнгимда ҳам, тушларимда ҳам биргаман. Билмайман, бу соғинган қалб рўёсими ё Мажнун хулёси, Ҳаётхон кўз ўнгимдан кетмайди. Мана ҳозир ҳам биргамиз. Катта бувисининг зуамидан тўйиб, бизникига қочиб келиб ўтирибди. Мен, қувончим ичимга сиймай, нима қиларимни билмайман. Бахт нафасимни бўғиб, тилимни олиб қўйди. Бувим умид келинининг бошида парвона. Ҳаётхон сабр тори узилаган, ўт ичида. Хўрликдан, ҳақоратдан эгилган вариб бошини сандалдан кўтармай пиқ-пиқ йиғлаяпти. Эшитяпсанми Ҳаётим зорини, Дилшод? «Кучим етса яна кутар, ҳақоратларга яна чидаш берар эдим. Нетай, ортиғига мажолим қолмади – бу хўрлик, бу тубанлик мени тамом қилди. Бугун мени ё ўз никоҳингизга оласиз... Сизни деб кўрган хўрликларим, тортган азобларим тамом бўлади ё эртага тўйим азага айланади».

Эвоҳ, кўзларидаги ўпкани, сўзларидаги таънани тушундимми? Йўқ, тушунмадим. Фақат ўрнимдан сапчиб турдим. Неча йиллардан бери сан-

диқда сарғайиб ётган куёвлиқ сарполаримни кийдим. Ҳаётҳои «қочоқ қизнинг топгани», деб бувим орқали бир шойи қийиқ боғлатди. О, бахт! Қайда, қайси кўр тагида эдинг шу вақтгача?! Юрагим потираб, ақлим-ҳушимдан кетдим. Мен шошар эдим. Тезроқ никоҳ ўқитишга шошар эдим. Жиянимнинг куёвини айтиб келгани кетдим. Нимага кетдим? Нимага?! Севинганимдан, Ҳаётимга етдим, деб қувонганимдан кетдим. Аммо, аммо севинчим ичимда қолди! Қушдай учиб, қушдай қувониб келсам – Ҳаётим йўқ! Ёсуман катта бувиси Соли совуқ билан келиб тутиб кетибди! Аҳ, нимага уни ташлаб кетдим? Ўзим Ҳаётим қошида қолиб, бувимни юборсам бўлмасмиди? Ҳаётим зор-зор йиғлаб, дод-фарёд қилиб кетибди. Мен ёнида бўлсам, алаисти кампирнинг ҳам, Соли муттаҳамнинг ҳам кекирдагини узиб олардим, лекин Ҳаётимни бермас эдим! Аҳ, ўзимдан ўтди, Дишод! Қара, қиз жони билан менинг олдимга қочиб келса-ю, қўлимдан чиқариб ўтирсам-а! Ҳаётгинамни қирда Мирқосим тиртиқ, Соли совуқдан қандай ҳимоя қилган бўлсам, бу ерда ҳам осоналикча бериб юбормас эдим-ку!

О, қир, қир! Бир неча дақиқа мени бахтиёр қилган қир! Дўстларимиз алвидосидан сўнг иккаламизни хилват бағрида бир неча дам масъуд яратган; юракларимизда бахт дукури ўйнатган дилбар қир! Мана, иккаламиз ўша ердამиз яна! Ҳаётим ёнимда – баҳор насими каби майин, ёр васли каби ширин нафаси уриб турибди юзимга! Оҳ, юракларимизни толпинтирган бахт ҳаяжонини сўзлашдан ожизмиз. Сўз? Сўз нима керак? Сўзсиз ҳам ҳаммаси аён, ҳаммаси равшан-ку! Қулоқ сол, Дишод, Ҳаётим куйлаяпти. Бу бахт куйи, васл оғушида қовушган икки қалб куйи!



...Розидил қилган ўшал он кўзларингга термулиб,
 Лола янглиг лаъл олиб ёнган юзим ёдингда тут.
 Не жафо ҳажрингда чекди бир ғариб қовдек куйиб,
 Ўзгасмас куйган, қўзим, куйган ўзим, ёдингда тут.
 Э Фулом, билсам агарки сидқу ишқинг заррасин,
 Ўлганимда кетмагай очик қўзим, ёдингда тут...

Ёдимдасан, Ҳаётим, ёдимда! Ҳамиша, ҳар дам,
 ҳар лаҳза...

Танда жоним бор экан, ёдимдасан, ёнимдасан!
 Ёд нечук, эй дилбарим, жонимдасан, қонимдасан!
 Дерму ҳеч бу хаста дил маъбудасидин ўзгасин,
 Эй Ҳаётим, то абад ҳар лаҳза, ҳар онимдасан!

Дилшод Фуломжонни аввал узикиб қолди, деб ўйлаган эди. Кейин лаблари билинар-билинемас қимирлаб турганидан, юзи гоҳ бўзариб, гоҳ қизарганидан кечинма ҳаяжонида эканини англади. Уни гапга солиб, оғир ўйлардан халос қилмоқчи ҳам бўлди, лекин Жамолиддин қўлини кўтарди.

– Халақит берманг.

Фуломжон узоқ ўйга толгандан кейин кўзларини хиёл очиб Дилшодга қаради.

– Кўп гапириб юбордим шекилли, чарчатиб қўймадимми сени? – деди у, узикиб.

Дилшод дили онаси билан холаси вафотидан йирида бўлса ҳам, ўз дардини сездирмасликка тиришиб жилмайди.

– Йўқ-йўқ, Фуломжон ака, индамай ётдингиз. Мен сизни узиктириб қўйдимми, деб қўрқиб ўтирган эдим.

Фуломжон яна кўзларини юмди. У, хаёлидан ўтган гапларни Дилшодга гапирдим, деб ўйлагани учунми, касаллар юзидагина кўринадиган заиф



бир табассум билан жилмайди. Бу жилмайиш заъфарон юзидан тарқалди ҳам, кўзларини очмади.

Дилшод ваҳми яна ортди. Жамолиддиннинг боши тушиб кетди. Фуломжонни беҳуд қилган дард – яра дарди эмас, қалб дарди эканини иккаласи ҳам англар, англаганлари учун тасаллига сўз тополмай эзилиб ўтиришар эди.

Ўртадаги совуқ сукунат узоқ давом этди. Дилшод ҳам, Жамолиддин ҳам бир нима дейишдан, ун чиқаришдан ҳамон ожиз эди.

Анчадан кейин Фуломжон кўзларини беҳол очиб, яна Дилшодга қаради.

– Қалб дардининг оғриғи ёмон, болам, – деди у, заиф товуш билан. – Ҳа, ёмон. Лекин шу дарддан бошқасини ўйламанг, яъни ўзингни унинг омонсиз чангалига топшириб қўйсанг, о, ундан шафқат кутма – ёшмисан, қаримисан, барибир, бошингни ейди у! Мен дардларингни унут демайман. Унутиш ё унута олиш – ҳар кимнинг маслагига, иродасига боғлиқ. Мен фақат дардингни унутгандай бўлу, бутун борлигингни, иродангни қамраб оладиган катта ишга ўзингни ур, демоқчиман. Бундай иш юрагингга дард солмай, бу дард юрагингни оғритмай қолмайди. Ўзингга, ўз шахсингга оид бўлган дард оғриғидан сени шу катта ишлар дардининг оғриғигина сақлай олади. Ҳозир сен билан бизнинг олдимизда ана шундай катта ишлар турибди. Ҳа, буни ўзинг ҳам биласан. Бутун бўлмаса эртага хуррият қуёши чақнайди. Албатта чақнайди, Дилшод! Ана унда ўз дардларимизни ўйлаб эзилишгагина эмас, бошимизни қашишга ҳам фурсатимиз бўлмайди. Мана, ёнингда Жамолиддин аканг ўтирибди, мен ётибман. Бизнинг юракларимизда нима дард, нима алам бор – буни қўйиб тур. Лекин мен бошқа бир кишидан ибрат олишингни истар эдим. Биласанми у ким?



Дилшод дабдурустдан бир нима деёлмай чайналиб қолди.

Фуломжон соғ кишидай жонланди.

– Муаллиманг, Ольга Петровна. Қандай ажойиб хотин! Бир аёлни бахтиёр қила оладиган нодир хусни ё ўткир ақли ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ўрни эмас. Мен сенга унинг бошқа фазилатларини ибрат қилиб кўрсатмоқчиман. Петрограддаги иссиқ инини, ота-онасини, қавм-қариндошларини, ҳатто ёшлик бахтини демай, халққа бўлган муҳаббати туфайли шу узоқ, қолоқ ўлкага сургун бўлиб келди. Ўйлаб қара, шунча кўргилик, шунча жудоликларнинг алами йўқмикан бу аёл қалбида? Бордир, Дилшод. Бор. Лекин бирон марта «оҳ» деганини, қалбини шилиб, эзгилаб ётган дард оғриғига таслим бўлганини кўрмадим. Ё сен кўрдингми, болам?

– Йўқ, Фуломжон ака, мен ҳам кўрмадим.

– Аксинча, шахсий ҳаётдан, ўз тақдирдан мамнун кишидай тутади ўзини. Эри Цусима жангларида ҳалок бўлди. У ҳам Ольга Петровна сингари инқилобчи, курашчи эди. Хўш, бир вафодор хотин учун, бир боланинг бева қолган онаси учун, маслакдош умр йўлдоши учун бу кичкина зарбамми? Йўқ, Дилшод! Балки ҳоли қолган кезларида, тонги отавермаган узоқ кечаларида тўлиб-тўлиб йиғлар, бўзлар... Лекин бунини биз билмаймиз. Ҳеч ким билмайди. Билдирмайди. Ўзини курашга, халқ ишига – катта ишга уради. Мен хоҳлардим, жуда-жуда хоҳлардимки, сен ҳам, Дилшод, дардларингни шу йўл билан боссанг. А, нима дейсан?

– Қалбимдаги энг ширин орзулардан бири шу, Фуломжон ака, – деди у, юрагини талпинтирувчи бир ҳаяжон билан.

Фуломжон кўзларини тетик очиб, Дилшодга тикилди.



– Бутун шаҳарга тушиб, онанг қабрини зиёрат қилиб чиқ, болам. Сира-сира кечиктиришга ҳаққинг йўқ бурч бу. Фарзандсан, ота-онангни тирикликларида рози қил, вафот этганларидан кейин ҳам бепарво қолма. Ҳа, бор, ўғлим, бир зум ҳам кечикмай бор.

Иккинчи боб

Она ҳидини қидириб

Кун Олой ўрқачига мингашганда, Жамолиддин Дилшодни кузатиб қўйди.

– Уйга ҳам кириб чиқарсиз?

– Дилшод паришон эди.

– Невлай, ҳаяллаб қолармиканман?

– Ҳаялласангиз ҳам, фотиҳа ўқиб чиқмасангиз бўлмас. Инайкейин, ажаб эмас, Тўтихон тўғрисида ҳам бирон хабар эшитсангиз. Ҳа, шунақа бўлсин, Дилшодбек.

У отини ўз майлига қўйиб бериб, шуурсиз кўзларини олдинга тикиб борарди. Кўнгли ғамдан, фикри ўйдан холи одам завқини қалбидан тоширадиган табиат гўзаллиги Дилшод юрагига йўл тополмас эди. Унинг юраги ғам билан, вужудини қақшатган қора алам билан тўлиқ. Тиниб қолган кўзлари ота-онасидан айрилган етим қалби сингари вайроқ ҳовлисидан, ҳали нами кўтарилмаган қабр тепачалари остида ётган жафокаш опа-сингил шўридан бошқасини кўрмасди.

Дилшод шаҳарга кириб қолганини кўчалардаги ғовурлардангина билди. Қош қорайиб, қоронғи туша бошлаган эди. Чорраҳага келганда, «олдин қаёққа борсам экан?» деган хаёл билан у отини тўхтатди. Ҳаво совуқ бўлса ҳам, гузарда одам гавжум, ғала-ғовур кучли эди. Ўйлаб-ўйлаб олдин уйга бормоқчи, онаси билан холаси қаерга қўйилгани-



ни қўшниси Турғун акадан сўраб олмақчи бўлди. Шу қарор билан отини ниқтади-ю, лекин оти қаёққа бурилганига қарамади. Уни яна оғир ўйлар, хувиллаб қолган уй ваҳми қамраб олди.

Қани энди у бораётган уй – Дилшоднинг болалик чоғларидаги жарангдор кулгилари билан тўлган, меҳрибон онасининг заҳматкаш қўллари билан гуллаган ўша обод, ўша дилбар уй бўлса! У маҳаллар Дилшод бу уйга соғиниб, қумсаб югурар, онаизори эса уни интизор бағрига босиб ардоқлар, бир ёқда отаси – меҳрибон, камгап уста Баҳром – хурсанд, қувноқ кулиб қаршиларди. Қани, қаерда энди улар? Ким энди уни иссиқ бағрига босади? Ким энди уни кўзларидан соғиниб ўпади? Ким энди уни чақчақ уриб қарши олади? О, турмада қон ютиб ўтирганда қанчалар соғинтирган, қанчалар сарғайтирган эди бу азиз даргоҳ! Ўшанда, турмада қон ютиб ўтирганда, бу азиз даргоҳнинг ҳар гўшасини, ҳар сиқим тупроғини соғиниб эслар, эслаган сари ўзини ўша бахт учмоғида ҳис қилиб, хаёла кўзлари-ла онасининг меҳр нурлари ёғилиб турган чароғон чехрасини кўрар, бу табаррук чехра офтобидан қалби нурга тўлиб, дийдор оғушида яшнара, чақнара эди.

Севги гули қулф урган чамани ҳам шу даргоҳ эди!

Ёр табассуми каби ёқимли баҳор кунларининг бирида, боғчадаги каттакон олма шохига осилган арғимчоқда учар эди унинг сеvgи фариштаси! Шунда улар эмас, сеvgилар бир-бири билан қувишар, шунда улар эмас, сеvgилар бир-бири билан қовушарди. Юракларда неча йиллар аста-секин ўсиб, бўртиб борган сеvgи ғунчаси капалак қанотининг майин шабадасидек биргина ҳафиф сўз билан очилди. Кейин...

Кейин нималар бўлганини Дилшод ўйлагиси келмади. Начора, биргина қалб ўзига жо қила ола-



диган кичкина азият эмас эди у ўлиши керак бўлган нарсалар!

Дилшод бир-биридан ваҳмли, аянчли ўйларни қувиб ўзига келганда, оти бошини эгиб тўхтаб турарди. У ҳайрон бўлиб теварагига олазарак қаради. «Ия, қаерга келиб қолдим? Бизнинг кўча эмаску бу! Адашдимми? Шошма, шошма, анови чалдевор орқасидаги қор тепалар нима? Гўр... гўрлар! Ё Олоҳ, қабристонга келиб қолдимми?!»

Дилшод юраги узилиб тушгандай бўлди. Ахир у ҳовлисига кетаётган эди-ку? Қандай келиб қолди бу ерга? Ё... ё онаси қабрда ётиб ҳам интизорлик тортаётган бўлса, арвоҳлар бошлаб келдими? Йўқ, йўқ, бўлмаган гап! Гузарда отини чапга буриш керак эди, ўй билан бўлиб бурмаган экан-да. Хўп, бурмапти. Нега энди оти келиб-келиб гўристон олда тўхтаб қолди? Ё... Йўқ, йўқ!

Дилшод юрагига ваҳм солган бу саволга ўзини ишонтиргулик жавоб тополмади. Энди уни қора бир қўрқув боса бошлади. Бир кўнгли, отини орқага буриб, тасирлатиб қочмоқчи бўлди. Бурди ҳам, лекин шу он қалбидан бир овоз кўтарилади: «Онанг шу ерда! Шу ерда, ташлаб кетма! Ташлаб кетма, Дилшод!» деди у овоз. Дилшод буни равшан эшитди. Худди ёнида биров айтгандай эшитди. «Тавба! Тавба! Менга нима бўлди? Чиндан ҳам дунёда жин деган нарса борми? Мени аврамайтими? А?!» Дилшод шу ўй билан яна қалтирай бошлади. Атрофига ваҳм билан қарар, овоз эгасини қидирар эди. Лекин ўзининг меъёрини йўқотган оғир нафасидан бошқа ҳеч қандай шарпа эшитмади. У қора қўрқувни йўқотиш, ўзини тетиклаш учун бир-икки йўталди. Бу унга анча далда берди. Шу пайт қабристон ёнидаги кичкина масжид ҳужрасида яшовчи кекса қори эсига тушди-ю, кўзлари ярқ очилди. У шитоб билан отини яна бояги йўл-



га бурди. Лекин оти бир нарсадан ҳуркаётгандек, бошини солинтириб тўхтаб қолди. Ана шундагина Дилшод кўча кўприги бузилганини, тиккасига ўтиб бўлмаслигини пайқади.

– Э жонивор-эй, йўл йўқ учун тўхтаб қолган экансан-да! Хайр, юр бу ёққа, – деди у, отини ўнг томондаги пастқам кечикка буриб.

Дилшод кечикдан ўтганда, бояги ваҳималарини муз тагида чулдираётган сой суви оқизиб кетгандек, ўзини қушдай ҳис қилди. У масжид жилловхонаси олдида отини қолдириб, қори хужрасига ўқдай отилиб борди. Ичкаридан аллакимнинг бифиллаб хуррак тортаётганини эшитди-ю, нима қилишини билмай туриб қолди. Онаси билан холаси қаерга қўйилганини қоридан суриштириб билмоқчи эди. Хилхоналарини билганда ҳам бир амални қилармиди. Йўқ, буни ҳам билмайди. Вақт ўтиб борарди. У истар-истамас эшик зулфинини шақирлатди. Қори сергак экан, дарров ичкаридан овоз қилди.

– Ким?

Овоз Дилшод юрагидаги зулматни чироқ ёқиб қувгандек бўлди. У суюниб кетди.

– Мен, менман, Дилшодман, қори почча!

Қори уни танидими ё одати шумиди, дарров эшикни очиб, чироқ ёқишга урнади. Дилшод ўзини аста ичкари олди. У ерда ёниб турган ўчоқ ё иситадиган нарса бўлмаса ҳам, юзига ёқимли ҳарорат урди. У вужуди билан қалтираб, жунжикди. Қори қоронғида пайпасланиб юриб шам ёқди. Кичкина хужра хира ёруғдан илигандек бўлди. Дилшод эшик ёнида қўл қовуштириб турарди. Қори пастлари халта-халта бўлиб осилган хира кўзларини Дилшодга тикиб:

– Шошмаётган бўсанг, сандалга ўтир, болам. Қалтирашингдан, музлаб қолган кўринасан, – деди.



Дилшод шошаётган бўлса ҳам, фотиҳасиз чиқиб кетишни эп кўрмай, сандал чеккасига чўккалади. Чол фотиҳадан кейин унга савол назари билан қаради. Дилшод дардини айтса, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборишдан қўрқдими, ўзини таништирди.

– Э, сизга кўп жабр бўлди, болам, – деди қори, кекса бошини силкилатиб. – Ҳамма гапдан воқифман, воқиф. Неки бўлса Оллоҳдан. Начора, билбалоийи собрайни, билқазойи розиайни. – Дилшод кўзларидан қуйила бошлаган ёшларини тўхтатолмай ерга қараб ўтирарди. – Йиғламанг, болам. Шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам бошида бор савдо бу. Э-э, не-не одамлар келиб кетмади бу фоний дунёга! Худо раҳмати волидаи муборакангизнинг падари бузрукворлари камина қулларининг устозлари эдилар. Биз у зоти муборакда ўн санадин ортиқ таҳсил кўрдик. Ҳай-ҳай, ана одам, ана олим! Э, болам, балодин қутулмоқ бор, ўлимдин йўқ!

Қори чуқур хўрсиниб, жим қолди. Дилшод муддаога ўтишга шошар эди. Лекин гапни қандай бошлашни билмай ўйланиб қолди.

– Сизни бемаҳал овора қилдим, қори почча, – деди у, ниҳоят, узр сўраган бир товуш билан.

Қорининг кекса кўзларида нурга ўхшаган бир нарса кўринди.

– Йўқ, йўқ, бемалол. Жанобларини кўриб, камина қуллари кўп хурсанд бўлдик.

Дилшод қорига илтижо аралаш бир мунг билан қаради.

– Мен бувим билан холам қабрини зиёрат қилиш ниятида эдим. Қаерга қўйилганларини билолмай...

– Раҳматли дадаларининг ёнларида, – деди қори, унинг сўзини бўлиб, – хилхоналарида.

– Бувам вафот этганларида мен ёш бола эдим...

– Ҳа, дарвоқе, сиз билмайсиз.



Дилшод хилхоналари қаердалигини аниқлаб олгандан кейин қоридан қўзғалишга ижозат сўради.

– Йўқ, йўқ, сизни ёлғиз юбормайман, – деди қори, ўзи аввал қўзғалиб. – Ҳамма ёқни қор босиб ётибди, тополмайсиз. Ўзим кўрсатиб қўймасам бўлмайди, болам. Фақат сабр қиласиз. Таҳорат қилиб оламан.

Қори қалин қорларга тиқилиб, қоқилиб юриб Дилшодни бир-бирига туташ икки қабр ёнига олиб келди.

– Мана, болам, волидангиз билан холангиз шу ерда. Э қудратингдан ўргилай, икки жафокаш опа-сингилни бир кунда, бир ерга келтириб қўйдинг.

У қор устига ўтириб, жуда чиройли, ёқимли товуш билан Қуръон тушира бошлади. Дилшоднинг мотам тўла дардди қалбига бу мунис овоз аллақандай маҳзун мунгли ҳислар олиб кирди. Дилшод забун эди. Қори Қуръон тушириб бўлиб, бир неча дақиқа кутганини, ҳатто ўрнидан қўзғалганини ҳам Дилшод сезмади. Қулоқларига бир-икки қаттиқ йўтал эшитилгандан кейингина, у ўзига келиб қорига қаради.

– Узр, қори почча, сизни совқоттириб қўйдим. Хафа бўлмасангиз, мен бир оздан кейин қайтсам, – деди у, йиғи бўлган узуқ-юлуқ товуш билан.

Қори кетгандан кейин Дилшод унсиз, фарёдсиз йиғлаб ўзини қабрга отди. У фарзанд эди! Муштипар онанинг ягона тирноғи эди у! Кўкракларидан сут бериб, киприклари билан бахт териб ўстирган меҳрибон онаси яқингинасида, тупроқ остида ётар эди! У телба бир ҳаракат билан қорларни у ёқ-бу ёқ суриб, ҳали ҳиди кўтарилмаган музлоқ тупроқни очди. Қулочларини кенг ёйиб, қабрни қучди. Ҳа, болам деб дунёдан кўзлари очиқ кетган шўрлик онаси шу тилсиз, ҳиссиз карахт тупроқ остида ётар эди! У бу табаррук тупроқни, азиз хок-



ни йиғидан шишган, ивиган қўзларига, юзларига суртди. «Буви! Бувижоним! Меҳрибон онагинам! Қайдасиз, жон буви! Мен келдим, мен! Мен, бахтиқаро Дилшодингиз, келдим!..» деб нола қилар, онасидан жавоб бўлмаслигини билса ҳам, яна уни бўзлаб чақирар эди. У шу тахлит узоқ ётди. Бағрини, қўйинларини, ияк, бўйнини қорга бериб ётди. Лекин у музламасди, худди қабр ичидан иссиқ гуллаб ураётгандек, бадани қизиб, вужуди тердан ивиб борарди. У гоҳ бу қабрни кучиб онасини чорлар, гоҳ унисини кучиб холасига бўзларди. Бўзлар эди у ўзи ёлғиз қабристонда!..

Дилшод шу дам ўзини чиндан ҳам ёлғиз, етим сезар, бу омонсиз сезги уни алам ўтида мурувватсиз ёндирарди.

У ўзини қўлга олгиси, озор тўла қалбининг нола-сининг босгиси келса ҳам, илож қилолмасди. Нола-ларни ичида гўё ништар бору, у шу ништар билан ситамгарлар юрагини тилкалаш қасдида каби кўринарди. Бир он онасининг ҳиди димоғига киргандай бўлди. У бу ҳидни соғинган эди. Ташна эди у она ҳидига! Ўзини яна қабрга отди. Ҳид қидириб, тумшугини тупроққа тикди. Бурнини шифирлатиб ичига ҳаво тортди. Лекин она ҳиди эмас, тупроқ ҳиди кирди димоғига!..

Бир вақт Дилшодни елкасидан биров ушлаб тортгандай бўлди. У сесканиб бошини кўтарди. Тепасида қори турарди.

– Туринг, совуқда қолдингиз, ўғлим, – деди қори, уни қўлтиғидан ушлаб.

Дилшод туриб, усти-бошини қоқди, бир-икки қадам босиб яна тўхтади. Кейин йиғиданми, захданми хирқираб қолган товуш билан:

– Қабрларга тош қўйиб кетсам бўларди, кейин тополмай қолмай, қори почча, – деди.



Қори куйган киши алами билан бош тебратди.

– Э-э, болам, бу ерда тош нима қилсин! Бизнинг одамлар жигарлари гўрига гувала қўйиб кетишса ҳам катта гап. Тош ғамини ейдиганлар жуда кам топилади. Тош йўқ. Болам, майли, ўн йилдан кейин келсангиз ҳам, эсон бўлсам қабрларини ўзим топиб бераман. Бу ёрига кўнглингиз тўқ бўлсин.

Қори то хужрасига етгунча қабристонларнинг харобалигидан, бу ерда ётган кишиларини йўқловчилар қарийб йўқлигидан, қабрларни темир панжара билан ўраб қўйиш у ёқда турсин, тош лавҳа қўйишга ҳам қорни оғриганларидан шикоят қилиб борди.

Дишод бир нима дейиш, умуман, гапириш ҳолатида эмас эди. Қори шикоятини тутатар-тутатмас:

– Қуллуқ, қори почча, саломат бўлсак яна кўришармиз, – деди-ю, отига миниб, уйига йўл олди.

Учинчи боб Севганидан айрилаган туллар бор

Вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эди. У ербу ерда хўрозлар чақиргани, якка-дукка итлар хургани эшитиларди.

Дишод қабристонга нечоғлик ўйга чўмиб борган бўлса, уйига етгунча ҳам яна шу ўй чангалидан қутулолмади. Бир кўнгли, уйига бормаи, тўғри яйловга жўнамоқчи ҳам бўлди. Лекин онаси билан холасининг сўнги излари ўчмаган ғариб даргоҳни кўрмасдан, у табаррук изларни ўпмасдан кетолмасди. Аммо ситамгар тақдир вайрон қилган етим уйга қандай киради? Кўчадан фарёд урибми, онаси билан холаси учун қон йиғлабми? Ё қора тақдир бағридан юлиб кетган севгили Тўтисининг шўрига



йиғлаб кирадими? Йўқ, ун чиқариб бўлмайди. Ким билсин, балки уйида ганимлар бордир? Поччаси-чи, у қаерда экан? Дилшод турмадан қочирилганини эшитмаганмикан? Нимага эшитмайди? Ахир кимлар қочирилгани, уларни тутиш тўғрисидаги ҳоким буйруғи эълон қилинган-ку! Қизиқ! Борди-ю, уни Тўтисидан жудо қилган бағритош шу Ашурмирзо бўлса-чи?! Йўғ-э! Яйловга қидириб борганда йиғлагандан баттар бўлиб тавба қилган эди-ку? Йўқ, у эмас! Кўнглида ёмонлик бўлса, тавбасига таяниб борармиди? Йўқ, Дилшод бу тўғрида ҳеч нарса эшитмади. Эшитмади? Қаерда эшитади? Турмадами? Ахир унинг соқов деворларидан на ун киради, на ун чиқади! Агар у турмада бирон нарсани билган бўлса, бу озор тўла қалбида Тўтисининг мактуби очган жароҳатгина бўладими! О, қалби қон тўлиб офриса ҳам, яна Тўтисига интилади! Турмада отишмалар бошланганда, ундан қутулиб чиқиб яйловга қочиб кетаётганда васл интизорлиги билан юраги дукиллаб: «Тўтимни кўраман! Тўтимга етишаман!» деб қанчалар қувонган эди. Эвоҳ, ҳаммаси, ҳамма қувонч ва суюнч пучга чиқди! Энди у шўрлик қаерда? Балки Тешабой зўрлаб олгандир, балки тақдирига тан бериб бойнинг итоати, вафоли хотини бўлиб қолгандир! Балки уни – ўзи севиб, ўзи ёр тутган Дилшодини – кўнглидан чиқариб юборгандир? Ёху, шундай бўлиши мумкинми? Йўқ! Йўқ! Ўз дунёсида чувалчангдан фарқ қилмаган муштипар қўлидан нима келади? Ҳаётхон нима қила олди? Тўфа-чи? У нима қила олди?! Бобоси тенгли қари шайтоннинг ифлос қўлини қайтаришга қурби етдими? Тўтилар, Ҳаётлар, Тўфалар озми бу мудҳиш дунёда?

Дилшод юраги жигиллаб ҳовлиси олдида отдан тушди. Эшигини кўзларига сургудай бўлиб ушла-



ди, секин итарди. Эшик ичкаридан танбаланган эди. Хомуш ўтиб, Тўтиқизлар эшигини итарди – у ҳам берк эди. Нима қилишини билмай, боши қотиб турди. Тақиллатсинми ё уй эгаларидан биронтасининг отини айтиб чақирсинми? Биров бормикан? Биров бўлса, у ким экан? Дилшод хилватда жон сақлаб юрган бир қочқин бўлса, уни ичкаридаги одам қандай қабул қилар экан? Борди-ю, у поччаси бўлса-чи? Поччаси бўлса яна яхши, у жон деб қабул қилади.

– Ашурмирзо! Ҳо Ашурмирзо! – аввал паст, кейин баланд овоз билан чақирди. Узоқ чақирди. Жавоб бўлавермагандан кейин эшикни тақиллатди. Ахири қўшни эшиги ғийқ этиб очилди.

– Ашур янги жой олиб кетиб қолган. Иккала эшикда ҳам ҳеч ким йўқ. Кимсиз? – деди Дилшодга таниш овоз. У Тўтиларнинг ўнг қўшнисини Мўмин бува эди. Дилшод суюниб кетди.

– Менман, бува. Дилшодман!

Мўмин бува Дилшод номини эшитиб, ҳаллослаб келди.

– Э, бормисан, болам, айланай болам! Саломатмисан, э хайрият-эй, хайрият-эй! – У Дилшодни қучоқлаб, аввал ўнг кўкси, кейин чап кўкси билан кўришди. Қоронғида ҳам Мўмин йилтираган кўзларини унга тикиб, Дилшодми йўқми, дегандай қилиб қаради. Дилшод чолнинг қор ёруғида ғира-шира кўриниб турган юзига бирдан ғам югурганини сизди. Энди чол овози бояги қувонч ҳаяжонини йўқотиб, маъюс оҳанг олди. – Сен йўқ, онанг билан холангни бериб қўйдик, болам. Худо раҳмат қилсин. Бандасининг кўлидан нима келарди! Хафа бўлма, қолганлар соғ бўлсин энди. Иккала эшикка Турғун ямоқчи қараб турибди, барака топкур. Юр ўшаникига. Ё бизникига кира қолайликми, а, бо-



лам? Сандал ворсилааб турибди. Музлаб қопсан. Ҳа, юра қол бизникига.

– Кулуқ, Мўмин бува, эшикка кириб фотиҳа ўқийман-у, қайтаман, – деди Дилшод, ҳаяжонини зўрға босиб.

Мўмин бува, ҳа, дарвоқе, дегандай қилиб, Турғун ямоқчиникига қараб юрди.

Эшикка яқин келиб чақирди.

– Турғун! Ҳов Турғун!

Турғун ака ташқарида юрган эканми, дарров чиқа қолди.

Мўмин бува Дилшодга ишора қилиб:

– Танияпсанми бу қирғиз болани? – деди.

Кеча зулмати ҳали ҳукмидан тушмаган бўлса ҳам, Турғун ака «қирғиз» болага бир қаради-ю, қувончданми, ҳайратданми қулочларини ёзиб:

– Ия, ия, мулла Дилшод! Вой сиз-эй, келдингизми, а! Саломатмисиз? Э, қаранг! Қани, қани! – деди-да, худди ўғлини топгандек, уни бағрига босди.

У кўнгли юмшоқ, таъсирчан одам эди. Бошини Дилшоднинг елкасига қўйиб, ҳиқиллай бошлади.

Мўмин бува ўзининг кўнгли эзилиб турган бўлса ҳам ясама бир дағаллик билан ўшқирди:

– Э қанақа одамсан! Кўчада-я? Битта-яримта ғаламис кўриб қолса нима дейди? Кир ичкарига!

Турғун ямоқчи отни эшик ёнидаги кичкина бостирмага боғлаб, Дилшод билан чолни уйига таклиф қилди.

– Йўқ, устаникига бошла. Фотиҳа лозим, – деди Мўмин бува.

Турғун ака олдинга тушди.

– Хўп, хўп. Тўфа ўша ерда. Иккала эшикка қоровул.

Дилшоднинг қулоғига «Тўти ўша ерда», дегандек эшитилди. У ялт этиб ёнидаги Мўмин бувага қаради.



– Гўрингда тўнғиз қўшгур дўзахи тўра ўлди-ю, киз бечора қутулди. Тўфа ҳозир шу ерда, – деди чол.

Улар нураб, тўкилиб ётган пастак пахса девор тагидаги кичкина дарчадан энгашиб ўтишди. Дилшод назарида, ҳовлиси уни фарёд уриб қарши олгандай бўлди. Қишларда қорлари пайдар-пай куралиб турадиган томлар оппоқ, саҳн оппоқ, ҳамма ёқда қор, қор, қор. Дилшод қор босиб, ҳувиллаб ётган қадрдон ҳовлисига кўзларини эмас, ҳасрат тўла қалбини югуртирди. Ҳовлининг ҳар еридан, ҳар пучмоғидан аза ноласи келарди. У шу нолани эшитаётгандек, бошини қуйи солиб айвонга чиқди. У ҳозир ўзини севимли уясини топиб қувонган қушдай эмас, бошпанаси вайрон бўлиб, инсиз қолган ғарибдай ҳис қиларди. Ёнидаги Мўмин бувани ҳам, алақачон уйга шам ёқиб чиқиб, ичкари киришига мунтазир турган Турғун акани ҳам сезмасди.

Мўмин бува уни оғир ўйлар азобидан қутқазгиси келиб томоғини қаттиқ қирди. Дилшод чўчигандай бўлиб қаради.

– Кирайлик, – деди Мўмин бува, очиқ дарчага ишора қилиб.

У остонадан беҳуд ўтди-ю, токчаларда эски саранжоми билан терифлик идиш-товоқларга, ота-онасининг, ўзининг дорга осифлик кийимларига, таҳмонда йиғиқлик эски, лекин тоза кўрпа-ёстикларга, буваклигидан эмаклаб ўсган йиртиқ қирғиз кигизига, дарпарда олдидаги кўрпа ёпифлик сандалга, ислари ҳамиша тозаланиб, покиза сақланиб келган ўчоққа, каттакон мис қумфонга телба кўзлари тушди-ю, миясига бир нима урилгандек, гандираклаб кетди. Назарида, булар ҳам нола қиларди. У сандалга қандай келиб ўтиргани-



ни, фотиҳадан сўнг Мўмин бува, ҳозир келаман, деб чиқиб кетганини қарийб сезмади. У йиғламасди, фақат қалби йиғларди. У бўзламасди, фақат қалби бўзларди. У боши солиғлиқ ўтирарди. Турғун ака бир қучоқ тол тараша келтириб ўчоқ бошига тарақлатиб ташлагандагина у бошини кўтарди.

Турғун ака унинг кўзларидаги саросимали саволни тушундими, ўчоққа ўт ёқиб юбориб:

– Ҳозир келади. Эшигида пича иши бор эканми, – деди.

Турғун ака ўчоқбошида ивирсиб юриб ўзича гапирар, хурсандлигидан нимага қўл уришни билмай гоҳ токчага борар, у ердан ҳеч нарса олмай яна ўчоқбошига қайтарди.

– Эсим курсин, човгун тумшуғимнинг тагида турибди-ю, яланг қидираман, – деди у, қижирлаб. Кейин човгунни ўтга қўйди-да, Дилшод рўпарасига келиб сандалга ўтирди. – Шунақа, мулла Дилшод, суратимиздан соппа-соғ одаммиз-у, эс қолмади – урпоғигача қоқиб олишди! Тавба, қайси эшикка қарама, дуди осмонда! Э-э, жигарим, ёмон кунларга қолдик! Ҳа, ёмон кунларга қолдик! Оҳ деймизу, оҳимизни эшитадиган йўқ. Хайр, ўзингиз саломатмисиз, мулла?

– Шукур.

Дилшоддан ун чиққани Турғун акани қанотлантирди. У суюниб-қувониб яна гапиришга турди.

– Қаранг, сизнинг келишингиз экан-да! Десангиз, биров яматгани кавуш олиб келади, биров этик, яна биров маҳси. Худога шукур, хизматимизга биттами-яримтами нон ё дон ташлаб кетишади. Қорнимиз жуда тўйиб кетмаса ҳам, унча оч қолмайди. Ишқилиб, бир кунимиз бўлса ўтиб туради. Бугун эрталаб, десангиз, Тўфа бир нон ёпай, деб қолса бўладими?! Тавба, мен ҳам: «Ёпсанг ёпа



қол, биз ҳам одам бўлиб бир иссиқ нон ейлик», дебман. Қаран! Десангиз, барака топкур бир нон ёпдики, чайнасангиз карсиллайди, кейин, десангиз, мисоли мой – оғзингизда эрийди. Ҳидини айтмай-сизми, ҳай-ҳай-ҳай!

Дилшод нон таърифини эшитиб очлиги эсига тушдими, тамшангандай лабини ялаб:

– Ҳа, бугдой нонга нима етсин! – деди.

Турғун ака ҳоҳолаб юборди.

– Зовора ёпди, зовора, муллам! Ҳозир олиб чиқаман.

У яғрини уриб чиққан ярим букри чувак гавдасини йўрғалатиб дарчага етганда, Дилшод тўхтатди.

– Амаки, Тўфа нимага чиқмайди? Айтинг, чиқсин. Синглим қатори, кўргим келади.

Турғун ака ҳасратидан дуд чиқаётган киши авзойи билан қўлларини кўкси олдида силтади.

– Э, муллам, ўзимиз ўлолмай турибмизу, тагин бу одатларимизга куяйми! Чиқавер десам, йўқ, уят бўлади, дейди-да!

Дилшод уни кўрса, чиндан ҳам, онаси билан Тўтисини кўргандай қувонарди. Ахир бу оилаларнинг тақдири, шўри-алами нақадар ўхшайди бир-бирига! Йўқ, кўриши керак!

– Кўришим эмас, кўрмай кетишим уят бўлади, амаки, – деди Дилшод.

– Ҳа, ҳа, шу ёғи ҳам бор, – айтаман.

Дилшод ёлғиз қолди. У ўрнидан аста туриб бориб, онаси ётган кўрпани, онасининг қанчадан-қанча кўз ёшларини симирган ёстиқни ҳидлади. Ғамданми ё таниш ҳид таъсириданми, яна ўлкаси тўлди. Бошини тахлоғлиқ кўрпалар қатидаги табаррук ёстиқ четига қўйиб, бир неча зум кўзларини юмиб турди. Ташқаридан оёқ дупури келди.



У бошини ёстикдан олиб, сандал томон юрди. Шу он Тўфа дуррасининг бир учи билан юзини тўсиб кириб келди. Дилшод унинг анча чўзилган басти-ни кўриб, худди онасини, Тўтисини кўргандай қувонди. Тўфа ўзиникига ўхшамаган алақандай синиқ, мискин товуш билан: «Келинг!» деди-ю, йиғлаб юборди.

– Йўқ, йўқ, йиғламанг. Начора, бошимизда кўргилик бор экан.

Турғун ака фотиҳа ўқигандан кейин отга беда солгани чиқиб кетди. Тўфа дарров чой дамлаб, сандалга ўт солди. Турғун ака таъриф қилган зоғора нонлардан келтириб ушатди.

– Олинг, Дилшод ака. Нонга қаранг, – деди у, йиғи сезилиб турган товуш билан.

Дилшод зоғорадан жиндай синдириб озгига солди. Кетидан чой хўплаб пиёлани сандалга қўйди. У Тўфанинг ажин босган озгин, сўлгин юзига, ҳафсаласизгина ўралган дурра остидаги паришон зулфига кўзи тушиб, ғалати бўлиб кетди. Бир маҳаллар баҳор чечаги каби тароват, мусаҳҳир латофати билан, ширин, ёқимтой овози, қўлидаги сози билан таърифи шаҳарга кетган жонон қиз шуми?! Эвоҳ, йиллар мусибати нозик қаддини буккан бир нотавон-ку бу!

– Тўфахон, мендан анча ёш эдингиз шекилли, а?

– Ҳа, Тўтихон билан мучамиз бир, – деди у, ерга қараб.

– Ҳа, мендан етти ёш кичкина экансиз. Тавба, мени турма қаритди десам, сиз ташқарида юриб, турма азобидан кўпроғини кўрибсиз-да?

Дилшод овози қалтираб кетди. Тўфа бошини аста кўтариб унга қаради. Кўзларида кеча зулмати каби поёнсиз ғам ётарди.

– Нима қилай, асли пешонам шундай экан. Менга қолса, қуш бўлиб учардим, қуш бўлиб сай-



рардим, ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам шўх-шўх куйлар билан хурсанд қилардим. Бўлмади! – Тўфа хўрсиниб тўхтади. Дилшод ҳам бир нима дейишдан ожиз қолди. Ўртага ўлим жари каби чуқур ғам сукунати чўкди. Аммо бу зоҳирда жим, осойишта каби кўринса ҳам, ботинда қалбларни бутун ўтмиш алаамлар, кечмиш мусибатлар гирдобига солган омонсиз сукунат эди. Жимгина оқаётган сув ўз остидаги гирдобни ҳар вақт ҳам яшириб сақлаёлмади. Гирдоб кучайганда, жараён забтига туриш беролмай қолганда, ҳаммиша сув юзига уриб чиқади. Жимдай ўтирган Тўфа қалбидаги гирдоб ҳам ахири портлаб чиқди. – Мени кўяверинг, Тўти бечорани кўрсангиз эди! Вой шўрлиг-эй, бирам харобки, зўрға танидим!

– Кўрдингизми?! Қаерда кўрдингиз, Тўфахон, қаерда кўрдингиз? – Дилшоднинг оғзидан эмас, қалбидан узилиб чиқди бу ҳаяжонли саволлар.

– Раҳматли отинбувим билан Жамила холамнинг етгисини ўтказиб, кўриб келдим.

– Қаёқда экан?!

– Тешабойникида, Қорабулоқда ҳозир. Бечора мени кучоқлаб олиб шундай йиғлади, вой Худо, юракларим эзилиб кетди. Ўз шўримга ҳам мунчаллик куймаган эдим. Ўзимни босай дейман, қани энди боса олсам! Иккаламиз кучоқлашиб шундай йиғлашдик, шундай йиғлашдик, ё Худо, оҳимизга осмон ағдарилмаганига ҳайронман.

Дилшод иссиқ сандалда эмас, муз устида ўтиргандек қалтирай бошлади. У косаларидан ўйнаб чиққан телба кўзлар билан Тўфага тикилиб, бутун вужуди билан дағ-дағ титрарди. Тўфақиз эса, қуйила бошлаган ёшларини тўхтата олмай, дуррасининг учи билан кўзларини артар, ёнида бошқа биров эмас, Тўтининг ўзи ўтиргандек, унга куйиб



йиғларди. Алам илони қалбидан ўрмалаб чиқиб Дишод бўйнига ўралди. У нафас ололмаб бўғилар, беомон қисиб бораётган илон чамбаридан қутулишга тиришаётгандек, нуқул калласини тўлағатарди. Шунинг устига Турғун ака салом билан кириб, ўчоқ ёнига ўтирди.

– Наҳотки! Наҳотки Тешабойга теккани рост бўлса, Тўфахон?! – деди Дишод, кўксини йиртишга қасд қилган кишидай кўкрагига чанг солиб.

Тўфа бирдан ўзгарди, алаmidан кўзгалган исёнкор каби шиддатланди.

– Тегмай иложи қанча! Ахир ўзингиз хат чиқарибсиз-ку турмадан «тегавер» деб!

Дишод ўтирган еридан сакраб тушди.

– Мен?! Мен хат чиқарибман?! Ё Раб, бу қандай бўҳтон! Тўғри, софинганимни, сарғайганимни айтиб хат чиқарганман, лекин Тешабойга тег деб...

– «Мени ўлимга ҳукм қилишди. Уч кун ичида Тешабойга тегсанг, у мени ўлимдан қутқазиб қолади», дебсиз-да, нимага ёқангизга туфурасиз? Шунанга деб ёзибсиз. Тўтихоннинг дадаси олиб келиб берибди.

Дишод тили қалдираб қолди.

– Йўқ, йўқ! йўқ, йўқ! Бўлмаган гап! Қип-қизил бўҳтон!

Турғун ака ўтирган еридан туриб кетди. Худди ўдағайлангандек, узоқдан туриб қизига қўл силтади.

– Мана, ишонмайман демабмидим шу гапни топиб келганингда!

– Йўқ, ишонманг! Ишонманглар! Макр, Тўтихонга қўйилган тузоқ бу! Мен унақа деб хат чиқарган эмасман! Йўқ, йўқ, йўқ!

Тўфа, Дишоднинг исёнини ўзига қарши хитоб деб билиб, тушунолмаб елкаларини қисди.



– Невлай. Тўтихон шундай деди-ю. Хатни ўзи ўқибди.

– Ўқибдими?!

– Хе. Иннайкейин: «Нимаики қилган бўлсам, Дилшод акамни ўлимдан қутқазиш учун қилдим. Агар Дилшод акам бошида ўлим ҳақ деб турмаган бўлса, агар мен ўз ўлимим билан Дилшод акамни ўлимдан қутқазишим мумкин бўлса, о, мен ўзимни ўлдирардим, бу шармандаликка йўл қўймасдим», деди. Йиғлаб, зору зор йиғлаб туриб: «Вой, Тўфа, Тўфагинам, бу кунимдан ўлганим яхши эди! Домла никоҳ ўқишга ўтирганда, сочларимни юлиб фарёд қилдим. Худодан қўрқинглар, мени ёримдан айирманглар, деб шафқат сўрадим. Оҳимга кулоқ солгувчи бўлмади. Майли, мени ҳам Дилшодимга қўшиб ўлдиришсин, дедим. Ёнимдаги хотинлар оғзимни юмишди. Мен улар билан юлишдим. Бўлмади! Тутқаноғим тутиб қолди. Кейин нима бўлди – билмайман. Мана энди, анови олтин қафасдаги тўтиқуш сингари, бир нобакор қасрида тутқунман!» – деди.

Дилшод яна ўз ёқасига ёпишди.

– Ё-ху! Бу қандай хўрлик! Бу қандай зулм! Бизни оналаримиз ўзгалар айшу ишрати учун эрмак қилиб туққан эканми?!

– Шунақага ўхшайди, мулла, шунақага ўхшайди, – деди Турғун ака, калласини ликиллади. – Тўфа шўрликнинг бошига ҳам не азоблар тушмади, биласиз. Отин раҳматли Марғилонга фарёд уриб борди, гўрингда тўнғиз қўшпур тўра устидан мингбошига додлаб борди. Хўш, фойдаси бўлдими? Бўлмади, муллам, бўлмади! Э-э, пешонамиз қурсин!

У манглайига шоп этказиб бир урди.

– Тавба! Тавба! Қорнингга пичоқ уриб юборинг келади.

Дилшод пешонасига қўлини тираб ўтирарди. Турғун ака куйиб айтган гапларни эшитмадимми, бирдан бошини кўтариб, Тўфага тикилди.

– Яна нима деди? Яна нима деди?! Тўфахон, гапиринг, гапиринг, жон синглим!

– Кўп гапирди. Ҳамма гапи эсимда қолди, дейсизми! Ҳа, айтмоқчи, Дилшод акам ўлимдан қутулганини билай аввал, кейин нима қилишимни ўзим биламан, – деди.

Бу гап Дилшодни ўйлатиб қўйди. Лекин ўйининг тагига етгунча бўлмай, Тўфа ҳиқиллай бошлади.

– Бечора, бувисини эслаб бирам йиғлади...

Дилшод қўрқиб кетди.

– Бувиси ўлганини айтдингизми?!

– Вой-вой, ўлибманми айтиб?! Оғзимдан чиқарганим йўқ.

– Менинг қутулиб чиққаннимни ҳам эшитмап-тими?

– Вой, қаердан эшитади? Шаҳарда туриб биз эшитганимиз йўғу!

Дилшод ёмон тушдан уйғонолмаган кишидай тўлғанарди. Калласини гоҳ тўлғатар, гоҳ солинтирар, нуқул уҳ тортарди.

Тўфахон бирдан ўзининг чап бетига шапилла-тиб урди.

– Вой эсим курсин! Сизга битта хат бериб юборувди, қаердан бўлса ҳам топиб беринг, деб.

Дилшод сапчиб туриб кетди.

– Қани?! Қани хат?!

Тўфахон алахсиб қолди.

– Дада, сизга берувдимми?

Турғун ака калласини тебратди.

– Берганинг йўқ, қизим. Хат олиб келдим, деб айтдинг, лекин...

– Вой ўлмасам, қаерга қўйибман?..



У чўнтақларини кавлаштира кетди. Дилшод Тўфахон тепасида юраги ёрилиб турарди.

– Йўқ, йўқ, яхшироқ қаранг! Ё бошқа ерга қўйгандирсиз. Эсланг, эсланг, жон Тўфахон!

Чўнтақларидан чиқмагандан кейин, Тўфахон бир нуқтага қараганича ўйланиб қолди.

– Ҳа-а, тўнимнинг чўнтагида бўлса керак. Тўн кийиб борувдим.

– Тўн қаерда, тўн?!

– Нариги уйда, ўзимизникида.

– Чопинг, чопинг, тез бўлинг!

Тўфахон ҳалпилаганича чопиб чиқиб кетди. Орқасидан югурмоқчи бўлиб Дилшод ҳам таалпинди, лекин Турғун акадан истиҳола қилдими, эшик оғзидан қайтди. У нуқул бошини тебратар, тер қуйилаётгандек, ҳадеб пешонасини артарди. Ичида, миясида бир-бирини қувишиб ўйлар югуришадди. «Топармикан? Йўқотиб қўйган бўлса-я! Йўқ, йўқ, йўқолмаган, қандай йўқолади?!»

Дилшод ташқаридан Тўфахон шарпасини эшитиб, ўзини дарчага урди. У қорларга беланиб, хатни кўлида силкитиб, суюнчилаб келарди.

– Топдим! Топдим!!

Дилшод хат тахини очди. Суюнчидан, ҳаяжонидан ўзини йўқотиб хатга беҳуш тикилди, боши айланиб кўзлари тинди, бир зум, йўқ, йўқ, бир неча дақиқа деворга суяниб қолди. У ўзига келгандан кейин хатни олдин бағрига босди, кейин ёниқ лабларига келтириб ўпди, ўпиб бўлиб яна кўксига босди. Ниҳоят, ҳаяжон ёшлари парда тортган телба кўзларига келтирди:

*«Салом сизга, эй дилимнинг ҳоқони,
Таним жони, ҳаётимнинг шод они!
Салом сизга, тунда шаму чароғим,
Кунда ёрқин қуёшим, жон қароғим!»*

Салом сизга, кангул боғим сунбули,
Қизил гулнинг жафо чеккан булбули!
Салом сизга, элим, юртим, диёрим,
Ёруг дунёда борим, ифтихорим!
Етиб борсин яхши кунда саломим,
Йиглаб туриб сизга айтган каломим!
Саломдин сўнг сизга айтай арзимни,
Ўлмай туриб бериб кетай қарзимни.
Согиндим, севгилим, канглум паришон,
Жудоликдин ўлур бунда гариб жон.
Учай дерман, қанотим йўқ, асирман,
Кўрай дерман, мисоли бир басирман.
Нетайким, чора йўқ ҳижрон ўтига,
Тўзим берсин Худо шўрлиқ Тўтига.
Ширин, Лайло, Зулайҳолар тақдири,
Тушди менинг бошимга ҳам ахири.
Мен аларнинг шўрларига куярдим,
Ўзимни-чи? – Бахтлиман деб туярдим.
Бахтнинг умри шунча қисқа эканми?!
Терганларим гулмас экан, тиканми?
Ахир улар афсонанинг қизлари,
Чўкик эди асри каби тизлари.
Мен-чи? Ҳайҳот, тирик эдим дунёда,
Тирик ўлдим, келмагандек бунёда!
Юрагимда хўрлиқларнинг алами,
Сўрсам, дерлар: «Ёзмиш қудрат қалами».
Нечун қалам бахтимни қаро ёзди?
Не қилдим, йўлимни гамаро ёзди?!
Толемдин кимга йиғлай, дод этай?
Дунё келиб, нени кўрдим, ёд этай!
Рўпарамда олтин қафас, тўтиқуш,
Мен ҳам бунда тўти янглиг тутқун қуш.
Тўти янглиг қон ютаман қафасда,
Оҳим ўрлар кўкка ҳар бир нафасда.
Кўзим тўртдир: «Келарму» деб Дилшодим,



Ширинни деб тоғни йиққан Фарҳодим!
 Йўлингизга сочим бўлсин поёндоз,
 Лайло олсин вафода мендин андоз.
 Кўзим очуқ, сизга етмоқ орзумдир,
 Вафо эса бўйнимдаги қарзимдир.
 Лекин, афсус, йўлларимда гов ётур,
 Бағри қаттиқ, бемурувват ёв ётур.
 Оёғимда замонамнинг кишани,
 Не қилсамки, парчаласам ўшани!
 Унутманг ҳеч қасос кутган қизларни,
 Севгиси хор, сезгиси хор бизларни!
 Ичкарида қон йиғловчи қуллар бор,
 Севганидан айрилган туллар бор!
 Жон риштасин узса охир бу хўрлик,
 Дод деб кетгум...

Хатнинг охирини ўқиёлмади, Дилшод бўғзи-
 га тикилиб келган фарёдни тутолмади – ҳўнграб
 йиғлаб юборди. Ота-бола уни юпатишга урнади,
 юпанмади, йиғлар эди, яна йиғлар эди. Йиғи-
 дан охир кўзи тинди, лекин ўзи тинмади – қалби
 йиғлар, бағри йиғлар эди. Уни Турғун ака сандалга
 олиб келиб ўтқазди. Энди сандалга бошини қўйиб
 олиб узоқ пиқиллади. Кейин қизариб, шишиб кет-
 ган мунгли кўзларини Тўфахонга мўлтиратиб:

- Сиздан бир нарса илтимос қилсам, – деди.
- Жоним билан, Дилшод ака.
- Бир парча қоғоз берсангиз.

Тўфахон тоқчадан Дилшоднинг эски дафтарла-
 ридан бирини келтириб тутди. У қоғозга қаламни
 қитиллатиб бир нима ёзди-ю, дафтардан йиртиб
 олиб, тахлади.

– Иложи бўлса бугун, бўлмаса эртадан кечиктир-
 май шуни Тўтихонга элтиб берсангиз. Жуда-жуда
 ўганиб сўрайман, жон синглим.



– Жоним билан, Дилшод ака, бугунла элтиб бераман.

Дилшод кўйнида Тўти номаси билан яйловга чиқиб кетди.

Тўртинчи боб Ўлимни енгган ўлим

Дилшод уйдан кеч чиққан эканми, тонг мовий кўзини уқалай бошлагандагина яйловга етиб келди. У жилгадан кўтарилаётиб, тепада каттакон харсанг четида чўнқайиб ўтирган одам қорасини кўрди-ю, кимлигини биламай ўйланиб қолди. Йўл пойлаб турган айғоқлардан эмасмикан?

Лекин у тўхтамади, ҳушёр бораверди. Бир оздан кейин тепадаги одам ўрнидан туриб, унга кўлини силтади. Ким экан? Жамолиддинми ё Фуломжонми? Фуломжон бўлса, уни шунча йироққа, жар ёқасига келишга нима мажбур қилди? Ахир у касал ётиб эди-ку? Ё қора уйни жандарм кишилари босдимикан?

Дилшодни тепага оти эмас, ваҳми тезлаб чиқарди. Пастдан у танимаган одами унга кулимсираб қараб турарди.

– Ие, туриб кетганингиз қутлуғ бўлсин, Фуломжон ака!

Дилшод узоқдан шундай деб қичқирди-ю, отидан чапдаст тушиб, Фуломжон томон югурди.

– Ассалому алайкум. Тинчликми, Фуломжон ака?

Фуломжон ташвишдан чиққан киши мамнуния-ти билан жилмайди.

– Энди тинчлик.

Дилшод ҳайрон бўлди.

– Нечун «энди»?

– Мен сени ярим кечагача қайтиб келарсан, – деб ўйлаган эканман. Бизни ёмон хавотирга сол-



динг. Дардни дард кесади, деганим рост экан. Сенинг дардинг мени турғизиб юборди.

Дилшод хижолат бўлиб ерга қаради.

– Қани, эшитайлик, нима гаплар топиб келдинг? Ольга Петровнага учрадингми?

– Қайтишда ўтдим, уйда йўқ экан. «Кўриб кетай деб келувдим, айтиб қўярсиз», деб тайинладим Шаҳри холамга.

– Усубали билан учрашмабсан-да. Сени Ольга Петровнаникидамикансан, – деб хабар олдиргани юбориб эдим.

Улар қора уйга қайтишди. Жамолиддин овқат пишираётган экан, қўллари нари-бери артиб, Дилшод билан қучоқлашди.

– Э бор бўлинг, роса бизни игнага ўтқаздингиз-да!

Фуломжон жойига ётиб, булар уй ўртасидаги гулхан атрофида гаплашиб ўтиришди. Дилшод Тўтисидан дарак топганини, ҳатто хат ҳам олганини гоҳ суюниб, гоҳ эзилиб сўзлаб ўтирди.

Чошгоҳда Усубали ҳам қайтиб келди. Дилшодни кўриб чехраси очилиб кетди. Дўсти билан қучоқлашиб кўришгандан кейин яна қовоқлари осилди.

– Ольга Петровна ҳеч жойда жўҳ. Икки соғат кутдим, келмади.

Фуломжоннинг яраси оғрирмиди, у гоҳ ўтирар, гоҳ ётарди. Бу безовталиқ сабабини охири ўзи маълум қилди.

– Бу, Ольга Петровнага нима бўлди экан? Дилшод борса ҳам йўқ. Усубали борса ҳам йўқ. Ё ҳали ҳам касалхонадамикан-а?

– Чикибди. Уч кун бўлибди чиққанига. Шаҳри холам айтди, – деди Дилшод.

Фуломжон бошини яна ёстиққа қўйиб ўйланиб кетди. Бошқалар унинг оғзини пойлашаётгандек

жим ўтиришарди. Бир маҳал Фуломжон туйнукдан эриниб чиқаётган тутунга қараб сўзланди.

– Сергей Петрович, Қўмита аъзоларидан яна бир қанчаси қамокда, мен бу ерданман. Қудрат акам, билмайман, нима аҳволда, шаҳарда нима гап, қамалганлар тақдири нима бўлди...

– Мен тушиб хабар олиб чиқсам, дўстим, – деди Жамолиддин, унинг ўйчан сўзларини бўлиб.

Фуломжон норози бир қиёфада бошини кўтарди.

– Йўқ, сизнинг боришингиз хавфли – Ашурнинг кўзига йўлиқиб қолишингиз мумкин.

– Бўлмаса, менга рухсат беринг, мен борай, Фуломжон ака.

– Сен? Майли, сен бор. Лекин ёлғиз эмас, Усубали йўқ демаса, бирга боринглар.

– Ҳали шаҳарга экану, Тиёншонга бор десанг, бораман, – деди Усубали.

– Баракалла. Хўп, бундай қилинглар: биронта завод ёнидаги самоварга кириб чой ичинглар. Қани, одамлар нима дейишади, шаҳарда нима гап – биласизлар, хўпми? Кейин қаердан бўлса ҳам Ольга Петровнани топиб, қолган гапни ундан билиб қайтасизлар.

Улар яйловдан изғиринни ҳам бошлаб келишдимми, кўчалардаги одамлар бурнидан шундай буг чиқардики, кўрсангиз, самовар жўмрагидан чиқаётган бугми дейсиз. Тутунлар ҳам аллақандай. Баландроқ кўтарилишса музлаб қолишдан қўрқаётгандек, томлар атрофида эшилиб, судралиб юрарди. Дилшод Фуломжон акасининг айтганини қилиб, шаҳарга кираверишдаги бир самоварга тушди. Самовар ичи иссиқ, одам фуж. Усубали иккови кўздан холироқ жойга келиб ўтиришди. Чойхўрлар буларнинг эгниларидаги қирғизча кийимларини, қўлларидаги ўрма қамчиларини кўриб, қирғиз



улоқчилар, деб ўйлашди шекилли, ҳаваслари келиб қарай бошлашди. Бир кўсабашара киши ҳавасини сўзга кўчиришдан ҳам тоймади. У ёнидаги жўрасининг елкасига шопиллатиб уриб:

– Полвон, эртага нахс бойнинг улоғи роса қизийдиган бўлди! – деди, Дилшодлар томонга ишора қилиб.

Полвоннинг қулоғи оғир эканми, ё ҳаёлотдами, алаҳсиб сўради:

– Нимага қулоғим қизийди?

Одамлар гув этиб кулиб юборишди.

Кўсанамо киши калласини ликиллашиб қичқирди.

– Сенинг қулоғинг эмас, бойнинг улоғи!

Полвон «ҳа» дегандек қилиб бошини тебратди. Кейин кулиб туриб пичинг қилди.

– Ҳали эртага лўкиллаб бораман, дегин?

Кўсанамо кишининг лақаби туя бўлса керак, яна одамлар ҳоҳолаб кулишди.

Кўсанамо киши чандишишни хоҳламадими, гапни улоққа бурди.

– Э-э, совриндан гапир, совриндан!

– Улоқ берган киши соврин ҳам беради-да.

– Беришга-ку беради, лекин катта бўлармикан?

– Нима катта бўлади?

– Соврин-да.

– Катта бўлиб, от бўлармиди?

– Ҳа, от бўлса нима? Ана шундай Олай лочинлари оёғингга улоқни келтириб ташласа, от миндирсанг арзимайдими?

– Э, суф сенга! – деди полвон, қўлини силтаб. – От эмиш-а! Эшак миндирса хотини уч талоқ бўлади у муттаҳам бойнинг! Биласан-ку, бир тийинни белининг таги билан қисиб олади.

Жўраси орзусига етолмай сарғайган кишидай хўрсинди.



– Эҳ, дўстим, Худо менга тўй насиб қилса, улоқ бериб от миндирардим.

Полвон калласини ликиллаатиб кулди.

– Тўй... улоқ... э, нодон, Симхайнинг қанорларини ташисин деб Худо сен билан бизга манави букирларни насиб қилган!

Шу гапдан кейин кўсанамо кишининг дами ичига тушиб кетди. Чойхона ҳавоси етмаётгандек нафаси қисилиб борди. Пича бошини солинтириб ўтиргандан кейин ўрнидан хомуш туриб ташқарига йўл олди.

– Турдимат! Ҳа, заводга чиқиб кетяпсанми? – деди орқасидан жўраси.

– Йўқ, ҳали вақт эрта. Келаман, ўтириб тур.

Турдимат келавермади. Полвон ҳам заводга чиқиб кетмоқчи бўлдими, чойхона тўрида қолдирган нон хаалтасини олгани кетди. У Дилшодлар ёнидан ўтаётиб, йигитларга ер остидан бир қаради. Хаалтасини олиб келаётиб яна қаради. Дилшоднинг ундан миннатдордек кўринган хушнуд кўзларига кўзи тушди-ю, уни аллақерда кўргандек бўлди. Берироқ келиб, ўйланиб қолди. «Қаерда учратганман? Кўзимга жуда иссиқ кўриняпти... Ия, ўша эмасми?! Сақоли тутамга кириб қолибди-ку! Иннайкейин, кийимлари ҳам қирғизча, жўраси билан қирғиз тилида гаплашиб ўтирибди. Бир сўраб кўрайми-а?»

Полвон шу ўй билан орқасига қайтиб, Дилшодлар сўриси олдида тўхтади.

– Ҳозирги замонда нима ёмон – сени танидим деган ёмон. Ҳа, шунақа бўлиб қолди, – деди у, ўз ҳаракатидан хижолатдек жилмайиб.

Дилшод четда ўтирган эди, дарров сурилди.

– Бе, таниб, бўримиди – еб кўйсин! Ўтиринг, ака. Полвоннинг овози йўғон экан, хўхўлаб кулди.



– Албатта, танишда ҳам таниш бор. Мен сизни танигандек бўляпману, ҳеч туслаёлмаяпман. Менга бир яхшилиқ қилган одамга ўхшаяпсиз.

Дилшод «ажаб эмас», дегандек елкаларини қисди.

– Ўзинглар қаерликсизлар?

– Ачавотлик.

Полвоннинг кўзлари чарақлаб кетди.

– Ия, Зулфиқор отанинг уруғларидан бўлманглар тагин?

Унинг суюнчи ҳар қанча самимий кўринса ҳам, Дилшод эҳтиёт шартини бузмади. Дудмал қилиб жилямайиб кўйди. Буни полвон тасдиқ маъносида тушунди шекилли, ичиб турган чойини ёнига кўйиб, қўл чўзди.

– Э, ундай бўлса кўришиб юборайлик! Э-ҳе, Зулфиқор отанинг этагида намоз ўқиса арзийди – одамки, бунақаси йўқ.

Дилшод индамай ўтираверишни эп кўрмадимиз ё у одамнинг кўйнига қўл солиб кўрмоқчи бўлдими:

– Яхши, Зулфиқор отани танир экансиз-да? – деди.

Полвон жонланиб кетди.

– Менга қаранг, у одамни танимаган, билмаган кўр бўлади, ҳа! Яқинда бир аломат иш қилди, э-э, – деди у, қўл силтаб. Кейин у ёқ-бу ёққа бир қараб олиб шивирлади: – Турмадан қочиришган мастеревойларни яйловига опчиқиб кетди. Ҳа, Зулфиқор ота бўлмагандами, барисини ушлаб дорга осарди бу қонхўр ҳоким!

У гапириб туриб, бирдан Дилшод кўзларига тикилиб қолди. Дилшод галати бўлиб кетди. Кўзларини олиб қочишни ҳам, бир нима дейишни ҳам билмас эди. Полвон ўзининг тиззасига шоп эткизиб урди.

– Ўлай агар ўшасиз!



Дилшод унинг самимийлиги ошкор сезилиб турган хурсандчилигидан ўзига келиб жилмайди.

– Биз ҳам билайлик, ким экан «ўша?»

Полвон кўзларида миннатдорчиликни кига ўхшаган бир учқун кўринди.

– Тузем мактабида домлалик қиларди. Отини билмайман.

Дилшод ўзини ҳайрон қолганга солиб қиқирлади.

– Э, бор бўлинг! Домлангиз бўлади-ю, отини билмайсизми?

– Йўқ, ўзим ўқимаганман-да. Бизга ўқиш йўл бўлсин. Шу ёшга келибманки, алифни кўрсатишса, таёқ дейдиганларданмиз. Кичик укамни олиб борганимда кўрувдим. Яхши йигит экан. Кейин қамалиб кетди, деб эшитдим. Анча вақтгача ҳайрон бўлиб юрдим, нима чатоғи бор экан, деб. Кейин билсам, муттаҳам Тешабой қаматиб юборибди – хотинига ишқибоз бўлиб. Тавба, оғзингдаги ошингни олишгани етмай, қўйнингдаги ҳалолингни ҳам тортиб олишса-я! Қаерга додлаб боришингни билмайсан!

Билмай айтилган бу гап Дилшод ичини ағдариб ташлади. У юрагида бирдан санчиқ турган кишидай ижирғаниб ерга қаради. Буни полвон пайқамай алаmidан, газабидан тутақиб гапирар, Дилшод эса худди уни тинглаётгандай бош эгиб ўтирарди. У бир оздан кейин калласини аста кўтариб полвонга қаради. Бир нима сўрамоқчи ё айтмоқчи бўлди-ю, ботиноладими, яна ерга қараб олди. У Тўтисининг тақдирини билгиси келар, ихтиёрини шиддат билан олиб бораётган бу ўжар истак: «Полвондан сўра! Сўра! Севгилинг нима бўлди – сўра, тезроқ сўра!» деб уни қистар эди. Борди-ю, сўради, билмайман деса, – хайр, ўлди деса ё Тешабой тўй қилиб олди деса-чи? Унда Дилшод ўзи-



ни босиб ололадими? Шунча одам олдида, ўзининг Дилшод эканини сир сақлаб ўтирган бир ерда кўкқисдан додлаб юборса-чи? Йўқ, додламайди – ўзини босади. Ахир ўлим ҳамманинг бошида бор гап. Йўқ, йўқ, у ўлмаслиги керак! Нима учун ўлади? Дилшодни доғу ҳасратда қолдириш, ёридан айрилган Фуломжон акаси каби дунёдан бўзлатиб ўттириш учунми? Йўқ, Худо асрасин! Борди-ю, Тешабойга тегди?

Йўқ, йўқ! Тўфахон айтди-ку домла никоҳ ўқигани келганда ўзини уриб додлабди, кўнмабди деб. Борди-ю, ўша ердаги хотинлардан биронтаси Тўти... ўрнида «ҳа» деб юборган бўлса-чи? Ё Раб, бу ҳам Дилшод учун севгилисининг ўлиши эмасми? Ҳа, ўзгага тегиш – узлатга кетиш! Йўқ, узлатга, лекин ўлиш эмас. Йўқ, йўқ, бу ўлиш деган сўз эмас! Севганинг бошқага тегиб кетса, текканда ҳам зўрлик билан тегса, – у сени унутди, сендан юз ўтирди деган сўзми бу, ажабо? Йўқ, асло йўқ! Балки у сендан ортиқроқ жафо оташидадир, балки у сенинг олдинда ўзини гуноҳкор билиб виждон азобидадир, балки у ўзининг шўрида сени вафосиз билиб дили шикастадир? Шундай бўлиши мумкинми? Мумкин, шубҳасиз, мумкин! Ўлиш – жон риштасининг узилиши деган сўз. Сени боғлаб турган ҳар қандай ип – хоҳ у муҳаббат ипи, хоҳ у нафрат ипи бўлсин – ўлим билан бирга узилади. Тириклик-чи? Ҳар қандай вазиятда ҳам у сени севганингга, севганингни сенга боғлаб турадиган чандир ип. Демак, у тирик бўлса, юрагиндан юрагига йўл бор, қалбларда муҳаббат бор, умид бор, интилиш бор, интизорлик бор. Йўқ, севгилинг ўлмасин, қаерда бўлса ҳам боши омон бўлсин, Дилшод! Сўра, вақт ганиматлигида сўра! Балки унга ёрдамнинг керакдир. Ҳозир у балки ёмон болалар ота-оналарини

чириллатиб иссиқ инларидан олиб тушган чумчук боласи сингари шафқатсиз чангалда жон бераётгандир? Бас, шунча иккиланиш! Сўра!

У бошини бирдан кўтариб полвонга қаради. Юрагини толпинтирган овоз амри билан Тўтисини сўрамоқчи бўлди. Лекин жавоб даҳшатига дош беришдан ўзини ожиз сездими, сўраёлмади. Бир оз тикилиб тургандан сўнг, томоғида қадалган нарсани қийинлик билан ютиб, уни аста билагидан ушлади.

– Ака, исми-шарифингизни билсам...

– Урайим.

У энди ўзини анча босиб олди ми ё таваккал қилди ми, синиқ, хаста товуш билан ялинган оҳангда сўради:

– Кейин нима бўлди, Урайим ака? Ўша бечоранинг хотинини тортиб олди ми?

– Ўтган бозор енг ичида никоҳ қилдирибди...

– А! – Дилшод Урайимнинг билагини итариб ташлаб, орқасига силтанди. Кўзлари ғалати олайди.

Усубали ҳеч қачон унинг бунақа аҳволга тушганини кўрмаган эди. У қўрқиб кетди. Урайим ҳангманг бўлиб қолди. Дилшод бир неча зум кўзларини юмиб, лабини тишлаб ўтирди. Ҳар қандай зарба аввалида даҳшатли бўлгани каби, юрагини неча ойлардан бери тирнаб келган бу ваҳм ҳам уни ўз зарбаси билан бир селпиди-ю, кейин аста-секин бўшашиди. Усубали билан Урайим ундан кўз узмай жим ўтиришарди. Дилшод кўзларини аста очиб, уларга ҳасрат билан қаради.

Урайим унинг кўзларида фарёд уриб турган аламни кўриб, ёшлар шўрига ачинапти, деб ўйлади.

– Бунақанг савдолар бошига тушганларни-ку қўяверинг, Худонинг ўзи тўзим берсин уларга. Лекин сизга ўхшаб мана шунақа эшитганлар ҳам дод



деб юборади. Ҳа! Мана энди оқибат нима бўлди? – У захарли қилиб илжайди. – Ҳм, оқибат! Непа-нозин муносиби билан яйраб-яшнаб юрган бир шўрликни пул зўри билан олди кетди. Увол кетди бечора, увол! Хайр, увол кетса ҳамки, у тирик, йиғлаб-сиқтаб бўлса ҳам тақдирга тан бериб кетар, лекин йигитга ёмон жавр бўлди. Ўша, мастеровойлар турмадан қочирилганда у ҳам қочган экан, кўчада отиб қўйишибди. Ҳа! Ишонмайсизми! Шопшманг. Турдимат, бу ёққа кел, – деди у, гурунглашиб ўтирган жўрасини имлаб.

Турдимат салом бериб келиб, Усубали ёнига ўтирди.

– Ҳа, яна қаерга ўт кетди – авзойинг Николай пожарники? – деди у тегишиб.

Урайим «ҳазилингни қўй» дегандек қилиб қўл силтади.

– Тузем мактабининг домласини айтувдим-а сента, ўшани отиб қўйишганини эшитувдингми?

Дилшод ўзини турма дарвозаси олдида яралантирилган Фуломжон акаси билан адаштиришаётганини сезиб турса ҳам кўнглига ҳозир ҳеч нарса сизмаганидан индамай ўтираверди.

– Ҳар хил мишмишлар бор. Лекин ўша куни озмунча одам ўлмади. Ўлганлар-ку ўлиб кетди, аммо-лекин захрини тириклар тортадиган кўринади.

Дилшод унга ярқ этиб қаради.

– Яъни?

Турдимат калласини оғир тебратди.

– Ўша куни қўлга олинганларни трибунал осишга ҳукм қилибди. Мана, тишингиз ўтса, ўқиб кўринг.

Турдимат этигининг қўнжидан тахлоғлиқ сариқ қоғоз чиқариб узатди. Дилшод ўз дардини унутиб, қоғозни чаптаст олди. У шошар, юраги дукурлаб ўйнади. Косасидан чиқаёзган кўзлари қоғоз бети-



да югурган сари юзи гоҳ бўзариб, гоҳ қизариб борди. У қоғозни охиригача тушириб, олдидагиларга қаради. Кўзларида энди бояги бахтсизлик алами эмас, жангари ғазаб ўти ёнар эди. У ўзи билан гап-лашаётгандек, ғижиниб сўзланди:

– Бозор кунни осишади. Тўрт кундан кейин.

У безовталаниб Усубалига қаради. Ғазабли кўзларида «жўнадик» маъноси бор эди. Усубали шундай тушунди. Дилшод қоғозни эгасига бериб шошқин кўзгалган эди, қўшни сўрида ўтирган чоллардан бири илтимос қилиб қолди:

– Нима ёзибди қоғозга, болам? Саводингиз бор экан, ўқисангиз, биз ҳам эшитсак.

Дилшод кўксига қўлини қўйиб «хўп» ишораси билан ўрнидан турди. Кейин варақани Турдиматдан олиб, бутун чойхонага эшитиладиган баланд овоз билан ўқий бошлади:

– «Қадрли ватандошлар! Эзилган меҳнаткаш мусулмонлар! Камбағаллар елкасига офтоб тегсин деб қонхўр подшога қарши, балохўр бойлар талончиликка қарши, хўрлик ва адолатсизликка қарши курашда жонбозлик кўрсатиб келаётган инқилобчи ўртоқларимизни солим Николайнинг юртимиздаги қонхўр малайи, жаллод ҳоким шу бозор кунни осиб ўлдиришга ҳукм қилди. Лекин биз ҳам рўшноликка чиқайлик, ҳур, озод инсон бўлиб яшайлик десак, тепамизда подшо ўтириб олиб қонимизни ичавермасин, бир тўда балохўрлар биз тўккан теримиз, меҳнатимиз бадалига бойийвермасин десак, турмадаги большевик ўртоқларимизни ўлим сиртмоғидан қутқазайлик!

Халойиқ, қўрқма! Биз кўп, улар оз! Қўлингга қурол ол! Маҳалларда, даҳаларда, корхоналарда инқилобчи дўстларинг байроғи остига тўпланиб, подшога қарши, зулм ва истибдодга қарши озодлик курашига чиқ!



*Яшасин хуррият!
Битсин истибдод!
Йиқилсин золим подшо!
Шаҳар большевиклар Қўмитаси!»*

Дилшод тошбосмада кўпайтирилган бу варақани шу қадар ҳаяжон билан ўқидики, ҳамма унинг оғзига қараб қолди. Онаси билан холаси вафоти юрагида очган оғир жароҳатдан у ҳали ўзини ўнглаб олмаган эди. Бунинг устига Тўтисидан тирик айрилгани, ўзини турмадан қутқазилганда жонбозлик кўрсатган кишилар тақдири уни исёнга келтирди. У варақани оддий ҳаяжон билан эмас, курашга, қўзғолишга, жиҳодга чақирувчи хитоб билан, майдон мардининг ҳайқириги билан тугаллади. Кейин, ихтиёрини олиб қўйган юрак тўлақинини босиш учунми ё варақа давлатининг одамлардаги таъсирини билиш учунми, бир неча зум жим қолди. Аммо олов, ҳайқириқ, исён тўла кўзлари одамларнинг ҳаяжонли юзларида югурар эди. У бу юзлардан хайрихоҳлик, дардмандлик ўқиди. Бундан юрагида янги қувват, янги ўт пайдо бўлди. У варақанинг сўнги хитобларини тик турган ҳолда, қўлларини силтаб, ёниқ овоз билан такрорлади:

– Яшасин хуррият! Битсин истибдод! Йўқолсин золим подшо!!!

Чойхонадагиларнинг қарийб ҳаммаси завод ишчилари, маҳалла камбағаллари эди. Лекин улар яқинда турмага қилинган ҳужум фожиасидан юракларини олдириб қўйишган эканми, дарров Дилшоднинг пинжига кира қолишмади. У ер-бу ерда: «Қани энди золим Николайдан қутулсак!» деган ҳасратли овозлар эшитилди-ю, варақани дадил қувватлаб чиқувчи бўлмади. Одамлардан садо



чиқармикан, деб Турдимат билан Урайим ҳам оғиз пойлаб ўтирарди. Усубали чидаб туролмади.

– Вой-бў-ўй! Овуздарингга талқон солғонсан-ларбе?!

– Жўқ, бўлай ўтирув жаравейт! – деди у, бир Турдиматга, бир Урайимга қараб.

– Тўғри айтасиз, йигит. Олма пиш – оғзимга туш, деб эснаб ўтириш ярамайди. Ҳаракат керак, қимирлаш керак! Бўйинларига ҳозир муттаҳам ҳоким сиртмоқ пичтириб қўйган ўртоқларимизки, бизни деб, камбағал меҳнаткашни деб подшо зулмига қарши курашганлари учун турмага тиқилишибди, энди биз бир чеккада эснаб ўтирсак уят бўлар!

– Уят дейсан-а, Турдимат! Виждонсизлик де, шармандалик де! Э ўша сабил жонининг ғамини егандан ўргилдим! – деди Урайим, ғазаб билан қўлини силтаб.

Дишод сўридан сакраб пастга тушди. Одамлар ҳам ўринларидан қўзғалишди. Ичида ғазаб, алам пўртанаси кутурганига қарамай, Дишод ўзини босиб, вазмин гап бошлади.

– Турдимат ака ҳам, Урайим ака ҳам ҳақ гапни айтди. Қараб турган билан иш битмайди – ҳаракат керак!

Чойхона бурчагида улфатлари суҳбатига қулоқ солмай ҳўмрайиб ўтирган бир савдогарбашара ўрта ёшли киши қўлини бигиз қилиб тўнғиллади:

– Ҳаракат эмиш! Ҳаракат қилганларинг ўшамми?! Оқ подшонинг турмасига осилиб-ку бир қанча одамнинг бошларини едиларинг! Нима, тагин ўлгиларинг борми?!

Дишоднинг бети учадиган одати йўқ эди. Ҳозир бирдан ўнг бети устма-уст силкиб тушди. У ҳозир ўдағайлаган кишига кўзларини найза қилиб санчди.



– Тақсир, афсуски, сизни танимас эканман. Лекин гапингиз анча танитди. Сиз ё кўрқоқсиз, ё тўқсиз...

– Оғзингга қараб гапир!

– Йўқ, тақсир, хафа бўлманг. Омади гапни айтдим. Ҳа, кўрқоқнинг ҳам, тўқнинг ҳам жони ширин бўлади. Лекин эзила-эзила адо бўлган камбағалнинг йўриғи бошқа. Очликка чидаш мумкиндир, лекин хорликка чидаб бўлмайди, тақсир! Ўзинг оч бўлсанг, бола-чақанг оч бўлса, бунинг устига яна чувалчангдай эзилсанг, хор бўлсанг – жон кўринадими кўзингга! Йўқ!

– Э, отангга раҳмат, ҳақ гапни айтдинг, болам! – деди боя варақани ўқиб эшиттиришни илтимос қилган чол.

Дилшод ихтиёрини олиб қўяётган разабини бошишга тиришиб, яна бояги савдогарбашара кишига юзланди.

– Ўлим ҳар хил бўлади, тақсир, – деди у, захарханда қилиб. – Ўлим бўлади, у ноҳақ ўлим олдини олади. Ўлим бўлади, у ўлимга йўл очиб беради. Агар биз ўлимга ихтиёр биладираётган бўлсак, яъни ўлимдам тап тортмай, ўзимизни газанда сингари кавакка ураётган бўлмасак, бу асрлардан бери ноҳақ ўлиб, ноҳақ қирилиб келаётганимизга ортиқ чидаш мумкин эмаслигидан келиб чиқади. Қул бўлиб яшагандан, ҳур бўлиб ўлган яхши!

Сув сепгандек жимиб қолган чойхона яна ҳаракатга келди. У ер-бу ердан маъқулловчи, далда берувчи овозлар эшитилди.

Дилшод овозларга қулоқ солиб бир оз сукут сақлагандан кейин, яна сўзида давом қилди.

– Мен масаланинг бир томонини айтдим. Иккинчи, муҳим томони шуки, дўст дўсти учун захар ютиши керак. Буни халқимиз бежиз айтмаган.



Ҳозир подшо турмасида ўлим сиртмоғига ҳукм қилинган дўстларимиз бир тўда инқилобчини турмадан қутқазгани бораётганларида қовун сайлига эмас, ўлимга бораётганларини билардилар. Улар ўзлари ўлиб кетишларини билиб туриб ўлим бўзига чанг солдилар! Хавфда қолган дўстини қутқазиш, дўсти учун жон бериш – ҳар кимнинг, айниқса, номарднинг қўлидан келадиган иш эмас! Бу мардлар иши! Шунинг учун биз ўзимизни хилватга уролмаймиз! Жон бор ерда ўлим борлигини билиб туриб, ўлимга қарши ғазовот қиламиз! Эзилган, хорланган халқимиз олдидаги, ҳурликка, рўшноликка ташна мазлумлар олдидаги муқаддас бурчимиз – шу!

Дишод катта-кичик билан ширин хайрлашиб, Усубали ва Урайим билан чойхонадан чиқиб кетгандан кейин ҳам гурунг авжидан тушмади.

Бешинчи боб **Тонг шафағи**

Гира-шира қор ёруғи бўлмаса, ташқари қоп-қоронғи эди. Иссиқ чойхонадан кейин муз уфурган совуқ Дишод димоғини битказди. Усубалининг сербар телпак остидаги калласи барра пўстин ичига кириб кетди.

– Вой-бўёв, тезроқ кетайлик, дўсим, совуқ жаманғуй! – деди у елкаларини ижирғатиб.

Дишод дўстини бир елкасидан қучоқлаб ўзига тортди.

– Кетамиз ҳозир. Малол келмаса, отларни олиб чиқсанг. Урайим акага гапим бор эди.

– Менга қаранг, афандим, ҳозир шу совуқда қарга борасизлар? Эшикка кетайлик.

– Қулук, Урайим ака. Иложимиз йўқ, қисталанг иш бор.



Усубали отларни келтиргани кетгандан кейин Дилшод Урайимга қўлини чўзди.

– Қани, Урайим ака, танишиб қўяйлик энди. Мен-ку сизнинг қанақа одамаингизни ҳам, отингизни ҳам билдим. Мен сиздек таниш ортирганимдан беҳад хурсандман, албатта. Аммо сиз мени бировга ўхшатдингизу, дурустроқ туслаб ололмадингиз. Баъзи эҳтиёткорлик сабабидан мен ўзимни танитмадим. Сиз бунга тушунасиз. Мен ўша, сиз ўхшатган кишингиз.

Урайим бахтини топган кишидай чақчақ уриб кулди.

– Йўқ, афандим, танидим. Кейин гапингизни эшитиб, танидим. Сиз ўша укамни ўқитгани олиб борганимда мени хурсанд қилган ёш муаллимсиз!

Дилшод қўлини қўксига қўйиб таъзим қилди.

– Куллақ.

Урайим, вужудига совуқ минг бир ништар бўлиб санчилаётганини ҳам сезмай, хурсанд куларди.

– Сизни бир кўришда юрагим «жиг» этди-ю, қирғизча кийимингизга қараб, йўқ, у эмас, деб ўйладим. Лекин кўнглим сезиб турувди. Қаранг!

– Шунақа, Урайим ака, ушлаб қўл сезмаган, кўриб кўз танимаган нарсани кўнгил билади, – деди Дилшод унга миннатдор тикилиб.

– Хайрият, саломат экансиз.

Дилшод энди жиддий тус олди.

– Энди мен сиздан, сиз ҳам мендан ҳайиқмасак бўлади. Бу варақани қаердан олдингиз?

Урайим иккиланмасдан жавоб берди:

– Заводда шунақа варақалар келтириб турадиган одам бор. Уста Жалол деган. Саводхон топилиб қолса, ёпишиб олиб, одамларга ўқитиб эшиттирамиз.

– Энди сиздан бир-икки илтимос бор, йўқ дема-сангиз...



– Э, йўғи нимаси, бемалол, афандим, бемалол.

– Қуллуқ. Илтимосимизнинг бири, мен билан учрашганингизни ўша уста Жалолга шипшиб, нима-ики хизмат бўлса тайёр эмиш, десангиз.

– Хўп бўлади.

Иккинчиси, ҳозир чойхонага қайтиб, одамларнинг бошларини бирлаштириш ҳаракатида бўлсангиз, токи уста Жалол қўзғалиш топшириғини олиб келганда, ҳамма бир тан, бир жон бўлиб исён кўтарсин. Биламан, қийин иш бу. Лекин қўлдан келмайдиган иш эмас.

– Ҳаракатимиз ҳам, ниятимиз ҳам шу, афандим.

Дилшод хурсанд кулимсиради.

– Қуллуқ, Урайим ака. Энди учинчи илтимосимизга бемалол бўлса, шу варақани менга берсангиз.

Урайим очилиб кулди.

– Бемалол, бемалол, афандим. Керак бўлса, яна топиб бераман.

– Қуллуқ. Энди хайр, – деди-ю, Дилшод, Урайимнинг қўлини маҳкам қисиб, Усубали жиловидан ушлаб турган отига минди. – Ҳа, дарвоқе, керак бўлганингизда сизни қаердан топамиз?

– Шу ердан, афандим. Мабодо заводда бўлсам, самоварчига айтсангиз чақириб беради.

Ҳукм ижросига ҳали тўрт кун бор бўлса ҳам, Дилшодга бу тўрт соатдай қисқа кўринарди. У йўлга чиққандан кейин тинчини йўқотиб қўйди. Унинг бу ташвишли ўйларини кўриб тургандек, Усубали худди шундан гап очди.

– Дилшод, мен яйловга қайтиб, Фулом оғайга хабар қилсам. Немине дейсан?

Дилшод суюниб кетди.

– Қани энди, айти муддао бўларди-ку, дўстим! Вақт жуда қисталанг. Бечораларни қутқазолмай



қоламизми, деб кўрқаман. Варақани Фуломжон акамга элтиб берардинг, бирон йўлини топар эди.

– Кел, бер қоғозингди.

– Ма. Тез бор. Мен Ольга Петровнани топай. Бу хунук хабарни эшитдим, йўқми, ким билади, балки беҳабардир.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам Дилшод Ольга Петровнанинг эшигини эмас, кўшниси Шаҳри холанинг дарвозасини тақиллатди. Алламаҳалдан кейин аёл товуши эшитилди.

– Ким?

– Мен, Дилшодман, Шаҳри хола, – деди суюниб у.

– Вой жонимни қоқай, Дилшоджон, бормисан, болам! Кира қол, айланай, кира қол.

Дилшод тезда қайтиш нияти бўлгани учун отини дарвозахонага қўйиб, Ольга Петровнани сўради.

– Уйида, болам. Шу топдагина келди. Ўта қол, ҳў анави дарчадан ўт.

Ольга Петровна эшикни очиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Қирғизча кийинган бу озгин, қора соқол йигитни у кўрмаган эди. Дилшод устозига ўзини ташлагиси, табаррук қўлларини ўпгиси келса ҳам, негадир, ўзини танитмай, жилмайиб турарди. Ольга Петровнанинг ҳайрон кўзларига бирдан кулги югурди, юраги қафасидан чиққудай бўлиб бўғзига тиқилди. У Дилшодни бирдан ўзига тортиб, бағрига босди.

– Дилшод! Жон болам! Хайрият, сени кўрар кун бор экан!

Ольга Петровна уни бағридан бўшатмай жаврар, борган сари овози хасталаниб, синиб борарди. Охири бу синиқ мунг пиқ-пиқ йиғи ичида йўқ бўлди.

Дилшод ҳам ўзини тутолмади. Кўнгли бузилиб ўпкаси тўлди. Яқиндагина Фуломжон Дилшодга



ибрат қилиб кўрсатган темир иродали аёл йиғларди. Дилшод уни юпатиш учун бир нима дегиси келар, лекин оғзини очса, сўз ўрнига фарёд чиқишидан қўрқаётгандек, унинг иссиқ бағридан узилолмай турарди. У яна шунинг учун узилолмас эдики, бу иссиқ бағир ўз онаси бағрининг ҳароратини, димоғига тегиб турган оппоқ, паришон сочлар, онасининг таниш, ёқимли ҳидини берарди. Лекин ўз бағрининг ҳарорати билан иситган, сочларининг ёқимли ҳиди билан димоғини яйратган меҳрибон онаси энди йўқ. У совуқдан қақраган қора тупроқ тагида! Ольга Петровна балки шу оғир жудоликни эслаб йиғлаётгандир.

– Йиғламанг, Ольга Петровна... Илтимос қиламан, – деди Дилшод, овозидаги ёшни яширишга тиришиб.

Ольга Петровна, бошини Дилшоднинг кўксидан аста кўтариб, ёшли кўзларини ундан яширди. Дилшод гап қотмади.

– Кечир, Дилшод. Юракни тўлдирган дардлар тошқиними бу, ё қариб қолдимми, ўзимга ярашмаган иш қилиб қўйдим, – деди у, хижолатдан жилмайиб.

Ольга Петровна ўзи билан овора бўлиб, Дилшоднинг ётсираганини, бегонадай мунғайиб турганини пайқамаган эди. Пайқагандан кейин эса неча замонлардан бери танасига сингиб кетган эҳтиёткорлик билан паст қичқирди.

– Вой ўлмасам, бу нима туриш?! Еч пўстинингни, болам. Ичкарига кир.

Дилшод таниш хонага кирди. Лекин бу хона бир маҳаллар Дилшод Миша билан ўйнашиб яйрашган, қувлашиб қувнашган кезлардаги сингари файзли эмас эди. Энди бу ёшлик тароватидан аллақачонлар айрилиб, жуда-жуда ҳилвираб қол-



ган қари кишига ўхшаб кетди. У ичи овғриб Ольга Петровнага қаради. Бир маҳаллар баҳор латофати уфуриб турган бу гўзал аёл ҳам, файзи кетган уйи сингари, хиёл букчайган, тириш юзлари сўлжайиб кўринди унга. Яна баттар ачишди Дилшод юраги.

– Кўриб турибман, бошинг омон. Катта давлат бу, – деди Ольга Петровна, унга яна меҳр билан тикилиб. – Лекин бу давлат қиммат тушадиган кўри-нади.

Гап нима устида кетаётганини Дилшод тушу-нар эди. Шунинг учун у ҳаяжонини босолмади.

– Наҳотки иложи бўлмаса, Ольга Петровна?!

– Иложи? – У хаёли бошқа ерларда юрган киши сингари ўйчан сўради.

– Ҳа, иложи йўқми?

– Иложини қилармиз, деб урнаб ётибмиз, Дилшод. Лекин ташкилотимиз жуда катта зарбага учради. Шундай пайтларда ўринлари жуда-жу-да йўқланадиган зарур одамларимиздан айрилиб турибмиз. Лекин... Вой, эсим қурсин, Фуломжон қалай?

– Яхши. Бугун ўрнидан туриб ташқарига ҳам чиқди.

– Хайрият. Тезда қаторга кириб қолади дегин?

Дилшод, қайдам, дегандай қилиб елкаларини қисди.

Кейин варақадан гап очди.

– Бугун қўлимга бир варақа тушди, Ольга Петровна. Хабарингиз борми? Ўлимга ҳукм қилинган дўстларимизни қутқаришга чақирган варақа экан.

Ольга Петровнанинг яхши нарсалар қилганда бошқаларга мақтанмайдиган, бошқалар билган-да эса, «ҳа, қилдик-да», деяётгандай жилмайдиган одати бор эди. Ҳозир ҳам Дилшодга шундай жилмайиб қаради. Дилшод ҳайрон бўлди.



– Варақани ёзадиган Гуломжон акам бетоб, тошбосмада кўпайтирадиган Николай Данилич турмада. Бир ўзингиз қандай эпладингиз, Ольга Петровна?

Ольга Петровнанинг юзига жиддият югурди.

– Бизнинг большевик партиямиз, – деди у, шукроналик билан, – халққа, халқнинг эзилган, мазлум қисмига суянади, яъни халқ манфаати, халқ бахту саодати йўлидаги курашида жанговар қаторларини халқнинг энг яхши фарзандлари билан тўлдириб боради. Бизнинг байроғимизга: «Битсин истибдод! Яшасин ҳуррият!» деган шиор ёзилган экан, бу ғалаба қонсиз, қурбонсиз бўлади, деган сўз эмас, албатта! Партиямиз ўзи босиб ўтган шонли йўлида жуда кўп қурбонлар берди. Агар ишчилар синфи, меҳнаткаш халқ ҳали озод бўлмаган, подшо тузуми ҳали туб-томири билан кўпориб ташланмаган экан, э-э, Дилшод, шу кунгача берган, яна берадиган қурбонларимиз бошида аза тугиб ўтиролмаймиз.

– Албатта.

– Ҳозир юраklarимизни кавлаштириб ўтирадиган замон эмас. Курашадиган, курашни бир зум ҳам бўшаштирмайдиган замон. Биримиз йиқилсак, иккинчимиз шу ўринга турмасак бўлмайди. Владимир Ильич, бизда ўринларига муносиб одамлар топилмайдиган кишилар йўқ, деган эди. Бу бежиз айтилган сўз эмас. Дилшод, сен Махсум ака деган кишини танирмидинг?

Бу кўққисдан берилган саволга Дилшод дабдурустдан жавоб қилолмади. Кейин елкаларини қисиб:

– Эшитгандайману, эслаёлмаяпман, – деди.

– Танийсан. Бир кун ўзинг уни мақтаб ҳам келгансан.



Диашод ўйланиб кетди. Кейин, эсига тушдими ё тахмин қилдими, бирдан:

– Э, э, шошманг, шаҳримиздаги бойлар масжид солдирса, мен мактаб солдираман, деб пишиқ гиштдан икки қаватли данғиллама мактаб солиб берган киши эмасми? – деди.

– Ҳа, баракалла! Ўша киши.

– Хўш?

– Ана шу киши ҳам ҳозир қаторимизда ҳисоб! Диашоднинг кўзлари олайиб кетди.

– Ие, у ахир бой-ку?

Ольга Петровна истеҳзоли қилиб жилмайди.

– Биламан, ўзига тўқ одам. Лекин бадавлат одамларнинг ҳаммаси бир қаро гўр деб, юзларига бир хил қора суртиш унча тўғри бўлмаса керак. Шуниси ҳам борки, Махсум акани Миркомил ё Тешабой ёнига қўйиб бўлмайди. У ўртаҳол киши. Ўртаҳол бўлганда ҳам маданиятга, тараққиётга интиланган, илғор фикрли киши. Маълумки, дарахтнинг яхши-ёмони мевасидан билинади. Шунга ўхшаш одамнинг яхши-ёмони ҳам қилимишидан маълум бўлади.

Диашод, ўз фикрида собит кишидек, елкаларини қисди.

– Хайр, яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди. Лекин...

– Йўқ, сен шошма, – деди Ольга Петровна, унинг сўзини бўлиб. – Мен ҳам аввалида сенга ўхшаш ишонмадим. Нимага десанг, лаънати қайнатанг билан оғиз-бурун ўпишиб юрганидан хабардор эдик. Сен қамокда эканигда, Ашурмирзони уйига чақириб, катта зиёфат берди. Унинг орқасида худди соясидай эргашиб ҳам юрди. Ҳатто Қорабулоқда, Тешабойникида ўтган бир махфий йиғинда ҳам бўлибди.



– Қанақа йигин?

– Ҳар ҳолда Тешабойникига биз йиғилмаган бўлсак керак, – деди Ольга Петровна киноя билан. Кейин Дилшоднинг юзига хижолат қизили югурганини кўриб, жилмайди. – Ашурмирзо фитначилари. Хайр, гапнинг қисқаси, касалхонада ётсам, бир маҳал ҳамшира кириб: «Сизни бир киши сўрапти. Чиқармишсиз», деди. Анча тузук бўлиб қолган эдим – чиқдим. Яхшигина кийинган, қорачадан келган, истараси иссиқ бир киши кулимсираб ёнимга келди. Тавба, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, «Сиз мени танимайсиз. Шунинг учун сўзимга ҳам, ўзимга ҳам ишонасиз деб умид қилмайман. Ахир синамаган отнинг сиртидан ўтма, деган гап бор. Шундай эмасми?» деди. Мен, албатта, ишонолмасдим. Ишонмаслик у ёқда турсин, охранка ғаламиси деб, ҳайиқишим табиий эди. Шунинг учун мени бошқа одамга ўхшатаётганини айтдим. У тагдор қилиб кулимсиради. «Майли, нима деб ўйласангиз ўйланг, бу ёғи ихтиёрингизда. Мен сиз гумон қилган ё гумон қилишингиз мумкин бўлган одамлардан эмасман. Худо сақласин. Мен бутунлай бошқа иш билан келганман. Биласиз, Фуломжон яраланган. Ҳозир ундан ёрдам кутиш қийин. Мен у кишининг ўрнини ҳоли қудрат босолмасмиканман, деб келган эдим. Мана, ўқиб кўринг, мусулмончани биласиз» – деб тахлоғлиқ бир қорғоз узатди. «Турмадаги ўлимга ҳукм қилинганлар хоотири учун олинг», деди. Бу сўзни эшитиб, юрагим чиқиб кетаёзди. Ахир турмадагилар бошидаги бу шўрдан ҳали мен беҳабар эдим! Мен ўзимни зўрға босиб олдим. «Сиз адашяпсиз. Мен нечун турмадагиларнинг хотирларини қилишим керак? Биласиз-ку, турмага одам бекорга тушмайди. Ўлимга ҳукм қилинган бўлишса ўзларидан кўришсин. Қилмишла-



рига яраша жазоларини тортаверипади. Менга нима куйгулик!» деб, қорозни олмай бурилиб кетдим. У «Мен Фуломжон ёзган варақалар тақлидида бир нарса қоралаб келган эдим. Сизга ўқитиб олиб, кейин тошбосмада кўпайтирмоқчи эдим. Афсус!» деганича қолди. Шу гапнинг эртасигами ё индинигами, Даврон ўша варақадан бир неча нусха ташлаб кетди. Махсум ака Қудрат билан гаплашибди, Қудрат маъқуллабди, шундан кейин ўзи қаердадир бостирибди ҳам, тарқатибди ҳам. Варақа бинойидек, бир нима деб бўлмади.

– Қаранг-а...

Дилшод сўзини тугатолмади. Аллақайда қарскурс ўқ отилди. Ольга Петровна дераза пардасини қайириб кўчага қаради. Отишма шаҳар марказидан келар, дам сайин кучайиб борарди.

Ольга Петровна ғалати бўлиб Дилшодга қаради.

– Нима бало, Махсум ака варақани тарқатиб кўйиб, энди ўзи турмага ҳужум бошладимми-а? Қулоқ сол-а, ўқ овози турма томондан келяпти.

Иккаласи жим туришиб қулоқ солишди. Ҳақиқатан, қасира-қусур ўша ёқдан келаётган эди. Ольга Петровна апил-тапил пальтосини эгнига ташлаб ташқарига югурди. У даҳлиз эшигининг қулфини шарақлатиб оча бошлаганда, биров кўчадан деразани қаттиқ тарақлатиб қолди. Дилшод деразага югурди. Кимдир ташқаридан ҳаяжон билан қичқирарди:

– Ольга Петровна, подшо йиқилади! Тез бўлинг, тез! Мана телеграмм!

Дилшод деразадан узилиб Ольга Петровна орқасидан чопди. Юраги қинидан чиқар, ҳаяжони қичқиртирар эди:

– Ольга Петровна! Подшо йиқилибди! Инқилоб! Инқилоб!!!

Улар орқа-кетин ҳалпиллашиб кўчага югуришди.
Эшик дамбали эди, уни очгунча кўчадаги овоз яна шошилтирди:

– Очинг, Ольга Петровна! Менман, Махсум акаман! Яшасин хуррият! Яшасин истиқлол!! Ура!!!

Эшик очилиши билан у ўзини Ольга Петровнага ташлади. Энди учаласи бир-бирига навбат бермай қичқиришар эди:

– Яшасин хуррият! Яшасин инқилоб!! Ура, Ольга Петровна! Ура!

Кўчанинг у юзида, нарисиди ҳам, берисиди ҳам айна қичқириқ, айна шодлик янграрди.

Ольга Петровна потирлаб сўради:

– Қаердан билдингиз, Махсум ака?! Айтинг тезроқ, айтинг!

Махсум ака кўлидаги қоғозни узатди.

– Мана телеграмм! Нусхаси. «Эхо» газетининг муҳаррири берди. У бош бўлиб, ҳозир ҳоким маҳкамасини ўраб турибди. Отишаётганини эшитма-япсизми? Тез юринг, Ольга Петровна, тез!

Ольга Петровна чинакамига шошиб қолган эди.

– Дилшод, сен Фуломжон олдида чоп! Усубалини Қудратга юборинглаар. Тонг ёришмай ҳамма қуролланиб келсин! Чоп, болам!

Дилшод отга қамчи босди. Қирғиз жийрони туёқлари теккан жойлардаги қорларни сачратиб, тош йўлда учиб борар, Дилшод эса шодлик ҳаяжони билан овозининг борича қичқирар эди:

– Яшасин хуррият! Яшасин инқилоб! Яшасин! Яшасин!..

Ольга Петровна уйи очиқ қолганини ҳам, боши яланглигини ҳам унутиб, Махсум ака билан қаёққадир югургандай тезлаб борарди.

– Махсум ака, уста Жалолни биласизми? – деб сўради у, ҳарсиллаб, ҳаллослаб бораётган ҳолида.

– Биладан, биладан, Симхай заводида ишлайди.

– Тез боринг, воқеани айтинг. Одамларини, иложи бўлса маҳалласидаги камбағалларни тонг ёришмай намойишга бошлаб чиқсин.

Махсум ака ён кўчага, Ольга Петровна олдинга югурди.

Энди икки хўроз чақирган пайт, ҳамма ёқ қоп-қора зулмат эканига қарамай, кўчаларда машғаллар, одамлар тўлиб борар, ҳамма ёқда: «Подшо йиқилди! Яшасин хуррият! Яшасин озодлик! Урра! Урра!» садолари гурлар эди. Ольга Петровна комитет аъзоларидан иккитасини уйларида топиб, иккаласини икки томонга югуртирди. Тонг тиф ургунча, бутун инқилобчиларни, инқилоб кучларини оёққа турғизди. Субҳидам ғира-ширасида яйловдан Зулфиқор ота йигитлари қинларидан суғурилган қилчлардай ярқираб кириб келишди. Булар олдида Фуломжон, Зулфиқор ота, Жамолиддин, Дилшод от кўйиб келарди. Шаҳар даҳаларидан унинг атрофларидаги қишлоқлардан қичқиришиб, ҳайқиришиб келаётган одамларнинг ҳисоби йўқ эди. Мана, Қорабулоқ томондан Қудрат, Замон, Даврон, Усубали кўлларида қизил байроқ, орқаларида завод ишчилари, қишлоқ фақирлари отларини тасирлатиб келишди. Махсум ака, Турдимат, уста Жалол, Урайимлар ҳам одамлари билан оломон ичида...

Фуломжонлар, Қудратлар, Урайимлар қизил, яшил, оқ байроқлар остида тўлқинланиб, ҳайқириб оқаётган шовқинли оломон наҳрига қуйилганларида, ҳали тонг баралла отмаган, фақат шафағигина фарб осмони этакларида оловлана бошлаган эди.

1958 – 1965 йиллар

Иккинчи китоб тамом

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТУРНАЛАР ҚАЙТГАНДА

Биринчи боб. Гул гунчалигида хазон бўлди	3
Иккинчи боб. Баҳор нашидаси	10
Учинчи боб. Мактуб.....	19
Тўртинчи боб. Маслаҳат	30
Бешинчи боб. Тешабой ҳарами.....	36
Олтинчи боб. Гўдак қонида ювилаган қўл	46
Еттинчи боб. Завод	49
Саккизинчи боб. Ҳасрат кўнгила доғини ювармиш ...	57
Тўққизинчи боб. Кичкина деманг бизни.....	63
Ўнинчи боб. Оббо, азамат!.....	77
Ўн биринчи боб. Катта байрам.....	80
Ўн иккинчи боб. Йўлда.....	92
Ўн учинчи боб. Ғарибхонада	97
Ўн тўртинчи боб. Ари уясига чўп суқилди	108
Ўн бешинчи боб. Дўстлар гурунги	121

ИККИНЧИ ҚИСМ

ҚОРА ОТЛИҚ

Биринчи боб. Тўй тараддуди.....	133
Иккинчи боб. Мана, тўтиқуш қандай бўлар экан ...	141
Учинчи боб. Балки қўшалок бўлар	151
Тўртинчи боб. Юрак жоми синди	162
Бешинчи боб. Чораси борми?.....	174
Олтинчи боб. Биринчи шапалоқ	185
Еттинчи боб. Тергов	194
Саккизинчи боб. Дард устига чипқон.....	200
Тўққизинчи боб. Гаврон	205
Ўнинчи боб. Тўрахон	217
Ўн биринчи боб. Тиш табиби.....	224
Ўн иккинчи боб. Азроиллар	234

Ўн учинчи боб. Ашурмирзо чиндан ҳам пушаймонми?.....	244
Ўн тўртинчи боб. Сафсар конверт	253
Ўн бешинчи боб. Жандарм турмаси.....	263
Ўн олтинчи боб. Тўтиқиз қаерда?.....	270
Ўн еттинчи боб. Жодугар.....	281
Ўн саккизинчи боб. Яна қора отлиқ.....	288
Ўк тўққизинчи боб. Тўтиқиз.....	295
Йигирманчи боб. Тириклар гўрида	305
Йигирма биринчи боб. Пичоқ суякка етганда	313
Йигирма иккинчи боб. Талоқ хати	321
Йигирма учинчи боб. Кашмир моллари мағозаси... ..	333
Йигирма тўртинчи боб. Қор элаб турган кечада	337
Йигирма бешинчи боб. Ит калласи товоқда.....	358
Йигирма олтинчи боб. Муштипарлар.....	371
Йигирма еттинчи боб. Яна бир муштипар.....	376
Йигирма саккизинчи боб. Ким экан қора отлиқ? ...	384
Йигирма тўққизинчи боб. Фазаб турғени	394
Ўттизинчи боб. Қашқир улуши.....	406
Ўттиз биринчи боб. Дод дастингдан!	418

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТОНГ ШАФАҒИ

Биринчи боб. Қалб яраси битмас эмиш	436
Иккинчи боб. Она ҳидини қидириб	446
Учинчи боб. Севганидан айрилган туллар бор	453
Тўртинчи боб. Ўлимни енгган ўлим	468
Бешинчи боб. Тонг шафағи.....	482

38260

84 (54)

11-81



Мирзакалон

ИСМОИЛИЙ

1931 йили советларга қарши тўғарак ташкил этишда айбланиб қамалган Мирзакалон Исмоилий урушдан кейин ҳам Сталин замонининг иккинчи репрессиясига учраб, ҳибсга олинди. Қамоқ муддатини, аниқроғи, тўрт йилу тўрт ойни Қарағанданинг шахталарида ўтади. Айнан шу даврда, шу қамоқда «Фарғона тонг отгунча» романининг биринчи китоби – «Қаър гулдуриси»ни ёзди. Китоб, адиб оқлангач, 1958 йили нашр этилди. «Фарғона тонг отгунча» романининг иккинчи китоби – «Сўнгги кеча» 1967 йили чоп этилди. Ёзувчи асарнинг биринчи китобини қамоқда ёзган бўлса-да, қолганларини ҳам хаёлда пишитиб чиққан. Иккинчи китобнинг охирида келадиган Тўтининг Дилшодга мактуби айнан қамоқхона дафтарига, яъни сиёсий машғулот дафтарига ёзилган...



ЎНГИ АСР АВЛОДИ



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-661-8



9 789943 206618